

74.400.5

74

К -35

А. В. Кенеман, Д. В. Хухлаева

226 2 51

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ
ЁШИДАГИ БОЛАДАРНИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАЦ
НАЗАРИЯСИ ВА
МЕТОДИКАСИ

20.11.06 neg 61
506001201 page 139



74.100.5

74
А. В. КЕНЕМАН, Д. В. ХУХЛАЕВА


K - 35

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

СССР Маориф министрлиги педагогика институтларининг студентлари учун „Мактабгача тарбия педагогикаси ва психологияси“ ихтисоси (№ 2110) буйича дарслерлик сифатида тавсия этган

Тузагилган ва тулдирилган учинчи нашридан таржима

ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 1988



Дарслик педагогика институтларининг амалдаги программасига мувофиқ ёзилсан ва уч қисмдан иборат: „Жисмоний тарбия назариясинин умумий масалалари”, „Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси ва методикаси”, „Тарбиячи ва методистларнинг жисмоний тарбия бўйича малакасини ошириш”. „Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия методикаси” курсидан педагогика билим юртлари учун ўқитувчилар тайёrlаш.

К 35

Кенеман А. В., Хухлаева Д. В.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси ва методикаси: Пед. ин-т студ. учун „Мактабгача тарбия педагогикиси ва психологияси“ ихтисоси № 2110 бўйича дарслик.—3- гузатилган ва тулдирилган нашр. тарж.—Т.: Ўқитувчи, 1988.—292 б.

I. Автордош.

Кенеман А. В., Хухлаева Д. В. Теория и методика физического воспитания детей дошкольного возраста: Пособие для воспитателей дет-сада.

ББК 74.100.5

K 4305000000 — 293
353 (04) 88 69—88
ISBN 5—645—00050—1

© „Просвещение“, 1985 г.
© Ўзбек тилига таржима,
„Ўқитувчи“ нашриёти, 1988 й.

СҮЗ БОШИ

Педагогика институтларининг мактабгача тарбия факультетларида кенг профилдаги мутахассислар: инспектор-методистлар, болалар муассасаларининг мудиралари, педагогика билим юргарининг ўқитувчилари тайёрланади. Уларнинг барчаси ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларини ҳал этишида қатнашишга да ваг этилганdir.

Педагогика институтларини битирувчилар методик, ўқитувчилик ва ташкилотчилик ишлари учун зарур бўлган назарий билимлар ва амалий кўнимкамаларни эгаллашлари зарур.

Педагогик таълимнинг ғоявий йўналиши КПСС Программаси, СССР Конституцияси, КПСС съездлари, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорлари каби муҳим партиявий ва давлат ҳужжатларига биноан белгиланади. Ёш авлодни ҳаётга ҳамда социалистик Ватан фаровонлиги йўлида меҳнат қилишга тайёрлашда умумий таълим ва ҳунар мактаблари ислоҳоти катта аҳамиятга эга. Унда ўз тарбияланувчиларини мактабда муваффақиятли ўқишга тайёрлашга даъват этилган мактабгача тарбия муассасаларига катта ўрин ажратилган. Болаларни мактабга тайёрлаш боланинг жисмоний, психик ҳамда ахлоқий-иродавий кучини жалб этишин талаб қиладиган, узоқ давом этадиган ва мураккаб жараёндир. Мактабгача тарбия ёшндан болаларни жисмоний тўғри тарбиялаш болалар бοғчаларни педагогларининг бош вазифаларидан биридир.

Студентларни келгусидаги шундай фаолиятга тайёрлаш учун мактабгача тарбия факультетларининг ўқув планида «Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси ва методикаси» курси кўзда тутилган. Мазкур дарслик ушбу курсни яхши ўзлаштириш мақсадида яратилди.

Дарслик амалдаги программага мувофиқ ёзилган. У уч қисмдан иборат. «Жисмоний тарбия назариясининг умумий масалалари» деб аталган биринчи қисмда жисмоний тарбия назариясининг предмети — совет жисмоний тарбия системаси ёритилади. «Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси

ва методикаси» деб аталмиш иккинчи қисмда конкрет ёш босқиңидаги болалар жисмоний тарбияси назариясининг предмети очиб берилади; жисмоний тарбия вазифалари, воситалари асосла-нади, илк ва мактабгача ўшдаги болаларниң ривожланиш хусу-сиятлари, таълим ва тарбиясининг асослари, жисмоний тарбия машқларига ўргатиш, ҳаракатли ва спорт ўйинларини ўтказиш методикаси, болалар боғчасида жисмоний тарбия ишини ташкил этиш формалари (физкультура машғулотлари, эрталабки гимнастика ва бошқалар), планлаштириш ва ишни ҳисобга олиш, мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия ва медицина назорати ишини ташкил этиш каби масалалар ёритилади. Учинчи қисмда жисмоний тарбия бўйича инспектор-методистнинг иши ва педагогика билим юртларида ўқитиладиган «Мактабгача тарбия муас-сасаларида жисмоний тарбия ўқитиш методикаси» курсини ўтиш методикасига характеристика берилади.

Дарслеркка унинг қайта ишланган, кейинги йиллардаги тад-қиқотларга оид хулосалар, шуннингдек, илгор муассасалар иш на-тижалари билан тўлдирилган олдинги (1978 й.) нашри асос қи-либ олиниди.

Дарслеркниң тузилиши асосан сақлапган, бироқ унга айрим ўзартишлар ҳам киритилган.

Чунончи, иккинчи қисмдаги «Илк ўшдаги болаларниң жисмо-ний тарбияси» темаси алоҳида боб қилиниб, «Жисмоний тарбия жараёсина таълим ва ривожланиш асослари» бобидан сўнг бе-рилди; «Қоидали ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинлари» бобига «Кичкунтойларниң ҳаракатли ўйинларига тарбиячишинг ижодий раҳбарлиги» деган параграф (6) қўшимча қилинди. «Мактабгача тарбия ўшидаги болаларда жисмоний сифатларин тарбиялаш ме-тодикаси» параграфи (7) «Жисмоний тарбия жараёсина таълим ва ривожланиш асослари» бобига кўчирилди.

Дарслеркниң учинчи нашри Ленин орденли ва Мехнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номидаги Москва Давлат педагогика институтининг доценти А. В. Кенеман; Москва Давлат сиртқи педагогика институтининг доценти Д. В. Хухлаева; СССР Соғ-лиқни сақлаш министрлигига қарашли Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими Г. П. Юрко ҳамда В. И. Ленин номидаги Москва Давлат педагогика институти доценти Э. Я. Степаненковалар иштирокида тай-ёрланди.

Ўқув қўлланманинг биринчи қисмидаги I—II боблар — Д. В. Хухлаева; иккинчи қисмдаги I боб — А. В. Кенеман, II—III — Д. В. Хухлаева; IV ва VI — Г. П. Юрко; V, VIII, X — А. В. Кене-ман, VII — А. В. Кенеман ва Г. П. Юрко, IX ва XI — Д. В. Хух-лаева, XII — Д. В. Хухлаева ва Г. П. Юрко; VIII бобининг 6-па-раграфи — Э. Я. Степаненкова; учинчи қисмнинг I боби — А. В. Кенеман, II — Д. В. Хухлаева томонидан ёзилган.

БИРИНЧИ КИСМ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИННИГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

БИРИНЧИ БОБ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИННИГ ПРЕДМЕТИ

1-§. Жисмоний тарбия назариясининг предмети ва асосий тушунчалари

Жисмоний тарбия назарияси инсон жисмоний камолотини бошқаршигининг умумий қонунлари ҳақидаги фандир. Назарияни әгаллаш жисмоний тарбиясининг барча бүгиларига тегишли конкрет масалаларини қараб чиқишга тұғри ёндашиш имконини беради.

Совет жисмоний тарбия назарияси совет жисмоний тарбия системасининг мақсади, вазифалари, хусусиятлари, принципларини үрганади, жисмоний тарбиясиниг коммунистик тарбиянинг бошқа томонлари — ақлий, ахлоқий, эстетик ва меңнат тарбияси билән алоқасини очиб күрсатади. Бунда жисмоний тарбия воситаларини үрганишга, жисмоний машқларга үргатиш принципларини, усул ва методларини очишга, ҳаракат күнікмаларини шакллантиришга ва жисмоний сифатларни ривожлантиришга, спорт тренировкасининг умумий асосларини ишлаб чиқышга, жисмоний машқлар билән үтказиладиган машғулоттар турли формаларининг методикаси (физкультура машғулотлари, әрталабки гимнастика, ҳаракатлы үйин ва бошқалар) га, шунингдек, жисмоний тарбия ишини планлаштириш ва ҳысебга олишга катта әзтибор берилади. Бундан ташқари, мактабгача ёшдаги, мактаб ёшидаги, катта ёшли болалар, катталар ва кекса кишилар жисмоний тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари күрсатилади.

Совет жисмоний гарбия назарияси коммунистик қурилиш амалиёти билән доимо биргаликда ривожланади. У илмий тадқиқоттар, мамлакатимиз ва социалистик ҳамкорлик мамлакатларыда әрнешелгән илғор практикадан, үтмишдаги прогрессив тажриба ва замонавий жағон фанидаги барча яхши нарслардан фойдаланади.

Жисмоний тарбия назарияси практиканы ягона назарий асослар билән қороллантиради ва бу билән уннинг янада такомплиашышишга ёрдамлашади.

Жисмоний тарбия назариясда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланылади: жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёрлігі, жисмоний камолот, жисмоний тарбия, жисмоний тайёрғарлар, жисмоний таълим, жисмоний машқлар, спорт, жисмоний ма-

даният, физкультура ҳаракати ва бошқалар. Бу тушунчаларни ўзмаштириш студентларга маҳсус адабиётларни тушуниш, ёзма ишларни саводли бажариш, шунингдек, улардан болалар ва каталар билан мумалада фойдаланиш имконини беради.

Ҳозирда ишлатиладиган тушунчалар жамияг тарихий тараққаётининг турли даврларида вужудга келган. Улар мазмунни жисмоний тарбия ҳақидаги фанинг ривожланиши ва унинг амалда құлланишига күра кенгайиб ва аниқланиб бермоқда. Мазкур бобда фақат асосий тушунчаларгина күриб чиқылади, чунки уларсиз «Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялаш методикаси ва назарияси» курсини ўрганишга киришиб бўлмайди; бошқа тушунчалар таърифи уларга тегишли темаларни баён этишда келтирилади.

Жисмоний ривожланиш — бу киши организми форма ва функцияларининг ўзгариш жараёнидир. «Жисмоний ривожланиш» термини тор маънода құлланилади, бунда у антропометрик ва биометрик кўрсаткичларни англатади, чунончи: бўй, гавда оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси, ўпкаларнинг тириклик сифими, умуртқа поғонаси эгиклигининг даражаси, қадди-қоматнинг ҳолати, курак учлари орасидаги масофа, товон гумбази ўлчовининг кўрсаткичи, унг ва чап панжка мускуллари кучи, тик турда олинш кучи ва бошқалар. «Жисмоний ривожланиш» терминини кең маънода құллаганда унга жисмоний сифатлар (тезкорлик, өпчиллик, эгилувчанлик, мувозанат сақлай олиш, кўз билан чамалаш, куч, чидамлилик) ҳам киритилади.

Жисмоний тайёрлиги — бу ҳаракат қўнималари, малакалари, жисмоний сифатларнинг «Меҳнатга ва СССР мудофаасига тайёр» Бутуниттифоқ физкультура комплекси ва Ягона Бутуниттифоқ спорт класификацияси (спорт разрядлари ва уйрон) талаблари ва нормалари билан белгиланадиган ривожланиш дарајасидир.

Мактабгача ёшдаги болалар учун барча асосий жисмоний машқ турлари бўйича норматив кўрсаткичлар ва уларни бажарини сифатига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқылган. Улар «Болалар боғчасида таълим ва тарбия программаси»да кўрсатиб берилган.

Жисмоний камолот — бу жисмоний ривожланишнинг тарихан шаклланган даражаси ва соғлиқнинг, ҳаётга, меҳнатга ва Ватан ҳимоясига ҳар томонлама жисмоний тайёрланганликнинг энгюзори босқичидир.

Партияниң дастуриламал ҳужжатларида жисмоний камологга совет қишисининг ҳар томонлама ривожланганлик белгиларидан бирни сифатида қаралади. Дарҳақиқат, коммунизм қурувчиси ҳар томонлама мукаммал бўлиши ва шунга интилиши даркор.

«Жисмоний камолот» тушунчаси белгилари ўсиб борадиган ижтимоий эҳтиёжлар — ишлаб чиқариш, шунингдек, кишилар эҳтиёжининг ўсишига қараб ўзгариб туради. Ҳар бир тарихий

давр ўзининг жисмоний камолот даражаси билан характерланади. Жамият барча аъзолари жисмоний камодотининг энг юқори даражасига қуллик ва эксплуатациядан озод қилинган мамлакатлардагина эришиш мумкин. Бизнинг мамлакатимизда ва бошқа социалистик давлатларда инсониятнинг шахснинг интеллектуал, маънавий ва жисмоний жиҳатдан гармоник камолотга эришуви ҳақидаги орзуси руёбга чиқмоқда.

Жисмоний тарбия — коммунистик тарбиянинг таркибий қисми. Бу жисмоний камолотга эришишга йўналтирилган педагогик жараёнлар. Жисмоний тарбия жараёнида ақлий, ахлоқий, эстетик тарбия ва меҳнат тарбияси амалга оширилади.

Жисмоний тайёргарлик — бу жисмоний тарбиянинг профессионал йўналғанигидир (актёр, учувчи, космонавт ва бошқаларнинг жисмоний тайёргарлиги). У конкрет касб хусусиятига кўра ўтказиладиган жисмоний машқларнинг вазифалари, воситалари, ўтказилип методикасининг спецификаси билан характерланади.

Жисмоний таълим — жисмоний тарбиянинг маҳсус билимлар, ҳаракат кўнинма ва малакаларини эгалашдан иборат бир тури.

Жисмоний машқлар — ҳаракатлар, ҳаракат фаолиятлари, шунингдек, ҳаракат фаолиятининг мураккаб гурлари (ҳаракагли ўйинлар) бўлиб, улар жисмоний тарбия вазифаларини ҳал этиш учун восита сифатида танлаб олинган. «Машқ» термини ҳаракат фаолиятини бир неча бор тақрорлаш жараёнини ифодалаш маъносига ҳам қўлланилади.

Ҳаракат фаолияти деб характерли компоненти киши ҳаракат аппаратининг активлиги ҳисобланадиган барча фаолиятга айтилади.

Спорт — бу мусобақа жараёнида намоён бўладиган, у ёки бу жисмоний машқ турида энг юқори натижага эришишга йўналтирилган маҳсус фаолиятдир.

Жисмоний маданият — умумий маданиятнинг бир қисми, жамиятнинг ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида тўпланган инсон жисмоний камолоти соҳасидаги моддий ва маънавий бойликлари мажмуасидир. Моддий бойликларга: спорт иншоотлари (стадионлар, спорт заллари, бассейнлар ва ҳ. к.), физкультура жиҳозлари, инвентарь, маҳсус кийим, пойабзal, шунингдек, кишиларнинг жисмоний камолот даражаси (бунга уларнинг спорт соҳасида эришган ютуқлари ҳам) киради. Маънавий бойликларга эса жисмоний тарбия ҳақидаги фан ва санъат асарлари (адабиёт, ҳайкалтарошлик, ранг-тасвир, графика, музика ва бошқалар) мансуб.

Физкультура ҳаракати — ижтимоий ҳаракатнинг ўз олдиға аҳоли жисмоний тарбияси даражасини ошириш ва спортни ривожлантиришга ёрдам беришни мақсад қилиб қўйган маҳсус тури. У давлат, жамоат ташкилотлари ва ҳалқ оммасининг физкультура ва спортни ривожлантириш соҳасидаги мақсадга йўналтирилган фаолиятини кўзда тутади. Совет физкультура-ҳаракати —

идеология ишининг тармоқларидан бири. Мәҳнақашлар оммасини КПСС раҳбарлиги остида амалга ошириладиган коммунизм қурувчисининг юксак ахлоқий принциплари руҳида тарбиялаш ишн физкултюра ҳаракатини бошқариүнинг мухим вазифасини ташкил этади.

2- §. Жисмоний тарбия назариясининг фанлар системасидаги ўрни

Жисмоний тарбия назарияси ижтимоий, табиий ва педагогик фанлар билан боғлиқдир.

Совет жисмоний тарбия назариясининг идеологик асоси марксизм-ленинизм таълимоти ҳисобланади. К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин коммунистик тарбия мақсадини-инсонни ҳар томонлама ривожланитириш, уни меҳнат ва Ватан ҳимоясига тайёрлашни илмий асослаб бердилар. Жисмоний тарбия коммунистик тарбиянинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Илмий коммунизм асосчилари тарбиянинг вужудга келиш сабабларини кашф қилдилар ва унинг социал-иқтисодий шароитга, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши хусусиятларига, ҳукмроҳ синфлар сиёсатига боғлиқлигини кўрсатиб бердилар. Синфий-антагонистик жамиятга жисмоний тарбиянинг ягона давлат системаси бўлиши мумкин эмас. Фақат Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейингина гарбияни Маркс, Энгельс, Лениннинг меҳнаткашларни жисмоний ва маънавий қобилиятларини ҳар томонлама ривожланитириш ҳақидаги таълимоти асосида амалга ошириш ва жисмоний тарбиянинг ягона совет системасини яратиш мумкин бўлди.

Марксизм-ленинизм жисмоний тарбия назариясини билиш методи билан қуроллантиради ва мақсадга йўналтирилган таълим, тарбия, ривожланишнинг қонуниятларини чуқур ўрганиш имконини беради.

Жисмоний тарбия назариясининг илмий-табиий асоси илмий фанлар комплекси (анатомия, физиология, гигиена, биохимия, биомеханика ва бошқалар)дан таркиб топади. Бу комплексда И. М. Сеченов ва И. В. Павлов таълимотлари, шунингдек, ҳаракат қўниқмаларини шакллантириш ва жисмоний сифатларни ривожланитириш, таълим ва тарбия жараёнини тўғри қуриш қонуниятларини тушуниш имконини берадиган олий нерв фаoliyиги ҳақидаги замонавий тадқиқотлар мухим ўрин эгаллайди.

Табиий фанлар соҳасида эришилган янги ютуқлар жисмоний тарбия назарияси томонидан жисмоний машқуларни ўргатиш методи воситалярни ташлашни асослаш, қўйилган вазифаларни ҳал этишининг самарали методикасини ишлаб чиқиша фойдаланилади.

Жисмоний тарбия методикаси педагогик фанлар системасига киради ва у психология ва педагогика, айрим спорт турлари

назарияси ва методикаси (гимнастика, енгил атлетика, чанги, коңык, спорт үйинлари, сузиш ва бошқалар) билан чамбарчас бөгланган. Қишининг ёш ва индивидуал психологик хусусиятлари (тасаввур, хотира, тафаккур ва бошқалар)ни билиш таълим ва тарбия усулларини түгри танлаш ва жисмоний машқлар билан шуғулланыш жараёнида юқори натижаларга эришиш имконини берали. Жисмоний тарбия назарияси жисмоний машқлар билан машгулолг үтказиш методикасини асослашда педагогика фани ишлаб чиққан дидактик принципларга, таълим ва тарбияниң метод ва усулларига таянади.

Жисмоний тарбия назарияси шуғулланувчиларнинг турли составига таълим бериш ва улар билан машгулот үтказиш методикасини ишлаб чиқинида айрим спорт турларининг умумий ва специфик қонуниятларини хисобга олади. Хуллас, айрим спорт турлари (chanги, коңык, сузиш ва бошқалар)га онд тадқиқотлар мактабгача ўшдаги болалар билан машгулотлар үтказиш методикасини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

3-§. Жисмоний тарбия назариясида тадқиқот методлари

Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси ўрганидиган масалалар доираси кенг. Шунинг учун тадқиқот олиб боришида фақат педагогик методлар эмас, балки аралаш фанлар — социология, психология, физиология, биохимияда ва врач назоратида фойдаланиладиган методлар ҳам қўлланилади. Жисмоний тарбия назариясида назарий таҳлил ва умумлаштириш, педагогик текширув ва тажриба методларидан фойдаланилади.

Назарий таҳлил ва умумлаштириш методлари. Ҳар қандай тадқиқот адабий манбаларни ўрганиш, таҳлил ва умумлаштиришдан бошланади. Бунинг учун тадқиқотчи библиография билан танишади ва узинга таҳлил қилиш учун зарур адабий манбаларни танлаб олади, сўнг уларни ўрганиш планини тузади, ёзиб олиш ва таҳлил қилиш методикасини ўйлаб олади.

Назарий тадқиқотлар учун бу методнинг ўзи кифоя қилиши мумкин. Шу тариқа жисмоний тарбия назариясининг у ёки бу масаласига қарашлар қай тарзда ривожланиб борганини кузатиш мумкин (масалан, физкультура машгулотлари тузилишининг конкрет тарихий шароитларга кўра ўзгариб туриши).

Экспериментал тадқиқотлар учун адабиётларни ўрганишда қайси масалалар ўрганиб чиқилган, улар қай даражада ёритилган ва улардан қайслари янада асосланишини ва тажрибада сиаб куришни талаб қилишини аниқлаш зарур.

Жисмоний тарбия назариясига онд кўплаб муҳим маълумотларни мактабгача тарбия муассасалари ходимлари тузган турли ҳужжатларни анализ қилиш пайтида топиш мумкин (масалан, ҳафталик иш плани, физкультура машгулотлари, эрталабки гим-

настикা, ҳаракатли ўйинларнинг план-конспектлари, педагогика советларининг протоколлари ва бошқалар). Бу хужжатларни таҳлил қилиш чогида аниқланган маълумотлар ишчи гипотеза сифатида (экспериментал тадқиқотларнинг назарда тутиладиган натижалари) фойдаланилиши мумкин.

Фактларни йиғиша анкета ва сўроқ варақаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Анкеталарда саволлар «ҳа» ёки «йўқ» деган қисқа жавоблар олинидиган қилиб қўйилади. Сўроқ варақаларидаги жавоблар батафсил тарзда келтирилади, масалан, кишининг ёши, иш стажи, маълумоти, жисмоний машқлар билан шуғулланиш шароитининг характеристикиси ва бошқалар. Ҳар икки ҳолда ҳам жавоблар ёзма бўлиши лозим. Анкеталар ва сўроқ варақалари кўпроқ тадқиқотнинг бошланишида қўлланилади ва улар ёрдамчи аҳамиятга эга бўлади.

Тадқиқотчани қизиқтирган материаллар олдиндан ишлаб чиқилган план бўйича ўтказиладиган сұхбат вақтида ҳам йиғилиши мумкин. Саволлар бемалол берилиши ва атрофлича жавоб олинидиган тарзда бўлиши керак. Масалан, тарбиячи боладан: «Сен тўғри тура оласанми? Қандай туришин кўрсат-чи. Қани энди айт-чи, қандай қилиб тўғри туриш керак?» деб сўрайди ва ҳоказо.

Педагогик тадқиқот методлари. Бу гуруҳдаги методлар ўз ичига педагогик кузатишларни олади. Кундалик тадқиқотлардан фарқли ўлароқ у маҳсус ташкил этилади, аниқ қўйилган вазифага, ўзининг аниқ белгиланган кузатиш предметига, шунингдек, кузатиладиган фактларни ҳисобга олиш системасига эга бўлади. Бунда тадқиқотчи педагогик жараённинг боришига аралашмайди. У кузатишни ўтказиш планини олдин ишлаб чиқади. Бу планда фактларни тўплаш изчиллиги, уларни ҳисобга олиш ва ишлаб чиқиш системаси (ёзиб олишдаги шартли белгилар ва бошқалар) кўрсатилади. Бундан ташқари кузатув натижасида тасдиқланадиган ёки инкор этилиши керак бўладиган ишчи гипотезаси аниқлаб олинади. Кузатиш танланган, конкрет (масалан, тушунтиришлар, кўрсатмалар характери, жисмоний машқларнинг бажарилиши сифати ва бошқалар) бўлиши лозим.

Педагогик кузатишнинг афзаллиги шундан иборатки, у объектларни табиий шароитларда ўрганиш имконини беради. Бунда фактлар объектив бўлиши ва тадқиқотчининг шахсий сифатларига боғлиқ бўлмаслиги керак. Кузатишлар жараёнида кузатиладиган нарсани аниқ қайд этиш методидан фойдаланиш зарур. Масалан, ҳаракат техникасини қайд этиш учун фотосъёмка, киносъёмка, циклография, видеомагнитофон ёзуви ва бошқалардан фойдаланилади. Ҳаракатнинг айrim параметрларини қайд этиш учун эса турли аппаратлар (кучни ўлчовчи, динамометр ва бошқалар) кўлланилади. Хронометрик методи билан эса жисмоний машқларни, у ёки бу ҳаракатларни бажаришга сарфланадиган вақт, шунингдек, бутун машғулот ёки унинг айrim қисмлари да-

вомиңлиги аниқланади. Хронометраж хронометрлар, құл секундомерлари ва бошқа асблолар ёрдамда үтказилади. Тарбиячининг нутқи стенография қилиш, магнит ёзуви йўли билан қайд этаб борилади. Кузатишлар натижалари журнал, кундалик, протоколларга ёзиб қўйилади.

Кузатув жараёнида қайд қилинаётган маълумотларга дасглаб баҳо бериб бориш зарур. Уларни ишлаб чиқаётганда тасодифий фактлар бартараф қилиниши, қонуниятлари топилиши, умумлашмалар қилиниб, холосалар чиқарилиши лозим. Фактлар ўрганилаётган ва умумлаштирилаётганда улар етарли ёки бир-бирига зид бўлиши ва узил-кесил холосалар чиқариш учун асос бермаслиги мумкин. Бундай ҳолда кузатишлар давом эттирилиши керак. Такрорий кузатиш чогида олинган маълумотлар асосида аввал чиқарилган холосалар шубҳа остига олиниши ва энг олдинги гипотезага, кузатишни ташкил этишга тузатишлар киритилиши мумкин.

Кузатиш ўз соғлиғи, ахволини кузатиш характеристидаги ўз-ўзини назорат қилиш формасида бўлиши мумкин. Ўз-ўзини кузатиш жисмоний машқлар билан шуғулланиш жараёнида ҳам, улардан сўнг машқларпинг организмга таъсирини ўрганишда ҳам қўлланилади. Бунда факат субъектив сезгиларгагина эмас, балки объектив маълумотлар: пульс кўрсаткичи, қон босими ва бошқаларга ҳам қараб иш тутиш лозим. Ўз-ўзини кузатиш маълумотлари маҳсус кундалика ёзиб қўйилиши ва таҳлил қилиниши керак.

Экспериментал методлар. Типик шароитларнинг ўзгариши даражасига кўра табиий ва лаборатория эксперименти фарқ қилинади.

Табиий экспериментда машғулотлар одатдаги шарт-шароитдан четга чиқмасдан үтказилади, агарда четга чиқилса, жуда кам бўлади.

Лаборатория эксперименти маҳсус шароит яратишдан ва бошқа таъсиrlарни бартараф қилиш, тасодифий ҳолларга чек қўйиш ва зарур материални йиғишини тўхтатмасликдан иборат. Бундан ташқари эксперимент олиб борувчи ҳодисалар ўтасидаги алоқалар сабабини аниқ очиш мақсадида шароитни ўзгариши мумкин. Зарур ҳолларда, масалан, фактлар етарли бўлган тақдирда, экспериментни такрорлаш мумкин.

Экспериментлар муайян фактлар ёки боғлиқликларни аниқлаш — абсолют (мутлақ) экспериментга эришиш мақсадида ҳам үтказилиши мумкин.

Айрим экспериментларнинг мақсади кўрсаткичларни (жисмоний тарбия воситаларининг самарадорлиги, таълим усуллари ва бошқалар) қиёслашга қаратилган. Бундай экспериментлар қиёсий деб аталади.

Эксперимент үтказишдан олдин вазифаларни аниқлаб олиш ва тадқиқот планини тузиш, ишчи гипотезани тузиш, эксперимент

машғулотлари методикасими, фактларни қайт этиш ва қайта күриб чиқиши методикасими ишлаб чиқыш зарур.

Қиёсий экспериментларда икки ёки бир неча турдаги группалар (жинси, ёни ва жисмоний тайёргарлғы бүйича) иштирок этади. Улардаги машғулотлар үзининг бирор-бир омили билан (масалан, ҳаракат күнікмаларини шакллантиришда ёрдам-и машқларынг киритилиши) фарқланади. Эксперимент сұнгида ҳаракатларни үзлаштириш бүйича қайси группада юқорироқ натижага эришилгани аниқланади.

Эксперимент машғулотлари уtkазиладиган группани эксперименттегі группа деб аталади. Одатдаги методика (умумий қабул қилишган, аңғанавий) бүйича шуғулланадиган группа контролъ группа деб аталади.

Эксперимент натижалары жуда ишончли бўлиши учун алмашма эксперимент деган схема қўлланилади. Масалан, биринчи экспериментда бир группа биринчи методика, иккинчиси иккинчи методика бўйича шуғулланади. Иккинчи экспериментда биринчи группа иккинчи методика, иккинчи группа биринчи методика бўйича шуғулланади.

Уч ва ундан ортиқ варианtlар киёсланадиган тадқиқотларда экспериментлар уч ва ундан ортиқ босқичда ўтказилади ва шутарзда варианtlардан бирининг афзаллиги аниқланади.

Эксперимент тадқиқотлари босқичлар бўйича ўтказилади. Дастлаб материални (кузатишлар ва ҳоқазо) йиғиши методикасими қўллаш эксперимент машғулотлари методикасими аниқлаш бўйича изланиш эксперимент ташкил этилади. Шундан сўнг тасдиқловчи эксперимент ўтказилади. Масалан, ҳаракат күнікмалари, жисмоний сифатлар, шунингдек, тажриба ва контролъ группадаги болаларниң жисмоний тарбия ҳақидаги билимлари ривожланишининг даражаси текширилади. Шундан сўнг ўргатувчи — таркиб топтирувчи эксперимент ўтказилади ва машғулотлар ўтказишнинг ишлаб чиқилган методикаси текширилади. Тажриба машғулотларини ўтказиш давомида кузатишлар олиб бөрилади, фото ва киносъёмка ва бошқалар ёрдамида ҳаракат техникаси қайд этилади. Кузатиш маълумотлари протокол тарзида расмийлаштирилади.

Эксперимент тугагандан сўнг болалар гасдиқловчи экспериментда кўзда тутилган параметрлар бўйича қайта текширудан ўтказилади. Кузатиш маълумотлари миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилинади, статик (математик) жиҳатдан ишлаб чиқилади.

Эксперимент ўтказилгандан сўнг хулоса ва тавсияларни амалда текшириш ташкил этилади. Сўнгги босқичда олинган натижалар болалар муассасалари ишига татбиқ қилиниши лозим.

Математик методлар. Эксперимент материали тўплангач, таъсир этувчи факторлар таъсирида ўрганиладиган кўрсаткичларнинг ўзгаришидаги индивидуал натижалар чиқарилган хулосаларнинг түгрилгини аниқлаш (статик жиҳатдан аниқ умумий маъ-

мумкин¹. лумотлар олиш) мақсадида математик жиҳатдан қайта ишланиши керак. Эксперимент натижалариға күра күпинчә айрим күрсатқычлар үртасидаги функционал боғланиш үрнатышга эхтиёж туғылади. Бундай ҳолда корреляция, регрессия методлари ва дисперсион анализ құлланилади. Математик қайта ишлаш маълумотлари жадваллар, диаграммалар ва график ҳолида көлтирилиши мүмкін.

ИККИНЧИ БОБ

СОВЕТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ СИСТЕМАСИ

1- §. Совет жисмоний тарбия систмасининг яратилиши

Совет жисмоний тарбия системаси бутун коммунистик тарбия системасининг ажралмас қисми ва унда идеологик, илмий-методик, программ-норматив асослар, шунингдек, СССР гражданлари жисмоний тарбиясими амалга оширадиган ва назорат қиладиган ташкилот ва муассасалар мужассасамдир.

Чор Россиясида жамиятнинг фақат имтиёзли қатламига мансуб кишиларгина жисмоний машқлар билан шугуллана олардилар. Ҳукумат ҳукмрон синфларнинг жисмоний тарбиясими амалга оширишда чет эл системасидан (соколча гимнастика, немисча турнен, шведча гимнастика ва бошқалар) фойдаланаарди. П. Ф. Лесгафт томонидан ишлаб чиқылған рус жисмоний таълими құллаб-куватланмади. Буржуазия физкультура ва спортни ўзининг синий манбаатларига бүйсундиришга интиларди.

ХХ асрнинг бошларыда буржуазия ишчиларни сиёсий курашдан چалғитишига интилиб, уларни спорт клублари ва түғаракларига жалб қила бошлади. Бироқ, спорт ашёларининг нархи балаандилги ва түғарак аязолик бадалининг көммәтлиги туфайли меҳнаткашлар кенг оммаси ва ўкувчи ёшларнинг жисмоний машқлар ва спорт билан шуғулланиши қнйин эди. Халқ ичидан фақат энтузиаст, фидойи кишиларгина спорт билан шуғулланар ва юқори спорт натижаларига эришар эди. Чупончи, Н. Струников конькида югуриш бүйича Европа ва жаҳон чемпиони (1910—1911). курашчи И. Поддубний олти марта жаҳон чемпиони (1905 йилдан 1910 йилгача) эди. Н. Панин-Коломенкин Лондонда булиб үтган (1908) IV Олимпиада ўйинларыда биринчи рус олимпия чемпиони бўлган ва фигурали учини бўйича биринчи ўринни эгаллаган ва бошқалар. Бироқ чор Россиясида физкультура ва спортнинг умумий ривожланиш даражаси пастлигича қолаверган.

Улуг Октябрь социалистик революциясидан сўнг эксплуататор

¹ Математик метод билан батафсил танишиш учун қаранг: Зациорский В. М. Основы спортивной метрологии. М., 1979; Ашмарин Б. А. Теория и методика педагогических исследований в физическом воспитании. М., 1978.

синфларга берилган имтиёзлар бекор қилинди ва халқни жисмоний тарбиялаш иши давлат аҳамиятидаги ишга айланды. 1917 йилда маориф бүйича Давлат комиссияси таъсис этилди, унинг вазифасига жисмоний тарбияга раҳбарлик қилиш кирад эди.

Гражданлар уруши ва ҳарбий интөрвенция вақтида жисмоний тарбия иши меҳнаткашларни Октябрь фалабаларини қуролли ҳимоя қилишга тайёрлашга йўналтирилди. Мамлакатимизда физкультура ҳаракатига раҳбарлик қилиш Умумтаълим органлари зиммасига юклатилди.

Физкультура ва спорт бүйича педагог-мутахассислар тайёрлашга катта аҳамият берилди. П. Ф. Лесгафт номидаги Петроград жисмоний таълим институти (1919) ва Москвада Давлат Марказий физкультура институти (ГЦИФК) (1920) ташкил этилди. Асосини машҳур рус олимлари П. Ф. Лесгафт ва В. В. Гориневскийларнинг илмий ишлари ташкил этган программалар, ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилди.

Физкультура ва спорт ишларини координациялаш учун (1920) йилда) Умумтаълим Бош бошқармаси ҳузурида физкультура Олий совети (ФОС), жойларда эса физкультура советлари тувилиди.

Совет жисмоний тарбия системасининг яратилиши ва ғоявий назарий асосларининг шаклланишида В. И. Ленин нутқ сўзлаган РКСМнинг III съезди (1920 йил, октябрь) қарорлари катта аҳамиятга эга бўлди. РКСМ III съезди қарори совет жисмоний тарбия системасининг мақсад ва вазифаларини, ижтимоий-сиёсий ҳаракети ва коммунистик йўналғанлигини белгилаб берган биринчи ҳужжат ҳисобланади.

Халқ ҳўжалигини тиклаш йилларида меҳнаткашларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларни меҳнатга тайёрлашга катта эътибор берилди. Бу йилларда ҳаваскорлик физкультура тўгараклари, жамиятлари тузила бошлади. 1923 йилда ВЦИК қошида физкультура Олий Совети тузилди ва унга жисмоний тарбияга оид барча идора ва ташкилотларнинг ишини координациялаш вазифаси топширилди.

РКП(б) Марказий Комитетининг 1925 йил 13 июлда қабул қилган «Партияниң физкультура соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги қарорида спорт ташкилотларининг меҳнаткашларни тарбиялаш ва партия, совет, касаба союз ташкилотлари теварагига жипслаштириш, уларни ижтимоий сиёсий ҳаётга жалб қилишдаги роли, спорт иншоотларидан меҳнаткашлар кенг оммасини жисмоний машқлар билан шугулланишга ундаш ва уларнинг жисмоний тайёргарлиги дараражасини аниқлаш воситаларидан бири сифатида фойдаланиш зарурлиги таъкидлаб ўтилади.

РКП(б) Марказий Комитетининг 1929 йил 23 сентябрда қабул қилган «Физкультура ҳаракати ҳақида»ги қарорида физкультура ҳаракатига давлат бошқарувини кучайтириш зарурлиги таъкид-

ланади. Бу қарор асосида СССР Марказий Ижроия Комитети қошада Бутуниттифоқ физкультура совети тузилди.

1930 йилда мамлакатимиз олий ўқув юртлари ўқув планига «Жиғмоний тарбия» предмети киритилди. Физкультура ҳаракати-ни ривожлантириш соҳасида катта ташкилотчилик ишлари бошланди. «Меңнат ва СССР Мудофаасига тайёр» Бутуниттифоқ физкультура комплекси (1931 йил), «Ягона Бутуниттифоқ спорт классификацияси» (1935 йил) жорий этилди, күнгилли спорт жамиятлари (1936 йил) таъсис қилинди, физкультура ҳаракати ва спорт маҳорати ривожланишидаги ютуқларимизни намойни этувчи Бутуниттифоқ физкультурачилар куни эълон қилинди.

Улуғ Ватан уруши йилларида физкультура ташкилотларининг бутун фаолияти аҳолини Ватан ҳимоясига тайёрлашнинг оммавий ҳарбий-жисмоний вазифасини ҳал этишга бўйсундирилди. Улуғ Ватан уруши совет ҳалқининг маънавий, ахлоқий ва жисмоний кучини қатъий синаш, шунингдек, совет жисмоний тарбия сисгемаси ҳаётйлигини имтиҳон қилувчи давр бўлди. Совет жангчилари урушда мислсиз жасорат, катта жисмоний матонат, куч ва чидамлилик кўрсатдилар. Немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда спортчиларимизнинг жасурлик билан курашганлари ҳаммага маълум. Қўплаб жангчи-спортчиларимиз ўзларининг қаҳрамонона ишлари учун орден ва медаллар билан тақдирландилар, Совет Иттифоқи Қаҳрамони увонига сазовор бўлдилар.

Уруш ғалаба билан тугагач, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати совет кишиларини жисмоний тарбиялашнинг янги вазифаларини илгари сурди. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1948 йил 27 декабрда қабул қилган «Партия ва ҳукуматнинг мамлакатда оммавий физкультура ҳаракатини ривожлантириш ва спортчиларнинг маҳоратини ошириш тўғрисидаги директивалариничг физкультура ва спорт комитети томонидан бажарилишининг бориши ҳақида»ги қарорида оммавий физкультура ҳаракатини янада кенг ёйиш баробарида юксак спорт маҳоратига эришиш ва шу асосда спортнинг жуда кенг тарқалган турлари бўйича жаҳонда биринчиликини эгаллашга интилиш зарурлиги таъкидланади.

КПСС Программасида Совет жисмоний тарбия системасини ривожлантиришининг келгусидаги вазифалари ва йўллари белгилаб берилган ҳамда физкультура ва спортнинг янги инсонни илк ёшдан бошлаб тарбиялашдаги роли кўрсатиб ўтилган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Программа талабларидан келиб чиқиб 1966 йилнинг август ойида «Физкультура ва спортни янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида» маҳсус қарор қабул қилди. Бу қарорда оммавий физкультура ҳаракатидан аҳолини илк ёшидан бошлаб буткул қамраб олувлари умумхалқ физкультура ҳаракатига ўтиш йўллари конкретлаштириб берилди. Қарорда жисмоний тарбия соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этишга алоҳида эътибор берилди.

Социализм даврида совет халқи моддий фаровонлигининг юқсалган даражаси асосида жисмоний тарбия системасини тақомиллаштиришнинг катта имкониятлари юзага келмоқда, чунопички: жисмоний маданийтнинг ижтимоий аҳамияти ортиб бормра; физкультуранинг совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашдаги роли ошмоқда; жамоатчиликнинг мамлакатда физкультура ҳаракатини ташкил этиш ва бошқаришларни роли ўсмоқда; совет спортчиларининг йирик халқаро мусобақалари ва Олимпия йүйинларидан галаба қозонишга имкон берувчи спорт маҳоратининг ошгани кайд этилмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг халқ жисмоний тарбияси ҳақидағи заманхуруллық партия съездлари материалларида, СССРнинг янги Конституциясида, маҳсус қарорларда акс этган. Шу маңында КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада юксалтириш ҳақидаги карори (1981) алохида аҳамиятта эга. Мазкур қарорда КПСС XXVI съезді қарорлари асосида физкультура ҳаракатига партиявий раҳбарларни кучайтириш зарурлиги таъкидланади ва оммавий физкультура ва спортни ривожлантириш, мактабгача тарбия муассасалари ва совет жисмоний тарбия системасининг бошқа звеноларидаги жисмоний тарбия ишини яхшилаш йўллари белгилаб берилади.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишининг Асосий йўналишлари»да болалар жисмоний тарбиясини янада яхшилаш зарурлиги яна бир бор таъкидланади: «Социалистик жамият ёш авлодни жисмоний жиҳатдан бақувват, соғлом, хушчақчақ бўлиб, меҳнатга ва Ватанини химоя қилишга тайёр бўлиб ўстиришдан жуда манфаатдордир¹. Ушбу ҳужжатда жисмоний тарбия учун шаронит яратиш вазифаси ҳам қўйилган: спорт заллари, майдончаларини қуриш, уларни ускуналар, инвентарлар билан жиҳозлаш ва бошқалар.

Олимлар ва амалиётчиларининг биргаликдаги гайрат-шижоати натижасида совет жисмоний тарбия системасининг барча звенолари (мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим ҳамда ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари) учун илмий асосланган ягона программалар яратилди. Қадрлар тайёрлашни амалга оширувчи педагогика билим юртлари, техникумлар, физкультура институтлари, педагогика институтларининг жисмоний тарбия факультетлари учун маҳсус программалар ва ўқув қўйламалари, дарсликлар ишлаб чиқилган. Илмий текшириш ва ўқув институтлари (педагогика, физкультура, медицина институтлари ва бошқалар) да совет жисмоний тарбия системасини тақомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Совет физкультура ҳаракатининг эришаётган ютуқларида,

¹ Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишини Асосий йўналишлари. — «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1984 йил, 15 апрель.

унииг учун яратилган моддий база катта аҳамиятга эга бўлмоқда; спорт жиҳозлари, инвентари, кийимлари, пойабзаллар ишлаб чиқиш йулга қўйилган; кўп миқдордаги спорт иншоотлари (стадионлар, спорт заллари, бассейнлар, футбол майдонлари, ўйин майдончалари ва бошқалар) қуриб бўлинган.

СССРда физкультура ва спорт никоят даражада оммавийлашган. Ҳар йили оммавий спорт мусобақалари ўтказилиб турлади. Энг кучли спорчиларимиз Бутуниттифоқ мусобақаларида, спартакиадаларда, Европа, жаҳон чемпионатларида ва Олимпия ўйинларида қатнашмоқдалар.

Совет Иттифоқи йирик спорт мамлакати. У енгил атлетика, сузни ва фигурали учиш каби асосий спорт турларида етакчи ўринларни эгаллаб турибди. Олимпия анъаналари совет спорчиларининг бошқа мамлакатлар спорчилари билан халқаро алоқасининг асоси бўлиб қолган.

Совет Иттифоқи ва совет спортининг бутун дунёда ошиб бораётган обрўси Халқаро олимпиада комитети 75 сессиясининг 1980 йилда XXII Олимпия ўйинларини Ватанимиз пойттахти — Москвада ўтказиш хақидаги қарорининг қабул қилиншида хал қилувчи роль ўйнади. Москвада бўлиб ўтган Олимпиада халқаро спорт ҳаётида унутилмас ҳодиса бўлди. У энг юксак уюшқоқлик ва спорт даражасида ўтди. Мазкур ўйин иштироқчилари 36 жаҳон ва 74 олимпия рекордларини ўрнатдилар. Совет спорчилари 80 та олтин, 69 кумуш ва 46 та бронза, жами — 195 та медаль соҳиби бўлдилар.

2- §. СССРда жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари

Мамлакатимизда жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари КПСС Программаси талабларидан келиб чиқади. Мазкур ҳужжатда инсоннинг ҳар томонлама камолоти ҳақидаги маркечаленинча таълимот ўзининг конкрет ифодасини топғаи. Шахсни гармоник ривожлантириш коммунистик жамият қуришининг асосий шартларидан бири сифатида қаралади. Бу фикр партия съездлари қарорлари, хусусан, КПСС XXVII съезди материалларида бир неча бор таъкидлаб ўтилган.

Жисмоний тарбиянинг мақсади шахсни ҳаётга, коммунистик меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлашдан иборатdir. Бу мақсад мамлакатимизда совет кишилари жисмоний тарбиясини амалга оширадиган барча муассаса ва ташкилотлар учун ягонадир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадга қўра жисмоний тарбия қўйидаги вазифаларни ҳал этишини кўзда тутади:

1. Согломлаштириш вазифалари: соғлиқни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама жисмоний ривожлантириш, организмни чиниқтириш, совет кишилари ижодий ҳаётини узайтиришни таъминлаш.

2. Таълимий вазифалар: ҳаракат кўнімка ва малакаларини шакллантириш, жисмоний сифатларни ривожлантириш (тезкор-

лик, чақонлик, әгилувчанлик, күч, чидамлилик ва бошқалар), маҳсус билимларни әгаллаш, ташкилотчилик қобилиятларини сингдириш.

3. Тарбиявий вазифалар: шахсни коммунизм қурувчининг ахлоқий принциплари руҳидаги ақлий, ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбиясини амалга оширишга кўмаклашиш.

Бу вазифалар шуғулланувчилар контингенти: уларнинг ёш хусусиятлари, соғлиғи, жисмоний ривожланиш даражаси, жисмоний тайёргарлиги, шунингдек професионал қизиқишлиярига қараб конкретлашуви мумкин.

3-§. Совет жисмоний тарбия системасининг асосий хусусиятлари

Коммунистик ғоявийлик, ҳалқчиллик ва илмийлик совет жисмоний тарбия системасининг асосий хусусиятлари ҳисобланади.

Совет жисмоний тарбия системасининг ғоявийлиги жисмоний машқлар машгулотларининг коммунистик йўналганилигидадир. Шуғулланувчиларда жисмоний тарбиянинг ўзига хос вазифаларини ҳал этиш жараённида коммунистик дунёқараш шаклланади ва коммунизм қурувчининг юксак ахлоқ принциплари руҳидаги ахлоқий сифатлар тарбияланади. Совет жисмоний тарбия системаси коммунистик жамият қуриш билан машғул кишиларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан гармоник ривожланитиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қиласди. Совет жисмоний тарбия системасининг ғоявий моҳияти унинг мақсадлари, вазифалари, принципларида, шунингдек, ташкилий асосларида ўз аксини топган.

Коммунистик партия мамлакатимизда жисмоний тарбия системасини ривожлантиришга раҳбарлик қиласди. Совет жисмоний тарбия системасининг янада ривожланиш истиқболи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасида белгилаб берилган. КПСС Программасидаги кўрсатмаларнинг бажарилиши партия съездлари материалларида ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги маҳсус қарорларида ўз ифодасини топмоқда.

Совет жисмоний тарбия системаси ҳалқчиллиги унинг мақсадларининг ҳалқ манбаатларига мослигидадир. Мамлакатимиз аҳолисининг соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёргарлигини яхшилашга эришиш, меҳнат унумдорлигини оширишга ва, бинобарин ҳалқ фаровонлигини яхшилашга йўналтирилмоқда. Бутун мамлакат ва ҳар бир кишининг фаровонлиги меҳнат унумдорлигининг ошишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам совет кишисини жисмоний тарбиялаш давлат аҳамиятига молик ишдир.

Мамлакатимизнинг барча аҳолиси жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этилади. Бунинг учун зарур шароитлар яратиляпти: стадионлар, бассейнлар қуриялапти, гимнастика заллари, майдончалари жиҳозланялти, спорт инвентарла-

ри, кийимлари, пойабзаллари ишлаб чиқарыпти ва х. к. Барча совет гражданлари миллати, маълумоти, лавозимидан қатъий на-зар жисмоний машқлар ва спорт билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар. Жисмоний тарбия жараёнида мавжуд воситалар қа-торида жисмоний машқларнинг миллий турлари фойдаланияпти ҳамда ривожланяпти.

Мамлакатимизда аҳолини жисмоний машқлар билан шуғул-ланишга кенг жалб қилиш спортда катта ютуқларга эришишга имкон бермоқда.

Илмийлик совет жисмоний тарбия системасининг характерли хусусияти ҳисобланади. Мамлакатимизда илмий тадқиқотлар асосида ягона давлат программалари, ўқув қўлланмалари, дарс-ликлар яратилмоқда, ҳар бир ёш босқич учун жисмоний ривож-ланганлик, тайёрланганликнинг норматив кўрсаткичлари ишлаб чиқилмоқда, физкультура жиҳозлари, инвентарлари, кийимлари ва пойабзалларига талаблар қўйилмоқда.

Тадқиқотлар натижасида олинган барча янгиликлар давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари ва оиласлар ишига татбиқ қилинмоқда.

4- §. Совет жисмоний тарбия системасининг умумий принциплари

Совет жисмоний тарбия системасининг умумий принциплари қўйидагилардир: жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий тайёргар-лик билан алоқадорлиги принципи, шахсни ҳар томонлама ри-вожлантириш принципи, жисмоний тарбиянинг соғломлаштириш мақсадига йўналтирилганлик принципи.

Жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий тайёргарлик билан алоқадорлиги принципи. Жисмоний машқлар билан шуғулланиш жараёнида ҳаракат кўникмалари (велосипед, мотоцикл, машина ҳайдаш, чангидя юриш, сузиш ва бошқалар) шаклланади, шунингдек, жисмоний сифатлар ривожланади. Турли-туман ҳаракат кўникмалари, жисмоний сифатларнинг катта запасига эга бўлган киши янги иш операцияларини жуда қисқа муддатда ўзлаштириб олади.

Мустаҳкам соғлиқ, ҳар томонлама жисмоний ривожланганлик, ташки мұхитнинг иоқулай шароитига нисбатан чиниққанлик ки-шига меҳнат ва ҳарбий тайёргарликда муваффақият билан фа-лият кўрсатиш учун зарурдир.

Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш принципи. Жисмоний тарбия жараёнида специфик вазифаларни ҳал қила туриб, шахсни ҳар томонлама ривожлантириш мұхимдир. Ҳаракат кўникмаларини шакллантириш баробарида тафаккур операциялари (тақ-қослаш, анализ, синтез, умумлаштириш), ахлоқий сифатлар (онг-ли интизом, колективизм ва бошқалар), эстетик дид ҳам ри-вожлантиради.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш жараёнида айниқса, мактабгача ёшдаги болалар билан шуғулланишда шахсни ҳар томонлама ривожлантириш принципига таяниши жуда мұхымдир, чунки худди ана шу ёшда ақлий, ахлоқий, эстетик ва мәжнат тарбиясининг пойдевори қўйилади.

Жисмоний тарбиянинг согломлаштириш мақсадига йўналтирилганлик принципи. Мамлакатимизда киши саломатлиги учун гамхўрлик қилиш давлат аҳамиятига молик иш ҳисобланади.

Жисмоний тарбия мутахассисларининг шуғулланувчилар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги масъулияти согломлаштириш мақсадига йўналтирилганлик принципидан келиб чиқади. Машгулотлар машқлар тўғри танланганда ва рационал методда ўтказилганда (шуғулланувчиларнинг ёш ҳусусиятларини ҳисобга олиб)гина, уларнинг саломатликка фойдаси тегиши мумкин. Соғломлаштириш мақсадига йўналтирилганлик принципи мажбурий врач назорати, шуғулланувчиларнинг ўз аҳволини ўзи кузатишини назарда тутади.

Жисмоний тарбия вазифаларини самарали ҳал қилиш учун педагогик жараёни юқоридаги уч принципни ҳисобга олган ҳолда қуриш лозим.

5-§. Совет жисмоний тарбия системасининг асосий звеколари характеристикаси

СССРда жисмоний тарбия давлат муассасаларида, жамоатчилик асосидаги ҳаваскорлик физкультура ташкилотларида ва оиласада амалга оширилади.

Давлат муассасаларида (мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаби, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ва бошқалар) жисмоний тарбия шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг мажбурий таркибий элементи сифатида қаралади.

Жамоатчилик асосидаги ҳаваскорлик ташкилотларида физкультура ва спорт иши кўнгилли тарзда олиб борилади. Корхоналар, колхозлар, совхозлар, муассасалар, ўқув юртларидағи физкультура коллективлар кўнгилли спорт жамиятларининг (ДСО) бошлилангич ташкилотлари ҳисобланади. Физкультура ҳаракатининг ривожланишига «Динамо», «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятларининг идоравий ташкилотлари, Армия ва флот спорт клублари, шунингдек, касаба союзлари «Спартак», «Локомотив», «Буревестник», «Труд», «Водник» кўнгилли спорт жамиятлари, касаба союз кооператив ташкилотларига қарашли «Урожай» кўнгилли спорт жамиятлари ва бошқалар катта хисса қўшадилар.

Давлат муассасалари, жамоатчилик асосидаги ҳаваскорлик ташкилотлари ва оиласада жисмоний тарбия ягона мақсадга, идеологик, илмий методик ва программ-норматив асосига эга. Совет жисмоний тарбия системасининг барча бўғинларida маш-

гулотларнинг вазифалари, мазмуни, формалари, шугулланувчи-ларнинг жисмоний тайергарлигига қўйиладиган норматив талабларда ворислик сақланади. Иш натижалари нормативлар системаси — илк ёшдаги болаларнинг программ кўрсаткичларидан бошлаб изчил ўсиб борадиган талаблар ёрдамида ҳисобга олина-ди ва баҳоланади.

Жисмоний тарбия натижаларини норматив баҳолаш асосини «Мехнат ва СССР мудофаасига тайёр» (ГТО) Бутуниттифоқ физкультура комплекси ташкил этади.

ГТО комплекси 1931 йилда Ленин комсомолининг ташаббуси билан жорий этилган эди. Мамлакатимизда жисмоний тарбияни такомиллаштириш асосида ГТО комплексига бир неча марта ўзгартиш киритилди. 1972 йил 1 марта ГТОнинг янги комплекси кучга кирди. У совет кишиларнинг ахлоқий ва маънавий шаклланишига ёрдам беришга, уларни хар томонлама камол топгирнишга, мустаҳкам соғлиги ва ижодий активлигини узоқ йиллар сақлаб туришга, аҳолими юқори унумли меҳнат ва Ватан ҳимоясига тайёрлашга даъват этилган. ГТО комплексидаги ишлар системаси физкультурани совет кишиларнинг қундалик турмушига жорий этишга, турли ёшдаги кишиларни физкультура ва спорт билан мунтазам шугулланишга жалб қилишга, спортни оммавий тарзда ривожлантиришга ва спорт соҳасидаги талантларни тарбиялашга ёрдам беради.

Қейинчалик ГТО комплексининг баъзи нормаларига ўзгартнілар киритилди, 1979 йилда эса унга «Стартларга тайёр» («К стартам готов») босқичи киритилди.

ГТО комплекси ёш принципига кўра тузилган ва 7 ёшдан 60 ёшгача бўлган аҳолини қамраб олади; у 6 босқичдан иборат.

Бошланғич босқич «Стартларга тайёр» (7—9 ёшли ўғил ва қиз болалар учун) қўйидаги вазифаларни ҳал этади: жисмоний машқларни бажариша кўникма хосил килиш, эпчиллик, ҳаракат координацияси, жасурликини ривожлантириш, спортга қизиқишини сингдириш.

I босқич — «Жасурлар ва эпчиллар» (10—11 ва 12—13 ёшли ўғил ва қиз болалар учун) ўз олдига болаларда физкультура машғулотларига онгли муносабатни шакллантиришини, асосий жисмоний сифатлар ва ҳаётий кўникма ва малакаларни ривожлантиришини, спортга қизиқишини аниқлашни вазифа қилиб қўяди.

II босқич — «Спорт ўринбосарлари» (14—15 ёшли ўсмиirlар). Бу босқичнинг вазифаси ўсмиirlарнинг жисмоний тайёргарлигини янада ўстириш ва уларни амалий ҳаракат қўнинмаларига ўргатишдан иборагдир.

III босқич — «Кучлилик ва мардлик» (16—18 ёшдаги йигит-қизлар) ёшларнинг келгусидаги меҳнат ва СССР Қуролли Кучларидаги хизматда керак бўладиган жисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришини амалга оширади.

спортчиси». Шахмат ва шашка бүйича бундан ташқари «СССР гроссмейстери», «IV разрядли спортчи» нишонлари ҳам таъсис этилган.

Бутуниттифоқ спорт мусобақаларида кўрсатилган энг яхши спорт натижалари учун спортчиларга «СССР чемпиони» унвони, олтин медаль берилади; иккинчи ўрин учун кумуш медаль берилади, учинчи ўрин учун эса бронза медали берилади.

Кўнгилли спорт жамиятлари ва Совет Армияси спорт жамиятлари биринчиликларида, шунингдек, Бутуниттифоқ ўсмиirlар мусобақаларида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар учун медаллар таъсис этилган.

Турист ва альпинистлар «Юный турист», «Турист СССР», «Альпинист СССР» нишонлари билан мукофотланадилар.

6- §. СССРда жисмоний тарбияга ва кадрлар тайёрлашга раҳбарлик қилиш

Давлат муассасаларида жисмоний тарбияни ташкил этиш иши тегишли министрликлар қарамогидадир. Масалан, мактабгача тарбия муассасаларида ва мактаблардаги жисмоний тарбияни иттифоқдош республикалар Маориф министрликлари бошқаради, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида эса бу ишни СССР Олий ва ўрта маҳсус таълим ҳамда СССР Маориф министрликлари амалга оширади.

Физкультура ва спорт ишига раҳбарлик мамлакатимиз миқёссида СССР Министрлар Совети қошидаги физкультура ва спорт комитети томонидан амалга оширилади. Комитет ахолини жисмоний тарбиялашнинг илмий асосланган системасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда халқаро мусобақаларда қатнашиш учун юқори малакали спортчилар тайёрлаш, гражданларни физкультура ва спорт машғулотларига жалб қилиш, бу машғулотлар учун моддий-техника базасини кўпайтириш, физкультура ва спорт соҳасидаги илмий-методик ишларни ташкил этиш, илмий тадқиқотларни ўтиказиш планларини координациялаш, Бутуниттифоқ спорт тадбирларини ташкил этиш, кадрлар малакасини ошириш кабиларга раҳбарлик қиласди.

Совет ҳокимияти йилларида СССРда физкультура ва спорт бўйича жуда кўп малакали спортчилар тайёрланди. Улар физкультура институтлари, техникумлари, педагогика институтлари ва билим юртларида тайёрланмоқда.

Мактабгача тарбия муассасалари учун кадрлар педагогика ва медицина билим юртларида, методик ва ўқитувчилик ишларни учун эса педагогика институтларининг мактабгача тарбия факультетларида тайёрланади.

7- §. Совет жисмоний тарбия системасининг моддий техника базаси

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ҳалқни жисмоний тарбиялаш учун зарур бўлган маҳсус моддий-техника базани яратишга катта эътибор бермоқда. Физкультура ва спортга сарфланётган маблаглар миқдори йилдан йилга ўсиб бормоқда. Кўп сонли турли-туман спорт иншоатларининг мавжудлиги оммавий физкультура ишларини олиб борища ва юқори малакали спортчиларни тайёрлашга имкон бермоқда. Маданият саройлари, спорт заллари, манежлар, спорт лагерлари, алоҳида спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган иншоатлар (чанғи станциялари, яхта клублари, бассейнлар, мототреклар, муз майдончалари ва бошқалар) совет кишилари ихтиёрига бериб қўйилган.

ИККИНЧИ ҚИСМ

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

БИРИНЧИ БОБ

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШ НАЗАРИЯСИ

1-§. Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш назариясининг предмети

Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси — бола шахси — булажак коммунистик жамият қурувчиси шахсининг шаклланиши ва жисмоний тарбиясининг умумий қонуниятлари ҳақидаги фандир. Болалар жисмоний тарбияси назарияси совет жиёмоний тарбия назариясининг умумий идеологик ва методологик асосларидан келиб чиқади ва унинг бўлимларидан бири хисобланади.

Жисмоний тарбия назариясининг умумий идеологик ва методологик асоси (кatta ёшдаги киши ва боланинг) жисмоний тарбия конуниятларини чуқур илмий идрок этиш, ҳар томонлама ривожланган шахсни социалистик ва коммунистик жамият шароитларида шакллантиришнинг кенг имкониятларини очган марксизм-ленинизм ҳисобланади.

Марксизм-ленинизмнинг ижтимоий ҳаёт ва тарбиянинг инсон шахснини (бола) шакллантиришдаги ҳал қилувчи роли тўғрисидали таълимоти жисмоний тарбия иши учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Марксизм-ленинизм ғоялари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг жисмоний тарбия ва физкультура масалаларига оид карорларида ўз аксини топмоқда. Улар совет кишилари саломатлигини мустаҳкамлашга, коммунистик дунё қарашни, юқори унумли меҳнат қилиш қобилиятини шакллантиришга ва йатан химоясига шай туршишга қаратилган.

Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси жисмоний тарбиянинг умумий назарияси билан ягона мазмунга ва ўрганиш предметига эга, айни пайтда у 7 ёшгача бўлган болалар жисмоний тарбияси қонуниятларини ва шунга мувофиқ боланинг таълим ва тарбия жараёнидаги ривожлантиришни бошқаришнинг умумий қонуниятларини маҳсус ўрганади.

Болалар жисмоний тарбияси назарияси ҳар бир ёш босқичини ўрганиб, илмий маълумотлар ва амалий тажрибани умумлаштира бориб, жисмоний тарбия вазифаларини белгилайди, уларнинг моҳиятини, бутун жисмоний тарбия жараёнини ташкил этишининг жуда самарали воситалари ва методларини, мақсадга мувофиқ формаларини комплекс равишда очиб беради.

Соғлом, бақувват, чиниққан, хушчақчақ, меҳрибон, ташаббускор, ўз ҳаракатини яхши бошқара оладиган, жисмоний тарбия ва спорт машқларини севадиган, атроф муҳитда мустақил ҳаракат қила оладиган, мактабдаги ўқишига ҳамда келгусидаги актив ижодий фаолиятга нисбатан қобилияти бола шахсини шакллантириш жисмоний тарбиянинг шахсни ҳар томонлама ривожлантириш асослари сифатидаги алоҳида аҳамиятини белгилаб берувчи муҳим вазифаси ҳисобланади.

Жисмоний тарбия назарияси илк ёшдаги ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг қўйидаги психофизиологик ҳусусиятларини ўз ичига олади: организмнинг иш қобилияти имкониятлари, юзага келувчи қизиқиши ва эҳтиёжлар, кўргазмали-ҳаракат, кўргазмали образ ва мантиқий тафаккур формалари, устун турувчи фаолият турининг ўзига хослиги бу фаолият ривожланиши билан боғлиқ равиша бола психикасида муҳим ўзгаришлар кечади ва «боланинг янги олий ривожланиш босқичига ўтиши»¹ га тайёрланади. Шунга мувофиқ болалар жисмоний тарбияси назарияси жисмоний тарбияни ташкил қилиш ва уларни оптималь педагогик шароитларда амалга оширишнинг барча формалари мазмунини ишлаб чиқади.

Жисмоний тарбия назарияси ҳар бир ёш босқичдаги боланинг потенциал имкониятлари қонуниятларини ўрганиб ва ҳисобга ола бориб, жисмоний тарбиянинг бутун таълим-тарбия комплекси илмий асосланган программаси талабларини (ҳаракат, кўнникма ва малакалари, жисмоний сифатлар, баъзи элементар билимларни) кўзда тутади. Уларни ўзлаштириш болаларни мактабда ўқиши учун зарур жисмоний тайёргарлик даражасини таъминлаш имконини беради.

Шу билан бирга программанинг болалар томонидан ўзлаштирилишида қатъий изчилликка риоя қилинади. Бунда боланинг ёш ҳусусияти ва ҳаётининг ҳар бир босқичидаги имкониятлари, асаб системасининг ва бутун организмининг ҳолати ҳисобга олинади. Программанинг оралиқ звеноларини чеглаб ўтиб талабларни ошириш, болаларни ўқитиши суръатини тезлаштиришни (етарлича асоссиз) номаъқул ҳисоблаш лозим, чунки у болалар учун оғирлик қилиши, уларнинг соғлиғига ва перв-психик жиҳатдан ривожланишига зарар етказиши мумкин. Шунинг учун академик А. В. Запорожец ёш бола имкониятларидан нотўғри фойдаланишга ин-

¹ Леонтьев А. Н. Современная психология. М., 1983, 22/-бет.

тилувчи ва уларни жуда эрта ёшдан таълимга жалб қилиб, иложи борича жисмоний ва маънавий камолотга эришириш¹ ниятидаги сунъий акселерация тарафдорлари деб аталмиш кишиларнинг хавфли позициясидан огоҳ қиласди.

Жисмоний тарбия шахсни ҳар томонлама коммунистик тарбиялаш ишининг муҳим компоненти ҳисобланади, айни пайтда у ақлий, ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбияси вазифаларини комплекс тарзда ҳал этади. Болалар жисмоний тарбиясини ташкил этишининг турли формаларида (машғулотлар, ҳаракатли ўйинлар, мустақил ҳаракат фаолияти ва др. к.) тарбиячининг эътибори фикрлайдиган, ўз ёш имкониятларига кўра онгли ҳаракат қиласидиган, ҳаракат кўнкимларини муваффақият билан эгаллайдиган, атрофмуҳитда мўлжал ола биладиган, учрайдиган қийинчиликларни актив тарзда бартараф этадиган, ижодий изланишга интиладиган болани тарбиялашга қаратилади.

Болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси тўхтовсиз ривожланмоқда ва бола тарбиясининг турли томонларини қамраб олувчи тадқиқотлар натижасида олинаётган янги билимлар ҳисобига бойиб бормоқда. Болалар муассасаларининг оммавий тажрибасида синовдан ўтган тадқиқот натижалари программалар, ўкув қўлланмалари, дарслекларга киритилмоқда ва болалар билан ишлаш практикасига жорий килинмоқда. Бу бутун таълим-тарбия жараёнининг тараққиётига ёрдам беради. Шундай қилиб, мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси бугун жисмоний тарбия системасини такомиллаштиришга ёрдам беради.

2- §. Жисмоний тарбия назариясининг бошқа фанлар билан алоқаси

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси ихтисослашган фан предметларининг бутун бир комплекси билан алоқадордир. Уларнинг бир бутун тури гуманитар ҳарактерда (жисмоний тарбиянинг умумий назарияси, умумий педагогика, мактабгача тарбия педагогикаси, жисмоний тарбия ва спорт психологияси, болалар психологияси) бўлиб, физкультурани ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ижтимоий қонуниятларини, шунингдек, жисмоний машқларнинг киши (бала) психикасига таъсирини, шунингдек педагогик таъсир этишининг воситалари, форма ва методларини қўллаш қонуниларини ўрганади. Уларнинг иккинчи бир тури биологик ва аралаш табиий фан предметлари (жисмоний машқларнинг физиологияси ва биомеханикаси, динамик анатомия, биохимия, медицина, педиатрия, жисмоний машқлар гигиенаси, врач-физкультура назорати, даволаш физкультура-

¹ Каранг: Основы дошкольной педагогики. Под ред. А. В. Запорожца и Т. А. Марковой. М., 1980, 48-бет.

си) бўлиб, киши (бола)ни биоэлекик ривожлантириш жараёни-ни ўрганади.

Юкорида сараб утилган ҳар бир фан жисмоний ривожланишнинг муайян бир томонидан ўрганади, бироқ у тарбияда яхши натижага эришиш мақсадидаги педагогик таъсир этиш системаси асосига қўйилши мумкин эмас. Бу вазифани ихтинослашган педагогика фани -- узида жисмоний тарбияга дахлдор бошқа барча фан ютуқларини синтезлаштирадиган болаларнинг жисмоний тарбияси назарияси ва методикаси фани ҳал этади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар жисмоний тарбияси назариясининг табиий-илмий ва психопедагогик асосини ёш физиологияси ва болалар психологияси қонуниятларини ўрганишга яхлит ёндашиш имконини берувчи бир-бири билан ўзаро алоқадор фан предметлари ташкил этади. Шу маънода киши (бола) организми фаолияти бутун бир система сифатида қаралади ва унда олий нерв фаолияти томонидан бошқариладиган физиологик, функционал ва психик жараёнилар ўзаро алоқада бўлади. Совет психология фани физиологик ва психик ходисалар бир хил рефлексаторли акс этиш фаолиятидир ва у фақат турли жиҳатдан қаралади, холос. Шунинг учун фаолиятни психологик тадқиқ этишини табиийки, физиологик тадқиқот давом эттиради (С. Л. Рубиштейн).

Тадқиқотлар шуни кўрсағдики, бола психик фаолиятининг нейрофизиологик механизми шартли рефлектор характерга эга ва у болалик йиллари давомида ташкин таъсиirlар, яъни тарбия жараёни таъсирида шаклланади.

Бу соҳадаги фан ютуқлари буюк рус физиологлари И. М. Сеченов, И. П. Павлов, В. М. Бехтеревларининг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотига суняди. Уларнинг Н. И. Красногорский, Н. И. Касаткин, А. Н. Крестовников, Н. М. Щелованов каби шоғирд ва издошлири бу таълимотни бола олий нерв системасига татбиқ этган ҳолда ривожлантирилар.

Л. С. Виготский, А. Н. Леонтьев, С. Л. Рубиштейн каби совет психологларининг тадқиқотлари шундан гувоҳлик берадики, «логик тафаккур, ижодий ҳаёл, мақсадга йўналтирилган иродада ва ҳоказо каби инсоннинг специфик хусусиятларининг бирортаси хам болага тугилганданоқ тайёр ҳолда берилмайди, улар ҳаётда болаларнинг ўтган авлодлар тўплаган ижтимоий тажрибаларини ўзлаштириши натижасида шаклланади»¹.

Организм ва мұхитнинг бирлиги ҳақида. Инсон тугилиши биланоқ унинг ташкин мұхит билан ўзаро ҳаракати бошланаади, мослашиб қобилияти пайдо бўлади. И. П. Павлов бу мослашибга асосий ҳаёт қонуни сифатида қараган эди.

Шуни таъкидлаш керакки, фикрлаш, хис қилиш, онгли ривож-

¹ Основы дошкольной пед.ологии. Под ред. А. В. Запорожца и Т. А. Марковой. М., 1980, 38-бет.

лантиришнинг потенциал имкониятларига эга бўлган инсон организми ҳаётнинг биринчи куниданоқ, комплекс тарбиявий таъсирни талаб қиласди. Бу таъсир инсон шахсини мунтазам, оғишмай шакллантириб боришига йўналтирилгандир, шунинг учун боланинг тўғри жисмоний ривожланиши ва саломатлиги ҳақидаги ғамхўрлик унинг маънавий, ақлий ривожланиши билан биргалик-да амалга оширилиши керак.

Индивидуал мослашиш жуда хилма-хилдир. Улар табиий ҳаёт шароитларида вужудга келади ва киши томонидан махсус, атай-лаб ҳосил қиласди. Жисмоний тарбия жараёнда киши организми функционал имкониятларининг ошиши ёки кенгайиши жуда муҳим ҳисобланади.

Боланинг жисмоний тарбияси муайян илмий асосланган режимни, организмнинг чиниқиши, ҳаракат кўникмаларининг шаклланишини назарда тутади. Чиниқиши процедуралари (артиниш, чўимилиш ва д. к.) билан кечадиган эрталабки гимнастика, физкультура машқлари, ўйинлари, сув, ҳавонинг паст ҳароратли шароитларидағи спорт машқлари буларнинг ҳаммаси организмнинг ташқи муҳит ўзгаришларига бўлган ҷидамлилигини оширади.

Бола организми нормал ривожланишининг зарур шарти ҳаракат активлиги ҳисобланади. Унинг ижобий нерв-психик ҳолати, нормал ўсиши ва ривожланиши, функционал имкониятлари ва ишқобилияти ана шу ҳаракат активлигига боғлиқ (П. Ф. Лесгафт, А. Н. Крестовников, И. А. Аршавский, О. В. Силина, Г. П. Юрко ва бошқалар). Шуни таъкидлаш керакки, ҳаракат активлиги фақат болаларининг индивидуал хусусиятларигагина эмас, балки болалар муассасаси ва уйда ўрнатилган ҳаракат режимига ҳам боғлиқ.

Ҳаракат режими уюштирилган машғулотлар ва болаларнинг эркин ҳаракат фаолиятидан ташкил топиб, у асосан сайдр пайтида амалга оширилади. Болалар ҳаракат режимини нормалаштиришда ҳаракат активлигининг даражаси ёки унга эҳтиёжи муҳим ўрин тутади. «Маълумки, болаларнинг мотор активлиги уларнинг ёши, саломатлигининг аҳволи, индивидуал-типологик хусусиятлари, ОНФ (олий нерв фаолияти), жисмоний тарбиянинг қўйилиши, иқлим шароитлари, йил фасллари ва ҳоказо омиллар билан белгиланаади. Махсус текширишлар шуни кўрсатдики, боланинг индивидуал ҳаракат эҳтиёжи унинг мустақил фаолиятида айниқса кўпроқ шамоён бўлади»¹.

Чиниқиши ва жисмоний машқлар киши (бола) организмнинг функционал имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради. Бу жараёнда ҳосил бўладиган чиниқиши ва муайян машқ қилганлик

¹ Научные основы гигиенического нормирования физических нагрузок для детей и подростков. Под ред. Г. Н. Сердюковской и Л. И. Абросимовой М., 1980, 39-бет (Г. П. Юрко маълумотлари).

ҳар бир кишининг ўзгарувчан ташқи муҳитга мослашишининг индивидуал воситаси ҳисобланади. Йинсон миясининг, олий нерв фаолиятининг ривожланишида социал муҳит етакчи роль ўйнайди.

Кишининг ижтимоий-меҳнат фаолияти жараёнида, боланинг эса онла ва ижтимоий тарбияси жараёнида индивидуал мослашиши муваққат шартли рефлекторли алоқалар принципи бўйича биринчи сигнал системаси иштирокидаги иккинчи сигнал системаси орқали амалга оширилади. Бунда иккинчи сигнал системасига оид қўзғатувчилар барча тўқималар ва ички органларда кечадиган физиологик жараёнга ҳам, кишининг бутун хулқига ҳам муайян таъсир кўрсатади. Боланинг атрофдаги социал муҳитга индивидуал мослашишига турли кўнималар, шаклланадиган одатлар, белгиланган ҳёт режими ва ташқи муҳит талабларига онгли муносабатга асосланган бутун хулқ интизомини киритиш мумкин.

Бола нерв системасининг индивидуал хусусиятлари хақида. Илк ёшдаги ва мактабгача ёшдаги болаларнинг тўлақонли жисмоний тарбиясини амалга оширишда бола марказий нерв системаси ривожланишининг ёшга оид қонуниятларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу педагогик таъсир этиш формаларни танлашга ва таълим-тарбиявий жараёни ташкил этишга ёрдам беради.

Совет олимлари аниқлаганлариdek, бола ўзининг туфма қобилияти ва нерв системаси хусусиятлари билан дунёга келади. Бироқ, улар бола психик ривожланишининг органик замини бўлиб, бу ривожланишининг характер ва даражасини белгиламайди. Шунингдек, ҳар бир бола ўзининг нерв-психик ривожланиши учун иишончли асосни ташкил этувчи катта потенциал психофизиологик имкониятларга эга бўлиши исботланган. Шундай қилиб, бир томондан органик заминни ва иккинчи томондан потенциал имкониятларни ҳисобга олган ҳолда энг қулай педагогик шароит яратиш, мақсадга йўналтирилган тарбия ва таълим шароитида бола организми ва психикасига бевосита таъсир этиш имконини берадиган жисмоний тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш лозим. Боланинг туфма нерв системаси хусусиятлари ва унинг шаклланишидаги ташқи таъсирнинг етакчи ролини ҳисобга олган ҳолда тўғри режим (яхши ўйқу, машгулотлар ҳажмини аниқ белгилаш, актив ҳаракат фаолияти, очиқ ҳавода бўлишга белгиланган вақт) ва унинг оғишмай бажарилишини таъминлаш муҳимдир. Бунда ижобий эмоционал вазият — болаларнинг ўзаро ва катталарнинг болалар билан бир маромда вазмин, дўстона муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга.

«Катталарнинг намуна бўлиши, атроф-муҳит ва ўзутун шароит олий нерв системасининг ривожланишида муҳим омиллар саналади. Норозилик, ҳаяжонли, жанжалли вазиятда болалар инжикликларининг турли формалари келиб чиқади, болага ҳар томон-

лама вазмин муомала қилиш эса қатъий, тугалланган характер шаклланишинг яхшигина воситасидир»¹.

Совет мактабгача тарбия педагогикаси туфма хусусиятларнинг муайян аҳамиятини ва шу билан бирга уларнинг ўзгариш имкониятларини эътиборда тутган холда тарбия жараёнини бир томондан салбий хислатларни заифлаштиришга, иккинчи томондан ижобий фазилатларни ривожлантиришга йўналтиради.

Н. И. Красногорский шундай ёзади: «Тарбиячи ва ўқитувчи учун ўз тарбияланувчиларининг олий нерв фаолияти типларини аниқлаш муҳимdir: бу тип хусусиятларни билгач, улар болалар олий нерв фаолияти ривожланишини муайян йўлга буриб юборишлиари ва ўз маслаҳатлари билан амалий ёрдам кўрсата олишлари мумкин»².

Жисмоний тарбия жараёнида болаларнинг типологик хусусиятлари индивидуал ёндашиш, режим учун оптималь шароит, чиниқиш, актив ҳаракат фаолияти, боланинг эмоционал ижобий ҳолатини амалга ошириш мақсадида хисобга олинади.

Маълумки, болалар нерв системасининг индивидуал хусусиятлари турлича. Айрим болалар хулқ ва фаолиятда вазминликлари билан ажralиб турадилар; бошқалари ўта таъсирчан, енгилтак, ўз ҳис-ҳаяжонларини қийинчилек билан идора қила оладилар; ўзига ишончи йўқ, ҳафсаласиз болалар ҳам учрайди. Айниқса кейин тилга олинган хусусиятга эга болалар тарбияси бошланган ишни охирига муваффақиятли етказиш учун қўшимча меҳнат ва катта ташкилотчилик ишини талаб қиласди. Бироқ катта кучсафарбар этишини талаб қилиб эришилган натижа жуда юқори бўлиши мумкин, шунинг учун педагогик шарт-шароит болага қийинчилекларни енгишга ёрдам бериши, ўз иродаси ва кучини мустаҳкамлашга қўмаклашиши лозим.

Индивидуал раҳбарлик методларини танлаш мақсадида бола нерв системаси хусусиятларини аниқлаш, бола ҳақида унинг туғилганидан бўён кечган ҳодисалар ҳақида, (соғлиги, кечирган касалликлари, юра бошлаган вақти, нутқининг ўсиши), оилавий шароити, шикастланганни (агар шикастланган бўлса), боланинг қизиқишилари, эрмаклари, севимли машгулоти ва ҳ. к. ҳақидаги батафсил маълумотни талаб қиласди. Тарбиячининг кундалик турмуш жараёнидаги шахсий кузатишлари жуда муҳимdir. Мавжуд материални анализ қилиш тарбиячига зарур хуносалар чиқаришига ва боланинг эмоционал ҳолатини сақлаб туришга, хилма-хил актив фаолиятни ривожлантиришга, ижодий майлини на-моён қилиш йўлларини белгилашига ёрдам беради.

Жисмоний тарбия бола шахсининг ҳар томонлама ривожла-

¹ Красногорский Н. И. Высшая нервная деятельность ребёнка. Л.. 1958, 314-бет.

² Ўша китоб, 220-бет.

нишига таъсир этишнинг амалий воситалари ва методларига эга. Актив ҳаракат фаолияти жараёнида бола ахлоқий-идоравий сифатларини намоён этишин машқ қиласди: ўйнида қўлга тушиш хавфига қарамасдан ботирлик билан ҳаракат қиласди, ўртоғини қўллашга ҳаракат қиласди; умумий ишни хамма билан биргаликда бажаришга интилади (масалан, ўз вақтида югуриб келиб бутун звено билан сафга тизилиш) ва бошқалар. Бундай ҳаракат бир неча бор такрорлангач, бола уни зарурат сифатида англайди, тарбиячи ва тенгдошларининг рағбатлантирувчи баҳоси болада маънавий қониқиши туйғуси, эмоционал кўтаринкилик, бундан кейин ҳам шундай ҳаракат қилиш истагини уйғотади. Етакчи ролларни тортинчоқ бола ижро этиши ва тарбиячининг топшириғига кўра бирор машқни қандай бажаришини барча болаларга кўрсатиши ва тушунтириши уни аста-секин уятчаникдан қутқазади, хотирасини чархлайди, машгулотларгина қизиқишини уйғотади. Бола анча хушмуомала, ташаббускор, хушчақчақ бўла боради. Енгилтак, бироқ ўзига бино қўйган болалар машғуслар ва ўйинлар жараёнида аста-секин умумий талабларга бўйсунадиган, анча вазмин, уюшган, ўзгаларга ён берадиган, қизиқарли топшириқлар (ўйинда бошловчи бўлиш, севимли ролни ўйнаш, машқларни тушунтириш ва намойиш қилиш ва ҳ. к.) ни бажарнишда навбатга риоя қиласдиган бўла борадиган.

Чиниқишига оид тадбирлар нерв системасини мустаҳкамлайди ва унинг фаолиятини яхшилайди; жисмоний машқлар, жумладан ҳаракатли ўйинлар актив ҳаракат фаолияти учун шароит яратади ва эмоционал кўтаринкилик, ғайрат уйғотали, қон айланнишини, юрак фаолияти ва миянинг қон билан таъминланишини кучайтиради, организмни умумий согломлаштиришга ёрдам беради.

Болада ижодий ташаббуснинг системали ривожланишини жисмоний тарбиянинг ажралмас қисми деб ҳисоблаш лозим. Бу ташаббуснинг намоён бўлишига ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний машқлардаги ҳаракат фаолияти ёрдам беради. Бу ҳаракат формаларида (болаларга) бериладиган ижодий топшириқлар тасаввур ва тафаккурнинг ривожланишини, ассосиация ва бирор нарса ўйлаб топиш истагининг туғилишини, сўнг ўз ниятни амалда қўллашга интилишини кучайтиради (Л. М. Коровина, Э. Я. Степаненкова).

«Инсон саломатлиги ҳақида ғамхўрлик, айниқса бола саломатлиги ҳақида ғамхўрлик, — деб ёзган эди В. А. Сухомлинский, — бу фақатгина санитария-гигиена норма ва қондалари комплекси, режим, овқатланиш, меҳнат қилиш, дам олишга қўйиладиган талаблар йиғиндисигина эмас. Бу аввало барча жисмоний ва маънавий кучларининг гармоник тўқислиги ҳақидаги ғамхўрликдир ва бу гармониянинг гулчамбари — ижод завқи, қувончи ҳисобланади».

8- §. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар жисмоний тарбияси назариясининг ривожланиши

Совет болалар жисмоний тарбияси назарияси замонавий илмий тадқиқотлар ва илғор тажриба асосида ривожланади.

Улуг Октябрь социалистик революцияси мамлакатимизда янги педагогикага — ёш авлодни ҳар томонлама коммунистик тарбиялаш фанига асос солди.

Н. К. Крупская мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ҳар томонлама тарбиялаш ҳақидаги назариясининг ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшди. Совет ҳокимиятининг биринчи кунлариданоқ Н. К. Крупская социалистик жамият қуриш вазифаларини хисобга олган ҳолда марксизм-ленинизм таълимотига асосланган япги тарбия назариясини ишлаб чиқиши зарурлигини уқтириб ўтган эди. У бола камолоти, унга таълим ва тарбия бериш методлари масалаларига педагогика, психология ва физиология соҳасидаги замонавий тадқиқотларга суюнган ҳолда чинакам илмий ёндашиб лозимлигига эътибор берган эди.

Н. К. Крупская таълим ва тарбия методикасини ишлаб чиқиша боланинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Н. К. Крупская бола жисмоний тарбиясига катта аҳамият берган эди. У физкультурани соғлом авлодни тарбиялаш ишида фавқулодда муҳим деб ҳисобларди. Жисмоний машқларнинг бола организмига фойдали таъсирини таъкидлар экан, Надежда Константиновна ўйинлардан фақат организмни мустаҳкамлаш учунгина эмас, балки коммунистик тарбия мақсадларида фойдаланиш мумкинлигини ҳам кўрсатиб ўтади. У ўйиннинг келлективни мустаҳкамлаш, ўзини идора этишини тарбиялаш, уюшиб ҳаракат қилиш, характерни шакллантиришдаги муҳим ролини уқтиради.

Н. К. Крупскаянинг мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбияси ҳақидаги қарашлари жисмоний тарбия назариясининг янги ижтимоий-сийёсий тузум шаронтида ривожланишидаги муҳим босқични ташкил этади.

Ватанимизда жисмоний тарбия ҳақидаги фан бой ўтмиш мероси таъсирида таркиб топди. Бу мероснинг илдизи рус халқ педагогикасининг кўп асрлик тарихига бориб тақалади.

Тарихий материаллар гувоҳлик беришича, XVII асрнинг иккинчи ярмида ўз даврининг билимдон кишиларидан бири Епифаний Славинецкий болалар жисмоний тарбияси ҳақидаги илғор фикрларни ўртага ташлаган эди. У «Болалар урф-одатларининг гражданлиги» («Гражданство обычаев детей») номли ажойиб ҳужжат яратган эди. Бу китобга болаларнинг ўйинларига алоҳида боб багишланади ва уларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти кўрсатиб ўтилади.

Кейинчалик И. И. Бецкая, Н. И. Новиков, А. Н. Радищев, каби илғор жамоат арбоблари жисмоний тарбияни ёш авлоднинг

ақлий ва меҳнат тарбияси билан узвий боғлиқликда кўриб чиқсан эдилар.

Жисмоний тарбия масалаларини ишлаб чиқишида А. И. Герцен, В. Г. Белинский, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов, Д. И. Писарев каби рус революцион демократларининг фикрлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Улар жисмоний тарбияни ҳар томонлама тарбиянинг бир қисми деб билдилар, унинг ақлий меҳнат ва эстетик тарбия билан боғлиқлигини қўрсатиб ўтдилар. Улар жисмоний тарбиянинг мақсадини бола жисмоний кучини ривожлантириш ва соғлигини мустаҳкамлашга системали машқлар, ўйинлар, сайдорлар ҳамда организмни чиниқтириш йўли билан эришишда кўрдилар. Бунда улар меҳнат билан дам олишни алмаштириб туришда ифодаланадиган режимга, уйқу, овқатланишнинг нормал бўлишига катта аҳамият бердилар ва бу тадбирларни руҳнинг тетиклиги, инсоннинг ёрқин келажак учун курашида зарур соғлом асос бўлади, деб ҳисобладилар.

Ажойиб педагог К. Д. Ушинский ўйинларга, гимнастикага, болаларнинг очиқ ҳавода бўлишига катта аҳамият берган эди. У болалар билан машғулот ўtkазаётганда диққатни тиклашга имкон берувчи машқларни бажариш учун кичик танаффуслар қилишни тавсия этганди.

Рус хадқ ўйинларини қудратли тарбия воситаси ҳисобланган К. Д. Ушинский улардан кенг фойдаланишни тавсия этган ва педагогларни худди шундай болаларбоп ўйинларни йигишга чақирган эди.

К. Д. Ушинский педагогларга юксак талаблар қўяди ва улар болага раҳбарлик қилишда хато қилмасликлари учун анатомия, физиология, психология, педагогика каби фанларни албатта билишлари керак деб ҳисоблар эди.

Илғор жамоат арбобларининг қарашлари, олимлар, врачларнинг ишлари ватанимиз жисмоний тарбия назарияси фанини яратишида замин бўлиб хизмат қилди.

Россияда жисмоний тарбиянинг оригинал назариясини яратган олим П. Ф. Лесгафтдир. Йирик олим-педагог, медицина ва хирургия доктори П. Ф. Лесгафт ўз даврининг илғор кишиларидан эди.

П. Ф. Лесгафт дунёқарashi XIX асрнинг 60 йилларида революцион демократлар Н. Г. Чернишевский ва Н. А. Добролюбов ғоялари у мансуб бўлган бутун интеллигенцияни қамраб олган пайтларда шаклланди. Унинг қарашлари улкан физиолог — материалист И. М. Сеченов, машҳур хирург ва педагог Н. И. Пироговларнинг илмий қарашларига яқин эди. У ёш И. П. Павловнинг физиологик мактабини юксак қадрларди.

П. Ф. Лесгафт педагогика системасининг асосини унинг илмий-материалистик қарашлари ташкил этиб, унда жисмоний таълим назарияси асосий ўрин тутади. П. Ф. Лесгафт жисмоний тарбия (жисмоний машқларнинг гигиеник ва соғламлаштириш аҳами-

яти)¹ билан үзаро алоқадорликда ўрганиладиган болаларга мұлжалланган жисмоний машқларнинг яхлит системасини ишлаб чиқкан әди.

П. Ф. Лесгафт жисмоний машқларни танлашда болаларнинг ёшига хос анатомо-физиологик ва психологияк хусусиятлари, ҳаракатларни аста-секин муракаблаштириб ва хилма-хиллаштириб бориш каби омилларни асосий қилиб олди. У машқлар муайян системасининг киши организмининг қар томонлама ривожлашиши ва тұғри ишлашига, жисмоний күчларининг тобора машқ илиши учун ёрдам бершига олиб боришига интилди.

П. Ф. Лесгафт жисмоний камолотни фақат ақлий, ахлоқий, эстетик камолот ва меңнат фаолияти билан үзаро алоқадорлик-дагина мавжуд деб билди. Лесгафт жисмоний машқларни бажашиш жараёнини киши шахсининг бир вақтда кечадиган ягона маънавий ва жисмоний камолот жараёни (сифатида туштарди).

Лесгафт машқларга ўргатиша оз куч ишлатыб катта ҳажмдаги иш бажаришга ва қийинчиликларни енгіб ўтишга ёрдам бередиган онгли муносабатни тарбиялашни асосий вазиға деб хисобларди. Лесгафт бола онгига қаратылған, күр-күрона тақлидни истисно қылувчи сұзнинг аҳамиятими алоҳида таъкидлар әди.

П. Ф. Лесгафт ўқитувчидан машғулотларга системали тайёрланишини талаб қиласы. Уннинг фикрича, ўқитувчи таълим жараёнида жисмоний нагрозданынг тобора ошиб бориши, машқларни алмаштириб туриш ва уларнинг хилма-хиллигини ҳисобға олиши лозим.

П. Ф. Лесгафт ҳаракатлы ўйинларнинг назарияси ва методикасина ишлаб чиқды. Ҳаракатлы ўйинларни боланинг ҳаётта тай-еңланишида ёрдам берувчи машқлар сифатида таърифлади. Бола бу ўйинларда күнікма ва одатлар орттиради, уннинг характеристикалланади. Бу ўйинлардаги қоидалар қонун аҳамиятига әга, бөлаларнинг уларға муносабати онгли ва масъулиятли бўлиши лозим. Уларни бажариш барча учун баробар, шунинг учун ўйинлар катта тарбиявий кучга әгадир. Ўйинлар интизом, ҳалоллик, атолат, сабот каби ахлоқий сифатларни ривожлантиради. П. Ф. Лесгафт ўйинларга шахс тарбиясининг құмматлы воситаси сифат да қарар әди.

П. Ф. Лесгафт назарияси болалар жисмоний тарбияси ҳақидағы фанни янада ривожлантиришда мустаҳкам замин бўлиб ғизмат қилди.

П. Ф. Лесгафтнинг шогирди, врач-педиатр ва гигиенист. профессор В. В. Гориневский үз врачлиқ—педагоглик фаолияти-

¹ Қаранг: Лесгафт П. Ф. Руководство по физическому образованию детей школьного возраста. Изд. пед. соч. М., 1952, т. 2.

да ва эълон қилган асарларида П. Ф. Лесгафтнинг жисмоний тарбия ҳақидаги таълимотини ривожлантириди ва чуқурлаштириди.

В. В. Гориневский фаолияти ўтган асрнинг 80—90-йилларини қамраб олди ва Октябрь революциясидан сўнг 20 йил мобайнида давом этди. У илмий тадқиқотлар асосида жисмоний тарбия, жисмоний машқлар гигиенаси, организмни чиниқтириш, даволаш физкультураси масалаларини ишлаб чиқди.

В. В. Гориневский жисмоний ва спорт машғулотларини амалга ошириш устидан врачлик ва педагоглик назорати ўрнатиш ишининг асосчисидир. Машқларни танлашда П. Ф. Лесгафт принципларига таянган В. В. Гориневский жисмоний камолотнинг киши ҳаёти тури ёш босқичларидаги ўзига хос хусусиятларини экспериментал жиҳатдан аниқлаб берди. Унинг «Муайян ёшга мўлжалланган жисмоний машқлар» («Физические упражнения, соответствующие данному возрасту») номли жадвали кенг тарқалгандир. Олим яратган жисмоний тарбия, болалар гигиенаси ва чиниқиши масалаларига оид кўп сонли илмий ишлари орасида унинг «Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг физкультураси» («Физическая культура дошкольного возраста») номли китоби айниқса оммавий тарзда эътироф этиладиган асарга айланди.

Агар П. Ф. Лесгафт Россияда жисмоний таълимнинг асосчиси сифатида ёш авлод жисмоний тарбиясига илмий асос солган бўлса, унинг давомчиси бўлмиш В. В. Гориневский жисмоний тарбиянинг ёшга хос хусусиятларини ўрганишни худди шу асосда, социалистик жамиятнинг янги вазифалари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириди.

Профессор, Педагогика фанлари Академиясининг ҳақиқий аъзоси, педагогика фанлари доктори, врач-гигиенист Е. А. Аркин, П. Ф. Лесгафт ва В. В. Гориневский гояларини давом эттириди.

Совет ҳокимиятининг биринчи кунлариданоқ Е. А. Аркин Халқ Маориф Комиссариатининг мактабгача тарбия бўлимида, халқ маорифининг Москва бўлимида доимий консультант бўлиб хизмат қилди, ўз атрофига болалар боғчалари врачларини бирлаштириди, тарбиячилар билан яқин алоқада бўлди, уларни ўз тадқиқотларига жалб этди. Е. А. Аркин уларни И. М. Сеченов ва И. П. Павловлар таълимотининг асосий нуқталари, яъни олий нерв фаолияти, болалар ҳаётини ташкил қилиш ва режимнинг асосий қонуниятлари билан тушунарли тилда танишитирар, болалар боғчаси ва оиласининг ҳамкорликдаги ишининг муҳимлигини асосслаб берар эди.

Олим яратган мактабгача тарбия педагогикаси, анатомия, физиология ва гигиенага оид кўп сонли ишлари орасида унинг «Дошкольный возраст» («Мактабгача тарбия ёши») номли фундаментал китоби алоҳида эътибор билан фойдаланиб келинди. ва у ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

трия ва мактабгача тарбия педагогикаси фанлариға катта құшған олимлардан яна бири профессор, медицина фанлатори Л. И. Чулицкаядир.

И. Чулицкая машхур педиатр-олим И. П. Филатовнинг шини ривожлантириди ва П. Ф. Лесгафт ҳамда В. В. Гори-йларнинг педагогик гояларини чуқурлаштириди. Мактабга-ция ёшидаги болаларнинг анатомо-физиологик хусусиятла-қидаги илмий маълумотларга сүянган ҳолда у болаларга ва тарбия беришнинг гигиеник нормаларини аниқлади ва маларни болалар боғчаси ишига жорий этди. Л. И. Чулиц-гиена, чиниқиши, мактабгача тарбия ёшидаги болалар хусу-ри ҳақидаги масалаларга оид 50 дан ортиқ илмий иш ёзди. Би-чида «Гигиена детёй дошкольного возраста» («Мактаб-тарбия ёшидаги болалар гигиенаси») китоби жуда машхур-

мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялаш да врачи ва педагог Е. Г. Леви-Гориневскаяяяниң ҳам роли. У үзидан олдинги олимлар ишини давом эттириб, жисмо-робия назарияси ва практикасининг ривожига катта ҳисса

жылон қылган ишлар орасида А. И. Быкова билан ҳамкор-ёзган «Закаливание организма ребенка» («Бола организ-иниқтириш») китоби, шунишгдек, олиманинг сұнгги иши тие основных движений у детей дошкольного возраста» мактабгача тарбия ёшидаги болаларда асосий ҳаракатларнинг аниши») асари жуда машхур бўлиб кетган.

А. И. Быкова мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳаракати-ривожланиши проблемасини ишлаб чиқиши асосида болалар ҳаракатларга ўргатиш жараёнини — бу жараённинг аҳа-мазмуни, ташкил этиш ҳамда методларини аниқлаб ва берди. У таълимнинг тарбиявий характеристини, унинг үзи-нигини «болалар билан ўтказиладиган машгулотларда кеп ғиладиган ўйин усуллари, уларни эмоционал тарзда амалга бойни билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаган эди. А. И. Быкова Е. Г. Леви-Гориневскаяяяларнинг ҳамкорликдаги иши мактабгача тарбия ёшидаги болалар жисмоний тарбияси систематизиривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялаш иси ва практикасининг ривожланишига Н. А. Метлов, Конторович, Л. И. Михайлова, А. И. Быковаларнинг ил-тодик ишлари катта таъсир кўрсатди. Улар бошқа авторлардан ҳамкорликда болаларни жисмоний тарбиялашга оид ғиммалар ишлаб чиқдилар, педагогика билим юртлари учун ғиммалар ва мактабгача тарбия муассасалари учун ҳаракатли о тўпламлари туздилар.

Болаларда ҳаракат кўниқмаларини шакллантиришга оид даст-ишлардан бири Д. В. Хухлаева тадқиқоти ҳисобланади. —7 ёшли болаларда ҳаракат кўниқмаларини шаклланти-

ришнинг аҳамияти ва методик усуллар нисбати белгилаб берилгани.

Болалар жисмоний тарбиясининг айрим масалалари ривожланишига амалиётчи педагоглар (Н. Н. Кильпио, Н. Г. Кохевникова ва бошқалар)нинг энг яхши тажрибалари катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Педагоглар, методистларнинг «Дошкольное воспитание» журналида босилган мақолаларида (В. И. Васюкова, Л. Тюрина, Г. Головенчиц, Л. Урбанская, К. А. Павлидис ва бошқалар) чиниқишини ташкил этишининг жисмоний тарбия машғулотларида болаларни жисмоний машқларга ўргатиш, ҳаракатли ўйинларни, спорт элементлари бор бўлган ўйинларни ўтказиш методикасининг ижодий изланишлари ва ҳоказолар ёритилган.

Кейинги йилларда болаларни жисмоний тарбиялаш соҳасида кўп сонли илмий тадқиқотлар олиб борилди, кундалик режимни илмий асослаш, илк ёшдаги ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ҳаракат кўнилмаларини шакллантиришга, ҳаракатли ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти ва уларнинг қоидаларига, фазода мўлжал ола билишга, болалар ҳаракат фаолиятидаги ижодий активлик, жисмоний сифатларни шакллантиришга, мусобақаларнинг тарбиявий аҳамиятига, асосий ҳаракатлар ва спорт машқлари (сузиш, чанғида юриш) ва бошқа масалаларга бағишланган диссертациялар ёқланди.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси замонавий проблемаларининг янада ривожланиши ижтимоий ҳаёт талаблари билан боғлиқdir. Фан-техника прогресси, турли меҳнат жабҳаларидағи ранг-баранг ижодий фаолият идрок қилиш, эслаб қолиш, фикр юритиш активлигини, аниқ ва тез мўлжал олиш, олинаётган маълумотларга муносабат билдира олиш қобилиятини талаб қилади. Шунга кўра, болалар жисмоний тарбиясини тўғри ташкил этиш, илк ёшдан соғлиғини мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш фавқулодда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам болалар жисмоний тарбияси назарияси соҳасидаги проблемалар хилма-хил ва аҳамиятлидир. Улар болаларнинг психофизиологик ривожланиши қонуниятлари ва унинг ҳаётдаги илк ҳаракатларига; болаларнинг потенциал имкониятларини ўрганиш ва уларнинг ўсишини таъминлайдиган шароит яратиш; барча ёш босқичларидаги таълим-тарбиявий жараённинг мазмуни ва методларини ишлаб чиқишига илмий ёндашиш — илмий асосланган ҳаракат режими, нерв системаси гигиенаси, чиниқиши, чидамлилик, ҳаракат қилишининг зарур кўнилмаларини тарбиялаш; турли машғулот формаларида ва ўйин фаолиятида маънавий онг ва хатти-ҳаракат, фикрлаш мустақиллiği, ижодий активликни ҳамда спортга, меҳнатга муҳаббатни тарбиялашга оид муҳим масалаларни ва бошқаларни қамраб олади.

Қўрсатиб ўтилган проблемаларни ҳал этишини қўйидаги илмий муассасаларга бирлашган олим-педагоглар, психологлар, физиологлар, врачларнинг биргаликдаги ҳаракати билан амалга

оширилади: СССР Педагогика фанлари Академиясининг мактабгача тарбия илмий текшириш институти (Н. Н. Поддъяков, Т. И. Осокина, Н. Т. Терехова, Е. А. Тимофеева, Е. Н. Вавилова, А. Д. Удалая, А. М. Фонарев, Т. Л. Богина ва бошқалар); врачлар маклакасини ошириш марказий институти (Г. В. Тонкова-Ямпольская, А. Г. Сухарев, В. И. Теленчи); РСФСР Маориф министрлиги мактаблар илмий текшириш институти мактабгача тарбия сектори; СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги Болалар ва ўсмирлар гигиенаси илмий текшириш институти (С. М. Громбах, Г. П. Юрко, Л. Б. Яшенко, В. В. Белоярцева); В. И. Ленин номли Москва Давлат педагогика институти (Э. Я. Степаненкова), Москва Давлат Сиртқи педагогика институти (Д. В. Хухлаева), Ленинград (Г. П. Лескова, Н. А. Ноткина), Киев (Э. С. Вильчковский), Пермь (Н. Л. Пустинникова), Славянск (А. И. Матусик ва Г. В. Шалигина), Ленинакан (О. Г. Аракелян), Клайпеда (Ю. Ю. Рауцкис ва Э. И. Адашкявичене), Ульяновск (Н. В. Потехина), Минск (Л. В. Карманова), Могилев (В. А. Шишкина), Ереван (А. А. Саркисян), Горький (Н. П. Кочетова), Запорожье (Г. И. Григоренко), Ростов-Дон (М. А. Демиденко), Орёл (Г. А. Михальченкова), Тбилиси (М. Л. Палаавандишвили) педагогинститутларининг мактабгача тарбия педагогикаси кафедралари, шунингдек, РСФСР Маориф министрлигининг мактабгача тарбия марказий методика кабинети ва илмий тадқиқот олиб борувчи ҳамда илк ёшдаги ва мактабгача тарбия ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш соҳасидаги амалий тажрибаларни умумлаштириб борувчи бошқа муассасалар.

Илмий тафаккурнинг ривожи ва жисмоний тарбия соҳасидаги олимлар ҳаракатини бирлаштиришда СССР Педагогика фанлари Академияси ва Маориф министрлиги томонидан уюштириладиган конференциялар муҳим аҳамиятга эга. Бу конференциялар олимларнинг муайян давр ичидаги олиб борган тадқиқот ишларига якун ясайди ва илмий изланишлар истиқболи, мамлакатимизда жамоатчилик асосидаги мактабгача тарбиянинг ривожланишига мувофиқ вужудга келадиган жисмоний тарбиянинг актуал проблемаларини ишлаб чиқиш билан таништиради.

ИККИНЧИ БОБ

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШ ВАЗИФАЛАРИ

Совет жисмоний тарбия системасининг барча бўғинларида ягона мақсад — ҳаётга, коммунистик меҳнат ва Ватан ҳимоясига тайёрлаш иши амалга оширилади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялашнинг умумий ягона йўналишдаги вазифалари ёш хусусиятларини хисобга олгаҳ ҳолда конкретлаштирилиб борилади.

Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбиянинг соғломлаштириш, таълимий ва тарбиявий вазифалари амалга оширилади.

1- §. Соғломлаштириш вазифалари

Ҳаётни сақлаш ва соғлиқни мустаҳкамлаш, жисмоний ривожланишини яхшилаш, организм функцияларини такомиллаштириш, чиниқиши йўли билан унинг турли қосалликларга нисбатан ҳимояланиш хусусиятларини ва чидамлилигини, ташқи мұхитнинг ноқулай шароитларига (сув ва ҳавонинг наст ва юқори температураси, қуёш нурийнинг таъсири) бўлган қаршилигини ошириш. Бундан ташқари болаларнинг умумий иш қобилиятини ошириш ҳам мұхимдир.

Бола организми ривожланиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда соғломлаштириш вазифалари жуда аниқ формада белгиланади, чунончи: сүякларнинг тўғри ва ўз вақтида қотишига, умуртқа эгикларининг шаклланишига, товоң равоқларининг ривожланишига, бўғим-боғлам аппаратининг мустаҳкамланишига ёрдам бериш; тана қисмларининг (пропорциялар) тўғри нисбатда ривожланишига, сүяклар ўсиши ва массасини бир тартибга солишига ёрдам бериш; барча мускуллар группасини ривожлантириш (тана, оёқ, қўл ва елка камари, панжа, бармоқлар, товоң, бўйин, кўз, ички органлар—юрак, қон томирлар, нафас олиш ва бошқа мускуллар); айниқса заиф ривожланган букувчи мускуллар группасининг ривожланишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Юрак-қон томирлари ва нафас олиш системалари фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам бериш, яъни юракка қон оқишини кучайтириш, унинг қисқариш ритмини яхшилаш ва тўсатдан ўзгарадиган нагруззуга мослашиш қобилиятини ривожлантириш; кўкрак қафаси ҳаракатчанлигини ўстириш, чуқур нафас олиш, унинг ритми барқарорлигига, ўпка сифимини оширишга ёрдам бериш, бурундан нафас олишини яхшилаш; ички органларининг (овқат ҳазм қилиш, модда ажралиш ва бошқалар) тўғри ишланишига ёрдамлашиб; терморегуляция функциясининг тўғри ривожланишига кўмаклашиб. Марказий перв системасининг фаолиятини такомиллаштириш: қўзгалиш ва тормозланиш, уларнинг ҳаракатчанлиги жараёнларининг мұқобиллигига, шунингдек, ҳаракат анализатори, сезги органларининг такомиллашувига ёрдам бериш.

2- §. Таълимий вазифалар

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялаш жараёнида таълимий вазифаларни ҳал этиш ҳам мұхимдир. Чунончи: ҳаракат кўпикма ва малакаларини шакллантириш, жисмоний сифатлар (чаққонлик, тезкорлик, эгилувчанлик, мувоза-

нат, кўз билан чамалаш, кучлилик, чидамлилик) ни ўстириш, тўғри қадди-қомат, гигиена кўникмаларини тарбиялаш, жисмоний тарбия ҳақидаги билимларни ўзлаштириш.

Болалар нерв системасининг пластиклиги туфайли уларда ҳаракат кўникмалари нисбатан енгил шаклланади. Уларнинг кўпчилигидан (эмаклаш, юриш, югуриш, чанғида юриш, велосипедда сайд қилиш ва бошқалар) кундалик ҳаётда ҳаракат воситаси сифатида фойдаланадилар. Ҳаракат кўникмалари ташқи муҳит билан алоқани осонлаштиради ва уни билишга ёрдам беради: бола эмаклаб ўзини қизиқтирган нарсаларга яқинлашади ва улар билан танишади; чанғида юра оладиган; велосипедда сайд қила оладиган болалар қор, шамол хоссаларини осон идрок этадилар; сузиш чоғида эса болалар сувнинг хоссалари билан танишадилар.

Жисмоний машқларни тўғри бажариш мускуллар, пайлар, бүғинлар, сук яхши системасини ривожлантиришга самарали таъсир қиласиди.

Мустаҳкам шаклланган ҳаракат кўникмаларидан фойдаланиш болага машқларни бажаришда жисмоний кучни тежаш ва ўйин фаолиятида эътиборни кутилмаган вазиятларда юзага келадиган турли вазифаларни тушуниб олишга йўналтириш имконини беради.

Болалардә 7 ёшгача шаклланган ҳаракат кўникмалари мактабда уларни янада такомиллаштириш учун замин бўлиб хизмат қиласиди ва келажакда спортда юқори натижаларга эришиш имконини беради.

Болаларда ҳаракат кўникмаларининг шаклланиши жараёнида бирмунча мураккаброқ ҳаракатлар ва бу ҳаракатларни (мехнат операциялари) ўз ичига оловчи турли фаолият турларини осонгина эгаллаш қобилияти хосил қилинади.

Ёш группаларига оид ҳаракат кўникмаларининг ҳажми программада берилган. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда сафланиш, умумривожлантирувчи машқлар, асосий ҳаракатлар, спорт машқларини бажариш кўникмаларини шакллантириш лозим. Бундан ташқари, болаларни спорт ўйинларига (городки, бадминтон, стол тениси) ва спорт ўйинлари элементлари (баскетбол, хоккей, футбол, волейбол)ни бажаришга ўргатиш зарур. Ҳаракат кўникмалари ҳажми мактабгача тарбия муассасаларида шароитнинг мавжудлиги, болаларнинг жисмоний тайёргарлиги, тарбиячиларнинг малакаси, ота-оналар ёрдамига қараб кенгайтирилиши мумкин.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ўтирган, турган ҳолатда ва юрганда қадди-қоматни тўғри тутиш кўникмаларига ўргатиш муҳим.

Бу ёшда шахсий ва ижтимоий гигиенанинг бошланғич кўникмалари (қўйл ювиш, кийим-кечак, пойабзални яхши тутиш, ўйин-чоқлар, физкультура инвентарлари, хона ва ҳоказоларни тоза тутиш) кўникмаларини сингидириш муҳим аҳамият касб этади.

—Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга машғулотларнинг фойдаси ҳақидаги, жисмоний машқларнинг аҳамияти ва техникаси, уларни ўтказиш методикаси ҳақидаги, ҳаракатли ўйинлар ва ҳоказолар ҳақидаги жисмоний тарбияяга оид билимларни бериш муҳимдир.—

Болалар гавда қисмларининг номини, ҳаракат йўналиши (юқорига, пастга, олдинга, орқага, ўнга, чапга, тўла айланиш (кругом) ва бошқалар), физкультура инвентарларининг номи ва қай мақсадда ишлатилиши, уларни сақлаш ва тутиш, кийим-кечак ва пойабзалга қараш қоидасини билишлари лозим.

Олинган билимлар болаларга жисмоний машқлар билан жуда онгли ва тўлақонли шуғулланиш, болалар боғчаси ва оиласадаги жисмоний тарбия воситаларидан мустақил фойдаланиш имконини беради.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш жараёнида табиат ҳодисалари, ижтимоий ҳаёт, ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш зарур.

3- §. Тарбиявий вазифалар

Жисмоний тарбия жараёнида болаларда режимга риоя қилиш, жисмоний машқлар билан ҳар куни шуғулланиш эҳтиёжи ни ҳосил қилиш бу машқлар билан мактабгача тарбия муассасаларида ва оиласада мустақил шуғулланиш малакаларини ривожлантириш, уларни ўз тенгдошлари ва кичик ёшдаги болалар билан ўтказиш. Болаларда спорт машғулотларига муҳаббат, уларнинг натижаларига, спортчиларнинг ютуқларига қизиқиш тарбиялаш лозим.

Жисмоний тарбия жараёнида ахлоқий, ақлий, эстетик ва меҳнат тарбиясини амалга оширишнинг катта имкониятлари мавжуд.

Жисмоний машқларни бажаришда характернинг ижобий хусусиятлари (уюшганлик, интизомлилик, камтарлик, кўнгилчалик ва ҳоказо) ва ахлоқий фазилат (ҳалоллик, ҳаққонийлик, ўртоқлик ҳисси, ўзаро ёрдам, колективда шуғулланиш малакаси, физкультура инвентарини эҳтиёт қилиш, топшириқни масъуллият билан бажариш) ларни тарбиялаш, шунингдек, иродавий фазилатлар (ботирлик, қатъийлик, ўз кучига ишонч, қийинчиликларни енгишда саботлилик, чидамлилик ва бошқалар) ни намоён қилиш учун жуда қулай шароит яратилади.

—Тўғри ташкил этилган жисмоний тарбия болаларнинг ақлий ўсишига ёрдам беради, чунки нерв системаси ва бошқа орган ҳамда системаларнинг нормал фаолияти учун қулай шароит яратилади, бу эса яхшироқ идрок этиш ва эслаб қолишига ёрдам беради. Болаларда барча психик жараёнлар (идрок, тафаккур, хотира, хәёл ва бошқалар), шунингдек, тафаккур операциялари (кузатиш, таққослаш, анализ, синтез, умумлаштириш ва бошқалар) ривожланади.

жисмоний тайёргарлик кўриш эҳтиёжини англаган даврда пайдо бўлган. Тажриба инсонга ов олдидан бўладиган тайёргарлик ва унинг натижажари ўртасида алоқа ўрнатишга ва тўпланган ҳаракат тажрибасиҳи авлоддан-авлодга бериш муҳимлигини баҳолашга имкон берди. Инсон ов қилишдан анча олдин бўлажак фаолиятни машқ қилади, хайвон тасвирини (суратлар, тулуп ва ҳоказо) мўлжалга олишга ҳаракат қилади. Бундай ҳаракатларни кўп марта такрорлаш натижасида инсонда нишонга теккизиш малакаси шаклланган, кўз билан чамалаш, куч ва бошқа фазилатлар ривожланган. Шундай қиلىб, жисмоний машқлар даставвал меҳнатда қўлланиладиган ҳаракатлардан ташкил топган. Кейинчалик жисмоний машқларнинг ривожланишига ҳарбий иш, фан ва санъат сезиларли таъсир кўрсаатди.

Жамиятнинг ва жисмоний тарбиянинг ривожланиши билан меҳнат ҳаракатлари формалари ва жисмоний машқлар ўртасидағи фарқ йўқолиб борди. Бу мураккаб ҳаракат фаолиятидан айрим машқлар (турли масофаларга югуриш, узоққа улоқтириш, узунликка сакраш ва бошқалар) ни ажратиб олиш ва улардан жисмоний тарбия мақсадларида фойдаланиш имконини берди. Жисмоний тарбия назарияси ва практикасининг ривожланиши жараёнида айрим мускул группалари учун маҳсус (предметларсиз ва предметлар билан, предметларда, гимнастика снарядлари ва бошқаларда) бажариладиган машқлар шунингдек, ўйнилар (волейбол, баскетбол, футбол, хоккей ва бошқалар) учун маҳсус машқлар яратилди. Ҳозирги вақтда жисмоний машқларнинг катта миқдори мавжуд ва уларнинг ривожланиши давом этмоқда.

Жисмоний машқлар бир-биридан ҳам мазмун, ҳам форма жиҳатдан фарқланади. Жисмоний машқлар таркибига кирувчи ҳаракатлар шунингдек, машқлар давомида организмда кечадиган, шуғулланувчиларга уларнинг таъсирини белгилайдиган жараёнлар (психологик, физиологик, биохимик, биологик ва бошқалар) жисмоний машқларнинг мазмунини ташкил этади.

Жисмоний машқларни бажариш (иҳтиёрий ҳаракатлар) ҳаракат тасаввuri, диққат, тафаккур, иродавий зўр бериш, эмоциялар ва бошқа шу каби психик жараёнлар билан бөглиқдир. Турли жисмоний машқларни бажариш пайтида организмнинг юрак-томир, нафас олиш ва бошқа системаларида хилма-хил ўзгаришлар юзага келади. Улар организмнинг функционал имкониятларини муайян даражада ўзгартиради ва оғирликнинг ошишига ҳамда организм структурасининг ривожланишига олиб келади.

Жисмоний машқлар мазмунига педагогик нуқтаи назардан қараганда уларнинг таълим-тарбиявий вазифаларни ҳал этиш (ҳаракат, кўнікма ва малакаларининг шаклланиши, жисмоний фазилатларни ривожлантириш ва бошқалар) даги аҳамиятини белгилаб олмоқ муҳимдир.

Жисмоний машқларнинг формаси ўзида уларнинг ички ва ташки структурасини акс эттиради. Ички структура организмда муайян

ян машқни бажариш чоғида кечадиган турли жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги билан характерланади. Ташқи форма эса куринувчи форма бўлиб, фазо, вақт, ҳаракатларнинг динамик параметрлари нисбатан билан характерланади.

Жисмоний машқларнинг мазмуни ва формаси ўзаро алоқададир. Мазмун формага нисбатан етакчи роль ўйнайди, чунончи югуриш тезлигининг ошишига қараб қадам узунлиги ва гавданнинг эгик бурчаги ўзгаради. Айни пайтда форма ҳам мазмунга таъсири этади: масалан, узоққа улоқтириш чоғида тўғри бажарилган силтаниш жисмоний сифатларнинг намоён бўлишига таъсири қиласди (улоқтириш узунлиги ортади, бу эса мускул кучлари ўзгаришидан гувоҳлик беради).

Жисмоний машқлар техникаси — бу ҳаракатларни бажариш усулни бўлиб, унинг ёрдамида ҳаракат вазифалари ҳал этилади. Масалан, предметни турли усулда: «корқадан елка оша», «Юқорига кўтарилиган қўл билан баланддан» ва бошқача усулда улоқтириш мумкин. Улоқтиришнинг бу усуллари улоқтириш натижалари бўйича ҳам, мускуллар ривожланишига таъсири бўйича ҳам турличадир.

Жисмоний машқлар техникаси ўзгариб, такомиллашиб боради. Ву жараён энг юқори натижаларга эришишга интилиш, ҳаракатларнинг биомеханик қонуниятларини очиш, анча мукаммал спорт инвентарини қўллаш, шунингдек, шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини яхшилаш билан белгиланади. Жисмоний машқлар техникаси самарадорлигининг баҳо мезони ташқи форма (коңкида фигурали учиш), миқдорий натижа (сакрашлар, югуриш ва бошқалар) ёки ҳаракат вазифаларини (нишонга теккизиш) бажариш ҳисобланади.

Жисмоний машқлар техникасида унинг асоси, белгиловчи звеноси ва детали фарқланади.

Техника асоси — бу ҳаракат вазифаларини ҳал эгишда бажарилиши зарур бўлган машқларнинг асосий элементлари. Техника асосининг бирор-бир элементи иштирок этмаса машқларни бажариш мумкин эмас ёки бажарилган тақдирда улар чаля ҳисобланади.

Техникинг белгиловчи звеноси бу муайян ҳаракат техник асосининг мудим ва ҳал қилувчи қисми ҳисобланади. Масалан, югуриб келиб баландликка сакрашда бир оёқда депсиниб, иккинчи сёқни кўтариб олдинга-юқорига ҳаракатлантириш, узоққа улоқтиришда эса силтанишдаги сўнгги кучли ҳаракат техниканинг белгиловчи звеноси ҳисобланади. Машқларда белгиловчи звенони бажариш одатда нисбатан қисқа вақт ичиди кечади ва катта мускул кучланишини талаб қиласди.

Техника детали — бу машқларнинг иккинчи даражали хусусияти бўлиб, улар техника асосини бузмаган ҳолда ўзгариб туриши мумкин. Масалан, шуғулланувчиларнинг баъзилари тўпни улоқтиргач, мувозанат сақлаш учун оёқларини сакраб қайта

қўяди, баъзи бирлари эса бир оёқни иккинчиси ёнига қўяди. Техника деталлар қишининг индивидуал морфологик ва функционал хусусиятларига ва машқларни бажариш шароитига боғлиқ бўлади.

Жисмоний машқлар вақтжиҳатидан кетма-кет келувчи фазалар (ёки қисмлар) дан иборат бўлади.

Циклсиз машқларда (улоқтириш, сакрашлар ва бошқалар) қўйидаги уч фаза фарқланади: тайёрлов, асосий ва якунловчи фаза. Барча фазалар узаро алоқада бўлиб, яхлит, бирни иккинчиси учун зарурдир, бироқ уларнинг ҳар бирни бутун машқдаги муайян функцияларга боғлиқ ҳолда алоҳида аҳамиятга молик бўлади.

Тайёрлов фазаси асосий фазани бажариш учун жуда кулай шароит яратади. Масалан, тўпни узоққа улоқтиришдаги силтанишда қўл ва гавда улоқтиришга қараганда (асосий фазада) қарама-қарши томонга ҳаракатлантирилади. Бунда асосий фазада тез ва кучли қисқариши лозим бўлган мускуллар чўзилади. Қўл ҳаракатининг узатиш йўли тўпнинг узоққа учишини таъминлайди. Югуриб келиб баландликка сакрашда югуриш асосий фаза бажариладиган йўналишда амалга оширилади, бу силтаниш кучини оширади ва катта баландликдан ошиб ўтишга имкон беради.

Асосий фаза муҳим ҳаракат вазифасини ҳал этишга йўналтирилгандир. Масалан, ўлоқтиришда тўпни отишга, сакрашда — куч билан силтанишга, тўсиқдан ҳатлашга хизмат қиласди. Бу фазада муайян жойда, йўналиш ва зарур вақтда ҳаракатланувчи кучлардан оқилона фойдаланиш муҳимдир. Асосий фаза машқларни бажариш усулининг моҳиятини ташкил этади.

Якунловчи фазанинг вазифаси ҳаракатни тўхтатиш ва мувозанатни сақлаш — узоққа улоқтиргандан сўнг чизиқни кесиб ўтмаслик, югуриб келиб узунликка сакрагандан сўнг йиқилмасликдан иборатдир.

Машқларда, элементлар, масалан, узоққа ва нишонга улоқтиришда дастлабки ҳолат, кўзлаш, силташ, улоқтириш, мувозанатни сақлаш қабилар ҳам фарқланади.

Фазовий характеристика **Барча жисмоний машқлар фазода бажарилади. Фазовий характеристика ўз ичига дастлабки ҳолат, машқларни бажариш пайтида гавда ва унинг қисмлари ҳолатини, траекторияни олади.**

Дастлабки ҳолат — бу гавда қисмларининг машқларни бажариш арафасида нисбатан ҳаракатсиз ҳолатидир; у ҳаракатга тайёрликни ифодалайди. Гавда ва унинг қисмлари дастлабки ҳолати ўзгаришига қараб машқлар мураккаблигини ўзгартириш, мускулларга бериладиган нагруззани кўчайтириш ва организмга ижобий таъсир этиш мумкин. Масалан, скамейкада ўтирган ҳолда ўнгга, чапга бурилишлар қорин мускуллари ишини кўчайтиради; полда ётган ҳолда бажариладиган машқлар гавда оғирлигининг умуртқага берадиган ососини сусайтиради. Дастлабки

холат машқларни түгри бажариш учун энг қулай шароит яратади ва кейинги ҳаракатларнинг самарадорлигини таъминлайди (масалан, паст старт югуришда тезликни максимал даражада әширишга ёрдам беради).

Гавда ёки унинг алоҳида қисмларининг машқларни бажариш жараёнидаги ҳаракатсиз ҳолатига мускулларнинг статик кучланиши хисобига эришилади. Бажариладиган жисмоний машқларнинг самарадорлиги гавда ва унинг қисмларининг жуда қулай ҳолатда сақланишига боғлиқdir. Ҷупончи, конькида учувчи, чангичи паст старт ҳолати ҳаво қаршилигини камайтиради ва шу аснода олдинга тез ҳаракат қилишига ёрдам беради; югуриш жараёнида гавданинг эгилиш бурчагини ўзgartириш билан гавда ҳаракатини тезлаштириш мумкин.

Айрим машқларни бажариш техникасида бошнинг муайян ҳолати аҳамиятга эгадир. Масалан, скамейка, хода устида юришда мувозанатни сақлаш учун бошни түгри тутиш зарур.

Фигурали учишида, бадий ва спорт гимнастикада гавда ва унинг алоҳида қисмларига оёқ панжаларини чўзиш, гавдани эгиш ва бошқа маҳсус эстетик талаблар қўйилади.

Баъзи дастлабки ва статик ҳолатлар мустақил аҳамиятга эга бўлиши мумкин («Смирно» туриш).

Ҳаракатлар траекторияси. Ҳаракатланаётган гавда қисми (ёки предмет) нинг йўналиши траектория дейилади. Траекторияда форма, йўналиш ва ҳаракат амплитудаси фарқланади.

Траектория форма жиҳатдан түгри ва эгри чизиқли бўлади. Түгри чизиқли ҳаракатлар гавда қисмининг қисқа масофада жуда катта тезлигини ҳосил қилиб талаб этилган ҳолларда (қиличбозликда санчиш, юқорига осиб қўйилган тўпни уриш) қўлланилади. Эгри чизиқли ҳаракатлар кўп қўлланилади, чунки ҳаракат инерциясини идора қилиш учун қўшимча мускул кучи сарфлашга түгри келмайди (теннис ўйинида коптокни нишонга улоқтиришда ракетка билан урганда сиртмоқ шаклида ҳаракат қилиш ва бошқаларда). Траектория формасининг мураккаблиги ҳаракатланаётган гавда оғирлигига боғлиқ: у қанча оғир бўлса, форма шунча оддий бўлади, масалан, қўл ҳаракати оёқ ҳаракатига нисбатан хилма-хилдир.

Ҳаракат йўналиши. Жисмоний машқларнинг айрим мускуллар ривожланиши ва ҳаракат вазифаларини мувваффақиятли бажарилишига таъсирининг самарадорлиги (нишонга теккизиш) ҳаракатланаётган гавда, унинг қисмлари (ёки предмет)га бериладиган йўналишга боғлиқ.

Ҳаракат йўналиши гавда (қўллар олдинда) га нисбатан ёки ташки мўлжалга қўра белгиланади (арқон оша улоқтириш). Кинши гавдасининг асосий йўналишларини қўйидагича аташ қабул қилинган: юқорига-пастга, олдинга-орқага, ўнгга-чапга. Букувчи ҳаракатлар йўналиши гавда ҳолатига кўра белгиланади, бунда «олдинга», «орқага», ҳаракати учун (масалан, гавдани олдинга,

га эга. Бу организмнинг хусусиятларига (бүй, гавда массаси, нерв системаси типи), умуман киши шахси (умумий активлик ва ҳоказо) га, шунингдек, ҳаракат усусларини ўзлаштириш дарражасига боғлиқ. Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш натижасида ҳаракатларни бажаришнинг индивидуал суръатини ўзгартиринш ва умумий суръатга мослашишга ўрганиш мумкин.

Ритм ҳаракетистикаси **Ритм** — бу ҳаракатнинг кучли, акцентлаштирилган қисмларининг заиф, пассив ҳаракатлар билан вақтда уйғулашувидир. Ҳаракатнинг акцентлаштирилган кучли қисмлари жуда юқори мускул зўриқиши билан бажарилади, сүнг ҳаракат бироз муддат инерция бўйича, пассив (иккala чанғи таёғи билан бир вақтда силтаниш ва икки оёқда сирғалиш) давом этади. Акцентлаштирилган давр қанча интенсив бўлса, ҳаракатнинг пассив қисмидан шунчак тўлақонли фойдаланилади. Мускулнинг зўриқиши ва бўшашишини ўз вақтида алмаштириб туриш жисмоний машқларнинг тўғри бажарилишини, ҳаракат вазифаларини тежамли усулда ҳал этилишини билдирувчи кўрсаткичлардан биридир. Ритмик ҳаракатлар енгил бажарилади, шунинг учун толиқтирмайди.

Ўзлаштирилган ҳаракатлардаги ҳаракатланиш ритми одатдан шароитда барқарор тус олади, бироқ шароит ўзгариши билан ритм ҳам ўзгаради (турли жойларда чанғида учиш). Ҳаракат ритмлари киши томонидан онгли, ихтиёрий равишда шакллантирилади ва идора қилинади. Ҳар бир киши машқларни бажаришда ўз ритмига эга, бироқ муайян ҳаракатнинг рационал структурасида белгиланган чегарасидан чиқмаслик учун ҳаракат қилиши лозим. Жисмоний машгулотлар ёрдамида ҳаракат қисмлари давомийлигининг актив ва пассив муносабатини ўзгартиринш мумкин.

Динамик характеристика Киши танасига таъсир этувчи кучлар ички ва ташқи кучларга бўлинади. Ички кучларга таянч-ҳаракат аппаратининг пассив кучлари (мускулларнинг эластиклиги, қайишқоклиги); таянч-ҳаракат аппаратининг актив кучлари (мускулларнинг тортилиш кучи); реактив кучлар (гавда айрим қисмларининг тезлашиб ҳаракатланиши жараённада юзага келадиган қайтувчи кучлар) киради.

Ташқи кучларга киши танасига ташқаридан таъсир этувчи кучлар: гавданинг ўз оғирлиги кучи, таянишнинг реакция кучи; ташқи муҳитнинг қаршилик кучи (сув, хаво, кум) ва жисмоний кучлар (жуфт бўлиб бажариладиган машқлардаги партнерлар, курашдаги рақиб, акробатикадаги партнёр); снаряднинг оғирлик кучи (тўлдирма тўп, гантеллар, штанга); киши гавдасининг алмашиниб турадиган кучлари киради.

Киши ҳаракат фаолиятига мускуллар тортишиш кучининг бошқа ички ва ташқи кучлар билан ўзаро ҳаракатига қўшимча фаолият сифатида қараш мумкин. Жисмоний машқларни бажаришда барча ҳаракатланувчи кучлардан тўла фойдаланишга

бунда тормозловчи кучларни бир вақтда камайтиришга эришган қолда интилиш лозим. Ҳаракатларни түғри әгаллаган шуғулла-нувшылардагина ўзаро ҳаракат құлувчы кучларнинг нисбати ра-ционал, самарали, тежамли бўлади.

3- §. Жисмоний машқлар классификацияси

Классификация — бу жисмоний машқларни муайян белгиларида кўра группа ва кичик группачаларга тақсимлашдир. Турли жисмоний машқлар кўплаб ўхшаш белгиларга эга. Машқларни группалашга имкон берадиган асосий белгини аниқлаш мұхимдир. Бу белги педагогик жиҳатдан аҳамиятли бўлиши лозим. Турли белгиларга кўра тузилган классификация кўплаб амалдағы жисмоний машқлар билан танишишга, улардан зарурларини қўйилган вазифаларга мувофиқ танлашга, дарслер ва қўлланмалардан зарур машқлар тавсифини тез топишга ёрдам беради.

Айниқса умумий классификацияларнинг бири асосида жисмоний тарбия воситаларининг тарихий шаклланган системаси ва уларни қўллаш методлари ётади: гимнастика, ўйинлар, спорт ва туризм. Бу группаларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамиятга эга ва улар янада кичик классификацион группачаларга бўлинади.

Гимнастика совет жисмоний тарбия системасида катта ўрин тутади. У соғломлаштириш ёки умумривожлантирувчи (асосий, гигиеник, атлетик), спорт (акробатика, бадий, спорт гимнастикаси—снарядларда бажариладиган машқлар, эркин машқлар) ва амалий (профессионал-амалий, ҳарбий-амалий, спорт-амалий, ишлаб чиқаришдаги гимнастика, даволаш гимнастикаси) каби турларга бўлинади.

Гимнастиканинг қўйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд: гавданинг турли қисмлари, айрим бўғимлар, мускул группалари ва улар фаолиятининг турли томонлари ва ҳолатига танлаб таъсир этиш (мускулларнинг бўшашиши, чўзилиши ва бошқалар); нагрузкани аниқ тақсимлаш имконияти; физкультура сизрядлари, инвентарлардан фойдаланиш; машқларни музика жўлигига ўтказиш; машқларнинг ранг-баранглиги. Гимнастиканинг бу хусусиятлари ундан хилма-хил вазифаларни ҳал этиш учубарча ёшдаги, саломатлиги, жисмоний тайёргарлиги турлич бўлган кишилар билан ўтказиладиган машғулотларда фойдала-ниш имконини беради.

Ҳаракатли ўйин — бу турли эмоционал ҳаракатлардан иборат мураккаб фаолиятдир. Бу фаолият пировард якун ёки микдорий натижани аниқлашга қаратилган, белгиланган қоидала асосида тўсатдан ўзгарадиган шароит ва вазиятларда бажарилади. Гимнастикадан фарқли ӯлароқ, ўйинларни ўтказишда жисмоний нагрузкаларни тақсимлаш қўйин бўлади.

Ҳаракатли ўйинлар бошқа жисмоний машқлардан шуғулла-нувшылар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш хусусиятлари билан фарқланади. Ўйин давомида тўсатдан ўзгарадиган вазият-

ларда ҳаракат қилиш ва тезкорлик, чақонлик (чалғитиши, «түзөх» дан қочиш) каби жисмоний фазилатларни намоён қилған ҳолда қисқа муддатта ҳаракат вазифаларини ҳал этиш зарурати вужудга келади. Бу ҳаракат күнікмаларини мустаҳкамлайди. Ўйин пайтида болалар фаолияти образли сюжет ёки ўйин вазифалари асосида ташкил этилади ва бу боланинг жисмоний машқларни иштиёқ билан ва узоқ муддат бажариши учун ижобий эмоциялар уйғотади. Бу ўз навбатида уларнинг организмга таъсирини күчайтиради, чидамлиликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўйин қоидаларига риоя қилиш бир-бирини тақозо этадиган хатти-ҳаракатни юзага келтиради, ахлоқий фазилатлар (ўзаро ёрдам, онгли интизом ва бошқалар)ни тарбиялашга ёрдам беради. Ўйин пайтида болаларга ҳаракат усулларини танлашда мустақиллик намоён қилишлари, топқирилик, зеҳн, саботлилик кўрсатиш имконияти яратилади. Ўйин фаолияти комплекс характерга эга ва у турли ҳаракатлар уйғунлигига (югуриш, сакраш ва бошқалар) қурилади.

Ўйиннинг юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятлари ундан барча ёш группаларида, айниқса, мактабгача тарбия ёшидаги ва кичик мактаб ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ишда фойдаланиш имконини беради.

Спорт жисмоний машқларнинг бирор турида юқори мувоффақиятга эришишга йўналтирилгани билан характерланади, кишининг маънавий ва жисмоний кучларига юксак талаблар қўяди. Шунинг учун у фақат муайян ёш босқичининг ривожланиш даражасидагина қўлланиши мумкин. Бу эса жисмоний тайёрлик ва соғлиғига мувофиқ келадиган шароитни талаб қиласди.

Спорт жисмонан камол топишга хизмат қиласди ва маънавий иродавий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради. Шунинг учун спорт билан шуғулланиш айниқса, киши организмининг ҳамда инсон шахсининг шаклланиш даврида фойдалидир.

Техника асосларини шакллантириш ва жисмоний тарбиянинг хилма-хил вазифаларини ҳал этиш мақсадида мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ишлашда турли гимнастика машқлари (сафланиш, умумривожлантирувчи машқлар, асосий ҳаракатлар), спорт машқлари (чангидаги юриш, конькида, чанада учиш, велосипед ҳайдаш, сузиш ва бошқалар), спорт ўйиклари стол тениси, бадминтон, городки ва бошқалар) дан фойдаланилади. Бунинг натижасида жисмоний машқлар ва кейинги ёш ёш босқичида хилма-хил спорт турлари билан шуғулланиш учун база яратилилади.

Туризм ҳаракат күнікмаларини мустаҳкамлашга ва табиий шароитларда жисмоний фазилатларни ривожлантиришга имкон беради. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан турли ҳаракат усулларидан фойдаланган ҳолда (пиёда юриш, чангидаги, велосипедда юриш) участкадан ташқарига, шаҳар ташқарисига саирлар уюштирилади. Сайр чогида йўл-йўлакай турли машқ-

ларни бажариш мүмкін (масалан, тұнқалардан сакраш, арқондан сакраб үтиш, аргамчыда сакраш, копток билан бажариладиган машқлар, ҳаракатлы үйинлар ва бошқалар). Жисмоний машқларнинг очиқ ҳавода бажарилиши уларнинг соғломлаштириш самарадорлыгини оширади.

Жисмоний машқлар бошқа белгилари бүйича ҳам бўлинади. Кўпроқ жисмоний фазилатларнинг ривожланишига қараб улар чаққонлик, тезкорлик, эгилувчанлик, кучлилик, чидамлилик каби машқлар группаларига бўлинадилар (машқлар бир пайтнинг ўзида барча жисмоний фазилатларни ривожлантириса-да, бироқ улардан бирини кўп даражада ривожлантириди, масалан, қисқа масофага югуриш тезкорликни ривожлантириди).

Машқлар снарядлар, предметлар (гимнастика скамейкасида, деворида, хода устида бажариладиган машқлар, таёқчалар, тўплар билан бажариладиган машқлар ва ҳоказо) дан фойдаланишига қараб ҳам бўлинади.

Машқлар анатомик белгиларга кўра ҳам (қўл ва елка камари, гавда, оёқ мускуллари учун машқлар ва ҳоказо) группаларга бўлинади.

Структура белгиларига кўра тузилган қуийдаги классификация ҳам қўлланилади: циклик машқлар, ациклик ва аралаш машқлар. Циклик ҳаракатлар (юриш, югуриш, сузиш, чанғида юриш ва бошқалар) машқларнинг изчил ҳолда келиш қонунияти ва циклда ҳаракат элементларининг алоқадорлиги билан характеристланади. Ациклик ҳаракатларда (улоқтириш, сакраш ва бошқалар) ҳар бир машқ тугалланган ҳаракат ҳисобланади. Аралаш ҳаракатларда (югуриб келиб баландликка сакраш ва бошқалар) циклик ва ациклик машқлар бирлашади.

Биомеханикада машқлар илгарилама (турган жойдан, югуриб келиб узунликка сакраш ва бошқалар), айланма (диск улоқтириш ва бошқалар) ва ҳоказо турларга бўлинади.

Физиологияда ҳар хил куч талаб этадиган машқлар фарқланади.

Бундан ташқари машқлар табиий ва абстракт (чалғитилган, аналитик) каби турларга ҳам бўлинади. Табиий машқлар (юриш, югуриш, велосипед ҳайдаш ва бошқалар) кундалик турмушда ва баъзи бир меҳнат турларида қўлланилади. Абстракт машқлар жисмоний тарбия вазифаларини хал этиш учун маҳсус яратилган айрим мускул группалари, гавданинг турли қисмлари учун, шунингдек, кўриниши ўзгариб турадиган табиий ҳаракатлар (юриш, турган жойида югуриш, ҳалқа ва брусларда бажариладиган машқлар ва ҳоказо).

Машқлар динамик ва статик турларга бўлинади. Динамик машқлар фазода кўчуб юриши билан боғлиқ. Статик машқлар бир ҳолатда узоқ вақт мускулнинг зўриқиб туришига асосланган («Смирно» туриш, кулларга таяниб тик туриш ва бошқалар).

4-§. Жисмоний тарбия программаларининг характеристикаси

Программада жисмоний тарбия вазифалари очиб берилган, машгулот турлари ва иш формалари кўрсатилган: ўқув иши (физкультура машгулотлари); физкультура соғломлаштириш; болаларнинг актив дам олиши; мустақил фаолият; уйга вазифа (ота-оналарнинг болалар билан шуғулланиши учун). Бундан ташқари жисмоний машқларнинг айрим турлари учун йиллик соатлари белгиланган, мактабгача тарбия муассасаларида программани амалга оширишга оид тавсиялар берилган.

Программа ёш принципи асосида қурилган бўлиб, у болалар ривожланишининг барча даврларини қамраб олади (туғилгандан то 7 ёшгача). Ҳар бир ёш групласи тарбия ва таълим вазифалари берилган, шунингдек, сафланиш машқлари (сафланиш, қайта сафланиш, бурилиш, ёйилиш ва бирниш); умумривожлантирувчи машқлар (қўл, елка камари, гавда ва оёқ мускуллари учун, предметсиз, предметлар билан ва предметларда бажариладиган машқлар учун); асосий ҳаракат (юриш, югуриш, мувознатни ривожлантирувчи машқлар, сакрашлар, улоқтириш, тирмашиш) машқлари кўрсатилган. Бола ҳаётининг биринчи чилида шартсиз рефлекслар, массаж, иккинчи чилида эса рақс машқларининг амалга оширилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ҳаракатли ўйинларда уларга киритиладиган ҳаракат турлари кўрсатилади. Спорт ўйинларида (городки, бадминтон, стол тениси, баскетбол, футбол, хоккей) болалар ўзлаштириши лозим бўлган элементлар берилган. Программада спорт машқларига (чанғида юриш; конькида, чанада учиш, велосипедда юриш, сүзиш ва бошқалар) катта ўрин ажратилади. Катта ва мактабга тайёрлов группалари учун «Тўсиқли йўлкачалар» ўйинининг мазмуни баён этилади.

Снарядлар баландлиги (гимнастика девори, нарвон ва бошқалар), болаларнинг кейинги ёш группаларига мўлжалланган барча машқ турларининг миқдор кўрсаткичлари оширилади, машқларни бажариш усуллари аста-секин мураккаблаштирилади.

Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия программыси мактабларинг 1 синф программаси билан изчилликни назарда тутади. Бу изчиллик жисмоний тарбия вазифаларида, воситаларида, иш формаларида, шунингдек, таълим-тарбия методларида ва норматив кўрсаткичларда ифодаланади. Мактабгача тарбия муассасаларида саломатлик, жисмоний камолот ва тайёргарликнинг асоси яратилади, бу эса болаларнинг мактабларда муваффақиятли ўқишини таъминлайди.

1 синф программаси ўз ичига болалар боғчада ўзлаштирган машқларни олади ва шунинг асосида ўқувчилар бирмунча мураккаброқ ҳаракатларни әгаллайдилар.

ТУФИЛГАНДАН ТО 7 ЁШГАЧА БУЛГАН БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бола ҳәётининг дастлабки 7 йили барча орган ва система-ларнинг интенсив ривожланиши билан характерланади. Бола наслга хос биологик хусусиятлар, жумладан, асосий нерв жара-ёнларининг типологик хусусиятлари (куч, мувозанатлилик ва ҳаракатчанлик) билан ҳам туфилади. Бироқ хусусиятлар фақат жисмоний ва психик ривожланишларнинг асосини ташкил этади, ҳәётининг биринчи ойларидағи белгиловчи омил эса ташқи муҳит ва бола тарбияси ҳисобланади. Шунинг учун тарбияга шундай шароит яратиш ва уни шундай ташкил этиш керакки, боланинг тетик, ижобий эмоционал ҳолати, жисмонан ва психик тұлақонли ривожланиши таъминлансын.

Бола ҳәётининг биринчи йилида унинг марказий нерв системаси хусусиятлари морфологик структурасининг тугалланмагани ва бош мия пүстлоғининг функционал ривожланишидан иборат бўлади. Бу жараёнларнинг ниҳоясига етиши кейинги йилларда ташқи ва ички қўзғатувчиларнинг таъсирида кечади.

Туғма шартсиз рефлекслар базасида (мудофаа, ҳимоя, овқатланиш, чамалаш) олий нерв системаси фаолиятининг ривожланишига эришилади. Бола ҳәётининг биринчи ҳафт'ларидаёқ уни кўриш ва эшитиш каби шартли рефлекс қўзғатувчилари шунингдек, (Н. И. Қасаткина тадқиқотлари кўрсатганидек) жуда хилма-хил ташқи қўзғатувчиларни пайдо қилиш мумкин. Ёш улгая бошлиши билан шартли рефлекслар пайдо бўлиши тезроқ кечади.

Агар бирор-бир ташқи қўзғатувчилар узоқ муддат, муайян изчиликда қўлланилса, бунинг натижасида динамик стереотип — жавоб реакцияларнинг яхлит системаси вужудга келади. Бола тарбияси тўғри олиб борилганда, кўплаб турли стереотиплар ҳосил қилиш мумкин, бу ташқи атроф-муҳитни идрок қилишни осонлаштиради ва нерв ҳужайраларининг иш қобилиятини оширади. Масалан, кундалик режим, ўз вақтида ухлашга ётқизиш, уйқудан сўнг эрталабки гигиеник гимнастикани мажбурий тарзда бажариш ва ҳоказолар учун стереотип ҳосил қилиш мумкин. Бироқ, бола нерв системасини айрим стереотиплар (одатлар)ни ўзгартириш мақсадида шароит, ёшнинг ўзгаришига қараб, болаларда муҳитни онгли идрок қилиш қобилиятини ривожлантирган ҳолда эҳтиётлик билан машқ қилдириш зарур. Чунончи, бола ҳәётининг иккинчи йилидаги ҳаракат ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда болалар одатдаги юришни ўзлаштиргач, физкультура машғулотларига мураккаблаштирилган юриш (йўлкадан, ходадан) ни киритиш лозим. Бола айтилган вазифани енгил бажаради, янги ҳаракатта қизиқиши билан қарайди, уни ҳажаришга интилади. Натижада ҳаракат кўнкима-

лари фақат машқларни бажариш пайтидагина әмас, балки кундалик түрмушда ҳам такомиллашади.

Марказий нерв системасининг ривожланиш даражаси ва дифференциациясига (улғайишига) қараб статик ва ҳаракат күнімалари пайдо бұлади. Бу функцияларнинг вужудға келиши ва мустаҳкамланиши ҳам ташқы, ҳам ички омыллар билан белгиланади. И. М. Сеченов янги туғылған бола скелет мускуллари соңасыда унча күп бўлмаган инстенктив ҳаракатлар миқдорини өгаллашини таъкидлаган эди. Ихтиёрий деб аталмиш барча ҳаракатлар бола ҳаёті даврида, ташқы таъсиротлар таъсирида шаклланади. Бунда ташқы муҳит таъсирини идрок этувчи сезги органларининг ҳолати катта аҳамиятга эга бўлади (туғилиш олдидаги болада сезги органлари ҳаракатларга нисбатан кўпроқ ривожланган бўлади).

Ҳаракат анализатори ва бошқа анализатор ўртасыда вужудға келадиган алоқанинг муайян изчиллиги М. Ю. Кистяковская тадқиқотларида аниқланган. Бола ҳаётининг иккінчи ойида кинестетик ва вестибуляр анализаторлар ўртасыда алоқа ўриатилади, бу боланинг қорин билан, чалқанча ётганда, тик турғандаги каби турли ҳолатларида бошини кўтариш ва тутиб туриш ҳаракатларида намоён бўлади. Бу ёнда лаблар, оғиз бўшлиғидаги шиллиқ парда ва қўл терисидаги рецепторларга эга бўлган кинестетик анализатор билан ҳам алоқа юзага келиши мумкин. Четдан қарраганда бу қўлни оғизга олиб боришда ва бармоқларни сўришда намоён бўлади. Бироз вақтдан кейин қўлнинг кинестетик анализатори билан қўриш анализаторлари ўртасыда алоқа вужудға келади, бундай пайтда бола қўлини юзи узра кўтаради ва унга қарайди. Тўртинчи ойнинг охири ва бешинчи ойда бирмунча мураккаб кўриш — кинестетик алоқалар пайдо бўлади, бунинг натижасыда бола қўлини кўринадиган буюмга узатади ва уни ушлайди.

Рецептерлараро воқе бўладиган алоқалар мураккаб функционал системаларни юзага келтиради. Унинг кўринишларидан бирни хилма-хил ҳаракатлар ҳисобланади. Бунда сенсор натижаларга мос келувчи ҳаракатлар эртароқ мустаҳкамланади.

Болалар кундалик ҳаётіда зарур жиҳозлар ва қўлланмалар, шунингдек, системали машғулотларнинг мавжудлиги ҳаракат кўникмаларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ҳаракат анализаторларининг (Н. И. Красногорский) тез ривожланиши ва такомиллашиши кузатилади. Шартли рефлекслар бу ёнда тез ҳосил қилинади, бироқ дарров мустаҳкамланмайди ва шунинг учун боладаги кўникмалар дастлаб бекарор бўлади.

Бош мия пўстлогидаги қўзғолиш ва тормозланиш жараёнлари осонгина иррадацияланади, шунинг учун болалар диққати бекарор бўлиб, жавоб реакциялари эмоционал характер касб этади ва улар тезда толиқадилар. Бундан ташқары мактабгача тарбия ёшидаги болаларда қўзғалиш жараёнлари тормозланишдан устуңлик қиласади.

Шундай қилиб, муайян ҳаракат кўнилмаларини ҳосил қилиш ва уларни шартли рефлекслар сифатида мустаҳкамлаш, яъни ҳаракат стереотипини ҳосил қилиш учун қўзғатувчиларни қўллашнинг маълум даражадаги такрорланиши ва изчилиги талаб этилади. Муайян план асосида ўтказиладиган жисмоний машқлар ана шундай қўзғатувчилардан ҳисобланади.

Махсус машғулотларни ўтказишда болалар ҳаракат фаолияти эркинлиги учун шароит яратиш марказий нерв системасининг тўғри ва ўз вақтида ривожланишига, бинобарин психик ва мотор ривожланишига имкон беради.

Бола ўз ҳаётининг иккинчи йилида мураккаб кўринишини эгаллайди — юра бошлайди, шу ёшнинг охирида эса югурадиган бўлади. Ҳаётининг иккинчи ва учинчи йилида таълим ва тарбия таъсирида тирмашиш ва улоқтириш каби ҳаракатлар мураккаблашади ҳамда сифат жиҳатдан такомиллашиб боради. Бола ҳаётининг учинчи йилида сакрашларга тайёргарлик ҳаракатлари кўрина бошлайди, шу ёшнинг охирида болалар олдинга ҳаракат қилиб сакрайдиган бўладилар. Бола З ёшга етганда деярли барча асосий ҳаракатларни эгаллайди ва муҳими шундаки, у бу ҳаракатларни ўзининг эркин фаолиятида қўллай бошлайди.

Тўрт—етти ёш давомида шартли алоқалар мустаҳкамланади ва таълим-жараёнида такомиллашади. Мускулларга бериладиган нагрузкаларнинг ошиши билан ҳаракат сифатларнинг ривожланиши ва жисмоний тайёргарлик даражасининг ошиши жуда интенсив кечади (1-жадвал).

Илк ва мактабгача тарбия ёшидаги жисмоний ривожланиши бўй, гавда массаси, бош айланаси, кўкрак қафаси каби асосий кўрсаътичларнинг тинимсиз ўзгариб туриши билан характерланади.

Бола ҳаётининг биринчи йилида унинг буйи тахминан 25 см га ўсади — бу мактабгача бўлган давр учун унча катта бўлмаган рақамдир. Бола 5 ёшга етганда унинг бўйи аввалгидан икки баравар ўсади. Ҳаётининг биринчи йилида бола гардасининг оғирлиги уч баравар ошади (туғилгандаги оғирликка нисбатан), бир йилдан сўнг эса унинг оғирлиги деярли бир хилда, йилига 2—2,5 кг га орта боради, 6—7 ёшда эса унинг оғирлиги бир ёшга тўлгандагидан икки баравар ортади.

Кўкрак қафаси айланаси ҳам нотекис ривожланади, бу бола ҳаётининг биринчи йилида айниқса тезроқ кечиб, у 12—15 см га кенгаяди. Мактабгача бўлган бутун давр ичida кўкрак қафаси айланаси тахминан яна шунчага кенгаяди. Кўкрак қафаси айланасининг катталиги боланинг чиниқанлигига, унинг жисмоний ривожланганлиги ва тайёрланганлигига (мускуллар, нафас олиш функцияси, юрак-томир системасининг ривожланганлиги) боғлиқ.

Бош айланасининг ilk ёшдаги ўзгариши асосан бош мия массасининг ўзгариши билан белгиланади (бироқ бош сую-

Турли харакат активлігі даражасындаға бүлгін болалар жисмоний тайёргарлығыннан шын динамикасы¹

Етап	10 м га юруши вакти, сек.		Турған жойдан узунликка сакраш, см		Чидамлилик (чопиб үтиладыган масоға, м)	
	Күшімча шұгулланадыган-лар	Шуғуллан-майдыган-лар	Күшімча шұгулланадыган-лар	Шуғуллан-майдыган-лар	Күшімча шұгулланадыган-лар	Шуғуллан-майдыган-лар
Ү 4 ёшда	2,6	2,9	79,3	62,5	740,6	463,1
	К	2,9	3,0	72,3	60,3	377,7
Ү 5 ёшда	2,3	2,5	95,9	83,0	1502,0	601,3
	К	2,3	2,5	95,3	73,9	1146,0
Ү 6 ёшда	2,2	2,3	104,0	88,8	1765,7	680,7
	К	2,3	2,5	96,6	79,7	1249,3
Ү 7 ёшда	1,9	2,1	122,5	105,6	2387,2	937,4
	К	2,0	2,2	120,9	103,7	1836,0
						715,0

Ү—үгіл болалар. К—қиз болалар

гидаги рахитга оид үзгаришлар бўлиши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим).

Жисмоний машқларнинг ижобий таъсири фақат болалар жисмоний ривожланишида (жисмоний тайёргарлыги суст болалар сониининг камайиши ва ўрта, юқори тайёргарлыги борларининг кўпайиши) эмас, балки гавда тузилишининг яхшиланишида ҳам акс этади (жисмонан гармоник ривожланган болаларнинг кўпайиши).

Болалардаги суюк системаси катталарни көрсатади. Шунинг учун ҳам бола суюги юмшоқ, қайишқоқ, унча мустаҳкам бўлмайди, ташки ноқулай омиллар таъсирида тез қийшади ва нотўғри шаклга кириб қолади (болаларнинг функционал ва ёш имкониятларига мос бўлмаган жисмоний машқлар бўйича мувофиқ келмайдиган кийим, пойабзал, мебель ва ҳоказо).

2—3 ёшдан бошлаб суюк тўқимаси пластинкали структурага эга бўла бошлади. Скелетнинг суюкка айланиши аста-секин, бутун болалик даври давомида кечади. Умуртқанинг бўйин, кўкрак ва бел қисмидаги физиологик эгикларининг шаклланиши мактабгача давр мобайнида давом этади (бола бошини тута бош-

¹ Маълумотлар Г. П. Юрко, В. Г. Фроловларники.

лаганда, чалқанча ётганда, ўтирганда, юрганда). Болалар умуртқаси ўзининг ҳаракатчанлиги билан фарқланади, унинг физиологик эгиклари бекарор бўлади ва бола ётган чоғда текисланади. Скелетнинг юмшоқ массаси унинг шаклини ўзгартирадиган қуидаги таъсирларга берилади: ўтирган, турган, ётганда гавданинг нотўғри ҳолати; юмшоқ нобоп тушак; бола бўйи ва гавдаси пропорциясига номувофиқ мебель. Нотўғри ҳолат тезда одат бўлиб қолади, қад-қомат бузилади, бу қон айланиш, нафас олиш функциясига салбий таъсир этади; сўяклар нотўғри ўса бошлайди.

Товон равоқларининг шаклланиши бола ҳаётининг биринчи йилида бошланади, юра бошлиши билан бу жараён тезлашиб, мактабгача тарбия ёшида давом этади. Шунинг учун мос келадиган пойабзал (пошнали) танлашга алоҳида эътибор бериш, машқлардан товон равоғини тўғри шакллантириш ва мустахкамлаш учун фойдаланиш зарур.

Скелетнинг интенсив ривожланиши мускуллар, пайлар ва бўғим-боғлам аппаратининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Илк ёшдаги болалар бўғимлари ҳаракатчанлигининг катталарникига нисбатан юқори бўлиши мускуллар, пайлар, бўғимларнинг катта эластиклигига боғлиқ бўлади. Бўғимларнинг ҳаддан ортиқ ҳаракатчанлиги (ўйноқилиги) раВхит аломатларидан биридир.

Илк ёшдаги боланинг мускул системаси катта кишиникига нисбатан етарлича ривожланмаган бўлади, катта киши гавдасининг мускул массаси ўртача 40—43 % га teng бўлса, бола мускул массаси гавдасига нисбатан 25 % ни ташкил этади. Бола ҳаракатининг ривожланишига қараб мускул тўқималарининг массаси ва қисқариш қобилияти оша боради. Мускул кучининг ўсиши кўпинча жисмоний машқ машғулотларидаги аста-секин ошиб борадиган жисмоний нагрузка билан белгиланади.

Мактабгача кичик ёшдаги болаларда букувчи мускуллар етарлича ривожланмаган ва жуда заиф бўлади, шунинг учун болалар кўпинча бошини эгган, елкалари йигилган, буқчайган, кўкраги ичкарига ботган каби нотўғри ҳолатларда ўтирадилар. Бола беш ёшга етганда мускулатура, хусусан, оёқ мускулатуруси массаси ошади, мускулларнинг иш қобилияти ҳам ортади. Мускул кучи кўрсаткичлари ривожланишнинг ёш хусусиятларини ҳам, жисмоний машғулотлар таъсирини ҳам ўзида акс эттиради. Қўл суюгининг мускул кучи 3—4 ёшда 3,5 кг дан 4 кг гача, 7 ёшда 13—15 кг гача кўпаяди. 4 ёшдан бошлабоқ ўғил ва қиз болалар куч кўрсаткичларида фарқ пайдо бўлади. Гавда мускул кучи (гавда кучи) 7 ёшда 3—4 ёшдаги 15—17 кг дан 2 бараварга — 32—34 кг га кўпаяди.

Мускулларнинг статик ҳолатини мускул тонуси деб аташ кубул қилинган. Мускул тонуси марказий нерз системасидан келадиган импульслар ҳисобига таъминланади. Бола ҳаётининг дастлабки ойида оёқларнинг букилувчи мускуллар тонуси ёзувчи мускулларнидан устун бўлади, бу эмизикли ёшдаги бўланинг

характерли ҳолатини белгилайди. Құл мускулларининг тонуси одатда 2,5—3 ойлик, оёқ мускуллари тонуси эса, 3—4 ойлик бўлганда бараварлашади. Касаллик пайтида (рахит, гипотрофия) бу муддатлар ўзгариши мумкин. Илк ёшдаги болаларда тиинч ҳолатдаги мускул тонуси массаж ва гимнастика таъсирида камаяди.

Мактабгача ёшда мускул тонусининг аҳамияти тўғри қад-қоматининг шакллапишида катта аҳамиятга эга. Табий «мускул корсети» ҳосил қилувчи гавда мускули тонуси алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Ёш оша бориши билан орқа ва қорин мускуллари тонуси таранглигининг ортиши кузатилади. Бу марказий нерв системаси регулятор функциясининг яхшиланишигина эмас, балки жисмоний машғулотларнинг ижобий таъсири ҳамdir. Мускул тонусининг яхшиланишига қараб айrim группа-группа мускулларининг бўшашиб ва таранглашиб рефлекторли регуляцияси такомилла шади, бу гавдани муайян ҳолатга келтиради ва болада қад-қомат ҳосил бўлади.

Ўтган асрда юз берган ўсиш ва ривожланиш акселерацияси (жадаллашиб) мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ҳам кўриди: бу ёшдаги болалар ўзларининг ўтмишдаги тенгқурларидан анатомик ва функционал жиҳатдан каттадирлар. Агар 50 йил олдин 3 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болалар 22,7 см га ўсган бўлса, 10 йил олдинги шу ёшдаги болалар 27,1 см га ўсдилар. Сут тишларининг доимий тишларга айланishi ҳам эртароқ кечмоқда: чунончи, агар бир неча ўн йилликлар аввал доимий тишларининг чиқиши 6 ёшу 2 ой — 6 ёшу 4 ойга тўғри келса, ҳозирги пайтда 5 ёшдаги болаларнинг 40 % и 1—4 тадан доимий тишга эгадирлар.

Қатор функционал кўрсаткичлар борасида ҳам бирмунча улфайиш кузатилмоқда. Маълумки, болалар қанча катта бўлсалар улардаги юрак қисқариши ва нафас олиш миқдори шунча кам бўлади. Агар авваллари 5 ёшли болаларниң пульси частотаси минутига 98—100 зарбга тенг бўлса, энди ўртача частотаси 97 зарбга тенгдир. Бир вақтлар 6 ёшли боланинг нафас олиш частотаси минутига 26 бўлса, ҳозир 23 ни ташкил этмоқда (айrim маълумотларга қараганда нафас олиш ва пульс бундан ҳам камлиги кузатилган).

Юқоридаги натижаларга мувофиқ ҳаракат сифатларининг ривожланиш кўрсаткичлари ҳам ўси. Масалан, беш ёшли болаларнинг югуриш тезлиги 50 йилларда 3,55 м/с ташкил этган бўлса (Е. Г. Леви-Гориневская), 1968—70 йилларда бу кўрсаткич 3,7 м/с (Е. Н. Вавилов) ёки 4 м/с (О. Г. Аракалян)га тенг бўлди.

Бироқ акселерацияга қарамасдан мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг функционал — ҳам ақлий, ҳам жисмоний имкониятлари мўлжалдагидан юқоридир. Болалар камолотини сунъий тарзда тезлаштирумай ва тўхтатмай оптималь равишда ривожлантиришда бу ҳолатни ҳам ҳисобга олмоқ лозим.

Мактабгача тарбия ёши давомида юрак-томир ва нафас олиш системалари фаолиятининг тежамлилик ва самара жиқатдан жуда ёрқин ифодаланган ўзгариши юз беради, шу аснода болаларнинг мускул фаолиятини амалга ошириш имкониятлари ортади.

Бола ҳаётининг биринчи йилида унинг юрак-томир системаси катта морфологик ва функционал ўзгаришларга учрайди. Юрак массаси 3—4 ёшли болаларда 70,8 г гача бўлса, 6—7 ёшлиларда 92,3 г гача етади, бунинг натижасида юракнинг қисқариш кучи ва иш қобилияти кучаяди.

Артерия қон томирларидаги босим ҳам ёш ўтиши билан орта боради: биринчи йилда у симоб устунининг 80—85/55—60 мм ни ташкил этса, 3—7 ёшда 80—110 /50—70 мм атрофида бўлади. Юракнинг иш қобилияти ортади, жисмоний нагруззага мослашиш қобилияти ҳам ошади: юрак томир системаси кўрсаткичлари кўлами стандарт мускул нагрузкасига жавобан камаяди (пульс, артериал қон босими, қон айланишининг зарби ва бир минутлик ҳажми), тикланиш даври қисқаради.

Ёшга хос ўзгариш ва нафас олиш функциясининг мускул наружкасига мослашуви ҳам кузатилади. Нафас олиш миқдори ёш ўтиши билан камаяди: бола ҳаётининг биринчи йили охирида у минутига 30—35, учинчи йили охирида 25—30, 4—7 ёшда эса 26—22 га тенг бўлади. Ёш ўтиши билан нафас олиш чуқурлиги ва ўпкадаги ҳаво алмашиниши 2—25 марта, кислород билан озиқланиш 2 марта кўпаяди. Бу маълумотлар шундан далолат берадики, болаларнинг функционал имкониятлари бекиёс ва улар ўсиш ҳамда ривожланиш эҳтиёжларини тўла таъминлай олади.

Машқ жараёнида нафас олиш системасининг жавоб реакцияси такомиллашади. Мускулга нагрузка тушганда ўпкадаги ҳаво вентиляцияси унинг тезлашуви ҳисобига эмас, нафас олишнинг чуқурлашуви ҳисобига бўлади. Ўпкадаги ҳаво кам вентиляция қилинганда ҳам шу ҳажмдаги кислород ютилади. Бунда фақат ривожланишнинг ёш хусусиятларигина эмас, балки жисмоний машғулотларда ошириладиган функционал имкониятлар билан белгиланадиган қувват билан таъминловчи асосий системалар — юрак-томир ва нафас олишнинг жуда тежалған фаолияти кузатилади. Чунончи, иш бирлигининг пульс «таниархи» (1 кг/м ишда пульс миқдори) 4 дан 7 ёшгача бўлган болаларда 2 марта, чиниқан болаларда эса 2,5 марта камаяди, кислород билан таъминланиш ҳам шу тартибда 1 кг/м иш учун 1,5 ва 1,8 марта ортади.

Организм асосий системасининг морфологик ва функционал ривожлапиш даражасининг ошиши болалар иш қобилиятининг ўсишини ҳам таъминлайди. Тўхтөвсиз ишлаш қобилияти 10 минутдан 25—30 минутгача етади, бунда умумий иш ҳажми тахминан 2,5 марта, яъни 800 кг/м дан 2333 кг/м га етади. Болаларнинг

иш қобилияти 4 дан 7 ёшгача степ-тест бўйича текширганда (зинапояга кутарилиш) деярли 2 марта ошади.

Болаларнинг морффункционал ривожланиш хусусиятларини билиш жисмоний тарбия воситаларидан бола организмини такомиллаштириш ва унинг ақлий ҳамда жисмоний иш қобилиятини оширишда жуда самарали фойдаланиш имконини беради.

Ривожланётган организмнинг турли босқичлардаги ташқи таъсиrlарга нисбатан турлича функционал тайёргарликка эга бўлишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Жисмоний ривожланиш динамикасида оралиқ ёшлардан фарқланувчи морфологик ва функционал хусусиятлар йиғиндиси билан характерланадиган айrim критик босқичлар белгиланган.

Тадқиқотлар (Г. П. Юрко) шуни кўрсатадики, З ёшдан 7 ёшгача бўлган давр ичидаги ҳаётнинг учинчи, бешинчи ва еттинчи илини фарқланади, бу пайтларда фақат миқдорий ўсишгина эмас, балки функцияларнинг тубдан қайта қурилиши юз беради, бунда энергия билан таъминловчи асосий системалар фаолиятининг қайта қурилиши ҳаракат функциясида олдин бўлади ва бу жисмоний тарбия воситаларидан критик даврларда мақсадга мувоғиқ таъсир қилишда фойдаланиш учун замин хозирлайди. Бунда 4 ёшдан 5 ёшгача бўлган давр жуда интенсив ва ривожланишнинг гармоник бўлиши билан фарқланиши исботланган (1-расм).

Мактабгача тарбия даври давомида болалар ҳаракат активлиги ва жисмоний тайёргарлиги уларнинг жисмоний ривожланишига кўра ўзгариб туради: кичик мактабгача ёшда (3—4 ёшда) болалар организмининг функционал такомиллашувида жисмоний ривожланиш етакчи аҳамиятга эга бўлади, катта мактабгача ёшида эса (5—7 ёшда), унинг роли пасаяди (бироқ аҳамиятини йўқотмайди) ва жисмоний тайёрланганлик роли ошади, бу жисмоний тарбия жараёнидаги актив педагогик таъсир этишнинг аҳамиятини оширади. Функционал системалар, жумладан, ҳаракат системалари ривожланишида критик даврларни билиш таълим ва тарбиянинг оптималь муддатларини белгилаш имконини беради.


БЕШИНЧИ БОБ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ ВА РИВОЖЛANIШ АСОСЛАРИ

1-§. Жисмоний тарбия жараёнида таълим, тарбия бирлиги ва боланинг ривожланиши

Таълим шахсни ҳар томонлама ва гармоник шакллантиришга қаратилган яхлит педагогик жараёнинг таркибий қисми ҳисобланади¹. Жисмоний тарбияда ҳаракатларга ўргатиш тарбиячи-

¹ Қаранг: Бабанский Ю. К. Оптимизация процесса обучения, М., 1977, 10-бет.



1-расм. Болалар жисмоний тайер. арлиги үсиш суръатлари күрсақчилари нинең ёш профилді

нинг бевосита раҳбарлиги остида ҳамда унинг кузатуви остидаги болаларнинг мустақил фаолиятида амалга оширилади. Ҳаракат фаолиятига ўргатишда боланинг англаш, иродавий ва эмоционал кучлари ривожланади ҳамда унинг амалий ҳаракат кўникумалари шаклланади. Ҳаракатларга ўргатиш бола ички дунёси — ҳисстуйғуси, тафаккури, аста-секин шаклланадиган дунёқараши, ахлоқий фазилатларига; болалар томонидан бажариладиган, саломатлик ва умум жисмоний ривожланиш учун фойдали бўлган ҳаракат фаолиятига мақсадга йўналган тарзда таъсир этади.

Таълим мазмунини жисмоний машқлар, жумладан, программага мувофиқ танланган ҳаракатли ўйинлар ташкил этади. Таълим жараёнда катталар болаларга мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг социал тажрибасини беради. Унинг мазмунига ривожланиш ва такомиллашишга хизмат қилувчи ҳаракатларни эгаллаш тажрибаси ҳам киради.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ишлашда уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш жуда зарур, боланинг онгли ҳаракат фаолиятида асқотадиган айрим билимлар; болани ҳаракатларга ўргатувчи фаолияти усуллари, фаолият ва уларни амалга оширишнинг малака ва кўникумалари ҳақидаги билимлар бирлиги социал тажрибанинг таркибий компонентларини ташкил этади. Учинчи компонент ижодий фаолият тажрибаси ҳисобланади. «Болаликдан мустақил фикрлашга ўргатилмаган ва ҳамма нарсани чайнаб берилгандан сўнг ўзлаштирадиган киши унга табиат томонидан берилган сифатларни намоён қила олмайди. Шунинг учун социалистик жамият ёш авлоднинг ижодий фаолиятга ўрганишига тамоман бефарқ қараб туролмайди»¹.

Жисмоний тарбиянинг бу соҳасидаги тадқиқотлари (Л. М. Коровина ва Э. Я. Степаненкова) мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ижодий фаолияти ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний машқлар жараёнда муваффақиятли ривожланишини кўрсатди.

Социал тажрибанинг сўнгги компоненти кишиларнинг борлиқса, бир-бирига бўлган эмоционал жиҳатдан ноёб муносабати — эмоционал тарбияланганлик тажрибасидир. У «илмий билимлар, ахлоқий нормалар, воқеликнинг эстетик кўринишлари, коммунизмнинг ижтимоий-сиёсий идеалларига нисбатан эмоционал баҳолаш муносабати кўзда тутади. Ҳали бу муносабат шаклланмаган, ўзлаштирилмаган экан, гарчи кишида билим, малака ва ижодий қобилият бўлса ҳам тарбияланганлик бўлмайди»². Бу компонент алоҳида эътиборни ва оғишмаган ҳолда шаклланганликни, тарбиячи шахсининг ва бутун муҳитнинг таъсирини талаб этади.

Ҳаракат фаолиятини тарбиялаш жараёнда катталар (отаоналар, тарбиячилар) болалар ривожланишининг психофизиоло-

¹ Лернер И. Я. Дидактические основы методов обучения. М., 1981, 48- бет

² Уша асар, 61- бет.

гик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар олдига янги ҳаракат вазифаларини қўядилар. Бу ҳаракат кўникмалари ва жисмоний сифатларни шакллантиришга қаратилган программанинг аста-секин ошиб борадиган талабларида конкрет ифодаланади.

Янги нарсани ўзлаштириш боладан муайян жисмоний ва психик кучни, қийинчиликларни енгиб ўтишин талаб этади. Янги программа талаби алоҳида олинган ҳар бир ҳолатда (бала учун эса янги жуда мураккаб вазифа) ҳаракатлар ривожланишининг реал даражасига эришилган ҳаракат малака ва кўникмаларига нисбатан зид ҳисбланади. Бу зиддиятни енгиб ўтиш ривожланишининг ҳаракатланувчи кучини ташкил этади.

Боланинг машқлар жараёнида янги ҳаракат вазифаларини тобора ҳал эта бориши ва шу билан боғлиқ равишда вужудга келадиган катта имкониятлар ҳаракатлар характеристи ва сифатини ўзгартиради. Бу ёш даври учун жуда характерли бўлган нарса янги машқларга ўргатиш жараёнида гўё бир айланиб янгича сифат касб этади. Чунончи, боланинг юриши дастлабки пайтда ва иккинчи йилнинг охирида бутунлай фарқ қиласди. Бу ҳодисани янгиликнинг эски нарсани диалектик инкори, барча ривожланишининг ва зиддиятларни ҳал этишининг объектив шарти, ҳаракатлантирувчи омил сифатида кўрсатиш мумкин. «Хеч бир соҳада ривожланитириш ўзидан олдинги яшаш формаларини инкор этмасдан кечиши мумкин эмас».¹ Бундай мураккаб ривожланиш жараёни ташкил ичкӣ шароитнинг ўзаро алоқадорлигига тўхтосиз кечади.

Қийинчиликларни енгиш ва янги вазифаларни ҳал этиш болада ижобий эмоционал кайфият ҳосил қиласди. Бу эришилган мақсад, тарбиячи баҳосига мувофиқ янги мускул сезиглари туфайли юзага келади. Пайдо бўлган ўзгаришларин мустаҳкамлаш янада юксакроқ ютуқларга итилиш уйғонишига хизмат қиласди. Бу мураккаб жараён доимо тарбиячи назорати остида бўлиши керак. Бир томондан боланинг янги ҳаракат вазифасини тушуниб олишини таъминлаш лозим, иккинчи томондан болада мустақиллик ва уни мавжуд реал ҳаракат имкониятлари ҳамда юзага келувчи қизиқиши, эмоциялар асосида амалга ошириш гайратини уйғотиш зарур.

Таълим боладан диққатни бир жойга тўплашни, конкрет тасаввур, актив фикрлашни, хотирани ривожланитиришни талаб қиласди агар таълим жараёни қизиқарлилик касб этиб, эмоционал руҳда бўлса — эмоционал; ҳаракат намунаси тарбиячи томонидан образли тарзда кўрсатилса ва болалар томонидан бажарилса — образли; ҳаракатли ўйин ва уларни мустақил бажаришда барча машқ элементларини бажариш изчиллиги вазифалари тушуниб ва эслаб қолинса оғзаки мантиқий машқлар болаларнинг ўзлари томонидан амалда бажариш билан боғлиқ бўлса — мо-

¹ Маркс К. ва Энгельс Ф. Соч., т. 4, 297-бет.

тор ҳаракат; таълим эркин булиши керак — чунки усиз машқ-ларни онгли, мустақил бажариш мумкин эмас.

Болаларга таълим бериш ахлоқий тарбия, боланинг маънавий туйуси ва онгини шакллантириш, унинг олижаноблик ва ўзаро ёрдам, мақсадга интилиш, ҳалоллик, адолатлилик каби ахлоқий-иродавий сифатларни ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир.

Тўғри ҳаракатларга ургатишнинг бутун жараёни болаларда эстетик ҳисларин тарбиялайди. Болалар аста-секин әгаллаб борадиган чиройли ҳаракатлар, аниқ сафланиш, уларнинг ёшига хос ўйин образларишинг ижодий иғодалилиги, ўйинларда шеърий текстлар, ўйин бошланмалари, санашибмақоқлар — буларнинг ҳаммаси болаларда эстетик дидни тарбиялаш вазифасига хизмат қиласди. Болалар ва тарбиячиларининг костюмлари, жисмоний тарбия қўлланмалари ва ҳоказоларнинг ташқи безатилиши катта аҳамият касб этади.

Гаълим жараёнини ташкил этиш болаларни улар кучи етадиган меҳнат ҳаракатларида машқ қилдириш имконини беради.

Тарбиячи болалардан жисмоний тарбия ашёларини ўзлари тартибли ва тоза сақлашларини (ихчам уралган байроқчалар, дазмолланган лента, рўмочалар ва к.) муентазам талаф қилиб туради. Бу ҳақда биринчи навбатда навбатчилар қайғурадилар ва зарур буюмларни авайлаб жойлаштирадилар. Шу билан бирга улар барча болалар фойдаланишлари қулай булиши учун буюм ва ашёларнинг жойлашиш тартибини ҳам эътиборда тутадилар. Болалар шарлар, тўплар ва ҳоказоларни вақт-вақти билан ювоб, йирик ашёларни артиб турадилар. Бундай тадбирда барча ўқувчилар тарбиячи раҳбарлигига иштирок этадилар.

Шундай қилиб, ҳаракатларга ўргатиш жараёнида болаларда ақлий қобилият, ахлоқий ва эстетик туйгулар ривожланади, ўз фаолиятига онгли муносабат ва шу билан боғлиқ равишда мақсадга интилиш, уюшқоқлик шаклланади. Буларнинг ҳаммаси ўзаро алоқадорликда таълим жараёнига комплекс ёндашишини амалга оширилиши ҳисобланади. Мазкур жараён ҳар томонлама ривожланган шахснинг шаклланishiга хизмат қиласди.

2- § Жисмоний тарбия системасида ҳар томонлама таълим ва тарбия бериш принциплари

Болаларни жисмоний тарбиялаш системасида бола шахсини ҳар томонлама шакллантириш принциплари муҳим аҳамиятга эга. Улар Коммунистик партиянинг ёш авлодни илк болалик ёшидан жисмоний ва маънавий кучга тўлиқ, гармоник ривожланган, жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш ҳақидаги кўрсатмалари билан белгиланади.

Шахсни ҳар томонлама ва гармоник ривожлантириш принципи болаларда жисмоний қобилиятни, ҳаракат малакалари ва кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам берадиган, бола шахснин тарбиялашни биргаликда ҳамда айни пайтда ҳар томонлама

(ахлоқий, ақлий, эстетик, меңнат тарбияси) амалга оширадиган комплекс ёндашишни кўзда тутади. Жисмоний тарбия система-сидаги бундай комплекс ёндашиш «кишиларнинг индивидуал хусусиятлари, ёш ривожланиши босқичлари хусусиятлари, ҳаёт-нинг у ёки бу даврида асосий фаолият сифатида танланадиган жисмоний тарбия фаолияти турлари хусусиятлари ва бошқа вазиятларга кўра конкретлаштирилади»¹.

Физкультура ва спортнинг ҳаёт билан боғлиқлиги принципи. Совет кишиларини физкультура ва спорт фаолиятига кенг жалб қилиш табиийки, болаларда мазкур фаолиятга қизиқиш уйғотади. Мактабгача тарбия муассасалари болаларни тегишли программа асосида жисмоний ва спорт машқларига, ўйинларга ўргатиб, улардаги бу қизиқиши қўллаб-қувватлаб турадилар. Таълимнинг мақсади болаларда мактабга ўтиш ва келажакда Бутуниттифоқ ГТО комплекси талабларини муваффақиятли ўзлаштириш учун жисмоний тайёргарлик ҳосил қилишдан иборатdir; шу аснода болаларда машҳур совет спортчилари, уларнинг ватанпарварлиги, ишчанлиги, жасурлиги, бардошлилиги, маҳорати, дўст-биродарлиги ва ўзаро ёрдам каби хислатларига ҳурмат ҳисси тарбияланади.

Соғломлаштиришга йўналган принципнинг моҳияти болалар соғлиғини мустаҳкамлаш вазифаларини бажаришда намоён бўлади. Шунинг учун жисмоний машқларни танлаш пайтида фақат профилактик мақсад эмас, балки бола организмини ҳар томонлама сағломлаштиришга интилиш, унинг жисмоний сифатларини эмоционал-ижобий ҳолат, ҳаётдаги хушчақчақ кайфият билан яхлитлика ривожлантириш ҳам кўзда тутилади. Физкультура машғулотларини планлаштиришда саломатликни мустаҳкамлаш қонуниятлари ҳисобга олинган жисмоний нагрузка албатта идора қўлиниади. Бу иш тарбиячи, врач ва мудираннинг мунтазам врач-педагоглик назорати остида амалга оширилади.

Болаларга жисмоний таълим ва тарбия бериш жараёнида қўйидаги дидактик принциплар қўлланилади: системалик ва изчиллик; онглилик, мустақиллик ва ижодий активлик; таълимнинг кўргазмали, оғзаки ва амалий усусларини оптимал тарзда бирга кўшиб олиб бориш; тушунарлилик ва индивидуаллаштириш принципи; таълимнинг фронтал, групповий ва индивидуал формаларининг бирлиги, талабларни тобора ошириб бориш принципи. Улар недағогиканинг жуда муҳим шартлари ҳисобланади ҳамда ўзида таълим ва тарбия ягона педагогик жараёнинг методик қонуниятларини ифодалайди.

Системалик ва изчиллик принципи жисмоний тарбия мақсадларида фойдаланиладиган тадбирларнинг (режим, чиниқиш, ҳаракат кўникмаларининг шаклланиши) барча комплекси учун мажбурийдир. Системалик бутун мактабгача тарбия даври

¹ Введение в теорию физической культуры (Под. ред. Л. П. Матвеева,) М., 1983, 80 бет.

давомидаги жисмоний тарбия жараёнининг узлуксизлиги, мунтазамлиги, планлилигидан, нагрузка ва дам олишнинг мажбурий алмашиниб туриши асосидаги физкультура машғулотларининг аниқ изчилигидан, машғулотларнинг изчилиги, кетма-кетлиги, мазмунан ўзаро алоқадорлигидан иборатdir. Системалик билимлар, малака ва кўникмаларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боғлиқлигидан намоён бўлади: болаларнинг материални ўзлаштириши унга таяниб янги материални ўзлаштиришга ўтишларига имкон беради, янги материал эса ўз навбатида болаларни кейингини билишга тайёрлади.

Ҳар куни муайян бир вақтда ўз характеристига кўра турли жисмоний машқларни (эрталабки гимнастика, физкультура машғулотлари, саир пайтидаги ҳаракат фаолияти ва ҳ. к.) системали бажариш, шунингдек чиниқтириш тадбирлари болаларни белгилангани соғломлаштириш-тарбиялаш режимига ўргатади. Системали машғулотлар тўхтатиб қўйилганда, улар ўртасидаги танаффуслар пайтида эришилган функционал имконият даражасининг пасайиши, баъзан эса морфологик кўрсаткичлар регресси кузатилади. Бу актив мускул тўқимаси солиштирма оғирлигининг камайишида, унинг структурали компонентларидаги ўзгаришларда ва бошқа салбий қўринишларда намоён бўлади.

Жисмоний тарбия ҳосил қилинаётган ҳаракат кўникмаларининг такрорланишини талаб этади. Фақат кўп марта такрорлангандагина ҳаракатнинг динамик стереотиплари шаклланади: Самарали такрорлаш учун шундай система зарурки, унда ўзлаштирилган ҳаракат янгиси билан боғланиб кетсин, бошқача айтганда такрорлаш жараёни вариативлик характеристига (машқларнинг ўзгариши, бажариш шарти, метод ва усусларнинг хилма-хиллиги, умуман машғулотларнинг форма ва мазмунан фарқи) эга бўлади. Бундан ташқари такрорлаш морфологик ва функционал соҳада узоқ муддатга қайта мослашишни таъминлади. Улар асосида жисмоний сифатлар ривожланади (А. Н. Крестовников).

Ҳосил қилинган динамик стереотипларга янги қўзғатувчиларнинг киритилиши аста-секинликка риоя қилинган шароитда кескин ўзгаришларсиз кечади. И. В. Павлов педагогикада аста-секинлик ва машқ қилдиришни асосий физиологик қоида деб ҳиоблашни таъкидлаб ўтган эди.

Онглилик, активлик ва мустақиллик принципи боланинг ўз фаолиятига онгли ва актив муносабатда бўлишига таянишни кўзда тутади: у ёки бу мақсадни муваффақиятли амалга ошириш учун нимани қандай бажариш, нега бошқача эмас, шундай бажариш кераклигини аниқ тасаввур қилиш лозим.

ОНГЛИЛИК принципини илк бор П. Ф. Лесгафт ишлаб чиққан эди. У ҳаракатларни механик ўрганишга мутлақо қарши эди. Лесгафт «ўқувчиларни ҳар қандай ишга имитацияга берилмасдан умумий усуслар асосида бир сўздан тушуниб, яъни ҳаракат-

ларда иложи борича мустақил бўлишга ва иродалилик намоён қилишга ўрнатиш¹ зарур деб ҳисобларди.

Боланинг мустақил актив фаолияти берилган вазифага бўлган қизиқишига, уни онгли идрок этишига, бу вазифа мақсадини ва амалга ошириш йўлларини тушунишига, проблемали таълим методларини қўлланиш, болаларнинг қўйган вазифани бажариш усулларини излашга ҳаракат қилишларига боғлиқ бўлади.

Ҳаракатларнинг бундан кейинги ривожланиши боланинг ижодий активлик намоён қилиш имконияти, унинг томонидан ижодий вазифаларни (машқларни мустақил ўзгартириш, ўз вариантини яратиш, янги парса ўйлаб топиш) бажариши билан боғлиқдир. Ижодий фаолиятнинг истиқболли имкониятларини очиш болаларнинг илк ташаббусларига самимий ва эътиборли муносабатда бўлиш, янгилик излашни системали равишда рағбатлантириб туришини талаб қиласди.

Таълимнинг кўргазмали, оғзаки ва амалий усулларини оптималь тарзда бирга кўшиб олиб бориш принципи. Билиш фаолияти — ҳиссий билиш жараёнлари комплексининг практика билан бирлигидир.

Ҳаракатларга ўргатиш жараёнида билишнинг бу ажралмас қисмлари ўзаро алоқадорликда бўлади. Бироқ қўйилган вазифага қараб уларнинг изчиллиги ҳар хил бўлади: болаларни ҳаракатга ўргатиш кўрсатиб тушунтириш; тарбиячининг машқни оғзаки тушунтириши ва унинг болалар томонидан ҳаракатда бажарилиши билан бошланиши мумкин. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам кўргазмали намуна фикрлашни, тушунтириш эса ҳаракат ҳақидаги тасаввурни истисно қилмайди. Шундай қилиб, кўргазмалик сўз ва ҳаракат фаолияти ўзаро ажралмас, чамбарчас боғлиқ компонентлардир.

Жисмоний тарбияда кўргазмалик деганда кишини (болани) ташқи муҳит билан боғловчи ташқи ва ички анализаторлар барча кўрсаткичларининг кенг кўламдаги ўзаро алоқадорлиги тушунилади. Ҳар қандай билиш ҳиссий босқичдан бошланаади. Ҳаракатларнинг шаклланиши рецепторлар, биринчи навбатда, кўриш, эшитиш ва проприоцептив рецепторларнинг ўзаро алоқадорлигига амалга оширилади. Турли рецепторлар кўрсаткичларининг ўзаро алоқадорлиги ҳаракат образини бойитади, ҳаракат кўнукмаларини шакллантиришга хизмат қилган ҳолда уни чукур идрок қилишини таъминлайди.

Янги ҳаракатларни ўрганишда кўргазмалик принципи ҳаракатларни тарбиячи томонидан жуда аниқ қилиб кўрсатиш орқали амалга оширилади (бавосита кўриш намунаси). Бу эстетик идрок, ҳаракатни конкрет тасаввур-қилиш, тўғри ҳаракат сезгиси ва ҳаракатни қайта бажариш истаги ҳосил қилишга қаратиландир.

¹ Лесгафт П. Ф. Избр. пед. соч. М., 1952, 2-т., 237—238-бетлар.

Сезги органларини ҳар томонлама ривожлантириш жисмоний тарбиянинг вазифаларидан бири саналар экан, идрок системаларини активлаштириш, уларни танлаб таъсир этиш методлари билан бирор бир мақсадда машқ қилдириш (масалан, ёргулик ва овоз кўргазмалари ориентирлари) мумкин бўлади.

Бевосита кўргазмалилик — ташқи муҳитни идрок этишдан ташқари бевосита идрокда яширии айрим деталь ва механизmlарни тушунтиришда зарур бўладиган (масалан, ҳаракатлар ҳақидаги тасаввурни кенгайтирувчи киносъемкалардан, кинограммалар, кинофильмлардан фойдаланиш) воситалаштирилган кўргазмалилик катта роль ўйнайди.

Кўргазмалик онглилик билан чамбарчас боғлиқдир: оғзаки берилган топшириқ киши томонидан тушуниб олилади, ҳаракатни қайтадан бажариш билан амалда синалади. Бунда сезгилар, айниқса ҳаракат сезгилари муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари кўргазмалилик билан образли сўзнинг ўзаро алоқадорлиги катта аҳамиятга эга бўлади. Бу алоқадорлик боланинг ҳаётий тажрибасига, унинг ҳаракат тасаввурига таянади ва конкрет ҳаракат образини вужудга келтиради. Бавосита кўргазмалилик учун аҳамиятли бўлган сўзнинг роли бола эгаллаган тажрибага мувофиқ тобора ошиб боради.

Кўргазмаликнинг кўрсатилган формаларининг бундай алоқадорлиги билишнинг ҳиссий ва мантикий босқичлари, яъни биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг ўзаро алоқадорлиги билан белгиланади.

Тушунарлилик ва индивидуаллаштириш принципи боланинг ёш хусусиятлар имкониятларини ҳисобга олишни ҳамда шу билан боғлиқ равишда унинг кучига яраша топшириқлар белгилашни кўзда тутади. Болаларни жисмоний тарбиялаш системасида бу принципга роия қилиш айниқса зарур, чунки турли машқларни бажариш боланинг ҳали мустаҳкам бўлмаган организмининг ҳаётий муҳим функцияларига бевосита таъсир қиласи ва жисмоний нагрузкаларнинг ҳаддан оширилиши саломатлигига ёмон таъсир этиши мумкин.

Тушунарликнинг оптималь даражаси болаларининг ёш имкониятларига ва топшириқларнинг қийинчилик даражасига мувофиқ белгиланади. Программанинг мавжуд норматив талабларига қарамасдан, боланинг индивидуал кучи ва каттароқ талабларга тайёргарлигини ҳам ҳисобга олмоқ зарур. Бола имкониятлари муайян бирликтаги омиллар билан белгиланади: жисмоний тайёрланганлик нормативлари бўйича спиш, врач текшируви, бевосита педагогик кузатиши.

Тушунарлилик қийинчиликлар йўқ деган маънодаги билдирилмайди, балки, аксинча уларни боланинг жисмоний ва психологик зўр бериш орқали муваффақиятли енгишини кўзда тутади. Чин маънодаги тушунарлилик пульсометрия, хронометрия ва ҳоказо-

ларни құлланиши билан амалға ошириладиган врач-педагог назорати билан тасдиқланади ёки инкор этилади.

Тушунарлиликнинг асосий шартларидан бири изчиллик ва жисмоний машқларни тобора мураккаблаштириб бориш ҳисобла-нади. Изчиллик ҳаракатининг турли формалари ўртасидаги ало-қадорлик, уларнинг ўзаро ҳаракати ҳамда структура жиҳатдан умумийликда ифодаланади. Амалда бунга материални машғулот-лараро түғри тақсимлаш орқали эришилади. Бирмунча қийинроқ вазифаларни бажаришга ўтишда аста-секинликка риоя қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода кўплаб ҳаракат кўникма-ларини ўзлаштириш мақсадида тайёрлов ва кўмакчи машқлар-дан мақсадга мувофиқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлаш лозим.

Индивидуаллаштириш киши (бола)нинг ўзига хос функционал имкониятларини ҳисобга оладиган алоҳида таъсиirlарни кўзда тутади (харакатларни ўзлаштириш турлича кечади, организм жисмоний нагруззкани турлича қабул қиласи, мослашиш динамикаси ҳам турлича ва ҳоказо).

Бироқ индивидуаллаштириш — бу фақат у ёки бу боланинг типологик хусусиятларини ҳисобга олишдан иборат эмас (уларни таълим ва тарбиянинг оптималь мақсадларида ҳисобга олиш мумкин эмас, бироқ улар белгиловчи хусусиятлар бўла олмайди). Индивидуаллаштиришнинг мақсади туғма фазилатларни ривожлантириш, янги ижобий сифатларни, қобилиятларни тарбиялаш, зарурат бўлганда нерв системасининг типологик хусусиятларини мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартиришдан иборатдир.

Таълимнинг фронтал, группавий ва индивидуал усуллари бирлиги ва уларни оптималь тарзда бирга қўшиб олиб бориш принципи. Бу принцип хатти-ҳаракатларни сифатли бажаришга эришишда болаларнинг эмоционал — онгли, мақсад кўзланган фоалиятидаги ягона йўналганликни, таълимнинг турли усуллари қўлланилганда уюшқоқликни кўзда тутади. Чунончи: фронтал усул қўйилган вазифани бир вақтда, онгли ва аҳил равишда бажаришни талаб этади; группавий усул масъул, мустақил ва ўзаро ёрдамни раббатлантиришни талаб этади; индивидуал усул тарбиячининг бъэзи болаларга зарур ёрдам бериши ва анча тайёргарлиги бор бошқа болаларга нисбатан талабчанликни оширишда ифодаланадиган дифференциал раҳбарлигини таълаб қиласи. Таълим усулларининг санаб ўтилган усулларидан фойдаланиш болалар билан олиб бориладиган тарбиявий соғломлаштириш вазифаларини самарали бажаришга хизмат қиласи.

Талабларни аста-секин ошириб бориш принципи. Бу принцип нинг асосий шарти бола олдига бирмунча қийин вазифалар қўйиш ва бажартириш ҳамда нагруззка кўламини ва интенсивлигини аста-секин ошириб боришдан иборатдир.

Хаёт учун муҳим бўлган ранг-барагнг малака ва кўникмаларга бажариладиган машқларни янгилаш ва ўзгартириб туриш билангина эришиш мумкин. Машқларни янгилаш жараёнида ҳаракат

малака ва кўникмаларининг ҳажми кенгаяди ва бойийди. Бу болага янги ҳаракат фаолиятини ўзлаштиришга, ўзлаштирган ҳаракатларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Ҳаракат фаолияти формаларини мураккаблаштириш билан бирга боланинг кучига яраша бериладиган жисмоний нагрузка аста-секин ошиб боради. Бу жисмоний фазилатларнинг ривожланиш қонуниятлари нисбатан боланинг кучи, чидамлилиги, тезкорлиги билан белгиланади.

Иэчиллик, мунтазамлилик ва нагрузжани дам олиш билан алмаштириб туриш ҳам мажбурий шарт ҳисобланади. Янги бирмунча мураккаб машқларни бажаришга ўтиш нагруззага нисбатан шаклланаётган кўникма ва мослашишларнинг мустаҳкамланишига кўра секин-аста кечиши лозим: янги, юқори даражада шуғулланганликка эришиш имкониятини яратадиган мослашишга оид ўзгариш учун муайян вақт талаб этилади.

Кўриб ўтилган барча принциплар ўз мазмунига кўра ўзаро киришувчан ва муштаракдир. Уларнинг барчаси ўзида ягона ва фақат шартли равишда алоҳида ҳолда қараладиган бир жараённинг муайян жиҳатларини ва қонуниятларини акс эттиради. Шунинг учун кўрсатиб ўтилган барча принциплар ўзаро алоқадорликдагина амалга оширилиши мумкин

3- §. Таълим методлари ва усулларининг характеристикаси

Таълим методлари Таълим методлари ўқув предмети, конкрет дидактик вазифалар, реал воситалар ва таълим шартларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ усуллар системасининг турли бирикмаларидан иборатdir¹.

Жисмоний тарбия соҳасида барча методларнинг асосларидан бири «нагрузкаларни тартибга солиш ва уларни дам олиш билан бирга қўшиб олиб борувчи танланган усул ҳисобланади»².

Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг нерв системаси ва бутун организми ниҳоятда пластик ва ташқи таъсирга берилувчи бўлади. Шунинг учун нагрузка ҳажми ва интенсивлигини оқилона тақсимлаш, уни дам олиш билан мунтазам алмаштириб туриш бола организми динамикасининг оптималлигини белгилайди, тикланиш жараёнларининг ўз вақтида кечишини таъминлайди ва иш қобилиятини мустаҳкамлайди. Нагрузка бир томондан жисмоний машқларнинг организмга таъсир этиш кўламида ва уларни бажариш интенсивлигига ифодаланади, бу организмдаги функционал жараёнларни тезлаштиради, иккинчи томондан эса нагрузка боланинг ақлий фаолиятида намоён бўладиган психик функциялари динамикасига таъсирида, машқларни тушунгириш

¹ Қаранг: Лернер И. Я. Дидактические основы методов обучения. М., 1981, 133-бет.

² Теория и методика физического воспитания (Л. П. Матвеева ва А. Д. Новикова таҳрири остида). 2- нашри. М., 1976, 1 т., 87-бет.

ва намойиш қилишда, дикқат ва идрокни жамлашда, вазифаларни англаб олишда, жавоб реакциясининг аниқлигига ва ҳоказоларда ифодаланади. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан машгулот олиб борганды психик ва жисмоний кучни сарфланадиган тұғри вақт нисбати ва ундан сұнгғи дам олиш тарбиячининг муҳим вазифаларидан бири бўлиши лозим.

Совет дидактикасиның асосий проблемаси мұваффақияти таълимнинг қонуниятларини очишдан иборатdir.

Совет дидактикаси компонентлари ҳиссий идрок, абстракт тафаккур ва практикан иборат бўлмиш марксча-ленинча билish назариясига таянади. Шу мақсадда мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим беришда уларнинг ёш хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълимнинг күргазмали, оғзаки ва амалий методларидан ўзаро алоқадорликда фойдаланилади. Киши (бала) шахси аста-секин шаклланади, инсоният түплаган ижтимоий тажрибани ўзлаштириш (билимлар, фаолият усуслари, ижодий фаолият ва дүнёға эмоционал муносабат) хусусиятлари билан белгиланади. Уларни шакллантиришда таълимининг қўйидаги умумдидактик методлари қўлланилади: ахборогрепцептив репродуктив метод ва проблемали таълим ҳамда болалар ижодий потенциалини шакллантириш методи.

Ахборот-репцептив метод шундан иборатки, тарбиячи болаларда ҳаракат кўникмаларини шакллантиришда уларга айрим зарур билимларни маълум қиласди ва улар идрокини шу билимларга қаратади ҳамда билимларни амалиёт билан боғлаган ҳолда ҳаракат фаолиятининг намуналарини кўрсатади. Шундай экан, бу метод турли методлар — оғзаки, кўргазмали ва амалий методлардан комплекс тарзда фойдаланиш имконини беради. Бу методнинг бош дидактик моҳияти ахборотнинг тарбиячи томонидан аниқ берилиши, болаларнинг эса уни онгли идрок этиб, эслаб қолишидан иборатdir. Бундай ўзаро алоқадор, ўзаро боғлиқ биргаликдаги фаолият болаларда ирова, дикқат, актив-фиркалш каби сифатларининг ривожланишига ёрдам беради.

Болалар ҳаракат фаолиятини тұлақонли ўзлаштиришлари учун тарбиячи иккинчи — репродуктив метод (ёки фаолият усусларини қайтадан бажаришни ташкил қилиш методи) ни қўллайди. Унинг дидактик моҳияти шундаки, тарбиячи қайта бажариладиган ҳаракат вазифалари (машқлар) системасини ўйлаб топади. Бу машқлар аввалдан таниш ва болалар томонидан тарбиячи қўллаган ахборот-репцептив метод жараённада ўзлаштирилгандир. Болалар бу машқларни кўп марта бажара бориб, уларни намуна бўйича аниқлаштириб, қайта бажариб ўзлаштирадилар. Бироқ, айнан бир машқдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш болаларнинг бу машққа бўлган қизиқишини камайтиради ва ҳатто маълум даражада уларни ўзлаштиришни сусайтиради. Шунинг учун машқ ўзлаштирилгач, уни турли варианtlар ёрдамида такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Демак, репродуктив метод билимлар ва кўникмаларни ўзлаштиришни уларни

болалар томонидан намуна бүйича ва вариантили вазиятларда күлланиш даражасига күтаради.

Күрсатиб ўтилган иккала метод болалар томонидан билимлар, харакат, малака ва кўнікмаларини ўзлаштиришни таъминлайди. Улар «тежамли ва мақсадга мувофиқ ва шундай бўлиб қолади-лар»¹.

Проблемали таълим ва болаларнинг ижодий потенциалини шакллантириш принципи. Аввалги икки метод болаларнинг ўқув иши жараёнидаги билимлар, малака ва кўнікмаларнинг зарур фондини таъминлайди. Бироқ улар фақат ижодий фаолият тажрибасини ўзлаштиришга тайёрлайди ҳамда болаларни ижодий фаолиятга муваффақиятли ўргатиш учун замин ҳисобланади.

Боғчадаги катта группа болаларининг бундай фаолиятини ташкил этар экан, тарбиячи проблемали таълим методига мурожаат қилади. У болаларни аста-секин физкультура машғулотларида ва ҳаракатли ўйинларда проблемали вазифаларни ҳал этишга тайёрлайди.

Тарбиячи вазифа қўяр экан, уни ҳал этишгача бўлган бутун жарайёни ва натижани олдиндан ўйлаб олади. Педагог болаларни олдин ўзлаштирилган малака ва кўнікмалардан фойдаланган ҳолда вазифани ҳал этишга ундайди. Тарбиячи бунда проблемали вазиятдан фойдаланади ва уни конкрет шароитдаги ҳаракатлар билан ҳосил қилади.

Масалан, «қуёнлар полизда» деган таниш ўйинни ўтказишдан олдин болаларга қўйидаги вазифани коллектив равиша ҳал этиш таклиф этилади: яъни қуёнларнинг полиздан қочишини қўйинлаштириш ва қоровул уларни дарров тутиб олмаслиги учун ўйинни кандай ўзгартириш мумкин. Болалар турли вариантиларни танлаб қарор қиласилар: қоровул полизда эмас, миора (гимнастика девори) устида туриши керак, — у ердан қуёнлар яхши кўринади, бироқ уларни қувиб этиш қийин; бунинг учун пастга тушиш керак; қуёнларга ҳам қочиш осон бўлмайди, чунки улар қочмоқчи бўлсалар ё девордан сакраб ўтишлари, ёки унинг остида ўтишлари керак.

Болаларни жисмоний машқларга ўргатиш жараённида (уларни ўзлаштириш даражасида) ижодий изланишга тайёрлаш ишини тарбиячи улар билан биргаликда ҳаракат қилишдан бошлайди. У ҳаракатларни ўзлаштириш, уларни бирини иккинчиси билан алмаштириш, янги вариантни ўйлаб топиш имкониятларини кўрсатади ва болаларга уларни тўлдириш ҳамда ўзгартиришни таклиф этади (ишнинг I босқичи). Тадқиқотлар кўрсатдики (Л. М. Коровина), катта группа болалари бу усулларни (мунтазам раҳбарлик қилиш шароитида) ижодий вазифаларни ҳал этишда турли индивидуал имкониятлар, қобилиятлар намоён қилган ҳолда муваффақиятли ўзлаштирадилар. Кейинроқ улар машқ вариантларини ўйлаб топган ҳолда ўзлари ўзлаштирган ҳаракат кўнікмаларидан фойдаланадилар (ижодий ишнинг II босқичи). Шундан

¹ Лернер И. Я. Дидактические основы методов обучения. М., 1981. 99-бет.

сўнг тарбиячи уларнинг изланишларини мураккаблаштиради ва ижодий топшириқ беради — янги машқ ўйлаб топишни таклиф этади. Болалар бу вазифаларни ҳам аста-секин индивидуал ва колектив равишда бажарадилар (ишнинг III босқичи).

Ҳаракатли ўйинларда ҳам ижодий қобилиятларни шакллантириш юқоридагича кечади. Болалар дастлаб ўйинда сигналларни турлича қўллайдилар, ўйин образларини алмаштирадилар, ўйин сюжетини ўзгартирадилар. Тарбиячи болаларда хаёлни ривожлантириб, тасаввурлар доирасини кенгайтира бориб, ўйин учун эртак ва ҳикоялардан айрим эпизодларни танлашга ўргатиб, уларни таниш эртаклар сюжетлари асосида ўйинлар ўйлаб топишга тайёрлади (ижодий топшириқларнинг II босқичи). Ишнинг III босқичида болалар ижодий вазифаларни бажаришларни ва «кatta иштиёқ билан ўзлари қизиқарли ҳаракатли ўйинларни ўйлаб топишлари мумкин»¹ (Л. М. Коровина).

Э. Я. Степаненкова маълумотларига кўра, илк ижодий активлик мактабгача кичик ёшда намоён бўлади. У сюжетли ўйинда, бола имкониятига яраша ўйин образи — қушчалар, қуёнчалар, автомобиль ва ҳоказолар жараёнида кўринади, Боланинг ўйин ролини бажариши ҳали жўн, бироқ ижодий характерга эга бўлади. Боладаги ижодий активлик кўпинча тарбиячининг бутуц ўйин жараёнига эмоционал раҳбарлиги шароитида намоён бўлади ва ривожланади. Бу ўйин қисқа ҳикоя шаклида ифодали, образли қилиб тушунтиришдан бошланади (1—2 минут).

Ўйин жараёнида болаларда аста-секин хаёл ривожланади, ўзларини қуёнча ва қушчалар деб ҳис қиласидиган болаларнинг ўйин ҳаракатлари билан мустаҳкамланадиган тасаввур аниқлашади ва бу қувончли эмоциялар билан кечади. Буларнинг барчаси кейинги ёш группаларида ижодий имкониятларни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиласиди. «Мактабгача тарбия ёшидаги бола эмоцияларининг ривожланиши унинг эҳтиёжларига мувофиқ фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқдир. Бола учун муҳим ҳисобланган фаолият фақат уни ўзлашибиршигини эмас, балки унга нисбатан эмоционал кечинмаларда намоён бўладиган муносабатни шакллантиришни ҳам шарт қилиб қўяди. Аҳамиятли фаолият ўзида бирор-бир эҳтиёжни акс эттиради»².

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси ва методикасида юқоридаги таълимнинг умумдидастик методлари билан бирликда программанинг бу бўлимига хос кўргазмали, оғзаки, амалий ўйин, мусобақа каби методлардан қонуний тарзда фойдаланилади. Шундай қилиб, «таълим методларига конкрет соҳанинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда умумдидастик тарзда ёндашилади»³.

¹ Карап: Физическая подготовка детей 5—6 лет к занятиям в школе (Под ред. А. В. Кенеман, М. Ю. Кистяковской, Т. И. Осокиной). М., 1980, 65—80-бетлар.

² Лернер Н. Я. Дидактические основы методов обучения. М. 1981. 125—126-бетлар.

³ Уша китоб. 161-бет.

Методларни танлаш тарбиячи олдидағи вазифалар, үқув-тарбиявий ишларнинг мазмуну, шунингдек, болаларнинг ёш ва инди-видуал хусусиятларига боғлиқдир.

Шундай қилиб, тарбиячи ҳиссий идрок ва ҳаракат сезгиларининг ёрқинлигини таъминловчи күргазмали методлардан фойдаланади. Улар болада сенсор қобилиятлари ривожланишини активлаштирувчи ҳаракат ҳақида жуда түлиқ ва конкрет тасаввурнинг хосил булиши учун зарурдир; болалар онгига йўналтирилган оғзаки методлар улар олдига қўйилган вазифаларни тушуниб олишга ва машқлар мазмуни ва структурасини ўзлаштириб олишда катта роль ўйнайдиган ҳаракатли машқларни онгли равишда бажаришга, бу машқларни турли вазиятларда мустақил қўллашга ёрдам беради; амалий методлар болаларнинг амалий ҳаракат фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ҳаракатларни ўз мускул-мотор сезгиларида тўғри идрок этилишини амалда текширишни таъминлайди. Амалий методлар тўла ёки жузъий регламентация, машқларни ўйин (образли) формасида ўтказиш, мусобақа элементларидан фойдаланиш билан характерланади.

Амалий методнинг хилма-хил турларидан бири ўйин методидир. Бу метод мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг етакчи фаолиятига яқин, улар билан ишлашда жуда ўзига хос ва самарали бўлиб, кўргазмали образ ва кўргазмали амалий тафаккур элементларини ҳисобга олади. У турли ҳаракат кўникмаларини, ҳаракатларнинг мустақиллигини, ўзгарувчан шароитга нисбатан тезкор жавоб реакциясини бир вақтда такомиллашувига, ижодий активлик кўрсатишга имкон яратади. Ўйин ҳаракатлари жараёнида болаларда ахлоқий-иродавий сифатлар шаклланади, билишга инилиш ўсади, хатти-ҳаракат ва колективда ўзини тутиш тажрибаси хосил бўлади.

Кичик группаларда болаларни ҳаракатларга ўргатишида ҳаракатлар характеристи ҳақида эмоционал образли тасаввур (масалан, «Сичқонлардек енгил ва сокин югурасиз», «Қуёйчаларга ўхшаб сакраш керак»)ни ойдинлаштиришга ёрдам берувчи ўйин усуллари қўлланилади.

Мусобақа методи ҳам амалий методга киради. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим беришида у фақат педагогик раҳбарлик шароитида қўллапилиши мумкин. Бу метод кўпроқ болалар боғчаларининг катта группаларида аввал эгалланган ҳаракат кўникмаларини (бироқ биринчлилик учун мусобақани эмас) такомиллаштириш мақсадида қўлланилади. Болалар кучига мос бўлиши, ахлоқий-иродавий фазилатларни тарбиялаш, шунингдек, ўз ютуқларини ва бошқа болаларнинг муваффақиятларини талабларга онгли муносабатда бўлиш асосида тўғри баҳолаш мусобақанинг мажбурий шартидир. Айниқса колектив ҳисни, бошқалар муваффақиятидан ҳасад ва гаразгўйликсиз шодланиш каби фазилатларни тарбиялаш муҳимдир. Сифат ёки тезкорлик бўйича мусобақа жараёнида топшириқни ўйин ёки машқтарзида бажараётгандаги муваффақиятсизлик болани хафа қи-

либ қўйини мумкин. Бундай пайтда тарбиячининг роли, салбай эмоцияни ижобий эмоцияга айлантира олиш маҳоратининг эҳамияти ниҳоятда катта. Бунга болаларни мусобақа жараёнини идрок этишга тайёрлаш, муваффақиятсизликка учраганда эса, улар онгига ишончли далиллар билан таъсир этиш ва салбий эмоцияларни топшириқни муваффақиятли ҳал этиш омилига айлантириш орқали эришилади. Гіедагогик жараёнда таълим методларидан комплекс ҳолда фойдаланилади. Тарбиячи машқлар мазмунни, болаларнинг ёш имкониятлари ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда биринчи ҳолатда таълимниг кўргазмали методини қўллайди — боланинг ҳаракат намунасини тушунишириш орқали идрок қилишига эришади, иккинчи бир ҳолатда машқ мазмунни ва структурасини оғзаки тушунишириш методини қўллайди. Бироқ иккинч ҳолатда педагог бу ёшдаги болаларда мавжуд ҳәётий тажриба ва ҳаракатлар ҳақидаги конкрет тасаввурга таянади. Кўргазмали ёки оғзаки методлардан сунг дарҳол болалар амалий ҳаракатларга — ҳаракатларни мустақил бажаришга ўтишлари лозим.

Болаларни ҳаракатларга ўргатишнинг методик усуслари

Ҳар бир алоҳида метод вазифаси ва уни ҳал этишга бир хил ёндашиб жиҳатдан бирлашадиган хилма-хил усусларнинг бутун бир комплексидан иборатdir.

Усул — методнинг бир қисми, уни тўлдирувчи ва конкретлаштирувчи деталь.

Тарбиячининг хилма-хил усусларни қўйилган вазифаларга мувофиқ комплекс, ижодий қўлланишининг таълим жараёнини бойитади, уни индивидуаллаштиради, бир хилликка барҳам беради.

Болаларни ҳаракат фаолиятига ўргатиш жараёнида методик усуслар ҳар бир алоҳида ҳолатда ҳаракат материалининг вазифалари ва мазмуни, уни болалар томонидан ўзлаштириш дарожаси, уларнинг умумий ривожланиши, жисмоний ҳолати, ҳар бир боланинг ёш ва типологик хусусиятларига кўра танланади.

Шу маънода таълим усуслари бир томондан болалар вазифаларни идрок қилаётганда барча анализаторларга ҳар томонлама таъсир этишни, иккинчи томондан болаларнинг ҳаракат вазифаларини онгли ва мустақил бажаришини таъминловчи турли бирималарда комбинацияланади.

Болаларни ҳаракатларга ўргатишда усусларнинг биринкуви уларнинг узаро ҳаракати билан белгиланади. Тарбиячи томонидан кўпроқ кўргазмали методга оид усусларнинг қўлланиши, масалан ҳаракат намунасини таълимнинг барча босқичларида ва турли ёш группаларida (бу баъзан практикада учраб туради) кўрсатиш машқларни бола томонидан механик тарзда, тушунмасдан тақлидан бажаришга олиб келиши мумкин.

Бундай ҳолда кўпроқ боланинг идрок органларига таъсир этиш унинг идрокини бойитади, айни пайтда зарур ақлий жараёни сусайтиради, муайян машқнинг барча элементларини мантикий изчилликда онгли тарзда эслаб қолишга ёрдам бермайди, баъзан болани кейинчалик машқни ихтиёрий бажариш имкониятидан маҳрум этади.

Бирок болапнинг ёш имкониятларини (айниқса кичик ва урта ёшдагилар) ҳисобга олмаган ҳолда кўпроқ фақат оғзаки усулдан фойдаланиш ҳам ун: ҳаракатларни образли идрок этишдац, сезгилигининг ишончлилигидан, конкрет образли тафаккур процессидан маҳрум этади. Шунинг учун тарбиячи болаларни тўғри ҳаракатларга ўргатишда таълимнинг юқори даражасига эришишини инитилиб таъминнинг турли усуллари: кўргазмали, оғзаки ва амалий усулларнидан ўзаро алоқадорликда фойдаланади. Шундай қилиб, у болаларнинг ҳар то монлама ривожланишига, машқларнинг улар томонидан онгли узлаштирилишига, муайян шароитларда уларни мустақил ва ижодий қўллашга ёрдам беради.

Кўргазмали методга оид усуллар. Болаларни ҳаракатларг ўргатишда кўргазмалиликнинг турли усулларидан фойдаланила ди. Яққол кўриш усуллари ҳаракат ёки айрим ҳаракат элементларининг тарбиячи томонидан тўғри ва аниқ намойиш этилишидан; теварак атрофдаги ҳаёт кўринишларига тақлид қилишдан; масофани босиб ўтишда мўлжал олишдан фойдаланиш; кўргазмали қўлланмалар — кинофильмлар, кинограммалар, телешиттиришлар, фотографиялар, суратлар ва ҳоказолардан фойдаланишдан иборатдир. Тактил-мускул кўргазмалилиги болалар нинг ҳаракат фаолиятига физкультура қўлланмаларини киритиш билан таъминланади.

Масалан, тиззани баланд кўтариб югуриш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадидаги кетма-кет қўйилган сий шаклидаги дарвозачалар қўлланилади. Югуриш пайтида оёқни бу тусицлар оша кўтариб ўтиш боланинг тиззани баланд кўтариш кўникмасини эгаллашига ёрдам беради. Бундан ташқари предметлар боялага йўл қўйган хатосини ҳис қилиш ва тушуниш (мазкур ҳолатда агар оёқ учун дарвозачаларга тегиб кетганда) имконини беради. Бола онгига тарбиячининг «дарвозачага тегиб кетмаслик» ҳақидаги топшириғининг сақланиб қолиши жато қилаётган пайтида тери мускул сезгиси билан боғланади ва бола ўз ҳаракатининг потўғрилигини ўзи аниқлай олади.

Тактил-мускул кўргазмалилиги бола гавдасининг алоҳида қисмларини бошқарувчи тарбиячининг бевосита ёрдамида ҳам ифодаланади (масалан, қад-қоматни тўғри мускул тонуси сезгини уйғотадиган қўл текказиш орқали ростлаш). Бирок тарбиячининг бундай ёрдами қисқа муддатли бўлиши лозим. Акс ҳолда муайян динамик (стереотипни ҳосил қилишга хизмат қилувчи доимий қўзғатувчилар системасидаги сигнал аҳамиятига эга бўлиб қилиши мумкин. Кейинчалик кўникма оғзаки кўрсатмалар ёрдамида мустаҳкамланади.

Яққол эшитиш усуллари ҳаракатларни овоз орқали бошқаришга асосланади. Чолғу музикаси ва ашула энг яхши эшитиши кўргазмаси ҳисобланади. Улар болаларда эстетик ҳис ва эмоционал кўтаринкилик уйғотади, ҳаракат характерини белгилайди, унинг суръати ва ритмини бошқаради. Кўпинча болалар боғчаларнда музика асбобини чалишни билмайдиган тарбиячи ҳаракат суръати ва ритмини бошқаришда чилдирма (бубен) дан фойдаланади, бу

¹ «Ҳаракатларга ўргатиш» термини фақат алоҳида машқларга ўргатишни гина эмас, балки ҳар қандай ҳаракат фаолиятига ўргатишни ҳам назарда туради.

ритмик күринишларни ўзгартыришда ўзини етарли даражада салайды. Бундан ташқари ўзининг ҳазил мазмуни ва ритми билди болаларни жалб этувчи халқ термалари, шеърлари ва бошкада текстлар («К нам на длинной тонкой ножке скакет дождик дорожке» — «Әмғир ёғалоқ — ям-яшил ҳар ёқ. Әмғир кучиди ювилди япроқ») ҳам ҳаракатларни бошқаришга хизмат қилимүмкін.

Шундай қилиб, күргазмалик усуллари боланинг ҳаракатларни түғри идрок қилиши ва тасаввур этиши, ҳиссий онгининг қалайшига, ҳаракатларни бажаришда ўз-ўзини назорат қилишини вужудга келишига, ҳаракатлар суръети ва ритмини әшитиш орнала бошқаришга, сенсор қобиلىятининг ривожланишига хизмат талади.

Оғзаки методда оид усуллар. Ҳаракатларга ўргатышдаги зеки усуллар қуйидагиларда ифодаланади: болаларга уларда мавжуд ҳаёттй тажриба ва тасаввурга таянган ҳолда янги ҳаракатларни аниқ, қисқа бир вақтда баён этиш ватушутиришда; ҳаракатларни конкрет күрсатиш ёки унинг айрым элементларини аниқлаш асносидаги шарқда; тарбиячи томондан күрсатылған ҳаракатларни қайта бажаришда ёки машқлардан болалар мустақил бажаришларида зарур бўладиган кўрсатмаларда; янги жисмоний машқлар ва ҳаракатли ўйинларни жирий қилиш ёки ҳаракатларни ўргатышда уларни тушунтириш ҳаракатли ўйин сюжети ва ҳоказоларни аниқлаштириш талаби этилганда олдиндан ўтказиладиган сұхбатда; тарбиячи жисмоний машқларнинг бажарилишидан олдин ҳаракатларни бажариш изчиллигини англаш даражасини аниқлаш ёки сюжетли ҳаракатли ўйинлар образлари хақидаги тасаввурнинг бор-йўқлиги текшириш, қоидаларни, ўйин ҳаракатлари ва ҳоказоларни аниқлаштириш мақсадида болаларга берадиган саволларни талади.

Бундан ташқари кўрсатиб ўтилган усуллар турли комадалар, фармойиш ва сигналларни аниқ, эмоционал таъсиричан тарзда беришда ҳам ифодаланади. Масалан, тарбиячи шундай дейди: «Сакраб оёқларни елка кенглигига очиб туриң! Еки «Тұхтанг! Бир, икки, уч — югурунглар!» ва ҳоказо. Бу мандалар болаларнинг жавоб ҳаракат реакциясининг тезлигиги аниқлигини вужудга келтирадиган турли интонация ва динамиканы талаб қилади. Булар қаторига баланд овозда дона-дона қилиб санаш ва ўйин бошланмаларини ифодали талаффуз этишини ҳам киритиш мүмкін. Халқ оғзаки ижоди бундай нарсаларга жуда бойдир.

Қофияли текстларнинг мусиқийлиги ва ритмлилиги болалардың эмоционал рух уйғотади, натижада бу қофиялар улар томонидан осон ўзлаштирилади ва кейинчалик мустақил ўйинларда фойдаланылади.

Образли сюжетли ҳикоя оғзаки усулларга мансуб ҳаракатлардаги ифодалилыкни ривожлантариш ва ўйин образи

яхшироқ кириш мақсадида құлланилади. Сюжетли ҳикоя амалда әртакни қисқа ҳикоя (1,5—2 минут) қилишга үхшашдир. У болаларда үйин ҳолати ва ҳаракатларнинг барчасини худди күриб турғандек қайта тасаввур қилишга имкон беради, эмоционал ҳолатни тиклайди. Тарбиячи үйинни одатдаги бир хилда тушунтириш, ролларни тақсимлаш ва ҳаракат үрнини күрсатиш (сюжетсиз үйинде бұлғанидек) үрнига үйин сюжети ва қоидаларини қисқа образлы ҳикояда очиб беради. Масалан, «Әчки, әкічкалар ва бури» әртегини шундай бошлайды: «Бор эканда йұқ экан, чи-ройли қайрилма шохли ва беозор кулранг оқ она әчки бор экан. Үннинг кичик болачалари бор экан...» ва ҳоказо. Бу усул болаларда ҳис-ҳаяжон үйғотади, хаёлга чөрлайди, тасаввурни ойдинлаштиради, бутун вазиятни ижодий тарзда бажаришга үндайди, ҳаракатларнинг образлилигини таъминлади.

Сюжетли ҳикоядан баён этиш ҳарактерини ўзgartирған ҳолда турли ёш группаларыда фойдаланиш мүмкін.

Ҳаракатли үйинларда шундай текстлар ҳам учрайдикі, улар асосында үйин мазмунин шаклланиши мүмкін. Масалан, үрта группада тарбиячи «Мышки» («Сичқончалар») үйинини ўтказиша шундай дейді:

Соат неча бұлды деб	Бир, икki, уч
Ташқарига аллачоғ	Сичқончалар
Чиқдилар сичқонча-	Тош күттармакка
лар	
Босганича қалтироғ	Сизде борми күч.

Тұсатдан янғраб кетди,
Беҳад күркінчли жаранг.
Қочдилар сичқончалар
Тирқираб аланг-жаранг

(С. Маршак).

Болалар тегишли ҳаракатларни бажарадилар.

Оғзаки күрсатма. Психолог ва педагогларнинг тадқиқотлари 4,5 ва айниқса 6 ёшли болалар ўзларига мос турли ҳаракат фаяологияттын вазифа ва шартларини тушуниб олишда етарли тайёр гарликка ега эканликларини күрсатмоқда. Бу ҳаракат күнікмаларини шакллантиришда оғзаки таъсир этиш усулларидан кенг фойдаланиш имконини беради. Улар фақат күнікмаларни әгалаш суръатини әмас, балки сифатини ҳам оширади.

«Бола ривожланишининг кейинги босқычларыда оғзаки таъсир этиш системаси ёрдамида аввалғи таассуротлар изларининг янги бирикма ва комбинацияларда жонланиши юз беради. Бундан асосан бириңи бор соғ оғзаки күрсатма ва тушунтиришлар ёрдамида янги мұваққат алоқа үрнатыш, янги билим ва күнікмалар ҳосил қилиш имкони туғилади»¹.

Мактабгача катта ёшда ҳаракат күнікмаларини шакллантириш күп жиҳатдан боланинг машқ мазмуни ва структураси, яғни

¹ Запорожец А. В. Развитие произвольных движений. М., 1960, 277-бет.

унинг барча элементларини қайси изчилликда ва қандай бажа-риш кераклигини англаш даражасига боғлиқ бўлади.

Шундай экан, катта группаларда тарбиячи томонидан берилган намунага қуруқ тақлид қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Бунда ҳаракат қўникумларининг болалар томонидан узлаштирилиши жараёни кўпинча механик тарзда кечади. Ана шундай ҳолларда болалар юзаки қараганда машқларни дуруст бажарадилар. Бироқ машқ тугагандан сўнг боладан қандай ҳаракат қилиш кераклиги суралганда кўпчилик ҳолларда у бу саволга аниқ жавоб бера олмайди. Тўғрироғи, бола жавоб бериш ўрнига ҳаракатни қайта бажара бошлайди.

П. Ф. Лесгафт: «Агар бола бирор бир механик методни унинг айрим усуулларининг маъносини мутлақо тушунмай ўзлаштирас экан, у механик тарзда ҳаракат қиласди — у мазкур методни муайян бир вазиятга татбиқ эта олмайди», деб ёзган эди.

Катта группаларнинг тажрибали тарбиячилари таълим жараёнида оғзаки топшириқ усуулларидан фойдаланиб, болада бажариладиган у ёки бу ҳаракат образи ҳақида тасаввур уйғотишга интиладилар. Масалан, тарбиячи шундай дейди: Барчангиз байроқчани олдинга-юқорига кўтарасиз ва уларга қарайсиз, сўнгра қўлларни ён томонларга узатасиз ва «пастга» сўзини айтиб, қўлларингизни туширасиз. Тарбиячи интонацияни ўзгартирган ҳолда машқнинг асосий моментлари (олдинга-юқорига кўтариш, уларга қараш, қўлларни ён томонларга ёйиш) ни таъкидлаб ўтади. Бу топшириқни кўргазмасиз бажариш шароитида дастлабки мўлжал олиш имконини беради. Шундай қилиб, болаларда ҳаракат ва уни қандай изчилликда бажарилари ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Бу бошланғич ва фавқулотда муҳим момент ҳисобланади ва машқларнинг тўғри бажаришини таъминлайди.

П. Ф. Лесгафт таърифича, «ҳаракат ҳақидаги тасаввур» гавданинг ҳаракатланувчи қисмлари, ҳаракат амплитудиси, йўналиши, тезлиги, таранглиги ва бошқа ҳаракат компонентлари ҳақидаги тасаввурдан келиб чиқади. Шундай экан, бундай ҳолларда болада гавданинг ҳаракатланувчи қисмларининг ўзи ҳис этадиган барча таркибий қисмлари билан мужассамлашган образи вужудга келади.

Болалар машқларни оғзаки топшириққа асосан бажариб бўлишгач, тарбиячи унинг алоҳида элементларининг тўғри бажарилгани мазкур ҳолат учун зарур бўлган кўрсатма, кўргазмали намойиш, тушунтириш каби усуулларининг исталган биттаси орқали аниқлайди. Бу болалар томонидан англаб олинган топшириқни амалий текшириш орқали аниқлашга хизмат қиласди.

Ҳаракат фаолиятига ўргатишининг юқорида келтирилган методикаси профессор А. И. Пуни тадқиқотларига таянади. Унда тасаввурнинг ҳаракат кўникумларини шакллантириш ва ҳаракатнинг

¹ Лесгафт П. Ф. Избранные пед. соч., 1952, М., Т. 2, 21-бет.

машқ қилдирувчи таъсирининг роли очиб берилган. Бу психологияда «идеомотор реакцияси» деб аталадиган ўзига хос жараёнида ифодаланади.

Идеомотор реакциялар ўз асосида И. П. Павловнинг машхур қонуни билан қўйидагича таърифланади: «Агар муайян бир ҳаракат ҳақида (яъни кинестезик тасаввурга эга бўлдингиз) ўйладингизми, Сиз уни беихтиёр, ўзингиз сезмаган ҳолда бажарасиз»¹. Киши ўзича ҳаракатни тассавур қилгауда унинг бош мия пўстлоғида кинестезик ҳужайраларнинг марказий қўзғолиш жараёни вужудга келади. Бу шуни кўрсатадики, мазкур ҳаракатни амалда бажариш пайтида пайдо бўлган ва мустаҳкамланган мувакқат перв boglaniшлari системасининг жонланиши юз беради.

Ташқи қўзғатувчи ролини ўйновчи сўз марказий қўзғолишнинг сабаби бўлиши мумкин. Ҳаракат топшириғини бериш пайтида айтилган сўз ҳаракат мазмуни ва структурасини тасаввур қилишга ёрдам беради. Бошқа пайтда бу сўз кишининг мазкур ҳаракатни бажариш ҳақидаги ўз фикрини ифодаласа аҳамиятсиз булиши мумкин. У ҳам кинестезик ҳужайраларнинг қўзғолишини вужудга келтиради. Кишида бу ҳаракатни бажаришга доир пайдо бўладиган тасаввур ана шунинг натижасидир.

Машкларни эгаллашда алоқалар ҳосил қилинади, ҳар қандай, жумладан, машкларни хаёлан такрорлаганда ҳам бу алоқалар сайдаллашади, натижада машкларни амалий бажариш ҳам яхшилашади (А. Ц. Пуни).

Тарбиячи буларнинг барчасини хисобга олиб, болаларда ҳаракат фаолиятиниң турли усуслари кўникмаларини шакллантириш жараёнида фойдаланади.

Чунончи, болаларни ҳаракатларга ургатиш жараёнида кўникмаларнинг шаклланиши стабил даражага етганда ва болалар турли ҳаракатларни мустақил бажарishлари керак бўлганда тарбиячи улардан биринга бу ҳаракатни айни пайтда бажармаган ҳолда унинг изчиллигини эслаб сўзлаб берини таклиф қиласди.

Бола ҳаракатлар изчиллигини эслар экан, масалан, шундай дейди: «Аввал таёқчани юқорига кўтариб, унга қаралади, сўнг уни кўтарилган ўнг тиззага туширилади, кейин эса яна юқорига кўтарилади ва пастга туширилади». Дастреб болалар одатда узхикояларни муайян ҳаракатлари билан бирга олиб борадилар. Бундай ҳолларда сўз ва бир вақтдаги ҳаракат хотиранинг кўриш — ҳаракат тасаввурни ифодаси хисобланади ва боланинг бу тасаввурга нисбатан жавоб реакциясини осонлаштиради. Бальзан тарбиячи барча болаларга ҳаракатларни эслашни, яъни нима қилишларни ўзларича тасаввур этишни таклиф қиласди.

Таълимнинг бундай усуслари ҳаракатлар ҳақидаги тасаввурнинг вужудга келишига ёрдам беради. Бу тасаввур ҳаракатларнинг болалар томонидан тўғри бажарилиши, уларнинг иштиёқи, эмоционал ҳолати, диққатининг жамланганлиги ва барқарорлиги билан мустаҳкамланади.

¹ Павлов И. П. Поли. собр. соч., т. II, кн. 2, 316-бет.

Мазкур усуллардан мунтазам фойдаланилганда болалар тарбиячининг ҳаракатларни албатта бажариб кўрсатиб беришини кутмайдилар: улар диққатларини топшириқни тушуниришга қаратадилар, сўнг машқни тўғри, ишонч билан мустақил бажаралилар.

Тарбиячи кейинчалик оғзаки усуллардан янги машқларни ўргалишда фойдаланиши мумкин. Ҳар қандай янги ҳаракатда болаларга аввалдан таниш элементлар мавжуд бўлади, шунинг учун у моҳиятан фақатгина таниш элементларнинг янги комбинацияси хисобланади.

Системали шуғулланиш патижасида барча болалар тарбиячининг талабларини муваффақиятли ўзлаштирадилар, бу талабларга амалий ҳаракатлар билан тўғри, онгли тарзда жавоб қайтарадилар. Болалар оғзаки топшириқларни яхши тушунадилар ва уларни ҳаракатга аниқ татбиқ этадилар.

Кейинчалик болалар бирор-бир ҳаракатнинг мураккаб бўлмаган вариантини таклиф этишлари ва ўзларига таниш ҳаракат элементларидан янги комбинация тузишлари мумкин.

Болаларниң жавоб реакцияси доимо турли индивидуал хусусиятларга молик бўлиб, у боланинг умумий ривожланиши, унинг нерв системаси хусусиятлари, диққатини жамлаш даражасига боғлиқ бўлади.

Катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ҳаракат кўникмаларини шакллантиришнинг баён этилган жараёни боланинг психик ва жисмоний тайёргарлигига мос келади.

Болаларда ҳаракат кўникмаларини шакллантиришнинг боштанич босқичида тарбиячи томонидан бериладиган оғзаки топшириқларнинг жуда аниқ, лўнда бўлиши ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳаракат ҳақидаги тасаввурни шакллантириш жараёнида бу тасаввурларнинг тўғрилигини кузатиб бориши зарур. Бу ҳақда ҳаракат фаолиятини оғзаки баён этиш ва конкрет ҳаракатларга қараб фикр юритиш мумкин. Тасаввурнинг машқ қилдирувчи таъсири боладаги ўз ҳаракатларини мустақил бошқариш қобилиятида ва уларни бажариш сифатининг яхшиланишида кўринади.

Болалар томонидан ҳаракат (бутун ҳаракат фаолияти) мазмунининг англаниши унинг ҳаракат кўникмаларини тўғри ва бирмунча тез шакллантиришга, ижодий активликнинг ривожланишига, ҳаракатларни янги вазиятларда муваффақиятли қўллашга ёрдам беради.

Болаларни ўргатишда кўргазмали ва оғзаки усулларнинг мақсадга мувофиқ қўшиб олиб борилиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги бир томондан ҳаракатларни идрок этиш ва қайта бажаришнинг конкретлиги ва образлилигини, иккинчи томондан болалар бажаридиган ҳаракатли топшириқлар — улар мазмуни ва ҳар бир ҳаракат фаолиятининг барча элементлари изчиллигини онгли тушунилишини таъминлайди. «Фақат тушунарли нарсани қайта бажариш мумкин. Бунда эшигилган нарса бош роль ўйнайди»,— деб таъкидлаган эди И. М. Сеченов.

Амалий методга оид усуллар. Болаларни ҳаракатта үргатишида тарбиячи күргазмали ва оғзаки усуллар билан үзаро боғлиқ тури амалий усуллар комплексидан фойдаланади. У машқларни, ҳаракатли ўйинлардаги айрим ролларни, бошқарувчи ролини бажарып күрсатади, болаларни топшириқларга жалб қилиб ва намуна күрсатиб уларни мусобақаларда қатнашишга рағбатлантиради: масалан, ким ҳаракатли топшириқни тезроқ, яхшироқ, тұғрироқ бажаради; у мусобақа судьяси, команда капитани ролларини бажарып, уларнинг ўйинчиларга нисбатан қабуя қиладиган қарорларини, ўзини, қандай тутиш ва қандай хатти-ҳаракат қилишни күрсатади (Л. М. Коровина).

Тарбиячи болаларнинг амалий фаолиятими ташкил этаетиб, бутун таълим жараёнини машгүлоттинг вазифалари, мазмунни, структурасига мувофиқ режалаб олади. У болаларга фронтал таълим беради: таниш ҳаракатларни такомиллаштириш мақсадида уларни кичик группаларга бұлади, мустақил ҳаракат қилишиңи таклиф этади; болаларга машқларни ўргатаётіб, уни бир неча марта тақрорлайди ва бутун машқ жараёнини режалаган ҳолда ўзгартиради; болаларни ижодий изланишга рағбатлантириб, машқларни, ҳаракатли ўйинни ўзгартириш, уларнинг вариантын түзиш, янгисини ўйлаб топиши каби топшириқларни беради.

Бола таълим жараёнида ҳар бир ёш босқичида катта билим ва амалий күникмаларни эгаллаб боради. Шунинг натижасида ҳаракатларнинг мустақиллиги, эгалланган күникмаларни ўйин ва ҳаётда құлланишдаги топқырлық кучая боради.

Тарбиячи болаларнинг амалий фаолиятига раҳбарлик қиласы экан, бола ақлий камолотида таълимий вазифаларни амалға оширишини ҳам унұтмайды. У болаларда уларға бериладиган ҳаракатли топшириқларга нисбатан жуда барқарор қизиқиши ва эмоционал муносабаттинг вужудға келиши ҳамда сақланиши ҳақида ғамхүрлік қиласы. Бу топшириқлар бажарылышты учун зарур қарорни излашта үйнәлтирилған тафаккур активлигини талаб қиласы. (Масалан, юриш, югуриш ва сакрашларни навбати билан бажарышда қыйидаги топшириқ берилади: ҳаракатларни алмаштириш учун сигнал формасини ўйлаб топиши, уларни алмаштириб түриш тартибини таклиф этиш ва нега ундоқ әмас, бундоқ бажарыш сабабларини көлтириш ва бошқалар.)

Тажриба шуни күрсатады, болаларга бундай машқлар (элементар ва бажарылыш осон машқлар), шунингдек уларни эгалланган билим ва ҳаракат күникмалари (ҳаракатлар техникаси ва уларни бажарыш усуллари, фазода мүлжал олиш, машгүлоттарда ҳаракатларнинг алмашиниб туриши ва әкесе) асосида қизиқарлы ҳал қилиш таклиф этилганда улар активлик ва иштиёқ намоён қилишларини күрсатмоқда. Күрсатиб ўтилған топшириқлар ақлий ва ижодий активликнинг ривожланишига, ташкилотчилек күникмаларини күзлаб, мақсадлы ҳаракат қилишга, топқырлық ва атроф-мухитда мүлжал ола билишини тарбиялашта хизмат қиласы.

4- §. Ҳаракат кўникмаларини шакллантириш ва жисмоний сифатларни тарбиялаш

Жисмоний тарбия жараёнида бола педагог раҳбарлигига программанинг ҳар бир ёш группаси талабларига мувофиқ ҳаракат малакаси ва кўникмаларини эгаллади. Турли ҳаракатларга ўргатиш жараёнида малака ва кўникмаларни шакллантириш жисмоний сифатларни тарбиялаш билан узвий бирликда амалга оширилади. Жисмоний сифатларниң ривожланиш даражасида болаларнинг ҳаракат фаолияти, муваффақияти ва ҳаракатларнинг янги формаларини эгаллаш қобилияти, улардан мақсадга мувофиқ фойдалана олиши билан белгиланади.

Жисмоний тарбия пазариясида ҳаракат малакаси ҳаракат техникасини эгаллаш даражаси билан белгиланади. Бу таркибий операцияларга дикқатнинг ўта түпланиши ва ҳаракат вазифаларини ҳал этишининг ностабил усуслари билан фарқланади¹.

Ҳаракат малакаларининг икки тури фарқланади: улардан бири яхлит ҳаракат фаолиятини амалга оширишда, иккинчиси айрим, мураккаблигига кўра турлича ҳаракатларда ифодаланади. Биринчи турдаги малакалар ўзгарувчан шароитда тўсатдан вужудга келадиган ҳаракат вазифаларини ҳал этиш зарурати, масалан, ўйинлар, курашлар ва бошқалар билан боғлиқ. Бундай ҳолда ҳаракат фаолияти доимо оигли ва аллақачон ўзлаштирилган ҳаракатлар ҳамда шаклланган жисмоний сифатларнинг ижодий қўлланилиши билан характеристашади. Беşқа ҳаракат малакалари га келсак, улар аста-секин кўникмага айлана боради, бунда ривожланиш ҳаракат техникасини дастлабки эгаллашдан янада юксаклика, уни такомиллаштиришгача боради.

Ҳаракат кўникмаси — бу ҳаракат техникасини эгаллаш даражаси бўлиб, унда ҳаракатларни бошқариш автоматик тарзда кечади ва ҳаракатлар ўзининг жуда ишончлилиги билан ажраби туради².

Бунда ҳар бир алоҳида ҳаракатни бажариш усулини автоматлаштириш у ёки бу ҳаракатни оигли тушунишни умуман истисно этмайди. Онг қўйилган вазифаларни бажариш, ҳаракатларни назорат қилиш ва ҳаракат вазифаларини бажаришининг тўсатдан ўзгариб турадиган шароити билан боғлиқ равишда баъзи холларда ҳатто кўникмам гайривтоматик тарзда қўллаш учун зарурлайдир. Кўникма мунтазам бўлганда ҳаракат актининг турли вариантларидан фойдаланиш мумкин. Бироқ унинг техникаси асослари (масалан, турли вариантларда югуриш) сақлаб қолинади. Ўз навбатида ҳаракат фаолиятининг ўзгариши бирмунча юксакроқ ижодий йўсингдаги янги кўникманинг вужудга келишига ёрдам

¹ Қаранг: Теория и методика физического воспитания. 2-е издание. Под ред. Л. П. Матвеева и А. Д. Новикова. М., 1976, т. I, 143-бет.

² Қаранг: Теория и методика физического воспитания. 2-е издание. Под ред. Л. П. Матвеева и А. Д. Новикова. М., т. I, 144-бет.

беради. Бу ўзлаштирилган кўникманинг бутун бир фаолиятга қўллаш ва ҳаракатларни бажариш учун энг муносаб, жуда маъқул вариантиларни танлаб олишга имкон яратади.

Ҳаракат кўникмасини шакллантириш биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг ўзаро ҳаракатидаги динамик стереотипининг юзага келиш жараёнидан иборатдир. Бунда иккинчи сигнал системаси устури оғизи бўлади.

Амалда болаларни ҳаракатларга ўргатишнинг бундай жараёнида педагогнинг бола онгига, унинг машқининг мақсад ва характеристикиннинг тушунишига таъсир этувчи сўзи катта аҳамиятга эга булади. У ҳаракат анализаторида вужудга келадиган барча сезгилар комплексига кўра кучлироқ қўзғатувчи ҳисобланади. Бу пайтда бош мия пўстлоғида кўп сонли нерв марказлари ўргасида муваққат боғланишлар вужудга келади; ҳаракат ва негатив анализаторларни идрок этувчи турли система ва органларнинг фаолияти уйғун бўлади.

Ҳаракат кўникмаларининг киши учун (ва бола учун) амалий аҳамияти жуда катта. Ҳосил қилинган кўникмалар жисмоний ва психик кучларни тежамкорлик билан сарф этиш, яхлит ҳаракат фаолиятига киравчи ҳаракатларни тез ва аниқ бажариш имконини беради. Улар онгли ҳаракатларни бажариш усулига тўхтовсиз диққат қилишдан холос этади ва уни юзага келувчи янги вазифаларга қаратишга имкон беради. Ҳаракатлар уюшган, аниқ ва тез бажарилганда кишида, шунингдек, болада ижобий эмоциялар (ишининг муваффақиятли бажарилишига таъсир этувчи) вужудга келади.

5-§. Таълим жараёнида болаларда ҳаракат кўникмаларининг шаклланиш қонуниятлари

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда тўғри ҳаракат кўникмаларининг шаклланиши жараёнлари уларни келажакда камол топтириш ва мактабдаги ўқиши йилларида такомиллаштириш учун замин ҳисобланади. Бу қонуний жараёнда уч босқич фарқ қилинади.

І босқич — дастлабки кўникма ҳосил бўлиши. У вақт жиҳатдан қисқа бўлади. Буида болалар янги ҳаракатлар билан танишадилар. Бу шаклланиши бош мия пўстлоғидаги қўзғолиш жараёнининг кеңг иррадация ва ички тормозланишининг етарли эмаслиги ҳаракетланади. Шу билан боғлиқ равища болаларда ҳаракатларда ишончсизлик, мускулларнинг умумий таранглиги, ортиқча ҳаракатлар, фазо ва вақтни идрок қилишда ноаникликлар кузатилади.

Бу кенг ўйилган қўзғолиш иррадацияси жараёни натижасида кечиб, ҳаракат анализаторларининг бошқа марказларига ҳам тарқалади.

ІІ босқич — вақт жиҳатдан узоқ давом этади. У шартли рефлекснинг ихтинослашиш жараёни билан ажralиб туради. Бу

босқич давомида болаларда тақрорий машқлар йўсинидаги кўникманинг ривожланиши, ўрганилаётган ҳаракатнинг тўғри бажарилиши борган сари яхшиланади. Бу айрим ҳаракат рефлекслари ва уларнинг бутун бир системасини аниқлаш даражаси билан кечади.

Иккинчи босқич қўзғолиш жараёнинг тарқалишини чегараловчи ички дифференциал тормозланишнинг тобора ривожланиши, иккинчи сигнал системаси ролининг ошиши билан ҳарактерланади. Бунинг натижасида бола вазифалар ва ўз ҳарактерларини онгли тушунадиган бўлади.

Бироқ ҳаракат кўникмаларининг бу босқичда ҳосил бўлиши тўлқинсимон кечади. Бу ҳаракатларнинг вақт-вақт билан яхшиланиши ёки ёмонлашувида ифодаланади. Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, умумий тараққиёт жараёнида ҳаракат фаолиятининг сифатидаги бундай тебранишлар таълимнинг бошланишида содир бўлади. Ҳаракат малакаларининг борган сари сайқаллашуви ва тақомиллашувига қараб бош мия пўстлоғида муваққат боғланышларнинг мураккаб системаси — динамик стереотип вужудга келади.

III босқич - кўникманинг стабиллашуви, ҳаракатнинг асосий вариантига мувофиқ келадиган динамик стереотипнинг мустаҳкамланишидир. Бу босқичга келиб бола кўникмаларни эгаллаган бўлади. Унинг ҳаракатлари эркин, тежамли, бемалол, иккинчи сигнал системасининг етакчилигида етарлича аниқ бўлади. Бола ҳаракатни унинг асосий вазифасини тушунган ҳолда мустақил ва ишонч билан бажаради, ортирган кўникмасини реал вазиятлар (ўйин ва ҳаётий вазиятлар) да ижодий қўллай олади. Бундан ташқари кўникма ривожланишининг мазкур босқичида ҳаракат техникасининг турли варианtlарига мувофиқ қўшимча ҳаракат реакциялари ҳам ҳосил қилинади.

Ҳаракат кўникмалари ўзаро ҳаракатда бўлиши мумкин. Кўчириш механизми борасида ортирилган кўникма янги малака ва кўникманинг ҳосил бўлишига ёрдам бериши мумкин. Кўчириш усул ёки приёмларини янги обьектлар, жараёnlарга (конькида учишдан фидиракли конькида учишга ўтиш) қўлланишдан иборатdir. Бажариладиган ўёки бу ҳаракат элементлари ва структурасининг ўхашлиги, бажаришнинг англаб олинган умумий принциплари кўникмани кўчиришнинг зарур шарти ҳисобланади. Бундай ҳолларда бола ўзидағи тажриба ва малакаларга таяниб янги кўникмани тез ўзлаштиради. Бунда ҳаракат актининг асосий фазалари ўхаш бўлиши (масалан гимнастикада) мажбурий шартdir. Кўрсатилган кўчириш ижобий кўчириш сифатида белгиланади.

Кўникмалар ўхашлиги уларнинг тайёргарлик босқичи учун ҳарактерли бўлган, бироқ кейинги ва айниқса асосий босқичда фарқли бўлган ҳолларда салбий ўзаро ҳаракат — салбий кўчириш ёки ҳаракат актини эгаллашга имкон бермайдиган кўникма интерференцияси вужудга келиши мумкин.

Кўнікмалар интерференцияларининг сабабларидан бири кейинроқ янги кўнікма юзага келишида пайдо бўладиган муваққат боғланишлардан олдин ҳосил бўлган боғланишларнинг мустаҳкамлигидир. Бундан ташқари янги ҳаракатларда эски нарсалардан иборат ҳар бир ҳаракатнинг ўзига хослигини фарқлашга халақит берувчи умумий компонентларнинг сақланиши ҳам интерференция сабаби бўлиши мумкин. Кўнікма интерференциясининг олдини олиш ва бартараф этиш учун машқ бажаришнинг эскини ва янги усулларидаги фарқни аниқ кўрсатиш, бажариш шартлари, уларни қарама-қарши қўйиш зарур (масалан, узунликка сакраш ва югуриб келиб баландлика сакраш).

Мураккаб ҳаракат актларини эгаллаш жараёнига тугма автоматизмлар таъсири этиши мумкин. Чунончи, кўнікма ҳосил қилишга юриш, югуриш ва ҳоказолар ҳаракатларнинг табиий асосини ташкил этувчи тугма қобилиятлар ижодий таъсири кўрсатади. Таълим изчиллигини белгилашда ирсий координациялар билан таъминланадиган бу қулай шароитни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Ҳаракатларга ўргатиш жараёнида онг ва эмоцияларнинг роли. Таълимда болаларнинг эмоциялари, ўз фаолиятларига қизиқини ва онгли муносабатда бўлишлари катта аҳамиятга эга. Ўрганиладиган ҳаракатли машқлар ёки ўйинлар мазмунига қизиқини, шунингдек болаларни жалб қилувчи ранг-бараанг методика эмоционал кўтаринкилик уйғотади. Бунинг натижасида диккат-эътибор ортади, топшириқни бажариш, ҳаракатнинг сифатли бажарилишига интилиш кучаяди.

Болаларда ҳаракат кўнікмаларини шакллантириш нерв системасининг индивидуал типологик хусусиятларини ҳисобга олишни талаб этади. Бу хусусиятлар ҳаракат тажрибасини эгаллаш, ўзлаштириш суратига, жисмоний сифатлар ва ҳаракат кўнікмаларига таъсири қиласи. Бу кўрсаткичлар педагогга таълимнинг методик усулларини танлашда индивидуал ёндашин имконини беради. Мазкур усуллар ҳар бир боланинг ҳаракат кўнікмаларини муваффақиятли эгаллашига йўналтирилган бўлади.

Вазифаларнинг қўйилиши, фаолият мотивлари, психологик кўрсатманинг таъсири. Ҳаракат кўнікмаларининг муваффақиятли шаклланишига қўйидагилар таъсири кўрсатади: бола олдига унинг учун тушунарли, кучига яраша, уларда қизиқиш, эмоциялар уйғотадиган, мустақил ҳаракат фаолиятига ундейдиган вазифалар қўйиш; унинг мақсадга мувофиқ бўлиши ва ижодий изланишларга таъсири этувчи ҳаракат фаолиятининг мотивлари; психологик кўрсатма (психиканинг яхлит ҳолати) «Кишида туғиладиган мақсад, бу мақсадни амалга ошириш учун у ёки бу амалий ҳаракатни бажариш зарурати психиканинг барча механизмини вазифани муваффақиятли бажаришга ундейди. Аввалги тажриба заминида бу вазифани ҳал этишда биринчи навбатда зарур бўладиган

маълумотлар ва операция стереотипларини хотирага осонгина олишга тайёргарлик кўрилади»¹.

Ҳаракат кўникмаларини ҳосил қилиш учун зарур шароит яратиш. Болалар томонидан зарур билимлар ва ҳаракат кўникмаларининг муваффақиятли ўзлаштирилиши кўп даражада таълим жараёни кечадиган шароитнинг ташкил этилишига боғлиқдир.

Таълим ҳаракат вазифаларини бажаришда ақлий, жисмоний ва иродавий зўр бериши талаб қиласди, шунинг учун осойишта вазият ва болалар психикасининг эмоционал — ижобий ҳолати зарурдир. Ташкил мухитнинг қулағи шаронтларида рефлексларнинг юзага келиши табиий, қонуний кечади.

И. В. Павлов янги муваққат боғланишларнинг вужудга келиши миянинг катта ярим шари ташқаридан бўладиган қўзғолишлардан ҳоли бўлганда, яъни таълим жараёнида бола диққатини ҳеч нарса чалғитмагандан самарали кечишини кўрсатиб ўтган эди (хонада бирорвнинг тўсатдан пайдо булиши; тақи́ллаш, девор ортидан эшитилган қўшиқ, болаларнинг объектга нисбатан ноқу́лай сафланиши, улар қизиқишларига зид бўлниши, тарбиячининг тушунтиришдаги яхлитликин бузувчи айрим болаларга тез-тез берадиган танбеҳи ва ҳоказо).

Шундай экан, таълим факат болалар диққати ва идроки бир нуқтага тўпланиши таъминланган шаронтлардагина жуда самарали патижалар бериши мумкин.

Музиканинг болаларда ҳаракат кўникмаларини такомиллаштиришга таъсири. Жуда катта эмоционал таъсир кучига эга бўлган музика ҳаракатларга жўр бўлиб, уларнинг бажарилиш сифатининг ошишига — ифодали, ритмли, аниқ, уйғун, майин, яхлит бўлишига таъсир қиласди. Музика жўрлигидаги ҳаракатларнинг ифодали ва уйғулиги болалар томонидан музика асарларицдаги бадиий образлар, уларнинг турли характерлари, музикали ифода воситаларининг (тэмп, динамика, метроритм) идрок этилиши хамда кечинмаларининг эмоционаллиги билан белгиланади. Музика билан боғлиқ ҳаракатлар характеристининг болалар томонидан бундай эмоционал бўёқларда идрок этилиши бу ҳаракатларни такомиллаштиради, уларга куч ёки майнинлик, файрат-шижоат ёки вазминлик баҳш этади ва айни пайтда машқларни эркин ва қийналмай бажаришга ёрдам беради.

Ҳаракатларни музика жўрлигига олиб бориши эшитишнинг ривожланишига ижобий таъсир этади, вақт мўлжали — музика асарларицдаги турли метроритмик тузилмаларга мувофиқ ўз ҳаракатини муайян вақт ичидаги бажара олиш қобилиятини тарбиялайди. Болалар ҳаракати билан боғлиқ муайян метрик пульсация бола организмидаги тегишли реакция (нафас олиш, юрак, мускул фаолияти), шунингдек психиканинг эмоционал-ижобий ҳолатини ўйғотади, организмнинг умумий соғломлашишига ёрдам беради.

¹ Назайкинский Е. В. О психологии музыкального воспитания. М., 1972, 53-бет.

Музика жўрлигидан болаларнинг асосий ҳаракатларни (юриш, югуриш, сакрашлар); ленталар билан бажариладиган, айниқса болалар учун қизиқарли умумривожлантирувчи машқларни (ленталар, байроқчалар, шарфлар, тўплар, чамбарак ва ҳоказолар); сарфланиш машқларини бажаришларида фойдаланилади; у музика асарлари характерига мувофиқ уларнинг ўзгаришига таъсир этади. Марш музикаси жўрлигидаги юришда (айниқса дадил ва тантанавор характердаги) вужудга келадиган эмоционал кўтарикилик ва бола гавдасининг бу вақтдаги муайян ҳолати тўғри қад-қоматнинг ривожланишига яхши таъсир кўрсатади. Ҳаракатларни музика жўрлигига бажаришларидан олдин болалар музика асарини тўлиқ тишглашлари, музикали образни идрок этишлари, бадиий мазмун ва формани бир бутунликда ҳис этмоқларни зарур. Педагог болалар эътиборини музика асарининг бадиий хусусиятларига, музика ифодалилиги воситаларига қаратади ва натижада ҳаракатларни бажариш характери улар учун тушунарли бўлади.

Жисмоний тарбияга оид барча машғулотларда фойдаланиладиган музика асарлари юқори профессионал маҳорат билан ижро этилиши, болаларда бадиий идрок ва диднинг шаклланишига таъсир кўрсатиши лозим.

6- §. Болаларни жисмоний машқларга ўргатиш босқичлари

Ҳаракат малакалари ва кўнилмаларининг шаклланиш қонуниятларини ҳисобга олиш болаларга ҳар бир босқичда алоҳида таълим бернишининг амалий вазифаларини белгилайди:

бирипчи босқич ҳаракатларини бошланғич тарзда ўрганиш билан;

иккинчи босқич чуқурроқ ўрганиш билан;

учинчи босқич ҳаракатларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш билан характерланади.

Ҳаракатларни бошланғич тарзда ўрганишда қўйидаги вазифалар қўйилади: болаларни янги ҳаракатлар билан танишириши; бутун ҳаракат ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш ва уни умумий нуқталарини бажарган ҳолда ўзлаштиришга киришиш.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун боланинг вазифани ҳар томонлама идрок қилишига эришиш, барча асосий анализаторлар — кўриш, эшитиш, ҳаракат анализаторларига таъсир этиш, унинг онгини активлаштириш ва унда ҳаракат акти ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш зарур.

Бошланғич тарзда ўрганиш методикаси. Қўйилган вазифалардан келиб чиқиб тарбиячи турли усуслар йиғинди-сидан тахминан қўйидаги изчилликда фойдаланади.

1. Ҳаракат намунасини тўғри, жуда аниқ кўрсатиш усули. У гарбиячи томонидан эмоционал тарзда — муайян суратда, бошдан охиригача бажарилади, бу болаларга яхлит ҳаракат образи-

ни унинг динамикасида идрок қилишга имкон беради, уларни бу ҳаракатга қизиқтиради ва бажаришга интилиш уйғотади.

2. Ҳаракат фаолиятини ўта секин суръатда қисмларга бўлиб, ҳаракатни ташкил этган барча элементларни тушунтириб намо-йиш қилиш усули. Масалан, тарбиячи шундай дейди: «Болалар яна бир марта қаранг: мен таёқни юқорига кўтараман ва унга қарайман, сўнг уни букилган чап оёқ тиззасига тушираман ва «Тиззада» дейман, оёқ уни пастга узатилган бўлади». Бундай қисмларга бўлиб тушунтиришда саноқ (бир, икки, уч ва ҳоказо) дан фойдаланиш мумкин эмас: саноқ онга ёрдам бермайди ва болада дастлабки мўлжал олишини ҳосил қилмайди; айни пайтда сўз болалар онгига таъсир этиб, фазода мўлжал олиш — тадқиқот рефлексини уйғотади (чапга, ўнгга, юқорига, пастга) ҳамда ўз гавдаси қисмлари ҳаракати ҳақида (қўлни кўтариш, уни букилган тиззага тушириш ва бошқалар) тасаввур ҳосил қиласди.

Шундан сўнг болалар тарбиячи кўрсатмаларини тинглаган ҳолда ҳаракатларни қайтадан мустақил бажарадилар, яъни ўзла-рида амалда шаклланган ҳаракат образини текшириб кўрадилар, тарбиячи эса болалар топшириқни қай даражада тушунганликла-рини кузатиб боради.

Юқоридаги барча усуллар бош мия пўстлоғида муваққат боғ-ланишларнинг пайдо бўлишини таъминлаши ва боланинг муайян ҳаракатни ташкил этувчи ҳаракат элементлари изчиллигини онгли равища эслаб қолишига, уларнинг мускул сезгиларига таянуви яхлит ҳаракат образларига биринчига ёрдам бериши керак. Бироқ, агар бунда болалар ҳаракатида топшириққа нисбатан бирор-бир номувофиқлик сезилса, улар тушунтириш ёки тарбиячининг намуна тарзида кўрсатиши билан аниқлаштирилади.

Кўриб ўтилган усуллар ўрта группадан бошлаб қўлланилади. Болалар боғчасининг унгача бўлган икки кичик ёшлилар группалиги келсак, бу ёшдаги болаларни ҳаракатларга ўргатишда кўпинча ўйин усуллари ёки ҳаракат намунасини тарбиячининг тушунтириши билан намойиш қилиш ва унда болаларни иштирок эттириш усулидан фойдаланилади. Таълимнинг мазкур ўзига хос усули кичик ёшли болалар диққатининг етарлича тўпланмаганлиги, ҳаракатни олдиндан кузатишда сабр-тоқатнинг йўқлиги, болаларнинг кўз олдида юз берадиган конкрет ҳаракат намунасига тақ-лид қилиш жараёнидан қониқиши ҳосил қилишлари билан изоҳ-ланади.

Намойиш этиладиган ҳаракатларнинг бажарилиши, тарбиячининг рағбатлантириши болаларда эмоционал ижобий кайфият уйғотади. Бу тўғри ҳаракат кўникмаларини шакллантиришнинг бош-ланғич босқичидаги муваффақиятни таъминлайди.

Ҳаракатларни чуқурроқ ўрганишдаги иккинчи босқичдаги ва-зиғалар ўрганиладиган ҳаракат техникаси деталларининг тўғри бажарилишини аниқлаш, мавжуд хатоларни тузатиб бориш ва умуман ҳаракатларни тўғри бажаришга эришишдан иборатдир.

Педагог шартли рефлексларнинг пайдо бўлиш механизмини ҳисобга олган ҳолда онгда ва мускул сезгиларида муайян ҳаракатнинг изчиллигини, сезгилар конкретлилигини тиклаши лозим.

Ҳаракатларни онгли равишда такрорлаш жараёнида аста-секин дифференциал тормозланиш ривожланади, иккинчи сигнал система-масининг роли ошади. Бош мия пўстлоғида қўзғолишларнинг ирадациялашуви аста-секин уларнинг кўпроқ концентрациялашуви (йириклилашуви) билан алмашинади. Қўзғолиш тарбиячи томонидан мустаҳкамланадиган қўзғатувчи характеристига мос келувчи нерв ҳужайраларига интилади. Айни пайтда тарбиячининг тормоз қўзғатувчиси характеристидаги кўрсатмалари туфайли болага халақит берувчи ҳаракатлар борган сари тормозланиб, йўқола боради. Фақат кўрсатилган ҳаракатга мос ҳаракатларгина мустаҳкамланади ёки улар тарбиячи сўзи билан мустаҳкамланади.

Ҳаракатлар аста-секин тартибида тушади, ривожланаётган барча дифференциал тормозланишлар имкон доирасида аниқлаша боради. «Кейинги дифференциаллашува рефлекснинг ихтисослашуви юз беради. Дифференциаллашув қанча кўп тараққий этса, ички тормозланиш мустаҳкамланмаган барча боғланишларни тормозлаган ҳолда мия пўстлоғидаги манбаларни шунча аниқроқ чегаралайди»¹.

Чуқурроқ ўрганиш методикаси. Тарбиячи бола ўрганидиган ҳаракатларни аста-секин ўзлаштириш жараёнининг физиологик механизмини ҳисобга олган ҳолда тегишли методик усулларни танлаб олади.

У таълим жараёнида болалар эътиборини ҳаракатларнинг тўғри бажарилишига қаратади ва уларни қўйидагича рағбатлантиради: «Ўхши турибсизлар, қоматингиз тик, ҳаммангиз қўлларингизни орқага узатгансиз» (тўғри ҳолат мустаҳкамланади) ёки, аксинча уларнинг диққатини йўл қўйилган хатоларга жалб қиласди: «Таёкларни полга тушираётганда тиззаларни букманг» (тормоз қўзғатувчиси). Тарбиячи ҳаракатнинг ҳар бир бола томонидан бажарилишини кўриб туриш учун уларни колонналар бўйича текширади. Бундай ҳолларда у болалар олдига келиб, уларнинг ҳар бирига сафда қандай туришини айтиб индивидуал ёрдам бериши мумкин. Бошқа колонналарда турган болалар ҳам тарбиячи кўрсатмаларини тинглайдилар ва нимага интилишлари кераклигини амалда кўрадилар.

Таълимнинг иккинчи босқичида ҳаракатлар болаларга доимо таниш бўлади, шунинг учун тарбиячи усулларни танлаётганда ҳар бир ҳаракатнинг мураккаблик даражасини ҳисобга олади. Мазмун ва структура жиҳатдан содда ҳаракатларни болаларга кўргазмали намойишдан фойдаланган ҳолда бир неча оғиз сўз билан эслатиш мақсадга мувофиқдир. Болалар зарур дастлабки ҳолатни эгаллагач, тарбиячи шундай дейди: «Болалар, ўтган машгулотда

¹ Красногорский Н. И. Труды по изучению высшей нервной деятельности человека и животных. М., 1954, т. I, 221-бет.

бажарган машкларимизни эсланг. Құлингизни ёнга — орқага узатынғ, уларни буқмаган ҳолда олдинға узатиб чапак чалинг». Бундай эслатиш ҳаракат образини болалар тасаввурида бутун изчиллиги билан жонлантиради ва улар бу машқни тарбиячининг намунасисиз бажара оладилар. Бунда уларда диққат, ижодий тафаккур ва машқларни мустақил бажариш истаги активлашади. Агар ҳаракат бирмунча мураккаб бўлса, конкрет эслатиш — ҳаракатни тушунтириб кўрсатиш (нишонга улоқтириш, баландликка сакраш ва бошқалар) дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Усувларни ҳаракатлар мураккаблигини анализ қилиш асосида танлашда ҳам уларни болани қўйлий ва жисмоний фаолиятга жалб этадиган даражада қўллашнинг мақсадга мувофиқлик зарурати намоён бўлади.

Учинчи боскичдаги вазифа ҳаракат фаолияти техникаси бўйича ортирилган кўниkmани мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ҳаракатни бутунича мустақил бажаришга ҳамда уни ўйинда ва ҳаётда қўллашга рафбатлантиришдан иборатdir.

Мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш методикаси. Таълимнинг учинчи боскичида бола топшириқни онгли идрок этади, муайян мақсад билан ҳаракат қиласи, бироқ бунда ҳаракатларни бажариш усули автоматлаштирилган бўлади, шунинг учун унинг диққати асосан ҳаракатни сифатли бажаришга қаратилади.

Тўғри ўрганилган ҳаракатларнинг учинчи боскичида болалар томонидан қайта бажарилиши уларнинг ўтган вақт ичидаги меҳнати натижасидир. Болалар ҳаракати аниқлиги, ишончлилиги, эмоционаллиги билан ажралиб туради, шунинг учун тарбиячи машқларниң номини айтган ҳолда фақат оғзаки топшириқ бериш билан чекланади: «Тиззангизга уриб чапак чаласиз». Ёки «Хозир югуриб келиб баландликка сакрайсиз». Ўзларига таниш ҳаракатларнинг номини эшлиши биланоқ болалар онги ва тасаввурида у бутун изчиллиги билан тикланади ва улар бу ҳаракатни тез ва аниқ бажарадилар.

И. М. Сеченов «Ҳаракатнинг бирор-бир қисмига четдан қилинган энг кичик ишора ҳам уни тўла тиклашга олиб келади¹, деб кўрсатган эди. Тарбиячи бирор-бир машқни мустақил бажаришда барча болалар ҳаракати уйғун бўлиши учун уларни айрим сўзлар билан бошқариб туради, масалан, биринчи ҳолатда шундай дейди: «Қўллар юқорига»; сўнг қўлни тиззага тушириб, болаларнинг ўзлари «Қўллар тиззада» ёки «Чапак» дейдилар; тарбиячи яна «Қўллар юқорига» дейди, болалар қўлларини гавда узра тушириб ва машқни тугатаётib «Қўллар пастга», деб жавоб қиласдилар.

Мазкур боскичда бола ўзлаштирилган кўниkmани ўйин ва ҳастий вазиятларда мустақил қўллаш ҳамда ижобий йўсингдаги топшириқларни бажаришга тайёр бўлади. Мавжуд тажриба ва ортирилган машқларни бажариш техникасини ҳисобга олган ҳолда

¹ Сеченов И. М. Избр. произв. М., 1953, 90-бет.

унга қуидаги ижодий топшириқ берилади: ўзига таниш машқа үзгариш киритиш ва унинг вариантини яратиш, таниш элементлардан янги, ўзининг оригинал машқини яратиш таклиф этилади.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган топшириқлардан фойдаланадиган таълим методикаси болада ҳаёти учун мұхим бўлган ўз фаолиятига ижодий ёндашиш одатини тарбиялаш методикаси.

7- §. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда жисмоний сифатларни тарбиялаш методикаси

Жисмоний сифатларни тарбиялаш жисмоний тарбиянинг асосий жиҳатларидан биридир.

Жисмоний сифатлар бола организмининг морбофункционал, психофизиологик ва биологик хусусиятлари билан боғлиқдир. Жисмоний сифатларни болаларни ҳаракат кўнкимларига ўргатиш билан бирликда тарбиялаш уларнинг такомиллашувига, бутун организмнинг согломлашишига, психикасининг эмоционал-ижобий ҳолатига таъсир кўрсатади, болалар ҳаракатларни тобора ишонч билан бажарадилар, янги ҳаракатларни тезроқ ўзлаштирадилар, юқори натижаларга эришишга интиладилар, ижодий мустақиллик кўрсатадилар.

Асосий жисмоний сифатларнинг (тезкорлик, чақонлик, чидамлилик, куч ва эгилувчанлик) ривожланиши ҳаракат кўнкимларининг шаклланиши билан узвий алоқадорликда кечади. Ана шу жарапёнга хизмат қилувчи машқлар қатъий изчиликка ва ҳаракатли топшириқлари тобора мураккаблаштирилган ҳолда физкультура машгулотларига, ҳаракатли ўйинларга, спорт машқларига киритилади, шунингдек, болаларнинг сайр пайтидаги мустақил ҳаракат фаолиятида фойдаланилади.

Тезкорлик жисмоний тарбия назарияснда «кишининг ҳаракатлари тезлиги, шунингдек, ҳаракат реакцияси характеристикасини бевосита ва кўпинча белгилайдиган функционал хусусиятлар комплекси»¹ сифатида қаралади. Бу амалда ҳаракатларни қисқа муддатда бажариш қобилиятида намоён бўлади.

Тезкорлик ҳаракат реакцияси, айрим ҳаракатлар тезлиги, кўп марталаб тақрорланадиган ҳаракатлар частотаси билан белгиланади. Содда ва мураккаб реакциялар фарқ қилинади. Оддий реакция аввалдан таниш ҳаракат билан олдиндан таниш, бироқ тўсатдан пайдо бўладиган сигнал (масалан, «Ким ўзар» болалар ўйинидаги «юргур!» деган сигнал) га жавоб қилишда ифодаланади. Мураккаб реакция — бу ҳаракатланувчи обьектга нисбатан реакция ва танланма реакция демакдир. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун реакциянинг ҳаракатланаётган предметга нисбатан бўладиган элементар формаси маъқул келади (масалан,

¹ Теория и методика физического воспитания. (Под ред. К. П. Матвеева и А. Д. Новикова). М., 1976, т. 1, 190-бет.

тұп билан үйнаганда, уни бир-бирига ва тұрдан ошириб ташлашда ва қоказо).

Тезкорлик болаларни асосий ҳаракатларга үргатиши жараениң ривожланади. Е. Н. Вавилова маълумотларига күра, тезкорлик сифатларини ривожлантиришда тез ва секин югуришда құллумидиган машқлардан фойдаланиш зарур әкан. Бунда қисқа масофага максимал суръатда югуришдан бирмунча секин суръатта үтиш тавсия этилади. Машқларни турли суръатларда бажариш болаларда мускулларга турлича зұр берса олиш малакасининг ривожланишига ёрдам беради.

Машғұлолтар ва үйин фаолиятида старт ҳолати мураккаблаштирилған югуришдан (үтирган, чүккалаб үтирган, бир тиззада турган ҳолатдан) фойдаланилади.

Тезкорликнинг ривожланишига ҳаракатли үйинлар ҳам ёрдам беради. Бу үйинларда бола тезлитика оид топшириқларни сигналга биноан бажарған ҳолда үзгариб турувчи вазиятга қараб ҳаракат қарастерини, унинг тезлигини (масалан, етакчини ушлаб олиш, қувлашмақолдардаги ҳаракат ва қоказо) үзгартыради. Боланинг тұғри ҳаракат реакциясы ҳаракатланаётган предмет («ушловчи») йұналиши ва тезлигини унинг яқынлашиш масофаси ҳамда вақтимиң тезда илгай олиш малакаси билан белгиланади. Бу нерв жараенилари ҳаракатчанлигининг муайян даражада ривожланғанлыгини талаб қылади ва улар такомиллашувига, шуннингдек айрим фазовий мұлжал, вақтга қараб ва күз билан чамалаб бақолашға ёрдам беради. Буларнинг барчаси болага үзгариб турувчи вазиятта тұғри мұлжал олиш имконини беради.

Чаққонлик янги ҳаракатларни тез әгаллаш (тез үрганиб олиш қобилияты), тұсатдан үзгаруучан вазиятлар талабига күра ҳаракат фаолиятини тез қайта қура олиш қобилиятидір¹.

Чаққонлик нерв системасининг пластиклиги, үз ҳаракатлари ҳамда ташқи мұхитни ҳис ва идрок қилиш қобилияты асосида ривожланади. Ҳаракат вазифаларининг муваффақиятли бажарылиши мазкур ҳаракатнинг фазовий, вақт ва күч компонентларининг аниқлиги билан белгиланади.

Болада чаққонликни тарбиялаш иши ҳаракатлар координациясینинг ривожланғанлиғи, ҳаракатларни мос, изчил бажариш билан боғлиқдір. Чакқонлик ҳар қандай ҳаракатнинг (югуриш, сакраш, улоқтириш, тирмашын ва қоказо) зарурий компоненттідір.

Болаларда чаққонликни тарбиялаш учун асосий ҳаракатларда турли жисмоний машқлардан фойдаланилади (предметлараро юриш ва югуриш; турли тұсқыларни енгіб — қалқадан үтиш, скамейкада қаршидан келаётган бола билан тұқнашиб ажрашиш, турли предметлар устидан сакраш ва қоказо; шуннингдек, улоқтириш, тұп үйини, сакрашлар, тирмашын чиқиши, айниқса тұплар билан бұладиган умумривожлантирувчи машқлар ва бошқалар).

¹ Қарант: Теория и методика физического воспитания. М., 1976, 202-бет.

Хилма-хил ҳаракатли үйинларда чаққонликни такомиллаштириш учун энг қулагай шароит яратылади: бунда бола топқирлык, удда-буронлык, предметлараро эпчил ҳаракат қилиш малакасини на-моён қила олиши, тұсатдан үзгарувчан вазиятларда ташаббус күрсата олиши, бунинг учун фазо ва вақт мүлжали ёрдамида қулагай моментлардан фойдалана билиши керак.

Чаққонликни такомиллаштириш учун предметлар аргамчи, түплар, ҳалқалар, тәеқталар ва қоказолар билан бұладиган машқларни яхши бажаришга оид топшириқлар бериш мақсадға мувофиқдир. Жұфт бұлиб, группа бұлиб түплар, ҳалқалар, лан-гар чүплар, шнурлар ва бошқалар билан шуғулланиш ҳам фойда-лидир. Чаққонликни ривожлантириш вазифаси машқларни мунта-зам алмашлаб туриш ёки янгилигини сақлаш учун уларнинг ва-риантларини құллашни, координацион қиийинчиликни бирмунча оширишни талаб этади.

Бола ҳаракат күнікмаларини қанчалик күп әгаллаган бұлса, уннинг янги ҳаракатларни үзлаштириши ва үз чаққонлигини тако-миллаштириши шунча осон құчади.

Күч — ҳаракат фаолияти жараёнида ташқи қаршиликни енгіш-ёки унга мускул зўриқиши воситасида қаршилик күрсатиши қоби-лиятидир¹.


Күчнинг намоён бўлиши күч ва мускул аппарати фаолиятини бошқарувчи нерв жараёни концентрацияси билан боғлиқ (А. Н. Кре-стовников).

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар тарбиясида улар орга-низмининг ёш хусусиятлари — нерв системаси ривожланишининг қарор топмаганлиги, мускулларнинг заифлиги, букувчи мускул-лар тонусининг устунлиги кабилар ҳисобға олинади. Шунинг учун кучни тобора ривожлантиришга мүлжалланган машқлар асосий мускул группалари ва умуртқаны ростлашга (умумривож-лантирувчи машқлар) йўналтирилиши лозим. Динамик машқларни синчиклиб танлаш қисқа муддатли тезлик — күч зўриқинини кўзда тутади (югуриш, улоқтириш, сакрашдаги турли машқлар, шунингдек вертикаль ва қия нарвонга тирмашиб чиқиш). Бу кўпроқ ўирик мускул группалари ривожланиши туфайли юзага кела-диган «таянич-ҳаракат аппаратлари имкониятлари, болалар юрак-томир системасининг қисқа муддатли тезлик-күч нагрузкалтарга нисбатан яхши реакцияси билан белгиланади» (Е. Н. Вавилова).


Сакраш, югуриш (30 метрга), улоқтириш (узокқа) жараёнида болада ҳаракатлар тезлиги ва күч тезлигини намоён қилишни — ҳаракатни тез бажаришни нерв-мускул кучланишининг концентра-цияси билан бирга кўшиб олиб боришни, яъни тезкорлик-күч сифатини намоён қилишни тарбиялаш зарур (2—6-расмлар).

Бу сифатларни ривожлантириш учун Е. Н. Вавилова маълу-мотларига кўра унча катта бўлмаган баландликдан сакраб тушиб, юқорига ёки олдинга депсиниб сакраш, турган жойдан, бир оз


¹ Қарапанг: Теория и методика физического воспитания. М., 1976, 169-бет.




2-расм. Югуриш вақти күрсаткыч-ларининг ёш динамикаси: а) юриб келиб 10 м га; б) стартдан 20 м га; в) стартдан 30 м га.



3-расм. Түріан жойидан узунлікка сакрашпап ёш динамикаси.



4-расм. Түріан жо идан баланд иккя сакрашнинг ёш динамикаси.



5-расм. Тұлдирма түпни узоққа улоқтиришнинг ёш динамикаси.

Югуриб келиб юқорига ирғиши, чүққайған қолатдан юқорига сакраш, турған жойида ва олдинга силжиб тоғы үрта, тоғы тез сурағтада өткізік ёки таекелардан ҳаттаба сакраш. Сакрашлар пайтида бир ёки иккя оёқда күч билан депсинишінше, тиззадан бир оз букилган оёқда юмшоқ тушиш ва тезда қоматни ростлашга эътибор беріш зарур.

Тұлдирма тұплар билан бажариладын машқул мускул күләрінің гармоник ривожланишиға, ҳаракаттар координациясы, нафас олиш мускуллары фаяолияты ва шунга мувофиқ нафас олиш функциясыннан тақомиллашувига ёрдам беради. Улоқтиришдагы мускулларнинг тез қысқариши ва бу ҳаракатдан сұнг бүшашиши асаб-мускул регуляциясыннан тақомиллашувига, мускуллар ва, бинобарин, тезкорлық-күч сифатларининг ривожлантирилишига ёрдам беради.


Уумривожлантирувчи машқларни бажаришда болалар ёшларига яраша оғирликсиз машқларни қандай әгаллаганникларнага қараб (масалан, тұпни юқорига күтариш, олдинга узатиш, паста тушириш, тұп билан чүққайиш, уни думалатиш, тұпни күкракдан олдинга иргитиши ёки сипташ, бошдан ошириб отиш) тұлдирма тұпдан кенг фойдаланиш лозим. Болалар бу машқларни үзлаштириб олғанларидан сұнг уларни харакатли үйинлар ва сайр пайтилады спорт машқлары да құлланылыш мүмкін.

Чидамлилик бирор-бир фаяниятда голиқишиң қарши тұра олиш қобилятидір¹. Чидамлилик нерв марказларининг функционал барқарорлығы, ҳаракат аппараты ва ички органлар функциялары координациясы билан белгиланады (А. Н. Крестовников). Мектебгача тарбия ёшида организмнің құвват ресурслари ёш ривожланишинша сарф бўлади, шунинг учун ҳаддан ортиқ катта нагруззка ўсишга халақит бериши мүмкін. Болада умумий чидамлилик, яғни организмнің асосий системаси функциясини оширувчи мўътадил интенсивликдаги давомли ишга нисбатан чидамлиликини аста-секин тарбиялаб бориши зарур.

Фаолияттың түрли күринишилари — ақлий, сенсор, эмоционал, жисмоний күринишилари гурлича толиқишиларга олиб келады. Ҳар қандай фаолиятта толиқишиштаги сарф бўлади, шунинг учун ҳаддан ортиқ катта интенсивлик тарбия жараёнида мускул фаяниятты билан боғлиқ бўлган жисмоний толиқиши жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

«Болалар боғчасида таълим-тарбия программасы» умумий чидамлиликини ҳар бир группада ўртача ва бир текис суръатда бажариладиган (юриш, югуриш, сакраш ва ҳоказо) машқларнинг ҳажми, интенсивлиги ва давомийлигини ошириш, ҳаракатли үйинларда эса улар давомийлигини тобора чўзиш, ҳаракат топшириқларини мураккаблаштириш йўли билан аста-секин тарбиялаб боришини кўзда тутади.

Мектебгача тарбия ёшидаги болалар чидамлиликини намоён қилиншда катта имкониятларга эгадирлар. Бу сифатнинг ривожланиш даражаси болаларнинг ёши, жинси ва тайёргарлигига боғлиқ бўлади. В. Г. Фролов маълумотларига кўра, умумий чидамлиликини тарбиялашда ўртача тезликда югуриш, лўқиллаб югуриш;



6-расм. Үнг құл билан узоққа улоқтиришнің ёши динамикасы.

¹ Карап: Теория и методика физического воспитания. М., 1976, 209-бет.

давомли тарздаги депсиниш ва сакрашлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир (2—4-расмлар). Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда чидамлиликни тарбиялашнинг асосий формаси очиқ ҳавода ўтказиладиган мунтазам машғулотлар бўлиб, уларнинг мазмунини 2—3 та ҳаракатли ўйинлар ташкил этади. Бу ўйинлардаги вақтнинг ярми юриш, умумривожлантирувчи машқлар, тирмашиб чиқиш, улоқтириш билан алмаштириб туриладиган югуришга ажратилиди.

Чидамлиликни тарбиялаш спорт машқлари жараёнида (чангиди юриш, велосипед ҳайдаш, сузиш) амалга оширилади.

Эгилювчанлик таянч-ҳаракат аппаратининг звенолари ҳаракат-чанлиги дарајасини белгиловчи морфофункционал хусусиятлардир¹. Эгилювчанлик мускул ва бўғимларнинг эластикилиги билан белгиланади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда таянч-ҳаракат аппарати, айниқса умуртқа поғонасининг пластиклигини ҳисобга олиб, физкультура машғулотларида ва эрталабки гимнастикада умумривожлантирувчи машқлар (предметлар билан ва предметларсиз) билан чегараланади. Эгилювчанликни ривожлантиришга мўлжалланган машқлар (айниқса умуртқа поғонасининг эгилювчанлигини ривожлантиришга қаратилган) ҳажми ва интенсивлиги аста-секин ошириб борилиши лозим.

ОЛТИНЧИ БОБ

ИЛК ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИ

1- §. Бир ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний тарбияси

Бу ёшдаги болаларни тарбиялашда кундалик режимни ташкил этишга, гигиеник парваришининг тӯғри методикасига катта аҳамият берилиши керак.

Шунингдек, боланинг ижобий эмоционал ҳолатда бўлишига эришиш ҳам жуда муҳимдир. Тетик, қувноқ қайфият тӯғри ва ўз вақтидаги жисмоний, нерв-психик ривожланишнинг ҳамда соғломликтининг шартларидан бири ҳисобланади. Бола ўз ҳаётининг дастлабки ойларида шодланиб кулади, кўп ҳаракат қиласи. Бу ҳаракатлар жонланиш комплекси ҳисобланиб, кейинчалик қўл, гавда ҳаракати ва ҳоказлар ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қиласи. Болаларнинг асосий ҳаракатларини ўз вақтида ва тӯғри эгаллашлари, асосий орган ва системаларни тараққий эттиради, мустақилликни таъминлайди ва шу асосда психик ривожланиш имкониятларини кенгайтиради.

Марказий нерв системаси ва таянч-ҳаракат аппаратидаги ёшга оид ўзгаришлар ҳар бир ёш босқичида муайян ҳаракатларнинг ривожланишига замин яратади. Бироқ бу тегишли шароитлардагина жуда самарали қўлланилади.

¹ Қаранг: Теория и методика физического воспитания. М., 1976, 229-бет.

3-7 ёшли болаларнинг жисмоний тайёлланганилиги күрсаткычлари („Хониқарли“)¹

Едини күрсаткычлари	Жисмон жыныс	3 ёшлан	4 ёшлан	5 ёшлан	6 ёшлан	7 ёшлан
Юра туриб 10 м га югуриш вакти (с)	У К	3,5-2,8 3,8-2,7	3,3-2,4 3,4-2,6	2,5-2,1 2,7-2,2	2,4-1,9 2,5-2,0	2,2-1,8 2,4-1,8
Стартдан 30 м га югуриш вакти	У К	11,0-9,0 12,0-9,5	10,5-8,8 10,7-8,7	9,2-7,9 9,8-8,3	8,4-7,6 8,9-7,7	8,0-7,4 8,7-7,3
Турган жойидан сакраш узун- лиги (см)	У К	47,0-67,6 38,2-64,0	53,5-76,6 51,1-73,9	81,2-102,4 66,0-94,0	86,3- 77,6-99,6	94,0- 80,0-122,4 123,0
Турган жойидан баландтыка сакраш узунлиги (см)	У К	—	—	20,2-25,8 20,4-25,6	21,1-26,9 20,9-27,1	23,8- 22,9-29,2
Үнг күл билан улоктириши узунлиги (м)*	У К	1,8-3,6 1,5-2,3	2,5-4,1 2,4-3,4	3,9-5,7 3,0-4,4	4,4-7,9 3,3-5,4	6,0-10,0 4,0-6,8
Чап күл билан улоктириши узунлиги (м)	У К	2,0-3,0 1,3-1,9	2,0-3,4 1,8-2,8	2,4-4,2 2,5-3,5	3,3-5,3 3,0-4,7	4,2-6,8 3,0-5,6
Түлдирма түпни улоктириши узун- лиги (1 кг бошдан ошириб-см)	У К	119-157 97-153	117-185 97-178	187-270 138-221	221-303 156-256	242-360- 193-311
90 м га югуриш вакти (с)				30,6-25,0		
120 м га					35,7-29,2	
150 м га						41,2-33,6

^{*} Күм түлдирилган 150-200 граммнан халтасын улоктитириш.

^t Жадвалдан күриниб турибидки, 3 ёшлан 7 ёшлан болаларда жисмоний сифат күрсаткичлариниң үсүшүү
кайын эгилмокда. Бууда 3 ёшдан баштап ўғил ва 7 ёшдан болалар күрсаткичлари уртасыда фарқ пайдо бўла боради (Г.П. Юро-
ко ва В.Г. Фролов).

Махсус мақсадга йўналтирилган таъсир этиш йўли билан турли кўнишка ва малакаларнинг шаклланишига, шу билан бутун организмнинг юқори ривожланиш даражасига эришиш мумкин. Ва аксинча, таълим ва тарбиянинг ўз вақтида бошланмаслиги ривожланиши сусятиради ва кейинчалик унинг ўрнини тўлдириш қийинлашади.

Тарбиянинг асосий қоидаларидан бири — у ёки бу кўнишка, малака, психик фаолиятнинг ўз-ўзидан пайдо бўлишини кутиб ўтирумасдан мазкур босқичда тегиши марказий нерв системасида этилиши йўли билан тайёрланадиган ўша функцияларнинг юзага келишига актив ёрдам беришдан иборатдир. Бунда тарбиявий таъсир янги функцияга гўё мос келиб унинг воқе бўлишига имкон яратади. Статик ва ҳаракат функцияларининг кундалик ривожланишига ёрдам бериш, кундалик режимни боланинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мувофиқ ташкил этиш болаларни тўғри ва гармоник ривожланиши, жисмоний ривожланиш ва саломатлигига юз берадиган ўзгаришларнинг олдини олишда қудратли омил ҳисобланади.

Илк ўшдаги болаларнинг жисмоний тарбиясида оқилона режим ва гигиеник шартшароит алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир ўш босқичида болалар учун овқатлантириш, уйқу ва бедорлик соатлари белгиланади, уларни алмаштириб туришнинг зарур изчиллиги таъминланади. Хонани яхшилаб шамоллатиш, тоза ҳаво узоқ, қаттиқ ухлашга имкон яратади. Бундай шароитлар яратилса, бола бедор вақтида ювоща ва актив бўлади. Бир ўшгача бўлган болалар очиқ ҳавода 4—6 соат бўлишлари лозим.

Болалар соғлигини мустаҳкамлашда шунингдек, табиатнинг табиий омилларидан (ҳаво, сув, қуёш) чиниқтириш мақсадида фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Кундалик режимни амалга оширишда болаларга гигиеник кўнишка ва одатларни сингдириш зарур. Бунда қатъий гигиеник парвариш (үёқ-буёғини ювиш, ювинтириш, ички кийимларни алмаштириш, чўмилтириш ва ҳоказолар) ёрдам беради.

Бир ўшгача бўлган болаларнинг ҳаракатини ривожлантиришда жисмоний машқларнинг уюшган формалари ва масаждан фойдаланилади. Шунингдек боланинг эркин ҳаракат фаолияти учун шароит яратиш ҳам мұхимdir. Мустақил ҳаракат фаолиятининг физиологик аҳамияти болага хос әҳтиёжларнинг ҳаракат орқали қондирилишидир: бола ўз ташаббуси билан ҳаракат қиласи ва ўз ихтиёри билан ҳолатини ўзгартиради, ҳаракатни дам олиш билан алмаштиради. Шунинг учун мустақил фаолият бола ҳаракат активиги формалари ичида энг кам толиқтирадиган фаолиятдир.

1,5 ойликдан 6 ойликкача бўлган кичкинтойлар барча бедорлик соатларини манежда (ҳар бир болага 05 m^2 жой ҳисобидан), болалар ўшига мос ўйинчоқлар билан ўтказадилар; кийимлари уларнинг ҳаракатланишларига ҳалақит бермаслиги керак.

7 ойлик болаларни полга қўйиш тавсия этилади. Бунинг учун хонанинг бир қисми (ҳар бир болага $0,75\text{ m}^2$ жой ҳисобидан) ба-

ландлиги 40—45 см ли түсік билан ўралади. Оғे ости иссиқ бұлыши учун полга пахмоқ адәл ва осон ювиладиган клеёнка тұшалади. Хонанинг бу қисми — «очиқ манеж» болаларни актив ҳаракатта (әмаклаш, оёқда туриш, тирмашиш, ұтлаш ва ҳоказо) үндайдиган буюмлар билан жиҳозланади. Очиқ манежга нарвонли ва сирғанчиқты кичикроқ тепалик, силлиқ ёки клеёнка билан ўралған хода, юриш учун күпприкча, катта түплар қойилади.

Йилнинг биринчи чорагида (3 ойгача) болада тик турғанда ва қорни билан ётганда бўйинни ушлаб тұра олиш малакасини ривожлантириш зарур. Бунда умуртқа эгиклиги шаклланади, бўйин ва орқа мускуллари мустаҳкамланади, бош мияда қон айланиши яхшилланади. Зойдан сұнг бола бошини бемалол кўтаради, белини буқади, билакларига таянади. Бу вақтга келиб бола ўйинчоқни турли ҳолатдан олиш малакаларини ўзлаштиради. Бу даврда қўллар ҳаракатини такомиллаштиришга, ўйинчоқлар билан ўйнашга, кўриш ва эшиши идрокини ривожлантиришга эътибор бериш лозим.

Бола 3—4 ойлигига қўлтиғидан тутилса, оёқда тұра бошлайди. Катталар кун давомида бир неча марта кийинтириш пайтида болани қўлга олиши, уни қаттиқ юзага (столга) қўйиши, оёқларини ритмик тарзда букиб ёзиши — «раксга тушиши» учун имкон беринши лозим. Бу болада қувноқ, шод кайфият, катталар гапи ва кулгисига реакция ўйғотади, оёқ мускуллари ва бўғинларини мустаҳкамлайди, оёғини яхши босиши учун шароит яратади.

4—5 ойлик бўлганда бола манежда ўйинчоқлар билан машгул бўлиб, чалқанча ётган ҳолатдан ёнга, қорни томонга ағдарилиш малакаларини эгаллай бошлайди: қорни билан ётиб, ҳостланган қўлларига таяниб бошини азод кўтаради. Бола қорни билан узоқ ётиб шу ҳолатда ўйнаб, ўйинчоқларга интилса, у тезроқ әмаклай бошлайди, сұнг ўтирадиган ва суюнчиқни ушлаб турадиган бўлади.

Бола 7—8 ойлик бўлганда түрт оёқлаб турадиган ва әмаклай оладиган бўлади. Әмаклаш бола ҳаракати ривожланишида муҳим босқичдир, бунда у янги сенсор таассуротлар олади.

Болаларда әмаклаш, қадам ташлаш каби локомотор функцияларни ўз вақтида ривожлантириш муҳимдир. Болани унини ўзи ўтириш ва туришни ўрганмагүнча ўтқазиши ва оёққа қўйиш мумкин эмас. Мустақил ўтириш ва туриш кўникмаларини эгаллаш умуртқа эгикликларининг шаклланишига, гавда ва оёқ мускулларининг мустаҳкамланишига ёрдам беради ҳамда жисмоний ривожланишнинг гармоник тарзда кечишига ижобий таъсир этади. Боланинг психик ривожланиш имкониятлари кенгаяди: у ўтирган ҳолда ўйинчоқ ўйнайдиган ва атрофидагиларни кўрадиган бўлади.

Бола 8—9 ойлигига атак-чекак юрадиган бўлади ва манеж атрофида ҳаракат қиласи, тепалик зинапояларига тирмашиб чиқади, ходадан ошиб ўтади — буларнинг ҳаммаси унинг идрок доирасини кенгайтиради ва нерв-психик ривожланишига ёрдам беради.

Бола бир ёшга етганда мустақил юра бошлайди. Бу даврда тарбиячи болаларни фақат ҳаракатга үргатибина қолмай, кичкінтоллар тетик, шод, ҳаракатчан бұлиши учун улар билан күпроқ гаплашиши ҳам керак.

Ҳар куни тарбиячи ҳаракатларни ривожлантириш учун бедор вақтида бола билан то бу ҳаракатлар шаклланиб, мустақамланғунча үйин - машғул оттар үтказади.

Болалар соғлиғига түғри келса уларга 1,0—1,5 ойлигиданоқ күн тартибига кируди машқ ва массажлар белгиланади. Бу машғулотлар ҳаракатларнинг үз вақтида ривожланишига, улар сиғати ва аниқлигини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Биринчи ярим йилликда боланинг активлигини рағбатлантиришда туғма, шартсиз рефлекслардан фойдаланылади. Бола ҳәётнинг иккінчи ярим йиллигіда машқларни бажариш активлиги шартлы құзғатувчилар: қўриш (үйинчоқ, ҳалқа, тарбиячининг ҳаракати ва ҳоказо), ҳаракат (тарбиячининг машқ бажаришдаги ёрдами — қўлидан тортиш, оёғини кўтариш ва ҳоказо), эшитиш (тарбиячининг нутқи — санаши, «үтири», «кел-кел» сўзлари ва ҳоказо) қўзғатувчиларни қўллаш орқали рағбатлантирилади. Бунда, иккінчи ярим йилликда ҳали сўз қўзғатувчилар комплексининг кучсиз компоненти ҳисобланган пайтда у кўриб мўлжаллаш ва энг қудратли қўзғатувчи — ҳаракат қўзғатувчиси билан албатта бирга қўшиб олиб борилиши лозим. Тарбиячи болага «үтири, үтири» деганды бола ҳамиша ҳам унинг айтганини қиласкермайды, агар болани қўлидан тортиб турғизилса ва үтқизиб кўрсатилса, у бу ҳаракатни осонгина бажаради.

Бола ҳәётининг биринчи йилида гимнастиканинг пассив тури бўлмиш массажга катта үрин ажратилади. У барча мускул группаларини камраб олади.

Юқори физиологик самараға эришиш учун жисмоний машқлар комплексини тузишида ва мускул нагрузкасини қатъий дозалашда қўйидаги талабларга риоя қилиши лозим:

- 1) машқлар қўл, елка камари, орқа, кўкрак, қорин, оёқ, товонлардаги барча мускул группаларини камраб олиши лозим;
- 2) машқ олдидан жисмоний машқлар ва массажни алмашиб туриш; қўл, гавда, оёқ машқларини изчиллик билан қўллаш;
- 3) машғулот жараёнда турли мускул группаларига мўлжалланған машқларни алмашлаб туриш;
- 4) чалканча, қорни билан, ёнбошлиб ётиш, үтириш, туриш каби дастлабки ҳолатларни алмашлаб туриш;
- 5) бирмунча осон машқлардан аста-секин мураккабларига үтиш ва машғулотни яна осонлари билан якунлаш;
- 6) машқларни дам олиш (паузалар) билан алмашлаб туриш; бундай дам олишларга массаж ҳам кіради, чунки у мускулларни камроқ зўриқтиради;
- 7) машқларни такрорлаш частотаси, массаж усуслари, машғулотлар давомийлигини ярим йилликда 5—6 минутдан йил охиринде.

гача 8—10 гача чүзиш ҳисобига жисмоний нагрузкани аста-секин ошира бориши.

Бир ёшгача бўлган болалар ёшининг анатомо-физиологик хусусиятларига мувофиқ жисмоний машқлар комплекси 5 даврдан иборат қилиб тузилади: I—1,5 ойликдан 3 ойликкача, II—3 ойликдан 4 ойликкача, III—4 ойликдан 6 ойликкача, IV—6 ойликдан 9 ойликкача, V—9 ойликдан 12 ойликкача.

1,5 ойликдан 3 ойликкача бўлган ёш даври оёқ ва қўл букувчи мускуллар кучининг рўй-рост ошиб кетиши билан характерлана-ди. Шунинг учун массаж — силашдан фойдаланилади. Бу букувчи мускулларнинг бўшашига ёрдам беради. Актив ҳаракатлар тутма рефлекслар — тери-мускул рефлекслари, ҳолатларнинг мавжудлигига асосланади. Комплексларга рефлекторли машқлар деб аталувчи машқлар киритилади. Улар мускуллар зўриқишини активлаштиради, аниқ жавоб реакцияси уйғотади ва мускул нагрузкасини қатъий дозалашга имкон беради.

3—4 ойлик болаларда қўлни букувчи мускул кучининг сусайиши, айрим ихтиёрий ҳаракатлар — гавда ҳолатининг ўзгариши кузатилади, қўлтиғидан ушланганда оёғини қаттиқ босиб турга олади, бола қорни билан ётган ҳолда бошини ушлаб турга оладиган, тирсакларига таяна оладиган бўлади. Жисмоний машқлар комплексига силаш массажидан ташқари, ишқалаш ва уқалаш, қўллар учун пассив машқлар (қўлларни кўкрак олдида чалишириш ва уларни ён томонларига узатиш) ҳам киритилади. Пассив машқларни қўлланиш ҳаракатларни аниқ ва тўғри бажариш, кераклича куч сарфлаш, муайян физиологик самарага эришиш имконини беради. Бу ёнда шартсиз рефлекслар ҳали аниқ ифодаланган бўлади (тери-мускул ва ҳолат рефлекслари), шунинг учун комплексларга рефлектор характеристидаги машқлар ҳам киритилади.

Шартли ҳаракат реакцияларини ўз вақтида ва мукаммал ривожлантиришни рагбатлантириш, шунингдек нафас олиш, юрактомир ва бошқа системалар функциясини кучайтириш мақсадида комплексларга тегишли актив-пассив машқлар киритилади. Бу ҳаракатлар гарчи катталар кўмагида бўлса-да, болаларнинг актив иштироқида бажарилади. Комплекс 5—6 минут давом этади.

1,5 ойликдан 3 ойликкача бўлган болаларга мўлжалланган жисмоний машқлар ва массажнинг тахминий комплекси:

1. Қўлларни массаж қилиш — силаш.
2. Коринни массаж қилиш — силаш.
3. Оёқларни массаж қилиш — силаш.
4. Ёнбошлаб ётган ҳолда умуртқани рефлекторли тарзда ростлаш (бел рефлекси).
5. Қорни билан ётқизиш (рефлекторли машқ).
6. Орқани массаж қилиш — силаш.
7. Умуртқа ва оёқни ростлаш (болани кўкрагидан тутиб кўтариш ва оёғи ёзиш) — ҳолат рефлекси.
8. Оёқ кафтини массаж қилиш-силаш.
9. Оёқ панжаларини букиш ва ёзиш — пошна рефлекси.

10. «Рақсга тушиш» — тери рефлекси (2,5—3 ойдан). Машғулотлар 5—6 минут давом этади.

4 ойликдан 6 ойликкача бўлган ёш оёқнинг букувчи ва ёзувчи мускуллари ўртасида мувозанатнинг ўрнатилиши, бўйин олди мускулларининг мустаҳкамланиши билан характерланади. Бола энди чалқанча ётган ҳолда гавдасининг юқори қисмини кўтаришга, яъни ўтиришга ҳаракат қила бошлайди. Дастлаб у икки кўлини, сўнг эса бир қўлини ушлаб туриш ёрдамида ўтиради. Бу ёшдаги бола қўлтиғидан тутиб турилса оёгини ростлаб тик туролади; 5 ойлик бўлганда қўлтиғидан тутилса, яхшигина атак-чекач қилиб юради; 6 ойлик бўлганда қориндан ёнишга афдарилали, қорин билан ётқизилса, қўлларига таяниб ўйинчоқ томон судралиб боришга уринади.

Машқлар комплексига энди оёқларга мўлжалланган пассив машқлар киритилади, актив рефлекторли машқлар (ҳолат рефлекслари асосида): бир нарсани тутиб гавдани осилтириб турган ҳолда эгилиш ва ростланиш машқлари қўлланилади. Катталар ёрдамида бажариладиган қўлни ушлаб ўтириш, қўлтиқдан ва қўлидан тутилганда қадам ташлаб юриш каби актив машқлар киритилади. Санок ёрдамила бажариладиган машқлар (эшитишига асосланган шартли ҳаракат рефлексларини тарбиялаш)дан кенг фойдаланилади. Улар туфайли бола ҳаракатнинг ритмилиги таъминланади.

Комплексга оёқ, қўл, орқа, қорин, кўкрак қафаси, оёқ юзасини массаж қилишга мўлжалланган машқлар киритилади. Силаш, ишқалаш, уқалаш каби турларидан фойдаланилади. Гавда қисмларига мўлжалланган ҳар бир массаж тури силаши усулидан бошланиб силаш билан тугалланади. Янги жисмоний машқлар ва массаж усуслари комплексга боланинг ривожланиши ва олдинги машқларни ўзлаштириш даражасига қараб аста-секин киритилади. Комплекс 6—8 минут давом этади.

6—9 ойликдаги ёш. Бу даврда болаларнинг эркин ҳаракат қилиш қобилияти тез ўсади, ҳаракатлари дифференциаллашган ва ўюшган бўла боради. Масалан, бола 6 ойлигидан қорнидан орқасига мустақил афдарилали, 7 ойлигидан тўрт оёқлаб турари ва эмаклай бошлайди, 8 ойлигидан эса мустақил ўтиради ҳамда тўсиқни ушлаб тик турари ва ҳоказо. Бу ёшда болада йирик мускулларининг узоқ муддат зўризиши ва гавдани муайян ҳолатда ушлаб туриш ҳолати кузатилади. Суянмасдан ўтириш ва таяниб туриш каби статистик функциялар ривожланади.

Шунинг учун комплексга орқа ва оёқлар мускулларини мустаҳкамловчи машқлар, эмаклаш машқлари киритилади. Бола эмаклашни қанча эрта бошласа, қанчалик кўп эмакласа, гавда, оёқ, елка камари мускуллари шунча яхши мустаҳкамланади, бу ўтириш, туриш, юриш кўникмаларини ривожлантиришда муҳимдир.

Болада олти ойлигидан бошлаб ўйинчоқни қўлида узоқ ушлаб туриш қобилияти пайдо бўлади, бу панжа ва бармоқлар кичик

мускулларининг қисқариш қобилияти учун яхши шароит яратади. Бу ҳалқалар билан машқ бажариш имконини беради.

Иккинчи ярим йиллиқда бола гапга тушунадиган бўлади ва шу сабабли комплексга кўриб мўлжаллаш (ўйинчоқ) ва ҳаракат (масалан, оёқни кўтаришда ёрдам бериш) билан мустаҳкамланадиган нутқ инструкцияси киритилади.

Бу ёшда қўл массаж қилинмайди, оёқни массаж қилиш эса унинг мускулларини мустаҳкамлаш эҳтиёжи туғилгандагина амалга оширилади; орқа, кўкрак қафаси, қорин массажи мажбурий ҳисбланади. Массажнинг силаш, ишқалаш, уқалаш каби барча туридан фойдаланилади. Комплекс 8—10 минут давом этади.

6 ойдан 9 ойликкача бўлган болаларга мўлжалланган жисмоний машқларнинг тахминий комплекси:

1. Ҳалқадан ушлаб қўллар билан айланма ҳаракат қилиш, (актив-пассив машқлар).
2. Қоринни массаж қилиш — силаш, ишқалаш, уқалаш.
3. Ростланган оёқларни кўтариш (пассив машқ).
4. Оёқ кафтини массаж қилиш — силаш, ишқалаш, уқалаш.
5. Чалқанян ётган ҳолатдан қорин томон бурниш (пассив машқ).
6. Елкаларни орқага ёзиш (актив-пассив машқлар).
7. Кўкрак қафасини массаж қилиш — силаш, ишқалаш.
8. Ҳалқа тутган қўлларни навбати билан букиш ва ёзиш (актив-пассив машқлар).
9. Қоринни массаж қилиш — силаш, ишқалаш, уқалаш.
10. Ўтириш (актив-пассив машқлар).
11. Болани қўл панжасидан ушлаб оёқга турғазиш (актив машқлар).
12. Эмаклаш (актив-пассив машқлар).
13. Атак-чечак юриш (актив машқлар).

9 ойликдан 12 ойликкача бўлган ёш. Бу ёшда бола бир қўлидан тутганда тик тура олади, ётган ҳолатидан ўтира олади ва ўтирган ҳолатдан ёта олади. Бола ҳаракатланаётган предмет ортидан юради (аравача ва бошқалар), бирор нарсага таянмай тик туради, бир қўлидан тутилса юради, дастлабки мустақил қадам қўйишга ҳаракат қиласди. 12—13 ойлигида у мустақил юра бошлайди, таянмасдан тик тура олади, чўққайиб ўтиради ва туради, буюмларни кўтара олади.

9—12 ойлик болаларда актив, уюшган ҳаракатларнинг анчагина ривожланганлиги кузатилади. Бу уларни мустақил тик туришга ва юришга тайёрлайди. Шу сабабли баъзи жисмоний машқларни уларга дастлабки тик ҳолатдан бажариш таклиф этилади.

Болалар энди айрим машқларни катталар гапи билан бажара олади. Боланинг активлиги ва қизиқишини орттириш учун ҳалқа, таёқча каби оддий воситалардан фойдаланиш лозим. Машғулотлар боланинг предметлар, ҳаракатлар, уларнинг ҳаракати ва номлари ўртасидаги алоқалар ҳақилаги тушунчасининг ривожлашига ёрдам беради, шунинг учун болага тушунарли нутқий инструкциядан фойдаланиш лозим.

9—12 ойлик болалар учун массажнинг асосий турлари қўлла-иилмайди, бироқ қорин ва орқа массаж қилинади. Машғулотларга актив машқларни, яъни катталарнинг озгина кўмаги билан ёки хатто мустақил бажариладиган машқлар: қўллар билан айланма харакат; ҳалқани ушлаб туриб ростланган оёқни кўтариш; қорин билан ёки тўрт оёқлаб эмаклаш каби машқларни кўпроқ киритиш зарур.

Катталар машғулотлар пайтида болада кулги ва хурсандчилик уйғотиш учун у билан гаплашиши керак. Болаларни актив ҳаракатга ундаш учун уларга ранг-баранг ва жарапловчи ўйинчоқларни кўрсатиш зарур. Толиқишининг дастлабки аломати сезилиши биланоқ (бўшанглик, бармоқ сўриш ва ҳоказо) боланинг дастлабки ҳолатини ўзгартириш, нафас олиш машқлари ёки силаш массажи ўтказиш керак. Агар бола безовта бўлиб, йиғласа, машғулотни тўхтатиб, унинг овунишини кутиш лозим. Ёзда машғулот пайтида боланинг барча кийимлари ечилади, совуқ пайтларда эса қисман (кўйлаги ва ползункалар) ечинтирилади.

Жисмоний машқлар ва массаж бола қаерда — мактабгача тарбия муассасасидами ёки уйдами тарбияланмасин ҳар куни ўтказилади. Тарбиячи машғулот ўтказганда иложи борича барча болаларни кўриб туриши, манеждаги болалар эса унинг овозини ўшишиб, ҳаракатларини кузатиб туришлари лозим.

Машғулотларни доимо бир хил вақтда, яхшиси куннинг биринчи ярмида, бола бирмунча актив, қувноқ кайфиятда бўлганда, бироқ овқатлантирилгандан сўнг камида ярим соатдан кейин ўтказиш лозим. Массаж ва жисмоний машқлар чойшаб ёки пелёнка ёзилган столда (баландлиги 72—75 см, кенглиги 70—80 см, узунлиги 120 см) бажарилади. Чойшаб ва пелёнка остига пахмоқ адёл тўшалади.

Машғулот ўтказиладиган хона яхшилаб шамоллатилиши, ундаги ҳаво ҳарорати 22 градусни ташкил этиши лозим. Ёзда ҳаво ҳарорати 23 градусдан кам бўлмаган шабадасиз ҳавода машғулотларни ташқарида, соя жойда ўтказиш тавсия этилади.

Машғулот олдидан ҳамшира қўлинни илиқ сув билан совунлаб ювиши лозим, чунки болага совуқ қўл билан тегини салбий реакция уйғотади. Ҳамширанинг тирноқлари олинган бўлиши керак; машғулот пайтида узук, соат ва бошқа тақиңчоқларни ечиб қўйиш зарур.

2- §. Икки ўшгача бўлган болаларнинг жисмоний тарбияси

Режим икки ўшгача бўлган болаларни жисмоний тарбиялашда муҳим воситалигича қолади. Болалар фаолиятининг аниқ алмасиниб туриши (уйқу, бедорлик, овқатлантириш) уларнинг 4—5 соат давомида актив фаолият ҳолатида бўлишини таъминлайди. Бунда болалар очик ҳавода 5 соатдан кам бўлмасликлари керак.

Үйқуни яхиси верандаларда, агарда бундай имконият бўлмаса, деразалари ёки фрамугалари очиқ хоналарда ташкил этган маъқул. Қишида 1,5 ёшгача бўлган болаларни сайдга олиб чиқиш учун кийинтириш ва ечинтириш қийин бўлган пайтларда бундай сайдларни хонада ҳам ташкил этиш мумкин. Болаларга спорт ёки жун костюмлар кийгизилади; группа хонасидаги ҳарорат + 14 градусгача пасайтирилади (фрамуга, деразаларни очиб). Болалар билан ҳаракатли ўйинлар уюштирилади ёки улар мустақил фаолиятга жалб қилинади. Шундай қилинганда очиқ ҳавода бўлиш муддати камайтирилмайди.

Икки ёшга қадам қўйган болаларда юриш кўникмасини, мувозанат ҳиссини мустаҳкамлаш, ҳаракатлар координацияси, тўғри қад-қоматни тарбиялаш, товон гумбазининг тўғри шаклланишига ёрдам бериш муҳимдир. Бунинг учун группа хонаси ва участкада болалар эркин ҳаракат қила оладиган шароит яратиш муҳимдир. Хона кенг-мўл бўлиши лозим. Бунга болалар бўйига мослаб танланган мебелларни тўғри жойлаштириш билан эришилади. Шунингдек, қўйидаги маҳсус физкультура жиҳозлари ҳам зарур: нарвонли ва сирпанчиқли тепалик, хода, тирмашиб чиқадиган нарвон, гимнастика деворчаси, катта яшиклар, саватлар, группа хонасига вақт-вақти билан доска, гимнастика скамейкалари ва бошқаларни олиб кириш лозим. Бу воситалар болаларнинг турли ҳаракатларни бажаришларига имкон яратади: тепаликка, нарвонга чиқиш ва тушиш, нарвонга тирмашлаб чиқиш ва тушиш, хода тагидан ўтиш ва устида юриш, юришни атрофдаги предметлар хусусиятларига қараб мослаш ва ҳоказолар. Ўйин-choқлар: тўплар, чамбараклар, аравача ва бошқалар болаларни турли ҳаракатларга ундейди.

Участка ва физкультура майдончаси маҳсус қуроллар (скамейка, нарвонча ва ҳоказо) билан жиҳозланган бўлиши лозим. Болаларни фақат текис юзада эмас, балки чимзор, қумлик каби нотекис жойларда юришга ҳам ўргатиш керак. Бунда тарбиячининг болаларнинг ҳаракатларга бўлган қизиқшини активлаштириб туриши муҳимдир: уларни ҳаракатли ўйинларга жалб этади, бунда уларни тўғри ҳаракатга ўргатган ҳолда (нарвонга қандай чиқиш ва тушиш, тўпни отиш ва ҳоказо) мустақил ҳаракатларга ундиши, имитацион машқлардан фойдаланиб («Қўёнга ўхшаб сакраш», «Қўшга ўхшаб учиш» ва бошқалар) болаларда ҳаракатларни ривожлантиради.

Болаларнинг эркин ҳаракат қилишини таъминлаш учун уларга комбинезонлар ёки кўйлакли иштончалар (ўғил болаларга ҳам, қиз болаларга ҳам) кийдириш лозим. Пойабзал бола оёғининг размери ва тўлалигига мос, пошнаси 0,5 см бўлиши керак.

Ҳаракатли ўйин жисмоний тарбиянинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ўйинлар 1,5 ёшгача бўлган болалар билан асосан индивидуал ёки кичик группачалар (3—4 тадан) ҳолида ўтказилали. Ўйинлар болаларнинг мустақил фаолияти соатларида ташкил этилади. Тарбиячи ҳар бир боланинг кун давомида ўйинда («До-

гоняй собаку»—«Итни қувиб ет», «Прятки»—«Бекинмачоқ», «Скатки с горки» — «Тепаликдан сирғаниб түш», «Мишка» — «Айнапча») иштирок этишини кузатиб боради. 1,5 ёшдан катта болаларни ҳаракатли үйинде 8—10 тадан қилиб бирлаштириш мүмкүн.

Ҳаракатли үйинларни үтказиш өндида болаларда колектив бўлиб ҳаракат қилиш малакаси, топшириқни бажаришга интилиш, жасурлик, чаққонлик тарбияланади, координация ривожланаиди, ҳаракатларнинг асосий турлари шаклланади. Тарбиячи болаларни кўрсатиш, тушунтириш йўли билан янги ҳаракатларга ургатади. Тарбиячи такрорлаш сонини бошқариб, үйинларни мураккаблигига кўра ташлаб муайян жисмоний нагруззкани таъминлаб боради.

1,5 ёшдан катта болалар үйинларда қатор қоидаларни бажаришлари лозим, чунончи: муайян йўналиш бўйлаб чопиш, сигналга биноан тўхташ, бир-бирларига халақит бермаслик, ўралашиб қолмаслик. Бу ёшдаги болаларни үйин олдидан атайн сафга тизмасдан бирданига үйин фаолиятига жалб қилиш лозим. Тарбиячи үйинда ўзи ҳам иштирок этиши, нимани қандай бажариш кераклигини кўрсата бориб, етакчи роль йўнаши керак. Унинг қувноқ актив ҳолати, кайфияти болаларга ҳам ўтади. Ҳаракатли үйинлар мустақил үтказилиб қолмай, балки физкультура машғулотларига ҳам жорий этилади.

Физкультура машғулотлари болаларга таълим ва тарбия беришнинг уюшган формасидир. Машғулотлар учун ҳаракатларни ташлашда нерв психологик ва жисмоний ривожланиши соҳасидаги билимларга асосланиш лозим. Бола ҳаётининг иккинчи йилида ҳаракат малакаларининг ривожланиши тез кечади, катта кишиларга хос юриш, тирмашиб чиқиш, улоқтириш каби кўнгина асосий ҳаракатларнинг такомиллашиши давом этади (чунончи ўз ташбуси билан қилинадиган ҳаракатларида үйинчиқни олиб юриш, тўпни думалатиш, уни отиш, зинапоялардан кўтарилиш ва ҳоказо, үйинлар ва машғулотларда катталар уюштирадиган тўп билан үйнаш, хода устида юриш, таёқчадан хатлаш, таёқ остидан ўтиш ва ҳоказо ҳаракатларда). Бунда катталар билан тез-тез бўладиган эмоционал мулоқот боланинг нерв-психик ривожланишига яхши таъсир этади.

Жисмоний машқлар комплексини тузишда қўйидагиларга амал қилиш лозим:

жисмоний машқларни юрик мускул группаларига қўллаш;

турли мускул группаларига мўлжалланган машқларни (елка камари, гавда — орқа ва қорин, оёқлар учун) алмаштириб туриш; ҳарақа: билан дам олишни навбатлаштириб туриш;

қисқа муддатли статик ҳолатларни динамик машқлар билан алмашлаб туриш;

машқларни турли дастлабки ҳолатларда үтказиш (тик туриб, ўтириб, қорин билан ётиб, чалқанча ётиб, тўрт оёқлаб);

бирмунича мураккаброқ машқлардан фойдаланиб, уларнинг

машғулотлардаги миқдорини, ҳар бирининг тақорланишини ошириб жисмоний нағрузканинг тобора ўсиб боришини таъминлаш;

машғулотлар пайтида ҳаракатларни чиройли намойиш қилиш, тушунарлы үйин билан болаларда ижобий эмоционал кайфият ҳо сил қилиш;

болаларининг ёш имкониятларига хос усууллар ва ташкилий методлардан фойдаланиш (индивидуал, поток, фронтал, кичик группачалар).

Илж ёшдаги болаларнинг нерв-психик ривожланиш хусусиятлари тарбиячидан улар фаолиятларини регламентлашга қатъий риоя қилишини талаб этади: турли ҳарактердаги машқлар ва ҳар хил мұскул группаларини алмашлаб туриш актив дам олишни таъминлади; жисмоний нағрузканинг машқларни баең этиш ва күрсатиб бериш билан алмашиниб туриши боланинг бир фаолият туридан иккінчисига ўтишига, шунингдек иш қобиляти ва активлигининг сақланишига ёрдам беради. Ҳаракатни фақат қайта тақорлай олсагина эмас, балки уни бажаришда муайян қийинчиликтарни енгіб ўта олсагина ҳаракат болага қувонц бахш этиши мүмкін.

Бола ҳаётининг иккінчи йилида иккінчи сигнал системасининг актив шаклланиши ва ривожланиши юз беради: боланинг луғат бойлиги кенгаяди, у катталар нұтқини яхшироқ тушунадиган бўлади. Махсус текширишлар шуну күрсатмоқдаки, ҳаракат ва нутқ анализаторлари узвий боғлиқдир: нутқни яхши эгаллаган болалар анча актив, ўйинга осонгина киришиб кетадиган бўладилар, ҳаракатларни аниқ бажарадилар, сўзни бевосита ҳаракат билан боғлай оладилар. Бола ҳаракати ва психикаси ривожланиши ўртасида атроф мұхитни аңглаш билан ўзи яшайдиган шароитга мослашиш ўртасида ўзаро шартлилек мавжудлиги кўзга ташлашади.

Шуни эсда тутиш керакки, бир хил ёшдаги болаларда ҳаракат кўникмаларининг шаклланиши турлича кечади: турли күрсатичлар бўйича ўз тенгқурларидан ўзиб кетадиган ёки айни пайтда улардан оқсайдиган болалар ҳам бўлади. Бу олий перв системаси фаолиятининг индивидуал хусусиятларига, боланинг жисмоний ривожланганлигига, шунингдек у ўсиб улғайган шароит (катталар таъсири, актив ҳаракат фаолияти учун имкониятнинг мавжудлиги ва ҳоказо)га ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳатто болалар фаолиятини коллектив уюштиришда ҳам уларга индивидуал ёндашиш: баъзиларини ҳаракат активлигини оширишга ундаш, бошқаларини бу ҳаракатни бир оз чеклашга чакириш керак. Катталарнинг индивидуал мұлоқоти, ёрдами, рағбатлантирини кичкіншік жуда зарур: булар ҳаракатни бажариш иштиёқини кучайтиради, жисмоний машғулотларга нисбатан ижобий муносабат қарор топади.

Физкультура машғулотлари куннинг биринчи ярмида, нонуштадан сўнг 30 минут ўтгач, ёки кундузги уйқудан сўнг кеч тушкъовқатдан олдин ўтказилади. Машғулотлардан олдин тарбиячи болаларни кичик группачаларга бўлади. 1 ёшдан 1 ёшу 6 ойликкача

бүлган болаларни 2—3 ва 4—5 кишилик группачаларга, 1 ёшы 6 ойликдан 2 ёшгача бүлган болаларни 6—8 кишилик группачаларга бирластирилади.

Болаларни ёш бүйича группачаларга тақсимлашда шуниң ҳам эсда тутиш керакки, ҳар бир группага агар ҳаракат ривожланиши етарлича бүлмаса, шу группа учун ёш жиҳатдан каттароқ, шүнингдек, боғчага илк бор келган болалар киритилиши ва, аксинча, группага ёш жиҳатдан кичик, бироқ ҳаракат ривожи борасида үз тенг-құрларидан үзіб кетган болалар ҳам киритилиши мүмкін.

Машгулотлар группа хонасида үтказилади. У олдиндан шамоллатилади ва поли артилади. Хонадаги ҳаво ҳарорати 18—20 градус бўлиши керак. Ёз вақтида ҳаво ҳарорати 20 градусдан кам бўлмаганда машгулотлар очиқ ҳавода, сояда үтказилади.

Жисмоний машгулотлар ва ҳаракатли ўйинлар үтказиш учун оддий қуроллар: таёқчалар, аравачалар, кўприкчалар, таҳталар, скамейкалар (юриш ва мувозанатни ривожлантириш учун), хода, ёғоч нарвончалар (тирмашиб чиқиш учун), катта саватлар, қутилар, чамбараклар, тўрлар (улоқтириш машқлари учун) керак бўлади. Қўлланиладиган қўлланмаларнинг ўлчови ва оғирлиги болалар ёши ва кучига мос, шунингдек фойдаланиш учун қулай бўлиши керак.

Кийим болалар ҳаракатига халақит бермаслиги керак: машгулотларни яхшиси, спорт формасида (труси ва майкалар, оёқда шиппаклар билан) үтказган маъқул. Ёзда иложи бўлса, болалар ялангоёқ шуғулланганлари маъқул. Бундай ҳолда машгулот үтказиладиган майдонча олдиндан яхшилаб тайёрланган бўлиши лозим.

Тарбиячи бир группача билан машгулот үтказаётib қолганларининг мустақил ўйнашлари учун шароит яратади. Бунинг учун у хонанинг нариги бурчагида енгилроқ ўйин ташкил этади ва ўйинчоқлар танлайди, энага эса, болалар ҳаракатини йўналтириб турди.

Машгулотлар методикаси ва уларни ташкил этиш болаларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ келиши лозим. Илк ёшлиларнинг иккинчи группасида йил бошида жисмоний машқлар асосан ҳар бир бола билан индивидуал равища үтказилади. Үмумривожлантирувчи машқлар ҳаракатларнинг асосий турларидаги машқлар билан алмаштириб турилади. Йил охирига келиб болалар машқларни кичик группача бўйича поток ёки фронтал тарзда бажарадилар. Болаларнинг ҳаракатларни бир вақтда группа бўлиб бажашини осонлаشتиралидиган буюмлардан кенг фойдаланилади.

Мазкур группада юриш ва мувозанат сақлашни ривожлантиришга катта ўрин ажратилади. Шу мақсадда машгулотларга кенглиги тренировка даражасига кўра*30 см дан 10 см гача кичрайтирилган ғадир-будур скамейка бўйлаб юришни мураккаблаштириб бориши машқлари ва бошқа машқлар киритилади.

Мувозанат сақлаш ҳисси мураккаблаштирилган юриш, шунингдек, тўсиқлар (таёқча, кубиклар ва бошқалар) дан хатлаб

ўтишда тарбияланади. Машғулот вақтида шунингдек, эмаклаш (чамбаракдан, арқон остидан эмаклаб ўтиш) тирмашиб чиқиш (нарвонга чиқиш ва тушиш), отиш (кatta ва кичик түпларни узоққа отиш) машқларидан ҳам фойдаланилади. Болалар кучига мос, барча мускул группаларига мұлжалланган (құллар ва елка қамари, оёқ ва товон, гавда) умумривожлантирувчи машқлар ҳам албатта күзда тутилади. Бу машқлар турли дастлабки ҳолатлар: тик турган, ўтирган, полда, скамейкада, стулчада), түрт оёқлаб (полда қорин билан ва چалқанча ётиб) турган ҳолатларда ўтказилади. Болалар машқларни түғри бажаришлари учун тарбиячи дастлабки ҳолатларни текширади, агар зарур бўлса, ҳаракатни бажаришга ёрдам беради.

Болаларнинг машғулотлардаги ҳаракат активлиги йил охирига келиб, уларнинг ҳаракатларни эгаллаш даражаларига қараб ошади. Имитацион ҳаракатлар ва ўйин формаларидан фойдаланиш иккинчи йил охирида болаларнинг машғулотлардаги ҳаракат активлигини 350 дан 600 локомоциягача (шагометрия маълумотлари бўйича) ошишини таъминлайди.

Жисмоний машқларни танлаш ва ўтказиша түғри қад-қомат ва товон гумбазининг шаклланишига алоҳида аҳамият бериш лозим. Бунга қорин билан ва چалқанча ётган (умуртқа поғонасига тушаётган оғирликнинг йўқолиши қўшимча таъминланганда) ҳолатларда бажариладиган машқлар, оёқ учиди ғадир-будур тахта устида юриш ва бошқалар ёрдам беради.

Машғулотларни муваффақиятли ўтказишнинг муҳим шартларидан бири тарбиячининг түғри ва аниқ иш олиб боришидир. У ҳар бир машғулотга пухта тайёрланиши, муайян ёш группасига мұлжалланган жисмоний машқлар комплексининг мазмунини яхши билиши керак. Тарбиячи бевосита машғулотлар олдиндан ўзиға керакли нарсаларни танлаб олади: зарур құлланмалар, ўйинчоқларни танлайди, стулчалар, скамейкаларни жой-жойига қўяди. У хонанинг яхши шамоллатилганлигини, полнинг тозалигини (агар машғулот хонада ўтказилса), майдончанинг супурилгани ва сув сепилганини (агар машғулот очиқ ҳавода ўтказилса) текширади.

Уюштирилайдиган машғулотлардан ташқари айrim жисмоний машқларни болалар билан ҳар куни ўйин кўринишида (масалан, кичик түпларни чамбаракка отиш, түпни отиш, илиб олиш ва бошқалар) ўтказиш мумкин. Агар группада ҳаракат кўникмаларининг ривожланиши жиҳатидан оқсайдиган болалар бўлса, улар билан махсус машғулотлар ўтказиш лозим.

ГИМНАСТИКА

1- §. Гимнастика жисмоний тарбия воситаси ва методи сифатида

Гимнастика ҳар томонлама жисмоний тарбиялаш ишининг асосий восита ва методларидан бирни сифатида белгиланадиган кенг тушунчадир. У база сифатидаги жисмоний тарбиянинг зарурий компонентидир¹.

Гимнастика киши организмига ҳар томонлама таъсир этадиган, унинг асосий физиологик жараёнларини кучайтирадиган, гармоник ривожланишига ёрдам берадиган маҳсус танланган машқлар системасидир. Гимнастика машқлари туфайли ҳаётий зарур ҳаракат кўнкималари, ҳаракатларнинг гўзаллиги ва аниқлиги шаклланади, асосий жисмоний сифатлар — чақонлик, тезкорлик, куч, чидамлилик, эгидувчанлик ривожланади. Гимнастика илк болалик чогидан қўлланилади ва киши ҳаётининг барча ёш даврида давом эттирилади.

Киши соғлигини мустаҳкамлаш жисмоний камолотини такомиллашириш ва унинг ранг-баранг фаолияти учун ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик кўришини таъминлаш гимнастиканинг вазифаси ҳисобланади. Бундан ташқари гимнастика олдида қуйидаги специфик вазифалар ҳам мавжуд: тўғри қад-қоматни шакллантириш, гавдадаги турли нуқсонларни тўгрилаш ва олдини олиш, жароҳатлардан сўнг ҳаракат аппаратининг иш қобилиятини тикаш, ўз ҳаракатларини бошқара олиш малакасини тарбиялаш.

Гимнастика жисмоний тарбия методи сифатида. Гимнастикада ҳар томонлама жисмоний тарбиялаш вазифаларини ҳал этишига ёрдам берадиган хилма-хил жисмоний машқлардан фойдаланиш мумкин. Унда педагогик вазифалар ва организмнинг психологияк хусусиятларига мос келувчи исталган ҳаракат ва ҳаракат фаолияти қўлланилиши мумкин. Гимнастикада организм қурилиши ва функциясига нисбатан аниқроқ танланма таъсирни амалга ошириш мумкин. Гимнастикага хос методик усуллар жисмоний машқлар ёрдамида айрим органлар ва айрим мускул группаларига, шунингдек турли жисмоний сифатларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатиш имконини беради.

Гимнастикада жисмоний нагрузкани нисбатан аниқ дозалаш мумкин: хилма-хил машқлар шуғулланувчиларнинг тайёргарлиги ва бу машқларнинг организмга таъсирини қатъий ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва фойдаланилади.

Машғулотларнинг эмоционаллигини ошириш, эстетик ҳисни тарбиялаш, ҳаракатларнинг ритмлилігини, аниқлиги ва ифода-

¹ Карапнг: Введение в теорию физической культуры. Под ред. Л. П. Матвеева. М., 1983, 62-бет.

лилигига эришиш мақсадида гимнастика вақтида музикадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим жараёнида ўз ҳаракат имкониятларини баҳолаш, ҳаракат фаолиятининг умумий қонуниятларини тушуна олиш маляси тарбияланади. Бунга ўқув топшириқларини тақсимлаш, ҳаракатларнинг анализ ва синтезини қўллаш, ҳаракатларни янги ҳаракат фаолиятига қўшиш ва хилма-хил жисмоний машқларни ўрганиш орқали эришилади.

Гимнастика тарбиявий вазифаларни амалга оширишнинг специфик воситаларига эга: у ҳаракатларни олдиндан шартлашилганча аниқ бажарилишини талаб қиласди; машғулотларнинг регламентланган кун тартибига, ҳаракатларнинг онглилиги ва мустақиллигини, ижодий ташаббусни кўзда тутадиган таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос услубига эга. Буларнинг ҳаммаси интизомни, диққатни тарбиялашга хизмат қиласди, ирода ва характерни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, гимнастика методлари умумий жисмоний тайёргарлик вазифаларини ҳал этишга, жисмоний машқларни шуғулланувчиларнинг ёши ва тайёргарлигига мувофиқ қўллашга ҳамда жисмоний тарбиянинг соғломлаштириш ва таълим-тарбиявий вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга имкон беради.

2- §. Гимнастика турлари ва уларнинг характеристикаси

Совет жисмоний тарбия системасининг ривожланиш жараёнида гимнастиканинг вазифалари аста-секин аниқланди ва унинг асосий турлари белгиланди, чунончи: 1) умумривожлантирувчи гимнастика, бунга асосий, гигиеник гимнастика ва бошқалар киради; 2) базавий спортнинг кўришишларидан бири сифатидаги спорт йўналишидаги гимнастика¹. У умумий жисмоний тайёргарликнинг оммавий даражага эришувини, ўсиши ва сақланишини таъминлайди. Бу турга спорт гимнастикаси, атлетика, бадийи гимнастика ва бошқалар киради; 3) амалий тури — профессионал-амалий, даволаш гимнастикаси ва бошқалар.

Умумривожлантирувчи гимнастика Асосий гимнастиканинг вазифаси саломатлик, умумжисмоний тайёргарликни мустаҳкамлашдан иборатdir. У ҳаракат кўник маларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга, тўғри қаджоматни тарбиялашга, юрак-томир ва нафас олиш фаолиятини яхшилаш ҳамда организмни чиниқтиришни таъминлашга қаратилган.

Асосий гимнастика таркибига сафланиш, умумривожлантирувчи ва асосий ҳаракатлар киради. Машқларни бажаришда

¹ Бу ерда «Юқори кўрсаткичли спорт» (катта спортдаги) масаласи ҳақида гап кетмайди, чунки у мактабгача тарбия факультети студентлари томончдан ўрганилмайди.

гимнастика снарядлари ва майдада физкультура инвентарларидан фойдаланилади. Асосий гимнастика киши организмидаги функционал жараённинг кучайишига, унинг жисмоний ривожланишига, хилма-хил ҳаракат кўникмаларининг такомиллашувига, жисмоний сифатларнинг тарбияланишига, ўзлаштирилган ҳаракат фаолиятидан турли ҳаётий вазиятларда мустақил ва ижодий фойдалана олишга, ўз имкониятларини тўғри баҳолай билишга, ҳаракат фаолиятининг асосий қонуниятларини англашга, эгалланган билим ва кўникмаларнинг ҳаёт ва фаолият учун аҳамиятини тушунишга ёрдам беради.

Гигиеник гимнастика киши саломатлигини мустаҳкамлаш ва сақлашга, тўғри қад-қоматни тарбиялашга, организмнинг асосий системалари функциясини (нафас олиш, қон айланиш, алмашиниш процессларининг активлашиши) такомиллаштиришга қаратилгандир. Умумривожлантирувчи ва амалий машқлар сув муолажалари, массаж ҳамда организмни чиниқтириш билан қўшилган ҳолда гигиеник гимнастика воситалари сифатида фойдаланилади. Гигиеник гимнастика барча ёшдаги болаларга тавсия этилади.

Спорт йўналишидаги гимнастика Спорт гимнастикасининг вазифаси умумий жисмоний тайёргарликни ошириш ва сақлашдан иборатдир. Бунда кўпгина спорт машғулотлари асосий ўқув ёки профессионал-меҳнат фаолиятига боғлиқ равишда қурилади. Базавий спорт физкультуранинг турларидан бири сифатида «спортнинг оммавий практикасидаги тренировкалар ва мусобақалар жараёнидан»¹ иборатдир.

Бадий гимнастика ҳаракатларни такомиллаштиришини кўзда тутади ва у спорт характеристига эгадир. Бадий гимнастиканинг асосий машқлари юксак пластиклик, ҳаракатлар координацияси ва ифодалилигини эгаллашга ёрдам берувчи музика билан органик боғлиқдир.

Бадий гимнастика таркибини сафланиш, умумривожлантирувчи машқлар ва баъзи асосий ҳаракатлар, шунингдек музика остида предметлар билан ҳамда предметларсиз бажариладиган турли рақс комбинациялари ташкил этади.

Амалий гимнастика Профессионал-амалий гимнастика муайян мутахассисликни (баландликда ишловчи монтажчи, кончи, транспорт ҳайдовчи ва бошқалар) эгаллашга ёрдам берувчи ҳаракат кўникмалари ва сифатларини ривожлантиради ва такомиллаштиради.

Ишлабчиқарышдаги гимнастика кишиларнинг ишқобилиятини ошириш ва сақлаш мақсадида ташкил этилади. У иш куни тартибига киради: кириш гимнастикаси — иш олдиндан, физкультура паузаси — иш куни жараёнида, танаффусларда ўтказилади.

¹ Введение в теорию физического воспитания. 66- бет.

Даволаш гимнастикаси даволаш физкультурасига мансуб бўлиб, соғлиқ ва иш қобилиятини тиклашга қаратилгандир. У барча касалликларда қўлланилади ва ноихтисосли функционал терапия воситаси ҳисобланади. Масалан, ҳаракат аппарати функцияларини жароҳат ва касалликлардан сўнг тиклаш, гавда тузилишидаги нуқсонлар (турли деформациялар) ни тузишда қўл келади. Даволаш гимнастикаси бемор кишиларнинг нерв системаси ҳолати ва аҳволини яхшилашга, улар кайфиятини кўтариш ҳамда салбий эмоциялардан халос этишга қаратилгандир.

Шундай қилиб, гимнастика жисмоний тарбия воситалари ва методларида бири сифатида турли ўқув-тарбиявий даволаш мусассасаларида ва физкультура колективларида (корхоналар, муассасалар, фабрикалар, заводларда) ҳамда индивидуал машғулотларда болалар, ўсмирлар ва катталарни жисмоний тарбиялашнинг, барча давлат программаларининг ажралмас қисмини ташкил этади.

3- §. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялаш системасида асосий гимнастика

Болаларга мўлжалланган асосий гимнастика таркибини асосий ҳаракатлар, умумривожлантирувчи ва сафланиш машқлари ташкил этади.

Асосий ҳаракатлар	Асосий ҳаракатларнинг аҳамияти. Инсон ўз турли фаолиятида фойдаланадиган юриш, югуршиш, сакраши, улоқтириш, тирмашши қаби ҳаётий зарур ҳаракатларга асосий ҳаракатлар дейилади. Бу ҳаракатларнинг доимий зарур компоненти мувозанатни ҳис этишидир.
--------------------------	--

Асосий ҳаракатлар динамик характерга эга. Улар кўп миқдордаги мускулларни ишга солади ва барча функционал жараёнларни активлаштириб, организмга яхлит таъсири этиб, боланинг жисмоний ривожланиши ва соғломлашишига ёрдам бериб, бутун организмнинг ҳаёт фаолиятини оширади.

Нерв системасининг бошқариш фаолияти асосий ҳаракатларнинг такомиллашувини белгилайди. Айни пайтда тескари боғлиқлик — машқлар таъсирида нерв системаси фаолиятининг такомиллашуви содир бўлади.

Асосий ҳаракатларнинг ривожланиши мақсадни кўзлаб раҳбарлик қилинган шароитда билиш, иродавий, эмоционал, психик тарбиялаш жараёнлари билан боғлиқдир.

Асосий ҳаракатлар болада турлича мўлжал олишни тарбиялашга хизмат қиласди: фазода — ҳаракат йўналишини, предметларнинг узоқлигини ва жойлашиш ўрнини, предметлар ўртасидаги фазовий нисбатларни, кўз билан мўлжаллашни ривожлантириш; вақтда — машқларни бажариш давомийлиги ва унинг айрим

фазаларининг изчилиги, ҳаракатларни белгиланган ёки индивидуал суръатда бажариш; колектив ҳаракат қишиш чоғида мұлжылар олиш — барча группа сафланаётган ва қайта сафланаётганды, тарқалиб ҳаракат қилаётганды үз ўрнини топиш: биргалашып ҳаракат қилаётгандаги түрли вазияттарда мұлжылар ола билиш. Буларнинг хаммаси ташқи шароитни ҳисобга олиш ва шу асосдан бирор мақсадда ҳаракат қилишга ёрдам беради.

Асосий ҳаракатлар эстетик ҳис-түйғуларни тарбиялашда ҳаракаттың мүхимдір: улар чиройлы, түғри қад-қоматнинг шаклланишига ҳаракатларнинг аниқ, ифодали ва уюшган бўлишига, колектив ҳаракат қила олишга ва фазола тўла фойдаланишига ёрдам беради.

Асосий ҳаракатлар таълим ва тарбия жараёнида аста-секин юзага келади, шартли рефлекслардир. Мактабгача бўлган давр ичидаги асосий ҳаракатлар ривожланади, такомиллашади, ҳаракат стереотипларни сифатида мустаҳкамланади.

Ҳаракатларнинг муайян изчилилкда кўп мартараб тақрорланиши, масалан, юриш, югуриш, улоқтириш ва ҳаказо машқларда алоҳида элементларнинг ҳаракати биринчидан мувакқат боғланишлар пайдо бўлади. Дастлабки ҳаракати бажаришда бошланадиган бўғим-мускул сигнализацияси бевосита кейинги сиз темага мустаҳкамланадиган, автоматлашадиган барча сигналларни ўйғотади. Болаларда шу туфайли ҳосил бўладиган динамик стереотиплар жуда барқорор бўлади.

Бироқ болаларни асосий ҳаракатларга ўргатиш ва уларни ривожлантиришда қидамли динамик стереотипни шакллантириш, тезда қайта қура олиш, ташки мухитнинг ўзгарувчан шароитига мослашиб қобилиятига алоҳида эътибор беришини талаб этади.

Бу машқларнинг түрли варианatlарини бажариш топшириқларни, ҳаракат суръатини улар бажариладиган шароитни ўзгартирини ўйли билан амалга оширилади.

Асосий ҳаракатлар циклик ва ациклик турларга бўлинади. Биринчи циклдаги ҳаракатларнинг характеристерли хусусиятларини гавда ва унинг алоҳида қисмлари тўхтовсиз равишда дастлабки ҳолатга (масалан, юриш, югуриш) қайтаётганды бир хисобли циклнинг доимий бажарилиши билан амалга оширилади.

Циклик типдаги ҳаракатлар тез ўзлаштирилади ва автоматлашади. Бу циклларнинг мунтазам тақрорланиши билан изолланади. Улар мазкур циклнинг ҳаракат элементлари изчилигидан системасида мустаҳкамланади. Ҳаракатларнинг алмашиниши вадиди, уларни тақрорлашда тегишли мускул сезгилари билан циклларни тақрорланиш изчилигининг боғлиқлиги мазкур ҳаракатнинг ритмиллигини ҳосил қиласади.

Ациклик типдаги ҳаракатлар тақрорий циклларга (улоқтириш, сакрашлар) эга бўлмайди. Ҳар бир шундай ҳаракат ўзида ҳаракат фазаларининг муайян изчилигини сақлайди, айрим фазаларни бажаришнинг муайян ритмига эга бўлади. Ациклик ҳаракатлар циклик ҳаракатларга қараганда ўзлаштиришнинг жуда изчили бўлишини талаб қиласади. Уларни бажаришда ҳаракатларни изчилиб оширилади.

нинг бирмунча мураккаб координацияси, диққатни йиғиш ва иродавий зўр бериш зарур бўлади¹.

Юриш кишининг циклик ҳаракатига мансуб табиий силжиш усулидир.

И. М. Сеченов юриш механизмининг бутун табиатини очиб берган эди. Конкрет тери-мускул сезгилари, биринчи сигнал қўзғатувчилари ҳаракатнинг бевосита регулятори ҳисобланади. Ҳар бир қадам ташлаш пайтида, яъни иккала оёқ полга текканида муайян момент мавжуд, бу оёқни полдан узиб иккинчисини қўйишга сигнал бўлиб хизмат қиласи. Бу иккала оёқ ҳаракатини вақт ва фазода тўғри алмаштириб туришни бошқарувчи сигналдир².

Тўғри юриш кўнижмасини шакллантирувчи машқларнинг вазифаси болада тўғри қад-қомат, олға қадам ташлаш, гавда музозанатини сақлашга, товон гумбазининг шаклланишига ёрдам берувчи қўл ва оёқ ҳаракатлари ўйғулигини тарбиялашдан иборатdir.

«Одатдагича олға юришда оёқ ерга товони билан қўйилади, сўнг эса, гавда оғирлик маркази олдинга кўчирилса, оғирлик товондан аста-секин оёқ учига ўтади... Бола юрганда жўкрак ҳолатини кузатиб бориш зарур: у олдинга ўналтирилган бўлиши лозим; шунингдек унинг пастки қисмидаги нафас олиш ҳаракатларига халақит берувчи тўсиқларни бартараф этмоқ лозим. Бош бунда олдинда туриши керак, чунки бу ҳолат тўғри нафас олишга ёрдам беради»³.

Юришдаги жисмоний нагрузка унинг суръати ва бунда сарф бўладиган кучга боғлиқ бўлади. Юришнинг одатдаги ўртача, тетик суръати катта миқдордаги мускулатурани актив фаолиятини кучайтиради, шу асосда модда алмашишининг ошишига ёрдам беради. Юриш мускулларнинг актив ишлашига қарамасдан муайян дозалаш шаронтида болани толиқтирмайди. Бу юришнинг ритмиклиги ва автоматизми, мускуллар ишида қисқариш ва бўшашиб моментларининг алмашиниб туриши, нерв системасининг оптималь иши билан изоҳланади: бу вақтда ўнг оёқ ишлайди ва гавданинг бутун оғирлигини кўтариб туради, чап оёқ эса ердан узилиб, маятник тахлит ҳаракат қиласи ва унинг ишдаги иштироки кам бўлади.

Секинлаштирилган суръатда юзага келадиган осойишта юриш интенсив ҳаракатлар — югуриш, сакраш ва ҳоказолардан кейин жисмоний нагруззакининг аста-секин пасайишига ёрдам беради, тезлашган пульсни нормал ҳолатга келтиради.

Бола ўз ҳаётининг биринчи йили охирида юришга ўргана бошлайди. Бу ёнда ва иккинчи ёнда ундаги ҳаракатлар автома-

¹ Карапг: 56-бет

² Сеченов И. М. Изб. филос. и психолог. произв. М., 1947, 388-бет.

³ Лесгафт П. Ф. Собр. пед. соч. М., 1951, т. 1, 361—362-бетлар.

тизми ва координацияси ҳали яхши ривожланмаган бўлади. Дастлаб бола оёқларини кеиг ёзган ҳолда юради: қўлларини ён томонларга, юқорига ва олдинга узатган ҳолда ўз мувозанатини сақлайди. Бу ҳаракатлар мувозанатни сақлаш билан боғлиқдир: тик тургандা бола гавдасининг огирилик маркази катталарникига нисбатан юқорироқда жойлашган бўлади, шунинг учун хам у осонгина йиқилади. Бола қадам ташлар экан, оёқларини тўлиқ ростлай олмайди (улар бироз тиззалардан ва чаноқ сон бўғимларидан букилган бўлади). Оёқларини параллел ёки учини ичкарига қаратиб қўяди. Бола юраётуб қадамини товондан оёқ учига ўтказмасдан қўяди, бошқача айтганда, оёғини ердан тўла узади. Кўпчилик болалар юрганда ён томонларга тебранадилар. Қўлларини гавдаларига ёпиштирадилар ёки фақат бир қўл билан ҳаракатланадилар, оёқларини полдан тўлиқ уза ололмайдилар (судрайдилар).

Болаларда ҳаракатлар суръятининг нотекислигини кўрамиз: улар гоҳида тез юриб, деярли чопиб кетадилар, гоҳида қадамларини секинлатадилар. Бола икки ёшга қадам қўйганида ўзи учун қулай бўлган суратда юради. Уч ёшга қадам қўйган барча болаларда оёқ ва қўл ҳаракатларининг уйгунилигини кўрамиз; болалар юрганда йўналишга риоя қиласадилар, юришдан югуришга ўтадилар.

А. А. Саркисян маълумотларига қараганда (1983), тўрт ёшга қадам қўйган болада юришни шакллантиришнинг асосий шарти мақсадга йўналган таълимдир. Бу болалар томонидан яхлит машқлар методи билан тўғри юриш усусларини ўрганиш орқали ўзига хос ўйин формасида амалга оширилади.

Бола беш ёшга қадам қўйганда (айниқса иккинчи ярмида) таълим жараённада аста-секин тўғри қад-қомат, қўл ва оёқларни бемалол идора қилиш, фазони, йўналиш ўзгаришини эркин мўлжалга олиш кўникмасини эгаллай бошлади.

Тарбиячи болаларнинг ёш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракатлар сифатига жуда катта талаблар қўяди. Одатдаги тўғри юриш қўйидаги белгилар билан характерланади: гавда тик ҳолатда тутилади, елкалар керилган, қорин чиқарилмайди, бош бироз кўтарилилган (йўлни кўриш назорати оёқ остидан 2—3 метр) бўлади. Нафас ритмик ҳолда бурун ёки оғиз орқали бир текис олинади. Барча қадамлар бир хил, муайян йўналиш ва ритмда ташланади, қўл ва оёқ ҳаракатлари координацияси тўғри бўлади.

Аввалги ёш группаларида эгалланган юриш кўникмалари мустаҳкамланади ва такомиллаштирилади; товоңда юришни оёқ учиди юриш билан, оёқнинг ён томони билан юришни ички томонларида юриш билан алмашиниб туради ва ҳоказо. Барча болалар энди бошловчи бўла оладилар ва фазода тарбиячи топшириғига биноан ва мустақил мўлжал ола биладилар.

Олти ёшга қадам қўйган болаларнинг юриши бирмунча бар-

қарорлиги ва суръатининг секинлиги, қадамининг катталиги билан характерланади.

Тарбиячи ҳар боланинг қад-қоматини тутишига оёқ ва қўл координациясига, нафас олишни идора этишига риоя қилаётганинг лигига (3 қадамда чуқур нафас олинади; 4 қадам юриб узоқ нафас чиқарилади), дадил, бир текис юриш одатига, уни ўзгартириш малакасига (тиззаларни букмаслиги, чўққайиб, тиззаларни баланд кўтариб, катта қадам ташлаб товонларида юриш ва ҳоказо) эътибор бериб боради.

Юришин такомиллаштириш, шунингдек, ясситовонликнинг олдини олиш мақсадида қатор махсус машқлардан фойдаланилади. Оёқ учидаги юриш кичрайтирилган таянч майдончасида бажарилади ва болдири ҳамда оёқ юзаси мускулларининг зўриқишини ташлаб этади ва шу аснода товон гумбазини мустаҳкамлайди. Бундай машқ кичик қадам ташлаб қўлларни камроқ силтаб юришини тақозо этади ва умуртқа поғонасини тўғрилашга ёрдам беради. Оёқнинг ташқи томони билан юриш («маймоқоёқ айиқ»). Ярим букилган оёқларда мункайиб юриш. Қовургасимон нарвончада оёқ бармоқлари билан унинг қирраларини ушлаб оёқ яланг юриш. Товондан оёқ учидаги юришига ўтиб ҳаракат қилиш.

Катта ёшда орқа, қорин ва оёқ мускулларини мустаҳкамлайдиган, қўлларни кучли силташни талаб қиласидиган ва елка камарининг ривожланишига, боғловчи ва бўғим аппаратларини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган сонларни баланд кўтариб юриш қўлланилади; эпчилликни ривожлантирувчи оёқларни чалиштириб юриш; оёқларни ёнма-ён қўйиб юриш қўлланилади. Болаларга фазода мўлжал олиш, суръатни, йўналишни ўзгартириш, предметлараро турли сафланишига оид сигналлар бўйича турли топшириқли юриш; қўлларни қўшимча ҳаракатлантириб, предметлар билан юриш; кичрайтирилган таянч майдонида аста-секин юқорига кўтарилиб, шунингдек турли баландликда (кўприкча, тахта, хода) юриш. Бу мувозанат сақлаш ҳисси, чидамлилик, ихчамлик, чаққонлик, ҳаракатни тежаш каби хислатларни тарбиялайди. Оёқ учидаги бажариладиган, қўлни эркин силтаб юриладиган гимнастика юриши ҳам қўлланилади. Бундай юриш елка камари, қорин, оёқлар, товон мускулларини мустаҳкамлайди.

Етти ёшли болалар оқилона раҳбарлик қилинганда яхши за эркин шуғулланадилар, тўғри қад-қоматга, ҳаракатлар координациясига эга бўладилар, турли шароитларга киришиб кетадилар ва шунинг учун ҳам юришнинг турли усусларидан фойдалана оладилар, унинг техникасини ўзлаштириб оладилар. Юришини такомиллаштириш мақсадида уларга бирмунча мураккаб машқлар берилади: чўққайиб юриш — оёқлар тиззалардан букилган бўлади, қадам ташлаганда оёқ учидан товонга ўтилади, сунг оёқ учига ўтилиб, юзага тиралиб итарилинади. Ҳамма қилиб юриш — тиззадан букилган оёқ олдинга узатилади, ерга тўла бо силлади ва қадам ташлаганда ростланади; иккинчи — орқада оёқ

учида турган ўнг оёқ билан силтанилади, құллар эркин тутилади. Бундан ташқари, етти ёшли болалар күзларини юмиб (қисқа қадам ташлаб), орқа билан олдинга (бу машқлар пайтида бола хавфсизлигини гаъминлаш зарур) юришни машқ қиладилар. Юришни машқ қилиши динамик стереотипнинг ҳосил бўлишига ёрдам беради. Бу эса юриш вактидаги қад-қоматни ва қадам ташлашини белгилайди.

Юришни такомиллаштириш мактабгача бўлган бутун болалик даври мобайнида давом эттирилади. Ёш ортиб бориши билан юриш кўникмасини ўзлаштиришнинг фақат сифат кўрсаткичи эмас, балки миқдор кўрсаткичи ҳам ўзгаради: 4 ёшли болаларда қадам узуғлиги 39—40 см дан 7 ёшга етгунча 51—53 см гача узаяди, шунга мувофиқ қадамлар сони минутига 170—180 гадан 150 тагача камаяди.

Югуриш циклик типдаги ҳаракатдир. Юриш каби у ҳам тајнич моментларининг юзада алмашиниб туриши билан бажариладиган циклларнинг такрорланиши, оёқларнинг навбатма-навбат олдинга кўчириш, қўллар ҳаракатининг уйғунлиги билан ҳарактерланади (7- расм). Бироқ югуришнинг юришдан сезиларли фарқи бор. Югуриш чогида югурувчининг иккала оёғи ердан узилганда парвоз фазаси мавжуд бўлади. Парвоз моменти кишининг югуриш тезлигини оширади, инерция таъсирида бўшашибурилган мускуллар билан олдинга ҳаракат қилишга имкон берган ҳолда қадамни узайтиради. Нерв марказлари фаолиятида вужудга келадиган тормозланиш туфайли улар иш қобилияти, шунингдек бутун нерв-мускул системасининг қайта тикланишини таъминлайди (Е. Г. Леви-Гориневская).

Югуришга ўргатишдаги машқлар оёқ ва қўлнинг мувофиқ ҳаракати билан кечадиган, олдинга интиладиган енгил, тезкор, эркин ҳаракатини ҳосил қилишга қаратилгандир. Юриш жараёнида катта миқдордаги мускул группаларининг навбатма-навбат қисқарини ва бўшашиши юз беради. Югуриш пайтида куч сарфи ошади, шунинг учун нафас олиш ҳажми, қон айланиш, газ алманиш тезлиги ортади. Тўғри дозаланган югуриш умумий жисмоний ривожланишга, марказий нерв системаси функциясининг такомиллашувига, юрак-томир ва нафас олиш системасининг чиниқишига ёрдам беради.

Тезкор, интенсив югуриш жисмоний нагруззканинг секин-аста пасайтириб бориши билан тугаши лозим—қадам секинлатилиб юришга ўтилади, бу пульснинг нормал ҳолатга келишига ёрдам беради. Тез ҳаракатдан бирдан статик ҳолатга ўтиш, (тик туриш ёки ўтириш) яхши чиниқмаган юрак-томир системаси учун ноҳуш вазият туғдириши мумкин, буни болалар билан ишлашда ҳисобга олмоқ лозим.



7 расм Югуриш.

Югуриш бола икки ёшга етганда шаклланади ва уч ёшга етганда ўз такомилига етади. 2,5—3 ёшли боланинг югуриши майдада қадамлиги билан характерланади. Кўпчилик болалар жойларидан қийин кўзгаладилар, оёқ кафтини тўзиқ босиб югурадилар. Бу ёшда болалар юришдан кўра югуришни маъқул кўрадилар. Югуриш кўнижмасини дастлаб ўзлаштираётганда улар нотекис, қийин қадам ташлаб, йўналишга яхши риоя қилмай югурадилар. Ўргатиш натижасида тўғри югуриш белгилари мустаҳкамлана боради: парвоз ҳолатида гавда олдинга бироз эгилган, бош кўтарилиган, қўллар тирсаклардан букилган, қўл ва оёқлар ҳаракати мувофиқлашган бўлади.

С. Я. Лайзане маълумотларнига қараганда, парвоз фазаси 1 ёшу 10 ойликдан 2 ёшу 8 ойликкача бўлган болаларнинг 30 процентида кузатилар экан, мақсадга йўналтирилган машғулотларда югуриш сифати жуда ортади ва парвоз фазаси деярли барча болаларда пайдо бўлади.

Оёқ ва қўлларнинг яхши координациялашуви болаларда югуриш чоғида юришдагида тезроқ ривожланади: 3 ёшли болаларнинг 30 процентида, 4 ёшлиларнинг 70—75 процентида ва 7 ёшлиларнинг кўпчилигига.

4 дан 7 ёшгача бўлган болаларда турли масофаларга югуриш вақти сезиларли даражада ўзгаради. Олинган маълумотларга қараганда 30 м га югуриш вақти оғишмай, қисқариб боради (2-жадвалга қаранг).

Махсус текширишлар югуришнинг асосий компонентлари динамикасини кўрсатмоқда; 4 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда югуриш қадамларининг изчил узайиб бориши кузатилади, айни пайтда югуриш қадамлари частотаси оз ўзгаради. Шундай қилиб, мактабгача тарбия ёшидаги болаларда югуриш тезлигининг ўсиши кўп даражада югуриш қадамлари узунлигининг ортиши ҳисобига кечади (Е. Н. Вавилова).

Бола 4 ёшга етганда машқ қилиш таъсирида югуриш вақтидаги қўл ва оёқлар ҳаракатлари координацияси яхшиланади, парвозлилик, ритмлилик такомиллашади. Бироқ қадам узунлиги ҳали етарлича бўлмайди, шунинг учун болаларга чизиқлар, доиралар бўйича югуриш машқлари, тез югураётганда чап бериш ва илиш машқлари берилади.

Бола беш ёшга етганда югуриш техникасини, гарчи унинг деталларигача аниқ бажариш даражасига эришмаган бўлса-да, асосан эгаллаб олади. Югуришга ўргатишда деталларни такомиллаштиришга, югуришнинг енгил ва тезкор бўлишига эътибор берилади.

Болалар 6 ёшга етганда ўзларининг ёшига мос югуриш техникасини эгаллайдилар. Улар енгил ритмли, файрат билан бир маромда, ҳаракатлар координацияси, парвозлилик билан йўналишга риоя қилиб югурадилар. Ўргатишда асосий эътибор югуриши такомиллаштиришга, унинг тезлигини оширишга (30 метрли масофани йил охирига келиб 7,5—6,5 секундда босиб ўтиш) бе-

рилади. Болалар турли топшириқларни югуришда чап берип, машқ қиладилар.

Болаларда юришда бұлғані каби югуриш сифатини такомилаштириш мақсадыда югуришнинг қуйидаги хилма-хил турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: оёқ учида югуриш, катта қадам ташлаб югуриш, қорин девори, орқа ва оёқ юзаси мускулларини чиниқтирувчи сонларни баланд күтариб югуриш; ҳаракат координацияси ва енгиллигини тарбиялашга таъсир қилувчи музика остида ва ритмик югуриш; сигналлар асосида бажарыладиган топшириқлар билан югуриш, предметларни оралас ва предметлар билан (арғамчи, чамбарап) югуриш; түсиқларни енгіб, чекланган юзада (чизилган чегара) югуриш, фазода мұлжал олиш ва ҳаракатлар координациясини эгаллашга ёрдам берувчи моки югуриш; ким ұзарға югуриш; чап бериш ва илиб олиб ҳамда тарқалиб югуриш. Югуришнинг бу тури фазо ва коллективда мұлжал олиш учун яхши машқ бўлиб хизмат қилади, чаққонликни, атроф-муҳитнинг ўзгаришига нисбатан ҳозиржавобликни тарбиялади.

Югуришдаги машқларнинг тарбиявий аҳамияти болаларнинг турлича фойдали мұлжал олишларни эгаллашидан иборатдир.

Югуриш жисмоний тарбия машғулотларыда турли суръаттарда ўтказыладиган машғулотлар планига мувофиқ амалға оширилади: 1) тез югуриш (20 метрга, 2—3 марта, танаффус қилиб), бу тезлик-күч сифатларнинг тезкорлигини тарбиялаиди ва болаларнинг функционал имкониятларини оширади; 2) 80—120 метрга юриш билан алмашиниб (үртача тезлик билан) югуриш (2—4 марта). Бу умумий чидамлиликни тарбиялашга ёрдам беради; ўнқир-чүнқир жойлардан 400 метрга секин югуриш. Бу ҳам умумий чидамлиликни тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Тирмашиб циклли ҳаракатлар типига мансубдир. Тирмашиб чиқиши ва тушиш югуришдагига үхшащ ҳаракат элементларининг қисқа муддатли тақрорига әгадир: нарвон зинаологиясыга ҳар бир оёқда таяниш ва унда иккала оёққа таяниб туришда құл ва оёқ навбатма-навбат ҳаракатлантирилади. Тирмашибда циклларнинг тұхтосыз тақрорланиб туриши гимнастика деворининг бағандлығы билан белгиланади: 1—1,5—2 метр.

Мактабгача ёшдаги болалар тирмашиб чиқишининг қуйидаги турларини эгаллайдилар: әмаклаб үтиш, ошиб үтиш, орадан суқилиб үтиш, горизонтал ва қия текисликда (полда, гимнастика скамейкасида) түрт оёқлаб әмаклаш, тик девор (гимнастика девори), нарвон, арқонли нарвонча, канат ва лангарчұпға тирмашиб чиқиши.

Тирмашиб күп марталаб тақрорлашлар жараённанда ҳосил қилинадиган мұраккаб шартты рефлексидір. У мускулларнинг катта қысмани ишга жалғ қиласы да шу асномда боланинг бутун организмы функционал фаолиятини құчайтиришда, шунингдек тұғры қад-қоматнинг шаклланишига ёрдам беради.

Тирмашиб чиқиши мускулларнинг навбатма-навбат қисқарышы ва бұшашибши билан ҳарактерланади. Бу ҳаракат давомида сарфланган құвваттың тик-

лашга ва жисмоний кучпен узокроқ муддат намоён қишилшга имкон беради. Тирмашиш машқлари ҳаракатлар координациясини яхшилайды, нафас олиш ва қон айланыш функциясини такомиллаштиради, модда алмашинувини оширади.

Бола 8—9 ойлигидан түрт оёқлаб әмаклашда тирмашишда бўлгани каби орқа, қорин девори, оёқ ва қўллар мускуллари мустаҳкамланади. Бундан ташқари әмаклашда оёқ, қўлга таяниш туфайли умуртқага тушадиган нагрузка камаяди, бу боланинг ўсиш даври учун жуда муҳимдир. Бундай машқлар тўғри қад-қоматнинг шаклланишига ёрдам беради.

Болалар дастлаб қорин билан, сўнг тўрт оёқлаб, кафт ва тиззалирига таяниб әмаклайдилар. М. Ю. Қистякова маълумотларига қараганда, баъзи болаларда әмаклашинг жуда такомиллашган формаси вужудга келади: улар оёқ ва қўлларини навбати билан алмаштириб әмаклайдилар. Тарбиячи машқларни тобора мураккаблаштириб боради — горизонтал ва қия ҳолатдаги тахтада, сўнг скамейкада, ходада әмаклашни таклиф этади. Бундан ташқари дарвозачалардан ўтиш, шнур, дарвоза тагидан ўтиш, хода, скамейкадан ошиб ўтишни машқ қиласидилар. Бу машқлардан сўнг умуртқани тўғрилаш (ростлаш) мақсадида болаларга тўпни отиш ва илиб олиш, байроқчани баланд қутариш ва ҳоказолар таклиф этилади.

Бола мустақил ҳаракат қила оладиган бўлганда унга қия ва тик ҳолатдаги баландлиги 1 метрли нарвонга тирмашиб чиқиши топширилади.

М. Ю. Қистякова ва З. С. Уварова маълумотларига қараганда, тирмашиш бола ҳаётининг иккинчи йилида шаклланади. Тирмашиш ҳаракатлари тобора цикллилик касб этади, қўл ва оёқ ҳаракатларининг амплитудаси ва ҳаракати аниқлашади. Дастлаб бу кўриш анализатори, кейинчалик кинестетик анализаторлар билан идора қилинади. Ёнма-ён қадам қўйиш аввал аралаш, сўнг эса навбатма-навбат ташланадиган қадам билан алмашинади. Ҳатто қия нарвонга тирмашишга ўргатишда алмашинадиган қадамни икки ёшли болаларнинг фақат 20% ида, 3 ёшлиларнинг 40% ида шакллантиришга эришилган, холос.

А. Д. Удалой маълумотларига қараганда, беш ёнда алмашинувчи қадам ўз-ўзидан ўргатишсиз пайдо бўлади. Бу турдаги қадамдан 6—6,5 ёшдаги болаларнинг кўпчилиги фойдаланиши кузатилган. Бироқ 7,5 ёшли ўғил болаларнинг 40% ва қиз болаларнинг 47% нарвонга чиқишида ва айниқса тушишда асосан қўшимча қадамдан кўпроқ фойдаланган ҳолда аралаш қадамни қўллайдилар. Бунда оёқ ва қўлларнинг кесишма координацияси юзага келмайди. Тирмашиб чиқишида тезликнинг жуда ўсиши 5—5,5 ёнда кузатилади, чунончи, ўғил болалар тезроқ тирмашиб чиқа оладилар ва бу сифат уларда 7—7,5 ёшларда юқори дарражага этади.

Катта ва тайёрлов группаларининг болалари системали ўрга-



8-расм. Арқонга тирмашиб чиқиң.

(лангарчұпға) яқын туриб құтариған құллары билан арқонни ушлайды, сұнгра құлларыда осилиб тиззаларидан букилган оёқларини юқорига тортады ва оёқ кафтлары билан арқонга (лангарчұпға) таянади. Шундан кейин бола оёқларини ростлайды, гавда юқорига құтарилади, құллар эса тирсаклардан букилади. Фақат шундан кейингина құлларни навбати билан бош узра ҳаракатлантирган ҳолда арқондан (лангарчұп) юқорига құтарилади. Шу билан тирмашиб чиқиши цикли якунланади (8-расм). Ҳаракатларнинг бу тартибдаги изчиллиги тушишда ҳам сақланади. Арқондан (лангарчұпдан) сирғалиб тушишга йўл қўйилмайди (ишқаланиш туфайли боланинг қўл ва оёқлари яраланиши мүмкин).

Дастлаб болалар пастки учи мустақамланмаган арқон ёки лангарчұпда тебранишни ўрганадилар. Сұнгра қимирламайдынган, пастки учи ерга мустақамланған лангарчұпға чиқишини машқ қиласылар. Тарбиячи болалар тойиб тушиб кетмасликлари учун қўл панжалари билан уларни оёғи тагидан тутиб туриши лозим. Шундан сұнг болалар арқонга тирмашиб чиқишини ўзлаштириб оладилар.

О. Г. Аракелян ва Л. В. Карманова (1981 й.) маълумотлари-га қараганда, 2,5—3 метрлік лангарчұп (арқон)га тирмашиб чиқиши вақти (системали таълимда) катта группа болаларида 1—1,5 минутни ташкил этар экан. 7 ёшли болалар айниқса, ўғил болалар арқон ва лангарчұпға қаторасига бир неча марта (2—4 марта) чиқиби тушадилар.

Ҳар кунғи тирмашиб чиқиши машқлари болада зарур ҳаётий күникима ҳосил қиласы ва ҳаракатлар координациясини тарбиялайды. Бунинг учун группа хоналарыда ҳеч бўлмаса бир қаторли гимнастика парвони, майдончага эса минорали трибуналар, де-

тиб борилганда қўшимча топшириқларни бажарган ҳолда тез ва ритмик тарзда тирмашиб чиқа оладилар (трибунага чиқиб унинг иккинчи тиргагига ҳатлаб ўтиш, трибунанинг майдончасига чиқиши ва байроқчани кўтариш, югуриб келиб трибунанинг энг юқорисига чиқиши «Маймунлар ва овчилар», «Лентали тузоқлар» ўйинлари ва бошқалар).

Бу машқлар барча ёш группаларида тарбиячининг бевосита кузатуви остида ўтиши лозим.


Катта ёшли болалар учун лангарчұп ва арқонга тирмашиб маъқул. Бу циклик ҳаракат ҳисобланади. Дастлаб бола арқонга

ворчалар, арқон ва лангарчұп осилған устунлар үрнатиши тавсия этилади. Тирмашиб чиқиш жараёнида ботирлик, қатъйлик, топқырлик, чаққонлик каби зарур иродавий сифатлар тарбияланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга узоқ муддат осилиб туриш тавсия этилмайды: бу мускулларнинг узоқ вақт зўриқишига, бўғин ва бўғимларнинг жуда эрта ҷузилишига олиб келади, иерв системасини толиқтиради. Шундай бўлса-да, З ёшдан бошлаб турли баландликдаги турник, гимнастика деворида қисқа муддат осилишдан фойдаланиш мумкин, бироқ бу 1—1,5 секунддан ош маслиги ва оёққа таяниш билан алмаштириб турилиши лозим. Бундай машқлар елка камарининг мускул системасини мустаҳкамлайди ва тўғри қад-қоматни шакллантиришга ёрдам беради.

Сакрашлар Сакраш ациклик типдаги ҳаракатdir. Унда цикллар тақрори йўқ ва сакрашнинг бутун жараёни бир тугал ҳаракатдан иборатdir.

Сакрашда ҳаракат элементларининг муайян изчилиги ва ритм мавжуд. Сакраш тўрт босқичдан иборат: 1) тайёрлов босқичи — дастлабки ҳолатда туриш ёки югуриб келиш; 2) асосий босқич — депсиниш; 3) парвоз этиши ва 4) охирги босқич — ерга тушиш (9-расм).



9-расм. Турган жойидан узунилкка сакраш.



10-расм. Югуриб келиб узунилкка сакраш.

Турган жойидан сакрашдаги тайёр гарлик босқичи Құйидагича бұлади: чүққайыб, гавда умумий оғирлик маркази пасайтирилади, құллар жуда күчли силташ мақсадида орқага үзатылади, оёқ мускуллари кейинги босқичида яхши қисқариши учун چұзилади.

Югуреб келиб сакрашда-тезланувчан югуриш, бир оёқ билан тирагириш итарилиш усули құлланилади (10-расм).

Асосий босқич итарилиш ва парвознинг дастлабки тезлиги ва тұғри йұналишини таъминлайды-ған әзувчи мускулларнинг күчли қисқариши билан боғлиқдир; парвоз құтарилиш ва ерга тушишга тайёрланишда гавдага кепрекли ҳолат бахш өтади.

Якунловчи босқич — ерга тушиш парвознинг кескин чайқалмасдан ва зарбсиз тугалланишидадир. Бунда мувозанатни сақлаш учун барча ҳаракатлар координацияси зарур.

Турган жойидан (100 см дан кам әмас) ва югуриб келиб (180—190 см дан кам әмас) узунликка сакрашда иккала бёқда, оёқ учидан бутун кафтга үтиб ерга тушилади (10—11-расмлар).

Турган жойидан (ип, унча катта бұлмаган кубик устидан) ва югуриб келиб (50 см дан кам бұлмаган) баландликка сакрашда аввал оёқ учида құнилиб сүңг оёқ кафти түлиқ босилади, бу оёқ



11-расм. Турган жойидан баландликка сакраш.



12-расм. Югуреб келиб баландликка сакраш.

кафтиниң амортизация ролини ўйнашига имкон беради (11—12-расмлар).

Чүкүрликка сакрашда (сакраб тушишда) аввал оёқ учида тушилади, сұнг оёқ тұла босилади.

Ярим букилган оёқларда юмшоқ тушиш итарилиш кучи ҳаракатини бүғиндан бүғинга аста-секин үтишини таъминлайди, ички органлар ва бош мияни чайқалишдан, шунингдек, оёқ тагини қотиб қолишидан сақтайтын. Системали машқлар жараёнда болаларда аста-секин зарур ҳаракат координацияси шаклланы боради. Бунда проприоцептив сезиш, вестибуляр аппарат, күриш билан боғлиқ шартлы рефлекторлы ҳаракат реакциялари муҳим роль ўйнайды. Сакрашлар бош мия пұстлоғи ривожланғанлининг муайян даражасыны оёқ ва құл суяқларининг мустаҳкамлигини, қайышқоқлиги ва күз мұлжалини талаб-қылады. Күрсатыб үтилған барча сифатларнинг ривожланиши машқлар жараёнда кечади: улар мия пұстлоғининг ҳаракат марказларини чиниқтиради, улар функциясини ва шу аснода ҳаракатларни идора қилиш қобилятини яхшилайды.

Сакрашларнинг организмға физиологик таъсири жуда катта, шунинг учун болалар билан машқ үтказғанда дозировкаға риоя қилиш, тайёргарлик машқларини құллаш ва барча болалар ҳолатини диққат билан күзатыб бориши зарур.

Сакраш күникмасынинг ривожланиши у тұла шакллантирилмасдан олдин бошланади: болалар бир ёшда катталар күмәгіда иккі оёқда ердан ажралмасдан ритмик тарзда чүққая бошлийдилар, сұнgra ритмик сакрай бошлийдилар. 2 ёшга етганды болалар турған жойларда мустақил чүққайыб үтириш, пружинасынан ҳаракатлар қилиш, ердан оёғиши бироз узиб енгил сакраш малакаларини әгаллайды. Болалар чүкүрликка сакраш (сакраб тушиш) ва турған жойидан узунликка сакраш (полда ётган иккі ип ёки иккі чизиқ оша сакраш) ни баландликка сакрашдан күра осонроқ бажарадилар.

З. С. Уварова маълумотларига күра 3 ёшгача бұлған болалар камдан-кам түғри сакрайдилар. Бунинг учун уларда ҳали зарур ҳаракатлар координацияси, мувозанат сақлаш, таянч-харакат аппаратларининг тайёргарлығы (суяқ-мускул системасы ва пайлар яхши ривожланмаган, товон гумбази тұла шаклланмаган бўлади) бўлмайди ва шунинг учун пружинасимон хусусиятлар етишмайди.

Системали машғулотлар натижасыда 2,5 ёшли болаларнинг учдан бир қисми турған жойида оёқ учида бирмунча аниқ сакрай оладиган ва 20 см баландликдан сакраб туша оладиган бўлади. З ёшга етганды бу малакани болаларнинг 90% әгаллайды, бироқ баландликдан сакрашда уларнинг барчаси оёқ кафтини тұла босиб тушадилар.

Уч ёшга қадам қўйған болалар жойда туриб узунликка сакраш малакасини әгаллай олмайдилар. Агар бу ҳаракатга мах-

сус ўргатилса, болалар уни жуда тез ўзлаштирадилар. 2,5 ёшда болалар турган жойидан 10 см дан 25 см гача, уч ёшда эса 25—40 см узунликка сакрайдилар.

С. Я. Лайзане маълумотларига кўра, бу даврда жуда катта сифат ўзгаришлари ҳам юз беради: куч билан итарилиш, сакраш олдидан чўққайиш, иккни оёқда ерга тушиш.

Кейинги йилларда эса сакраш кўникмаси, унинг сифати ва миқдор кўрсатичларни тез такомиллашади.

И. И. Сергеевнинг тадқиқотлари кўрсатадики, 5 ёшга қадам қўйган бола олдинга силжиш билан енгил сакрайди, 15—20 см баландликдан сакрашда оёқ учларида тушиб, кафтини тўлиқ босади; турган жойидан узунликка (50—60 см) дастлабки ҳолатга риоя қилган ҳолда анча аниқ сакрайди.

Сакрашга ўрганишда асосий эътибор ерга юмшоқ тушишга қаратилади. Болаларни келажакда сакраш техникасини эгаллашга тайёрлайдиган, оддий машқлар аста-секин жорий қилина бошлиди (дастлабки ҳолатларда оёқларни параллел қўйиш, оёқни тиззадан букиш, «пружинасимон», қўлларнинг эркин ҳаракати). Сакраш масофаси ҳам узаяди (70 см дан кам бўлмайди).

Кейинчалик болалар олти ёшга қадам қўйғанларида турган жойидан ва югуриб келиб узунликка (100 см дан кам эмас) ва баландликка (30—40 см) сакраш техникаси элементларини ўзлаштириб оладилар, қўл ва оёқларини бирмунча мувофиқ ҳаракатлантирадилар. Бироқ итарилиш моменти етарли даражада актив ва кескин эмас. Сакрашга ўрганишда югуриб келишга (у қадамларнинг тезлашиши билан тоқ саноқда: 3—5—7—9 да туғайди), уз вақтида ва куч билан итарилишга, турган жойидан баландликка сакрашдаги каби юмшоқ тушишга эътибор берилади. Узун, қисқа ва айланадиган арғимчилар билан бажариладиган машқлар киритилади.

Етти ёшга қадам қўйган болалар хилма-хил сакраш техникасини етарли даражада эгаллаган бўладилар. Уларда қўл ва оёқлар ҳаракатининг енгиллиги, ритмллиги, мувофиқлиги бирмунча кучли итарилиш, парвоз узоқлигининг ортиши, ерга тушишнинг юмшоқлиги кузатилади.

Болалар тўғри югуриб келиб баландликка сакраш (50 см дан паст бўлмаган) билан бирга ён томондан югуриб келиб ҳатлаш усулида баландликка сакрашни ҳам осон ўзлаштирадилар. 7 ёшли болалар баландликка сакрашнинг бу усулини маъқул кўрадилар ва тўғри югуриб келиб сакрашдагидан 3—5 см ортиқроқ баландликни ишғол қиласидилар (О. Г. Аракелян, Л. В. Қарманова). Ен томондан югуриб келишда унинг масофаси 5—7 қадами ташкил этади. Ҷап оёқ билан итарилганда ўнг томондан югуриб келинади (ва ансинча), югуриш бир текис бўлади, сакраш итарилиш бошланган тўхташ қадами (оёқни товонга босиш) билан тугайди. Айни пайтда қўллар ва силтанадиган ўнг оёқ олдинга — юқорига силтанади. Парвоз пайтида итариладиган оёқ ҳам ростланади ва силкинадиган оёқни қувиб этади ва «қайчи» кўринишни ҳосил қиласиди. Ерга тушиш навбатма-навбат кечади, дастлаб силкинадиган, сўнг итариладиган оёқда қўнилиб аввал товон, сўнг оёқ кафти тўла бошлади.

Сакрашни такомиллаштириш учун қисқа, узун ва айлантирилдиган арғымчылар билан бажарыладиган машқлар, бир оёқда навбати билан сакрашлар («Класс» ўйини), оёқларни тұғри ва чалиштирилган ҳолда енгил сакрашлар, полга қатор қилиб құйилған предметлардан сакраб үтиш машқлари; бурилиб ва құлларни турлича ҳаракатлантириб бажарыладиган сакрашлар; олдинга, орқага ён томонларга силжиб сакраш ва бошқалар тавсия этилади¹.

Улоқтириш ациклик типдаги ҳаракатдир. Мактабгача тарбия ёшидаги бола учун юқорига, олдинга, пастта улоқтириш маъқул келади. У барча мускул группалари, айниңа, елка камари мускулларини ривожлантиришга, шунингдек чаққонлик, әгилувчанлық, тезкорлик, мувозанат сақлаш, күз билан мұлжал олишини тарбиялашга ёрдам беради.


Узоққа ва нишонга улоқтириш мүмкін. Бириңчи ҳаракат иккінчи учун құл келиши лозим, чунки узоққа улоқтиришда асосий күч асосан тұғри улоқтириш усулларини әгаллашға қаратылади; айни пайтда болалар масофага улоқтиришни ҳам машқ қиладылар. Нишонга улоқтиришда боланинг диққати буюмни белгиланған нишонга теккизишга мувофиқ қаратылади. Бунда иродавий күч диққатни тұплаш, диққат, мақсадға йұналғанлық ва масофани күз билан чамалашдаги ҳаракатлар координацияси билан бирға құшиб олиб борылади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан шуғулланғанда узоққа ва нишонга улоқтиришнинг турли усуллари құлланилади: «орқага елка оша улоқтириш», «ұнг құл билан пастдан улоқтириш», «ұнг құл билан юқоридан улоқтириш», «ұнг құл билан ёндан улоқтириш» (Д. В. Хухлаева).

«Орқадан ұнг құл билан елка оша улоқтириш» техникаси қуйидагы бўлади: дастлабки ҳолатда ұнг оёқ орқага олинади, елка бир оз керилади, гавда улоқтирувчи құл томон бирозгина бурилади, ұнг құл күкрап олди томон ярим букилади, чап құл ёнга туширилади. Силкиш пайтида гавда улоқтирувчи құл томонга бурилади, орқага ташланади ва гавда оғирлиги орқага олинган оёққа күчирилади, ұнг құл орқа томонга узатылган бўлади.

Улоқтириш пайтида ұнг оёқ, гавда ростланади, ростланаётганда олдинга бурилади; улоқтиришнинг яқунловчи босқичида гавда оғирлиги олдинда турған оёққа күчирилади. Ұнг оёқ чап оёқ ёнига қўйилади. Чап құлда улоқтириш ҳам шу усулда бажарилади (13-расм).

¹ Сакрашнинг барча турлари ва уларни болаларга ұргатиши методикасининг батағсил бағи О. Г. Аракелян ва Л. В. Кармановаларнинг «Обучение детей прыжкам» мақоласида көлтирилған. Қаранг: «Педагогическая практика студентов по курсу «Теория и методика физического воспитания детей дошкольного возраста» китоби. Под ред. А. В. Кенеман и Т. И. Осокиной. М., 1984.



13-расм. „Елкадан ошириб отиш” усулида улоқтириш.


«Үнг құл билан пастдан улоқтириш» усули. Дастьабки ҳолатда оёқлар елкадан кенгроқ қилиб қўйилади, үнг оёқ орқага олинади, үнг құл кўкрак олди томон ярим букилади.

Силкишда үнг құл пастга-орқага имкон борича узатилади ва улоқтириш қўлни олдинга-юқорига ҳаракатлантириш билан бажарилади (14- расм).

«Үнг құл билан юқоридан» улоқтириш усули. Дастьабки ҳолатда оёқлар елкадан кенгроқ қилиб қўйилади, үнг оёқ орқага олинади, үнг құл кўкрак олди томон ярим букилади (14- расм).



14-расм. Узагилган құл билан пастдан улоқтириш.



15-расм. Узатилган құл билан юқоридан улоқтириш.



16-расм. Узатилган құл билан ёндан улоқтириш.

лабки ҳолатда оёқлар елкадан кенгроқ қилиб қўйилади, ўнг оёқ орқага олинади. Ўнг құл (түп ёки халтача ушлаган ҳолда) гавда ёнида бўлади. Силкишда ўнг құл юқорига — орқага ҳаракатлантирилади, сўнгра олдинга йўналтирилади ва халтача улоқтирилади (15-расм).

«Ўнг құл билан ёндан» улоқтириш усули. Дастребаки ҳолат-оёқлар елкадан бир оз кенгроқ қилиб қўйилади, ўнг оёқ орқага олинади, нарса ушлаган ўнг құл гавда ёнида тутилади. Силкишда гавда ён томонга энгашади, ўнг құл иложи борича орқага узатилади, гавда оғирлиги тиззадан букилган ўнг оёққа олинади. Улоқтиришда ўнг оёқ ростланади, гавда чапга — олдинга бурилади, ўнг құл олдинга ҳаракат қилиб нарсани улоқтиради (16-расм).

Барча усуллардаги улоқтиришлар жойида туриб бажарилади. Катта ёшлаги болаларни ҳам тўрт қадам юриб келиб улоқтиришга ўргатиш мақсадга мувофиқдир (О. Г. Аракелян, Л. В. Карманова).

Тўрт қадам юриб улоқтириш болаларни югуриб келиб улоқтиришни ўрганишга тайёрлайди. Ўнг құл билан предметни улоқтиришда ўнг оёқ билан қадам ташланади, иккинчи қадам чап оёқда қўйилади. Дастребаки икки қадам одатдагича, учинчиси чалиштириб қўйилади. Ўнг оёқ уни билан ўнгга бурилади ва олдинга, улоқтириш йўналишига перпендикуляр қўйилади. Учинчи қадам қўйилаётганда ўнг құл орқага олинади. Тўртинчи қадамда чап оёқ олдинга ташланади, гавда оғирлиги ўнг оёқда қолиб, ростланган ҳолда ўнгга бурилади, құл иложи борича орқага узатилади — улоқтирилади.

Югуриб келиб улоқтириш. Тезлаштирилган югуриш ўнг оёқни чалиштириб, чап оёқни олдинга ташлаш билан, яъни улоқтириш учун дастребаки ҳолат билан тугалланади. Югуриб келиб, чалиштириб олдинга қадам ташлаш ва улоқтириш қўшиб бажарилади. Югуриб келиб узоқликка улоқтириш болаларда 2—2,5 метрга ортади.

Тўпни ёки бошқа предметни думалатиш, фиддиратиш, отиш улоқтиришнинг тайёрлов формасидир. Отиш кўнкимасининг ривожланиши иккинчи ярим йилликда, болада ўйинчоқни ташлаб

юбориш ва ўйинчоқни итариш малакаси пайдо бўлган пайтда бошланади. 9—10 ойликдаги бола энди тўпни тик турган, каравот ёки манеж гардишини тутган ҳолда пастга ота олади. Отиш иккала қўлда ёки ўнг ва чап қўл билан алоҳида тарзда бажарилади. Отиш йўналиши юқорига, ён томонларга, олдинга, горизонтал ва вертикал нишонга томон бўлиши мумкин. Икки ёшга тўлиш олдида болаларда отиш пайтида силташ элементлари пайдо булади. Агар болаларни чап қўлда отишга маҳсус ўргатилемаса, уларнинг кўпчилиги асосан ўнг қўл билан отадилар. Бола 2,5 ва ундан катта ёшда ҳаракатнинг тўғри техникасини аста-секин ўзлаштира боради.

Кичик тўпни нишонга улоқтириш қийинроқ. Ҳаракатнинг турида кучни, нишонга бўлган улоқтириш масофасини ва нишонни мувофиқлаштириш лозим. Бундай мувофиқлик учун бола марказий нерв системасини ривожлантириш, «мускул ҳисси»нинг мавжудлиги, кўриш идрокининг аниқлиги, ҳаракатларни эслаб қолиш ва қайта бажара олиш талаб этилади.

Н. П. Кочетова маълумотларига қараганда, 3—4 ёшли болалар учун узоқка ва нишонга отиша ўз ҳолатига бефарқлик хосdir. 3—4 ёшдаги болаларнинг жуда камчилиги тўғри дастлабки ҳолатни эталайлай оладилар. Бу ёшдаги болалар ҳали гавдаларни отадиган ўнг қўл томонга бура олмайдилар. Нишонни кўзлаб отиша бола нигоҳи фақат керакли томонга қарагилади, холос. Нишонни кўзлаш вақти I дан 3—4 секундгача бўлади. Бола кучсиз силтайди, отиш кучи ва масофасини ўлчаш қийин, шунинг учун ҳам болалар фақат 1—1,5 м дангина нишонга теккизадилар.

3—4 ёшли болалар учун тўпни юқорига отиб илиш ҳам қийинлик қилиди. Юқорига отиша 3 ёшга қадам қўйган болаларнинг фақат 20 проценти, 4 ёшга қадам қўйганларнинг 37 проценти, 5 ёшга қадам қўйганларнинг 62 проценти, 6 ёшга қадам қўйганларнинг 94 проценти, 7 ёшга қадам қўйганларнинг 97 процентигина йўналишига риоя қила оладилар.


Болаларнинг ёши ўсиши билан тўпни илиб олиш малакаси такомиллашиб боради: 3 ёшли бола тўпни бироз юқорига отиб (20—25 см) қўлидан деярли узмай илиб олади. 4 ёшдаги болаларнинг 30 проценти илиб оладилар, бунда уларнинг 25 процентигина тўпни панжаси билан илиб олади. Беş ёшда бу кўрсаткич 52 процентни, 6 ёшда 95 процентни ва 7 ёшда 95,5 процентни ташкил этиди.

Ўрта ва катта группаларда улоқтиришга оид турли машқлар (думалатиш, отиш, илиб олиш, узоққа ва нишонга улоқтириш, тўрдан ошириб отиш) ҳар куни ўтказилиши, тўп эса болаларга эркин фойдаланиш учун бериб қўйилиши лозим. Турлича машқлар қанча кўп қўлланилса, бу мураккаб ҳаракат усусларини шунча яхшиrok ўзлаштирадилар.

Тўп билан турли вариантларда ўтказиладиган системали машқлар аста-секин болаларга мос улоқтириш техникасини ҳосил қиласиди. Болалар боғчага қатнаш даврида думалатиш, фиддиратиш, тўпни отиш ва илиб олиш, тўпни улоқтириш, узатиш, олиб юриш, қайтаришнинг барча турларини, «тўп мактаби»ни ўзлаштиришлари лозим. Болалар имкониятини кенгайтирган ҳолда уларга ижодий йўсингдаги топшириқ — тўп ўйинининг янги комбинацияларини ўйлаб топиш тавсия этилади.

Хонада ва майдончада волейбол, баскетбол, хоккей ўйинининг баъзи кўнгиларини эгаллаш учун ҳалқа, тўп ташлагич, кегли, серсо, городки, бадминтон, тўрлар, саватлар, клюшкалар (қишида) ни болалар ихтиёрига берилиши керак (17—21 расмлар).

Мувозанатни сақлаш қобилияти. Мувозанат сақлаш ҳисси ҳар қандай ҳаракат ва ҳар қандай ҳолатни сақлаб туришининг зарур доимий компонентидир. Мувозанат сақлаш ҳиссининг ривожланиши киши бош мияси пўстлоғи функциясининг такомиллашуви билан алоқадорликда, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг мувозанатлашувида, вестибуляр аппаратининг ривожланиши, ўз гавдаси қисмларининг ҳолати ва ўрин алмашувидаги барча ўзгаришларни баҳолашга ёрдам берувчи мускул ҳисси билан боғлиқда аста-секин кечали.



17-расм. Городки.



18-расм. Бадминтон.





20-расм. Баскетбол.

21-расм. Волейбол.

Мактабгача тарбия ёш давомида мувозанатни сақлаш функцияларини ривожлантириш гавданинг маълум ҳолатини (ўтган, тик турган, эмаклаш, кейинчалик юришда ҳам) сақлашда бошлаб ҳар қандай ҳаракат ва ҳолатларда гавданি барқару тута олишгача бўлган йўлни босиб ўтади.

Мувозанат сақлаш функцияларини ривожлантиришда мақалиши, жумладан жисмоний тарбиянинг хилма-хил воситалардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. 4 ёшдан 7 ёшга бўлган болалардаги статик ва динамик мувозанат юзасидан олиб борилган тадқиқотлар (Т. И. Осокина) ёш ўсган сари мувозанат сақлаш функцияларини ифодаловчи барча кўрсаткичларнинг яхшиланиб боришини кўрсатди. Бу ўринда энг интенсив ривожланиш 5 ёшда кечиши қайд этилган.

Мувозанат сақлаш гавданинг барқарор ҳолатини сақлаш ситаси сифатида диққатнинг тўпланганигини, ҳаракатлар координациясини, муайян шароитларда мўлжал олишни, уларга тутуб ўтирижни, шароитларда мўлжал олишни, ботирлик ва ўз-ўзини тута билишни талаб қиласиди. Шунинг учун мувозанат сақлаш машқлари суръатда, жуда ҳаракатчанлик билан бажариладиган югуриш сакраш ва ҳоказо ҳаракатлардан олдин ўтказилади.

Мувозанат сақлаш ҳисси кичрайтирилган таянч майдонида машқлар жараёнида ҳосил қилинади ва текширилади. Бу гавданни йиқилишдан сақлаш, ножӯя ҳаракатдан, масалан, энотахтacha, рейка устидан юриш, оёқ учида юриш, бир оёқда юриш, югуришдан сўнг тўхташ ва ҳоказбларда ўзини тийиш талаб этилади.

Мувозанат сақлаш машқлари илк ёшдан жорий этилади. Ишларни борадан

кат координацияси, ирода кучи, йұналишга риоя қилиш талаб этилади. Кейинчалик машқлар мураккаблаштирилади: болаларға полдан 15—20 см күтариленген тақта устидан, қия қилиб қўйилген тақтадан юриш, скамейка қўйилген предметлардан хатлаб ўтиш, скамейка бўйлаб қаршидан келаётган бола билан учрашиб, қайтиш ва ҳоказолар таклиф этилади. Бу машқларниң барчаси зарур мувозанат сақлаш ҳисси, ўз гавдасини идора қила олиш, ҳаракатлар координациясини, чақонлик, вазиятларда мўлжал олиш, ўз вақтида тўғри реакция кўрсатиш сифатларини ҳосил қиласи. Ижобий натижаларга эришилгач, машқлар яна ҳам мураккаблаштирилади: болага турли предметларни (саватча, тўп, халтачани) бошда кўтариб юриш тавсия этилади; бола юраётган юза тебратилади (муайян баландликдаги тебранадиган ёғоч); бола, шнур, нарвон ёғочларида юради; тўсатдан тўхтаб, чўққайиб, гавдани ҳар хил ҳолатда тутиб юради ва ҳоказо. Бу машқларниң барчаси ўйинлар ва машғулотларда қўлланилади, шунингдек, кундалик турмушда фойдаланилади (болаларниң мустақил фаолиятида).

Мувозанат сақлаш ҳисси спорт машқларидан ҳам тақомиллаштирилади (муз йўлкада сирғалиш, чанғида юриш, конькида учиш, икки ғилдиракли велосипедда, ғилдиракли конькида юриш).

Шундай қилиб, юқоридаги асосий ҳаракатларни шакллантиришга қаратилген барча машқлар болани мактабга ва ранг-баранг ҳаёт фаолиятига тайёрлайди.

Болаларда асосий ҳаракатларни ривожлантиришда ижобий натижаларга эришишининг асосий шарти мактабгача тарбия ёшидаги болалар ривожланишига ёш хусусиятлари ва организмнинг функционал имкониятларини кўзда тутадиган программа талабларига мувофиқ олиб бориладиган таълим ҳисобланади.

Умумривожлантирувчи машқлар — бу маҳсус машқлардир. Улар бутун организмнинг ривожланиши ва соғломлашишида муҳим роль ўйнайди ва елка камари, гавда, оёқ каби йирик мускул группаларининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, бўғимларнинг ҳаракатчан бўлишига мускуллар таранглашуви ва бўшашиби жараёнини нормаллаштиришга ёрдам беради.

Бу машқларниң вазифаси тўғри қад-қоматни шакллантириш, бутун таянч-ҳаракат аппаратини мустаҳкамлаш ва қон айланиш, нафас олиш, алмашиниш процесслари, нерв системаси фаолиятини яхшилашдан иборатdir.

Умумривожлантирувчи машқлар ҳаракатларни идора қилувчи олий мотор марказлари ишини активлаштиради; тезкорлик, чақонлик, кучлар нисбати, чидамлилик, эгилувчанлик каби жисмоний сифатларни намоён қилишга ёрдам беради, ижобий-эмоционал жайфият ўйғотади.

Муайян изчилликда бериладиган умумривожлантирувчи машқлар бутун организмни аста-секин фаолият ҳолатига жалб этишга,

унинг умумий ҳаётий фаолиятига ёрдам берадиган функционал процессларни кучайтиришга қаратилгандир.

Машқларнинг биринчи группаси елка камари ва қўл мускуларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилгандир. Улар кўкрак қафасининг нафас олиш куламини кенгайтириш ва оширишга ёрдам беради; диафрагмани, қовурғаларо мускуларни, бутун нафас олиш мускулатурасини мустаҳкамлади, чуқур нафас олишга имкон беради, орқа мускуларини мустаҳкамлади, умуртқани ростлайди, юрак мускулини мустаҳкамлашга ёрдам беради, юрак қисқаришлари ритмини оптималаштиради.

Машқларнинг иккинчи группаси гавда, орқа мускуларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилгандир. Бу машқлар тўғри қад қоматнинг шакланишига таъсир қиласди ва гавдани олдинга ва ён томонларга энгаштиришда, ўнгга, чапга бурилишда, шунингдек, айланишда умуртқанинг эгилувчалигини ривожлантиришга ёрдам беради. (Сўнгги машқнинг асосий вазифаси ўтирганда оёқни чалиштириб, чордана қуриб ўтириб ёки оёқларни керип туриб (ҳаракатсиз ҳолат) гавдани айлантираётганда тос ҳолатини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Машқларнинг учинчи группаси оёқ ва қорин мускуларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга мўлжаллангандир. Улар ички органларни интенсив ҳаракатлар (сакрашлар, сакраб тушишлар ва ҳоказо) пайтида чайқалишдан сақлайдиган қорин мускуларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, шунингдек, вена қон томирларида қон юришмай қолишининг олдини олади (тиззага шалатилаш, ярим чўққайиш, чўққайиш ва ҳоказо).

Шундай қилиб, биз қуриб ўтган, бир вақтда фойдаланилдиган машқлар мажмуи бола организмига ҳар томонлама мустаҳкамловчи таъсир кўрсатади. Шу билан бирга аниқлик, зукколик, муайян алоҳидалик ва, айни пайтда, яхлитлик талаб қилувчи умумривожлантирувчи машқлар диққат, ирова, мақсадга йўналганлик, тормоз реакциялари, ўз ҳаракатини бутун болалар колективи ҳаракати билан мувофиқлаштира олиш, фазода мўлжал ола билишини тарбиялади.

Дастлабки ҳолатлар Ҳар бир ҳаракат дастлабки ҳолатдан: гавданинг тўғри ҳолати (тик турган), ўтирган, ётган ҳолатлардан ҳамда оёқ ва қўлларнинг муайян машқ учун зарур ҳолатидан бошланади.

Тик турган ҳолатда оёқлар учун дастлабки ҳолат: асосий тик туриш-тобонлар бирлаштирилди, оёқ учлари керилди (кatta группалар учун). Бу ҳолатдан қўйидаги пайтларда фойдаланилди: машқ олдидан ва охирида (баъзан оёқ учларида кўтарилиб); ярим чўққайиш ва тўла чўққайишда (орқа ростланади, тиззалар ён томонларга керилди, тобонлар бироз кўтарилиди); оёқларни кўтариш ва тиззадан букишда: оёқларни олдинга, чапга, ўнга, орқага узатишида. Оёқларни бироз керип туриш — оёқлар керилди (оёқ юзаси).

қадам кенглигиде), оёқ учлари бироз ёйилган; оёқларни кериб туринш (елка кенглигиде, оёқ учлари бироз керилган; оёқларни жуфтлаштыриш — оёқ учларни ва товонлар бирга қўйинлади. Бу ҳолатдан чўққайиб ўтиришда фойдаланилади; оёқларни чалишириб туринш — биринчи оёқ иккинчисининг олдида, товонлар параллел қўйилади; тиззаларда туринш — тиззалар, болдирилар, оёқ учлари полга таяниб туради, оёқ учлари ёэзилади — бу ҳолатдан бурилишлар, товонга ўтиришда фойдаланилади; оёқларни бироз кериб оёқ юзаси кенглигиде қўйинб, оёқ юзаси бироз ён томонларга, бироқ ичкарига қаратмасдан туринш. Бу ҳолатдан кичик группаларда фойдаланилади.

Тик турганда қўлларнинг дастлабки ҳолатлари: қўллар пастга, гавда ёнларига туширилади, кафтлар гавдага қараб туради; қўллар олдинга юқорига кўтарилиган, бармоқлар мушт қилинган, кафтлар бир-бирига қаратилган; қўллар ён томонларга узатилган, кафтлар пастга ёки олдинга қаратилган; қўллар белда, тўрт бармоқ олдинга, пастга, тирсак ва елкалар орқага тортилган; қўллар кўпроқ олдинда — тирсаклар орқага олинган, бармоқлар энсага теккизилган ҳолда олдинга қаратилган; қўллар олдинда, панжалар мушт қилинган, бир қўл иккинчиси устига қўйилган; қўллар орқада, орқага теккан ҳолида, букилган қўллар билакларга чирмашган; қўллар орқада, панжалар «қулф» ҳолидан чалиширилган ёки бирни иккинчиси устига қўйилган.

Ўтиреандаги дастлабки ҳолатлар: оёқлар олдинда, жуфтлаштирилган, оёқ учлари бироз керилган, оёқлар керилган ҳолда тўғри қўйилган, оёқ учлари бироз керилган; оёқлар тиззаларда букилган, оёқ кафти полга қўйилган; оёқлар чалиширилган. Қўллар ҳолати машқлар мазмунига боғлиқ бўлади.

Ётегандаги дастлабки ҳолатлар: чалқанича ётилади — ростланган оёқлари букилади, оёқ учлари бироз керилди, узатилади, қўллар гавда ёнида, кафтлар пастга қараган бўлади; қорин билан ётганда — ростланган оёқлар букилади, тирсакдан букилган қўллар полга таяниди, кафтлар олдинда (бiri иккинчisi устидан) ёки кафтларга таяниб гавда бироз кўтарилади; ўнг ёки чап томон билан ётган ҳолда бир томонга таяниб ростланган оёқлар йигилади, қўллар юқорига узатилади.

Нафас олиш

Болада кўкрак қафаси тузилишидаги мавжуд ёш хусусиятлари асорати (қовурғаларнинг бироз оғиши ва юқорида турувчи диафрагма) туфайли нафас олиш чуқур бўлмайди. Жисмоний машқлар кўкрак қафаси ҳаракатчанлигининг кучайишига, нафас олишнинг чуқурлашишига, ўлка ҳаёт қўламишининг кенгайишига, қоннинг кислород билан тўйинишига ёрдам беради. Улар юрак-томир системаси фолиятини такомиллаштиради, организмнинг энергия билан таъминланишини кучайтиради ва шу аснода унинг иш қобилиятини оширади. Шунинг учун боланинг тўғри нафас олиши барча машқларни бажаришида муҳим роль ўйнайди. Бу нафас олишнинг тўлақонли интенсивлиги *тс*, *иши*, *ух*, *урр*, шунингдек, пастга, ўтирилик ва ҳоказоларни талаффуз қилишда кечадиган аста-секин үртача нафас чиқаришдан иборатдир. Болаларни ҳаракат фазасини нафас олиш фазаси билан тўғри қўшиб олиб бориш ва шу аснода нафас олиш аппарати ишини такомиллаштиришига ўргатиш лозим.

Болалар боғчаси тарбиячиси турли машқлардаги тўғри нафас олиш ва нафас чиқариш моментларини аниқ тасаввур қилиши шарт. Елка камари мускулларини ривожлантириш машқларидағи нафас олиш қўлларини ён томонга, орқага узатган, елкадан

кенгроқ қилиб юқорига күттарған чоғдаги күкрап қафасининг кенгайшига тұғри келади; нафас чиқариш эса күкрап қафасининг құлларни пастга туширган, олдинга ұтказиб чапак қалған ҳолдағи қисқариши билан боғлиқдир.

Оқиқиң мускулларини мустаҳкамловчи машқларда нафас олиш — оёқларни ростлаш, нафас чиқариш эса уларни тиззедан букиш, чүққайыш пайтида кечади.

Гавдага мұлжалланган, орқа мускулларини ва умуртқа әги-лувчанлигини мустаҳкамловчи машқларда нафас олиш олдинга әнгашиб, ростланган өзінде тұғри келади, нафас чиқариш эса гавдани олдинга — пастга әнгаштиришга тұғри келади; ён томонларга әнгашышларда нафас олиш бир томонға, масалан, үнгга әнгашганда, бошқа томонға (чапға) әнгашганда нафас чиқаришга тұғри келади ёки бир томонға әнгашганда нафас чиқарылади, ростланганда нафас олинади.

Гавдани тұла бурганда бир томонға бурилиш чоғида нафас олинади, иккінчи томонға бурилиб, нафас чиқарылади (навбати билан ҳар томонға). Ярим бурилишларда нафас олиш бир томонға бурилған пайтта тұғри келади, нафас чиқариш эса тик тұғри ҳолатда турғанға тұғри келади, худди шунинг үзи бошқа томонға бурилғанда амалға оширилади.

Машқларни бажариш жараёнида болаларни бурундан нафас олишга үргатиши лозим. Бу үпкага ҳавонинг бир текис кириб туришини таъминлайды, бундан ташқары ҳаво бурундан үтаётгандада илийди ва тозаланади.

Жисмоний машқларни мунтазам құллаш зарур шартлы рефлекторли алоқаларнинг ҳосил қилинишига ёрдам беради ва болаларда аста-секін ритмик нафас олиш стереотипи таркиб топади.

Болаларға құйиладиган талабларни мұраккаблаштириш. 2 ёшли болаларни ҳаракатларға үргатища мұраккаб бұлмаган машқлардан фойдаланылади. Бунда кичкінтоларда ҳаракат координациясининг етарлича ривожланмаганлиғи ва уларнинг ҳаракат актини бұла олмасликлари ҳисобға олинади. Үйин үсуллари, эмоционал-образлы машқларни құллаш, болаларнинг «құшча», «шақылдоқ» ва шу типдеги ҳаракатларни тарбиячи билан бир вақтда бажаришлари жуда самарали бўлади.

З ёшли болалар бир қадар ҳаракат тажрибасында зерттеуде болады, тушунтиришларни тинглай оладилар, ҳаракатларни кузата оладилар, уларни етарлича тұғри идрок қыла оладилар. Бу машқлар ҳажмини оширишга, уларни хилма-хиллаштиришга, машқларни аниқ бажаришга құйиладиган талабларни кучайтиришга имкон беради.

4 ёшли бола етарлы барқарор диққатта зерттеуде болады, ҳаракатларни бажаришга оид талабларни тушунади, мустақиллікка интилади, үз ҳаракатларининг натижалари билан қызықади. Ана

шу ўзгаришларни ҳисобга олиб машқларни мураккаблаштириш, нағроздан ошириш, қад-қоматни тутишга катта талаблар қўйиш, таълимнинг кургазмали ва оғзаки усулларидан предметларни мўлжал олишдаги фазовий терминологиясини қўллаган ҳолда фойдаланиш, тўла мустақил ҳаракат қилишга имкон бериш мумкин.

5 ёшли болаларда аниқлик, координация, ҳаракатларда ишончлилик ҳосил қилинган бўлади. Ўқув вазифаларини тушуниш, ҳаракатларни яхши сифат билан бажаришга интилиш қад-қоматга аниқлик, ҳаракатларнинг мақсадга йўналганлигига, мустақилликка қўйиладиган талабларни ошириш имконини беради. Нагрузкага, бажаришнинг интенсивлигига, ҳаракат образини аниқ адо этишга, машқларни фазо терминологиясидан фойдалangan ҳолда оғзаки кўрсатма асосида бажаришга қўйиладиган талаблар ошади.

6 ёшли болалар яхши қад-қоматга, ҳаракат кўникмаларининг катта запасига, ўз-ўзини контрол қилиш ва ҳаракат сифатини баҳолаш қобилиятига эга бўладилар. Улар оғзаки кўрсатмага тўғри амал қиладилар, ҳаракатларни аниқ, ишонч билан бажардилар, бажариш жараёнини фазо терминологиясидан фойдалangan ҳолда тушунтирадилар («Байроқчаларни юқорига кўтариш, шундан сўнг уларни ўнгга-пастга узатиш, яна юқорига кўтариш ва чапга-пастга узатиш керак»). Болалар ижодий топшириқларни эмоционал идрок этадилар: ҳаракатларни ўзгартирадилар, турлича комбинациялайдилар, янгиларини ўйлаб топадилар.

Предметлардан фойдаланиш. Болалар бажарадиган умумривожлантирувчи машқларнинг катта қисми предметлар: таёқчалар, байроқчалар, чамбараклар, ленталар, шнурлар, лангарчўплар, шарлар ва ҳоказолар билан; предметларда — гимнастика девори, скамейка, стуллар, ходада, предметлар олдида — гимнастика девори, девор ёнида амалга оширилади. Турли предметлар болалар учун фойдали бўлган машқларни кўп марталаб тақрорлашга, уларга бўлган қизиқиши сақлашга (масалан, болаларнинг қўлларни елка кенглигига юқорига кўтариши ва тушуниши чамбарак, таёқча, лента, байроқча ва бошқалар билан бажарилиши мумкин). Бундан ташқари предмет топшириқнинг жуда аниқ бажарилишига, ҳаракатларнинг аниқ бўлишига ёрдам беради (масалан, юқорига кўтарилган таёқча қўлларни ёзгандаги зарур чегарани белгилайди ва ўз-ўзини контрол қилишга ёрдам беради). Предметлар билан қайта-қайта бажариладиган машқларни тақрорлаш тўғри мускул тонусини ҳосил қилишга ёрдам беради. Бу тонус болада кейинчалик худди шу машқларни предметларсиз бажаришда ҳам сақланади.

Сафланиш машқлари. Сафланиш машқлари — сафланишлар (давра, колонна, шеренга ва ҳоказо), қайта сафланишлар (биттадан колонна бўлиб сафланишдан иккита, учта, тўрттадан, шерен-

га бўлиб сафланиш ва ҳоказо), турли томонларга бурилишлар (ўнгга, чапга, орқага), тарқалиш ва йиғилиш, фазодаги барча ҳаракатлардан (турли сафланишлар ва тарқалишлар) турли жисмоний машқларни бажаришда фойдаланилади (машғулотларда, эрталабки гимнастикада, ҳаракатли ўйинларда, хороводларда, байрам тантаналарида, сайдарда, эккурсияларда).

Болаларда бу машқларни бажариш жараёнида фазода мўлжал олиш, колективвда ҳаракатнинг мувофиқлиги (турли машқларни ҳамма учун умумий суратда ва ўзаро алоқада бажариш) тарбияланади. Сафланиш машқлари болаларда тўғри қад-қоматнинг шаклланишига хизмат қиласди. Улар турли предметлар билан, қўшиқ, музика ёки зарбли асбрблар (доира, ногора) жўрлигига бажарилиши мумкин.

Кичик ва ўрта группаларда болалар фазо терминологиясини предметга нисбатан идрок қиласдилар: «Деразага — ўнгга бурилинг!» Катта группаларда мўлжалсиз: «Диагонал бўйлаб марш!», «Қарама-қарши томонга қараб сафлан!», «Биринчи звено — ўнгга, иккинчи звено — чапга, марш!» ва ҳ. к. 5—6 ёшли болаларнинг фазо терминологиясини осон ўзлаштиришлари ва ундан мустақил фойдаланишлари тажрибада аниқланган (Э. Я. Степаненкова).

Болаларни иккинчи кичик группадан бошлаб тарбиячи ёрдамида машғулотларда давра бўлиб туришга, кетма-кет ўз олдидаги болани әслаб қолган ҳолда колонна бўлиб сафланишга ўргатилиади. Давра бўлиб сафланишга ўргатишга зал ўртасида доира шаклида узун шнурдан фойдаланилади. Болалар қўлни-қўлга бериб, давра айланиб ўтадилар ва уни текислайдилар. Кейинчалик стул атрофида, катта от ва ҳоказолар атрофида сафланишни ўрганадилар. Болалар девор ёнида, девор бўйлаб тортилган шнур асосида колонна бўлиб сафланадилар ва ҳоказо. Биттадан колонна бўлиб сафланишдан иккитадан колонна бўлиб сафланиш олдинда турган боланинг иккинчиси орқасида турган бола томон бурилиши билан (бошқалар ҳам шундай қиласдилар) амалга оширилади. Бошловчи болалар доимо алмашиниб турдилар ва шундай қилиб ҳар бир киши колоннани бошқаришни ўрганади (кўз мўлжаллар: байроқча, ўйинчоқ, стул ва ҳоказоларга таянган ҳолда), фазо ва унда куч етганча мўлжал олиш идрокини эгаллайдилар.

Ўрта группаларда бу кўнімалар болаларда машқларни мустақил бажариш ва уларни программа талабларига мувофиқ аста-секин мураккаблаштириш нажижасида мустаҳкамланади. Болалар сафланиш ва қайта сафланишни фақат турган жойида әмас, балки ҳаракатда тўсатдан бериладиган сигнал асосида ҳам бажара оладилар (2—3 давра бўлиб; жуфт-жуфт бўлиб, колонна бўлиб ва ҳоказо).

Катта группаларда барча болалар мустақил равишда тарбиячи кўрсатмаси бўйича жуфт-жуфт бўлиб, зал марказидан ўтиб,

тұрттадан бўлиб, ўнгга ва чапга ажралиб сафлана ва қайта сафлана оладилар. Улар мұлжалсиз текис шеренгага сафланадилар. Колоннага йиғилиш ва ёилиши майда қадамлар билан бажарадилар; колонна ва бир-бirlари ўртасидаги масофани узатылган қўл ёрдамида текширадилар; бошловчини мұлжалга олган ҳолда кўз билан чамалаб сафланишини эгаллайдилар; «Направо: Раз-два!» командалари асосида жойда бурилишларни ўзлаштирадилар. Болалар буларнинг ҳаммасини мустақил, аниқ, эркин бажарадилар.

Шундай қилиб, гимнастика машқларининг барча группаси — асосий ҳаракатлар, умумривожлантирувчи ва сафланиш машқлари бола организмиде кечадиган функционал жараёнларни күчайтиради, жисмоний ва ҳар томонлама ривожланишга таъсир қиласи.

САҚКИЗИНЧИ БОБ

ҚОИДАЛИ-ҲАРАҚАТЛИ ЎЙИНЛАР ВА СПОРТ ЎЙИНЛАРИ

1-§. Қоидали-ҳаракатли ўйиннинг жисмоний тарбия воситаси ва методи сифатидаги характеристикаси

Қоидали-ҳаракатли ўйинлар муҳим аҳамиятга эга бўлган комплекс таълим-тарбия жараёнидир.

Бу жараённинг асосини ташкил этувчи болаларнинг ҳаракат фаолияти жисмоний ривожланишга, ҳаракат кўниммалари ва жисмоний сифатларнинг шаклланишига, организмнинг функционал фаолиятини оширган ва эмоционал қувноқлик туйгуларни кучайтирган ҳолда саломатликни мустаҳкамлашга ижобий таъсир этади. Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбиянинг асосий воситалари ва методларидан бири сифатида юқорида санаб ўтилган вазифаларни самарали ҳал этишга ёрдам беради.

Ҳаракатли ўйинларни ўтказишда эришиладиган соғломлаштириш самараси болаларнинг ўйин фаолияти жараёнида юзага келадиган ва бола психикасига яхши таъсир этадиган ижобий эмоциялар билан узвий боғлиқдир. Эмоционал кутаринкилик болаларда барча учун умумий бўлган мақсадга эришишга интилиш ўйготада ва у вазифаларни аниқ тушунишда, ҳаракатларнинг ўзаро мослигида, фазода ва ўйин шароитларида аниқ мұлжал олишда, топшириқларни тезлаштирилган суръатда бажарилишида ифодаланади. Болаларнинг мақсадга эришишга нисбатан кучли иштиёқи ва завқи интилиши асосида турли тўсиқларни енгиги ўтишга ёрдам берувчи ироданинг роли ошади.

Ҳаракатли ўйинлар болалар томонидан аввал эгалланган ҳаракат, кўниммаларини такомиллаштириш ва жисмоний сифатларни тарбиялаш методи бўлиб хизмат қиласи.

Ўйин жараёнида бола ўз эътиборини ҳаракатни бажариш усулiga әмас, балки мақсадга эришишга қаратади. У ўйин шартларига мувофиқ ҳаракат қиласи, бунда чаққонлик кўрсагади ва

шу аснода ҳаракатларни такомиллаштиради. Шунинг учун, масалан, «Бўри жарликда» ўйини болалар югуриб келиб узунликка сакраши билиб олганларидан кейин берилади.

П. Ф. Лесгафт «Ўйинларда мунтазам машгулотларда ўзлаштириладиган барча ҳаракатлар қўлланилади, шунинг учун бунда бажариладиган барча ҳаракатлар шуғулланувчиларнинг кучи ва малакасига тўла мос бўлиши ҳамда имкони борича аниқлик ва чаққонлик билан бажарилиши керак»¹ — деб ёзган эди.

Бу қоида болалар боғчасида ҳаракатли ўйинларни ўтказиш методикасини ишлаб чиқишига катта ҳисса қўшган совет педагогларининг ишлари билан тасдиқланмоқда.

Кичик мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳақида гапирадиган бўлсан, кейинги тадқиқотлар «таълимнинг методи фақат болалар ҳаракатларини такомиллаштириш давридагина эмас, балки уларни дастлаб ўргатиш пайтида ҳам қўлланиши мумкин»².

Ҳаракат фаолияти сифатида ҳаракатли ўйин муайян специфик хусусиятларга эга: у боладан сигнал ва ўйинда тўсатдан бўладиган ўзгаришларга тезда жавоб беришини талаб қиласди. Ўйинда юз берадиган турли вазиятлар, ҳаракатлар мускул тараанглиги даражасининг ўзгариши заруратини келтириб чиқаради. Масалан «Тузоқ» («Ловушка») ўйинида ҳар бир бола бошловчи ҳаракатини диққат билан кузатиб бориши лозим: бошловчи унга яқинлашганда қарама-қарши томонга шитоб билан қочиб ўтади; ўзини хавфсиз сезгач, секин ҳаракат қилиб, тўхтаб туради; бошловчи яқинлашганда яна ҳаракатини тезлаштиради.

Деярли ҳар бир ҳаракатли ўйинда ҳаракатлар ва болалар ҳаракатига оид сигналлар мавжуд. Масалан, «Аҳил болалар» ўйинида ҳаракат йўналиши ва характеристидаги ўзгаришларида ифодаланадиган «Сафланинг» («Построиться») сигнални болаларда тезроқ реакция ўйғотади: тарқалган ҳолда енгил чопиш, оддиндан шартлашилган жойларда тезроқ колонна бўлиб сафланиш учун мақсадга мувофиқ тўғри йўналишга томон ўзгаради.

Бундай актив ҳаракат фаолияти бола қўзголиш ва тормозланиши жараёнларини такомиллаштирган ва мувозанатлаштирган ҳолда нерв системасини машқ қилдиради, шунингдек кузатувчаник, топқирлик, ўзгарувчан атроф-муҳитда мўлжал олиш қобилияти, юз берган мушкул ҳолатдан қутилиш ўйлини топиш, тезда қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш, ботирлик, чаққонлик ташаббус кўрсатиш, мақсадга эришишнинг мустақил усулини танлашни тарбиялайди.

¹ Лесгафт П. Ф. Руководство по физическому образованию детей школьного возраста. Соб. пед. соч. 1951, I т. 309-бет.

² Осокина Т. И., Тимофеева Е. А. ларнинг мақоласига қаранг. «Педагогические и психологические проблемы руководства игрой дошкольника». Под ред. А. В. Запорожца, М., 17- бет.

2- §. Ҳаракатли ўйинлар назарияси ва методикасининг яратилиши

Ҳаракатли ўйинларнинг келиб чиқиши қадим халқ педагогикасига бориб тақалади. Илк ёшли болалар оиласларда боланинг дастлабки ҳаракати билан боғлиқ овумчачоқлар, эрмак ўйинлар ёрдамида тарбияланганлар. Ундан каттароқ ёшдаги болалар ҳаётидаги ранг-баранг ҳаракат мазмунига эга бўлган (ўз ичига болаларни ром қилувчи ўйин бошланмалари, хиргойилари, санашма-чоқларни олувчи) халқ ўйинлари катта ўрин олган. Буларнинг ҳаммаси ҳозирга қадар бадиий жозибадорлигини, тарбиявий аҳамиятини сақлаб келмоқда ва қимматли ўйин фольклорини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда социалистик жамият ва СССР халқлари дўстлиги шароитидаги мактабгача тарбия муассасаларида болалар мамлакатимиз халқларига ва уларнинг санъати — қўшиқ, рақс ва ўйинларига дўстлик ва ҳурмат руҳида тарбияланмоқда. Шунинг учун ранг-баранг халқ ҳаракатли ўйинларини танлаш болалар билан таълим-тарбия ишларини олиб боришда зарур ва мақсадга мувофиқ тадбир ҳисобланади. Болаларни миллий, ўзига хос ўйин фольклори намуналари билан танишириш ва баъзи халқ ўйинлари намуналарини кичкинтойлар ҳаётига тадбиқ этиш халқ оригинал ижодига ва бинобарин, унинг вакилларига нисбатан ижобий эстетик муносабатни мустаҳкамлади.

Машҳур педагог К. Д. Ушинский рус халқ ўйинларини юқори баҳолаган ва улардан болалар тарбиясида кенг фойдаланишни маслаҳат берган эди.

К. Д. Ушинский фикрича, бу соҳада болаларда «ижтимоий муносабатларнинг дастлабки ассоциацияларини» ўйфотувчи ижтимоий хулқ-автор кўнгилмаларини ҳосил қиласидаги колектив ўйинлари алоҳида роль ўйнайди.

XIX асрнинг 60-йилларида прогрессив педагогика гоялари «Детский сад» журналида (А. ва Я. Симоновичлар нашри) ўз аксими топди. Илгор педагоглар ҳаракати расмий педагогика томонидан жорий этилган тарбиянинг Фребелча системасини рус ҳаётига механик тарзда кўчиришга қаратилган эди. Журналда ҳаракатли ўйинларнинг вазифалари ва тарбиявий аҳамияти ёритилар, рус халқ куйларидан фойдаланиб яратиладиган ва рус кишилари меҳнати фаолиятини акс эттирувчи ҳаракатли ўйинларни яратиш зарурлиги ҳақидаги фикрлар айтилар эди.

Ўша даврнинг машҳур педагогларидан Н. И. Пирагов, кейинчилик эса Е. Н. Водовозова, П. Ф. Каптерев ва бошқалар боланинг жисмоний тарбиясида ҳаракатли ўйинлар унинг ёш хусусиятларига мос фаолият ва ҳар томонлама ривожлантириш воситаси, сифатида биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган эдилар.

П. Ф. Лесгафтнинг ҳаракатли ўйинлар назарияси ва методикасини яратиш. Атоқли рус педагоги П. Ф. Лесгафт Россияда

жисмоний тарбиянинг оригинал системасини ишлаб чиқди. Бу системада ҳаракатли ўйинлар катта ўрин эгаллади.

Лесгафт таърифича ўйин болани ҳаётга тайёрлашга ёрдам берувчи машқ ҳисобланади. Бу машқ мустақил фаолият бўлиб, унда боланинг шахсий ташаббуси ривожланади ва ахлоқий сифатлари тарбияланади.

Лесгафт ҳар бир ўйин муайян мақсадга эга бўлиши, шакли эса бу мақсадга жавоб бера олиши керак, деб кўрсатган эди. Бунинг учун ўйиндаги ҳаракатлар боланинг ўзини бошқара олиш малакасига мос бўлишига ва «жуда қониқиши ҳисси» уйғотишига; бу ҳаракатлар системали машқларда олдиндан ўзлаштирилишига эришиш зарур.

Ўйинларни мазмуни ва қоидаларига кўра аста-секин мураккаблаштириб бориш лозим. Лесгафт ўйин варианtlарига янги шартлар, машқлар, ҳаракатларни киритишни тавсия этади. Бу билан таниш ўйинларни юқорироқ талаблар асосида такрорлашга, шунингдек, болаларга уларда ўйинларга қизиқишини сақлаб қолган ҳолда мунтазам таъсир этишига эришиш лозим.

Ўйинда роль ва ҳаракатларни тасдиқлаш ўйновчилар ихтиёрида деб билади (яъни, ўйин ўз-ўзини бошқариш йўли билан амалга оширилади). Болаларнинг ўйин қоидаларига қонунга риоя қилганда онгли ҳамда иштиёқ билан муносабатда бўлишлари муҳимдир.

Лесгафт ҳаракатли ўйинларни бола шахсини ҳар томонлама тарбиялаш, унда ҳалоллик, ростгўйлик, вазминлик, интизом, ўртоқлик каби ахлоқий сифатларни ривожлантиришининг қимматли воситаси деб ҳисоблайди. Унинг «Биз ўйинлардан уларни (болаларни) ўзларини тутишга (яъни салбий ҳисларни енгизшга) ўргатиша фойдаланишимиз керак», деган сўзлари машҳурдир.

Ўйинда «уларни ўз тарқоқ ҳисларини жамлай олиш ва шу аснода ўз ҳаракатларини ақлга буйсундиришга»¹ ўргатиш лозим.

Лесгафт ҳаракатли ўйинларни мунтазам ўтказиш болаларда ўз ҳаракатларини бошқаришни ривожлантиришга ёрдам беради, улар гавдасини тартибга солади, яъни турли зўриқишида ҳаракат қилишга ўргатади. Ўйинлар болани жуда чаққонлик, муайян мақсад ва тезкорлик билан ҳаракат қилишга; қоидаларни бажариш, ўзини, тутиш, ўртоқликни қадрлай олишга ўргатади.

П. Ф. Лесгафтнинг юқоридаги қоидалари ҳаракатли ўйинлар назарияси ва практикасини ривожлантириш учун асос бўлади.

Совет педагогикаси Лесгафтнинг асосий назарий фикрларига таяниш билан бирга унинг айрим назарий тавсияларига танқидий қарайди.

Лесгафт ўзининг машҳур «Теория прибавочных раздражителей» («Қўшимча қўзғатувчилар назарияси») да болага таъсир этувчи кучли қўзғатувчилар унинг таъсирчанлигини сусайтиради,

¹ Лесгафт П. Ф. Руководство по физическому образованию детей школьного возраста. Собр. т. I. Соч. М., 1953, IV т., 270-бет.

деб таъкидлайди. Шунинг учун у рағбатлантириш, жазолаш, гимнастика снарядларида машқлар, мусобақалар каби кучли ҳистайғу үйғотадиган тадбирларни рад этади.

Совет педагогикаси Лесгафтнинг юқоридаги қоидаларини тұғри анализ қилиб, уларни юзага көлтирувчи сабабларни күрсатиб беради.

Лесгафтни жазолаш ҳақидаги фикри үша вақтдаги тан жағосини құлланиб таъсир этиш билан боғлиқ эди: бола бурчакка турғизилар, тиззалағылар, тушликдан маҳрум қилинар эди ва ҳоказо. У бундай жазо болага жисмоний ва маңынавиіт зарар келтиради: у ҳаракатсиз ҳолатдан толиқади, унинг инсоний қадр-қиммати камситилади, деб тұғри ҳисоблар әди. Лесгафт тушунчасидаги жазолаш болапи үйиндан фақат вақтынча чиқарып қўйишдан иборат әди. Ҳозирги замон мактабгача тарбия педагогикасида үйиндан бир марта чиқыш қоидада бор бўлиб, у болаларда норозилик үйғотмайди. Бундан ташқари үйиндан чиқиш кўпинча йўл қўйилган хатони тузатиб олиш таклифи билан алмаштирилади (ўйин сигналига эътибор қилиш, фақат кўрсатилган жойда тўпланиш ва ҳ. к.). Болаларнинг үйинда илиб олиш, чап беришда хитоб-ҳаяжонига келсак, уларни болаларнинг шовқинча ва үйин қоидасини бузишга айланмаслиги керак бўлган эмоционал ҳолати билан изоҳлаш мумкин.

Рағбатлантиришга ҳозирги пайтда болада қўйилган вазифани бажариш ва үз имкониятларига ишоғчни мустахкамлашнинг қизиқтирувчи воситаси сифатида қаралади. Лесгафт рағбатлантиришни фақат ахлоқий мулоҳазаларга кўра рад этар әди. У болаларни үйин ҳаракатларини ҳеч бир манфаатдорликсиз мақтов кутмасдан бажаришга ўргатар әди.

Лесгафт шунингдек, мусобақаларни ҳам ахлоқий мулоҳаза билан рад этар: унинг фикрича мусобақалар шахсий ғалаба кетидан қувишга олиб келар әди.

Ҳозирги пайтда мусобақалардан фойдаланиляпти, чунки улар метод сифатида қизиқиши, эмоционал кўтарнишилик, үйин ҳаракатларини яхши бажаришга интилиш үйғотади, ҳаракат кўнинчаларининг такомиллашишига ёрдам беради. Бироқ ҳозирги кунда мусобақа элементлари мактабгача тарбия ёшдаги болалар үйинига фақат уларнинг жисмоний кучлари, ва имкониятлари синчиклаб ўрганилгач ҳамда раҳбарлик услугиби үйнаб чиқилгандағина жорий этилади.

П. Ф. Лесгафт қоидаларининг В. В. Гориневский ва Е. А. Аркин ишларыда ривожлантирилиши. П. Ф. Лесгафтнинг ҳаракатли үйинлар ҳақидаги асосий қоидалари В. В. Гориневский томонидан янги ижтимоий тарихий шароитларга мувоғиқ ривожлантирилди.

Гориневский ҳаракатли үйинларни ҳаракат фаолияти ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ҳар томондама тарбиялашнинг асосий тури ва воситаларидан бири деб ҳисоблар әди.

Гориневский болаларбоп үйин сюжетини ҳозирги замон жамият ҳаёти талабларига кўра танлаш муҳимлигини таъкидлаган әди.

Ҳаракатли ўйинлар жараеннида болаларда ахлоқий-иродавий сифатлар тарбиялапади, шунинг учун ўйин бола шахсини шакллантириш воситаси ҳисобланади. Гориневский болаларда ўйин пайтида вужудга келадиган эмоцияларга соғломлаштириш компоненти сифатида жицдий аҳамият берар экан, қувонч ва қувноқликни ўйин фаолиятининг мажбурий шартларидан бири, уларсиз ўйиннинг болалар учун моҳияти қолмайди, деб ҳисобларди.

Гориневский тарбиячидан эмоционаллик, ҳаракатлар эстетикасини, болага индивидуал ёндошиш, ўйин қоидаларига риоя қилишни талаб этган ҳолда ҳаракатли ўйинларни ўтказиш методикасига жицдий талаблар қўяр эди. У ўйинларга жазава, жўшиш, бир-бирига нисбатан фаразлардан ҳоли бўлган болаларбоп мусобақа элементларини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги масаласини қўйган эди.

Агар тарбиячи мусобақага зарурий раҳбарликни қила олса, бу ўйинга эмоционаллик бахш этиши ва «ўйиндан болаларда ижобий ахлоқий сифатларни тарбиялаш мақсадларида фойдаланиш мумкин», деб таъкидлаган эди Гориневский.

Е. А. Аркин ҳаракатли ўйинни болани ривожлантиришнинг қудратли ва алмаштириб бўлмас воситаси, мактабгача тарбиянинг асосий ричаги, деб ҳисобларди.

Ўйинларнинг турили жисмоний машқларга нисбатан устунлигини унга алоҳида қизиқарлилик бахш этадиган кучли эмоционаллигига, болалар кучини сафарбар қилишда, қувонч ва қониқищ уйғотишда; йирик мускулларнинг катта қисми ишига ёрдам беरувчи ҳаракат фаолиятига ҳарактерида (югуриш, сакраш, улоқтириш); толиқишининг олдини олувчи хилма-хил ҳаракатларда; болаларнинг ҳаракатлар суръати ва кучини ўзлари бошқара олишлари мумкинлигига; шахсий ташаббус кўрсата олиш ва ботирлик, интизом, топқирилик ва ҳоказолар каби психик сифатларни ривожлантиришда кўради.

Ҳаракатли ўйинлар Аркин фикрича, организмни ҳаракат аппаратини ривожлантириш ва такомиллаштириш билан мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ўйинлар болаларни интизомга, диққатни бир ерга тўплай олишга ва ҳаракатларни планлаштира олишга ўргатади.

Бироқ, ўйин илк ёшдан ҳаётбахш куч бўлиб қолиши учун унга онгли, тажриба ва меҳр билан раҳбарлик қилиш лозим¹.

Ўйин қоидаларига кўнгилли равишида риоя қилиш, ҳамманинг ягона нормага бирдек бўйсуниши шахсий ҳалоллик ва социал интизомнинг илк мактаби сифатида катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Тарбиячи катта группа болаларига ўйинни ўтказишда, ролларни тақсимлашда, қоидага риоя қилишда имкони борича мустақиллик беради. Бироқ агар болалар вазифаларни нотўғри ҳал этса-

¹ Қаранг: Аркин Е. А. Дошкольный возраст.. 1948, 250 бет.

лар, бунда педагогнинг одоб билан аралашуви ва ўйиннинг тўғри ва қизиқарли ўтиши учун қайфуриши зарур бўлади.

Тарбиячининг ўйинни унинг болага ҳар томонлама таъсирини ҳисобга олиб танлаши, ўйинда қатнашиши зарур бўлганда тушунтиришни вазмин ва шу билан бирга кўтарики тарзда олиб бора олиши, ролларни тақсимлаши, якун чиқариши — бу ҳар бир тарбиячи эгаллашга интилиши керак бўлган катта санъатдир, деб таъкидлаган эди Аркин.

Шундай қилиб, П. Ф. Лестгафтнинг ҳаракатли ўйинлар назарияси унинг издошлари томонидан ижодий ривожлантирилди.

В. В. Гориневский ва Е. А. Аркин врач-гигиенистлар сифатида аввало мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг хусусиятларига ўтиборларини қаратдилар. Бу уларнинг эмоциялари, болалар камолотида ёшга оид ўзига хосликлар ва уларни ўйинларни мустақил ташкил этишдаги мураккаб талабларга тайёрлашдаги астасекинликни ҳисобга олиш хақидаги тавсияларида акс этган.

Хозирги вақтда ҳаракатли ўйинлар проблемаси мактабгача тарбия ёшидаги болани ҳар томонлама тарбиялаш ва ривожлантириш воситаси сифатида илмий ва практик ходимларнинг тадқиқот предмети бўлиб қолмоқда. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга мўлжалланган ҳаракатли ўйинлар мазмуни, уларни ташкил этиш ва методикасининг алоҳида масалалари бўйича А. И. Бикова, М. М. Конторович ва Л. И. Михайлова, Т. И. Осокина, Е. А. Тимофеева, Л. В. Артемова ва бошқа авторларнинг ишлари мавжуд. Кейинги йилларда қатор тадқиқотлар ўтказилди ва улар натижасида қўйидагилар аниқланди: б ёшли болаларга мўлжалланган ҳаракатли ўйинларда мусобақа методлари ва ижодий топшириқлардан фойдаланишининг самарадорлиги (Л. М. Коровина); катта группадаги болаларни уларнинг улғайиш босқичида асосий ҳаракатларга ўргатишнинг мақсадга мувофиқлиги (Н. В. Потехина); катта ёшли болаларда ҳаракатли ўйинлар орқали фазода мўлжал олиши шакллантиришнинг самарадорлиги (Э. Я. Степаненкова); кичик ёшдаги болаларда ҳаракатли ўйинлар давомида асосий ҳаракатларни ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлиги (Я. А. Тимофеева). Ҳаракатли ўйинларга илфор тажрибани акс этирувчи амалиётчи ходимларнинг ҳам мақола ва китоблари бағишиланган, чунончи, спорт ўйинлари элементлари билан ўтказиладиган ўйинлар мазмуни ва методикаси проблемаси бўйича В. И. Васюкова, Н. Г. Кожевникова, Т. К. Лобовалар, ҳаракатли ўйинлар мазмуни ва методикаси проблемаси бўйича Е. А. Аронова, К. В. Вербицкая, Н. Н. Қильпо, Л. А. Қиселева ва бошқа кўплаб кишилар ишлашган.

3-§. Ҳаракатли ўйинларнинг болани ҳар томонлама тарбиялаш воситаси сифатидаги аҳамияти

Ўйин фаолияти қайси формада ифодаланмасин болани қувонтиради, ҳаракатли ўйин фавқулодда хурсандчилликнинг хилма-хил моментлари билан, айниқса ижобий ҳислар ўйфотишга хизмат қи-

лади. Улкан тарбиявий күч ана шу қувончли эмоциялар манбададир.

Үйинларнинг мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг коммунистик тарбиясидаги катта аҳамияти ҳақида Н. К. Крупская қайта-қайта гапирган эди: «Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун уйин катта аҳамиятга эга: уйин улар учун меҳнат, уйин улар учун тарбиянинг жиддий формасидир»¹.

Н. К. Крупская фикрларида үйиннинг жисмоний камолотдаги аҳамияти ҳақида ҳам гапирилади.

«Жисмоиан чиниқтирадиган, меҳнат кўнилмаларини ривожлантирадиган, кўз мўлжалини яхшилайдиган, чаққонликни ўстирадиган кўплаб үйинлар мавжуд. Чаққонликни, кучни, нимонга теккизишни ўстирадиган ва меҳнатда улкан аҳамиятга эга бўлган шунга ўхашаш барча нарсаларни мактабгача тарбия муассасалирида қўллаш фавқулодда муҳимдир»².

Ҳаракатли үйинлар ролининг муҳимлиги улар тематикасини, мазмунини синчиклаб анализ қилиш ва шунга мувофиқ турли ёшдаги болалар учун ташлашни талаб этади³.

Ҳар қандай үйин — хоҳ у ижодий, дидактик, музикали, шунингдек, ҳаракатли бўлмасин болаларнинг атроф-муҳитни билишида ўзига хос восита ҳисобланади.

Ҳаракатли үйинлар мазмунида бола дунёқарашини кенгайтирувчи ва тасаввурини аниқлаштирувчи кўплаб билиш материали мавжуд. Сюжетли үйинлар тематикасини одамлар ҳаёти, табиат ҳодисалари, ҳайвонлар оид айрим эпизодлар ташкил этади. Буларнинг ҳаммаси болалар томонидан ўзига хос шартли үйин формасида акс эттирилади («Саёҳатчилар», «Учувчилар», «Фозлар-оққушлар», «Лочин ва курк товуқ» ва бошқалар). Бироқ бола ташқи дунёни тўғри идрок қилиши учун (ўйиннинг барча шартларига риоя қилган ҳолда) образнинг тўғри характеристикиси ва ҳаққоний үйин вазияти зарур. Бу педагог томонидан ўйинни тушуниришда эмоционал тарзда баён этилади. Халқ үйинлари бунинг ажойиб намунаси ҳисобланади. Улардаги үйин вазияти болани қизиқтиради ва тарбиялайди, баъзи үйинларда учрайдиган диалоглар, персонажлар ва улар ҳаракатларини бевосита ҳарактерлайди («Лочин ва курк товуқ», «Фозлар-оққушлар» ва бошқалар). Сюжетга эга бўлмаган ва фақат муайян үйин топшириқларидан тузилган үйинларда ҳам боланинг сенсор қобилиятини, тафаккурини, мўлжал олишини ривожлантиришга ёрдам берувчи кўплаб билиш материали мавжуд («Ким ўзар», «Тўп мактаби» ва ҳоказо).

Қоидалар катта тарбиявий аҳамиятга молик. Улар үйиннинг боришини белгилайди, болалар ҳаракат фаолиятини, уларнинг

¹ Крупская Н. К. О дошкольном воспитании. М., 1973, 207-бет.

² Ўша ерда, 155-бет.

³ Қаранг: Программа воспитания и обучения в детском саду. М., 1984, «Физическая культура» бўлими.

ҳатти-ҳаракати, ўзаро муносабатларини йўлга солади, ахлоқий-иродавий сифатларни тарбиялашга ёрдам беради. Коида ўйинда муайян шароит яратади. Бунда, бола ўйинга тегишли раҳбарлик қилинганда ўзида ҳосил қилинган сифатларни намоён қилмасдан туролмайди. Масалан, болалар «Айёр тулки» ўйинида фақат тулки: «Мен шу ердаман» деганидан сўнггина доирадан чиқиб турли томонларга қочишлари мумкин. Бу коида болаларда диққатни, ўзини тута билишни, чидамлилини, берилган сигналга тезкор реакцияни, фазода мўлжал олишни ҳосил қиласди.

Коидаларни оғишмай бажаришни талаб қилиш мақсадга эришишдаги эгоистик эмоциялар ва кайфиятни енгишга ёрдам беради. «Коида бола ҳатти-ҳаракатини колектив талабига мувофиқ бошқарадиган ва йўналтирадиган биринчи социал стимул ҳисобланади. Ўйинларда теран ҳиссисёт, ўртоқлик ва меҳр-муҳаббатнинг дастлабки пиншоналари пайдо бўлади»¹.

Кичик группаларда қоидалар болалар томонидан ўйин ривожланиши давомида юзага келадиган мажбурий, зарур жавоб ҳаракати сифатида идрок қилинади (кўёпчалар айиқ пайдо бўлиши билан буталар орасига қочиб кетадилар; чумчуқлар автомобиль кўринини билан йўлдан учиб қочадилар). Болалар ўйин қоидаларини ҳали «қонун» сифатида англамасдан туриб ҳозиржавобликка ўрганидилар: бир томондан ўйин сюжетига кўра (қуёнчалар айиқдан қўрқдилар), иккинчи томондан муайян сигналга нисбатан ҳосил қилинган шартли рефлексга кўра ҳаракат қиласдилар.

Л. Ф. Артемова матьлумотларига қараганда катта группаларда қоидаларга ва уларни албатта бажаришга онгли муносабат болаларда аста-секин ва турли вақтда ҳосил қилинади. Болалар дастлаб қоидаларни педагог раҳбарлигига, кейинчалик болалар коллективининг қоидаларнинг ижтимоий аҳамиятини англаған айрим аъзолари таъсири остида бажарадилар; ниҳоят қоидалар болаларнинг ижтимоий хулқи-атвори нормаларини бевосита белгиловчи омилга айланадилар.

Дастлаб болалар ўйин вазифаларини тезроқ бажариш пайида бўлиб қоидаларни унтиби қўядилар, бундан ташқари ютуқقا ва унга энг осон йўл билан эришишга интилиш ҳам қоидани бузишга сабаб бўлади. Бу ўз павбатида ўйинчиларда порозилик ўйғотади, зиддият туғдиради ва болалар ўртасидаги муносабатни ёмонлаштиради.

Ҳар бир боланинг ўйин қоидасини англаши ва унга риоя қилишида катталарнинг талаби ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Аста-секин тарбиявий таъсир қилиш туфайли болаларнинг ўйин жараёнига муносабати ўзгара бошлайди, ўйин ҳаракатлари ва қоидаларини бирмунча аниқ бажаришга қизиқиш ва интилиш пайдо бўлади. Ўйин қоидаларини бажармаслик сабаблари ҳам ўзгарди. Энди болалар уларни атайн әмас, тасодифан бузадилар,

¹ Аркин Е. А. Дошкольный возраст. М., 1948, 255-бет.

бироқ шу заҳоти йўл қўйилган хатони тузатишга ҳаракат қиласди-
ган бўладилар.

Болаларни қоидаларнинг ижтимоий аҳамиятини англашга сис-
темали, чидам билан тайёрлайдиган тарбиячи раҳбарлигига улар
ҳалоллик, адолатлилик, дустлик, ботирлик, ўзини тута билиш,
қатъиятлик, ирода каби яхши сифатларни шакллантиришининг са-
марали воситасига айланади. «Бола томонидан аста-секин ўзлаш-
тириладиган бундай ҳаётий муҳим ахлоқий сифатлар бола шахси-
нинг ички маънавий мулкига айланади¹. Буларнинг ҳаммаси
қоидали, ҳаракатли ўйинларни болаларни ахлоқий тарбиялаш-
нинг таъсирчан воситаларидан бири сифатида белгилашга асос
булиб хизмат қиласди.

Ўйин фаолиятида диққатни, идрокни ривожлантириш, мавжуд
тафакур, тушунча ва мўлжал олишни аниқлаштириш учун қулай
шароит яратилади; ўйинлар ижодий хаёл, хотира, топқирлик, фикр
юритиш активлигини ривожлантиришга ёрдам беради. Шундай қилиб,
ҳаракатли ўйинлар боланинг ақлий ривожланишига ёрдам
беради.

Болаларнинг психик жараёнларини такомиллаштиришда об-
разли, эмоционал методика катта аҳамият касб этади, у болалар-
да қизиқиш ўйғотади, хаёлни жалб этади, ўйин ҳаракатларини
ижодий бажаришга ундейди.

Психологлар тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, бола ўйин
фаолияти туфйили фазо ва предмет воқелигини амалга
узлаштиради, шу билан бирга фазони идрок этиш механизмининг
ўзи ҳам жуда такомиллашади.

Ўйинда фазони идрок этиш ўзининг асосий формаларида на-
моён бўлади: бевосита; ҳиссий билиш — сенсор (ҳиссий-образли)
ва билвосита (мантиқий тафакур, тушунча). Масалан, бола то-
монидан ҳаракат ўйналишини мустақил танлаш ва ҳаракатни ўйин
қондасида қатъий белгиланган ўйналишда бажариш бир томон-
дан ўйин вазиятини (бевосита идрок қилинадиган) ва кўриш-мо-
тор реакциясини (ўйин ҳаракатларини) дарҳол баҳолашни, иккин-
чи томондан ўз ҳаракатларини фазо-ўйин муҳитида англаш ва та-
саввур қилиш ҳамда ўша кўриш мотор реакциясини намоён этиш-
ни талаб қиласди. Ҳаракатли ўйинда бу икки компонент ўзаро
ҳаракатда бўлади. Педагог томонидан ишлаб чиқилган ўйин қонда-
лари бола ҳаракати учун фазода олдиндан мўлжал олишнинг за-
тур имкониятини яратади; айни пайтда ўйин вазиятидаги тўсат-
дан бўладиган ўзгаришлар (бошловчи ҳаракати ёки сигналлар
билан боғлиқ равишда) ҳаракат планини бузади ва жуда мураккаб —
болаларнинг тезкор реакцияси ҳамда фазода мўлжал оли-
шини талаб қиласди («Икки аёз», «Сеҳрли таёқча», «Жасур бо-
лалар», «Маймунлар ва овчилар» ва ҳоказо ўйинлар).

¹ Запорожец А. В. Игра и её роль в развитии ребёнка дошкольного возраста. М., 1978, 7-бет.

Бундай реакция боладаги ўз фаолияти ва ҳаракатларини мұайян мұхитга мослаш қобилятининг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Бунда болага тарбиячи ёрдам берishi лозим. Бунда тарбиячи болани аста-секин ўйин вазияти ва қўйилган вазифага эришиш заруратини ҳисобга олган ҳолда бирмунча муваффақиятли ҳаракат усулини топишга ўргатади. Масалан, айнаң бир ўйинни катта ва чекланган фазода ўтказганда бола бошловчидан тез ва узоққа қочиш усулидан фойдаланади ёки унга яқин жойда туриб чаққонлик ва абжирлик кўрсатади («Тузоқ», «Айёр тулки» ва ҳоказо).

Атроф-мухитда мүлжал олишга ўйин вазифасини бажариш йўлида атайн яратилган тўсиқлар ҳам ёрдам беради («Чамбаракдан ўтиб байроқча томон югуриш», «Бўри жарликда», «Жасур болалар» ва ҳоказо). Бу болаларда маъқул ҳаракат усулини ма-софани етарлича ривожланган кўз билан баҳолаш ва ҳаракатларни бажариш вақтини ҳисобга олишга таянган ҳолда мустақил танлаш қобилятини ҳосил қиласди.

Боланинг тарқалган ҳолда тез ҳаракат қилаётган болалар орасида мүлжал ола билиши жуда мұхим ҳисобланади. Бу тинимсиэ ўзгариб турадиган ўйин вазиятига нисбатан тезкор реакция кўрсатиш заруратига кўра бирмунча мураккабдир. Бироқ катта группа болалари ўйинларни такрорлаш жараёнида бу кўниkmани муваффақиятли эгаллайдилар («Тузоқ», «Лайёр тулки», «Қувлашма-чоқ» ва бошқалар).

Бола ҳаракатли ўйинда предметларнинг, одамларниң яқин узоқлигини аниқлашни машқ қиласди, шу туфайли унда кўз билан баҳолаш, шунингдек фазовий эшлиши мүлжали ривожланади («Узоқ яқин», «Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда», «Кўз боғлаш ўйини» ва ҳоказо).

Э. Я. Степаненкова тадқиқотида болаларнинг предметлараро фазовий муносабатлар: олдинда, орқада, ўргада, чапда, ўнгда, ўнгга, чапга, устида, остида, орқали, ёнида, пастда, юқорида, ораглигиде, қарама-қаршисида, кетма-кет ва ҳоказо ҳақидаги тушунчаларини аниқлаштирувчи ўйинлар кўрсатилган («Тезроқ юр», «Тўкиш», «Ким тезроқ», «Чамбарак орқали байроқча томон югуриши», «Лочин ва курк товуқ», «Тўпни кенглилараро думалатиши» ва ҳоказо).

Ҳаракатли ўйинлар болаларда оддий ва қт мүлжалини шакллантиради. Улар қуйидагиларда ифодаланади: ўйин ҳаракатларининг изчиллигини тушуниб олишда — аввал, сўнг, бундан кейин, бундан олдин, барини бир вақтда ва ҳоказо каби ўйин топшириқларини сигналга кўра, болалар учун белгиланган муддат доирасида тез бажаришда, масалан, «Мен бешгача санагунимча сиз байроқчалардан бирорта нақш ясашингиз керак», «Ким бубента уч марта ургунча сафлана олади?» ва бошқалар. Бу ўйинлarda бола фазода мүлжал олишини, ҳаракатлар изчиллиги ва уларга вақт давомида амал қилишини машқ қиласди.

Үйинлар мазмунини, бутун үйин вазиятини, унинг қоидалари-ни, персонажлар ҳаракатини мустақил тушунтириш; болаларнинг жойлашиш ўринини. Үйин атрибуутларини ва ҳаракат йуналишларини фазовий терминларни ишлатган ҳолда кўрсатиш; утказилган үйинга баҳо бериш болаларнинг ақлий ривожланишига хизмат қиласи (Э. Я. Степаненкова).

Ҳаракатли үйинлар боғча ёшидаги катта болаларда ижодийликни ривожланиши учун қулайлик яратади. Л. М. Коровина маълумотларига кўра, 5—6 ёшли болалар тегишлича раҳбарлик қилинса узларига таниш үйиннинг варианatlарини ўйлаб топишлари, унинг мазмунини мураккаблаштиришлари, қоидаларини тўлдиришлари мумкин. Кейинчалик болалар адабий асарлар, эртаклар сюжети асосида кичик үйинлар ўйлаб топишлари, ақлий ва ижодий камолотнинг юқори даражасига эришганларида эса, ўзлари ижод қилган сюжетлари асосида ҳаракатли үйинлар яратишлари мумкин.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ижодий активлигининг ривожланиш жараени барча ёш группалардаги тарбияланувчиларнинг топшириқларга ва уларни амалга оширишга эмоционал муносабати билан характерланади. Бунда тарбиячи раҳбарлигининг умумий ижодий йўналғанлиги, унинг болалар изланишларига хайриҳоҳлик муносабати катта аҳамиятга эга.

Ҳаракатли үйинлар ўз мазмунни ва формасига кўра эстетик фанолият ҳисобланади. Үйин ҳаракатларининг ранг-баранглиги уларни болалар аниқ чаққонлик билан, узига хос ифодали бажаришларида характерланади. Болалардаги кўтаринкилик үйин фанолиятига эмоционал тус берган ҳолда, ҳаракатларни жуда сифатли бажаришда намоён бўлади ва уларда ҳаракат жараёшининг ўзидаи қониқиши ҳиссини үйғотади. Бир ёки бир неча доирага, шеренга, колоннага, «фигура» бўлиб туриш каби хилма-хил сафланишлар ҳаракатларниг аниқлигини, хушқоматлиликни, ихчамлиликни талаб қиласи вя болаларда эстетик ҳисни ўстиради. Үйин кўришишининг гўзаллиги энг аввало қатишувчиларнинг ўзлари идрок этадиган физкультура формасининг бир хил бўлиши билан ифодаланади.

Үйинлар, айниқса халқ үйинларининг эстетик таъсири үйин бошланмалари, диалоглар, саноқлар туфайли кучаяди. Уларда оригинал нутқ оборотлари, бетакрор рус оҳангларининг нафосати, ритмик аниқлик, саноқларда эса тортишув характеридаги нарсалар мавжуд. Масалан:

Тоғларда саир этдим тавоқда тарақ-турук,
Энди сен минавергни. менинг эса мингим йўқ.

Мана «Қалхат ва курк товуқ» халқ үйинининг бошланмаси:

Қалхатни айланаман,
Тақиңчоқлар таққанман.
Уч марта нина уриб,
Маржонимни қўйдим қадаб.

Еқамни туширгандын,
Бүйнімни бұғдым жиндак.

Болаларнинг севимли асарларидан олингаң замонавий саноқ-
лар жуда қизиқарлы жаранглайды. Масалан:

Курпачам қочди дик-дик
Чойшабым учди ҳұнграб.
Естигим ҳам бақадай,
Қочди мендан жилпанглаб.

(К. Чуковский).

Ҳаракатли үйинлар тұпламларыда «Еще вейся плетень» («Че-
тан девор») «На зеленом лугу» («Яшил майсазорда») ва бошқа
текстли үйинлар мавжуд. Болаларнинг ҳаракатларни сұзларга
мувофиқ бажариши бу ҳаракатларни ритмлаشتыради, координати-
цион механизмларни чиниқтиради, кувончли эмоциялар уйғотади.

Музика болага жуда катта эстетик таъсир күрсатади: у болаларни руҳлантиради, уларни умумий бир кайфиятга бирлаشتыради, чиройлироқ ҳаракат қишлигла ундайды. Музикани ҳаракатли үйинларга құллаш, аввало, унинг эстегик-тарбиявий ролини оқла-
ши лозим, Бунда болаларнинг музика асарлари харкети ва формасыга мувофиқ ҳаракат қишлишлари мұхимдір. Шуни ҳисобға олиб, музикани үйиннинг фақат айрим қысмларига жорий этиш лозим. Масалан, «Құвлашмақоқ» үйиніда барча болалар даст-
лаб үз ҳаракатларини музикага мослаган қолда осонгина тарқаб чопиб кетишләр мүмкін. Музика асарининг охира вә шу билан боғлиқ равища унинг тиниши құвлаш ҳаракатининг бошланиши учун үзіга хос сигнал бүлиб хизмат қилади (буни мақсадға му-
вофиқ қол деб ҳисоблаш керак, чунки болалар ушлаб олиш вак-
тида музикани идрек қылмайдылар). Агар үйин чөғида «Ушла» деган оғзаки сигнал берилса, бундай пайтда ҳаракат музиканинг тинишига аниқ мос көлиши лозим.

Ҳаракат үйинларни ўтказиша ҳаракатлар гүзәллиги ва маданиятини унутмаслик: диққатни ҳаракатлари бирмұнча ифодали болаларға қаратыши, образни мұваффақиятли бера олғанларни рағбатлантириш керак.

Шундай қиilib, ҳаракатли үйинларда мужассамлашган эмоционал соғломлаشتыриш, билиш ва тарбиявий компонентларнинг бутун комплексідан фойдаланиш болаларни ҳар томонлама тарбиялаш вазифаларини амалға оширишга ёрдам беради.

4- §. Үйинлар тавсифи

Ҳаракатли үйинларнинг күп қиrrали тарбиявий ақамияти, уларнинг мактабгача тарбия ёшындағы болалар учун мослиги, үйинлар ёрдамида яратыладын қувонч, болаларни жалб қилювчи фаолият мұхити — буларнинг ҳаммасы ҳаракатли үйинлар улар кундалик ҳаётининг әнг қимматли ажралмас йўлдоши эканлигини күрсатади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга мүлжалланган ўйин-ларнинг турли тавсифлари мавжуд.

Ўйинлар мазмунига кўра қўйидагиларга бўлинади: қоидали ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинлари. Спорт ўйинларида энг аввало мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ёш хусусиятлари хисобга олинади, шунинг учун фақат уларбоп, содда, бироқ ҳаракат техникаси қоидалари, ўйинни ташкил этишининг ҳақиқий элементлари танланади. Шу туфайли ўйин омиллари болаларда катта кишиларда бўлганидек, жисмоний ва асабий зўриқиши уйготмайди. Айни пайтда улар болаларда ҳаракатларнинг мақсадга интилганлигини қунт, интизомлилик, ўртоқлик ва масъулият ҳиссини, спортга муҳаббатни тарбиялади.

Ҳаракатли қоидали ўйинларга сюжетли ва сюжетсиз ўйинлар киради. Спорт ўйинларига эса волейбол, баскетбол, бадминтон, городки, лапта, стол тениси, футбол, хоккей киради.

Сюжетли ҳаракатли ўйинлар ҳаётий ва афсона-вий эпизодларни шартли формада акс эттиради. Болаларни ижодий амалга ошириладиган ўйин образлари жалб этади (чумчуқлар ва автомобиль, учувчилар, бўри ва ғозлар, маймунлар ва овчилар).

Сюжетсиз ҳаракатли ўйинлар болалар учун қизиқарли бўлган, тушунарли бўлган мақсадга эришишда уларга ёрдам берувчи ҳаракатли ўйин топшириқларидан иборатdir. Улар ҳам ўз навбатида югуриб ўтиш, қувлашмаоқ ва ҳоказолар типидаги ўйинлар; мусобақа элементлари мавжуд ўйинлар («Кимнинг звеноси тезроқ сафланади», «Ким ўз байроқчасига тезроқ етиб бора олади ва ҳ. к.); мураккаб бўлмаган ўйин-эстафеталар (Ким тўпни тезроқ узатади), предметлар (тўплар, чамбараклар, серсо, аргамчиқлар, кегиллар) билан бажариладиган ўйинлар, ҳаракат мазмунига кўра фарқланадиган ўйинлар (кўп қўлланиладиган ҳаракат тури — югуриш, сакраш, улоқтириш ва ҳ. к.)

Шунингдек кичик ёшли болаларга мүлжалланган ўйин-эрмаклар («Чапак-чапак», «Шохли эчки» ва бошқалар) ҳам мавжуд.

Спорт ўйинлари. Тадқиқотларнинг маълумотлари (М. П. Голошекина, Э. И. Адашкявичене, Л. В. Карманова) ва амалиёт натижалари шуни кўрсатдики, болалар bogчаларининг катта ва мактабгача тайёрлов группаларида спорт ўйинларини ўтказиш мумкин экан. Улар болалар мусобақа, ўйин эстафетаси элеменглари мавжуд ҳаракатли ўйинларни уюшган ҳолда ўйнайдиган ва ҳаракатли ўйинни мустақил ташкил этадиган бўлганда аста-секин жорий этилади. Спорт ўйинлари ҳаракатли ўйинлардагидан кўпроқ ўзини тута билишни, уюшқоклики, кузатувчанилик, муайян ҳаракат техникасини, ҳаракатнинг тезкор реакциясини эгаллашни талаб киласди.

Софломлаштириш, таълимий ва тарбиявий вазифаларининг

бирлиги, улар ёрдамида ҳосил буладиган эмоционал құтарикилик, ҳаракатларни такомиллаштириш мүмкінлиги у ёки бу үйинни бирлаштириб турувчи белгі ҳисобланади. Бироқ, агар ҳаракатли үйинларда болалар ижодий ташаббус күрсатған ҳолда турли ҳаракатлардан фойдалансалар, спорт үйинларида ҳаракатлар-нинг бир қадар чегараланғанлығы күзатилади, бу мазкур үйиннің үзігін хос хусусияти ва ҳаракат фаолияти техникасининг аниқтылығы билан белгиланади. Спорт үйинларидан қатнашувчилар сони аниқ белгиланған, уларнің вазифалари тәксимланған, үйин муддатында вакытта чегараланған бўлади. Үйинларни үтказиш шартлари маҳсус тайёрланған жойни, белгиланған майдончани, («Городки» ва бошқалар) тегишли жиҳоз ва инвентарларни талаб қила-ди.

Юқорида күрсатилған үйинларда болалар спорт үйинлари техникасининг умумий талабларига жавоб берувчи тұғри күнікмаларни әгаллайдылар. Бу күнікмалар үйинларни күпинчалик қайта урганишни истисно этади ва мактабга тайёрланиш учун мұхымдир.

Болаларнің спорт үйинларини (баскетбол, волейбол, тенис) үйнаши учун улар тұпни әркін әгаллаш күнікмасында әга бўлиш мұхымдир. Тұп билан ҳаракат қилиш, тутиб олиш, илиб олиш ва ушлаб туриш, тұпни йұналишини белгилаб олиш, фазода тұғри мұлжал олиш каби зарур малакаларни ривожлантиради. Бундан ташқари мактабга тайёрлов группасыда болаларни программа (1984) талабларига мұвоғиқ айрим усууллар, масалан, тұпни олиб юриш (уриб қайтариш), илиб олиш, узатиш, бир-бирига отиш, шунингдек тұпни саватта ташлаш каби усуулларга үргатиш лозим. Бу ҳаракатлар баскетбол үйинининг асосий усууллари ҳисобла-нади.

Программада ва ҳаракатли үйинларнің мавжуд тұпламлары да тавсифға күп учрайдиган ҳаракат турига хос белгилар (югуриш ёки сакрашлар, улоқтириш, тирмашиш ва ҳ. к.) асос қилиб олинган. Ҳаракатли үйинларни асосий ҳаракатларнің ҳар бир тури бүйича таиплашда ёш группалари үртасидаги ворис-лика риоя қилинади. Бу тарбиячига үйинларни болаларда муайян ҳаракат күнікмаларнің шаклланиши билан боғлиқ равишда планлаштиришга ёрдам беради.²

М. М. Конторович ва Л. И. Михайлова³ тұпламыда үйинларни күп учрайдиган ҳаракатлар белгиларига күра таипланған үхаш группалардан ташқари болаларда мускул зўриқиши: кучли, үр-

¹ Қаранг: Адашкяевичене Э. И. мақоласи. Физическая подготовка детей 5—6 лет к занятиям в школе. Под. ред. А. В. Кенеман, М. Ю. Кистяковской, Т. И. Осокиной китобида М., 1980, 119—120-бетлар.

² Қаранг: Сборник игр к «Программе воспитания в детском саду». Сост. Е. Г. Батурина. М., 1975.

³ Қаранг: Конторович М. М., Михайлова Л. И. Подвижные игры в детском саду. М., 1961.

тача, суст ҳаракатчалик даражаснга қараб бўлиш қабул қилинган. Улар ҳаракатларнинг тури ва бажарилиш ҳарактерига кўра аниқланади. Бундай тавсиф ўйин материалини тахминлашни ва ўйинларни қўйилган вазифаларга кўра танлашни осонлаштиради.

Т. И. Осокина¹ ҳам ҳаракатли ўйинларни катта группаларда спорт ўйинлари элементларини қўшган ҳолда ўйинда кўп учрайдиган ҳаракатлар белгиларига кўра жойлаштиради.

Н. Н. Кильпио² китобида ҳаракатли ўйинлар тавсифига бъязи бир қўшимчалар мавжуд. Бунда предметлардан (байроқчалар, тўплар, таёқчалар, чамбараклар ва ҳ. к.) ташқари болаларда бирмунча мураккаброқ ўйин топшириқларига қизиқишини ўстиришга, чақонлик, фазода мўлжал олиш, ҳаракатлар координациясини такомиллаштиришга хизмат қиласидиган йирик гимнастик асбоблари асос қилиб олинган. Кўрсатиб ўтилган ўйин турлари ўз ичига асоснй, сафланиш ва умумривожлантирувчи машқларни олади.

Ҳаракатли ўйинлар вариантлари. Ҳаракатли ўйинларни ўзгартириб туриш мақсадга мувофиқдир. Бироқ вариантлар фақат ўйинни ранг-баранглантириш, болаларнинг унга нисбатан қизиқишини сақлаб туриш учунгина эмас, балки педагогик вазифалар — ҳаракатларни такомиллаштириш, бирмунча мураккаб ўйин ҳаракатлари, қоидаларини бажаришда ўйин вазияти шароитининг ўзгариши аскотадиган жисмоний сифатларни тарбиялаш учун ҳам зарур. Улар болалардан муайян ақлий ва жисмоний кучни ва шу билан бирга ўйинга нисбатан ортиб борувчи қизиқиши талаб қиласиди.

Масалан, «Ловишка» ўйинининг бир неча варианти мавжуд: «Ловишка, қўлнигни бер» варианти фазода мўлжал олишга ёрдам беради, топқирилик, ботирлик, ўртоқлик ҳиссини ривожлантиради; «Тўп билан ўйналадиган «Ловишка» мерганлик, абжирлик, фазода мўлжал олишни ривожлантиради, «Ленгталар билан ўйналадиган «Ловишка» ҳаракат характерини, суръатини ўзgartиртиш, абжирлик, фазода мўлжал олиш малакасини ривожлантиради; «Оёқни ердан узиб ўйналадиган «Ловишка» фазода жойлашган предметларро мўлжал олишни, эпчилик, абжирлик, топқирилик кўрсатишга ёрдам беради.

Ҳаракатли ўйинлар вариантларини тарбиячининг ўзи яратиши мумкин. Бунда у ўз группасидаги болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланганлигини ҳисобга олади ва уларга қўйиладиган талабларнинг тобора ошиб боришини кўзда тутади. Айрим ўйинлар тўпламларида тахминий вариантлар ҳам кўрсатилган³.

¹ Қаранг: Осокина Т. И. Физическая культура в детском саду, М., 1978.

² Қаранг: Кильпио Н. Н. 80 игр для детского сада. М., 1973.

³ Қаранг: Сборник игр к «Программе воспитания в детском саду». Сост Е. Г. Батурина, 1974; Н. Н. Кильпио. 80 игр для детского сада. М., 1973.

Ҳаракатли ўйинлар ва махсус танланган машқлар муносабати¹.

Ҳаракатли ўйинлар ва махсус машқлар ўзаро бөглиқдир; ҳаракат күнікмаларини такомиллаштиришга, учничи босқычда боланинг күнікмани ижодий құллай олишига тайёрлиги билан ҳарактерланадиган ўзига хос жараённинг давоми сифатида қараш лозим.

Н. В. Потехина маълумотларига күра ҳаракатли ўйинларга мунтазам ўргатиш кейинчалик болаларнинг махсус танланган машқларни ўрганиш босқычиде орттирган малака ва күнікмаларининг такомиллашувига олиб келади.

Қызықарлы вазифага бериліб кетиш болага машқ худди шу ҳаракатларни бажариш даражасидан устунроқ бұлған ҳаракаттарнинг юқори техникасини әгаллашга ёрдам беради. Боланинг ўйин вазифасини иложи борича тезроқ бажаришга ва муваффакиятга әринешшігена иштилиши ҳаракатларни такомиллаштиришнинг гарови ҳисобланади. Шундай қилиб, бола ўйин ҳаракатларыда орттирган күнікмаларини янги, бирмунча мураккаб вазиятларга мослаган ҳолда мустақил құшиб олиб боришга ўрганади.

Кичик группаларда ўйин машқларидан таълимий мақсадларда фойдаланылади. Болаларга улар учун қызықарлы бұлған топшириқлар — «күпrikчадан ўтиш», «жилғадан ҳаттаба ўтиш», «сичқонлардек овоз чиқармай югуриш» таклиф этилади. Бұ мешқларнинг барчаси ўз мохиятими (машқ сифатидаги) сақлагаш ҳолда ўйин хусусияттары әга бұлади ва болалар томонидан иштиёқ билан бажарылади. Ҳаракатли ўйинларда бу машқлар ўйин сюжетининг табиий компоненти ҳисобланади, улар туфайли болаларнинг ҳаракатлары такомиллашыади ва ўзига хос эмоционал образы ифодалилық касб этади.

5- §. Ҳаракатли ўйинларга раҳбарлық қилиш методикаси

Тарбиячининг ўйин жараённега раҳбарлық қилиш методикасын әгаллаган бўлиши ўйинларни муваффакиятли ўтказишининг асосий шарти ҳисобланади. Педагог ўйин фаолияттарын раҳбарлық қиласи, болаларни аста-секин ва «сездирмасдан» қызықарлы ўйин вазифаларын бажаришда мустақиллик ва топқирилк күрсатни, юзага келган ўйин вазиятида чақкон ва иштилиб ҳаракат қилиш, ўртоқлик ёрдами беринш, ҳамма учун умумий бұлған мақсаддаға әринешшігена ва бундан қувонишига ўргатиб боради.

Методика — бу тарбиячи меҳнатининг профессионал «технологияси» бўлиб, тарбиячи уни әгаллаган бўлиши ва болаларта раҳ-

1 Жисмоний тарбия системасыда ҳаракатли ўйинлар тавсифға күра жисмоний машқларга киритилади. Мазкур ҳолда улар энд қўйилмаяпти: факат махсус танланган машқлар кўзда тутиляпти (масалан, болаларни югуриб келиб узунликка сакрашга ўргатиш). Улар кейинчалик, «Бўри жарликда» ўйиннинг мажбурий компонентини ташкил этади.

Барлик қилиш усулларини тұхтосыз такомиллаштириб бориши керак.

Харакатли үйинларни танлаш ва планлаштириш программага мұвоғиқ амалға оширилади. Бунда ҳар бир ёш группасынинг иш шароити ҳисобға олинади, чунонча, болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишининг умумий даражаси, ҳаракат күнікмаларининг ривожланиши, ҳар бир бола соғлиғининг ахволи, индивидуал типологияк хусусиятлари, йил фасли, режим, үйинни үтказиш үрни, шунингдек болалар қызықишиларининг үзиге хос хусусиятлари.

Харакатли үйинлар программа талабларига мұвоғиқ аста-секин мұракаблаштириб борилади, болалар онғынинг үсиши, улар түпласын ҳаракат тажрибасыны, мактабга тайёрлаш заруриятини ҳисобға олған ҳолда үзгартыриб турилади.

Кичик группа да мазмунін ва қоңдасынан күра содда бұлған сюжетли ва сюжетсиз ҳаракатлы үйинлар ташкил этилади. Бұйинларда барча болалар бир хил роль ёки ҳаракат топшириғини тарбиячининг бевосита иштирокида (барча болалар — қүшталар, тарбиячи — она қашықтықта орналасқан) бажарадилар. «Бекінмачоқ» типидеги үйинларда асосий ролни тарбиячи үйнайды (у болаларни қидиради ёки улардан яширинади).

Зәвшли болаларни аста-секин индивидуал ролларни бажаришга үргатыб борилади (барча болалар — қүшталар, бир ёки иккі бола автомобиль ёки тойчоқ бұлады); «Ұз үйингни топ» типидеги үйинларда болалар югуриш үйнәлишини мустақил үзгартышишга үргатылади.

Болалар билан үтказыладынан барча үйинлар фазода, үйин вәзиятида мұлжылар олишни тарбиялайды.

Үртa группаларда энди оддий мусобақа усулидаги үйинларни индивидуал («Үйинчи ким олдин олиб келади?») тарзда ҳам, колектив тарзда («Самолёттар») ҳам үтказын мүмкін. Бир томондан жуда тез ҳаракат қилишіга үндөвчи «Ким тезроқ?» топшириғи үйинге әмоционал рух бағишлидей, иккінчи томондан болаларни коллективтеде үз ҳаракати учун масъуліятни қис қилишіга үргатади.

Катта группа болалари учун ҳаракатлы үйинлар үз мазмуну, қоңдалари, ролларининг миқдори, топшириқи колектив мусобақасынан жорий этишін («Кимнинг звеноси тезроқ сағланади?») күра мұракаблаштирилади. Кичик группалар мусобақаларыда болаларнинг жисмоний ривожланиши ва индивидуал хусусиятлари ҳисобға олинади.

Мактабга тайёрлов группаси болалари бирмунча мұракаб ҳаракатлы үйинлар, шунингдек коллектив мусобақаларидан иборат команда үйинларини, үйин-эстафетаны, спорт үйинларини үйнайдылар. Буларнинг ҳаммаси чаққонлик, тезорлық, чидамлилікнинг ривожланишига, ҳаракат күнікмаларининг такомиллашувига, ахлоқий-иродавий сифаттарни тарбиялашын ердам беради, әмоционал күтариңкілік үйготади.

Л. М. Коровина маълумотларига кўра, мусобақа элементлари мавжуд ўйинларнинг тарбиявий самараси мажбурий шартларга риоя қилиш билан белгиланади, болаларнинг ҳаммаси ва ҳар бир бола мазкур ўйинда топшириқнинг муваффақиятли, тўғри бажарилишини белгилайдиган ҳаракат кўнилмаларини (югуриш, сакраш, улоқтириш ва ҳ. к.) алоҳида ҳолда эгаллаши керак. Акс ҳолда муваффақиятсизликка учраганда болада салбий эмоция ишончсизлик ўйғотади. Бу принцип ўйин-эстафеталарни ўтказиш асосига қўйилиши лозим. Ўнда болалар топшириқларни бажариша бир-бири билан узвий алоқадорликда бўладилар («Ким тўпни тезроқ узатади» ва бошқалар).

Ўйинда болаларни ташкил этиш. Ўйин ўзининг мазмуни, ўйин топшириқларининг навбатма-навбат бажарилишига қараб барча болалар билан бир вақтда ёки кичик группа (бу вақтда болаларнинг қолган қисми бошқа фаолият билан банд бўладилар) билан ўтказилади.

Ҳаракатли ўйинлар ичида группанинг барча болалари бир вақтда актив иштирок этадиган ўйинлар («Чумчуқлар ва автомобиль», «Кимнинг звеноси тезроқ сафланади», «Ловишкага», «Айёр тулки» ва бошқалар) ҳам бор. Шу билан бирга ҳаракатларнинг навбатлилиги асосига қурилган («Қувлашмақоқлар», «Ким лентани тезроқ тортади», «Халтачаларни алмаштириш» ва ҳоказо) фойдали ва қизиқарли ўйинлар мавжуд. Бу ўйинлар иродани тарбиялашга ёрдам беради, ўзини тута билишга ўргатади. Бироқ бундай ўйинларни нотўғри ташкил этилганда болалар ўйин топшириқларини бажариш учун узоқ вақт навбат кутиб қолади. Кутиб қолиш, статик ҳолатларнинг бир хиллиги, айниқса, кичик ёшдаги болаларда қизиқишининг, ҳаракат реакцияси тезлигининг сусайишига олиб келади; катта ёшдаги болалар арзимаган баҳона билан ўйиндан чалғибдишади, бу эса мазкур ҳолнинг сабабларини ҳисобга олмаган тарбиячида норозилик ўйғотади. Бундай пайтда ўйинда кичик группа иштирок қиласи ва у узоқ давом этмайди, болалар актив бўлиб ўйин охиригача дикқат қиласидилар.

Агар статик ва динамик фаолият асосида ётувчи жараённинг барча хусусиятлари ҳисобга олинса, болалар хатти-ҳаракатлари ўртасидаги фарқ ойдинлашади. Маълумки статик ҳаракатда ва узоқ вақт қўзғалиш ҳолатида бўлганда марказий нерв системасида умумий толиқиши юз бераб, у бош мия пўстлоғининг ҳимоя реакцияси — тормозланиш билан тугайди.

Шундай қилиб, фақат ўйинни тўғри танлашгина эмас, балки уни жуда катта самара берадиган даражада ўтказиш ҳам муҳимдир. Амалда ўйинни ташкил этиш усулларини доимо ўзгартириб туриш мумкин: тарбиячи ўйинларнинг структураси ва ҳаракатларнинг характеристига қараб ўйинларни жуда оқилона ташкил этишини ва бунда умуман болаларнинг бутун фаолиятини кўзда тутиши лозим.

Болаларни янги ўйин билан таништириш, унинг мазмунни ва қоидаларини тушунтириш тарбиячидан пухта тайёргарликни галаб этади. Айрим ўйинларниң мазмунини олдиндан бўладиган сұхбатларда (ўйин ўтказиладиган кун бўлиши шарт эмас) ёритиш зарур, масалан, «Маймунлар ва овчилар», «Бўри жарликда», «Космонавтлар», «Саёҳатчилар» ва ҳоказо ўйинларда бўлгани каби. Сұхбатлар, расмларни кўриб чиқиш натижасида болаларнинг билимлари ойдинлашади, уларнинг тасаввурлари аниқлашади, ўйин образларига нисбатан муносабат таркиб топади, ижодий ҳаёл ўсади.

Ўйинларни тушунтириш уларнинг турларига кўра ҳар хил ўтиши мумкин, бироқ бу тадбир доимо эмоционал жиҳатдан қизиқарли, болаларни қувноқ ўйин фаолиятига тайёрлайдиган, ўйинни тезроқ бошлаши истагини тудирадиган ва ўйин топшириқларини иштиёқ билан бажаришга ундайдиган бўлиши керак.

Сюжетсиз ўйинни тушунтириш қисқа, аниқ ва ифодали оҳангда бўлиши лозим. Тарбиячи ўйин ҳаракати изчилигини тушунтиради, болалар ва ўйин атрибуутларининг жойлашиш ўрнини (кичик ва ўрга группаларда предметларни мўлжаллаб, катта группаларда эса мўлжалга олмай кўрсатади) фазо терминологиясидан фойдаланган ҳолда кўрсатади ва қоидаларни аниқлаштиради. Шундан сўнг педагог болалар тушунтиришларни қандай қабул қилганликларини текшириш мақсадида жиҳдий ёки ҳазил оҳанида бир неча саволлар беради. Болалар мустақил бажаришлари керак бўлган ўйиннинг ҳаракат ва қоидалари улар учун тушунарли бўлса шундагина ўйин қувноқлик ва уюшқоқлик билан ўгади.

Мусобақа элементлари мавжуд ўйинларни ўтказишда тарбиячи ўйинни тушунтираётib қондаларни, ўйин усусларини, мусобақа шартларини аниқлаштиради, болаларни топшириқларни уларнинг барчаси бажаришга ҳаракат қилиши ва яхши уздалашига ишонч билдирган ҳолда рагбатлантиради. Бундай ўйинларда фақат тезкорликка эмас, балки ҳаракатларни сифатли бажаришга оид топшириқлар бериш ҳам тавсия этилади. («Қимнинг командаси тўғрироқ югурга олади», «Қимнинг командаси тўпни туширмайди»). Ҳаракатларни маромида, тўғри бажариш болаларга катта қониқиши, қувончли кечинмалар бирлигини, ишонч ва ҳаракатларни та-комиллаштиришга инилиш ҳиссини баҳш этади. Тарбиячи болаларнинг ҳисмоний камолоти ва индивидуал типологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусобақалашаётган кучлари тенг группалар — командаларни бирлаштиради; ўзига ишончсиз, тортиноқ болаларни активлаштириш мақсадида уларни жасур, актив болалар билан қўшиб қўяди.

Баъзан ўйинга спорт кўринишини бериш учун команда капитанлари, судья ва унинг ёрдамчиларини сайлаш мумкин (дастлаб тарбиячи — судья, болалар унинг ёрдамчилари бўлади). Бундай ўйинларда топшириқларни тўғри ёки тез бажарилгани учун берилган очколар ҳисобланади. Ҳисоб натижаси ҳар бир команда-

нинг топшириқлар ва колектив ҳаракатларни бажариш сифати ни белгилайди. Ўйинни ўтказишнинг бундай формаси тарбиячидан катта педагогик назокатни талаб қиласди. Бу назокат болаларда дўстона муносабатлар, ўз ҳаракатларни ва ўртоқлари ҳаракатларни танқидий баҳолашни тарбиялайди.

Тарбиячи кичик группаларда ўйинчилар ҳаракати ва қоидаларни бевосита ўйинни ўтказиш жараёнида тушунтириши мумкин. Тарбиячи болалар билан ўйнап экан, улар фаолиятини йўналтиради, ўйинда фойдаланиладиган ҳаракат сигналини ажратиб кўрсатган ҳолда ўйин вазиятига эмоционал руҳ беради, масалан, «Энди эса мен қочаман... ким мени тезроқ қувиб етади» («Қувиб ет» ўйини).

Сюжетли ўйинлар бошқа усулларни галаб этади. Тарбиячининг вазифаси болалар кўзи ўнгида ўйин вазиятининг кургазмали манзарасини гавдалантиришдан, ўйин образларини ёрқин тасвирлашдан, болалар тасаввuri ва эмоцияларига таъсир этишдан, уларнинг ижодий ташаббусини активлаштиришдан иборатdir, Бунинг учун у айниқса кичик группа ўзини оқлаган ўйинчоқ, ҳикоядан фойдаланиши мумкин.

Масалан, тарбиячи «Арина буви ва унинг жўжалари» ўйинини ўтказишдан олдин болаларни ярим доңра шаклида қўйилган стулларга ўтказади ва ўзи улар рўпарасига ўтириб ҳикоя қила бошлайди: «Арина бувининг жўжалари кўп экан. Уларнинг барни пахмоқ, жажжи, сап-сариқ — мана бундай экан (пахмоқ жўжача — ўйинчоқни кўрсатади). Буви ўз жўжаларини жуда яхши кўрар экан ва уларни ҳар кунни эрталаб ям-яшил майсазорга сайд қилгани қўйиб юборар экан» ва т. к. Бундай ҳикояга тарбиячи болаларнинг ўйин сюжетига онд бутун ҳаракатини киритади. Шундан сўнг у дейди: «Сизлар жўжачалар, мен эса Арина буви бўламан. Ҳозир мен рўмёл боғлаб олай, кейин сизлар билан ўйнаймиз (ҳикоя қилиш вақти 1,5—2 минутдан ошмаслиги керак).

Таниш ўйинларни такрорлаганда кичик группаларда асосий роллар (болалар — қушлар, тарбиячи — тойчоқ бўлганини) ва жойлар — болалар уяларини эмоционал образли тарзда эслатиш; «Қушчалар кимдан қочиб инларига учиб кетадилар? Улар кимдан чўчиши мумкин?» каби саволлар бериш мумкин. Ўрта группада таниш ўйинни таклиф этиб, қоидаларни эслатиб ўтиш билан чекланиш кифоя. (Масалан, бошловчи «Тўхта» дегач — қимирилаш мумкин эмас). Бошқа бир ҳолда болалардан «Мен бубенга урганимда нима қилиш кераклигини ким айтади?» деб сўраш мумкин (Тахминий жавоб: «Уз ўйинчоғи ёнига тез этиб келиш керак.».) Катта группаларда ўйин мазмунини эслашни болаларнинг ўзлашрига таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Улардан бири фазо терминологиясидан фойдаланган ҳолда ўйинчиларнинг жойлашиш ўринини белгилайди, ўйин ҳаракатларининг боришини баён қиласди, иккинчиси қоидаларни санаб беради. Бундай усул болаларда онглилик ва мустақилликнинг ривожланишига ёрдам беради, аста-

секин педагогнинг бевосита раҳбарлигисиз ўйин ўйнашга олиб келади.

Ўйинларда ролларни бўлиш турлича кечади. Баъзиде тарбиячи муайян педагогик вазифаларга амал қилиб (яни келган болани рағбатлантириш ёки аксинча, актив бола мисолида ботир бўлиш қанчалик мұхим эканлигини исботлаш ёки бўлмаса ўзига ишонган бола илтимосини рад этиб, бу ролни қўрқоқ, тортичоқ болага топшириш) бошловчи тайин этиши ёки болаларни хурсанд қилган ҳолда ўйинга ўзи киришиб ўзи виммасига бошловчи ёки оддий иштирокчи ролини олади. Бунда у болалардан «Бугун қайси саноқ ўйинини танлаб оламиз?», «Ким санашни хоҳлайди?» деб сўрайди. Агар ўйинда бошлама бўлса, уни болалардан бирига ҳисоя қилишни таклиф этади. Буларнинг ҳаммаси болалар томонидан ўзлаштирилади ва мустақил ўйин фаолиятида фойдаланилади. Шунингдек, тарбиячи бошловчи сайлашни болаларнинг ўзига ҳавола этиши ва улардан бу ролни мазкур болага нима учун топширганликларини тушунтириб беришларини сўраши мумкин.

Кичик группаларда бошловчи ролини тарбиячининг ўзи бажаради ва уни эмоционал, жонли, образли тарзда бажаради. Инди видуал роль чекланган фазо ва унинг муайян ўнналиши шароитида аста-секин боланинг ўзига топширилиши мумкин (масалан, «Қүшчалар ва автомобиль» ўйинида автомобиль хонанинг белгиланган томонига чумчуклар турган жойга яқинлашмасдан ҳаракат қилиши мумкин).

Ўйин жараёнида тарбиячи болалар ҳаракати ва ўзаро муносабатлари, улар томонидан қоидаларнинг бажарилиши, нагрузкаларни дозалашни кузатиб боради, қисқача кўрсатмалар беради, болаларнинг эмоционал — ижобий ҳолатини сақлаб ва бошқариб боради. Қоиданинг айрим болалар томонидан бузилиши ҳақида (агар улар ўйиннинг боришига таъсир қилмаса) ўйинни қайта ўтказишдан олдин гапиради.

Ҳаракатли ўйин жисмоний нагрузканни камайтирадиган ва пульсни нормал ҳолга келтирадиган умумий юриш билан тугалланади. Юришини аҳамиятига кўра бир хил бўлган кам ҳаракатли ўйин билан алмаштириш ҳам мумкин («Қидириб топ ва жимтур», «Ўзингга ёқсан нарсани келтир», «Ўз ҳаракатингни ўйлаб топ»), бироқ бунда барча болалар ҳаракатда бўлишлари лозим.

Ўйин тугаган заҳоти унинг якунини чиқариш керак эмас: болаларнинг тез ҳаракатдан дам олишга аста-секин ўтмаслиги юрак фаолияти ва бутун организмига ноxуш таъсир этади. Тарбиячи ўйинни баҳолашда унинг ижобий томонларини таъкидлайди, ўз ролларини муваффақиятли бажарган, жасурлик, чидамлилик, ўзаро ўртоқлик ёрдами кўрсатган болалар номини атайди ва қоидаларнинг бузилиши ҳамда болаларнинг шу билан боғлиқ ҳаракатини кўйиниб кўрсатиб ўтади.

Тарбиячи катта группаларда болаларни ҳаракатли ўйинларни мустақил ташкил этишга тайёрлайди, бунда ўйниларнинг бориши-

ни ва айниқса, қоидаларнинг бажарилишини ҳамда болалар ўргасидаги муносабатларни кузатиб боради. У болаларга ҳаракатли ўйин вариантиларини унинг сюжетини, қоидасини, ўйин ҳаракатларини ўзгартирган ҳолда ўйлаб топиш, кейинчалик янги ўзи ўйлаб ўйин топиш каби ижобий топшириқлар беради.

Мустақилликни ривожлантириш, ташкилотчилик малакаси ва ахлоқий ҳисларни тарбиялаш мақсадида катта ёшли болаларга кичик группаларнинг бирида ўйин ўтказиш топширилади. Дастрраб уларга вазифаларни тарбиячи тақсимлайди, бирига (ёки иккитасига) кичкинтойларни уюштириши, бошқасига ўйинни, унинг қоидаларини тушунтиришни, учничисига индивидуал роль бажариши («Қүёнчалар ва айиқ», «Чумчуқлар ва автомобиль» ва бошқалар) топширади, шундан сўнг болалар бу вазифаларни мустақил бажарадилар. Ўйин кичик группа тарбиячиси кузатуви остида ўтказилади.

6- §. Кичкинтойлар ҳаракатли ўйинларига тарбиячи раҳбарлигининг ижодий йўналганлиги

Ҳаракатли ўйинларни ўтказиша болаларда ижодни шакллантиришнинг кенг имкониятлари ярагилади, чунки ўйинлар ҳеч қачон фақат автоматлаштирилган ҳаракатлардангина иборат бўлмайди. Ижодий ташаббус болаларда кичик мактабгача ёшда: унинг бошланғич формаси икки ёшда ва ривожланган формаси уч ёшда намоён бўлади.

Кичик ёшли болаларга мўлжалланган ҳаракатли ўйинлар ре пертуарида сюжетли ўйинлар устунилк қиласди: улар болаларнинг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурини аниқлаштиради, кўргазмали ҳаракат ва кўргазмали образ тафаккурининг активлашишига хизмат қиласди, хаёлнинг вужудга келиши ва ривожланишига таъсир этади.

Сюжетли ўйинларнинг шартли-реал вазияти болага ўзига таниш ҳаётий образнинг қайта бажаришида ёрдам беради. Бола ҳаракатларнинг ўзидан, қуш ва ҳайвонларга тақлид қилишдан қувонади: қушчадек парвоз қиласди, қуёнчадек сакрайди, тойчоқдек чопади. Шунинг учун ҳам ўйин пайтида кулги, қувончли хитоблар эшитилиб туради ва ўйин жараёнининг асосида энди болакинг оддий ижрочилик активлиги, ўйин образига киришга дастлабки уриниши қарор топади.

Болалар ўйин фаолиятининг барча ёш группалари, айниқса кичик группаларда ижодий йўналганлиги тарбиячи раҳбарлигининг ўйланган эмоционал образли методикаси билан белгиланади. Унинг вазифаси болаларда аста-секин ташқи ҳаётни, рақобат ва муайян ўйин вазиятида ижодий ҳамкорлик ҳиссини акс эттирувчи ўйин образларига нисбатан ижобий эмоционал муносабатни шакллантиришдан иборатdir. Ҳаракатли ўйинни муваффақиятли ўтказища болаларни ўйин мазмуни, персонажларнинг ўйин ҳара-

жатлари ва қоидалари билан таништириш катта аҳамият касб этади. Педагог кичик ёшли болаларниң хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбияланувчиларда үйин мазмунини идрок қилишда эмоционал иштиёқ сабрсизлик билан ҳаракат қилиш истагининг юзага келишига ёрдам берувчи муомала усууларини үйлаб топади. Тарбиячи үзининг кутилмаган фавқулоддалиги билан ҳарактерланадиган, үйин фаолиятининг бошланиши ва бутун жараёни учун хос үйин усууларини, үйин сюжетининг қисқача эмоционал образли сюжетини баён этади. Бу үйин вазиятини ва үйин персонажлари ҳарактеристикаси ҳамда ҳаракатини эмоционал образли аниқлаштиради, такрорлашда фойдаланиладиган үйин вариантыларини тузади. Педагог бу үйинларга улар сюжетини сақлаган ҳолда янги персонажлар, ҳаракатлар киритади, вазиятни үзгартыради (масалан, «Чумчуқлар ва мушук» үйини ва униг вариантылари: «Чумчуқлар ва автомобиль», «Чумчуқлар ва тойчоқ» ва ҳ. к.). Айтиб ўтилган усуулар турли үйин вазиятларида ижодий фикрлашни, чамалай билишни, бирмунча мураккаблаштирилган ҳаракатларни идрок этишда айрим янгиликларни келтириб чиқариши туфайли болаларда қизиқишининг пайдо бўлишига ва сақланишга ёрдам беради.

Мисоллар келтирамиз:

«Сичқонлар омборда» үйини олдидан болалар қандай үйнашларини ҳаштиш учун тайёрланганларида эшик ортидан тұстадан миёвлаш әшиктилади (бунда энгаш тарбиячига ёрдам беради). «Ташқарыда нимадир миёвлайти, дейди тарбиячи, — сизлэр тинчгинлер үтирингилер, мен нималыгын билib келаман!». У әшикка яқынлашади ва эркалаб дейди: «Бу мушуквой бізға меммон бўлиб келибди». У әшикдан үйинчоқни олиб киради ва болаларга: «Болалар қараңглар, қандай чиройли мушукча. У билан саломлашинглар!» Сұнг тарбиячи болаларга мушуккав силяб, унинг чиройли күзларини, кулоқларини, узун мүйловларини, бантитгини, юмшоқ, ипакдек юнгии кўришга рухсат беради. «Мушукка биз билан үйнагаш келибди». Тарбиячи үйинчоқ мушукчани тиззасига ўтказади ва болаларга мурожаат этади: Ҳозир мен қандай үйнашимизни тушунираман. Пишлоқ, ёрма, нұхат, ширин сухарилар сақланадиган катта омборда сичқонлар пайдо бўлибди. Улар ўз инларидан чиқиб, барча ширин нарсаларни кемириб ташлабдилар. Шунда омборга мушукчани қўйиб юборишиди. Мушук сичқонларни тутишга шайланиб, сичқонлар овозига қулоқ солиб, уларнинг қачон пайдо бўлишини кузатиб ётиди. Сичқонлар эса мушукни кўриб ўз инларига яшириниб олишибди. Атроф жим-жит бўлиб қолибди. Мушук ухлак қолтөч, омборга чиқиб, ҳар томонга югуриб кетишибди, бирлари пишлоқ, бирлари ёрмас ва яна бирлари сухарини кемира бошлабдилар. Мушук уйғониб ва разабли миёвлаб сичқонларга ташланишибди. Сичқонлар қўрқиб кетиб тезда инларига қочиб кетибдилар... Сизларнинг барчангиз сичқонлар, стулчалар эса инларигиз бўлади. Мушук эса мана бу ерда, омбор эшиги ёнинда үтиради. Үйин бошланади».

Тарбиячи үйинни сюжеттега мувофиқ үйин тағсилотини тушунирган, оҳангни үзгартирган ҳолда олиб боради, болалар фаолиятини йўналтиради. Педагог дастлаб бошловчи ролни бажаради ва айни пайтда болалар билан үйнайди. У ҳам мушук, ҳам сичқон, ҳам чумчуқча, ҳам автомобиль бўла олади. Тажриба шуну кўрса-

тадики, болалар бундай ҳолни сезмайдилар ва берилиб ҳарақат қыладилар.

Үйин жараёнида болалар зиммасидаги үйин вазиятини эхтиёт-лаб сақлаш, уларни вақти-вақти билан рағбатлантириб турыш жуда мұхымдир, чуончи: «Ира чумчуктар донни қандай яхши ейишяпты» ёки «Настенъкамиз қандай әпчил сичқон-а, сухарини топиб, кемиряпты». Педагог үйин давомида әтироz билдиrmайды. Агар болаларнинг үйин фаолиятини йұналтириш зарур булиб қолса, бу үйин сюжети, образига ҳалал етказмасдан қилинади. Тарбиячи хаёллаб қолган ёки үзбошимчалик қилаётган болага «Барча сичқонлар илдам чопиб кетиши, сичқонвойлар Настя ва Серёжа қочиб улгуролмаяпты. Мушук үйғониб қолди, шошилинглар!» — дейди.

Педагог боланинг үйин фаолиятига раҳбарлик қилас экан, күрсатылған озгина мустақиллукни ҳам рағбатлантиради, болалар ҳаракати иложи борича ифодали бўлиши, сигналга мувофиқ ҳаракат қилишлари учун ҳаракатларнинг образли бажарилишини кузатиб боради. Үйинни якунлар экан, тарбиячи болаларни үйин вазиятидан табиий тарзда чиқаради. У үйинга киритилган персонажни ҳам унутмайди ва масалан, болаларга шундай дейди: «Биз мушукча билан жуда яхши үйнадик, унга бу ер ёқиб қолди, у бизницида, үйин бурчагида яшайди. Биз ҳали у билан яна кўп үйнаймиз». Үйин фаолиятининг бу тартибда якунланганлиги уни тула якунлаш за шу билан бирга болаларда үйинчоқ билан бўладиган үйин ҳаракатларида ўзига ишонч пайдо қилишда жуда мұқимдир.

«Сичқонлар омборда» үйинини такрорлашда тарбиячи турли варианtlардан фойдаланади: сичқонлар фақат ўз инларига қайтиб кирадилар, үйин майдончасининг турли участкаларига қўйилган ёриқ-тешиклардан ўтадилар, таранг тортилган шнур остидан ўтадилар.

Болани кичик группа ёшидан бошлаб үйин қоидаларига бўй-сунишга ўргатиш зарур. Буни қоида, роль ва үйин вазиятига асосланадиган қилиб амалга ошириш жуда мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ҳаракатли үйинга атрибутлар киритилади: бола улар ёрдамида ролга киради, ролда эса у, табиийки, қоидаларга бўйсунади.

Шундай қилиб, тарбиячининг эмоционал образли методик раҳбарлиги болалар ижодий активлигини ривожлантиришда актив роль үйнайди. Тарбиячи болаларнинг ҳаракат тажрибасини кенгайтирган, образли сўз билан тасаввурига таъсир этгани ҳолда ҳар бир боланинг үйиндаги ижодий ижрочилик фаолиятини рағбатлантиради ва йұналтиради.

ТҮККИЗИИЧИ БОБ

СПОРТ МАШҚЛАРИ

1- §. Спорт машқларининг характеристикаси

Чанғида юриш, конькида, чанада учиш, велосипедда, самокатда, спортроллерда юриш, шунингдек сузиш спорт машқларига мансубдир. Уларнинг барчаси асосий мускул группаларини мустаҳкамлашга, суюк, юрак-томир, нафас олиш ва нерв системаларининг ривожланишига ёрдам беради. Бундан ташқари машғулотлар жараёнида болаларда жисмоний сифатлар (чаққонлик, тезкорлик, чидамлилик ва бошқалар), шунингдек, ритмлилик, ҳаракатлар координацияси, фазода мұлжал олиш малакаси ривожланади. Велосипедда юриш, конькида учиш вестибуляр барқарорликни ривожлантиради,

Тегишли кийимда турлы температурада тоза ҳаводаги машғулотлар қуёш нурида, шунингдек сувда чиниқиши мөдда алмашишини кучайтиради ва чиниқиришига хизмат қилади.

Парк, үрмөн, дарёда ўтказиладиган машғулотлар табиат гүзалигини күришга имкон беради, унга муҳаббатни тарбиялайди, эстетик ҳис құзғатади, ижобий әмоциялар үйғотади.

Спорт машқларидан иборат машғулотлар болаларга табиат ҳодисаларини билишга (қор, шамол, муз, сув ва бошқаларнинг хусусиятларини), сирғалиш, тормозланиш ҳақидаги тушунчаларни, шунингдек спортроллер, велосипед тузилиши ҳақидаги билимларни әгаллашга имкон беради.

Болалар боғаси территориясидан ташқарыда бўладиган колектив машғулотлар, айниқса сайдрлар, ўртоқлик ўзаро ёрдами, онгли интизом, коллективда уюшиб ҳаракат қилиш, шунингдек, ботирлик, сабот, қатъийлик ва бошқа сифатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Физкультура инвентарига қараш болаларда меҳнат кўнникмаларини тарбиялайди, шунингдек, саранжомликка, эҳтиётликка, меҳнатсеварликка ўргатади.

2- §. Чанғида юриш

Мактабгача тарбия муассасаларида чанғида юришни иккинчи кичик группадан бошлаш кўзда тутилади. Бироқ, агар болалар боғасида зарур шароит мавжуд бўлиб ва болалар ота-оналар раҳбарлигига тажриба орттирган бўлсалар, болалар билан ilk ёшли бошлаб машғулот ўтказиш мумкин.

Чанғида силжишга ўргатиш эрта бошланади. Ота-оналарни болаларни чанғида юришга ўргатишга жалб қилиш учун йигилишларда, консультацияларда чанғи, чанғи таёғи, чанғини оёққа танғиши ҳақида, кийим-бош ва пойабзалга талаблар, чанғини сақлаш ва унга қараш ҳақида гапириш лозим. Бундан ташқары ота-оналарга

Чанғида юриш техникасининг турли усуллари, турли бурилишлар ва ҳоказолар ҳақида, турли ёшлардаги болаларни бу ҳаракатларга ўргатиш ҳақида қисқача маълумот берини лозим. Ота-оналар болаларга ибрат, намуна бўла олишлари учун уларга болаларни чанғида юришга ўргатишга¹, ўз малакаларни такомиллаштиришга оид адабиётларни ўқишини тавсия қилиш мумкин².

Мактабгача тарбия муассасаларида чанғида юриш болаларниң өрталабки (машғулотлардан сўнг) ва кечки (кеч тушликдан сўнг) сайрлари пайтида ташкил этилади. Бу машғулотлар барча группалар билан бир вақтда, кичик групачалар билан ва индивидуал тарзда ўtkазилиши мумкин. Болалар машқларни бажариш техникасини эгаллаганларидан сўнг уларга чанғида мустақил юришга рухсат этилади.

Тарбиячи машғулотларни бутун таълим даври учун планлаштиради. Машғулотдан олдин бевосита машқларниң мазмунни, дозваси ва бажариш суръатини аниқлайди, шунингдек, таълим усулларини белгилайди.

Тарбиячи болалар билан суҳбат ўтказади. Суҳбат вақтида машғулотларниң аҳамияти ҳақида, уларбоп маҳсус кийим-бош ва пойабзал ҳақида, чанғи инвентарини сақлаш ва эҳтиётлаш қоидалари ҳақида тушунарли тилда гапириб беради. Шундан сўнг тарбиячи болаларни чангини турли усувлар билан (елкада, қўлтиқлар ёки қўлда ушлаб) олиб юришга, тақишига ечишга ўргатади.

Чанғида юришга ўргатиш муайян изчилликда ўтказилади: дастлаб босиладиган ва сирғаладиган қадам ташлашга; сўнгра жойда туриб (товон ва ёёқ учларида) ва ҳаракат пайтида бурилишларга («хатлаб қадам ташлаш», «плуг» «ярим плуг» усули); тормозланишга; тепаликка кўтарилишга (одатдаги қадам билан «ёлочка», «полуёлочка», «лесенка» усулида) ва ундан тушишга («зинапоя» усулида, паст, ўртacha, тик туриб); навбатма-навбат жуфт қадам ташлаб ва бир вақтда таёқлар ёрдамида қадам ташламасдан юришга ўргатилади.

Болалар дастлаб чанғида таёқларсиз силжийдилар. Бу мувознатни, қўл ва оёқлар ҳаракати координациясини ривожлантиришга ёрдам беради ва болаларни бирмунча мураккаброқ юриш усувларини ўзлаштириб олишга тайёрлайди. Чанғи таёқларидаан ўз вақтида фойдаланмаслик болаларни уларга «осилиб» олишга ўргатади.

Ўргатишда кўргазма ва тушунтиришдан фойдаланиш лозим. Расмларни кўриш чанғида юриш техникаси ҳақидаги тасеввурларни аниқлаштиришга ёрдам беради. Чанғида силжиш кўнникмаларини мустаҳкамлаш учун ўйинлар ўтказилади. Машғулотлар муддати аста-секин 15 минутдан — 40 минутгача узайтирилади.

¹ Қаранг: Голошекина М. П. Лыжи в детском саду. М., 1977.

² Қаранг: Бутин И. М. Лыжный спорт. М., 1983.

Участкалардан ташқарыда (парк, стадион, үрмөн) 30 минутдан 60 минутгача сайр қилиш тавсия этилади.

Мактабгача тарбия муассасаларида орттирилган күнікмалар-нинг дам олиш күнләрида ота-оналар раҳбарлыгыда мустаҳкамла-ниши мұхимдир.

3- §. Конькида учиш¹

Болалар уч ёшдан бошлаб конькида учишни үрганишлари ва фигурали учишнинг оддий элементтерини бажара олиши мүмкін. Бироқ, болалар боғчаси шароитида кичик ёшли болаларни конькида учишга үргатиш жуда қыйин, чунки уларда болдир-товорон бүгіни заиф бўлиб, у шикастланишнинг олдини олиш учун мала-кали раҳбарликни талаб қиласи; кичкентойлар ботинкаларини ўзлари кия олмайдилар ва катталарнинг ёрдамисиз ипини боғлай олмайдилар, шунинг учун мактабгача тарбия муассасаларида конькида учишга үргатиш 5—6 ёшли болалар билан ўтказилади.

Болалар аввал муз майдонида юриш, конькига, ботинкага, ки-йимга қараш, ботинкани кийиш қоидалари билан таниширилади.

Болаларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги қанча яхши бўлса, улар конькида учишни шунча тез эгаллайдилар. Шунинг учун оёқ мускуллари, хусусан, товор мускулларини мустаҳкамлайди-ган, шунингдек, мувозапат сақлаш, чаққонлик, тезкорлик ва бош-қаларни ривожлантиришга ёрдам берадиган машқлар катта үрин эгаллайди. Шу мақсадда машқлар бинода конькисиз ва конькида, қорда ва муз йўлкачаларида ўтказилади. Бу машқлар музда сил-жиш техникасини ўзлаштиришни осонлаштиради.

Болаларни тўғри дастлабки ҳолатни эгаллашга учувчи ҳола-тида («конькида туриш») югуриш ва иккала оёқда сирғалишга; навбатма-навбат силтаниб ўнг ва чап оёқда сирғалишга; ўнг ва чап томонларга бурилишга, тормозланиш ва тўхтаб ўтишга үр-гатилади.

Конькида юришга үргатишда кўргазмалилик, тушунтириш, кў-маклашиб (катталарнинг қўлидан тутиб, чана суюнғичи, махсус стулларни ушлаб) каби турли методлардан фойдаланмоқ лозим. Тарбиячи болаларнинг толиқиб қолмаслиги учун уларни кузатиб боради. Машғулотлар давомийлиги ёшга Караб 8 дан 25—30 ми-нутгача узайиб боради. Ҳар 5—10 минутда болаларга скамейка-ларда 2—3 минутдан дам олиш имконияти бериш зарур.

4- §. Филдиракли конькиларда учиш

Филдиракли конькиларда учиш мактабгача катта ёшда тавсия этилади. Болаларни юришга, бурилишларга (ўнгга, чапга), тор-мозланишга, тўхташга үргатилади.

¹ Конькида учишга үргатиш методикаси билан Пустинникова Л. Н. нинг «Коньки в детском саду» китобида танишнш мүмкін. М., 1979.

Тарбиячи бир неча болаларни бир вақтда ғилдирақли коңыкка да учишга ўргатади. У олдинга силжиш техникасини түшунтиради ва күрсатади ҳамда болаларга бу ҳаракатни бажаришда ёрдам беради. Таяниб учиш бир неча күн давом этади. Шундан сүнг болаларни гоҳ ўнг, гоҳ чап оёқда сиптаниб силжишга ўргатилади. Оёқ ва құллар ҳаракатлари музда учишдаги каби мос бўлиши керак.

Кейинчалик болаларни югуриш ва икки оёқда сирғалишни қўшиб олиб боришга (гоҳ у, гоҳ бу оёқ билан сиптаниб) ўргатилади. Бола 3—4 марта навбатма-навбат куч билан сиптаниб оёқларини кичик масофада бир-бирига параллел қўяди. Сўнг секинлаб ва тўхтаб қолгунча сирғалади. Ҳаракат пайтида бурилишдан олдин учин секинлатилади, сўнгра гавдасини керакли томонга бироз энгаштириб тўла бурилиш амалга оширилади. Шундан сўнг ҳаракат янги йўналишда давом эттирилади.

Ғилдирақли коңыкиларда учиш кўнимкамаларини мустаҳкамлашда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

Машғулотлар давомийлиги аста-секин 10—15 минутгача узайтирилади. Агар бутун группа болалари ғилдирақли коңькida учиш кўнимкамаларини эгаллаган бўлсалар, машғулотлар барча болалар билан бир пайтида айланга йўлкада ўtkазилади.

5- §. Чана учиш

Бир ёшга қадам қўйган болаларни катталар чанада учиршиади. 2—3 ёшли болалар чанани ўзлари арқон билан судраб қўғирчоқларини учирадилар. Тўрт ёшли болалар йўлкада бир-бирларини чанада учирадилар. Тарбиячи чанага ўтириш ва нагрузкани дозалашни назорат қилиб боради.

Топшириқлар аста-секин мураккаблашиб боради: болалар бир-бирларини турли топшириқларни бажарган ҳолда (предметгача учирив бориш ва қайтиб олиб келиш) предметлар орасидан («илон изи» бўлиб) айланга бўйлаб учирадилар. Чанғида учиш ўйин формасида ҳам ташкил этилади, катта группаларда эса ўйин-эстафета ўtkазилади.

Тепаликдан сирғалиб учишда тарбиячи аввало болаларни қоидалар билан таништиради. У болаларни чанада ўтиришга ва уни бошқаришга ўргатади. Тарбиячи кичик группа болаларига тепаликдан сирғалиб тушишда ёрдам беради. Катта ёшли болалар бирмунча тик ва узунроқ тепаликлардан турли дастлабки ҳолатларда: ўтириб, тиззалаб, қорин билан ётиб, биттадан ва иккитадан бўлиб сирғаладилар. Тепаликдан чанада учишда турли топшириқлар: лентани ечиш, қўғирчоққа қўл теккизиш, қор билан нишонга уриш кабиларни бажаради. Топшириқлар тобора мураккаблаштириб борилади, бу эса ҳаракатнинг ушбу турига қизиқиш ўғотади.

Тарбиячи болаларни ташкил этишини бошқаради: 6—8 киши учишини (узоқ кутиб қолмаслик учун) ва қоидага риоя қилишни

назорат қиласы, нагрузкани дозалашни йүлга солади. Тепаликдан учиш давомийлиги аста-секин 20—30 минутгача узайтирилади.

6- §. Велосипедда юриш

Мактабгача тарбия муассасаларида уч ғилдиракли ва икки ғилдиракли велосипедлардан фойдаланылади. Аввало болаларни велосипедда юриш қоидалари билан таниширилади. Болалар 2 ёшдан уч ғилдиракли, 5 ёшдан икки ғилдиракли велосипедда юришга ўргатылади: велосипеддега ўтиришга, ундан тушишга, түғрига, айлана бўйлаб, «илон изи» бўлиб юрганда, ўнгга, чапга, орқага бурилишга, тўхташ жойларида тормоз беришга ўргатылади.

Болаларни икки ғилдиракли велосипедда учишга ўргатища дастлаб уни түғрига, айлана бўйлаб, «илон изи» бўлиб ҳайдаш, ортга буриш топшириғи берилади. Шундан сўнг болаларни велосипедда түғрига (катталар кўмагида) ҳайдаш, бурилишлар қилишга ўргатылади. Сўнг болалар велосипеддега ўтиришга ва ундан тушишга, түғрига мустақил юришга ўргатылади. Кейинчалик топшириқлар мураккаблаштирилади: болалар айлана бўйлаб, «илон изи» бўлиб, ортга бурилиб қўшимча топшириқларни бажарадилар (лентани ечадилар, қўнғироқчаликни чалиш, велосипедни бир қўл билан бошқариш ва бошқалар) тепаликка кўтариладилар ва ундан тушадилар, тезаликни оширадилар ва камайтирадилар, тормоз берадилар ҳамда тўхтайдилар. Мактабга тайёрлов группаларида «Йўл ҳаракати қоидалари» ўйини ташкил этилади.

Тарбиячи велосипедга ўтиришни, қоидаларнинг бажарилишини, ҳаракатларни дозалашни кузатиб боради. Агар толиқиши аломатлариши сезса, болага ҳайдашни бас қилишни айтади.

Машғулот вақти аста-секин кичик группаларда 5 дан 15 минутгача, катта группаларда 15 дан 20—25 минутгача узайтирилади.

7- §. Самокатда, спортроллерда учиш

Самокат ва спортроллерларда учиш катта группаларда ташкил этилади. Дастлаб болалар юриш қоидалари билан тапиштирилади, сўнгра самокат, спортроллерга миниш, ундан тушиш, түғрига ҳайдаш, ўнгга, чапга, ортга бурилиш, тормоз бериш ва тўхташга ўргатылади. Топшириқлар аста-секин мураккаблаштирилади: болаларга айлана бўйлаб, «илон изи» бўлиб учиш, «Йўл ҳаракати қоидалари» ўйинини ўйнаш таклиф этилади.

Тарбиячи болаларнинг самокатда, спортроллерда учганда гоҳ ўнг, гоҳ чап оёғ билан силтанишини кузатиб боради. Масалан, бола йўлкадан бир томонга қараб учганда биринчи оёғи, орқага томон учганда иккинчи оёғи билан силтаниади. Нагрузканинг иккала оёққа баравар тақсимланиши мускулларнинг пропорционал ривожланишига ёрдам беради.

Мактабгача тарбия муассасаларида самокат—филдиракдан ҳам фойдаланиш мүмкін. Бола филдиракка сакраб чиқиб уни оёқла-ри билан олдинга ёки орқага, гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи то-монга навбатма-навбат айлантиради. Қейинчалик топшириқлар мураккаблаштирилади: оёқ остига қарамасдан, құлда предметлар ва бошқа нарсаларни ушлаб училади.

8- §. Сузиш

Болаларни сузишга ўргатиш болалар поликлиникаларида ва үй шароитида ишлаб чиқылған программа ва методик тавсияларга күра иккі ёшдан бошланади¹.

Мактабгача тарбия муассасаларида сузишга ўргатиш биринчи кичик группадан бошланади².

Сузишга ўргатышда хавфсизлик чоралари ва гигиена қондала-рига риоя қилиш зарур.

Сузишга ўргатиш қуруқлиқда ва сувдаги тайёргарлик машқ-ларидан бошланади. Биринчи босқичда қүйидаги вазифалар құ-йилади: сувдан құрқиши ҳиссиси енгиш, сувда әркін ҳаракат қи-лиш, сув ичіда күзни очиш, сувда нафас чиқариш, турли машқ-ларни бажариш. Иккінчи босқичда болалар құллариппинг турли ҳолатлары билан оёқларни ҳаракатлантириб, сувда нафас чиқа-риб, құкрак ва орқа билан сирғалишни; сувда сериялар билан нафас чиқариш; сув остида ҳаракат қилишни ўзлаштирадилар. Учипчи ва тұрткынчи босқичда болалар кроль усулида оёқ, құлла-ри билан ҳаракатлар қилиб, нафас олишни йүлга құйиб құкрак ва орқа билан сузишга ўргатилади. Таълим охиригача болалар кроль усулида құкрак ва орқа билан 7—10 м га сузишни ўрганишлари керак. Катта ёшда топшириқлар мураккаблаштирилади ва сузиш масофаси 15—20 м гача үзайтирилади. Болаларни сузишга ўрга-тишда сузиш тахталари, түплар, дамланма чамбараклар ва үйни-қоқлардан фойдаланылади.

Турли ёш группаларидағи болалар учун контрол нормативлар ишлаб чиқылған. 20 метрлик масофани сузіб ўтган болалар «Су-зишни биламан» нишони билан мұкофотланадилар.

Болаларни сузишга ўргатиш жараённің ота-оналар билан ба-равар иш олиб борилади. Улар болаларга, болалар боғчаларидан ташқарыда ҳам тегишли күнікмаларни әгаллашда ёрдам беріши-лари мүмкін³.

9- §. Тебратма курси, арғымчоқ, каруселда учиш

Машқларнинг бу турлари вестибуляр аппаратни ривожлан-тиради, тезкорликка нисбатан барқарорлықни оширади, мускул-

¹ Қаранг. Фирсов З. Плавание для всех. М., 1983.

² Қаранг. Методические рекомендации по обучению детей плаванию в детских садах. М., 1983.

³ Осокина Т. И. Учите детей плавать. М., 1985.

ларни мустақкамлади, жисмоний сифатларни такомиллаштиради, довюракликин ўстиради.

Болалар боғчаларида турли конструкциялардаги (индивидуал, жуфт ва группавий) тебранма курсилардан фойдаланилади. Индивидуал тебранма курсилар (тойchoқ, күёнча, ўрдакча, хўрозча ва бошқа шаклдагилар) икки ёшли болаларга тавсия этилади. Борча ёшидаги кичик болаларга бирмунча мураккаб типдаги (тебранувчи нарвон, кресло, қайиқ, скамейкалар), кўпинча ён девори фигурали (афсонавий, қуш, балиқ ва бошқалар) тебранма курсида тавсия этилади. Тебранма курсилар ўйинчоқ кўринишида бўлиши мумкин (самолёт, от). Катта ёшли болаларга мўлжалланган тебранма курсилар (автомобиль, отлар, фидираклар) пўлат трубалардан ясалади.

Болалар сайр пайтида тебранма курсилардан мустақил фойдаланадилар, бироқ тарбиячи дозани назорат қилиб туради: бола 15—20 марта тебрангандан сўнг курсида тусиши керак.

Мактабгача ёшда тарози аргимчоқлар, осма аргимчоқлар ва бошқалардан фойдаланилади. Уларда биттадан, иккитадан, тўрттадан бўлиб учиш мумкин. Болалар мустақил учадиган аргимчоқлар (ўртоқлари ва тарбиячи кўмагисиз) кўпроқ фойдалидир, чунки бунда мускуллар яхши ривожланади. Аргимчоқларда ўтириб ва тик туриб училади. Тарози аргимчоқлар сюжети фигуralар (күёй, айиқ, самолёт, от), «Буратино», «Этик кийган мушук», «Ажойиб ўрдакча» эртаклари персонажлари билан безалади. Кичик ёшли болалар учун индивидуал (ўриндиқлари ўралган) осма ёғоч аргимчоқдан фойдаланилади.

Тарбиячи болага аргимчоқка ўтириб учишда ёрдамлашади, ўзини тутиш қоидаларини тушунтиради. Уларнинг бажарилиши ўстидан назорат қиласи. Ҳар 15—20 марта учгандан сўнг дам олиш учун танаффус қилинади.

Каруселда доира бўйлаб айланиш вестибуляр барқарорлик ва фазода мўлжал олишнинг ривожланишига ёрдам беради.

Группавий каруселлар умумий майдончага эга бўлиб, унда болалар стулчаларда, фигуralарда ёки полда ҳам ўтирадилар. Айрим каруселларни болаларнинг ўзлари ҳаракатга келтирадилар: уларнинг барчаси майдончага чиқиб олади, иккитаси эса карусельни бир томонга айлантиради; у айланана бошлагач, болаларнинг ўзлари ҳам сакраб чиқиб оладилар.

Катта группаларда карусель — турникет, шунингдек, осма каруселлардан фойдаланилади. Қиши фаслида чаали ва конькили каруселлар ташкил этилади.

Тарбиячи қоидаларнинг бажарилиши ва дозанинг тақсимланишини назорат қилиб боради.

ҮНИНЧИ БОБ

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИ ТАШҚИЛ ЭТИШ ФОРМАЛАРИ

Жисмоний тарбияни ташқил этиш формалари — бу болалар ништің ранг-бараптага фаолиятинің таълим-тарбиявий комплекси будыл, унинг асосини ҳаракат активлігі ташқил этади. Бу формаларниң йиғинди боланинг жисмоний жиһатдан тұлақонли ривожланиши ва соғлиғининг мустақамланиши учун зарур булған мүайян ҳаракат режимини вужудда көлтиради.

Болалар ҳаракат фаолиятини ташқил этишнинг формалари құйидагилардан иборат: 1) физкультура машғулотлари; 2) күндалик режимдеги физкультура—соғломлаштириш ишлари: әрталабки гимнастика, ҳаракат үйинлари ва саір нағыздаги жисмоний машқлар, физкультура минутлари, күпдүзги үйқудан сұнгғи физкультура машқлары, чиниқтириш тадбирлари; 3) актив дам олиш: болалар туризми, физкультура дам олишлари, физкультура байрамлари, саломатлық күнлари, каникуллар; 4) болаларниң мустақил ҳаракат фаолияти; 5) үйга вазифа. Бу формаларнинг барчаси жисмоний тарбия ва болани ҳар томонлама ривожлантиришининг умумий вазифаларига жавоб берар әкан, улар ўзаро алоқададылар, шу билан бирга ҳар бири үзининг маңсус вазифасыга әгадир. Бу уларнинг мактабгача тарбия муассасалари күп режимидеги үрнини белгилайди.

Илк ёшдаги болалар группасыда асосий иш формасы жисмоний машқлар билан индивидуал шуғулланиш ҳисобланади (гимнастика, массаж, ҳаракатлы үйинлар).

Әрталабки гимнастика ва физкультура машғулотлари биринчи кичик группаларнинг барчасында бошланади, бироқ уларнинг ҳар бири ёш психофизиологияны хүсусиятларини ҳисобға олувшы ҳаракат материалини ҳамда уни үтказыш методикасини таплашға күра үзінгі хосдір.

Физкультура минутлари болалар боғчаларининг катта группаларыда күпроқ аҳамиятта эга бўлади. У ақлий фаолият үйғотовучи (математика, нутқи ўстириш бўйича) машғулотларга ва болаларнинг актив дам олиши ҳамда иш қобилиятыни тиклаш моменти єипатида икки машғулот ўртасига киритилади.

Очиқ ҳаводаги ҳаракатлы үйинлар ва ранг-бараптага мустақил ҳаракат фаолияти барча ёш группаларидаги болалар кундалик ҳәётининг зарур шарты ҳисобланади.

ФИЗКУЛЬТУРА МАШҒУЛОТЛАРИ

1- §. Машғулотларнинг умумий характеристикаси

Машғулотларнинг
аҳамияти ва вазифа-
лары

Физкультура машғулотлари болаларни жисмоний машқларга мунтазам ўргатышынинг асосий формасыдир.

Машғулотларнинг аҳамияти ҳаракатлар маданиятининг комплекс шаклланиши, соғломлаштириш, таълимий ва тарбиявий вазифаларни мунтазам амалга оширишдан иборатdir. Бу вазифаларнинг бажарилиши жисмоний камолоти, организмнинг функционал такомиллашуви, бола соғлигининг мустаҳкамланиши, улар томонидан тўғри ҳаракат күникмаларининг эгалланишини, жисмоний сифатлар ҳамда физкультура ва спортга нисбатан эмоционал ижобий муносабатни, шахсни ҳар томонлама ривожлантирилишини таъминлади.

Машғулотларда соғломлаштириш вазифаларини амалга оширишга болаларнинг ҳар томонлама ҳаракат фаолияти йўли билан эришилади. Улар организмдаги барча функционал жараённи, унинг оптимал гигиеник ва чиниқтирувчи шаройтларда ҳаётий фаолиятни кучайтиришга ёрдам беради.

Таълим-тарбиявий вазифалар машғулотлар жараёнида болаларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш, физкультура ва спорт соҳасига оид баъзи элементлар билимлар ва терминларни маълум қилиш, тўғри ҳаракат күникмалари ҳамда жисмоний сифатларни тарбиялаш йўли билан ҳал этилади.

Машғулотлар күнчакчақ, интизомли, атроф-муҳитда яхши ҳаракат қила оладиган, белгиланган вазифага мувофиқ тез ва ишонч билан, мақсадга йўналган ҳолда фаолият курсата оладиган, шуннингдек, ахлоқий сифатлар ва ижодийлик намоён эта оладиган кишиларни тарбиялашга хизмат қиласди.

Жисмоний машғулотлар кузда, қишида ва баҳорда бинода ҳамда очик ҳавода ўтказилади. Ез пайтида барча машғулотлар (ёмғирли кунлардан ташқари) очик ҳавода, физкультура майдончасида ўтказилади. Бинода ва очик ҳаводаги машқлар ўзаро алоқададир: улар барча соғломлаштириш ва таълим-тарбиявий вазифаларнинг комплекс тарзда ҳал этилишини таъминлайдилар. Машғулотларни ўтказиш шароити уларнинг баъзи ўзига хос хусусиятини белгилайди. Бинода соғломлаштириш—гигиеник шартларга риоя қилган ҳолда ўтказиладиган (дераза форточкалари очик, енгил кийим ва пойабзал) машғулотлар ҳаракатларнинг тўғри, гўзал ва аниқ бўлишини таъминлайди, умумий ҳаракат маданиятини тарбиялади. Улар турли предметлар билан ва музика жўрлигига ўтказилиши мумкин.

Очиқ ҳаводаги машғулотлар максимал соғломлаштириш самарасига эга, улар ҳаракатларни кенг жойда бажаришга имкон беради, жисмоний нагруззкани кучайтиради, спорт ўйинлари, эстафеталарни ўтказишга кенг имконият яратади. Бироқ қалин кийим ва пойабзал ҳаракатларининг аниқ, ифодали, чиройли бўлишига халақит беради.

Машғулотларнинг мазмунни ва структураси

Программада ҳар бир ёш группаси учун белгиланган жисмоний машқлар машғулотларнинг мазмунини ташкил этади. Мазмунига кўра хилма-хил машғулотларни ўтказишда вазифаларнинг аниқ ва ойдин бўлиб қолиши,

программани ўтишда изчилликка риоя қилиш, шунингдек болаларининг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш шартdir.

Машғулотлар структураси жисмоний машқларнинг болалар томонидан изчил бажарилишидан иборатdir. У қўйилган вазифалар, нерв системасининг иш қобилияти ва бола организмининг ҳар бир алоҳида ёш босқичдаги хусусиятлари билан белгиланади. Машғулот пайтида бола организмининг динамикаси ва унинг психологиясини назорат қилиш тарбиячининг асосий вазифаларидан биридир. Таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлиги шунга боғлиқ.

Ҳаракат фаолияти жараёнида юрак қисқариши частотаси кўрсаткичларини ўрганиш машғулот бошланишида унинг аста-секин оша боришини, сўнг кучая бориб, машғулотларнинг асосий қисмида юқори даражага етишини ва машғулот сўнгидага аста-секин пасайишини кўрсатди. Бундай изчиллик бир томондан, қон айланиш системасининг фаолияти ва организм иш қобилияти билан; иккинчи томондан диққат-эътиборни қаратиш, реакция тезлиги каби психик жараёнларнинг кечиши ва шу билан боғлиқ равишда ҳаракатларнинг жуда аниқлиги билан белгиланади.

Машғулот давомида организм ва психикада кечадиган ўзгаришлар марказий нерв системаси назоратида амалга оширилади. Бунда унинг нерв марказлари, нерв жараёнлари ҳаракатчанлиги, қўзғалувчанинг ошицида ифодаланадиган ўз иш қобилияти кучаяди. Машғулотлар давомида бутун организмининг жуда ишчанлиги шаронтида ишлайдиган орган ва системалар фаолиятининг ўйғуллиги яхшиланади, тўғри иш ритмими топиш ва шу билан боғлиқ равишда эмоционал ҳолатни ошириш имконияти пайдо бўлади. Бу даврда иш қобилиягининг энг юқори даражаси кузатилади. У фаолиятнинг айrim жиҳатлари характерининг ўзгаришга боғлиқ ҳолда турланиб туради (ҳаракатларни бажариш, тарбиячи ҳаракат намунасини кузатиш, унинг кўрсатмаларини тушуниб олиш ва ҳоказо).

Физкультура машғулотлари ўзаро боғлиқ уч қисмдан: кириштайёргарлик, асосий ва яқунловчи қисмдан иборат. Таълими, тарбиявий ва соғломлаштириш вазифалари машғулотнинг ҳар бир қисми учун баравар муҳим аҳамиятга эга. Мазкур вазифаларни бажариш болаларга ҳар томонлама таъсири этишини таъминлайди.

Машғулотнинг кириш-тайёргарлик қисми вазифалари ва мазмuni. Физкультура машғулотининг биринчи қисми қўйилган вазифалар ва унинг асосий қисмидаги машқлар мазмунига кўра турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун бир ҳолда у кириш, иккинчи бир ҳолда кириш-тайёргарлик характеристида бўлиши мумкин. Машғулотнинг бу қисми вазифаси болаларда унга нисбатан қизиқиш ва эмоционал кайфият пайдо қилишдан, диққатнинг тайёргарлик даражасини текширишдан, айrim ҳаракат кўникмаларини аниқлаштиришдан, бола организмини аста-секин машғулотнинг асосий қисмida кечадиган бирмунча интенсив фаолиятга тайёрлашдан иборатdir.

Шу мақсадда болаларга тўғри қад-коматни тарбиялашга, яситовонликнинг олдини олишга ёрдам берадиган, фазода ҳамда

коллективда мұлжал олниш билан бояғып, бажарилши күп вақтни талаб қылмайдын таниш машқлар ва уларнинг вариантында риши бажарып таклиф этилади.

Бундай машқларга құйидагилар киради: сафланиш машқлари — түрлиса сафланишлар ва қайта сафланишлар; турли топшириқлар билан бажарыладын (йұналиши күрсатылған бурилишлар, бошловчиларни алмаштириш ва бошқалар) юриш ва югуриш; тарқалиб енгил югуриш ҳамда кейинчалик катта ва кичик давра, колонна ва ҳоказо булиб сафланиш; турли күришишдеги ва ясситовонликнинг олдини олиш мақсадидеги юришлар — төвөнде, оёқ учыда, полдаги қалып шиур устида, парвонда юриш ва бошқа машқлар.

Кириш қисми болаларнинг колоннага уч-түрттадан бўлиб, доира бўлиб сафланиши, тарқалиши ва ҳоказолар билан якунланади. Бу болаларни машғулотнинг асосий қисми бошланишидаги умумривожлантирувчи машқларни ўргатишга ўтиш учун хизмат қиласи. Бу қисм кичик группаларда 2 дан 4 минутгача, ўрта группаларда 3 дан 5 минутгача, катта группаларда 4 дан 6 минутгача давом этади.

Агар машғулотнинг биринчи қисми кириш-тайёрлов қисм сифатида планлаштирилса, унинг бошланишида юқорида күрсатылған кириш қисм учун мұлжалланған машқлар берилади. Бироқ шундан сўнг машғулотнинг шу қисмидеги фақат тақрорий ва вариациялы машқлардан иборат ўргатиш талаб қылмайдын умумривожлантирувчи машқлар берилди. Уларнинг вазифаси бола организмини машғулотнинг асосий қисмидеги бирмунча юқори жисмоний нагруззкага тайёрлаштирилди. Бунда етарли жисмоний нагруззкага эга бўлган мураккаб координацияли асосий ҳаракатлар ёки интенсив ҳарактердаги спорт машқлари планлаштирилди. Бундай ҳолда машғулотнинг асосий қисми болаларни асосий ҳаракатларга ўргатишдан бошланади.

Кириш — тайёргарлик қисм кичик группаларда 3 дан 4 минутгача, ўрта группаларда 4 дан 6 минутгача, катта группаларда 5 дан 10 минутгача давом этади.

Машғулотнинг асосий қисми вазифалари ва мазмунни. Машғулотнинг бу қисмидеги бир ҳолатда дастлаб болаларни умумривожлантирувчи машқларга, сўнг асосий ҳаракатларга ўргатиш ва жисмоний сифатларни тарбиялаш вазифалари белгиланади; иккинчи бир ҳолатда асосий ҳаракат машқларига ўргатиш белгиланади. Бу машқлар янги ҳаракат материали билан таништиришини, аввалдан талиш машқларни турли вариантындан фойдаланып тақрорлашни, мустаҳкамланиш босқичидеги ҳаракат күнкіммаларини такомиллаштиришини күзда тутади. Шундан сўнг барча болаларни интенсив ҳаракатга тортадиган қоидали ҳаракатли ўйинлар ўтказилади.

Болаларнинг оптимал психик иш қобилиятининг давомсизлигини ҳисобга олиб жуда қийин вазифалар асосий қисмнинг бошида белгиланади (масалан, болаларни янги материал билан таништи-

риш ёки жуда мураккаб координацияли машқларни бажариш).

Умумлаштирувчи машқларни болалар кичик предметлар — байроқчалар, тәйекчалар, чамбараклар, ленталар, шиурлар билан бажарадилар. Чунки улар бутун организмнинг функционал ҳолатини яхшилашга таъсир этади. Улар катта мускул группаларини аста-секин интенсив ишга жалб этиш вазифаларига кўра танланади.

Дастлаб тўғри қад-қоматни шакллантириши ва пафас олишни тартибга солиш мақсадида (масалан, қўлларни ён томонларга узатиш ва уларни кўкрак олдида бирлаштириш ва бошқалар) қўл мускуллари ва елка камари мускулларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш машқлари берилади. Иккимиchi навбатда гавда учун, орқа мускулини мустаҳкамлаш ва умуртқа эгинувчанини ривожлантирувчи (олдинга, орқага ва ён томонларга эгилиш, ўнгга ва чапга бурилишлар—гавданай аллангириши) машклар берилади. Қорин ва оёқ (товонларни қўшувчи) мускулларини ривожлантириб ва мустаҳкамловчи (чўққайиш, тиззадан букилган оёқларни кўтариш ва бошқалар) машқлар учинчи навбатда берилади. Бу машқларни бажаришда ва уларни тақрорлашда бола организмини аста-секин катта нагруззкага тайёрлаб бориш кўзда тутилади.

Шундан сўнг асосий ҳаракатларни ўргатишга ўтилади. Бунда улардан бири болалар учун янги, бошқалари эса ўрганиш ва та-комиллаштириш босқичида бўлади.

Мактабга тайёрлов группаларида Ю. Ю. Рауцкис маълумотига кўра, бир физкультура машғулотида асосий ҳаракатлардан иборат иккитадан тўрттагача машқуни планилаштириши мақсадга мувофиқидир. Улардан бири егакчи бўлиб тарбиячининг асосий ёзтиборини талаб қиласди, қолганилари эса болаларга аввалдан таниш тақрорлаш ва такомиллаштириши мақсадидаги машқлардан танланади (масалан, улоқтириш ва эмаклаш иштирокидаги сакрашлар ёки югуриш иштирокидаги улоқтириш ва Ѿоказо). Бу ҳаракатларни қўшиб олиб бориша уларнинг интенсивлик даражаси ҳисобга олинади. Юқори даражадаги интенсив машқлар билан паст даражадаги интенсив машқлар ёки турли ўрта интенсив машқлар билан қўшиб олиб бориш жуда мақсадга мувофиқидир. Шундай қилиб, болалар фаолиятининг ранг-баранглигига ва ҳаракат даражасини таъминлайди.

Барча мускул системасининг иштирокини талаб қилувчи асосий ҳаракатларни бажариш кўп даражада организмнинг функционал ҳолатини яхшилади ва тезкор, мақсадага йўналган ҳаракатлар билан характерланадиган ҳаракатли ўйиндаги юксак фаолият кўрсатишга тайёрланади.

Машғулотнинг умумривожлантирувчи машқларни ўргатиш билан олиб бориладиган асосий қисми давомийлиги кичик группаларда 15 дан 18 минутгача, ўрта группаларда 20 дан 22 минутгача, катта группаларда 25—28 минут бўлади. Умумривожлантирувчи машқларсиз ўтказилганда эса унинг давомийлиги кичик группаларда 8—12 минут, ўрта группаларда 12—15 минут, катта группаларда 15—20 минутни ташкил этади.

Машғулот якунловчи қисмидан вазифалари ва мазмани. Машғулотнинг ўйиндан сўнгги якунловчи қисми тобора секинлашадиган интенсив суратдаги юришни ўз ичига олади. У умумий қўзғалувчанликнинг пасайишига ва пульснинг нормаллашишига ёрдам беради; юриш жараёнида болалар бир неча нафас олиш машқларини бажаришлари мумкин. Баъзи ҳолларда юриш барча болалар иштирокидаги кам ҳаракатли ўйин билан алмаштирилиши мумкин (масалан, «Топ-у, жим тур», хоровод типидаги «Ўзингга ёққан нарсани келтир» каби ўйинлар). Юриш ёки уни алмаштирувчи ўйин сўнггидаги машғулотга якуп ясалади ва болалар бошқа фаолиятга ўтадилар. Машғулотнинг якунловчи қисми давомийлиги кичик группаларда 2 минутдан 3 минутгача, ўрта ва катта группаларда 3 минутдан 4 минутгача бўлади.

Бутун машғулотнинг давомийлиги кичик группаларида 15—20 минутни, ўрта группаларда 20—25 минутни, катта группаларда 30—35 минутни ташкил этади.

Физкультура машғулотлари жараёнида болаларда ҳаракат кўникмаларининг ривожланиши билан бир вақтда тезкорлик, чаққонлик, чидамлилик, эгилувчанлик, куч каби жисмоний сифатлар тарбияланади.

Физкультура машғулотлари белгиланадиган ўқув иши ҳаракетига мувофиқ планлаштирилади: бир хил машғулолгарда асосий эътибор болаларни янги жисмоний машқларни аввал ўрганилгани билан бирга ўргатишига; иккинчи хил машғулотларда ҳаракат материалининг болалар томонидан ўзлаштириш даражаси, бажарилиш сифати ва миқдорий натижаси вақт-вақти билан текшириб турилади: учинчи бир хил машғулотларда болаларга таниш машқлар такомиллаштириш мақсадида варианtlардан фойдаланган ҳолда такрорланади ва ҳоказо.

Физкультура машғулотлари яхлит сюжет кўринишидаги, болаларга таниш ўйин формасида ўтказилиши мумкин (масалан, «Сайр», «Саёҳат» «Изтопарлар», «Спортчилар» ва ҳ. к.). Бу ўйинлардаги ҳаракат изчиллиги физкультура машғулотлари структурасига мувофиқ бўлиши, шуғулланаётган группадаги болаларнинг ёш имкониятлари ва шу билан боғлиқ равишда жисмоний нагрузка даражасини ҳам ҳисобга олиши керак. Бундай машғулотлар ижодий ташаббус ва раҳбарликда эмоционал — образли методикини талаб қиласди.

Очиқ ҳаводаги
физкультура маш-
ғулотлари

Тадқиқотлар физкультура машғулотларини йил бўйи очиқ ҳавода ўтказиш зарурлигини кўрсатди. (Л. В. Қарманова, В. Г. Фролов, Г. П. Юрко.) Улар бола организмининг функционал жиҳатдан такомиллашишига, чиниқишига ёрдам беради, шамоллаш касалликларига қаршилигини, оширади.

Очиқ ҳаводаги машғулотлар одатда уч қисмдан: кириш-тайёр гарлик, асосий ва якунловчи қисмлардан иборат бўлади. В. Г. Фролов ва Г. П. Юрколарнинг маълумотига кўра, машғулотларнинг хусусияти турли суръатда — тез, ўрта, секунд югуришдан кўп

марталаб фойдаланиш ҳисобланади. Югуриш суръатининг ўзгариши организмнинг функционал имкониятлари ортишига, умумий чидамлиликнинг ошишига таъсир этади.

Машғулотнинг кириш-тайдарлар қисми ҳаракат техникинини яхшилаш, оёқ мускулларини мустаҳкамлаш, қоматни тақомиллаштириш мақсадидаги нафас олиш, секин суръатдаги югуриш машқлари (тиззаларни баланд кўтариб қадам ташлаш, майдада қадам ташлаш)дан иборатdir. Югуришдан сўнг болалар зевонли колонна, доира ва бошқаларга сафланадилар, бу кейинги машқлар учун мақсадга мувофиқдир.

Машғулотнинг асосий қўл, гавда ва оёқ мускулларига яхши нагрузка берувчи умумривожлантирувчи машқларни бажариш учун мўлжалланади. Шундан сўнг ўртacha тезликда югуриш ўтказилади. У юриш ва болаларнинг асосий ҳаракатларни бажариш учун қайта сафланиши билан тугалланади. Бунда аввал мураккаб ёки яиги ҳаракатлар, ўртacha тезликда югуришдан сўнг эса секин суръатдаги югуриш билан тугалланадиган таниш (такрорий) ҳаракатлар берилади. Бу қисм охирида мусобақали ҳаракатли ўйин, эстафета ўйини ёки спорт ўйини ўтказилади. Улар болаларнинг юқори ҳаракат активлигини таъминлайди.

Машғулотнинг якунловчи қисмида секин суръатдаги югуришдан нафас олиш машқларини бажарган ҳолда юришга ўтилади.

Шундай қилиб, программа материалини ўзлаштириши ва етарли даражадаги юқори жисмоний нагрузка таъминланади. Бунда болаларнинг ижобий эмоциялари катта роль ўйнайди. Бу эмоциялар машқларни яхши бажаришга ва толиқмаслилка ундейди¹.

2- §. Машғулотларни ўтказиш методикаси

**Машғулотларда
машқларни танлашга
қўйиладиган
талаблар**

Жисмоний машқларни машғулотлар учун танлаш программа асосида тузиладиган иш плани бўйича белгиланади. Муайян группа болалари ёшини, ҳар бир боланинг саломатлигини, умумий ривожланиш даражасини ҳисобга олувчи перспектив ва календарь планлар болалар томонидан эгалланган ҳаракат кўнникмалари, болаларнинг индивидуал — типологик хусусиятлари, йил фасли, машғулотларни ўтказиш шароити, шунингдек, болаларнинг аввалги фаолиятини ҳисобга олишдан келиб чиқсан ҳолда машғулот вазифалари ва конкрет жисмоний машқлар белгиланади.

Навбатдаги машғулот планини ишлаб чиқинча олдинги машғулотни синчилклаб анализ қилиш қўл келади. Анализ жараённада олдинги машғулотда қўйилган вазифаларнинг амалга оширилган

¹ Очиқ ҳавода машғулот ўтказиш мазмунни ва методлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Фролов В. Г. ва Юрко Г. П. Физкультурые занятия на воздухе с детьми дошкольного возраста, М., 1983.

даражаси, болалар реакциясида намоён бўладиган ва машғулотни ҳисобга олишда қайд этиладиган натижалар (барча болалар томонидан ва алоҳида ҳолда янги программа материали ўзлаштириш даражаси; таниш ҳаракатларни эгаллашдаги прогресс ёки қўшимча машқлар, енгилроқ вариантларни, бирмунича чуқурроқ ўрганишни, болаларни ташкил этиш формасини ўзгартириши, индивидуал машғулотлар ва ҳоказоларни талаб этувчи у ёки бу қидинчиликлар) аниқланади.

Олдинги ва кейинги машғулотлар ўртасидаги узвий алоқа, умумий мақсадга йўналганлик мукаммал системани таъминлайди. Бу тобора мураккаблашиб борадиган вазифаларни бажаришдаги аниқ изчилликни, программани ўтишни ва шу аснома ҳар бир ёш группасидаги болалар таълимининг натижалари муваффақиятили бўлишини белгилайди. Олдинги машғулот анализи асосида аввало машғулот асосий қисмининг вазифалари: болаларни янги машқларга ўргатиш; олдиндан таниш машқларни тақорлаш ва такомиллаштириш (конкрет жисмоний машқлар кўрсатилиди) белгилаб олинади. Шундан сўнг машғулотнинг кириш ва якунловчи қисмiga мўлжалланган машқлар аниқланади.

Тарбиячи, айниқса етарли тажрибага эга бўлмагани тарбиячи программада берилган методик тавсиялардаги жисмоний машқларни планлаштириш системасидан фойдаланиши мумкин. Ушбу тавсияларга ижодий ёндошган ҳолда ўз группасидаги конкрет шароитга мувофиқ планга зарур ўзгартишлар киритиши мумкин. Айни пайтда мазкур кўрсатмалар унга болаларни программага кўра жисмоний машқларга системали ўргатиша ёрдам беради.

Машғулотларда Тарбиячи болаларни ўзотиришининг фронтал, болаларни уюсти- группавий, индивидуал каби турли усуслари- риш усуслари дан фойдаланади.

Фронтал усуслардан фойдаланилганда болаларга барча учун бир хил тарзда, бир вақтда бажариладиган машқлар берилади. Фронтал усуслини машғулотнинг исталган қисмида, айниқса болаларни янги машқларга ўргатиша ёки аллақачон таниш машқларни такомиллаштиришда қўллаши мақсадга мувофиқидир. Бу усул болаларда ҳаракат уйғунлигини тарбиялашда, уларни бўрча учун баробар вазифаларни ҳал этишга бирлаштиришда, тарбиячининг болалар билан бевосита алоқага киришишида, шунингдек машғулотларнинг мотор зичлигини оширишда самаралидир.

Болалар машғулот деталларини ўрганиш ва аниқлаш жараёнида навбати билан ҳаракат қилувчи унча катта бўлмаган груплага бўлиниши мумкин. Бунда тарбиячи машқининг бир ёки иккιи группа томонида бажарилишини кузатиб бориш имкониятига эга бўлади, қолган болалар эса ўз ўртоқлари ҳаракатларини кузатадилар ва тарбиячини тинглайдилар.

Бундан ташқари машқларни поток усулида бажаришдан ҳам фойдаланилади, бунда барча болалар айнан бир машқни навнатма-навбат, бирин кетин, тўхтөвсиз — поток усулида бажарадилар. Машқларни кепг кўламда тақорлаш учун уларни бажариш

икки ва уч потокда ташкил этилиши мумкин. Турли машқларни ҳар бир бола томонидан давра бўйлаб, станциоп тарзда изчил тартибда поток усулида бажарилиши фойдали ҳисобланади (масалан, чамбарак орасидан ўтиш, скамейкада қоматни тик тутиб юриш, сакраб қўнғироқчани чалиш, чопиш ва югуриб келиб узунликка сакрash).

Жисмоний машқларни поток усулида бажариш усулини катта ва тайёрлов группа болаларига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу усулнинг машқларни такомиллаштиришдаги алоҳида аҳамиятга моликлиги ва уларни ўрганишда эса кам аҳамиятга ёга эканлигини қайд этиб ўтмоқ лозим: поток ҳаракатнинг тўхтовсизлиги тарбиячига баъзан болалар ҳаркатидаги ноаниқликларни бартараф этишда имкон бермайди; у ҳар бир болани кузатиб боради ва бу вақтда машқларни бажарилишини қисқа тарзда баҳолаши ёки огоҳлантириши мумкин. Шу билан бирга ҳаракат — поток усулини кўникмаларни такомиллаштиришда қўллаш болаларда тезкорлик, эпчилик, куч, чидамлилик ва фазода мўлжал олиш каби жисмоний сифатларни тарбиялашга хизмат қиласди.

Катта ва тайёрлов группаларда груп павий усулдан фойдаланилади. У машғулотда тарбиячининг болаларни ўргатиш жараёни ва болаларнинг аввал ортирган ҳаракат кўникмаларини такомиллаштириш билан қўшиб олиб борилган ҳолларда қўлланилади. Бунда болаларнинг бир группаси тарбиячи раҳбарлигига бирор-бир ҳаракатга ўргатилади, иккичи групни болалари (ёки иккита катта бўлмаган группа) эса бу вақтда бошқа машқ турини машқ қиласдилар (такрорий). Ўзларига аввалдан таниш, бироқ турли машқларни (тўл ўйини, тирмашиб чиқиш, мувозанат сақлаш ва бошқалар), шунингдек ижодий топшириқларни бажаридиган икки ёки уч группа болалар бўлиши мумкин.

Тарбиячи бир группани бевосита ўргата бориб, барча шуғулланувчиларни ҳам эътибордан қочирмайди, болаларга ҳаракатлари тўғрилигини, тартиб, хатти-ҳаракатларини ўзлари назорат қилиб боришлиарини таклиф этади. Машғулот шундай ташкил этилганда болаларда масъулият, ўзини тута билиш, топшириқни барча учун умумий иш кайфиятини бузмаган ҳолда мустақил бажариш малакаси, ўз кўникмаларини онгли равишда такомиллаштириш тарбияланади ва шунингдек, машғулот давомида бутун группанинг ҳаракат активлиги ва юқори мотор зичлигини сақлаш имконияти яратилади.

Машғулот жараёнида ҳар бир бола ўзига берилган топшириқни тарбиячи назорати остида мустақил бажараётганида инди видуал усулдан фойдаланиш мумкин. Ҳамма учун умумий бўлган машқлар деталларини аниқлаштириш мақсадида машқ тарбиячи чақириғига кўра индивидуал тарзда бажарилади. Бундай усул тарбиячининг алоҳида эътиборини, болаларни яхши ўюштиришини, барчани актив кузатнишга жалб этиш ва топшириқлар бажарилишининг тўғрилигини анализ қилишни, машқларни

тарбиячи чақириғига күра қайта бажаришга тайёр туришин талаб өтади.

Машғулотда болаларни уюштиришининг курсатиб ўтилган усул-ларининг ҳар биридан фойдаланиш тарбиячи қўйган вазифаларга, машғулот ўтказиладиган шароитга ва уларни рационал амалга оширишга боғлиқ. Болаларни машқларга ўргатишда физкультура машғулотлари самарадорлигини оширишга имкон берувчи таш-кил этишнинг турли аралаш усулларидан фойдаланиш айниқса мақсадга мувофиқдир.

Машғулотлардаги жисмоний ва психик нагрузкалар характеристири ҳамда уни мұқобиллаштириш усуллари

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан физкультура машғулотларини ўтказишида нагрузка ва дам олишни оқилона алмаштириб туриш зарур.

Дам олиш машғулот жараёнида актив ва пассив бўлиши мумкин. Актив дам олиш бир-мунча толиқиши билан кечган фаолиятдан бошқасига ўтишини кўзда тутади. Пассив дам олиш актив ҳаракат фаолиятини истисно қиласидиган нисбатан хотиржам ҳолат билан ҳарактерланади.

Машғулотда нагрузка ва дам олишни тўғри алмаштириб туриш диққатнинг оптимал қўзғалишини ва бола эмоциясини сақлашни таъминлайди, табиий вужудга келувчи толиқишининг олдини олади. Бунда муайян зўриши уйғотадиган ва куч сарфлашни талаб этадиган, шу билан боғлиқ равишда толиқиши келтириб чиқарадиган нагрузка айни пайтда организмнинг тикланиш жараёни, унинг функцияларини оширишининг омили ҳам ҳисобланади. Мавжуд тадқиқотлар организмнинг иш қобилияти иш ва дам олишини алмаштириш чоғида муайян фазаларнинг алмашиниш жараёнида қонуний тарзда ўзгариб туришини кўрсатмоқда. Етарли-ча нагруzkada иш қобилияти аста-секин пасаяди, бироз толиқиши сезилади. Боланинг организмга дам берувчи фаолиятининг алмашиниши тикланиш жараёнларининг активлашишига ёрдам беради.

Шундай қилиб, толиқиши ва тикланиш жараёнлари ўртасида-ги органик алоқа ва ўзаро ўтишлар дам олиш ва нагрузканинг ўзаро боғлиқлик қонуниятини белгилайди.

Юқорида машғулотнинг кириш қисми организмни аста-секин ишга кўникишига ва болани машғулотнинг асосий қисмига тайёрловчи психик функцияларининг активлашишига ёрдам бериши кўрсатиб ўтилган эди. Машғулот асосий қисмининг бошида болаларга жуда қаттиқ диққатни талаб этувчи материал берилади. Янги ҳаракат фаолиятига ўргатишда болада унинг дастлабки образи, ҳаракат тасаввuri вужудга келади. Бу вазифани тушуниш олиш, машқ элементларининг тарбиячи томонидан бажарилиш изчиллиги, унинг машқни бажариш усулларини кўргазмасиз изоҳлаши ва тушунтириши билан боғлиқ. Шундан сўнг болалар машқни қайтадан мустақил бажара бошлайдилар. Бу вақтда машқни иложи борича аниқроқ бажаришга ҳаракат қилиб бола ўз иродасини (аклий ва жисмоний) намоён өтади. Буларнинг барчаси нерв системасининг зўришишига ва организмнинг психик ва физиологик

функциясининг ошишига олиб келади. Шунинг учун бундай жарапт жуда давомли бўлиши керак эмас.

Бош мия пўстлоги тўқималарининг бир группа ёки бутун бир участкаси-
даги узоқ давом этган қўзғалиш албатта бошқа группаларда тормозланиш
ҳолатини келтириб чиқаради. Бу ташқаридан қараганда болалар паришонхо-
тиргигида, улар қизиқини ва эмоцияларининг сусайишида, ҳаракатлар коор-
динациясининг бир қадар бузилишида, баъзан қўзғолиша кўринади. Гормоз-
ланишининг муҳим функцияларидан бири мия пўстлоги тўқималарини ўта да-
ражадаги қўзғолишдан ҳимоя қилишdir. Агар қўзғатувчи таъсир жуда давом-
ли ёки тез-тез такрорланса, ёхуд ҳаддан ортиқ кучли ва тинкани қуритади-
ган даражада бўлса, бундай ҳолда мия пўстлогининг қўзғалувчанилиги сусая-
ди ва у қўзғатувчига жавоб қилмайдиган бўлиб қолади.

Шундай экан, нагрузкани дозалаш, болани бир хил фаолиятдан иккичи-
сига жалб этиш ва иш ҳамда дам олиши мунтазам алмаштириб турниш қан-
дай роль ўйнаши ўз-ўзидан маълум булиб қолади.

Болалар янги машқларни ўзлаштириб олганларидан кейин,
уларга такрорий, кам куч сарфлаб бажариладиган машқлар бе-
рилади. Болалар таниш машқни бажаришдан олдин тарбиячишининг
оғзаки кўрсатмасини тинглайдилар ва шундан кейин ҳаракатлар-
ни қайтадан бажарадилар. Тарбиячи томонидан кўрсатма бериш-
га сарфланган вақт болаларнинг тафаккур фаолиятини активлаш-
тирган ҳолда мускул фаолиятига дам беради.

Шундан сўнг болалар ҳаракатли фаолиятнинг деталларини
онгли бажарадилар ва назорат қиладилар, бир неча бор такрор-
лаш билан унинг тўғрилигини аниқлаштирадилар. Ана шулардан
сўнг болаларга аввалдан таниш машқлар ёки стабиллик босқи-
чидан турган варианtlардан бири берилади. Бу машқларнинг ба-
жарилиши боланинг вазифага нисбатан онгли муносабати сақла-
нишини қўзда тутади, бироқ ҳосил қилинган система, уларнинг
автоматлашгани туфайли ҳаракатли фаолиятни бажариш усулига
эътиборни талаб этмайди. Болаларга машқни эслаш ва уни бажа-
риш усулини ҳикоя қилиб беришин индивидуал таклиф этиш мум-
кин, шундан сўнг машқни ҳаммалари қайтадан бажарадилар.

Кўрсатиб ўтилган (намунавий) топшириқларни алмаштириб
туриш тарбиячига бутун машғулотнинг қулай суръатини (шошма-
шошарликсиз), болалар фаолияти характеристини алмашлаш, орга-
низмнинг психик ва жисмоний функциялари ўртасидаги ўзаро ало-
қани белгилайдиган машқларнинг такрорий миқдорини қўзда ту-
тиш имконини беради.

Машғулотда болалар фаолиятини түғри алмаштириб турниш
унинг умумий зичлигини таъминлайди.

Машғулотнинг умумий ва мотор зичлиги. Машғулотнинг умумий
зичлиги педагогик жиҳатдан ўзини оқлаган вақтнинг маш-
ғулот давомийлигига нисбати билан белгиланади.

Болаларнинг тушунтиришлар, кўрсатмалар, оғзаки инструк-
цияларни идрок этиши, тарбиячи намойиш этган жисмоний машқ-
ларни кузатиши, топшириқларни тушуниб олиши, болаларнинг
машқларни бажариш усулларини тушунтириб бериши, жисмоний
машқларни бажариши ва дам олиши педагогик жиҳатдан оқлан-
ган усул ҳисобланади.

Жисмоний машғулотларга характеристика беришда жисмоний машқуларни бажаришга, бутун машғулот давомийлигига сарфланған вақтнинг инсабати сифатида тушуниладиган мотор зичлиги жуда муҳимдир. У ҳар бир конкрет машғулотнинг маҳсулдорлигини белгилайди. Бироқ машғулотнинг мотор зичлигига қўйила-диган талаблар ўқув-тарбиявий вазифаларни амалга оширишни истисно этмайди. Болалар ақлий ва жисмоний фаoliyatini тўғри, мақсадга мувофиқ алмаштириб туриш машғулот мазмуни пухта ўйланганлиги ва уни малакали тарзда ўтказишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Машғулот жараёнида зарурый ёрдамчи ҳаракатларга жуда оз вақт ажратилади (ашёларни тарқатиш, болаларнинг қайта сафланиши, физкультура снарядларини қайта жойлаштириш). Тарбиячи бу ҳаракатларни ташкил этишини олдиндан ўйлаб олади ва вақтни беҳуда сарфлаш имконини истисно қиласди. Тасоди-фан юз берадиган ташкилий хатоликлар (машқуларни бажариш учун зарур ашёларнинг йўқлиги, болалар кийими ва пойабзалидаги камчиликлар, залда бегона кишиларнинг пайдо бўлиши) педагогик жиҳатдан ўзини оқламаган ҳолда сарфланган вақт сифатида белгиланади. Жисмоний машғулотлар қўйилган таълим-тарбиявий ва соғломлаштириш вазифаларига жавоб бера олиши учун улар қизиқарли бўлиши, болаларда муайян эмоционал кўтаринки руз ўйғотиши зарур.

Исталган ёш группаси машғулотларида қизиқишининг юзага келиши машқулар ва ўйинларнинг муайян тарзда янгилиги ҳамда фикр, ҳаракат активлиги, ижобий эмоциялар, натижага эришиш истагини ўйғотадиган вазифаларни аста-секин мураккаблаштириш билан таъминланади. Кичик группаларда қизиқиши ва эмоциялар ҳаракатларни бажариш жараёнининг йўлдоши ҳисобланади. У мускул ҳаракати сезгисидан ва ҳаракат вазифаларини муваффақиятли бажаришдан қониқини ҳиссини ўйғотади.

Бирмунча каттароқ группаларда болаларнинг қизиқиши уларнинг машқуларни мустақил бажариши, айрим қийинчиликларни онгли равишда енгил ўтиши туфайли ортади. Шундай экан, тарбиячи машғулотни муваффақиятли ўтказиш учун ҳар бир болаларнинг хусусиятларини яхши билиши ва шу асосда колектив машғулот жараёнида индивидуал раҳбарликни моҳирона амалга ошира олиши лозим. Бунда у психик ва жисмоний нагрузкаларнинг интенсивлик даражасини ҳисобга олади ҳамда уларни ўз вактида бошқариб боради. Масалан, болалар қизиқиши ва эмоцияларининг сусайинши, кечикадиган реакциялар, диққатнинг тарқоқлиги, қўзғолиш — буларнинг ҳаммаси бир ҳолда нагрузканинг камлиги, иккинчи ҳолда эса нагрузканинг кўплиги ва толиқиши натижаси бўлиши мумкин. Жисмоний зўриқишида бироз ҳаллослаш, енгил терлаш, ҳаракатларнинг сусайинши кузатилиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси тарбиячининг машғулотдаги раҳбарлиги мазмуни ва методикасида баъзи бир камчиликлар мавжудлигидан гувоҳлик беради.

Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун гоҳида болалар фолиятини ўзгаришига қаратилган бир қатор методик усуллар қўйманса, бу билан кузга ташланган чарчаҳ, толиқиши ҳолатларининг олди олинади ҳамда организмнинг психик ва физиологик функциялари мутаносиб ҳолга келтирилади, бу эса иш қобилиятини сақлаб қолишга кумаклашади. Бошқа бир ҳолларда эмоцияни, яъни ҳис-туйғуларни оширишга қаратилган ўйин ва мусобақа методларидан ҳамда аниқ мақсадга қаратилган ҳаракатларни бажариш йўли билан бундай чарчаҳ, ҳарсиллаб қолиш сингари ҳолатларнинг олдини олиш лозим.

«Болалар боғчасида таълим ва тарбия программаси»га кўра физкультура машғулотлари ҳафтасига уч марта ўтказилади. Улардан бирни музика журлигига ўтказилиши мумкин. Музика асарларини синчиклаб танлаш ва уларни малакали ижро этиш бунинг зарур шарти ҳисобланади.

Еш жиҳатдан аралаш группаларда физкультура машғулотларини ўтказиш методикасининг хусусиятлари

Еш жиҳатдан аралаш группалардаги физкультура машғулотлари жисмоний машқларни жуда синчиклаб танлашни талаб этади. Бу машқлар бир группага бирлашган барча болаларнинг ёш хусусиятлари ва имкониятларига мос келиши лозим.

Бола ривожланишидаги ҳар бир алоҳида ёш босқичи ўзининг психик ва жисмоний хусусиятларига эга. Шунинг учун жисмоний машқлар ва таълим методикасининг мазмуни ҳам ҳар хил булиши керак. Кичик ёшдагилар учун оғирлик қиласидиган, бевақт берилган ва айни пайтда катта ёшдаги болалар учун енгил, бирмунча психик ва жисмоний зўр беришни талаб этмайдиган материал иккала ҳолда ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Кичик ёшли болалар ўзлари учун мураккаб бўлган зарур өфалиқ звенодаги қийинчиликларни муваффақиятсиз тарзда бартараф этадилар.

А. В. Запорожец «Ҳар бир ёш босқичида умумий психофизиологик бишонинг навбатдаги қавати қўйилади, вазифа уни беҳуда шошма-шошарликсиз, олдиши қаватни битириб бўлмасдан кейингисини қўймасдан жуда ярашиқли қилиб қуришдан иборатdir», — деб огоҳлантиради.

Айни пайтда катта ёшли болалар ўз имкониятларидан паст машқларни бажараётгандарида уларнинг ўзларига бериладиган ақлий ва жисмоний зўр беришни талаб этмайдиган материалга нисбатан қизиқиши йўқолади. Шунинг учун аралаш группаларга мўлжалланган машғулотлар программасининг мазмуни ҳар бир ёш группаси болалари имкониятларига мос булиши лозим.

Бундай группаларда машғулотни планлаштиришининг қийинчилиги шундаки, бир томондан ҳар бир группа болалари учун уларнинг ёш группаларига мувофиқ жисмоний машқларни танлаш, иккичи томондан барча болаларни улар учун қизиқарли бўлган фолиятга бирлаштириш имконини топиш зарур.

Машғулотларни намунавий ўтказиш имкониятларини кўриб ўтамиш.

Машғулот бошланиши олдидан катта ёшли болалар спорт кос-тюмларини киядилар, сүнг уларнинг айримлари бирмунча кичик ёшлиларнинг кийинишига ёрдам берадилар, бошқалари эса за-тур физкультура инвентарини машғулотларга мустақил тайёр-лайдилар. Иш шундай ташкил этилганда кичкитойлар машғулот-ни ўтказиши орқага сурмайдилар, катта ёшлилар эса ўзларининг ёшига яраша меҳнат фаолияти тури билан шуғулланадилар ва ки-чикларга ёрдам кўрсатадилар.

Машғулот турлича бошланиши мумкин: масалан, хонага даст-лаб кичик болалар кирадилар ва ўтирадилар, улардан сүнг кат-та ёшли болалар кирадилар. Уларнинг қад-қоматни тутиши ва ҳаракатлари кичиклар тақлид қилишлари учун кўргазмали намуна бўлиб хизмат қиласди.

Шундан сүнг кичик ёшли болалар ўз программалари бўйича қатор машқларни бажарадилар. Бунда баъзан катта ёшли болалар машқларни бажариш усулини кўрсатган ҳолда қатнашишлари мумкин (масалан, доира бўйлаб сафланишда катта ёшли бо-лалар кичик ёшлилар ўртасида турадилар, кичкитойлар уларнинг ҳаракатларини кузатиб турадилар). Бошқа бир ҳолда эса кичик ёшлиларни группачаларга бўлиш ва уларнинг ҳар бирини катта ёшлиларга топшириш мумкин, катта ёшлилар уларни тар-биячи раҳбарлигида ўргатиб борадилар. «Қаранглар, — дейди ҳарбиячи — катта болалар байроқчаларни юқорига қандай кўта-ришпти ва оҳиста пастга туширишпти». Намойишдан сүнг у: «Энди сизлар ҳам катталар билан биргаликда шу машқни бажа-ринг», — дейди. Ишни бундай ташкил этиш катта тарбиявий маз-мунига эга бўлиб, у катта ёшли болаларда масъулият, аҳиллик, қониқиши ҳиссини, кичикларда эса барча нарсани яхши адо эта-диган ўзидан катталарга ҳурмат ҳиссини уйғотади.

Шундай бўлиши ҳам мумкинки, тарбиячи кичик болалар билан банд бўлганда катта ёшлилар хонанинг иккинчи бурчагида бош-қа бирор ҳаракат тури билан мустақил шуғулланишади, бунда улар тарбиячи эътиборида бўладилар.

Болаларни машғулотда уюштиришнинг у ёки бу формасини танлаш, машғулот вазифалари ва мазмунига, болалар сонига ҳам-да уларнинг умумий интизомига боғлиқдир.

Кичик ёшли болалар билан ҳаракатли ўйни ўтказишида (баъзан барча болалар учун умумий ўйни ўтказилиши мумкин) тарбиячи катта ёшлилар группасидаги айрим болаларга ўйинин тушунти-ришни (агар болаларда бундай тажриба бўлса), ўйин вазияти ҳо-сили қилишини (стулларни қўйиб чиқиши, зарур бўлганда ўйинчоқ-ларни жойлаштириш ва бошқалар) ёки она қуш, курк товуқ, му-шук, автомобиль ролини бажаришини топширади: бошқа болалар ўйинда кичик ёшлилар билан биргә қатнашишлари мумкин.

Ўйиндан сүнг кичик ёшлилар энага кузатуви ва ёрдамида сайд-га тайёрланадилар, катта ёшлилар эса, тарбиячи билан ўз про-граммалари бўйича шуғулланишни давом эттирадилар.

Келтирилган машғулот плани тахминий ҳисобланади ва у доимий бўлиши мумкин эмас. Ёш жиҳатдан аралаш группаларда физкультура машғулотларини ҳар хил ташкил қилишга интилиш зарур. Масалан, болалар навбати билан шуғулланишлари мумкин: дастлаб катта ёшли болалар шуғулланадилар, кичик ёшлилар эса бу вақтда энага кузатувида ўйнайдилар ёки аксинча — кичик ёшлилар тарбиячи ҳамкорлигига жисмоний машқлар билан шуғулланадилар, катта ёшли болалар эса тарбиячининг топшириғига кўра бирор нарса билан мустақил машғул бўладилар.

Амалда аралаш группаларни комплектлашнинг турли усуllibari мавжуд.

Чунончи, Н. В. Потехина икки аралаш ёшдаги болаларни бирлаштиришни муваффақиятли деб ҳисблайди. Бунда асосий ҳаракатларга (юриш, югуриш ва ҳоказо) ўргатиш программасининг бази хусусиятларига ёътибор берилади. Бу шундан иборат бўладики, программа талабларининг мураккаблашуви қанчалик янги ҳаракатларни киритиш ҳисобига эмас, балки уларни бажаришини ўрганишининг турли усуllibari ва сифат ҳамда миқдор кўрсаткичларини яхшилан ҳисобига амалга оширилади. Шунинг учун физкультура машғулотларида икки групача учун асосий ҳаракатларнинг бир турини планлаштириш мумкин, бироқ бунда программа талаблари турлича бўлади. Бу эса болалар активлигини, диққатининг жамлигини, машғулотнинг мотор зичлигини сақлаб қолишини таъминлайди. Масалан, М. В. Потехина программа талабларида унча катта фарқ бўлмаган кичик ва ўрта ёки катта ва тайёрлов группалари болаларини бирлаштириши тавсия этади. Бундай ҳолларда машқлар миқдор жиҳатдан устун турган болалар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танланади. Масалан, кўпроқ кичик ёшли болалардан иборат кичик ўрта групачада кичик группа программасини ҳисобга олиниади, бироқ ўрта группа ёшидаги болалар учун машқлар мураккаблаштирилади ва унинг бажарилиш сифатига бўлган талаб оширилади. Катта — тайёрлов группаларига мулжалланган машғулотлар ҳам худди шу тарзда планлаштирилиши мумкин. Агар бу группада тайёрлов группаси болалари кўпроқ бўлса, у ҳолда материал улар имкониятларини ҳисобга олиб планлаштирилади, бироқ талаблар кичик ёшлиларга нисбатан енгиллаштирилади. Бунда иккала ёш группасидаги болаларнинг жисмоний ва умумий ривожланиши даражаси ҳисобга олиниади.

Келтирилган мисол — амалга оширилиши мумкин бўлган мисолдир, аммо машғулотлар бу ишга тарбиячининг ижодий ёндошишига қараб бошқача бўлиши ҳам мумкин. Болаларни ёш жиҳатдан аралаш группаларда ўргатишга оид машғулотларни планлаштириш ва ўткизиш методикасига қўйиладиган бош талаб — машқларни программа талаблари ва ҳар бир ёш босқичидаги болалар имкониятларига мувофиқ дифференциал танлашга риоя қилишдан иборатdir.

ҚУНДАЛИК РЕЖИМДА ФИЗҚУЛЬТУРА-СОГЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ

1- §. Эрталабки гимнастика

Эрталабки гимнастиканинг аҳамияти

Эрталабки гимнастика боланинг оила, ясли, болалар боғчасидаги кундалик режимининг мажбурий қисмидир. Унинг катталар раҳбар-

лигига ўтказиб турғылаши болаларда аста-секин ශәмимли мускул сөзгиси, ижобий эмоциялар, хүшчакчақдан кайфиятни уйғогади-ган жисмоний машқларга нисбатан күникишни тарбиялади.

Эрталабки гимнастиканинг аҳамияти ранг-баранг: у организмининг ҳаёт фаолиятини яхшилади, уйқудан сұнг нерв системасини ҳаракатта көлтиради, бедорликка ўтиш вақтини қисқартыради, ижобий эмоциялар уйғотади.

Уйқудан сұнг маҳсус тапланған жисмоний машқлардан иборат эрталабки гимнастика боланинг бутун организмими аста-секин фаолият ҳолатига жалб этади. Жисмоний машқларни бажариш бош мия пүстлоғи құзғалувчанлигини, шунингдек, бутун марказий нерв системаси реактивлигини кучайтиради. Қүріш, әштиш, таяңч-харакат, тери каби барча рецепторлардан бош мияга келадиган бутун импульслар оқими нерв системаси иш қобилятини ва организмнинг ҳаёт фаолиятини тиклади.

Юқорида айтылғанларнинг барчаси эрталабки гимнастикага ёки практикада қабул қилинған бадантарбияга тегишилди. У боланинг оиласда ва интернат типидаги муассасада уйғонған захоти ўтказилади. Фақат кундузги бўладиган группаларда бундай тарбия соғломлаштириш ва ташкилотчилик аҳамиятини касб этади.

Эрталабки гимнастика тўғри қад-қоматни тарбиялашга таъсир этиб, пафас олишини чуқурлаштиради, қон айланишини кучайтиради, модда алмашишига ёрдам беради.

Эрталабки гимнастика болаларда диққатни, мақсадга интилевчанликни тарбиялади, ақлий фаолиятнинг ошишига ёрдам беради, эмоция ва қувонч туйғуларини уйғотади. Болаларнинг жисмоний машқларни очиқ ҳавода ёки дарча, деразалари очиқ хонада сув муолажалари (артиниш, сув қуиши, душ) билан ўтказишлари жуда соғломлаштирувчи самара беради: нерв системасининг умумий ҳолати ва функционал имкониятларини яхшилади, уни мустахкамлайди ва чиниқтиради, құзғалиш ва тормозланиш жараёғларининг муқобиллашувига ёрдам беради, алмашиши реяцияларини яхшилади, шамоллаш ва юқумли қасалникларга нисбатан иммунитет ҳосил қиласи, болаларда тетиклик, енгиллик, қувонч сезгиларини уйғотади.

Болалар организмими чиниқтириш мақсадида сув ҳарорати аста-секин пасайтириб борилади; бунда врач күрсатмаси асосида ҳар бир болага индивидуал ёндашишига риоя қилинади¹.

Шундай қилиб, эрталабки гимнастика чиниқиши муолажалари билан ўзаро алоқадорликда боланинг хүшчакчақ кайфиятни кун давомида сақловчи ва оширувчи мұхим, ҳар томонлама физкультура-соғломлаштириш жараёни ҳисобланади.

¹ Чиниқиши методикаси «Мактабгача тарбия ўшдаги болалар педиатриясы ва гигиенасы» курсида батағын баён этилади.

Эрталабки гимнастикада комплекси учун машқлар танлаш

куни фойдаланиш учун машқларни танлаш организмнинг ҳаёт фаолиятини оширишни кўзда тутади. Бунга асосий мускул группаларини аста-секин ишга жалб этиш, уларни тўғри қад-қоматни тарбиялаш мақсадларида ривожлантириш ва мустаҳкамлаш орқали эришилади.

Муайян тартибда жойлашган турли мускул группаларини интенсив фаолиятга тортишни кўзда тутувчи машқлар ҳар бир комплекс мазмунини ташкил этади. Бунда машғулотларнинг қўйидаги изчилиги белгиланади: 1) елка камари мускулларини ривожлантирувчи ва мустаҳкамловчи, елка бўғимлари, кўкрак қафаси ҳаракатчанлигини ривожлантиришга, умуртқа поғонасини ростлашга хизмат қилувчи машқлар; 2) орқа мускули ва умуртқа поғонаси эгилувчанигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга мўлжалланган, бу мускулларнинг ривожланишига хизмат қилувчи, ички органларга массаж каби таъсир этувчи, оёқ бўғимларини ривожлантирувчи, тўғри қад-қоматнинг шаклланишига ёрдам берувчи машқлар; 3) қорин ва оёқ мускулларини ривожлантиришга мўлжалланган, бу мускулларни мустаҳкамлашга қаратилган ва ички органларга массаж каби таъсир қилувчи машқлар.

Комплекс учун конкрет машқларни танлаш болалар боғчаларининг ҳар бир ёш группаси программаси билан муайян группа болалари имкониятлари ва саломатлигининг аҳволи, шунингдек, уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Эрталабки гимнастика организмнинг функционал ҳолатига роҳат баҳш этадиган юриш ва енгил югуриш ясси товонликдан сақланишини, фазода мўлжал олишини кўзда тутувчи узоқ давом этмайдиган машқлар билан бошланади. Сўнг болалар умумривожлантирувчи машқларни бажариш учун бир неча колонна ёки доира бўлиб сафланадилар. Сўнгра югуриш (ёки сакраш)дан аста-секин аввал интенсив, кейин жойида туриб юришга ўтиш ва тўхташ билан тугалланадиган машқлар бажарилади.

Шундай қилиб, эрталабки гимнастика жараённада барча асосий мускул группалари ишга тушади ва бутун организмни фаолият ҳолатига келтиради. Югуриш ёки сакраш вақтида жуда катта жисмоний нагруззадан сўнг унинг аста-секин пасайиши (юриш вақтида) юз беради ва тұхташ чоғига келиб организм ҳолати аввалги нормасига қайтади.

Эрталабки гимнастика чоғида гимнастика предметлари (байроқчалар, тайёқчалар, чамбараклар ва ҳоказо)дан фойдаланиш жуда ўринли бўлади. Бу уларни муайян тартибда ва келишилган жойда сақлашни талаб этади, чунки уларни болалар юғиш жараённада қўйилган жойидан оладилар.

Эрталабки гимнастика учун музика

Музика эрталабки гимнастика чоғида болаларда эмоционал күтәринкилиқ, қувонч түйүләри үйгөтади. Эрталабки гимнастика учун музика асарларини танлаш унга киритилдиган машқлар характеристи билан белгиланади. Масалан, шахдам қадам билан бошланувчи эрталабки гимнастикага марш музикаси мос келади. Аксинча, эрталабки гимнастика сүңгидаги юриш құзғалишни сусайтириш ва организмни нормага келтириш учун берилади; шунга мувофиқ яқунловчи марш ҳам босиқ бўлиши, ўртача суратда ижро этилиши лозим¹.

Катта группаларда гимнастикани қўшиқ айтиб юришдан бошлаш тавсия этилади. Қўшиқ айтиш болаларда тетик кайфият ҳосил қиласди ва ўзига хос, фойдали нафас олиш гимнастикаси ҳисобланади.

Музика раҳбари йўқлигида тарбиячи бубен, барабан ёки грампластинкадан фойдаланиши мумкин.

Эрталабки гимнастикани ўтказиш методикаси Соғломлаштириш ва тарбиявий вазифаларни амалга ошириш учун эрталабки гимнастика аниқ белгиланган вақтда ўтказилиши зарур.

Эрталабки гимнастика биринчи кичик группадан бошлаб жорий этилади.

Гимнастика учун машқларни танлаш ва унинг давомийлиги программа асосида ҳар бир ёш группаси болаларининг хусусиятлари ҳамда имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Эрталабки гимнастикада қўлланиладиган машқларни болалар олдиндан физкультура машғулотларида ўрганадилар. Бироқ у ёки бу ҳаракатни қуруқ такрорламасалар-да, уларнинг умумий асосини сақлайдилар. Масалан, эрталабки гимнастикада «таёқни бош устида ушлаб турган ҳолатдан, букилган тиззага теккизиш» машқига болалар қўллар юқорига күтарилиган ҳолатдан букилган тизза узра чапак чалиш ёки шунга ўхшаш машқни байроқчалар, чамбарак ва ҳоказолар билан бажариш вақтида тайёрланади. Бундай бир типдаги машқлар маҳсус ўрганишни талаб этмайди, айни пайтда турли предметларни қўлланиш туфайли кўнікмаларни мунтазам машқ қилдиради. Вариантлардан қанчалик кўп фойдаланилса, ҳаракат кўнікмаси шунчалик кўп ва яхшироқ ҳосил қилинади, машқ аниқроқ бажарилади ва унинг соғломлаштириш самараси кўпроқ бўлади.

Ҳар бир эрталабки гимнастика комплекси одатда 7 кун давом этади. Бу вақт ичиде комплексга машқ вазифаларига яқин варианtlар киритилиши, фойдаланиладиган предметлар ўзгартирилиши мумкин.

Эрталабки гимнастикада ҳаракатларга ўргатилмайди, шунинг

¹ Мавжуд тўпламлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: Музика для утренней гимнастики в детском саду. Сост. Н. А. Метлов. М., 1973; Утренняя гимнастика под музыку. Сост. Е. П. Иова, А. Г. Иоффе, О. Д. Головчинер, М., 1980.

учун тарбиячи машқни олдиндан түшүнтириши ва намоишиң қи-
лиши керак эмас. Қичик группаларда ва ўрта группаларда йил-
нинг биринчи ярмида тарбиячи болаларга машқни ўзи билан бир-
га, ўйин усулларини қўлланган ҳолда бажариши таклиф этади.
Кейинчалик ўрта (йилнинг иккинчи ярми), катта ва тайёрлов
группаларида у машқларни номини қисқагина айтади, дастлабки
ҳолат учун команда беради (масалан, «Асосий тик ҳолатга турил-
син!»). Шундан сўнг болалар машқни тарбиячи билан биргалик-
да бажарадилар. Эрталабки гимнастикани бундай ташкил этиш
мақсадга мувофиқ: болалар бехато кўрсатилган намунани бевоси-
та идрок этадилар, уни тўғри бажарадилар. Бироқ, тарбиячи бар-
ча машқларни ҳамиша ҳам бажаравермайди. Агар масалан, бош-
ни пастга эгиб гавда билан олдинга энгашгандა ёки гавда билан
айланма ҳаракат қилингандা тарбиячи болаларни кўрмайди, шун-
дай экан, у болаларнинг машқни қандай бажараётганини кузати-
ши, бажариш темпини бошқариши, агар керак бўлса, қисқа кўр-
сатмалар билан ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир.

Тарбиячи болаларнинг нафас олишини, нафасни сўз ва овоз
билан чиқаришини талаб қилган ҳолда кузатиб боради. Бу усул
машқни музика жўрлигида бажаргандা ҳам сақланади. Ҳар бир
машқнинг охири музика иборасининг охири билан тугайди ва бо-
лалар шунга мувофиқ секингина «Пастга» ёки «Чапак», «Ўти-
дик» дейишади.

Машқни бошлашдан олдин ва у тугагач, катта группа болала-
ри асосий тик ҳолатда (товорнларни жуфтлаштириб, оёқ учларни
керив) турадилар. Шу ҳолатидан улар тарбиячи кўрсатмасига ку-
ра кейинги машқ учун туриш ҳолатини ўзgartирадилар ва юриш-
ни бошлайдилар. Юриш тугагач улар яна асосий ҳолатига қайта-
дилар. Бу болани гавдасини (қоматни) тўғри тутишга ўргатишда
ёрдам беради, ихчамлик, уюшганликни тарбиялайди. Қичик ва
ўрта группаларда болалар оёқларни параллел ҳолда бироз керив
турадилар, бу яси товорликнинг олдини олади.

Эрталабки гимнастика сўнгидаги суръатни секинлатиб юриш,
турган жойида оёқларни бироз кўтариб қадам ташлаш, нафас
олиш машқларини бажариш билан тугалланади. Бу бола юрак
пульсини нормал ҳолга келтиради.

Эрталабки гимнастикадан сўнг болалар улар учун врач томо-
нидан белгиланган сув муолажалари (артиниш, устдан сув қу-
йин, душ) билан шуғулланадилар.

Турли ўшдаги болалардан иборат группаларда групачалар-
нинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш асосий талаб ҳисобланади.
Шунга мувофиқ эрталабки гимнастика машқлари ҳар бир группа-
ча учун программа ва болалар имкониятларидан келиб чиқиб ало-
ҳида танланади.

Гимнастикани ҳар бир группа билан ўтказиш изчиллиги умуман
режимга кўра белгиланади. Турли ўшдаги болаларни барча учун
умумий бўлган машқларни бажариш учун бирлаштириш мумкин
эмас, бундай ҳолларда ўш жиҳатдан кичик болалар бирмунча кат-

тароқ болаларга мұлжалланған қиийн машқларни бажарадилар вә толиқиб қоладилар, катта ёшлилар эса, кичкінтойларға мұлжалланған машқларни бажараганларида уларнинг топшириқларға нисбатан қизиқшлари йүқолади вә тегишли жисмоний нағруз-

ка олмайдилар.

Эрталабки гимнастиканың үтказиш шароити

Эрталабки гимнастика дарча, деразалари очиқ тоза хоналарда ёки ҳовлидаги тоза майсазор ёхуд тупроқлы майдончада үтказилади.

Стационар группа болалари эрталабки гимнастикага труси ва шиппакчаларда чиқадилар. Үйдан келадиган болалар ҳам кийи-ниб оладилар. Бундай тартиб йыл давомида организмни бора-бора соvuқ температурага үргатади вә эрталабки гимнастика чиниқиш муолажаси — ҳаво ваннаси аҳамиятини касб этади.

Агар эрталабки гимнастика кузги-қиышқи мавсумда очиқ ҳавода үтказилса, болалар маҳсус костюмлар киядилар, гимнастикадан сұнг сув муолажасини қабул қиладилар.

Деразалари очиқ залда (кузва қиышда) ёки очиқ ҳавога чиққанда гимнастика қисқа мұддатли, югуришга үтиладиган юришдан бошланади. У организмда иссиқлик ҳосил қиласы. Юрак, үпка фаолиятини кучайтиради, вегетатив нерв системаси функциясини активлаштиради. Юришдан аста-секин интенсив, тез суръатдаги югуришга үтилиб, кейин секинлашилади вә болалар доира ёки колония бўлиб қайта сафланадилар.

Катта миқдорда кислород талаб этувчи мускул иши жараёнида нафас олиш чуқурлашади вә организмда иссиқлик кучаяди вә совиши хавфи йўқолади. Мунтазам такрорланганда иссиқлик регуляцияси такомиллашади вә соvuқ температурага нисбатан күнникма ҳосил қилинади. Болалар жунжикмайдиган вә соvuқдан қўрқмайдиган бўладилар, уларнинг нерв системаси мустаҳкамланади, очиқ ҳавода иштиёқ билан шуғулланадилар. Эмоционал-ижобий муносабатни тарбиялаш катта аҳамият касб этади. Машғулотлар натижасида болалар «Биз физкультурачилармиз!» дейдиган бўладилар.

Соvuқ ҳавода комплексга киравчи барча машқлар жуда катта суратда берилади. Бу организмда тезроқ иссиқлик ҳосил қилиш вә болаларда ижобий эмоцияларнинг вужудга келиши учун зарурдир ҳамда тери ҳароратининг тикланишига ёрдам берувчи иссиқлик регуляциянинг физиологик жараёнига таъсир қиласы.

2- §. Физкультура минути

Физкультура минутлари (қисқа мұддатли жисмоний машқлар) ўрта, катта ва тайёрлов группаларида машғулотлар ўртасидаги танаффусда, шунингдек дарс жараёнининг ўзида (расм чизиш, нарса ясаш, она тили ва бошқаларда) үтказилади.

Физкультура минутларининг аҳамияти бола фаолияти вә ҳолатини ҳаракат активлигиге орқали алмаштиришдан иборат бўлиб, у чарвоқни ёзди, боланинг эмоционал ижобий ҳолатини тиклайди.

Агар бола машгулот жараённида нисбатан ҳаракатсиз туриб қолса, статик ҳолат оқибатида мускуларнинг нерв системаси таъсир қилувчи, организмдаги функционал жараёнларни сусайтирувчи туриб қолиш ҳодисаси юз беради, буларнинг ҳаммаси толиқишини келтириб чиқарди. Бола бетоқат бўла бошлайди, ҳолатини ўзгартиришга интилади, гоҳида қад-қоматни тиклаш учун ноқу́лай ҳолатда туриб қолади.

Толиқиши бир хил иш, шунингдек машгулот дозировкасининг бузилиши туфайли кучаяди, бу болаларнинг эътиборини сусайтиради. Бу бош мия пўстлоғида ривожланадиган тормозланиш ва шу билан боғлиқ рефлекторли реакциялар тезлиги, боланинг ўқув материалини ўзлаштириш қобилиятининг сусайиши билан изоҳланади. У чалғий бошлайди, диққат активлиги, идроки сусаяди. Бу белгиларнинг барчаси фаолиятни ўзгартириш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳатто 6 ёшли болалар ҳам фақат 20 минутгина нисбатан ҳаракатсиз ва диққатни жамлаб турга олар эканлар; шу муддатдан сўнг улар толиқиши туфайли билимларни яхши ўзлаштириш ва кўнікмаларни эгаллашга қодир бўйла олмайдилар (М. С. Громбах).

Жисмоний машқларни бажариш мускул ишини активлаштиради, бу ўз навбатида қон айланишни кучайтиради ва оқибатда юрак ишининг, нафас олишнинг интенсивлигини оширади, симпатик нерв системаси фаолиятини, умуман миянинг қон билан таъминланишини активлаштиради. Буларнинг ҳаммаси биргаликда бола психикаси эмоционал-ижобий ҳолатнинг тикланишига, диққатнинг, ақлий фаолият ва умумий жисмоний ҳолатнинг ошишига таъсир қиласи. Чарчоқ йўқолади, бола дам олади ва яна иштиёқ билан шуғулана бошлайди.

Турли характер ва интенсивликдаги машқларнинг болаларнинг жисмоний ҳолати ва ақлий иш қобилиятига таъсирини ўрганиш физкультура минутига киритиладиган машқлар болаларда эмоционал ҳолатни уйғотиши, интенсив бўлиши кераклигини кўрсатди. Физкультура минутлари таркибига 10—15 марта сакраш, 10—12 марта чўққайиб ўтириш ёки турган жойида югуриш (30—40 сек)¹ киради. Физкультура минутлари ўз ичига елка камари ва қўлларга мўлжалланган 2—3 та машқ, тортилиш, эгилиш ва гавдани буриш машқлари ҳамда оёқ машқларини олади (Г. П. Лескова ва Н. А. Ноткина). Физкультура минутлари 2—3 минут давом этади.

Икки кам ҳаракатли машғулотлар ўртасидағи танаффуслар тўп, арғамчи билан ўйнаш ёки ҳаракатли ўйин, эстафеталардан иборат бўлади.

Кундузги уйқудан кейинги жисмоний машқлар нерв системасини фаоллаштириш ва болаларни актив фаоли-

¹ Физкультура минутларининг тахминий комплекси ҳақида. Қаранг: «Допольное воспитание» журнали, 1983, № 6, 6-бет.

ятга киритиш мақсадида үтказилади. Улар қайта сафланиш, қад-қоматни, товонни шакллантиришга ёрдам берадиган, музика жүрлигидаги рақс ҳаракатлар, ҳаракатлы үйинлардан иборат бўлади (10—13 мин.).

3- §. Жисмоний машқлар билан бирга амалга ошириладиган чиниқтириш тадбирлари

Мактабгача тарбия муассасаларида болаларни чиниқтириш мақсадида ҳаво ванналари, сув муолажалари (артиниш, сув қу-йиш, душ, чўмилиш) ва қўёш ванналаридан фойдаланилади. У ёки бу муолажанинг ҳар бири алоҳида ҳолда бола организмининг етарлича чиниқишини таъминлай олмайди (масалан болаларнинг ҳар кунги артинишлари ва айни пайтда уларнинг очиқ ҳавода кўп бўлмасликлари).

Табиий омиллардан комплекс фойдаланиш болаларда ташқи муҳитнинг турли ноxуш таъсирига (нам ҳаво, ёмғир, шамол, қизиш) нисбатан чидамлилик ҳосил қиласди.

Чиниқтириш тадбирлари жисмоний машқлар билан биргаликда олиб борилганда жуда самарали бўлади: актив мускул иши иссиқлик регуляциясининг такомиллашув жараёнига ва бу билан организмининг ташқи муҳитга мослашувига ёрдам беради. Чиниқиши жараёнида организмининг жиҳдий қайта қурилиши юз беради ва агар бола актив бўлса, у табиий ва осон кечади. Бола учун қизиқарли жисмоний машқлар ва үйинлар билан биргаликда амалга ошириладиган чиниқтириш тадбирлари эмоционал кутаринкилик уйготади, олий нерв марказлари функциясини оширади, ички органлар ишини ва модда алмашишини бошқарувчи вегетатив нерв системасига яхши таъсир кўрсатади.

Чиниқиши шартли рефлекторли жараён сифатида мунтазамликини талаб қиласди. Бошқарувнинг йўқлиги, режимнинг бузилиши натижасида мубаққат боғланишлар сўнади ва бола организми ташқи муҳитга чидамлилигини ва турли ноxуш таъсириларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини йўқотади.

Чиниқиши жараёни хилма-хил: у бир томондан врач тавсиясига кўра маҳсус тадбирлар (ҳаво, сув, қўёш ванналари) ни ўз ичига олади, иккинчи томондан кун режимида белгиланган шароитнинг (хонани мунтазам шамоллатиб туриш, дарчаларнинг очиқ туриши, болалар енгил кийим-бош ва пойабзали, сайдрининг белгиланган муддатига ва болалар ҳаракат активлиги режимига риоя қилиш, деразалари очиқ айвонда ухлаш) албатта мавжуд бўлишини тақозо этади. Буларнинг ҳаммаси организмининг тўла-конли чиниқишини таъминлайди, унда ёқимли ўзгаришлар пайдо қиласди (нерв системасининг ҳолати ва функциясини, модда алмашиниши жараёнини, қон таркибини яхшилайди, нафас олишини чуқурлаштиради, психиканинг эмоционал-ижобий ҳолатини ву-

жудга келтиради), шароитни муқобиллаштиради ва бола ҳатти-ҳаракатини бу шароитга мослаштиради.

Программа чиниқтириш тадбирларини барча ёш группаларида бир ёшдан бошлаб қўлланишни кўзда тутади. Унда чиниқтириш турлари, уларни ўтказиш вақти, қанча давом этиши белгиланган, врач тавсиясига кўра болаларга албатта индивидуал ёндашиб кераклиги кўрсатилган.

Ҳаракат пайтида қабул қилинадиган ҳаво ванналари болалар ҳаракат фаолияти вақтида ҳавонинг терининг яланғоч қисмига бевосита таъсир этишини таъминлайди. Бундай ҳаво ваннасининг энг мақсадга мувофиқ ва табиий кўринишни очиқ ҳавода ҳамда дераёва, дарчалари очиқ хоналарда ўтказиладиган эрталабки гимнастикадир. Бундан ташқари кўпинча катта ва мактабга тайёрлов группалари болалари ҳаво ваннасини врач тавсиясига кўра очиқ ҳавода ва хонадаги физкультура машғулотлари чоғида оладилар.

Физкультура машғулотлари ва эрталабки гимнастика ҳаво ваннаси сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Уларни хонада ўтказишда ҳаво ҳаракати аста-секин ҳар 2—3 кунда камайтириб борилади, болалар ҳам шунга қараб енгилроқ кийинтириллади. Бу врач кўрсатмасига кўра, болалар соғлигининг аҳволи ва уларнинг ҳар бирига индивидуал ёндошган ҳолда амалга ошириллади.

Мавжуд тадқиқотлар, болалар боғчалари иш тажрибалари бундай мунтазам машғулотларнинг натижаси юқори бўлишни тасдиқлайди: болалар соғлиги мустаҳкамланади, шамоллаш ва юқумли касалликлар камаяди, маълум даражада чидамлилик ҳосил қилинади.

Сув тадбирлари артиниш, бошдан сув қўйиш, душ, чўмилиш (бассейн, дарё, кўл, денгизда) каби муолажалардан иборат. Врачининг болаларнинг индивидуал хусусиятлари ва соғлигини ҳисобга олиб берган тавсияси бу муолажаларни белгилаш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Сув муолажаларида боланинг актив бўлиши мақсадга мувофиқ ва зарурдир. Биринчи кичик группада активликка ундаш асосан катталардан бўлади, улар болаларни ҳаракатларга даъват этадилар. Бола З ёшдан мустақил ҳаракат қилишга ўргана бошлайди.

Оёқ, қўл учларидан марказга қараб массаж ҳаракатларидан иборат артинишда болалар суви сиқилган ҳўл қўлқоплар ёрдамида ўзлари ҳаракат қилишга ўрганадилар. Доира ёки ярим доира бўлиб турган ҳолда улар бир вақтда кўкрак, елка ва қўлларни ишқалаб артадилар, шундан сўнг ўғирилиб қўлқопларини орқада турган болаларга берадилар ва уларнинг ҳар бири ўртоғининг орқасини ишқалайди. Шундай қилиб, бола артиниш жараёнида ҳаракатда бўлади, совуқ қотмайди ва тарбиячи раҳбарлигига зарур ҳаётий кўнникмага ўрганади.

Бошдан сув қўйиш ўзининг организмга кўрсатадиган таъсирига кўра олдинги тадбирлардан бирмунча кучлироқдир. Сув оқими бадани тозалайди, мускуллар тонусини оширади, улар ишини

активлаштиради, нерв системасини құзғотади, тетіклик ҳолатини юзага келтиради. Бола оқаётган сувга орқаси, күкраги, биқини, қорни, құлларини тутиб айланади. Бундан ташқары у сув оқимига күра ҳаракат қилиб, баданига сув сочиб ишқалаши мүмкін. Муолажадан сұнг барча болалар баданларини тарбиячи кузатуvida яхшилаб артадилар.

Күпчилік болалар муассасаларда мунтазам чиниқтиришда врачи тавсиясига күра эрталабки гимнастикадан сұнг (күпинча тайёрлов группаларыда) белгача сув қуиыш жорий қылымоқда. Болалар мустақил ювинадилар, бунда бүйін, күкрак, елка ва құлларини ишқалайдилар, шундан сұнг баданларини яхшилаб артадилар. Белгача сув қуишиб ювиниш турлы шароитда құлласа бұладиган жуда құлай мүолажа ҳисобланади, шунинг учун болаларни унга ўргатыш мақсадға мувофиқдир.

Чүмилиш ҳар күнги доимий мүолажа сифатида бола организмни соғломлаштириш ва чиниқтиришнинг ажойиб восита-сидир. Сөвүқ сув, ультрабинафша нур оміхталигидеги тоза қаво, болалар ҳаракати — бу воситалар бутун бир комплекси бола организміға, уннинг нерв системаси, әмоционал-ижобий ҳолатига фавқулолда яхши таъсир этади.

Бироқ, бу мүолажаның самарарадорлығы қарамай ундан жуда өзхіткөрлик билан фойдаланиш, болаларни унга аста-секин ўргатыш—дүшдан олдин артиниш ва сувнинг ҳароратини аста-секин пасайтириб бориши лозим. Болаларда иссиқлик регулятори функциясы етарлы ривожланмаганлығы туфайлы иссиқликнинг тери орқали ташқарига күплаб чиқиб кетиши чүмилиш пайтида болаларнинг ҳаракат активигини тақозо этади. Тарбиячининг сувда кичик групрачалар (6—8 киши) билан уюштирадын оддий қувноқ үйинлари болаларда ижодий әмоция уйғотади, мускул ҳаракати әса иссиқлик ҳосил бўлишини кучайтиради. Бунинг натижасида бола ўзини яхши сезади, сөвүқ қотмайди ва сувдан чўчимайди.

Чиниқтириш мақсадидаги чүмилиш программада ўрта, катта ва тайёрлов группалари учун тавсия этилади. Сувга ўргатишиң тажриба күрсатганидек, 1,5—2 ёшдан бошлаш мақсадға мувофиқдир. Суви саёз жойда юриш, тош териш, шиширилган үйинчоклар билан ўйнаш, сув сачратиш кичкинтоларга ўзлари учун янги бўлган сув мұхитини ўзлаштиришда ёрдам беради, ижобий әмоция уйғотади, жасурликни тарбиялайди.

Чүмилиш жойини синчиклаб текшириш, 3—4 боланинг катталарининг ҳушёр кузатувида бир вақтда чүмилиши, врачнинг барча күрсатмаларига риоя қилиш — бу мүолажаларни ўтказишнинг мажбурий шартидир. Чүмилиш мұддатини ҳар бир ёш группаси учун болалар муассасаси врачи белгилайди. Бунда метереологияк шароит сув ва хаво температураси, шамол, қүёшли ёки булутли хаво) ва барча болалар организмининг чиниққанлық даражаси ҳисобга олинади.

Сузиш. Сузиш бассейнлари бўлган муассасаларда болалар

кичик группадан бошлаб мунтазам чўмилтирилади ва врач раҳбарлигида сузишга ўргатилади; маҳсус муассасаларда болаларни илк ёшдан сузишга ўргатилади. Болаларни илк ёшдан сузишга ўргатиш саломатлик учун муҳим ва кишилар ҳаёти ва фаолиятида катта аҳамиятга эга.

Қуёш ванналари. Қуёш бола организмига яхши таъсири кўрсатиб, унинг умумий ҳолатини мусгаҳкамлайди, алмашиниш процессларини яхшилади. Айниқса бактерицид (бактерияларнинг ривожланишини тұхтагадиган), антирахит (нерв системасининг фаолиятини яхшиладиган, модда алмашиниш жараёнини кучайгирадиган, сүяқ мускул системасини мустаҳкамлайдиган), эритем (қон оқимини кучайтирадиган ва терини қызартыриб, бадаңнинг қорайшига олиб келадиган) таъсирига эга бўлган ультрабинафша нурлари жуда фойдалидир.

Қуёшнинг организмга бундай ранг-баранг таъсири жуда эҳтиёткорликни талаб қиласи. Қуёш ваннасидан меъёрида фойдалан-маслиқ туфайли болаларда салбий ҳолатлар (қўзғалиш ва уйқунинг бузилиши, томирларнинг кескин кенгайиши, қон таркибининг ёмонлашуви ва бошқалар) юз бериши мумкин. Шунинг учун болалар муассасаларида қуёш ванналари факат врач тавсиясига кўра, болаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши зарур.

Болалар боғчаларининг илғор тажрибаси шуни кўрсатадики, болани системали чиниқтиришни илк ёшдан бошлаш ва уни боланинг болалар муассасасидаги охирги кунигача амалга ошириш керак экан. Шундагина бу тадбир кўнижма характерини касб этади. Бунда педагоглар, медиклар ва техник ходимлар ишдаги уюшқоқлик, шунингдек ота-сналар билан алоқа ўрнатиш асосий шарт ҳисобланади.

САЙР ВАКТИДАГИ ҲАРАҚАТЛИ ЎЙИНЛАР ВА ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР

1- §. Болалар ҳаракат фаолиятининг асосий формалари

Болаларнинг кундалик ҳаётдаги ҳаракат фаолиятини тўғри ташкил этиш боланинг соғлом жисмоний ҳолати ва кун давомида-ги психикаси учун зарур ҳаракат режимини бажарилишини таъминлайди. Бир томондан муайян ақлий кучни ва иккинчи томондан актив дам олишни талаб қилувчи турли ҳаракетдаги болалар фаолиятини мақсадга мувофиқ алмаштириб туриш нерв системаси чарчашининг олдини олишни, болада хушчақчақ кайфият ва организмнинг оптимал иш қобилиятини сақлаб туришини кўзда тутади.

Болаларни жисмоний тарбиялаш программасининг соғломлаштириш ва таълим-тарбиявий вазифалари турли формада амалга оширилади, улар орасида сайдар ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний машқларни уюшган ҳолда ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Бола системали физкультура машғулотларида ҳаракат күникмаларини мұваффақиятли әгаллаш ассоциации олади. Бироқ әгалланган күникмаларнинг такомиллаштирилиши ва уларнинг бола томонидан түрли ҳаётий шароитларда мустақил құлланилишини фақат машғулотлардагина амалға ошириш мүмкін бўлмайди. Тарбиячи болаларга әгаллаган күникмаларидан түрли фаолиятда мустақил равиша фойдаланишга ўрганишларига имкон бериш мақсадида сайр вақтида ҳаракатли ўйинлар, жисмоний машқлар, индиевидуал машғулотлар ташкил этади ва болаларнинг ўзлари ўюшиб ўйнашлари ҳамда машқ қилишлари учун имкон яратади. Бунинг натижасида болаларнинг ҳаракат тажрибаси кенгаяди, әгаллаган күникмалари такомиллашади, жисмоний сифатлар гарбияланади; ўйин ва машқларнинг эмоцияларни, тафаккур фаолиятини, ҳаракат активлигини ўйғотадиган янги вариантига нисбатан қизиқишина орттиради. Болаларнинг бундай фаолияти дўстона руҳда бўлиши, биргаликдаги ҳаракатлар барча иштирокчиларга завқ бағишлиши лозим.

2- §. Ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний машқлар

Ҳаракатли ўйинлар мактабгача тарбия ёшидаги болаларниң асосий ҳаракат фаолияти, шунингдек жисмоний машқлар сифатида тарбиячи томонидан куннинг түрли вақтида, ҳар бир ёш группаси режимиға мувофиқ: эрталаб, тушда ва кечки сайр пайтида планлаштирилади. Тарбиячи ўйинларни календарь плани бўйича тақсимлашда ҳаракат күникмаларининг такомиллашувига хизмат құлувчи ҳаракат мазмунининг ранг-баранглигини, зарур тақрорийлик, мураккаблашув ва вариативликни қўзда тутади. Ташқи муҳит шароитини ҳисобга олиш ўйинда қатнашувчи болалар сони, уларга зарур мўлжал олиш ва конкрет вазиятда ўзини тутишини тарбиялаш учун муҳимdir.

Болалар ўйин фаолиятининг барча имкониятларидан кун давомида фойдаланиш учун белгиланган режимга қатъий амал қилиш зарур, чунки ҳаракатли ўйинларни ўтказиш вақти ва улар давомийлиги болаларнинг олдинги ва бўлғуси фаолияти билан узвий алоқададир. Бундан ташқари тарбиячи болалар фаолияти характеристерини кузатиб бориб, уларга түрли мазмундаги ва ҳаракат дараражасидаги ўйинларни таклиф этади, шу аснода уларнинг ҳаракат активлигини бошқаради: бирининг ҳаракатини кучайтиради, иккинчисини кучайтиради, бир оз чеклайди ва кераклигича дам олишини таъминлади.

Ҳаракатли ўйинлар ва машқларни ўтказишнинг календарь планини тузища йил фасли ва об-ҳаво ҳолати ҳам ҳисобга олиниади. Актив ҳаракатли ўйинлар совуқ ҳавода ўртacha ҳаракат характеристеридаги фаолият турлари билан алмаштириб турилади. Ҳаракат фаолияти характеристери ва суръатини алмаштириб туриш болалар учун дам олиш имконини яратади ва совуқ қотишнинг ҳам,

иссиқлаб кетишнинг ҳам олдини олади, психикасининг ижобий-эмоционал ҳолатини сақлаб туради. Болаларнинг қиши фаслида очиқ ҳаводаги мазмунли фаолияти чиниқишлирига ёрдам беради, организмнинг соғломлашувига яхши таъсир этади.

Езда, болалар ҳәёти асосан очиқ ҳавода кечадиган пайтларда кийим-бошлар ҳам енгиллаштирилади (трусиклар, панамкалар, енгил туфлилар), хилма-хил ҳаракатлар болалар соглигини яхшилайды, уларда ҳәётий завқ уйготади. Тоза, соф ҳавода ва қуёшдаги ҳаракатлар бола организмини мустахкамлайды, функционал жараёнлар динамикасини кучайтиради. Ийлнинг бу фаслида ҳам хилма-хил ҳаракатли ўйинлардан фойдаланилади, бироқ тарбиячи болалар иссиқлаб қизиб кетмасликларини диққат билан кузатиб боради.

Барча ёш группаларининг участкалари программада кўрсатилиганича йирик физкультура асబоблари билан жиҳозланган бўлиши ва улардан болаларнинг тирмасиб чиқиш, ошиб ўтиш, эмаклаб ўтиш, сакраш, улоқтириш ҳаракатлари, мувозанат машқлари, ким ўзарга югуриш, муайян масофага табиий тўсиқлар оша тез югуриш ва ҳоказоларни такомиллаштириши учун мунтазам фойдаланиши лозим. Майдончага ҳар куни ўйинчоқлар (замбилғалтак, аравачалар, юған, тегирмонча, айланмаочқ, варрак ва и.к.) ва кичикроқ физкультура ашёлари (таёқчалар, чамбараклар, байроқчалар, тўплар, тўп ташлайдиган ҳалқалар, қисқа ва узун аргамчилар ва ҳоказо) олиб чиқилади. Икки, уч гилдиракли велосипедлар, мотороллерлар, гилдиракли конькилар, самокатлар, автомобиллар, тойчалар ва ҳоказолар болалар ихтиёрига берилади.

Ёз пайтида ҳаракат кўниммалари ва жисмоний сифатларни такомиллаштирувчи қоидали ўйинлардан кенг фойдаланилади. Тарбиячининг бу ўйинларини ташкил этишидан ташқари ўрта ва икки катта группалардаги болаларнинг мустақил ижодий бирлашмаси – ўзларига таниш ўйинларнинг вариантларини ва ўз ўйин сюжетларини ўйлаб топишлари ҳам рағбатлантирилади.

Катта ва айниқса тайёрлов группаларида волейбол, баскетбол, бадминтон, стол тениси, городки, лапта каби спорт ўйинлари ўтказилади. Кегли, серсо, бильбоке, диаболо, бабки ва бошқалар берилади. Буларнинг барчаси болаларни актив ҳаракат фаолиятига жалб этади, кўниммаларни такомиллаштиради, жисмоний сифатларни тарбиялаиди.

3- §. Сайр ва экскурсиялар (болалар туризми)

Болалар муассасаларидан ташқаридаги пиёда сайр ва экскурсиялар болалар туризмининг энг оддий кўринишларидан биридир. Муайян мақеадда уюштириладиган бу кичик сайрлар болалар учун қизиқарли ва фойдалидир. Улар болалар соғлигини мустаҳкамлашга, жисмоний ривожланишига, эстетик ҳис-туйғуни тарбиялашга, табиат билан мулоқатга киришишга, ҳаракат кўник-

малари ва жисмоний сифатларнинг такомиллашувига хизмат қиласди.

Болалар күпинча болалар боғчаси хонаси ёки участкасида турли машқларни бажараётib, янги вазиятда ўзларини йўқотиб қўядилар. Табиатнинг болаларнинг сайр пайтида дуч келадиган ўзгариб турувчи шароити жойларда зарур мўлжал олишни, қатиъятликни, ботирликни, умумий чидамлиликни тарбиялашга, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шунинг учун бундай сайр ва экскурсиялар мунтазам амалга оширилиши ва у кичик группалардан бошланиши, бунда мазкур группа болаларининг ёш хусусиятлари ва имкониятлари, соғлигининг аҳволи, индивидуал кўрсаткичлари ҳамда врач тавсиялари ҳисобга олини лозим.

Сайрлар мақсадга йўналтирилган бўлиши учун тарбиячи уларни календарь планида олдиндан белгилаб олади ва ўтказишга пухта тайёргарлик кўради.

Ез — сайрларни ўтказишнинг энг қулай вақти. Тарбиячи болалар муассасаси жойлашган районни: шаҳарда (агар болалар боғчасининг дала ҳовлида бўлмаса) парк, боғ, хиёбонларни; дала ҳовлида, яқин атрофдаги ўрмон, яйлов, сой, гуллаган ўтлоқ, дарё кўлни олдиндан ўрганади. Болалар билан қайси йўлдан бориш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш, айрим маршрутларнинг узоклигини белгилаш жуда муҳимдир. Болаларни йўлда дам олдириш мумкин бўлган жойлар аниқланади, ҳаракат кўнижмаларини тақомиллаштириш машқларини ўтказиш имконини берадиган барча табиий шароит — ирмоқчалар, қирғоқ, дўнгалаклар, тепаликлар, йиқилган ва эгилиб қолган дараҳтлар, яйлов ва ҳоказоларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади.

Турли жамоат муассасалари (шаҳарда, шунингдек дала ҳовлида) пионерлар уйи, лагери, стадион ва унда мавжуд физкульттура майдончалари билан танишиш ҳам жуда мақсадга мувофиқдир. Буларнинг барчаси сайр ва экскурсияларни планлашириш, улар мақсадини белгилаш (масалан, спортчилар тренироқасини, уларнинг ўйини, мусобақаларини кузатиш), маршрутларни танлаш учун зарур муҳим маълумотлардир.

Сайрлар мазмунига ўйинчоқлар ва кичикроқ физкультура ашёларидан фойдаланиб амалга ошириладиган ҳаракатли ўйинлар, шунингдек, қоидали ҳаракатли ўйинлар киритилади. Ялангликда навбатдаги физкультура машғулоти, ҳаракатли ўйин ўтказилиши, шундан сўнг болалар дам олишлари, сайр этишлари, хотиржам ўйнашлари мумкин.

Киши фаслида болалар боғчасидан ташқарига сайр уюштириш ҳам муҳим бўлиб, у ҳам иш планига киритилади.

Агар муайян бир группадаги барча болалар конъкида уча оладиган бўлсалар яқин орадаги муз майдонига (унинг маъмурияти билан олдиндан келишилган ҳолда) бориш мақсадга мувофиқдир. Кичик группа болалари яқин атрофдаги хиёбонда сайр қи-

лишлари мүмкін. Бундай сایрлар бардошлилік, чидамлиликтің ұсил қишлишга, бола организмининг қаршилик күрсата олишини оширишга, нерв системаси фаолиятini мұътадиллаштиришга, болаларда тетік, қувноқ кайфият юзага келишиңа ёрдам беради.

Болалар боғчалары тажрибаларини системали чиниқтириш үшін, конъкидан фойдаланған ҳолда мунтазам үтказиладын сайрлар юқумли ва шамоллаш касаллікларининг сонини жуда камайтиришини күрсатди.

Сайр ва экскурсияларни үтказиш методикасы. Тарбиячи болалар боғчаси участкасидан ташқарига қилинадын сайр куни болаларнинг күп күч сарфламасдан, хотиржам үйнешларига әттібор беради.

Сайр вазифалари ва планига мувофиқ болалар олдиндан огохлантирилиши, уларда сайрни қувониб кутиш ҳиссина ұсил қишиш, сайр мақсадини қуидеги күтарникilikда маълум қишиш лозим: «Ялангликда үйнаймиз, сүңг чүмиламиз», «Ялангликка физкультура қылғаны борамиз», «Айиқчаларни олиб кетамиз» ва улар билан үйнаймиз», «Туристик походда жүнаймиз». Үрта үшін катта группа болалари сайрга тайёргарлик қуришга иштирек этишлари лозим. Улар тарбиячи билан бирга физкультура ашёларини танлайдылар, күтариб бориши осон бўлсин учун уларни үза-ро тақсимлаб оладилар.

Туристик походда отланаётганда унга ташқи күриниш бериш ҳам мақсадга мувофиқдир: ҳар бир бола кичик нонушта солнинга (пирожок, конфетлар, печенье, олма, сабзи ва. к.) елкага осадын халтача-рюкзак тақиб олади. Унинг оғирлиги 300—400 г. дан ошмаслиги керак.

Тажриба бундай сайрларнинг согломлаштириш үшін таълим-тарбиявий ақамияттаға әга эканлигини, болаларда туризмга нисбатан қызықиши, тетік рух, чидамлилик, колектив ҳисси пайдо бўлиншини тасдиқлади.

Сайрда барча ёш группа болаларини эркін, истасалар гурӯх-гурӯх бўлиб юришлари мүмкін (одатда жуфт бўлиб юриш бир болани иккінчисига боғлиқ қилиб қўяди ва нерв системаси ҳолатига нохуш таъсир этади, салбий эмоция үйғотади, эркін ҳарарат қилишга табиат ва унинг гўзаллигини ҳис этишга имкон бермайди). Фақат муайян шароитларда, масалан, болалар транспорт юрадиган шоссенинг кесиб үтишлари керак бўлгандагина жуфт бўлиб сафланиши мүмкін. Кичик группа болаларини тарбияцидан ташқари яна катталардан бирор киши кузатиб бориши керак: у болаларни йўлдан үтказишга, яланглик, ўрмонда үйин уюштиришига кўмаклашади.

Агар сайр пайтида физкультура машғулотини үтказиш белгиланған бўлса, унга табиий омиллардан фойдаланиб амалга ошириладиган машқлар (қия дарахтга суръатни ўзgartириб чиқиш ва пастга сакраш, ким ўзарга югуриш, жилғадан ҳатлаб үтиш ва ҳоказо), тик турган, үтирган, ётган ҳолатдан предметлар билан

(байроқчалар, таёқчалар, чамбараклар) бажариладиган машқ-лар, түсиқлар оша югуриш, тез югуриш, узоққа ва нишонни мұл-жаллаб улоқтириш ва ҳоказо киритилади. Физкультура машғу-лотларининг бола организмига тушадиган нағрұзкасига күра мазмуни ва унинг давомийлиги белгиланған нормага мувофиқ бўлиши лозим. Сайр болалар тушлик овқатга кечикмасдан келадиган қилиб ташкил этилади.

Сайр ва машғулот соғ ҳавонинг боланинг яланғоч баданига бевосита таъсир этиши туфайли (болалар фақат труси, панам-ка, туфли кийган бўлишлари лозим) ҳаракатда қабул қилинади-ган табиий ҳаво ваннаси ҳисобланади.

Сайр қиш фаслида ҳам планлаштирилади: болалар олдиндан-огоҳлантириладилар ва тарбиячи билан биргаликда керакли нар-саларни (ўйинчоқлар, белкураклар, ўйин учун атрибулар, чана-лар, чангилар, конькилар, клюшкалар ва ҳоказо) тайёрлайдилар.

Сайрларни мунтазам ўтказиш болаларнинг ҳаракат кўникма-ларни такомиллаштиради, организмни чиниқтиради, чидамли-ликни тарбиялайди, ҳаётий таассуротларни янгилайди, атроф-му-ҳитни билишга ёрдам беради, сайёхатларга қизиқишга ўйғотади, завқ-шавқ баҳш этади.

4- §. Болалар билан индивидуал иш олиб бориш

Бу иш болаларнинг ёш ва индивидуал типологик хусусиятла-рини синчиклаб ўрганиш асосида қурилади. Мазкур иш болага хушёр муносабатда бўлишни талаб қиласди.

Тарбиячи врач билан маслаҳатлашган ҳолда ўз группасидаги болалар соғлигининг аҳволи, жисмоний камолоти, нормадан қандайдир чекинишга таъсир этувчи симптомларни ҳисобга олади (умуртқа поғонаси, товоннинг дастлабки деформацияси, касаллик туфайли юрак фаолиятининг сусайиши ва бошқалар).

Ҳар бир ёш группасида турии нерв системаси типига мансуб, бироқ бир-бирига мутлақо мос бўлмаган болалар мавжуд бўлади. Группада шунингдек, мувозанатлашган, бироқ атроф-муҳитга нис-батан жуда жонли ёки суст реакцияли; ўта қўзғалувчан ёки, аксинча суст реакцияли, таъсирчан, эҳтиёткор, муомалани талаб қиласиган тортиночқа, турии тип ҳусусиятлари мавжуд болаларга ҳам дуч келамиз. Нерв системасининг индивидуал хусусиятлари боланинг барча хатти-ҳаракатида, унинг атроф-муҳитга муносабатида, билим ва кўникмаларини ўзлаштириш суръати ҳамда бар-қарорлигига намоён бўлади.

Болани кундалик ҳаётда кузатиш, унинг хатти-ҳаракати ва фаолиятини анализ қилиш, ота-оналар билан суҳбатлашиш — буларнинг ҳаммаси тарбиячига унинг индивидуал-типологик хусу-сиятларини аниқлаш, вазифаларини ҳамда индивидуал иш мазму-ни ва методини белгилаш имконни беради.

Медик-педагогик кузатишларни амалга оширишда куч, нерв жараёнларининг мувозанатлашган ва ҳаракатчанлик кўрсаткичларини ҳисобга олиш лозим. Жисмоний ва ақлий иш қобилиягининг машғулотлар ва меҳнат жараёнларида даражаси; иш қобилиятининг чарчоқдан сўнг тикланиш тезлиги; қийинчиликлари иенгиш қобилияти, машғулотлардаги, ўйинлардаги ташаббускорлик ва активлик; ҳаракат кўниумаларини эгаллаш тезлиги; ҳаракат активлиги ва ижобий эмоционал тонуснинг устунлиги кабилар куч кўрсаткичлари сифатида ҳисобга олинади.

Хотиржам кайфият, болалар ва катталар билан дўстона ва барқарор муомала-муғосабат, зиддиятли ҳолларда ўзиши босиқ тутиш, фаолият давомидаги вазминлик мувозанатлашганлик кўрсаткичи сифатида намоён бўлади.

Нерв жараёнларни ҳаракатчанлик кўрсаткичлари хилманихил фаолият турларига осонгина ўтиш; янги вазиятга тез кўнишкиш, тез ухлаш ва уйғониш; тез суръатда ҳаракат қилиш қобилиятидан иборатдир. Бу кўрсаткичларнинг барчасини болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбиявий иш жараёнида ҳисобга олинш мақсадга мувофиқдир.

Болаларнинг типологик хусусиятларини бирмунча белгилаш ва уларни активи ҳаракат тормозланиши ҳамда нутқ реакция шароитида кузатиш учун «индамаслик» типидаги ўйинлар ўтказилади (Л. Б. Ященко). Ўйин шартига кўра болалар 10 минут давомида гапирмай ва қимирламай ўтиришлари керак. Тарбиячи актив тормозланиш жараёни ҳолатини характерлайдиган ҳаракат на нутқ реакциялари миқдорини белгилаб боради. Ўйин шарти қанча кўп бузулса, актив тормозланиш жараёни шунча суст бўлади.

Ҳар бир боладаги нерв жараёнлари кечиш кўрсаткичларини ҳисобга олиш уларга кўрсатиладиган турли ёрдамии кўзда тутади: бирига программа талабларини ўзgartириш ва шу аснода билим ва кўниумаларни барча болалар билан биргаликда бир вактда эгаллаш имкониятларини ошириш, умумий эмоционал ҳолатни, мустақилликни кучайтириш, ўзига ишончни мустаҳкамлашда; иккинчисига ўзини тута билишлик, болалар колективида ўз хотти-ҳаракатини бошқара олишни ҳосил қилишда ёрдам бериш.

Тарбиячининг боланинг анатомик-физиологик имкониятлари, унинг анализаторлар системаси хусусиятлари билан боғлиқ бўлган майллари, музикага, ҳаракатга, бўёқлар ва ҳоказоларга иштиёқи зўрлиги, майли, ўрганиши мухим аҳамиятга эга. Бир хил ёшдагилар группасида одатда, тиниқ эшитиш қобилиятига, ўткир қўриш идрокига эга бўлган, ўз ҳаракатларининг аниқлиги, ритмиклиги, координацияси билан ажralиб турадиган ёки аксинча, бу хусусиятлар жиҳатдан оқсайдиган болаларни кўрамиз. Тарбиячининг болалардаги ўзига хос майлларга эътибор билан ҳаракати унга ҳар бир боланинг қандай қобилията эга эканлигини аниқлаш имконини беради, буни эса активлаштириб бориш талаб этилади.

Ҳар бир боланинг типологик хусусиятлари ва соғлигининг аҳ-

волини хисобга олган ҳолда жисмоний тарбияга оид индивидуал ишнинг вазифалари қўйидагилардан иборат бўлади: программа материалларини барча билан бирга муайян суръатда ўзлаштиrolмайдиган болаларни ўргатиш; қад-қомат ва товондаги қусурларни ўз вақтида тузатиш; нимжон болаларнинг жисмоний ривожланишини яхшилаш; кам ҳаракат, тортичоқ болаларни активлаштириш ва уларнинг эмоциональ тонусларини ошириш; ҳаракат соҳасидаги майлларнинг намоён бўлишига ва уларнинг ривожланишига конкрет ёрдам кўrsatiш. Тарбиячининг ёш группаларида болалар билан олиб борадиган индивидуал ишининг самарали натижаси қўйидагича булиши лозим: барча болаларнинг программа бўйича бир текис тайёрланганилиги, организмнинг соғлом ҳолати, ҳаракат кўникмаларини эгаллаш, жисмоний сифатларни тарбиялаш, индивидуал майлларни шаклланадиган қобилиятлар ва ижодий активлик, ижобий эмоцияларни ривожлантириш.

Индивидуал иш илк ўшдан бошланади. Индивидуал иш кун давомида, айниқса ўйин ва сайр соатларига планлаштирилади, у умумий педагогик жараённинг табиий ва органик қисми бўлиши лозим. Бундай формадаги ишнинг муваффақияти тарбиячининг ёрдамга муҳтож ҳар бир бола билан шуғулланиш учун ўринли момент ва унинг ҳамиятига тегмайдиган хушмуомала оҳанг топа олишига борлиқдир.

Тарбиячи ҳаракатларга ўргатиш чоғида муваффақиятга эришишда болага фақат машқларни ўзи кўrsatганча тўғри бажаришнигида таклиф этиб қолмайди, балки топшириққа нисбатан қизиқиши ҳам уйғотади. Тарбиячи эътиборни бажаришнинг бош йўналишига ундовчи асосий таянч аломатларига қаратади, унинг топшириқ моҳияти нимадан иборат эканлигини тушуниб олишига ёрдам беради ва шунинг асосида бу топшириқни мустақил ҳал этишини таклиф этади.

Тарбиячи кейинги сафар машқни эслашни ва бажаришни таклиф этади. Машқ бажарилишининг тўғрилигини назорат қилган ҳолда қисқа аниқловчи кўrsatma ва далда билан муваффақиятли ҳаракатларни мустаҳкамлайди. Зарур ҳолларда кўrsatma усулларга мурожаат қилади — машқни элементларга булиб, бутуни сича кўrsатади.

Тарбиячи билан ўзига қулай суръатда индивидуал мулокотда бўлиш жараёнида бола топширикни онгли идрок этади ва машқни унга кўrsatilganларга суюниб бажаради. Бундай холларда индивидуал таълим фақат муайян бир ҳаракатни ўзлаштиришга ёрдам бериб қолмай, балки болани ҳам ривожлантиради. У ҳаракатни унинг тафаккур фаолиятини активлаштиради. У ҳаракатни унинг ташкил этувчи барча элементларининг изчилликда тасаввур қилиш қобилиятини ва бу жараённинг натижаси сифатида уни тўғри бажара олиш қобилиятини юзага чиқаради.

Совет психологларининг ишлари ва тарбиячиларнинг тажрибелари шуни кўrsatадики, ҳаракатлардаги олдиндан мўлжал

олишга таянган таълим фақат кўргазма ва тайёр намуналарга кўра ўрганишга асосланган таълимга нисбатан жуда самарали экан.

Юқоридаги методикадан агар машғулот барча учун умумий бирон-бир вазифани ҳал қилса, болаларни кичик группаларда ташкил этишда ҳам фойдаланиш мумкин (тўпни бир-бирига отиш ва илиб олиш, барча учун умумий бўлган машқни ўрганиш). Болаларни кичик группаларга бирлаштиришни қоидалы ҳаракатли ўйинларни ўтказишида амалга ошириш мақсаддага мувофиқдир. Бу қоидаларни аниқлаш ва уларни бажаришнинг мажбурийлигини ўзлаштириш, тортинчоқ болаларни бошқарувчи ролига тортиш, кам ҳаракат болаларни ҳаракат фаолиятига жалб этиш ва ҳоказо мақсадларда қилинади.

Коррекция ҳаракатеридаги машқларни бажаришдаги индивидуал иш бошқа кўринишга эга бўлади. Бу ҳолда тарбиячининг машқларни бола билан бир вақтда бажариши коррекциянинг муҳим мақсадларини кўзда тутади (масалан, қад-қоматнинг бузилётган ҳолатини тўғрилаш). Шунинг учун бола уларни тарбиячи ҳаракати намунасига қараб бир вақтда максимал даражада тўғри бажариши лозим. Тарбиячи бола машқ бажараётгандага унинг жисмоний камчиликларини айтмаслиги керак. У ёки бу ҳаракатни яхшилаш заруратини кўзда тутган машғулотларни ўюштириш ва уларда боланинг (ёки болаларнинг кичик группаси) эмоционал-ижобий ҳолатини сақлаб туриш мақсаддага мувофиқдир.

Шундай қилиб, индивидуал ишнинг ва болаларнинг кичик группаси билан олиб бориладиган ишнинг мураккаб вазифалари тарбиячидан нозик маҳоратни, болаларга назокатли муомалани, болаларнинг жисмоний ва психик ривожланиш тараққиётини кўрсатувчи натижаларни қатъий қиёсан ҳисобга олишни талаб қиласади.

5- §. Болаларнинг мустақил ҳаракат фаолияти

Болаларнинг кун бўйи кечадиган мустақил ҳаракат фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бола ўзида ҳаракатга кучли эҳтиёж сезади, бироқ бу ҳаракат мақсадсиз ва тасодифий бўлиб қолмаслиги учун тарбиячининг мақсаддага йўналтирувчи раҳбарлиги зарур. Болага ўз вақтида унинг учун қизиқарли фаолиятни таклиф этиш, бу фаолиятни вақт-вақти билан четдан йўналтириб, вақтни меъёrlаб туриш зарур.

Бола мустақил шуғулланар экан, диққатни ўзини қизиқтирувчи, мақсаддага элтувчи ҳаракатларга қаратади. Ўни мувоффақиятли амалга оширгач, ҳаракат усулларини ўзгартиради, уларни солиштиради ва энг мақсаддага мувофиғини танлайди. Шундай экан, бу жараён фикр юритишни, қатъийликни, мақсаддага интилувчани-

ликни активлаштиради. Бу жарағы боланинг үйин билан олдиндан танишиши ёки машқни тарбиячи билан үрганиш натижасида вужудга келади. Бирок ҳаракат малакаларини үзлаштириш ва та-комиллаштириш мустақил ҳолда кечиши мумкин. Тарбиячи болалар ҳаракатини кузата бориб, бир болага кучни беҳуда сарфла-маслик учун түғри ҳаракат усулини таклиф этиши; иккінчи болала, аксина, топшириқни ҳал этишда мустақиллик бериш ёки фойдалы, жисмоний ва психик ҳаракат үйготиш мақсадида ҳат-токи топшириқни мураккаблаштириши мумкин.

Группа ёки майдончада турли үйинчоқлар ва катта физкультура ашёларининг мавжуд бўлиши барча ёш группаларининг болалари учун мустақил ҳаракат фаолияти стимули бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун тарбиячи ўз группаси болаларининг ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳамда имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кундалик иш планида бу үйинчоқлардан фойдаланишини кўзда тутади, уларни ҳаракатларининг хилма-хил белгилари ва болалар томонидан эгалланадиган кўнникмаларни мустаҳкамлаш, такрорлаш заруратига кўра танлайди.

Уч ёшга қадам қўйган болалар группасига дастлабки мустақил ҳаракатларга ундовчи үйинчоқлар: турли каталкалар (тойчик, хўроz ва бошқа жоноворлар) аравачалар, автомобиллар, отиш, илиб олиш, дарвозага думалатиб киритиш, тепаликка ғилдиратиб чиқариш ва тушириш учун қулай тўп ва шарларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Болаларни ҳаракатга ундайдиган йирик ашёлардан тепаликлар, нарвон, дарвоза, скамейкалар, яшиклар ва бошқа мосламалар зарурдир. Уларда болалар тарбиячи раҳбарлигида тирмашиб чиқиши, тагидан эмаклаб ўтишни, эмаклашни, хатлашни ва ҳоказоларни машқ қиласидар.

Бу үйинчоқ ва ашёлардан тарбиячининг олдиндан тушунтириши ва улар билан ҳаракат қилишни кўрсатишидан сўнг фойдаланиш мазкур нарсалар номини, вазифасини ўзлаштиришга ўргатади, оёқ, қўл, бутун гавда мускулларини, асосий ҳаракатларни ривожлантиришга хизмат қиласидар.

Тарбиячи болаларининг мустақил ҳаракат фаолияти учун уларнинг тўрт ёшга қадам қўйишидан бошлаб «Болалар боғчасида таълим ва тарбия» программасига мувофиқ ва ҳар бир конкрет группа болаларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракатланувчи үйинчоқлар, кичик қўлланималар ва үйинлар танлайди. Машқ қилиш учун, ташлаш ва улоқтириш учун тирил размердаги тўплар, халталар, ҳалқалар, антиқа тузилишдаги ва шаклдаги хилма-хил ҳалқа ва тўп ташлайдиган илгирлар, улоқтириш шчитлари, чамбараклар, узун ва калта арғамчилар, шунингдек уч ва икки ғилдиракли велосипедлар, фазода мўлжал олишга ёрдам берувчи педаль билан бошқариладиган двигателлардан фойдаланиши ҳам мумкин.

Катта, айниқса тайёрлов группалари болалари учун волейбол, баскетбол, городки, бадминтон, стол тенниси каби спорт үйинлари билан шуғулланиш мақсадга мувофиқдир. Бу үйинлардан қоин-

даларни ўзлаштириш, айрим оддий элементларни эгаллаш, уларни мактабга ва спорт машгулотлариға тайёрлаш мақсадида фойдаланилади.

Тұғри усулларни эгаллагач, болалар мусобака тарзидаги командага бұлинис үйнеладиган үйинни мустақил ташкил этадилар Тарбиячи үйиннинг боришини кузатар экан, унга зарур тузатишлар киритиши мумкин. Кегли, серсо, бильбоке, бабкиларни болалар ихтиёрига беріб қўйиш зарур.

Кечқуруп, намчил ҳавода аниқлик ва әпчилликнинг ривожлашишга ёрдам берадиган «Бирюльки», «Тегма-чўп», шашка ва бошқа спорт үйинларидан фойдаланиши мумкин. Агар катта ва мактабга тайёрлов группаларининг болалари мантиқ ва фикр юритиш активлигини, диққатнинг тўпланганигина, мақсадга йўналтирилганликни ривожлантирувчи шахмат үйинини ўйнай олсалар, уларни рагбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Болаларнинг мустақил ҳаракат фаолиятида қоидали ҳаракатли үйинлар катта ўрин тутиши лозим; улар ижодий ташаббусни, ташкилотчилик малакаларини ривожлантиради, үйин иштирокчилари хатти-ҳаракатларини ва қоидаларнинг бажарилишини баҳолаш мезони ҳосил қиласди, болаларни бир-бирига яқинлаштиради.

Болаларнинг юқорида кўрсатилган хилма-хил мустақил ҳаракат фаолияти тарбиячи планида кўзда тутилади.

6- §. Болаларнинг актив дам олиши

Болалар муассасаларидаги физкультура байрамлари болаларнинг соғлом, хушчақчақ ҳолати ва уларнинг ҳаракат кўникмаларини шакллантиришдаги ютуқлари намойишидан иборат бўлади. Тоза ҳавода ўтказиладиган, ҳаракат мазмуни динамикага тўлиқ бу байрам болалар ҳаётида қувончли воқеа ҳисобланади.

Физкультура байрами программасида болаларнинг муайян давр ичида эгалланган ҳаракат кўникмаларини акс эттирилиши қувноқ ҳаракатли үйинлар ва хилма-хил жисмоний машқлар ташкил этиш лозим. Мунтазам физкультура машгулотларида ўзлаштирилган бу ҳаракат формалари маҳсус тайёргарликни талаб этмайди ва байрам программасига табиий равишда киришиб кетади, болаларга катта завқ багишлайди.

Байрамга тайёргарлик пландаги тарбиявий ишга мопелик қиласиаги керак. Байрамгача вақт давомийлиги ҳисобга олишмаган ҳолда кўп марта тақрорланган «номерлар» болаларда жисмоний ва психик толиқиши үйғотади, қизиқишини сўндиради, эмоцияларни ўтмаслаштиради ва уларни байрамда ўрганилган дарс сифатида бажаришга олиб келади. Байрам болалар билан мунтазам, системали равишда олиб бориладиган ишнинг натижаси бўлиши керак.

Физкультура байрамлари ўзларининг мазмун спецификасига кўра программа ва структура жиҳатдан жуда хилма-хил бўлиши мумкин.

Бу байрам кундалик ҳаёт фонида майдончанинг одатдан ташқари безатилиши, физкультура ашёлари: гуллар, фонарчалар, ленталар ва ҳоказолар ёрдамида жиҳозланиши билан ажralиб туради, болалар майдончасининг одатдаги тусини ўзгартиради ва болаларда байрам кайфияти ўйғотади. Байрам жараённида музыка ҳам катта роль ўйнайди. У эмоционал кўтаринкилик яратади ва болаларни қувноқ, хушчақчақ кайфиятга бирлаштиради.

Байрамнинг биринчий қисми физкультура паради формасида қурилиши мумкин. У алоҳида командаларга бўлинган, ўзларининг вимпел ва нишонларини кутариб олган болаларнинг юриши билан бошланади. Кўшиқ, шеърлар жўрлигидаги болалар ҳаракати улкан эмоционал кўтаринкилик ўйғотади. Шундан сўнг болалар ўз ютуқларини ўйнилар ва машқларда намойиш қилишлари мумкин. Катта группа болалари ўз кучларига яраша мусобақаларда (югуриш, улоктириш, сакраш, предметлар билан бажариладиган машқлар ва др.), ўйин-эстафеталарда, спорт ўйинларида қатнашадилар. Байрамда қувноқ аттрационлардан фойдаланиш мумкин. Буларнинг барчаси ҳар бир ёш группаси ва умуман барча группалар учун ажратилган вақтни ҳисобга олган ҳолда ўтказилиди.

Байрамларнинг иккеничи қисми болаларда катта қувонч ўйфутвчи тамоша формаси — қўғирчоқ театри сифатида ёки катталар ва болалар иштироқидаги концерт, шунингдек «сехрли ўрмонга» сайд формасида ташкил этилиши мумкин. Турли сюрприз моментлар бирор эртак қаҳрамонининг, ҳикоячи, фокусчи, раққос ва ҳоказоларнинг пайдо бўлиши бу қисмнинг доимий компоненти ҳисобланади.

Байрам якунида болалар бошловчи таклифига кўра меҳмонлар: ота-оналар, педагоглар, болалар боғчаси ходимларини таклиф этиб тушириладиган умумий рақс яхши кайфиятни мустаҳкамлайди. Биринчи жуфтликда байрам бошловчиси — тарбиячи бола билан рақсга тушади; у мураккаб бўлмаган ҳаракатларни кўрсатади, қолганлар уларни такрорлайдилар.

Физкультура байрамларини қишида ўтказган ҳам яхши. Улар мазмунини ҳам болаларнинг ҳаракат фаолияти ташкил этади. Бу мавсум учун чанада эпчиллик кўрсатиб учиш, конькида учиш ва ўйнаш, чангида юриш, хоккей ўйнаш, қувноқ ҳаракатли ўйинлар, мураккаб бўлмаган оммавий рақслар, катталар ҳамда мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган сюрпризли моментлар характеристидир.

Қишики байрамни янги йил арчаси атбофида рус қиши сифатида ёки муайян бир темадаги ўйин кўришишида («Шимолга юриш», «Саёҳат» ва бошқалар) ташкил этиши мумкин. Программа мазмунини қиши вақтида ҳам болалар шу вақтга қадар ўрганганд жисмоний машқлар ва ўйинлар ташкил этади. Чиройли белгилар ва

музикадан (баян, аккордеон) фойдаланиш уларга ўзига хослик ва яна ҳам қизиқарлилик баҳш этади.

Қишики байрамларда болалар ашула ва шеърлар айтмайдилар, бироқ музика бошловчининг мурожаати (шеърда ёки дарсда) байрам кайфияти баҳш этади, болаларнинг алоҳида ҳаракатлари ва ўйинларини яхлит бир фаолиятга бирлаштиради. Қувончли ҳайрат ва кулги манбай — сюрпризли моментлар катталар ёки мактаб ўқувчилари томонидан амалга оширилади.

Байрамниг муваффақиятли ўтказилиши бутун педагоглар колективи: мудира, методист, музика раҳбари ва тарбиячиларнинг аҳилликдаги меҳнати самарасидир.

Болалар байрамни тайёрлашда ўзларининг кучлари етадиган ишларда қатнашишлари мумкин. Қундалик ҳаёт асносида хурсандчилик кайфияти ўсиб ва кучайиб бориши (стадионга экскурсияга бориш, иллюстрацияларни тамоша қилиш, суҳбатлар, шеърлар) ва байрам вақтига бориб ўзининг юқори нуқтасига етиши лозим. Болалар ҳаёт тарзи байрам ўтказиладиган куни кераксиз шошқалоқлик, режимга риоя қилмаслик, тарбиячиларнинг асабийлиги билан бузилмаслиги керак.

Катталарнинг байрамни муваффақиятли ўтказишдан умумий манфаатдорлиги, уларнинг болаларга қувонч ва завқ бериш истаги қанчалик жўш урганлигидан қатъи назар, байрамда белгиланган пландаги тадбирларнинг давомийлиги 45—60 минутдан ош маслиги лозим.

Бўш вақтда физкультура машқлари билан шуғулланиш — бу болаларнинг кундалик ҳаётида уларни қувноқ фаолият ҳаракатига бирлаштирувчи ёрқин эмоционал моментлардан биридир.

Бундай бўш вақтни ўтказишнинг мазмунини асосан болаларга таниш ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний машқлар ташкил этади. Улар болалар учун кутилмаган варианtlарни киритиш ҳисобига янгиланади, бажаришда қизиқиш ва эмоция уйғотади.

Бўш вақтни планлаштириш у ёки бу группа болаларнинг умумий жисмоний ривожланганилиги ва уларнинг ҳаракат имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Бўш вақтда физкультура билан шуғулланиш программаси турлича тузилади: кичик ва ўрта группаларда кўпроқ эмоционал топшириқли мураккаб бўлмаган ўйинлар берилади: ким ўйинчокни, тўпларни тезроқ олиб келади; ким тезроқ югуриб келиб қўғирчоқ ёнига сафланади, ким тезроқ у билан қувноқ ўйин ҳаракатларини бажаради ва ҳоказо.

Катта группаларда болалар ўз ҳаракат малакаларини мусобақали қувноқ оддий ўйинларда ва ўйин эстафеталарида, мактабга тайёрлов группаларида эса спорт ўйинларида индивидуал ва колектив тарзда намоён қиласидилар. Катта ўшли болалар шунингдек, унча катта бўлмаган спартакиадалар типидаги мусобақаларда ҳам қатнашадилар. Улар физкультура топшириклариши бажаришда эпчиллик, күчлилик, чидамлилик сифатларини намоњиш этадилар. Бўш вақт таркибига умумий қувноқ кайфият уйғо-

тадиган, болалар учун қизиқарлы ва уларга яраша аттракционлар ҳам киритилади; болаларга таниш үйин ва рақслардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Тарбиячининг бўш вақтни ўтказишдаги асосий вазифаси болаларда қувноқ қайфият ва ҳаракат малакаларини барча болаларни ахил ижобий фаолиятга ундайдиган қулай шароитда такомиллаштириш имкониятини яратишдан иборатdir¹.

Саломатлик кунини программа кўрсатмаларига мувофиқ иккичи кичик группадан бошлаб ўтказиш тавсия этилади. Унинг вазифаси бола нерв системаси профилактикаси ҳақида ғамхўрлик қилишдан, унинг организмини, психиканинг ижобий эмоционал ҳолатини сақлаган ҳолда соғломлаштиришдан иборатdir. Шунинг учун бу куни болаларнинг очиқ ҳавода иложи борича кўпроқ бўлишига ва имкони борича табиат қўйнида юришига эришиш зарур. Болалар ақлий куч талаб қиласидан машғулотлардан озод қилинадилар. Улар ўzlари учун қизиқарлы бўлган севимли ўйнларини ўйнайдилар, кўйлайдилар, музика тинглайдилар, бир-бirlари билан хотиржам, қувноқ тарзда мулоқатда бўладилар.

Бу кунни планлаштиришда муайян группа болалари манфаатини, улар яхши кўрадиган фаолият турларини ҳисобга олиш, зиддият туғилишининг олдини олиш лозим.

Каникуллар программада январнинг бошида ва мартнинг охира ҳар сафар бир ҳафта муддатда бўлиши кўзда тутилган. Уларнинг вазифаси саломатлик кунлари билан умумий йўналишга эга — бола нерв системасининг дам олишини таъминлаш, организми психиканинг ижобий эмоционал ҳолати билан боғлиқ равишда соғломлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам берувчи шароит яратишдан иборатdir. Бадиий-ижодий, музикавий, жисмоний фаолият каникулларнинг мазмунини ташкил этиши мумкин. Оддий туристик походлар жуда фойдалидир. Имкони бўлса болаларни хафта давомида шаҳар ташқарисига дам олиш учлари (идоравий) ёки болалар боғчаси дала ҳовлисига олиб чиқиш ҳам жуда маъқулдир. Янги вазият, тепадан сирғалиш, чангда юриш ва табиат қўйнида ўйнаш болаларни санатория режимига кўнктиради, бунинг соғломлаштириш аҳамияти жуда катта. Бу барча қўйилган вазифаларни оптимал ҳал қилишга ёрдам берган бўлур эди. Болалар учун ташкил этиладиган бундай каникуллар албатта яхши ўйнаб олиши ва пухта тайёргарликни талааб этади.

Ўйга вазифа. Тарбиячи режимга мослаштириш ва болага болалар боғчаси ва оиласда эрталабки гимнастика ҳамда жисмоний машқларни бажартириш мақсадида ўйга вазифа беради. Бу вазифаларни бола ўйда ота-оналар назоратида ва улар билан биргаликда бажаради.

¹ Бўш вақтда физкультура билан шуғулланиш программаси ва методикаси ҳақида батағсил маълумот олиш учун қаранг: „Педагогическая практика студентов по курсу „Теория и методика физического воспитания для детей дошкольного возраста“ (под ред. А. В. Кенеман и Т. И. Осокиной) М., 1984.

Тарбиячи биргаликдаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун ота-оналар билан консультациялар үтказади: улар билан эрталабки гимнастика ва предметлар (түплар, чамбараклар, тәекчалар, байроқчалар ва к.) билан ва предметларсиз ба-жариладиган жисмоний машқуларни амалда үрганади. Бунда у ота-оналарга бола билан эрталабки гимнастика ва жисмоний машқуларни үтказиш методикасини баён қиласы. Бундан ташқари стендда ота-оналар учун конкрет машқулар баёни ёзилган карточкалар ҳам құйылған бўлади. Улар программани ўтиш асносида тарбиячи томонидан мунтазам алмаштирилиб турилади.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ПЛАНЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

1- §. Ишни планлаштириш ва ҳисобга олишпинг аҳамияти

Планлаштириш машқулар ва уларни жисмоний тарбияга доир турили иши формаларида, мұайян вақт оралиғида үтказиш усулларини тақсимлашдир. Тўғри планлаштириш жисмоний машқуларни системали қўлланиш ва ўқув-тарбия жараёнида энг юқори натижаларга эришиш имконини беради.

Ҳисобга олиш — бу болаларнинг соғлиги, жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини аниқлашдир. Ҳисобга олиш болалардаги ҳаракат малакалари ва жисмоний сифатларининг ривожланиш даражасини аниқлаш, планлаштиришнинг тўғрилигини баҳолаш ва унга ўз вақтида тегишли ўзгартышлар киритиш имконини беради.

2- §. Планлаштириш

Мактабгача тарбия муассасаларида ҳар бир ёш группаси учун жисмоний машқуларнинг йиллик, ҳафталик тақсимлаш план-графиги; жисмоний тарбия бўйича физкультура машғулотлари, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинлар ва бошқа формаларининг план-конспектлари ишлаб чиқиласи.

Жисмоний машқуларни йиллик тақсимлаш план-графиги. Тарбиячи ўз группаси учун йиллик план тузишга киришишдан олдин болаларнинг соғлиги, жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги ҳақидаги маълумотларни синчиклаб таҳлил қилиб чиқади ва программадан жисмоний машқулар, шу жумладан, ҳаракатли ўйинларни ҳам танлаб олади. Агар болалардаги ҳаракат малакалари ва жисмоний сифатларининг кўрсаткичлари нормадагидан юқори бўлса, тарбиячи қўшимча равишда мураккаброқ жисмоний машқулардан ҳам фойдаланиши мумкин. Агар болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси етарли бўлмаса, дастлабки

машғулотларда өлдінгі группалар учун тавсия қилинган машқалдардан фойдаланиш мүмкін.

Жисмоний машқаларынан бир йилга тақсимлаштырылған план-графиги

Машқаларнинг номлари	Ойлар											
	сентябрь			октябрь			ноябрь			декабрь		
	Хафталар											
	1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4

«Машқаларнинг номлари» графасига барча жисмоний машқалар, жумладан, мазкур ёш группаси учун бир йилга мүлжалланган ҳаракатли ўйинлар ҳам ёзилади. Планлаштириш ва шу пландан фойдалаништың кулай булиши учун уларни муайян изчиликка: аввало саф машқлари, асосий ҳаракатларнинг барча турларини, сунгра ҳаракат номлари айтилган ҳаракатли ўйинлар (бунда, аввало күпроқ юриш, сунгра югуриш, мувозанат сақлашни ривожлантириш, сакраш, отиш ва тирмашиб чиқишига мос келадиган ҳаракатли ўйинларни жойлаштириш маъқул), сунгра спорт машқлари, шунингдек, спорт ҳаракатлари киритилган ўйинларни ёзиш мақсадга мувофиқдир.

Программага мувофиқ тарбиячи ўз ёш группаси учун ҳар бир ойнинг хафталарига мүлжаллаб машқларни тақсимлади. Бұнда машқлар ишнинг қандай формаларида фойдаланилишини жүрсатади. Буининг учун шартлы белгилардан фойдаланишта түрі келади: M_1 — биринчи жисмоний тарбия машғулоти, M_2 — иккінчи жисмоний тарбия машғулоти, Э — әрталабки гимнастика, Э_с — әрталабки сайр, Кун_с — кундузги сайр, Кеч_с — кечки сайр, Г_м — групачалардаги машғулотлар, И_м — индивидуал машғулотлар, М_м — мустақил машғулотлар ва бошқалар.

Жисмоний машқларни планлаштиришда «Болалар бөгчесінде жисмоний тарбия» программасидеги күрсатмаларни адабиётларда берилған тавсияларни, шунингдек, болалар билан ишлашдаги шахсий иш тажрибаси ва бошқа тарбиячиларнинг тажрибаларини ҳисобга олишга түрі келади.

Жисмоний машқларни тақсимлашда болалар бөгчесидеги шароит (бино, майдонча ҳажми) жисмоний тарбия жиҳозлари, инвентарлар, атриутлар, ўйинчоқларнинг бор-йүқлиги, шунингдек, иқлим-метеорологик омиллар ҳисобга олиниши лозим. Ез ойларига, одатда, болалар илгари ўрганиб олган жисмоний машқлар планлаштирилади.

Планлаштириштегі тарбиячиларнинг назарий тайёр-гарлигига, жисмоний машқларнинг техникасини, болаларда ҳаракат малакаларини шакллантириш қонуниятларини, таълим босқич-

ларини, айрим ҳаракатларга ўргатиш системасини билишларига, шунингдек, болалар билан ишлай олиш тажрибасига боғлиқдир.

Тарбиячи аввал ўрганишга кўп вақт талаб этиладиган мураккаброқ ҳаракатлар (сакраш, огиш ва бошқалар) ни, шунингдек ҳар бир машгулот таркибига кирадиган (юриш, чопиш) машқларини тақсимлайди. У бутун йил давомида ишнинг барча турларида у ёки бу машқдан фойдаланиш системасини ўйлайди, яъни ҳаракатнинг мазкур кўринишига ўргатиш жисмоний тарбия машғулотларининг нечтасида амалга оширилишини, малакаларни мустаҳкамлаш ва тақрорлаш сонини белгилайди; группачаларда ва сайдларда индивидуал машғулотлар ўтказиладими, ҳаракат малакалари ва жисмоний сифатларни мустаҳкамлаш мақсадида машғулот ва сайдларда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиладими ўйуми, ана шуларни аниқлайди.

Бола организмига ҳар тарафлама таъсир кўрсатишни таъминлаш мақсадида жисмоний тарбия машғулотларига жисмоний машқларнинг ҳар хил турларини киритиб бориш лозим. Тарбиячи жисмоний тарбия машғулотларида аввал қайси машқларни бериш, сўнгра уни эрталабки гимнастика (масалан, оёқ учидা, товонларида юриш) да фойдаланиш, қандай машқларни группачалардаги машғулотларда ўргатиш, сўнгра уни умумий жисмоний тарбия машғулотларида, шунингдек, ҳаракатли ўйинлар (масалан, югуриб келиб узунликка ва баландликка сакраш) да мустаҳкамлаш ҳақида ўйлаб кўради.

Жисмоний машқларни тақсимлашнинг йиллик план-графигини тузиш ишига ижодий ёндашишга тўғри келади: зарур вазиятда тарбиячи таклиф қилинган план формасини тақомиллаштиради, уни қўлланиш учун янада қўлайлаштиради. Тузилган планга иш жараённида асосли сабабларга кўра ўзгартиш киритиш ва тўғрилаш зарур бўлиб қолса, йўл қўйилади.

Ҳафталиқ план. Йиллик план-график асосида қўйидаги формада ҳафталиқ план тузиб чиқилади:

Иш формалари, фаолият турлари	Ҳафта кунлари		
	душанба	сешанба	ва ҳоказо
Иш мазмуни ва вақти (мин).			

Биринчи графага жисмоний тарбия бўйича ҳар кунги (шанба ва якшанба кунларини ҳам қўшиб) эртадан кечгача боғчада ва уйда бажариладиган ишнинг барча формалари ёзилади.

Эрталаб (нонуштагача) мактабгача тарбия муассасасида барча болалар билан ҳаракатли ўйинлар, индивидуал машғулотлар ўтказиш, болаларнинг мустақил ҳаракат фаолияти планлаштирилади. Ҳафтанинг ҳар бир кунига ҳаракатли ўйинлар, машқлар-

нинг номлари, қавс ичидә эса машғулотларга жалб қилинадиган болаларнинг исмлари, мустақил ҳаракат фаолияти жараёнида улар фойдаланадиган жисмоний тарбия инвентарларининг номлари ёзилади. Сўнгра планда шу ҳафтага белгиланган эрталабки гимнастика комплексининг номери акс эттирилади.

Жисмоний тарбия машғулотларини планлаштиришнинг асосий қисмида ҳал қилинадиган вазифалар кўрсатилади, бунда машқлар, шу жумладан, ҳаракатли ўйинлар ва улар орқали амалга ошириладиган машқлар санаб ўтилади. Масалан: жойда туриб (силтаниш) узунликка сакрашни машқ қилиш; узоққа ўнг ва чап ќўл билан отишни мустаҳкамлаш; «Лента билан тутиш» ўйинида чеконликни ошириш.

Математика, расм, ясаш, нутқни ўстириш ва бошқа машғулотларда физкультиминутлар ўтказилади. Планда ҳар хил машғулотлар учун шу ҳафтага мўлжаллаб тузилган комплексларнинг номерларини ёзиб қўйиш керак. Актив дам олиш мақсадида машғулотлар орасида болалар фойдаланган жисмоний тарбия инвентарларини санаб чиқиши ва ташкил этилган тадбирлар, ҳаракатли ўйинлар план-конспектининг номерини кўрсатиш зарур.

Кундузги сайдарда ҳаракатли ўйинларнинг номларини, кичик группалар бўйича жисмоний машқ машғулотларини, индивидуал машғулотларининг вазифалари ва мазмунини, шунингдек, мустақил ҳаракат фаолияти учун жисмоний тарбия инвентарларининг рўйхатини ҳам кўрсатишга тўғри келади.

Тушки ўйқудан кейин чиниқтирувчи процедуралар ташкил этилади: ҳаракат чоғида ҳаво ваннаси, оёқдан сув қўйиш, душга тушиш амалга оширилади. Планда ҳаво, сув ҳароратини, тадбирлар давомийлигини ва унинг план-конспекти номерини кўрсатиш керак.

Кеч-тушки овқатдан кейин ҳаракатли ўйинлар, индивидуал, мустақил машғулотлар, бўш вақтни жисмоний тарбия машқлари билан ўтказиш мўлжалланиши мумкин.

Тўлиқ суткали группалар ва оиласда ҳаракатли ўйинлар ва мустақил машғулотлар ташкил этилади; планда ота-оналар учун тавсияларни ўз ичига олган тегишли ёзувлар ёзилади.

Тарбиячи жисмоний тарбия бўйича ишларни бир ҳафтага муайян изчилликда планлаштиради. Аввало у жисмоний тарбия машғулотларининг вазифалари ва мазмунини белгилаб олади; сўнгра кичик группалардаги машғулотлар ва индивидуал машғулотларнинг вазифалари ва мазмунини, шунингдек, эрталабки, кундузги ва кечки сайдар чоғида ўтказиладиган ҳаракатли ўйинларнинг вазифалари ва номларини ёзади. Шундан кейин бошқа иш формалари (эрталабки гимнастика, фузкультминутлар ва бошқалар) нинг мазмуни белгиланади. Бундай изчиллик барча иш формаларига ўзаро боғлиқликда қаралиши ва жисмоний тарбия вазифаларини ҳал қилишда улардан оқилона фойдаланишга ёрдам беради. Масалан, келгусида жисмоний тарбия машғулотларида

фойдаланиш учун сайдарда ҳаракатли ўйинларни машқ қилдириш планлаштирилади.

Жисмоний тарбия бўйича ишни фаолиятнинг бошқа турлари билан биргаликда амалга ошириш лозим. Масалан, болаларни ҳайвонларнинг қилиқлари билан таништириш ҳаракатли ўйинларнинг самарадорлигини оширади; математика бўйича машғулотларда ҳаракатларнинг йўналиши ҳақида олинган тасаввурлар, уларни жисмоний машқлар бўйича ўтказилган машғулотларда мустахкамлашга ёрдам беради; жисмоний машқлар техникасини билиш болаларга уларни расмларда тўғри акс эттиришларида ёрдам беради ва бошқалар.

Планда ҳаракатларни эгаллаб олишга улгурмаган болалар билан кичик группаларда ёки индивидуал машғулотлар ўтказишни белгилаб қўйиш зарур.

Ота-оналарга тавсиялар бериш мақсадида шанба ва якшанба кунларига ҳам жисмоний машқлар танлаб қўйилади.

Бир ҳафтага тузилган план асосида жисмоний тарбия бўйича физкультура машғулотлари, эрталабки гимнастика, ҳаракаги ўйинлар ва бошқа иш формаларининг план-конспектлари тузилади¹.

Жисмоний тарбия машғулотларининг план-конспекти қўйида-гича безатилади:

Дастлаб сарлавҳа ва машғулотлар ҳақида умумий маълумотлар ёзилади.

Боғча... группаси болалари учун жисмоний тарбия машғулотларининг план конспекти

Ўтказиладиган кун

Ўтказиладиган вақти

Ўтказиладиган жойи

Болаларнинг сони

Жисмоний тарбия инвентарлари, атрибуллар, ўйинчоқлар (рўйхати ва миқдори)

Машғулотларнинг вазифалари.

Машғулотларнинг асосий қисмида ҳал қилинадиган вазифаларгина қайд этилади. Уларни қисқа ва аниқ ифодалаш лозим. Аввало маълумот берувчи вазифалари ёзилади. Масалан, агар янги машқ-улоқтириш киритиладиган бўлса, унда вазифалар қўйндагича ёзилади: «Ўнг қўл билан узоққа (қўл силтаб) улоқтириши ўрганиш». Бунда қавс ичиди, мазкур машғулотда машқ техникасининг қайси элементига эътибор бериш лозимлиги кўрсатилади. Болалар билан жисмоний машқ техникасининг асосий элементлари ўрганиб чиқилгач, кейин ҳаракат малакаларини мус-

¹ Жисмоний тарбия машғулотлари, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинларнинг қўйида кўриб чиқиладиган план-конспектлари студентларни институт-даги, мактабгача тарбия муассасаларидаги ва педагогика билим юртларидаги амалий машғулотларга тайёрлаш учун ўқиш мақсадларига мувофиқ кенгайтирилган формада тузилади. Тажрибали тарбиячилар, одатдаги дик, уларни қисқароқ қилиб тузуб оладилар.

таҳкамлаш кўзда тутилади. Бунда машғулотларнинг вазифаси қўйидагича ёзилади: «Жойда туриб узунликка сакрашни мустаҳкамлаш». Агар малака ўйин формасида мустаҳкамланса, қавс ичидаги ҳаракатли ўйиннинг номи кўрсатилади.

Жисмоний тарбия машғулотларида у ёки бу даражада барча жисмоний сифатлар (чаққонлик, тезкорлик, эпчиллик, мувозанат, чамалаш, куч, чидамлилик) ривожлантирилади, аммо ҳар бирни учун алоҳида шароит ва машқлар ҳамда ҳаракатли ўйинларни ўтказишнинг ўзига хос методикаси талаб этилади. Одатда, бир машғулотда кўпроқ бирор жисмоний сифатни ривожланади, шунинг учун бу машғулотда ана шу сифатни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади, масалан, чаққонлик бўладиган бўлса, шунга мувофиқ шароит яратилади ва жисмоний машқларни ўтказиш методикаси ўйлаб қўйилади. Бундай вазиятда бажариладиган вазифа қўйидагича ёзилади: «Чаққонликни ўстириш («Лентачалар билан тутиш») ёки «Тезкорликни ўстириш» («Тутишлар»).

Машғулотлар жараёнидаги асосий вазифалар билан бир қаторда бошқа кўпгина масалалар ҳам ҳал қилинади, аммо улар планконспектга қайд этилмайди.

Агар педагог алоҳида аҳамият бериш зарур деб топган тарбиявий вазифалар бўлса, масалан, «Ботирликни тарбиялаш» у вазифалар ана шундагина ёзилади.

Машғулотларнинг мазмуни ва уни ўтказиш методикаси қўйидаги формада ёзилади.

Машғулотларнинг қисмлари ва мазмуни (машқларнинг номлари)	Дозаси	Темпи	Нафас олиш	Ташкилий-методик кўрсатмалар	Вслатма

«Машғулотларнинг қисмлари ва мазмуни» графасига машғулотлар қисмларининг номлари (кириш, асосий, якуний) ва машғулотда жисмоний машқлар қай тарзда олиб борилса, улар шундай изчилликда ёзилади. Агар машғулотга ҳаракатли ўйинлар киритилса, унда унинг номи («Тутиш», «Айёр тулки») ёзилади ва бу ўйин таркибига кирадиган жисмоний машқлар (югуриш ва бошқалар) кўрсатилади. Умумривожлантирувчи машқларни тавсифлаш гимнастикада қабул қилинган қоидага мувофиқ олиб борилади. Уларни аниқ ёзиш вақтни тежайди.

Жисмоний машқлар аввало машғулотларнинг асосий қисми, сўнгра кириш ва якуний қисмлари учун танланади, чунки машғулотларнинг бу қисмлари учун машқларни танлаш асосий қисмнинг мазмунига боғлиқ бўлади.

«Дозаси» графасига машқларни тақрорлашнинг миқдори (6 марта) ёки машқни бажаришга сарфланадиган вақт (40 с.) ёки юриш, югуриш учун мўлжалланган масофа (10 м.) белгиланади.

«Темп» графасига машқларни бажариш тезлиги (секин, тез)

күрсатилади; агар машқ ўртача тезликда бажарилса, унда «ўртача» сўзи ёзилмайди.

Тарбиячини очиқ машғулотлар ўтказиш учун тайёрлашда жисмоний машқлар ўтказиш методикасини батафсил ёзиб чиқиш лозим.

«Эслатма» графасига машғулот ўтгунга қадар бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни, масалан, ҳаво ҳароратининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда нагрузкаларни кўпайтириш ёки камайтиришни кўзда тутишга тўғри келади. Жисмоний тарбия машғулотини ўтказиб бўлгандан кейин, машғулот давомида рўй берган ўзгаришларни ва улар қандай сабабларга кўра содир бўлганини ёзиб қўйиш лозим, шунингдек, кейинги машғулотнинг план-конспектини тузишида ҳисобга олиш учун мулоҳаза, таклифларни қайд қилиш зарур.

Эрталабки гимнастиканинг план-конспекти ҳам жисмоний тарбия машғулотларининг юқорида келтирилган формаси бўйича тузилади, аммо вазифалар кўрсатилмайди ва машғулотларнинг қисмлари белгиланмайди. Машқлар, дозалар, темп, ташкилий-методик кўрсатмалар, эслатмалар ҳам жисмоний тарбия машғулотларининг план-конспектидаги кўрсатилган тартибда ёзилади.

Тарбиячи комплекс тузатибдан, биринчи навбатда умумривожлантирувчи машқларни танлайди, сўнgra эрталабки гимнастиканинг бошланишига ва унинг охирига қандай ҳаракатларни киритишини белгилайди. Эрталабки гимнастиканинг таркибига киритиладиган жисмоний машқларни ўтказиш методикасини ҳам шундай изчилликда олиб бориш ўйлаб қўйилади.

Ҳаракатли ўйинларнинг план-конспекти. Ҳаракатли ўйиннинг план-конспектини илгаридан тузишнинг аҳамиятини кам деб бўлмайди, чунки ҳар бир ўйин тарбиячи белгилаган вазифага боғлиқ ҳолда ҳар хил ўтказилиши мумкин.

Болалар боғчасининг... группаси болалари учун «Лентачалар билан тутиши» ҳаракатли ўйиннинг план-конспекти.

Ўтказиладиган кун

Ўтказиладиган вақт

Ўтказиладиган жой

Болаларнинг миқдори

Жисмоний тарбия инвентари, атрибут, ўйинчоқлар (рўйхати ва миқдори)

Ҳаракатли ўйинда ҳал қилинадиган вазифалар.

Ҳаракатли ўйинда асосан ҳаракат малакалари мустаҳкамланиди, шунинг учун вазифани қўйидагича ёзган маъқул: «Югуришни тарқалиб ушлаш билан мустаҳкамлаш» ёки «Ҳаракатланувчи нишонга улоқтиришни мустаҳкамлаш». Бундан ташқари, ўйин жараёнида болаларнинг жисмоний сифатлари ривожланади. Шунинг учун машғулотнинг иккинчи вазифасини қўйидагича ифодалаш мумкин: «Чаққонликни, чамалашни ривожлантириш».

Ҳаракатли ўйин ўтказишнинг мазмуни ва методикасини жисмоний тарбия машғулоти формаси бўйича қайд қилинади.

Үйинги киругчи ҳаракатлар	Дозаси	Темпи	Ташкилий-методик курсатмалар	Эслатма

Биринчи графага үйинда бўлган барча ҳаракатлар ёзилади. Улар биринчи галда қандай изчилликда бажарилса, үйиннинг барча кейинги тақорланишида ҳам шундай ёзилади.

«Дозаси» графасига үйиннинг давомийлиги ва тақорлаш миқдори кўрсатилади. Үйинда машқларнинг дозасини белгилаётганда, йилнинг фаслини ва обҳавонинг ҳисобга олишга аҳволини тўғри келади: ёзда айниқса иссиқ обҳаво шароитида ортиқча жисмоний нагрузка болаларда организмнинг қизиб кетишига олиб келиши; тўғри дозага риоя қиласмаслик, қишида тана ҳароратининг ошиб кетишига ёки болаларнинг совиб кетишига олиб келиши мумкин.

«Темпи» графасига ҳар бир машқни бажариш темпи (секин, тез ва бошқалар) белгиланади.

«Ташкилий-методик курсатмалар» графасига болаларни уюштириш ва үйиннинг бошдан охиригача бориши (тушунириш, бевосита сўз орқали кўрсатма бериш) ёзилади.

«Эслатма» графасига үйинни ўтказишгача бўлган даврда обҳаво ва бошқа омилларнинг ўзгариши муносабати билан үйиннинг боришида қандай ўзгаришлар киритилиши кўрсатилиши лозим. Ҳаракатли үйинни ўтказиш жараёнида қандай ўзгаришлар киритилганлиги ва бу ўзгаришларнинг зарурлиги асосланади ва үйин ўтказилганидан кейин эслатмада белгилаб қўйилади.

Физкультминутлар, сайдлар, жисмоний машқлар бўш вақтларни жисмоний машқлар билан чиниқтирувчи процедуралар, байрамлар билан қўшиб ўтказиладиган мактабгача тарбия муассасаларида, жисмоний тарбия бўйича ишнинг бошқа формаларининг план-конспектлари ҳам юқоридаги схемалар каби тузилади.

Очиқ машгулотларнинг план-конспектлари методист, мудира, врач, музика раҳбарлари томонидан қараб чиқилади.

Жисмоний машқларни ёзиш тартиби. Жисмоний тарбия машғулотларига, эрталабки гимнастикага тайёрланишида тарбиячи план-конспектларга жисмоний машқларнинг номларини ёзади. Масалан: бир қаторга сафланиш; колоннага биттадан сафланиш; оёқ учida юриш; жойда туриб баландликка сакрash, орқадан елка ошириб узоққа улоқтириш усули ва бошқалар.

Умумривожлантирувчи машқларни ёзишда (агар бўлса) унинг номи, дастлабки ҳолат (тана, оёқ, қўллар учун), ҳаракатларнинг номи, унинг йўналиши ва охирги ҳолати кўрсатилиши керак.

Дастлабки ҳолат қисқартган ҳолда ёзилади — д. ҳ.; ҳисоб сонлар билан белгиланади.

Масалан, «Резинани чүзиш». Д. ҳ.: тикка турган ҳолда оёқларни кериб, құлларни құкрак олдига қўйиш. I қўллар ёнга; 2 — д. ҳ.

Қисқароқ бўлиш учун баъзи ҳолатларни, ҳаракатларни ва уларнинг деталларини кўрсатмаслик қабул қилинган. Қуйидаги сўзлар: энгашганда — «гавда» сўзи; оёқ учига турганда — «оёқ» деган сўз; қўллар пастда, олдинда, орқада, юқорида — «Қўл кафтини ичкарига» деган сўзлар; қўллар ён томонда, чапга (ўнгга) — «Қўл кафтини пастга» деган сўзлар; оёқ, қўл ҳаракати чоғида — «оёқ учини чўзиш» «кўтариш», «тушириш» деган сўзлар; агар у қисқа, ягона йўл билан бажариллаётганида йўналишларни кўрсатишида — «олдинга», олдинда деган сўзлар; агар бу ҳолатни бажариш техникаси тақазо этса — «эгилмоқ» сўзи; «юқоридан ушлаш» — энг кўп тарқалган; агар қўллар олдинга ҳаракатланаб кўтарилса ёки туширилса — «бошқаси олдинга» деган сўзлар тушириб қолдирилади.

Қўл — оёқлар ва гавданинг йўли ҳаракат қисқа йўл билан бажарилмаган ҳолларда кўрсатилади. Дастрлабки ҳолат фақат машқнинг бошида кўрсатилади. Оёқлар, оёқ учлари, қўллар, кафтларнинг ҳолати белгиланган услубга мувофиқ бўлса, қайль қилинмайди. Агар оёқларнинг дастрлабки ҳолати асосий тик туриш бўлиб, қўлларнинг ҳолати бошқача бўлса, унда фақат қўлларнинг ҳолати (масалан, қўллар белда) кўрсатилади. Агар қўлларнинг дастрлабки ҳолати асосий тик туриш бўлиб, оёқлар бошқа ҳолатда бўлса, унда фақат оёқларнинг ҳолати белгиланади (масалан, оёқларни кериб туринг).

Баъзчи терминлар қисқача ифодаланади: асосий тик туриш — а. т. т; ўнг қўл (оёқ) — ў. қўл (оёқ); чап қўл (оёқ) — ч. қўл (оёқ).

Бир вақтнинг ўзида бажариладиган бир қанча ҳаракатларни ёзишда, аввал асосий ҳаракат (гавда, оёқлар), сўнгра бошқалари (ўнг қўлни букиб, чапга эгилиш, қўллар юқорида) кўрсатилади. Бир вақтнинг ўзида бажарилмайдиган бир қанча ҳаракатлар (гарчанд бир ҳисобда бўлса ҳам), улар қандай ўтказилса, ўша изчиликда ёзилади. Агар бирор ҳаракат бошқаси билан бошдан охиригача қўшиб бажарилмаса-да, аммо яхлит бажарилган бўлса, элементларини бири кетидан иккинчисини «ва» боғловчиси (энгашиб, қўлларни ёнга ва бошни ўнгга буриш) билан қўшиб ёзиш керак. Агар ҳаракатлар бир вақтнинг ўзида бажарилса, унда (эгилиб, қўлларни ёнга, бошни буриш орқали ўнгга қаранг) «орқали» сўзи ҳам қўшиб ёзилиши керак.

Ҳаракат одатдан ташқари услуб (кескин, шиддатли, бўшаштириб, юмшоқ, текис ва ҳоказо) да бажарилганда, у ёзувда (масалан, қўллар секин ён томонга, бармоқлар бўшаштирилган) акс эттирилиши зарур.

Тарбиячи жисмоний тарбия машғулотлари, эрталабки гимнастика ва жисмоний тарбия бўйича ишларининг бошқа формалари бўйича қайси ёш группаси учун план-конспектни тузишидан катъни назар ёзиш қоидаси бажарилиши лозим.

3- §. Ҳисобга олиш

Мактабгача тарбия муассасаларида дастлабки, кундалик ва якуний ҳисобот амалга оширилади.

Дастлабки ҳисобот. Жисмоний тарбияга доир ишларни түрги планлаштириш учун болаларнинг соғлиги, жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги (ҳаракат малакалари ва жисмоний сифатларининг ўсиш даражаси) ҳақида маълумотларга эга бўлиш зарур.

Асосий ҳаракатлар (юриш, югуриш, сакраш ва бошқалар) бўйича жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари журналга ёзиб борилади.

Ҳаракат малакалари ва жисмоний сифатларнинг ривожланиши даражасини ҳисобга олиш йилда 2 марта (куз ва баҳорда) ва жисмоний машғулотлар давомида ўtkазилади.

Сифат ва миқдор кўрсаткичлари ўқув йилининг боши ва охирида баҳоланади; улар программадаги ёки шу ёшдаги болаларнинг ўртача кўрсаткичлари (103-бетга қаранг) билан таққосланади. Ҳаракатнинг ҳар бир турига журналда икки саҳифа ажратилади. Уларда машқни бажариш техникаси асосий элементларнинг миқдор кўрсаткичлари ва бажариш сифатлари кўрсатилади. Агар бола машқ техникасининг ўёки бу элементини нотўғри бажараётган бўлса, унда тегишли графага минус қўйилади, бу текшириш натижаларини ёзишга кетадиган вақтнан анча тежайди.

Юришнинг ривожланиши даражасини текшириш 10 м масофада ўtkазилади. Дистанцияни босиб ўтиш вақти секундомер билан ўлчанади.

Миқдор ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш қўйилаги формада олиб борилади.

Тартиб номери	Фамилияси, исми	Миқдор кўрсаткичлари сес-кундларда	Сифат кўрсаткичларини			
			бош ва гавда ҳолати	қўл ва оёқлар ҳаракатининг мослиги	оёқ, юзининг ҳолати	йўналишни сақлаш
Текшириш саналари						
			3,09	3,09	3,09	3,09

Югурнишни текшириш 10 ва 30 м масофада ўtkазилади. Югурнишни текшираётганда бош ва гавда ҳолати, қўл ва оёқлар ҳаракатининг ўйғуности, югурнишнинг енгиллиги, ўйналишни сақлаш, дистанцияни югурниб ўтиш вақти ҳисобга олинади¹.

¹ Югурниш, улоқтириш ва бошқаларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари Д. В. Хулаевнинг китобида келтирилган формалар бўйича ёзилади. Методика физического воспитания в дошкольных учреждениях. М., 1984.

Болаларда мувозанаттннг ривожланиш даражаси чекланған таяңч майдон (йүлкада, гимнастик скамейкада, хода) да юришда баҳоланади. Текширишда йүлка, скамейканынг узунлиги ёзилади ва бош, гавда, құллар, мувозанатти сақлаш ҳолатлари белгиланади.

Жойида туриб узунликка сакрашннг ривожланиш даражасин текшириш бино ичида ёки майдончада үтказилади. Текшириш жараәнида қүйидаги машқ бажарыш техникаси элементларининг сифати аниқланада: дастлабки ҳолат, тебра-ниш, депсиниш, учиш, ерга құниш ва мувозанатти сақлаш.

Югуриб келиб узунликка сакрашни текширганда югуришннг бажарилиш сифатини аниқлашга түфри келади.

Югуриб келиб баландликка сакрашни текширганда югуриш, депсиниш, учиш, ерга құниш ва мувозанат сақлашни бажарыш сифатлари аниқланади.

Кичик группаларда жойида туриб баландликка сакраш ва (парса устидан) чуқурликка сакраш малакаларининг ривожланиш даражаси текшириледи. Текширишда сакрашннг бошқа турларидаги каби техник элементларининг бажарыш сифатлари аниқланади.

Узоққа улоқтиришни текширишда миқдор күрсаткичлары масофа, шунингдек, дастлабки ҳолатни, нишонга олишни, тебра-нишни, улоқтиришни ва йұналишини сақлашни бажарыш сифати ёзиб борилади.

Нишонга ўнг ва чап құл билан улоқтиришннг ўсиш даражасини ҳисобға олиш учун улоқтирилғанда бориб тушган масофа белгиланади, нишонга неча марта теккан сони ёзиб борилади.

Болаларннг бир-биралига түп отишларини текшириш учун улар түпні 2 мартадан отищади. Шундай қилиб, бир вақт-кінг ўзіда иккита боланинг түпні отиш малакалари текширилади. Масофа метр билан үлчанади ва отиш техникасининг қүйидеги элементлари: дастлабки ҳолат, құллар билан итариш, түпні күз билан кузатиши, йұналишини сақлаш, түпні қабул қилиб олишни бажарыш сифатлари аниқланади.

Түпні баландга отиш ва ушлаб олишни ҳисобға олиш учун болага уни 1—2 м баландлик (осиб қўйилған ўйинчоққача) ка отиш таклиф қилинади. Машқ кичик группаларда 5 марта, катта группаларда 10 марта тақорланади. Бунда тахминий баландлик, түпні ушлай олдими, йўқми, дастлабки ҳолат, түпні күз билан кузатиб бориши, йұналишга риоя қилиш, түпні құл бармоқда билан ушлайдими, мувозанатти сақлаш қайд қилиб борилади.

Нарвон (илк ёшдаги болалар учун) да ва гимнастик деворча (3 дан 7 ёшгача болалар учун) да тирмашиб чиқиши текшириб кўрилади. Снарядннг баландлиги, секундига чиқиши тезлиги, қадам (қўшимча ёки ўзгартыриб) босиши, усууллар (бир хил ёки ҳар хил) дан фойдаланиш, құл ва оёқлар ҳаракатининг уйғулиши, ўз-ўзига ишончи, мустақиллиги қайд қилинади.

Арқонға тирмашиб чиқиш аввал түгулган арқонларда, кейин-роқ түгунсизларда үтказилади. Чиқылған баландлик ва вақти, дастлабки ҳолат, арқонни оёқлар билан қисиб ушлаш, құллари билан ушлаш қайд қилинади.

Харәжат малакалари ва жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражасига доир ҳисобга олиш маълумотлари стандарт билан таққосланади. Кўрсаткичларнинг таҳлили ҳаракат техникасиндаги нуқсонларни аниқлаш ва машғулотларга тайёрланиш ҳамда келгусида жисмоний тарбияга доир ишлар планлаштирилаётганда уларни ҳисобга олишга ёрдам беради¹.

Кундалик ҳисобга олиш. Тарбиячи болаларнинг келиб-кетишини ҳар куни ҳисобга олиб боради, шунингдек, уларнинг соглиқлари тўғрисида ҳам врачдан маълумот олиб туради. Жисмоний тарбия машғулотлари, ҳаракатли ўйинлар, индивидуал, мустақил машғулотлар ва жисмоний тарбия бўйича ишларнинг бошқа формалари жараённида кузатишлар үтказиб, тарбиячи миқдор кўрсаткичларни аниқлайди ва техник айрим элементларни бажаришдаги нуқсонларни юзага чиқаради. Бу маълумотларни журналга ёзиб бориши керак, чунки улар ҳаракат малакалари, жисмоний сифатларнинг ривожланиш динамикасини кузатиб бориш ва қўлланилгани таълим методлари самарадорлигини белгилаб олиш имконини беради. Кунда ҳисобга олинган маълумотларни таҳлил қиғиши, болалар билан үтказиладиган машғулотларнинг методикасини ўз вақтида аниқлаш, кейинги даврдаги иш планига зарур ўзgartишни қўшимчалар киритиш имконини яратади.

Якуний ҳисобга олиш. Йил охирида болалар соғлиғи, жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги текширилади. Олинган маълумотлар стандарт билан таққосланади. Қамчиликлар аниқлангач, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари излаб топилади, шунингдек, жисмоний машқлар билан үтказиладиган машғулотларнинг мазмуни ва методикасини планлаштиришни такомиллаштиришга доир аниқ таклифлар ифодалаб берилади.

Якуний ҳисобга олиш маълумотларини таҳлил қилиш асосида жисмоний тарбия бўйича болалар билан олиб борилган иш тўғрисида ҳисобот тайёрланади. Бу ҳисоботда ишнинг ютуқлари, камчиликлари белгиланиб, конкрет таклифлар киритилади.

Мактабга бораётган ҳар бир болага характеристика тузилиб, унда соғлиғи, жисмоний ривожланиш даражаси, асосий ҳаракат (югуриш, сакраш, иргитиш ва ҳоказо) лар бўйича жисмоний тайёргарлигининг кўрсаткичлари қайд қилинади, шунингдек, бола чангиди ҳаракатлана оладими, конъки, велосипед учса оладими, суза оладими ва ҳ. к. лар ҳам ёзилади. Бундан ташқари, бола ўз тенгдошлари билан жисмоний машқ машғулотларига биргаликда

¹ Илк ёшдаги болаларда ҳаракат малакаларининг ривожланиш даражасини текшириш методикаси ҳақида Губерт К. Д., М. Г. Рысслярнинг. Гимнастика и массаж в раннем возрасте (М., 1981) китобининг IV бобидан қаралсии.

қатнаша олиш малакаларини эгаллаб олганлиги түғрисида кўрса-тиш лозимдир. Сўнгра улар биргаликда ўтказган ҳаракатли ўйин-ларини ҳам санаб бериш лозим. Бу маълумотлар 1-синф ўқувчи-лари билан жисмоний тарбия бўйича ишларни тўғри планлашти-ришда мактаб ўқитувчисига ёрдам беради.

УН ИККИНЧИ БОБ

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ БЎЙИЧА ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§. Болалар боғчасида ишларни ташкил этиш учун масъул шахслар

Мактабгача тарбия муассасаларида болаларнинг жисмоний тарбияси барча ходимлар колективи томонидан амалга оширилади. Барча ходимлар, мудирадан тортиб, то техник ходимларгача ҳаммаси ҳар бир боланинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш ҳамда жисмоний тарбиянинг бошқа вазифаларини ҳал қилишга даъват этилгандир.

Мудира жисмоний тарбияга доир барча ишларни ташкил этиш учун жавобгардир. У умумий иш плани тузади, зарур шарт-шароитларни таъминлайди, жисмоний тарбия вазифаларини ҳал қилишда болалар боғчаси ходимларининг фаолияти устидан раҳбарлик ва назорат ўрнатади.

Умумий иш плани барча коллектив иштирокида тузилади. «Жисмоний тарбия» бўлимида кириб келаётган йилининг асосий вазифалари қайд қилинади, ўтказилиши лозим бўлган тадбирлар кўрсатилади, уларни ўтказиш учун зарур бўлган тайёргарлик назарда тутилади. Масалан, болаларни чанғида юриш, конькида учиш, городки ўйини, баскетбол ва бошқаларга ўргатиш вазифалари қўйилади. Шунга мувофиқ: чанғи, коньки, чанғи костюмлари олиш, чанғи йўли очиш, коньки учун сув майдончасига эга бўлиш, тарбиячилар (адабиётларни ўргатиш, ўргатиш методикасини ишлаб чиқиши) ни, болалар (уларда зарур жисмоний сифатлар ва бошқаларни рувожлантириш) ни, ота-оналар (адабиётларни ўрганиш, костюмлар, оёқ кийими, инвентар ва бошқалар олиш) ни тайёрлаш белгилаб олинади.

Планда тарбиячилар, музика раҳбарларининг малакаларини ошириш: жисмоний тарбияга доир конкрет масалаларни ўрганиш ва уни педагогика советларида муҳокама қилиш; район ва шаҳар ҳалқ маорифини бошқариш органларида ташкил этилган тўғарак ва семинарларида, метод бирлашмаларида иштирок этиши; очиқ машғулотлар ўтказиш; болалар боғчаси иш тажрибасини умумлаштириш, Педагогик ўқишиларга доклад ва нутқлар тайёрлаш кўзда тутилмоғи муҳимдир.

Планда болалар поликлиникасининг даволаш физкультураси кабинетлари, ДЭЗлар, боғча болалари жисмоний машқлао билан

шүрүлланиши мумкин бўлган спорт мактаблари билан алоқада булиб туриш акс эттирилади. Болалар боғчаси билан 1-синфнинг жисмоний тарбиясида давомийликни амалга оширишга доир мактаб билан қилинадиган алоқанинг формалари белгиланади.

Планда ота-оналар билан олиб бориладиган ишларни ёзиш ва бу алоқаларнинг формалари санаб утилиши лозим. Бундан ташқари, планда жисмоний тарбияни деворий газета, стендлар, ота-оналар бурчагидан фойдаланган ҳолда пропаганда қилишга доир тадбирлар, жисмоний тарбия байрамлари ва бошқаларни ўтказиш белгиланади.

Планда тарбиячилар, музика раҳбарлари ва мактабгача тарбия муассасаси бошқа ходимлари (спорт секциялари, умумий жисмоний тайёргарлик группаларидағи, жисмоний машқлар бўйича мустақил машғулотлар, ГТО нормаларини топшириш ва бошқалар) нинг соғлигини, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашга доир ишлар ҳам акс эттирилган бўлиши лозим.

Планда тадбирлар учун маъсул шахслар ва уларни ўтказиш муддатлари кўрсатилади.

Умумий план педагогика советида муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

Мудира физкультура зали, майдончалар, группа хоналари ва участкаларини жиҳозлашни таъминлашга мажбурдир: жисмоний тарбия инвентарлари, атрибулар, ўйинчоқлар олиши; бино ва участкаларда санитария-гигиена ҳолатига риоя қилинишини кузатиши; методика кабинети учун адабиёт ва материалларни танлаш ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим.

Тарбиячиларга ёрдам бериш ва уларнинг ишини назорат қилиш мақсадида жисмоний тарбия машғулотларида, эрталабки гимнастика, сайдларда, ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний тарбияга доир бошқа ишларни ўтказиш вақтида кузатиш ишларни олиб боради. Кузатув натижаларини тарбиячи билан таҳлил қила бориб, у ютуқ камчиликларни кўрсатиб ўтади ва ишни яхшилашга оид амалий маслаҳатлар беради. Мудира, шунингдек, методик ҳужжатларини кўради ва жисмоний тарбия машғулотлари, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинларнинг йиллик, ҳафталик планлари, план-конспектларини тузишда, жисмоний тайёргарликни ҳисобга оладиган журнални тутишда, ҳаракат малакалари ва жисмоний сифатларнинг рувожланиш даражасини текшириш маълумотларини таҳлил қилишда тарбиячиларга ёрдам кўрсатади.

Педагогика колективининг малакасини ошириш учун мудира консультациялар, очиқ машғулотлар ташкил этади, болалар жисмоний тарбиясига оид турли масалаларни педагогика советининг муҳокамасига қўяди. У тарбиячиларнинг ишларини таҳлил қилишда ва Педагогик ўқишиларга нутқлар тайёрлаб, сўзга чиқишига тайёрланишларида ёрдам беради, мактабгача тарбия муассасасининг барча группалари бўйича жисмоний тарбия тажрибасини умумлаштиради.

Мудира ёш мутахассисларга алоҳида эътибор бериши: кун сайни педагогик маҳоратни эгаллаб боришларига, ҳар бир иш кунига пухта тайёрланишларига, фойдаланиладиган усул ва меодларнинг самарадорлигини системали равишда тахлил қилиб боришларига, жисмоний машқлар ва бошқаларни ўтказишга отоналарни актив жалб қила билишларига ҳамиша ёрдам бериб боради.

Бундан ташқари, мудира тарбиячиларни район, шаҳар методика кабинетлари томонидан ўтказиладиган тадбирлар (лекциялар, тўғараклар, семинарлар ва бошқалар) да иштирок этишлари учун уларни юбориб туради.

Жисмоний тарбия бўйича назарий ва амалий жиҳатдан тегишли даражада тайёргарлик болалар боғчаси ходимларига ўз вазифаларини янада малакали бажариш ва болалар учун намуна бўлишларидаги ёрдам беради.

Катта тарбиячи. Ирик (8—12 группали) болалар боғчаларидаги болаларнинг жисмоний тарбияси бўйича тарбиячиларнинг ишига бевосита методик раҳбарликни катта тарбиячилар амалга оширади. Тарбиячиларнинг малакасини ошириш ва уларнинг ишини назорат қилишда кўрсатиб ўтилган тадбирлардан ташқари, у методика кабинетини зарур адабиёт ва ҳужжатлар; ёш группалари бўйича жисмоний машқларни тақсимлаш жадваллари; йиллик план-графиклар, ҳафталиқ планлар, турли ёш группаси болалари учун жисмоний тарбия бўйича ишнинг ҳар хил формалариниагланган план-конспектлари; болаларнинг жисмоний тайёргарлигини ҳисобга оладиган журнналлар; жисмоний машқлар техникиаси ва уларни ўтказиш методикасини расмлар, суратлар, киноёзувлар орқали тасвирлайдиган альбомлар; жисмоний тарбия майдончаларининг макетлари; ота-оналар учун материаллар: адабиёт рўйхати, боталар кийимларининг чизмалари; жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик ва бошқалар ҳақидаги маълумотларни ўзгартириб ёзиб боришга мослаштирилган кўчма бурчаклар билан бойитишга катта эътибор беради.

У группа тарбиячиларнинг ишини ўрганади, планлаштириш ва ҳисобга олишга доир ҳужжатларни таҳлил қиласди, шунингдек, жисмоний тарбия машғулотларида, эрталабки гимнастика чоғида ва жисмоний тарбияга оид ишнинг бошқа формаларини ўтказишида кузатишлар олиб боради. Кузатиш жараёнида у тарбиячиларнинг тушунтиришлари, кўрсатмалари, командалари, буйруқларини ёзиб боради: улар ўтказган жисмоний машқларнинг сифатини белгилайди, дозасини ёзиб боради ва хронометраж юритади. Бундан ташқари, у ҳаракатни болалар томонидан сифатли бажарилиши, уларнинг ўзини ҳис қилиши ва хулқини кўрсатиб ўтади. Бу маълумотлардан машғулотларни тахлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, аниқ тавсияларни тузишда ҳам фойдаланилади.

Катта тарбиячи ишдаги ижобий тажрибани ўрганиш ва уни ёйиш ишига катта эътибор беради: очиқ машғулотлар ўтказиш

ва уларни мухокама қилишни ташкил этади, тарбиячиларга үз иш тажрибасини умумластириш, Педагогик ўқишларга нутқлар тайёрлаб, сугза чиқишига тайёрланишида ёрдам беради.

Катта тарбиячи системали радиоизда янги адабиётлардан хабардор бўлиб туради, район, шаҳар метод кабинетларида, илмий муассасаларда ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этади, болалар боғчасида жисмоний тарбияга доир ишларнинг сифатини яхшилашга кўмаклашади.

Катта тарбиячи үзи жисмоний машқлар билан доимий шуғулланиши, болалар боғчаси ходимларига намуна булиши ва зарур бўлиб қолганда уларга ёрдам беришга тайёр туриши муҳимdir.

Тарбиячи Болалар билан жисмоний тарбия ишни бевосита тарбиячи олиб боради. У назарий ва амалий тайёргарликка эга булиши, үз малакасини системали радиоизда ошириб бориши лозим. Болалар боғчаси олдида турган жисмоний тарбия вазифаларини амалга ошириш учун тарбиячи программанинг мазмунин ва талабларини ўрганиши шарт, болалар билан ишлашнинг барча формалари: жисмоний тарбия машғулотлари, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинлар ва бошқаларни саводли ўтказа билиши, шунингдек, ишни планластириш ва хисобга олиш бўйича ҳужжатларни тўғри расмийлаштира олиши зарур.

Жисмоний машқлар ўтказишда тарбиячи қўйидагиларни: ҳаракатларни тўғри ва аниқ тушунтириш ва кўрсатишини, команда ва фармойиш беришни; таълимнинг хилма-хил усулларидан фойдаланишини, хатоларнинг олдини олиш ва тузатишини; болаларга ёрдам бериш ва хавфсизликни таъминлашни, талабчанликни сезирлик билан бирга қўшиб олиб бориб, болаларга эътиборли булишини ва ғамхўрлик кўрсатишини, педагогик одобга риоя қилиши билиши; болаларнинг үзини ҳис қилиш (боланинг рангига, терлаши, нафас олишига қараб) ни, уларнинг диққати (барқарорлиги, тарқоқлиги) ни, машғулотларга қизиқиш (қизиқишининг камайиши, бир жойда ўтира олмаслиги, ортиқча ҳаракатчанлигини) ни, активлиги (активлигининг пасайиши, иш-ҳаракатларидаги пассивлик, жисмоний машқлар бажаришдан бош тортиши) ни, интизомлилиги (ўйин қоидаларини бузиши) ни, шунингдек, жисмоний тарбия машқларининг бажарилиш сифати (ўйғунлик, ритмнинг бузилишини, ҳаракатлар тезлиги ва аниқлигининг пасайиши, қади қомати бузилиши ва бошқалар) ни кузатиши лозим.

Тарбиячи болаларнинг соғлиғи ва жисмоний ривожланишида ги заришларни пайқай билиши, ҳаракат малакалари ва жисмоний сифатларининг ривожланиши даражасини ҳисобга ола билиши, шунингдек, боланинг онладаги яшаш шароитларини ўрганиши ва улардан жисмоний тарбияга доир амалий ишда фойдалана билиши зарур.

Тарбиячи бино ва участкада гигиеник шароитларга риоя қилинишини, жисмоний тарбия жиҳозлари, инвентарлари, атрибуллар, ўйинчоқларининг тозалиги ва яхши сақланишини кузатиб туришга; ота-оналар ва болалар билан бирликда қор уюмлари, тепалик-

лари, ишшоотлари (пароход, айиқ ва бошқалар) вужудга келтиришга, музли йұллар, сирпанчиқлар ясаш, сакраш учун құмли чуқур, югуриш учун йұлкалар ва бошқаларни тайёрлашга даъват этилгандир.

Тарбиячи үз ишини докмо таҳлил қилиб бориши ва илфор педагогларнинг тажрибасини ұрганиши, жисмоний машқлар билан очиқ машғулотлар үтказиш ва муҳокама қилишда қатнашиши, педагогик кенгашларда сұзға чиқиши, методика кабинетига материаллар тайёрлаши, фото-альбомлар ва бошқаларни тайёрлаб безатиши ләзим ва бошқалар.

Ота-оналар билан системали равишида иш олиб боришиниң аҳамияти ҳам оз әмас. Тарбиячи ота-оналар учун суҳбатлар, консультациялар, мажлислар, очиқ күнлар, машғулотлар ташкил этади ва үтказади, болаларнинг уйларига ҳам бориб келади. Жисмоний тарбияни тұғри ташкил этишида ота-оналарга күрсатмали агитация ва ёрдам бериш мақсадида тарбиячи күргазма-бұрчаклар, стендылар, үз группаси болаларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлығы маълумотлари ёзилған күчма пардалар тайёрлайди.

Болаларга намуна бўлиш ва жисмоний машқларни тұғри күрсатиши мақсадида тарбиячи үзининг жисмоний тайёрлик дараражасини системали равишида: мустақил ёки умумий жисмоний тайёргарлик группаларида, спорт секцияларда ошира бориши, мусобақа ва бошқаларда иштирок этиши лозим.

Энага жисмоний тарбия вазифаларини амалга оширишида тарбиячига ёрдам беради. У группы хонаси, жисмоний тарбия залининг озодалығы ва ҳавосининг тозаланыб туришига қарап туради. Кичик ёшдаги болаларга жисмоний тарбия машғулотлари, сайд олдидан кийинишида ёрдам беради. Бундан ташкири, у овқатлашиш, ухлашни ташкил этишида қатнашади, шунингдек, болаларда шахсий ва ижтимоий гигиена малакаларини мустаҳкамлашга күмаклашади, жисмоний тарбия инвентарлари (тұппи ювиш ва бошқалар) ни тоза тутишда иштирок этади. Агар энага болалар учун намуна бўлса ва үзининг барча ишлари билан жисмоний тарбия вазифаларини тұғри ҳал қилинишига ёрдам бера олса, унинг тарбияның роли бекітеді.

Музика раҳбари тарбиячи билан ҳамкорликда ишлайди. Улар жисмоний ва музика тарбиясинг планларини келишиб оладилар, әрталабки гимнастика комплексини, жисмоний машқлар билан үтказыладыган бұш вақт ва байрамларнинг мазмунини, үтказиш методикасини муҳокама қилиб оладилар. Музика раҳбари әрталабки гимнастика, жисмоний тарбия машғулотларыда күй жүрлигини амалга оширади, тарбиячига ҳаракатын үйинлар үтказиш учун күйлар, құшиқлар танлашга оид маслаҳат беради.

Музика раҳбаридан болаларнинг жисмоний тарбиясига тегишли назарий ва амалий тайёргарлікка ега бўлиш, шунингдек, зарур жисмоний тайёрлик дараражаси бўлиши ҳам талаб этилади.

2- §. Жисмоний тарбия устидан врач назорати

Мамлакатимизда жисмоний тарбия устидан амалга ошириладиган врач назорати медицина хизмати ягона системасининг ажралмас таркибий қисмидир. Врач назорати—бу физкультура ва спорт билан шуғулланувчи турли ёшдаги кишиларнинг соғлиғи ва жисмоний ривожланишини ұрганадиган медицина билимларынинг маҳсус соҳасидир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар жисмоний тарбияси жараёнида врач назоратининг асосий вазифаси уларнинг соғлиғи ни мустаҳкамлаш, жисмоний ва нерв-психик ривожланишини такомилластириша күмаклашишдан иборатdir.

Мактабгача тарбия муассасаларидаги медицина назорати қуидагиларни:

1) жисмоний машқлар билан шуғулланиш жараёнида болаларнинг соғлиғи, жисмоний ривожланиши ва функционал имкониятларини врач томонидан текширилиши ва баҳоланишини;

2) жисмоний тарбиянинг турли хил формаларини үтказишни медик-педагогик кузатиш, жисмоний машқларнинг мазмуни, үтказиш методикасини бола ёши ва функционал имкониятларига мувофиқлиги ва организмига таъсири назорат қилишини;

3) жисмоний машқлар, эрталабки гимнастика, харакатли үйнілар, спорт машқлари, чиниқтирувчи тадбирлар үтказиладиган жойларни, жисмоний тарбия жиһозлари, инвентарлари, шунингдек, шуғулланувчиларнинг костюм ва оёқ кийимларнинг гигиеник ҳолати устидан санитария назорати үрнатишни;

4) мактабгача тарбия муассасалари ходимлари, ота-оналар ва болалар үртасида санитария-маориф ишлари үштиришни ўз ичиға олади.

Мактабгача тарбия муассасасида медицина назоратини гашкил этиш врач, медицина ҳамшираси, мудира ва тарбиячиларнинг ҳамкорликда ишлашини тақозо этади.

Ишнинг бу қисми мактабгача тарбия муассасаси ёки болалар поликлиникасининг ҳар йилги медицина күрікларида врач томонидан чуқур үрганилаётганды амалга оширилади.

Аниқ белгиланган муддатда, шунингдек, зарур бўлганида болалар поликлиникасининг врач-мутахассислари томонидан кўриб чиқлади.

Соғлиқни баҳолаш комплекс тарзда: медицина кўриги маълумотлари, нерв-психик ва жисмоний ривожланиш хусусиятларини аниқлаш, бола касалланишини ҳисобга олиш асосида үтказилади.

Текширишда, аввало боланинг жисмоний ривожланиши аниқланади. Бунинг учун антротметрик кўрсаткичлар: гавда узунлиги, гавда оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси, бир ёшгача бўлган болаларда эса бошни ҳам ҳисобга олади. Жисмоний ривожланишини баҳолаш ана шу асосий кўрсаткичлар динамикасига асос-

ланади. Амалда боланинг жисмоний ривожланиши текшириш чоғида баҳоланади. Бу баҳо жисмоний ривожланиш характеристикасини маҳаллий стандартлар орқали гавданинг тотал ўлчовига нисбатан ўз ичига олади.

Боланинг нерв-психик ривожланишининг умумий даражаси айрим психик функцияларнинг ривожланиши даражаси билан характерланади. Бу эса марказий нерв системасининг етилиш даражасини акс эттиради.

Бола ҳаётининг биринчи йилида ривожланишнинг барча белгиларини врач аниқлайди. Ҳаётининг иккичи, учинчи ва кейинги ёш даврларида нерв-психик ривожланишининг даражасини баҳолашда врач билан биргаликда мактабгача тарбия муассасасининг тарбиячиси, медицина ҳамшираси ва ота-оналар ҳам иштирок этадилар. Улар кун давомида болани кузатишлари, унинг оила-даги, тенгдошлари колективидаги хулқ-автори ҳақида хабар берадилар ва бошқалар.

Нерв-психик ривожланиш даражасини текшириш пайтида эришилган түғри ва етарли даражада мукаммал баҳони врач беради. Бундай баҳо нерв-психик жараёнининг ҳар хил томонларини характерлаб берадиган қатор кўрсаткичларни аниқлаш асосида берилиши мумкин. Боланинг нерв-психик ривожланишини баҳолаш уч: «Ёшига мувофиқ», «Ёшига нисбатан орқада», «Ёшига нисбатан илгари кетган» мезонларига қараб амалга оширилади.

Болани кўришда тери ва кўринадиган шиллиқ пардаларнинг ҳолати, уларнинг ранги, шамоллаганлиги, терининг қуруқлиги ёки юқори намлилиги қайд қилинади.

Семириш нормада, ортиқча ёки етарли эмас, деб белгиланади.

Юмшоқ мушак тўқималарининг тургори нормал ёки пасайган деб белгиланади.

Мускул системаси мускулларининг ривожланиш даражаси, мускул тонуси ва кучи билан характерланади. Мускул системасининг ривожланиши елка камари, гавда, оёқ мускуллари чегараси ташқаридан кўриб аниқланади ва яхши, ўртacha ҳамда бўш, деб баҳоланади.

Или ёшдаги болаларнинг мускул кучи фақат бола ҳаракатига қарши турган кучни, шунингдек, ушлаб кўришдаги мушак тўқимиси консистенция (қайишқоқлиги, эгилувчанлиги, юмшоқлиги, бўшанглиги) сини тахминан аниқлаш орқали ўлчанади. 2,5—3 ёшли болаларда мускул кучини махсус динамометр ёрдами билан ўлчаш мумкин бўлиб қолади: бола уни стрелкаси билан қўл кафтига олади, қўлини бир томонга чўзиб, бор кучи билан қисади.

Гавданинг ростловчи-тўғриловчи мускул кучларини ўлчаш 3—4 ёшли болаларда ўтказилади. Бироқ, унинг кўрсаткичлари паст бўлади, чунки бу кичик ёшдаги болаларнинг кучини ишлата билмаслиги билан боғлиқдир. 5—6 ёшдан бошлаб йилдан-йилга ўтган сайн кўрсаткичларнинг бир текис ўсиси бориши қайд қилинади. Икки қўлдаги кучларни ўлчаш учун қимирламай-иган

динамометрда ўлчашни 2—3 марта тақрорлаб, энг юқори натижаларин ёзиб олиш керак бўлади.

3—4 ёшли болалар медицина кўргидан ўтгаётганда ўпканинг ҳаётий сифимини спирометрия методи билан аниқланади. Аниқ маълумотларга эга бўлиш учун болаларни ластлаб чуқур нафас олиш ва етарли даражада нафас чиқаришига ўргатиш зарур. Бола бунда уч марта ҳаракат килади ва энг яхшиси ёзиб олинади. Ўлчамнинг аниқлиги ± 200 см² дир. Ўпканинг ҳаётий сифими, кўкрак қафаси, диафрагма, қорин девори мускуллари кучини акс эттиради. Унинг динамикада аниқланадиган курсаткичлари ривожланишининг ёш даражаси ва жисмоний тарбия воситалари таъсирини аниқлашга ёрдам беради.

Болаларнинг жисмоний ривожланишини янада аниқроқ баҳолаш ва жисмоний машқуларни тўғри танлаш учун врач хар бир бола ҳаракатларининг ривожланиши характеристикасига эга бўлиши зарур. Бир ёшли бола ҳаракатлари ривожланишини текширишни ҳар ойда, имконияти борича календарь бўйича бола туғилган кунида ўтказган маъқул.

Ҳаракатларни текшириш ва уларнинг ривожланиш даражасини баҳолашда маълум ёшдаги болалар учун характерли бўлган кўрсаткичлардан бошлашга тўғри келди. Агар бола ҳаракатлари ривожланиши ёш нормаларидан ортиб кетса, унда кейинги ёш группаси кўрсаткичларига ўтиши керак бўлади. Бола ҳаракатлари нормага етмаган вазиятларда унга қўйиладиган талабларни камайтириш ва аввалги ёш группаси кўрсаткичларини белгилашга тўғри келади.

Болаларни текширишда рефлекслар ҳолати ва ҳаракатлар ривожланишини бир хил методика билан белгилаш жуда муҳим дир. Бу энг аниқ маълумотлар олиш ва уларни динамикада таққослаш имконини беради.

Болалар ҳаётининг биринчи йилида ҳаракатлар ривожини врачнинг ўзи текширади. Текшириш чоғида болалар тўлиқ ечинтирилган бўлиши лозим. Бунда бола актив ва тетик ҳолатда бўлиши муҳимдир. Агар у йиғлаб турган бўлса, тегишли ҳаракатларни бажаришдан бош тортади. Бундай вазиятда текширишни тўхтатиш ва болада ижобий эмоционал ҳолат пайдо бўлгандагина текширишни тақрорлаш мумкин. Болада мавжуд ўёки бу малакани ҳамма вакт юзага чиқариб бўлмаслигини эсдан чиқармаслик керак: бу кўп сабабларга — ҳаракатни бажаришни хоҳламаслик, у бу га чалғиб туриш ва бошқаларга боғлиқдир. Шунинг учун группа тарбиячилари қундалик ишларида болаларда пайдо бўлаётган янги ҳаракатлар ёки уларни бажаришга уринишларни ёзиб боришлари, ҳар бир болага муайян ҳаракатларни ривожлантириш учун индивидуал шароитлар яратишлари, врачга бу ҳаракатни гимнастика машгулотлари ва массажлар комплексига киритиш зарурлиги ҳақида маслаҳат бўришлари даркор.

Бола ҳаётининг иккинчи ва учинчи йилларида ҳаракатлар ривожи врач-педагог ҳамкорлигига текширилади. Текширишининг

бу натижалари перв-психик ва жисмоний ривожланишни баҳолашда ҳисобга олинади.

3—7 ёшли болалардаги ҳаракатлар ривожи, ҳаётининг ҳар бир йилидаги жисмоний тайёргарлик даражасини характерлайди. Ҳаракат малакалари ва сифатлари ривожланишини баҳолаш натижалари, шунингдек, физиометрик кўрсаткичларнинг (мускул кучи ва ўқанинг ҳаётий сифимини) жисмоний ривожланиш даражасини белгилашда, албатта ҳисобга олинади (3-жадвалга қаранг).

3- жадвал

3—7 ёшли болаларнинг ўртача физиометрик кўрсаткичлари¹

Жисси	Ёши	Ўқанинг ҳаётий сифими мл да	Ўнг кўл бармоқла-рининг мускул ку-чи кг да	Чап кўл бармоқла-рининг мускул ку-чи кг да	Гавда кучи кг да
Үйил болалар	3	500—800	3,4—6,2	3,1—5,5	13,6—19,6
	4	650—1000	3,9—7,5	3,5—7,1	17,6—22,4
	5	1100—1500	6,5—10,3	6,1—9,5	19,7—28,1
	6	1500—1800	9,8—14,4	9,2—13,4	28,9—37,4
	7	1700—2200	11,6—15,0	10,5—14,1	28,7—39,9
Киз болалар	3	500—800	2,6—5,0	2,5—4,9	12,4—17,2
	4	650—1000	3,1—6,0	3,2—5,6	14,5—19,7
	5	1100—1400	4,9—8,7	5,1—8,7	16,3—22,5
	6	1300—1800	7,9—11,9	6,8—11,6	24,5—32,9
	7	1500—2000	9,4—14,4	8,6—13,2	25,0—35,0

Гавда ва оёқ ҳолатини баҳолаш бола соғлиги характеристикини учун муҳим ҳисобланади.

Гавданинг ўтириши, туриши, юришдаги одатий ҳолати қомат деб тушунилади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг комати уларнинг анатомик-физиологик хусусиятларига боғлиқ характерли белгиларга эга бўлади. Л. П. Африканова маълумотларига кўра мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг боши катта кишиларни кига қараганда олдинга энгашгаироқ бўлади, елка камари кўк-рак қафаси даражасига туртиб чиқмагани ҳолда озгина олдинга силжиган бўлади, қорин йўлига 1—2 см ўтади, умуртқа поғонаси эгилганлиги аниқ қўзга ташланмайди, тос суюгининг қия бурчаги учча катта эмас.

Қомат туғма бўлмайди: у мактабгача тарбия ёши давомида шаклланади ва мактаб ёшида мустаҳкамланади. Бунда қоматга турли омиллар — соғлиқ, қадди-қомат, нерв-психика ҳолати, тарбия шароитлари таъсир кўрсатади. Қоматнинг шаклланишига болада уни тўғри тута билиш малакаларини тарбиялашнинг қоматни муайян ҳолатда тутиб тута билиш зарурлигига онгли психик тайёргарликнинг жуда катта тарбиявий ахамияти бор.

¹ Юрко Г. Н. тадқиқотлари маълумотлари бўйича (1982 йил).

Қоматин түгри тутиш фақат эстетик аҳамиятга молик булиб қолмай, балки, унинг түғрилигини бузилиши ички органларнинг ҳолатини ўзgartиради, юрак-қон томир ва нафас олиш системаларининг нормал ишлашини қийинлаштириб қўяди. Қомат бузилишининг асосий сабаби тарбияда нуқсонларга йўл қўйилишидир: агар бунда етарлича аҳамият берилмаса, унда болада қоматини нотўғри тутиш малакаси таркиб топиб қолади.

Қоматни текширишда бола одатда, ўзини тутиши табиий, чиранмай қўллар ва гавда мускулларини енгилгина бўшашиб турishi керак. Бола уч хил ҳолатда турганда олд, ён ва орқа томонларидан кўрилади. Олд томондан кўришда бошнинг ҳолати (тўғрилиги, унинг олдинга ёки ён томонга эгилганлиги), елканинг ташки чегараси ва даражаси (мутаносиблиги, кенглиги, сиқиқлиги) белгиланади. Қўкрак қафасини кўришда унинг формаси, мутаносиблиги (меъёрдалиги, цилиндрлиги, бочкасимонлиги, текислиги, ботиқлиги, торлиги, «тобуқсимонлиги», номутаносиблиги) қайд қилинади. Орқа томондан кўришда елка ва курак (елка устининг номутаносиб эмаслиги бурчакларининг ҳолати ҳар хил эмасми эканлигига) ҳолатига кўпроқ аҳамият берилади. Орқанинг формаси муҳим аҳамиятга моликдир: у нормал, орқа умуртқа поғонасининг табиий эгилганлиги, аммо, шунинг билан бирга ҳар хил эгилиш: кифозлар (букр), лордозлар (букилган) сколиозлар (эгри, қийшиқ) формасида бўлиши мумкин. Умуртқа поғонаси табиий эгилишларининг бўлмаслигига орқанинг ясимилиги дейилади.

Ривожланишда орқада қоладиган куракларни қанотсимон кураклар деб характерлайдилар. Умуртқа поғонасининг бўйин орқасидан то белигача бўлган жойидаги эгилышларининг бир хилда кўпроқ эгилиши думалоқ деб аталади (мактабгача тарбия ёшидаги болаларда бундай эгилганлик кам учрайди, аммо олдинга эгилиб елкаси чиқиб кетганлик хийла кўпроқ кузатилади). Ён томондан кўришда гавданинг ўрта йўлдан олдинга ўтиб қўшилиб кетганлигини, қорин, орқанинг формасини, тос-сон суюгини ва тизза бўғинларининг ҳолатини аниқлайдилар.

Ривожланишда орқада қолаётган кураклар, сиқилган елкалар, елка устининг номутаносиблиги, қориннинг кўкрак қафаси чизифидан ўтиб кетиши (3—5 см га) мактабгача тарбия ёшидаги болаларда кўпроқ учрайдиган қомат бузилишлар хисобланади.

Тик турганда тиззанинг ички юзаси ва төвон орқалари бир-бирига тўғри тегиб турса, бу оёқ формаси нормал эканлигидан далолат беради. Агар товонлар ва оёқ учлари жисплаштирилганда тиззалар бир-бирига тўғри келмаса, унда оёқлар О га ўхшаган, агар тиззалар тўғри келиб, товонлар тўғри келмаса, Х га ўхшаган бўлади.

Боланинг оёғи катталарникуига қараганда оёқ кафтида ёғ тўқималарининг кўпроқ ривожланиши билан ажралиб туради. Бунда бола оёғи жуда кенг ва тор ҳамда кўринишидан текисга ўхшайди. Товонлар равоғи формаларининг бузилиши уларнинг функ-

цияси шу жойнинг ўзидагина ёмонлашувига олиб келмай, балки оёқ деформациясининг кейинроқ ўзгаришига, тос суяги ҳолатининг ўзгаришига, умуртқа поғонаси туришининг тўғрилигини бузилишига олиб келади, бу ҳам ўз навбатида қоматда нуқсонларни келтириб чиқаради.

Мактабгача тарбия ёшида қоматнинг, оёқ деформациясининг бузилиши, одатда, функционал характерга эга бўлади ва асосан, мускул тонуси ва боғловчи аппаратнинг заифлиги билан белгиланади. Жисмоний машқлар билан системали ва мақсадга мувофиқ шуғулланиш боланинг таянч-ҳаракатлантирувчи аппаратини мустаҳкамлайди ва машғулотлар жараённида 5—7 ёшли болалардаги қомат бузилиши икки марта камаяди.

Организмнинг иш қобилияти ва унинг машқ қилганлик даражаси организмни асосий энергия билан таъминлаб турадиган юрак-томир ва нафас олиш системасининг функционал имкониятлари билан белгиланади. Текширишда жисмоний машқлар билан бўладиган айrim машғулотларнинг бола организмига таъсирини ҳисобга олинади ва пульсга жавоб реакциялари ҳамда нафас олишнинг ташқи кўрсаткичларининг хусусиялари, шунингдек, машғулотгача, машғулот пайтида ва машғулотдан сўнгги эмоционал тонус ва умумий аҳволдаги ўзгаришлар ҳам қайд қилинади. Боланинг томир уриши ва нафас олиши машғулот олдидан ва таомом бўлиши билан саналади. Томир уриш сони 10- секундли интервал бўйича, нафас олишнинг сони 30 с. давомида ҳисобланади. Машғулотдан кейин томир уриши ва нафас олиш тезлигини ҳисоблаш дастлабки ҳолатга қайтгунча олиб борилади. Илк ёшдаги болаларда машғулотдан кейинок томир уриши дастлабки миқдорга нисбатан 15—20 % га, нафас олишнинг нормал характеристи бузилмаган ҳолда 1 минутига 10—15 га тезлашса, уларнинг реакцияси энг яхши, маъқул деб баҳоланади. Томир уриши ва нафас олиш тезлиги кўрсаткичларининг дастлабки миқдорига қайтиш вақти 2—3 минутдан ошмаслиги лозим.

З ёшдан бошлаб болаларда мускул нагруззаси билан дозаланган функционал синов ўтказилади. Мартин-Кушелевскийнинг синови 30 с. да 20 марта ўтириб-туриш, чуқур степ-тест синови — 1 минут давомида зинапояга 30 маротаба чиқиш, синов 2 мин. давом этади.

Мускул нагруззасининг таъсири: 1) юрак-қон томир системаси кўрсаткичлари (томир уриш тезлиги, артериал қон босими) ва нагруззкадан кейиноқ нафас олиш тезлигининг ўзгаришига ва 2) бу кўрсаткичларни дастлабки даражада қайта тикланишигача кетган вақтга қараб баҳоланади.

Нагрузкадан кейин томир уришнинг 25—50 % га тезлашганида (қанақа синов ўтказилганлигига боғлиқ ҳолда) ва артериал қон босимининг максимал кўтарилиши 5—15 мм симоб устунига 5—10 минимал камайиши — 5—10 мм симоб устунига тенг бўлганида ёки унинг ўзгаришсиз сақланганида, нафас олиш тезлигининг 1 мин. га 5—8 мартаға кўпайганида энг яхши синов деб ҳи-

собланади. Барча курсаткичларнинг дастлабки даражага қайтарилиши 2—3 минутда қайд қилинади. Боланинг умумий аҳволи яхши бўлиб қолади.

Юрак қисқаришининг 60—70 % дан ошиб кетиши, кўзга ташланадиган ҳарсиллашнинг бўлиши, максимал босимнинг анчагина ортиши, минимал босимнинг 10 мм симоб устунидан ортиб кетиши реакциянинг нормадан оғганлиги деб ҳисобланмоғи керак. Барча кўрсаткичларнинг дастлабки миқдорга қайтиш вақти 3 минутдан ошмаслиги лозим.

Болаларнинг соғлигини функционал синов маълумотларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш бола организмининг имкониятларини ва жисмоний машқлар дозасини тўғри белгилаш имконини беради.

Жисмоний тарбия машгулотлари, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинлар ва бошқа жараёнларда юрак қисқариши тезлиги ўзгарувчан характерга эга бўлади. Махсус тадқиқотлар турли жисмоний машқлар бажарилганда юрак қисқариши ўзгарувчалиги даражасини аниқлаш имконини яратади. Бу эса болалар билан олиб бориладиган иш формаларини планлаштиришда улардан тўғри фойдаланиш имконини беради (4-жадвалга қаранг).

4- жадвал

5—7 ёшли болаларда турли жисмоний машқларни бажаришла юрак қисқариши тезлигининг (минутига уриши) ўзгарганлиги¹

Жисмоний машқларнинг турлари	Минимал—максимал ²	Қайта тикланиш вақти мин. да
1. Умуривожлантирувчи машқлар	100—140	1—2
2. Бир текис юриш	120—150	1—2
3. Мураккаблашган юриш (степ-тест, нарвоничла юриш)	130—160	3
4. Жойда югуриш	130—170	3
5. Ўртacha тезликда югуриш	150—180	3—4
6. Секин лўқицлаб югуриш	150—170	2—3
7. Узунликка сакраш	130—165	1—2
8. Аргамчи билан сакраш	140—170	3—4
9. Сакраб-сакраб юриш	130—160	2—3
10. Мувозанат сақлаш	120—150	1
11. Велосипедда юриш	130—160	3
12. Тўп билан ўйнаш	145—195	3

Диспансерни ташкил қилиш ва индивидуал соғломлаштирувчи тадбирларни ўtkазиш учун ҳар бир бола ва кузатилётган барча болаларнинг соғлиги ҳақида маълумотлар зарурдир. Бу

¹ Юрко Г. П. тадқиқоти бўйича (1982 й.)

² Юрак қисқаришининг бу тезлигига машқларни бажаришнинг биринчи минути охири ва иккиччи минути бопида эринилади ва ундан фойдаланишнинг қолган вақти давомида амалий жиҳатдан ўзармайди.

мақсад учун бола соғлигининг қатор мезонлари (белгилари) асосида комплекс баҳолаш жавоб беради. Бу баҳо асосида болалар соғлиғига қараб, группаларга ажратылады¹

Бола соғлигини баҳолаш анамнез (касалдан сұраб тұпланаған) маълумоттар, жисмоний ва нерв-психик ривожланиш даражаси, клиника күрги маълумотлари, врач-мутахассислар, лаборатория тадқиқотларининг маълумотлари, бола касалланишини таҳлили асосида олиб борилади.

Бола касаллигини комплекс баҳолашда асосий белгилар сифатыда құйидагилар ҳисобға олинади:

сурункали (шу билан бирға туғма касаллукларнинг борлиги) ёки йүқлиги;

орган ва системаларнинг функционал ҳолати;

организмнинг резистентлиги ёки реактивлиги;

жисмоний ва нерв-психик ривожланиш даражаси ва үйғунлиги.

Текшириш вақтинг үзіда соғлиқ баҳоланади. Орган ва системаларнинг функционал ҳолати клиник методлар, зарур вазияттарда эса, функционал синовлар орқали аниқланади. Бола организмининг ноқулай омилларга қаршилик күрсата олиш резистентлиги ёки реактивлиги үткір касаллик (шунингдек, сурункали касаллукларнинг хуруж қилиши ҳам) ларнинг миқдори, уларнинг күрик үтказылған йилдан кейинги оғир кециши ва давомийлиги бүйича белгилапади.

Бириңчи группа асосан соғлом болаларни бирлаштиради. Бу группа болалари барча касаллуклардан ҳоли бұлған, күзатыш даврида касалланмаган ёки камроқ касалга чалинган болалардир. Шу билан бирға соғлиқнинг характеристикалық белгилариға мувофиқ келгусидеги соғлиғига үнчалик таъсир этмайдын ва тузатышни талаб этилмайдын баъзи морфологик нормалардан четтаға чиқыши (тироқ касаллиғи, қулоқ супраси ва бошқаларнинг кам ахамиятлы шакл үзгариши) ларга зәға бұлған болалар ҳам шу группага киради.

Иккинчи группага биологик ва социал оғирлашған анамнезга баъзи функционал ва морфологик үзгаришларға зәға бұлған, тез-тез (йилига түрт ва ундан ортиқ) ёки узоқ муддаттағы қаттық оғриб турадын, шунингдек, сурункали касаллуклары «таваккал» билан пайдо бўлиб турадын соғлом болалар ҳам киради.

Учинчи группа сурункали ёки кам учрайдиган туғма патологик касаллукларға зәға бұлған болаларни бирлаштиради. Бу группага сурункали касаллиги хуружининг ўтиши характеристикалық оғир бўлмаган, ташқаридан қараганда умумий ҳолати ва үзини ҳис қилиши үнчалик ёмонлашмаган, камроқ (йилига 1—3 марта) касалланадиган болалар ҳам киради.

Тұрт инчи группа сурункали касаллуклар, ривожла-

¹ СССР Соғлиқни сақлаш министрлігінинг болалар ва үсмурлар гигиенасы Институты томонидан ишлаб чиқылған.

нишда нүқсони ўрнини тұлдириш ҳолатида турадиган туғма қасаллиги бұлган болалар киради.

Бешинчи група оғир сурункалы касалліктери, ривожланишда нүқсони ўрнини тұлдириши қийин ҳолатда бұлган, яъни инвалидлик бүйіча ёки инвалидлігі билан хатарлы, оғир, туғма касалліктери эга бўлган болаларни ўз ичига олади.

У ёки бу белги (ёки улар бирга қўшилиб) бүйіча соғлиғи даражасининг ўзгаришига қараб врач ривожланишин мунтазам кузатиш жараёнида группани ўзгартыриши ёки уни аввалги группаси билан қолдириши мумкин.

Болаларнинг мактабгача тарбия муассасаларида асосан жисмоний машқ мағұлолтлари мутлақо зарап құлмайдыган соғлом болалар бўладилар.

Бир ёшли болалар билан ўтказиладыган жисмоний машқлар ва массажлар қуйидаги: 1) ҳарорати юқори бұлган ўткир касалліктери; 2) терига тарқалған касалліктери; 3) тери ости-ёғли ҳужайра ва мушаклардаги яллиғланиш касалліктери; 4) декомпенсациялы юрак касали; 5) учинчи даражали рахит; 6) қон касалліктери билан оғриган болалар учун заарларидир.

Индивидуал ёндошишни амалга ошириш мақсадида ўтказилған тадқиқотлар асосида турли жисмоний тарбия воситаларини тайинлаш учун врач болаларни иккى группага ажратади:

Асосий группа — «Болалар боғчасида таълим-тарбия программаси бүйіча тұла ҳажмда мағұлолтлар ўтказыш учун ҳеч бир чегараланмайдыган ҳамда медицина ва педагогик жиҳатдан акс таъсир құлмайдыган группалар.

Заиф группа — жисмоний нағрузка ва чиниқтирувчи тадбирларнинг меъёри ва ҳажми бүйіча вақтінча чеклашни характериға эга бўлган группадир. Заиф группага соғлиқнинг II, III ва IV группасида турған, асосан тез-тез касал бўлиб турадыган («журъат» группа), узоқ касаллікдан кейин аста-секин соғайиб борувчи болалар киради.

Тез-тез касал бўлиб турадыган ёки сурункалы касалліги бўлған болалар врачнинг доимий назоратида бўлишлари зарур. Қасаллік хуруж құлмаган даврда улар жисмоний тарбиянинг умумий программаси бүйіча шуғулланишлари керак. Қасаллік ўтгандан кейинги дастлабки күнларда ҳар бир бола учун мағұлолтлар ҳажми индивидуал тартибда қийинроқ машқларни бажаришдан озод этилиши, ҳар бир машқларни тақрорлаш миқдори камайтириши лозим. Соғлиғи яхшиланишига қараб ва функционал синов натижаларини ҳисобга олиб иш ҳажмини аста-секин ошириб бориш керак.

Болаларнинг соғлиғи, ривожланиш ва машқ құлғанлик дара жаси ўзгариши мумкин. Шунинг учун тақрорий текширишларда ўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олиб, шунга мувофиқ мағұлолтлар ҳажмини белгиламоқ зарур. Масалан, ўткир ўпка касаллігини кечган болага югуриш ва оширилған жисмоний нағрузка даги машқларни бажариш чегаралаб қўйилади. Мускул ишининг

лойиқлигини белгилаш учун уни бажариш жисмоний тарбия машғулотларида кузатилади, бунда чарчашибининг ташқи аломатлари назорат қилинади, шунингдек, хронометраж қилинади ва томир уриши ўлчанади. Навбатдағы ёки маҳсус күрикда врач юрак-қон томири ва организмнинг бошқа системаларининг иши тұла тикланғанлигини аниқласа, унда болага тұлық программа бүйічка, чегараланмаган миқдорда жисмоний машқлар билан шуғуллашиша рухсат беради. Бола соғлиғи ёмонлашган ва айниңса болалар бөгчеси врачининг функционал синовларидан у яхши ўтолмаса, врач жисмоний иш миқдорини вактінча яна күпроқ чегара-лаб құяды.

Бола соғлиғини баҳолашда тарбиячи врачнинг актив ёрдамчиси бұлмоғи лозим. Күн тартибининг турли жараёни (үйқу, үй-ин, машғулотлар, оқытланиш ва бошқа) вақтида болалар билан кундалик мұлоқотни амалга ошира бориб тарбиячи ҳар бир боланинг соғлиғи хусусиятларини ҳисобға олади ва у ёки бу нұқсонлар, ўзгаришлар пайдо бүлганса жисмоний тарбияның миқдорын анықтайды. Бундай кузатишилар индивидуал ёндошишни таъминлашға ёрдам беради ва ҳатто бола соғлиғидаги ўзгаришларни дастлабки босқичларидан әң аниқлаб, бу ҳақда медицина ходимларига билдириш имкони-ни беради.

Мактабгача тарбия муассасасининг врачи болалар соғлиғи ҳа-қидаги баҳодан группа тарбиячиларини хабардор қиласында да-умумий ҳамда ҳаракат режими ва жисмоний нағрузка ҳажмига индивидуал ўзгаришилар кирилади.

Группа тарбиячилари саломатлық варақасында барыңынан ўзгаришиларни ёзіп құяды да ҳар хил болага талабчанлық билан индивидуал ёндошишни амалга оширади.

Мактабгача тарбия муассасасининг медицина ҳамшираси (группа тарбиячилари билан биргаликта) болалар соғлиғи, чи-ниқтирувчи тадбирлар, жисмоний машқлар билан машғулотлар (эрталабки гимнастика, жисмоний тарбия машғулотлари, ҳаракатлы ўйинлар ва бошқалар) ташкил этилиши да үтказилиши устидан доимий назорат ўрнатади.

Жисмоний тарбия машғулотини очиқ ҳавода үтказиш мактабгача тарбия муассасасининг барча ходимлари: мудира, врач, тарбиячилар, медицина ҳамширалари, энагалардан алоқида эътибор берилишини талаб этади. Ишни ташкил этишни, машғулотларни үтказиш учун шароитлар яратишни, ота-оналар билан яқындан алоқа боғлашни яхшилаб ўйлаб күриш зарур бўлади¹.

Давомли кузатишилар да маҳсус тадқиқотлар, йил давомида очиқ ҳавода үтказиладиган машғулотларнинг мактабгача тарбия муассасасында қатнайдиган болаларнинг соғлиғи учун мутлақо зараисиз эканлигини кўрсатди. Поликлиника врач-мутахассислари үтказган чуқур медицина кўриги маълумотлари да соғлиқни тек-

¹ Қаранг: Ф о р о л о в В. Г., Юрко Г. П. Физкультуры занятия на воздухе с детьми дошкольного возраста, М., 1983.

шириш натижаларининг баҳоси асосида мактабгача тарбия мусасасасининг врачи ҳар бир бола учун индивидуал тадбирлар белгилаб беради.

Сурункали касалликларга эга бўлган (йилига 4 мартадан ортиқ) касалланиб турадиган болалар машғулотларга ёз ойларида киришишлари лозим; улар учун мускул нагрузкаси дозасини врач белгилаб беради. У шунингдек, бундай болаларнинг машғулотларга йилнинг совуқ вақтларида қатнашиш имкониятлари ҳақидаги масалаларни ҳам ҳал қиласди.

Ҳар бир ёш группасида машғулотларни индивидуал тарзда бажаришга муҳтож 4—5 та болалар бўлади; уларнинг кўпчилиги машғулотларни программа ҳажмида бажарадилар. Аммо машғулотларни ўтказишни бошлашдан олдин болаларнинг жисмоний тайёргарлиги даражаси ушбу ёш группаси программасига мувофиқми, йўқми, шуни аниқлаш муҳимдир. Агар ёш группаси имкониятларига программа тўлиқ мувофиқ эмаслиги аниқланса, машғулотларни аввало енгил машқлардан ёки аввалги ёш группаси программаси бўйича бошлаш, кейин эса, шу ёшдаги болалар учун мўлжалланган программага тезлик билан ўтиш мумкин бўлади.

Касаллик асоратсиз ўтиб кетганидан кейин, илгари чиниқкан болалар очиқ ҳавода ўтказиладиган машғулотларнинг 1—2 тасидан озод этиладилар; чиниқмаган ва соғлифида функционал нуқсонлари бўлган болалар кўпроқ муддат (2—3 машғулот) га қадар озод этиладилар; сурункали касаллиги бўлган болалар, асосий ёки бошқа касалларнинг хуружидан кейин машғулотларга фақат врач рухсати билан қўйилади.

**Жисмоний тарбия-
нинг ҳар хил формалари-
нинг ўтказилиши
устидан медик-педаго-
гик кузатишлар.**

Медик-педагогик кузатишлар жисмоний тарбия турли формалари мазмуни ва методикасини болаларнинг ёш ва функционал имкониятларига мослиги ҳақидаги бахони ўз ичига олади.

Врач, медицина ҳамшираси, мудира жисмоний тарбия машғулотлари, эрталабки гимнастика, ҳараратли ўйинлар ва ишнинг бошқа формалари ўтказилишини медик-педагогик жиҳатдан назорат қила бориб, тарбиячи тузган план-конспекти билан уларни ўтказишдан олдин танишадилар.

План (кўриб чиқилгач, унинг мазмуни) ушбу ёш группаси болалари учун мўлжалланган программа талабларига жавоб берадими ёки йўқ, шунингдек, қўлланиладиган машқлар ҳам болаларнинг ёш ва тайёрлик даражасига мосми ёки йўқми қайд қилинади. Тарбиячи болаларнинг қомати ва нафас олишини эътибордан четда қолдираётгани йўқми, жисмоний тарбия кўлланмаларидан тўғри фойдаланаётими, машқларни бажараётганда хавфсизлик қондаларига риоя қилаётими йўқми эканлиги ҳам текширилади.

Тарбиячи машғулотларни ўтказишда асосий физиологик принципларга: жисмоний машқларнинг динамиклигига, катта миқдордаги мускул группаларини имкони борича қамраб олнишига, асо-

сан йирик мускуллар иштирок этаётганилигига, нагрузканинг барча мускул группаларига тенг тақсимлашга, турли дастлабки ҳолат (туриб, ўтириб, ётиб) лардан фойдаланиш кабиларга риоя қилинаётганига эътибор бериш ва шуларни аниқлаш лозим.

Бу шартларнинг барчасига риоя қилиниши машқларни сифатли бажарилишини таъминлайди.

Медицина назоратининг энг муҳим бўлимларидан бирни жисмоний машқ машғулотларининг бола организмига таъсирини баҳолашдир. Бу таъсир болалар билан ишинг ҳар хил формаларини (жисмоний тарбия машғулотлари, ҳаракатли ўйинлар, эрталабки гимнастика ва бошқаларда) ўтказилиши чоғида ёки турли жисмоний машқларни узоқ муддат фойдаланиш давомида ҳисобга олиниши мумкин.

Жисмоний тарбия машғулотлари тузилиши тўғрилигини, жисмоний нагрузканинг муайян ёш групласи болалари функционал имкониятлари, уларнинг жисмоний тайёргарлик даражаларига мувофиқлигини баҳолаш учун индивидуал хронометраж методидан фойдаланилади. Хронометраж ўтказилиши чоғида болаларнинг ҳаракат активлиги, машғулотларнинг умумий ва мотор зичлиги аниқланади. Тадқикотларнинг (С. Я. Лайзане) кўрсатишига қараганда, жисмоний тарбия машғулотларида 2—3 ёшли болаларнинг ҳаракат активлиги шагометрия¹ маълумотлари бўйича ўрта ҳисобда 1366 ҳаракатланиши, 4 дан 7 ёшгача бўлган болаларда ҳаракатланиш иисбаги 1550 дан 2550 гача ўсиб боради (Юрко Г. П.)².

Болаларнинг ҳаракат активлиги даражаси ҳар бир машғулот методикаси ҳусусиятлари, шунингдек, уларни залда ёки очиқ ҳавода ўтказилиши шароитлари билан ҳам таъминланади.

Болаларнинг ҳаракат активлигини машғулотларда баҳолаш умумий ва мотор зичлигини ҳисоблаш йўли билан ўтказилади.

Машғулотларнинг умумий зичлигини белгилашда ҳаракатларни бажариш, тарбиячининг кўрсатиши ва тушунтириши, қайта сафланиш ва болаларни жойлаштириш, спорт инвентарларини жойига олиб бориб кўйиш (фойдали вақт), тарбиячи айби билан болаларнинг туриб қолиши, асоссиз кутишларга, бузилган интизомни тузатиш учун сарфланган вақт ҳисобга олинади. Машғулотларнинг умумий зичлиги фойдали вақтнинг барча машғулотларнинг умумий давомийлигига писбатида процентларда ифодаланади.

$$\text{Умумий зичлик} = \frac{\text{Фойдали вақт}}{\text{машғулотларнинг давомийлиги}} \times 100$$

¹ Шагомер асосий ҳаракатлантирувчи кучлар — югуриш, юриш, ўтириш, әгилиш ва бошқаларни қайд қиласди.

² Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳар хил ёш группаларининг ҳаммасида ҳаракатланиш миқдорида катта индивидуал фарқлар қайд қилинади, болаларнинг ҳаракат активлиги назорат қилинишида уларни ҳисобга олиш зарур.

Машгулотларнинг умумий зичлиги 80—90 % дан кам бўлмаслиги керак.

Мотор зичлик боланинг ҳаракатларни бевосита бажаришга сарфлаган вақтини, барча машгулотларнинг умумий вақтга нисбатида процентларда ифодаланади.

$$\text{Мотор зичлиги} \frac{\text{Харакатни бажаришга сарфланган вақт}}{\text{машгулотларнинг умумий вақти}} \times 100$$

Етарли ҳаракат активлигига мотор тифизлиги 70—85% дан кам бўлмаслиги лозим.

Болаларнинг ҳаракат активлиги машгулотларнинг методикаси ва ташкил этилишига боғлиқ. У болаларни ташкил этишнинг фронтал, потокли ва группали усулларидан фойдаланишда яна да юқорироқ бўлади. Аммо таълимнинг дастлабки босқичида ва мураккаб ҳаракатларни бажаришда ўргатишнинг индивидуал методи алоҳида ўрин тутади. Шунга мувофиқ таълимнинг дастлабки босқичида мотор зичлиги паст бўлиши мумкин.

Қайта-қайта машқ қилдириш самарадорлигининг муваффақияти болалар ҳаракат активлигининг қўйидаги (5-жадвал) ўртача ҳажмга мос келадиган оптималь курсаткичлари билан таъминланади.

5- жадвал

Жисмоний тарбия машгулотлари (шагомер бўйича минутига қилинадиган ҳаракатлар) да бўлалар ҳаракат активлигининг уртача курсаткичлари

Ёши	Залда		Кўчала	
	Ҳаракатлар тезлиги м. да	Ҳаракатларнинг умумий миқдори	Ҳаракатлар тезлиги м. да	Ҳаракатларнинг умумий миқдори
3 ёш	62	930	—	—
4 "	67	1340	—	—
5 ёш	68	1700	114	2850
6 "	70	2100	120	3600
7 "	70	2480	120	4200

Мускул нагрузкаси интенсивлиги жисмоний машқлар, уларнинг муракаблиги ва боғланишига, такрорлаш тезлигига боғлиқ. Жисмоний нагруззани нормалаш учун жисмоний машқларни танлаш ва фойдаланишда юрак қисқариши тезлигидаги ўзгаришларга асосланиш лозим. Чунки бу ўзгаришлар жисмоний нагруззанинг болалар организмига таъсирини акс эттиради ва мушак фаолиятининг энергия билан таъминлаш характеристи билан мустаҳкам боғлангандир. Мускул нагруззасининг интенсивлигини, машгулотларнинг тўғри тузилганлигини аниқлаш учун машгулотгача юрак уришининг 10 — секундлик бўлаклари тезлигига умумиривожлантирувчи машқлар, асосий ҳаракатлар, ҳаракатли ўйин-

ларнинг кириш қисмидан, якунловчи қисмидан кейин ва тикловчи даврда 3—5 минут давомида ўлчовлар ўтказилади.

Юрак қисқариши тезлигининг ўзгаришлари асосида машғулотларнинг физиологик кўрсаткичлари тайёрланади — юрак қисқариши тезлигини графика тасвири акс этирилади. Горизонтал чизиқлар бўйича машғулотлар қисмлари вақт масштабида, вертикал чизиқлар бўйича машғулотлар қисмлари вақт масштабида, вертикал чизиқлар бўйича эса — томир уриш кўрсаткичлари ажратиб ёзилади. Тўғри тузилган машғулотлар физиологик эгри чизиқ машғулот бошидан унинг асосий қисмига қараб аста-секин кўтарилиб боради. Томир уришининг максимал тезлиги, одатда ҳаракатли ўйин вақтида ошади. Бу иш нагрузка ҳажмининг ортиши ва шунингдек, болаларнинг ҳис-ҳаяжонга тўла қўзғалиши билан характерланади. Одатда, дастлабки миқдорига нисбатан томир уришининг тезлиги машғулотнинг кириш қисмida 15—20 % га, асосий қисмida 50—60 % га, ҳаракатли ўйинларда эса 70—90 % (100 % гача) га ошади. Машғулотнинг охирги қисмida томир уриш тезлиги пасайиб боради ва дастлабки маълумотлардан 5—10 % га кўпроқ бўлади, машғулотдан (2—3 минут ўтгач) кейин дастлабки даражага қайтади.

Жисмоний машғулотларда тренировканинг самарали бўлишини таъминлаш учун 5—7 ёшли болаларнинг томир уриш тезлигининг даражаси минутига 140—150 та, 3—4 ёшлилар учун эса 130—140 та бўлиши керак. Юрак қисқариши тезлигининг ўртача даражаси кириш қисми, умумривожлантирувчи машқлар, ҳаракатларнинг асосий кўринишлари, ҳаракатли ўйин, охирги қисмлардан кейинги томир уриши тезлиги ҳақидаги маълумотларни қўшиб ҳисоблаш ва ундан чиқсан ҳосилани 5 га бўлиш орқали белгиланади

Организмнинг энергия сарфлаши мускул нагружкаси интенсивлигига боғлиқdir. Энг кўп энергия сарфлашлар югуриш чоғида (тинчлик давридагига нисбатан улар 3—4 марта ортади) ва ҳаракатли ўйинлар даврида (5 марта) қайд қилинади. Машғулотдан 2—3 минут ўтганидан кейин энергия сарфлашлар дастлабки даражадан 15—20 % юқори бўлади. Бу маълумотлар машғулотларнинг охирги қисмини аниқ ва тўғри ўтказиш зарурлигини шарт қилиб қўяди.

Жисмоний нагрузканни машғулотларнинг қисмлари бўйича тақсимлашга боғлиқ ҳолда (чунки шунга мувофиқ ҳар бир машғулотнинг программа материали мазмуни, машқлар ўтказишни ташкил этиш, форма ва методлари белгиланади) физиологик эгри чизиқнинг иккита типи юзага чиқарилади: биринчи — машғулотнинг асосий қисми бошланишида нагрузка ҳажми камайгани ҳолда ҳаракатли ўйин пайтида у яна максимум даражага кўтарилади; иккинчи — аста-секин нагрузка ҳажми ўсиб бориб ҳаракатли ўйин пайтида юқори даражага кўтарилганида қайд қилинади. Физиологик эгри чизиқнинг биринчи типи тирмашиб чиқиш, ирғитиш каби ҳаракатларнинг кўринишларига ўрганишади.

тиладиган, болаларни ташкил қилишнинг кам группали ёки индивидуал усуллари қўлланадиган асосий қисмида қайд қилинади.

Мактабгача тарбия ўшидаги болани жисмоний зўриқтириш, қоидага биноан асло мумкин эмас. Бу ўшдаги болаларда жисмоний машқларни бажаришда, айниқса мустақил ҳаракат фаолиятида ўз-ўзини бошқариш жараёни аниқ кўзга ташланади. Шу билан бирга, жисмоний машқ машгулотларининг уюшган формаларини ўтказишда, катта кишилар жисмоний нагруззкани қатъий белгилаб қўйиншлари зарур, чунки тарбиячининг талабларига, тартиб-қоидаларга риоя қилиш, баъзи болаларни ҳаддан ташқари жисмоний зўриқишига олиб келиши мумкин. Нафақат мускул фаолиятининг ҳажми ва интенсивлиги организмда функционал ўзгаришларни белгилаб беради, балки улар кўп жиҳатдан жисмоний машқларни ўтказиш методикаси билан ҳам белгиланади. Агар машгулотлар болада қизиқиш уйғотса, унинг эмоционал кучини оширса, унда бола камроқ функционал ҳаракат қилиб катта ҳажмдаги нагруззкани бажариши мумкин бўлади.

Врач, медицина ҳамшираси машғулотларда иштирок этиб, албатта, тарбиячи ҳам биргаликда, болалар толиқиши ташқи аломатларини кузатиб боришлари лозим: бу кузатишлар жисмоний машқ машғулотларининг ҳар хил формаларини ўтказишда мускул нагруззкасининг бевосита йўл қўйини мумкин бўлган имкониятларини характерлаб бериши мумкин. Боланинг юз териси рангини, юз мимикаси, тез терлаши, нафас олиши, ҳаракатларининг характеристи, умуман ўзини ҳис қилишини қайд қилмоқ зарур. Юзнинг хотиржам кўриниши, юзнинг салгина қизаринқираганлиги, озгина терлаши, нафас олишнинг бир оз тезлашганлиги, аммо бир текислиги, ҳаракатларининг тетикиклиги, топшириқларнинг аниқ бажарилиши боланинг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадаги чарчашибдан далолат беради. Боланинг юзи анчагина қизарганлиги, юз ифодасининг жиддийлашиши, кўпроқ терлаши нафас олишининг кескин тезлашиши, ҳаракатлари ишончсиз ва ноаниқ бўлиши, қўшимча ҳаракатлари пайдо бўлиши, толиқсанлиги ҳакида галира бошлиши ўртacha чарчаганлигидан далолат беради. Юқорида санаб ўтилган белгилари янада аниқ кўзга ташланиши боланинг қаттиқ чарчаганлигидан далолат беради. Агар бундай ҳолат кўпчилик болаларда қайд қилинса, унда машғулотнинг мазмуни группанинг тайёргарлик даражасига муовифиқлиги ёки нолойиқлиги ҳакида ўйлаб кўришга тўғри келади. Агар чарчашиб аломатлари айрим болаларда қайд қилинса, унда тарбиячи уларга нагруззка ҳажмини камайтириши лозим: машқларни такрорлаш сонини камайтириш, қийин машқларини олиб ташлаш, жисмоний машқлар давомида вақт-вақти билан болаларнинг дам олишини таъминлаш лозим бўлади.

Болаларнинг жисмоний нагруззкага жавоби кўп жиҳатдан олий нерв фаолиятигига индивидуал типологик хусусиятларига боғлиқдир. Масалан, қўзголувчан болаларда бир хилдаги машқ-

ларни бажаришда томир қисқариши вазмин болалардагига нисбатан анча юқориго бұлади.

Медик-педагогик назоратда болалар муассасасидағи умумий ҳаракат режимини амалға оширилиши устидан күзатишига мұхым үрін бериліши керак. Ҳаракат режими болаларнинг барча динамик фаолиятini жисмоний машқлар бүйічаша машғулотларнинг ташкилий формаларини, шунингдек, меңнат, мустақил ҳаракат фаолиятini ҳам қамраб олади. Муассасада умумий ҳаракат режими соғылқыны мустақамлаш ва бола организмнинг иш қобилиятини оширишнинг воситаси бўлиши лозим.

Боланинг ҳаракатланишига бўлган индивидуал эҳтиёжи, мустақил фаолиятида жуда равшан кўринади ва кўпроқ унинг ёш ривожланиши даражасини акс эттиради. Болаларда ҳаракат малакалари ва сифатларининг такомиллашуви ва индивидуал тажрибасининг ортишига қараб асосий ҳаракатлари миқдорининг үсиши қайд қилинади: З ёшли болалар актив бедорлигининг хар бир соатига 1320 га яқин, 7 ёшлиларда эса 2600 га (бу рақамлар болаларнинг табиий эҳтиёжига мос келади) яқин локомация (ҳаракатланиш) лар тўғри келади.

Ҳаракатланиш эҳтиёжи — бу ўзини тартибга келтиришга мойил бўлган биологик эҳтиёжларини қаноатлантиришdir. Тадқиқотлар, агар боланинг ҳаракат фаолиятini сунъий равишда кескин чегаралаб қўйилса, унда у бундай мажбурий «ҳаракат тақислиги»ни ҳаддан ташқари ҳаракат активлиги орқали кейин тўлдириши мумкилигини ва аксипи кўрсатади.

Ҳаракат режимини баҳолаш қўйидагича:

1) болалар ҳаракат активлигининг вақтига асосланилади: бу вақт турли режимли моментларда индивидуал хронометраж методи орқали белгиланадиган мазмун ва сифатни акс эттирувчи; 2) ҳаракат фаолиятининг ҳажмига асосланилади: бу ҳажм ҳаракат активлиги миқдорини шагометрия методи орқали ҳисоблаб чиқилганидан кейин аниқланади; 3) ҳаракат фаолиятининг интенсивлигига асосланилади: пульсометрия методи орқали ҳаракат фаолиятининг интенсивлигиги аниқланади.

Вақт режим билан белгиланган болаларнинг ҳаракатланишига бўлган ёш эҳтиёжларини қаноатлантириш фақат уларнинг фаолиятини жуда аниқ ташкил этиш, ҳар бир режим бўлагида бу фаолиятнинг мазмуни бўйича талабларни қатъий бажаришда амалға оширилиши мумкин. Шунинг учун режимни бажариш фақат вақт бўйича эмас, балки ҳаракатлар ҳажми бўйича ҳам таъминланиши зарур.

Мактабгача тарбия муассасасида бўлиш даврида ҳаракатлар миқдорини шагомер бўйича ўлчаш.

З ёшли болада — 9000—9500 ҳаракат

4 " " 10 000—10 500 "

5 " " 11 000—12 000 "

6 " " 13 000—13 500 "

7 " " 14 000—15 500 "

Медик-педагогик назорат ҳаракатли ўйинлар, спорт машқлағи, сайдар болаларнинг мустақил ҳаракат фаолиятини ўтказишлари ва бошқаларни кузатишини ҳам ўз ичига олади.

Конъкиларда фигурали учиш бўйича машғулотлар, маҳсус группалар ёки спорт секцияларида сузиш мактабгача ёшдаги болаларга бола соғлиғини ва организмининг функционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда фақат доимий врач назорати орқали рухсат этилади.

Машғулот ўтказила-
диган жойнинг шаро-
итлари, мазмуни, жи-
ҳозланиши, кийимларни
текшириш.

Врач, мудира ва медицина ҳамшираси жис-
моний машқлар бўйича машғулотлар ўтка-
зиладиган бинонинг санитария ҳолати, бино
ва шунингдек, жисмоний тарбия майдончаси-

даги жисмоний тарбия жиҳозлари ва инвен-
тарларининг гигиена ҳолатини назорат қиладилар.

Жисмоний машқлар бўйича машғулотлар ташкил этиладиган бинодаги ҳавонинг ҳарорати 17—18° бўлиши лозим, машғулот ўтказилиши олдидан хонани шамоллатиш ва нам латта билан то-
залаш ўтказилади. Машғулот пайтида деразанинг фрамугаси, дарчаси, дераза тавақалари очиқ бўлиши лозим.

Болалар 2 ёшидан бошлаб спорт формасида -- трусиқ, майқа (футболка), спорт шиппагида шуғулланиши керак.

Очиқ ҳавода жисмоний машғулотлар ўтказишда болаларнинг кийимбоши ва оёқ кийими мавсумга боғлиқ бўлади: ёзда -- трусиқ ва майкалар, оёқларида шиппаклар ёки яримкедалар; со-
вуқ даврда -- майка, футболка, спорт костюми, таглиги бор жун шапка, оёқларида -- кедалар ва носкилар (оддий ёки жунли); қишида паҳмоқ кўйлак, қўлқоп, шамол эсиб турган ҳавода ва ҳаво ҳарорати -- 12—15° С бўлган шароитда эса шамол ўтказмайдиган газламадан тикилган курткалар кийиш тавсия этилади.

Қиши вақтида чангидаги юрганда ва конъкида учганда спорт костюмлари ва оёқ кийимлари кийиш тавсия этилади. Йилнинг ҳар хил мавсумларидаги сайдарда болаларнинг кийимлари гигиена талабларига тўлиқ жавоб берадиган бўлиши лозим.

Болалар билан машғулотлар ўтказишда тарбиячиларнинг ўзлари ҳам спорт формасида бўлишлари зарур.

Врач ва медицина ҳамшираси тарбиячилар ва ота-оналарнинг гигиена, жисмоний тарбия ва унинг болалар соғлиғини мустаҳкамлашга доир масалалар бўйича билимларини оширишга ёрдам беришлари керак.

3-§. Жисмоний машқ машғулотларининг жиҳоз ва инвентарлари

Жисмоний тарбия жиҳозлари, инвентарлари, қўлланмалар, атрибулар ва ўйинчоқлардан фойдаланиш болаларнинг жисмоний тарбияси самарадорлигини оширади. Мактабгача тарбия мусассасаларининг раҳбарлари педагогик, гигиеник ва эстетик талабларни ҳисобга олган ҳолда уларни группа хоналарига, жис-

мений тарбия залига, группаларнинг участкаларига ва жисмоний тарбия майдончасига тұғри танлаб қўйишни ва жойлаштиришини таъминлашлари лозим.

Болалар боғчасидаги тарбиянинг программ вазифаларига мувофиқ тарзда барча асосий ҳаракатларнинг ривожланишига ёрдам берадиган жиҳозлар танланади. Масалан, болаларни сакрашга ўргатиши машғулотларида қатор маҳсус қўлланималар: сакраб ўтиш учун зарур нарсалар (арқонлар, кубиклар, тусиқ-барьерлар); сакраб ўтиш пайтида ўйинчоқларни осиб қўйишга керак бўладиган устунлар; гимнастик яшиги — қутиси (тепаликка ирғиб чиқиш, баланддан сакраб тушиш); сакраш билан бажариладиган ҳаракатли ўйинлар учун атрибулар («Чивинни тутиб ол», «Кармоқ» ва бошқалар) талаб этилади. Болалар ҳаракатлари ривожланишининг ёш хусусиятлари ва уларнинг жисмоний тайёргарлигига оид билимларга асосланган ҳолда, топшириқларни аста-секин мураккаблаштира бориши мухимdir. Масалан, тирмашиб чиқишига мўлжалланган машқлар дастлаб қияроқ нарвончаларда, унча баланд бўлмаган тик нарвонларда, кейнироқ гимнастик деворларда, зинали арқонларда, лангар чўп, арқон, пирамида ва бошқаларда ўтказилади. Мувозанатни сақлаш бўйича ўтказиладиган машқлар учун узун арқонлар, ҳар хил узунилк ва кенгликдаги тахталар, тахтачалар, гиштлар, қия тахталар, қия майдончалар, ҳар хил баландликдаги гимнастик скамейкалар, участкаларда ҳар хил баландликда тўнка ва ходалар, аргимчоқ (занжирли, осма ёки тебранма курси) лар зарур.

Баъзи жиҳозлардан муайян ёшдаги болалар учун фойдаланилади. Масалан, барьер-манежлар, ҳаракатли таянчлар, панжарали кўприкчалар энди юришга ўрганаётган илк ёшдаги болалар группасида жойлаштирилади. Баъзи снарядлар катта группаларда янгича қўлланиши мумкин (ўйин-эстафеталарда иккى оёкли нарвончадан ошиб ўтиш).

Ҳар хил мақсадлар учун фойдаланиладиган жиҳозлар алоҳида қизиқиши уйғотади: тебранма-курсилар — қирра юзасидан юриш, тирмашиб чиқиш, эмаклаб тагидан ўтиш, тебраниш; гардиш айлантириш, умум ривожлантирувчи машқларни бажариш, улоқтириш (тик осилганида ёки полга қўйилганида); қарама-қарши деворларга мустаҳкамланган рейкалар, волейбол турларини, сакраб ушлаш учун шнурларни осиб қўйишга; хатлаб ўтиш, тагидан ўтиб юриш учун арқонларни осиш учун қулайдир.

Жисмоний тарбия жиҳози ва инвентарлари машқлар доирасини кенгайтириш, ўзинга хос ҳаракат малакаларини шакллантиришга ёрдам беради. Масалан, ҳар хил вертикаль, айланма горизонтал, ҳаракатланаётган, ҳаракатли тебранма нишонга иргитиш; ҳалқа ташлаш (ҳар хил баландликда жойлашган қия жойларга, аргимчоқларга ҳалқа ташлаш); жуфт бўлиб, кичик группа билан машқлар бажариш (таёқчалар, лангар чўплар шнурлар, катта ҳалқа). Умумий ривожлантирувчи машқлар тўпламига тувилиши бўйича ҳар хил ҳаракатларда фойдаланиладиган пред-

метлар (ленталар, пирпираклар, рұмолчалар, бруслар, жиғачалар, тәеқталар ва бошқалар) киради. Улар умумривожлантирувчи машқларнинг организмга таъсирини күчайтиришга ёрдам беради.

Махсус танланган инвентарлар ва ўйинчоқлар мускулнинг айрим группалариға мақсадға йўналтирилган тарзда таъсир этиш имконини беради. Масалан, панжа ва бармоқ мускулларнинг ривожланишига йиғма ўйинчоқлар, ўйинчоқ-вкладышлар, майда ўйинчоқларни, йирик мунчоқларни териб чиқиш ёрдам беради. Бу ўйинлар болаларга илк ёшданоқ тавсия этилади. Қаттароқ ёшдаги болаларга мозаикалар (ясси, қўзиқоринсимон, ҳажмли), конструкторлар, қоқиб киритадиган ўйинлар, «Юрканинг бўричаси», «Ўз рангини топиб қўй» (пилдироқ)» «Эпчил калавачилар» ва бошқалар тавсия этилади. Ушлашнинг ҳар хил усуулларини тақозо этадиган предметлар (байроқчалар, таёқчалар, ҳалқачалар ва бошқалар) билан ўтказиладиган машқлар ҳам фойдалидир. Оёқ мускулларини мустаҳкамлаш учун ғўлача ва таёқчалар (ўнгга ва чапга қадам ташлаш), чизимчалар, ҳалқачалар, шарчалар (бармоқлар билан ушлаш учун), тўпчалар (ирғитиш учун), ҳар хил конструкциядаги қиррали тахтачаларни қўллайдилар. участкада юзи ҳар хил (қум, чим, шағал, қипиқлар билан) қопланган йўллар қурадилар.

Жисмоний тарбия инвентарлари билан машқ ўтказиш жисмоний сифатларни ривожлантиришга ёрдам беради. Чаққонликни — кублар, кегли орасидан «илон изи» бўлиб югуриш; кўз чамасини — соққа ўйини, ҳалқа ташлаш, гамачок; кучни — тўғри қўлларда чилвир ёки кокилчаларни тараанг тортиш: бир қўлдан иккинчи қўлга тортиб ўтказиш орқали ривожлантириш мумкин.

Жисмоний тарбия қўлланмалари топшириқни конкретлаштиришга, болага уни кўрсатмали, тушунарли (таёқчани юқори, шақиљдоқни орқага) шаклда тақдим қилиш, ҳаракатларни эгаллаш сифатини ошириш имконини беради. Улар шунингдек, мушак сезгиларини шакллантиришга, мускул кучи ҳажмини фарқлантириш (босиш кучи — стол устида ҳалқа ташлаш, «Қувноқ қурбақачалар», зарба — қўл спиральболи; силкитиш — ҳар хил шакл ва оғирликдағи предметларни иргитишга ҳам ёрдам беради).

Яхши тапланган жисмоний тарбия инвентари жисмоний нағрузка ҳажмини аста-секин кўпайтира бориш имконини беради. Бунга тана қисмларини снарядлардаги ҳолатини қайд қилиш билан боғлиқ бўлган машқлар, масалан, гимнастик скамейка, гимнастик девордаги машқлар ёрдам беради.

Спорт машқлари ва ўйинларини ўтказиш учун уч хил ўлчовда югуриш чанғилари ва тепаликлардан сирғалиб тушиб учун қисқа ҳажмдаги чанғилар, конъкилар (мустаҳкам, кенг полозли ва учи юмалоқ конъкилар), орқа суюнчиқли чаналар, чана-кресло, катта ёшдаги болалар учун ҳар хил конструкциядаги чаналар, гилли-раклар конъки, стол тешиси ва кичкина тенис, бадминтон ра-

кеткалар, түплар ва воланлар яхши сакрайдиган баскетбол ёки резинали түплари, волейбол түплари, чиллаклар ва ёғоч тұқмоқтар түплами керак.

Болалар боғчаларда тузишлиши ва жиҳозланиши ҳар хил беланчаклар, арғимчоқлар, каруселлар: шакл күринишида ясалған деворчалардан ташкил топған (самолёт, от) үйинчоқларидан фойдаланылади. Мускул кучини юзага чиқаришга ёрдам берадиган бу үйинчоқлар, уларнинг энг фойдали томони ҳисобланади. Болаларнинг ўzlари мустақил тебранишига ёрдам берадиган (тороз арғимчоқ, осма арғимчоқ) лар ҳам мақсадға мувофиқдир. Қаруселлар барча ёш группаларда: кичик группаларда — «Айналыдиган креслолар», катта группаларда — ҳар хил конструкциядаги күп ўрнели құл ёки оёқ ёрдамида ҳаракатта көлтириледиган карусель-турникет, қышда — коңқилардаги коруселлардан фойдаланыш тавсия этилади.

Жисмоний машқ машғулотларига қызықишини рағбатлантиришда снаряд ва инвентарларни, айниқса, группа хоналари ва участкалари (хода йүлбарс, Конек-Горбунок, тебратма-автомобиль, пирамида-ракета) да сюжетли жиҳозлаш мүхим роль үйнайды.

Ҳаракатлы үйинларда хилма-хил предметлардан фойдаланыш болаларни актив фаолиятга жалб қиласы: «Доирани қармоқ билан күтәр», «Құнғироқни жириинглат» (түпни думалатиши билан), «Қанотли балиқчи», «Халқаны яшир» (халқача ёки шарчаны арқонға доира шаклида териш), «Үн иккі таёқча» (ташлама тахтаси билан), сакровчи-юрувчилар (иккита таҳтасынан пружина мустаҳкамланади ва қайишлар билан оёқларға кийдириб маҳкамланади) ва бошқалар. Катта болалар кегли, серсо, бабки, лапта үйинларини берилиб үйнашади.

Сюжетли-ролли үйин (автобус, уйча) лар учун конструкция түзганды, хилма-хил ҳаракатлар бажарылышты күзде тутилған бўлиши керак.

Жисмоний тарбия залида гимнастика яшиги, олиб қўйиладиган (илинтириб) нарвончалар, қияликлар, тахталар, траплар, гимнастик скамейкалар жойлаштириладиган катта жиҳозлар ўрнаштирилади. Гимнастика яшигини бўлакларга ажратиш мумкин. Жисмоний тарбия байрамлари ва бўш вақтларни ўтказишда томошибинлар үтириши учун яшик-трибуналар ҳам бўлади. Тахталар деворга қадаб қўйиладиган ва ташлаб қўйиладиган қилиб ўрнатилади. Йўғон арқонлар ва нарвончали арқонлар яккачупларга осиб қўйилади. Улар 90 % бурилиб жавонга ёки равотчалардаги пўлат тўсинларга жойлаштирилиши мумкин, зарур бўлганида уларни қўзғатиш ва суриш мумкин бўлади. Снарядларга бемалол бориш ва ҳаракатли үйинларни ўтказишга етарли даражада очиқ жой бўлиши учун йирик инвентар (кублар, нишонлар, ёйлар ва бошқалар) лар ёрдамчи бинода сақланади. Жисмоний тарбия инвентарлари, атрибулар учун залда қатор шкафларга жойлаштирилади, уларнинг пастки қисмидә кичикроқ яшил-ара-вачалар (ҳаво билан шишириладиган қоплар, тўплар, кеглилар

ва бошқалар) жойлашади. Бу яшик-аравачаларда предметларни машгулот буладиган жойга элтиш жуда қулайдыр. Чамбарак, ҳалқачаларни, аргамчиларни осиш учун труба конструкциялардан фойдаланадилар: горизонтал штирларга таёқчалар түплами-ни қўйилади, юқорисига катта диаметрли чамбаракларни ва уларнинг орасига кичикроқлари қўйилади. Бу предметларни тақсимлаб бериш учун болаларнинг бўйига ва инвентарларнинг шаклига мос қилиб устунлар (таёқчалар учун таёқдонлар ёки горизонтал таглик; чамбараклар учун — ярим айлана шаклидаги таглик) қилинади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг группа хоналарида гимнастик снарядлари ва кичик инвентарлар, атрибулар, ўйинчоқлар сақлаш учун жисмоний тарбия бурчаги жойлашадиган жисмоний тарбия зонаси ажратилади. Уни жиҳозлаш учун, ўйин шкафидан фойдаланиш мумкин. Ҳаракатли ўйинлар учун атрибуларни каробкалар, пакетларга жойланади. Инвентарлар (ўртacha ҳажмдаги тўплар)нинг бир қисми тортмали яшикларга жойланади. Юқорироққа штирларга ҳар хил ҳажмдаги чамбараклар осиб қўйилади. Аргамчи, арқонлар учун декоратив илгаклар мустаҳкамлаб қўйилади.

Жисмоний тарбия майдончаси умумривожлантирувчи машқлар ва ҳаракатли ўйинлар ўтказиш учун усти очиқ майдон, югуриш йўлкачаси, сакраш чуқурчаси, снарядлар зонаси ва спорт ўйинлари учун майдончаларни ўз ичига олади. Шу ернинг ўзига тўлни уриб қайтариш машқларига мўлжалланган щит-деворлар жойлаширилади. Болалар муассасаси территориясининг периметри бўйлаб 10—15 снарядлар сифиши мумкин бўлган тўсиқ полосалари (кичик ва катта ёшдаги болалар учун алоҳида-алоҳида) жиҳозланади. Бу снарядлар орасида ходалардан ясалган кўприкчалар, тўнкалар тўплами, ҳар хил ўлчовдаги шиналар, оёқ қўйишга (ошиб ўтиш учун) мослаштирилган тешкли щит-баръерлар, арқонларда тортилиш учун мезаналар, қўл билан юришга мўлжалланган асбоблар, мувозанат машқи учун зарур бўладиган ҳар хил мосламалар (ётиқ ва қия қўйилган ходалар ва бошқалар) бўлади.

Қишда қор уюмларидан тўсиқ полосалар, яхмалак ва қор йўллари, мўъжаз қияликлар, ичига кириб юриш учун қордан ясалган уйчалар, қордан ҳар хил лабиринтлар қилинади; шунингдек, қор тепаликлари ясалади, 15—20 м узунликда яхмалак йўл-тепаликлар қурилади. Иргитиш учун қордан ясалган бўйи ҳар хил тўнкалар, ходага ўрнатилган нишон, осма нишонлар, қор қўрғонидаги туйнуклардан фойдаланилади.

Юмaloқланган, ғудда қорлар, нам ўтмайдиган ғилофларга тўлдирилган қорларни иргитадилар.

Волейбол, бадминтон, кичик тенис ўйинларини биргаликда ўйнайдиган майдончалар қилинади. Устунларга тўрларни тушириб чиқаришга ёрдам берадиган мосламалар ўрнатилади. Тўрларга ёғоч тўсинлар ёки ғилдиракли металл профиллар мустаҳ-

камланади. Устунлар бири иккинчисидан келиб чиқадиган хар ҳил диаметрли (4 ва 5, 6 ва 7 см) трубалар ёки шарнирларда бўлиши мумкин. Юқори кўтаришган ҳолатдаги тўрларнинг баландлиги бола қўлини юқори кўтарган даражага яна 10 см қўшилганга белгиланади, бадминтонда ўйнаш учун 120—130 см баландлик талаб этилади, тенисда ўйнаш учун эса тўрни ердан 3—5 см баландликка осилади.

Баскетбол ўйнаш учун ажратиладиган жой катталарнига нисбатан икки баробар кичрайтирилган майдонда бўлади. Ен томондаги чизиқда болаларга ўйин элементларини ўргатиш учун бир қанча турли баландликдаги ҳалқали щитлар қўйилган бўлиши керак.

Стол тенисини ёйиб йигадиган қилиб ясаш мумкин. Сурилма оёқлар ёрдамида уларнинг баландличини исталган ҳолатга мосланади. Тенис столининг қопқоғи рояль илгаклар билан бирлаштирилдиган икки тўсиқдан иборат бўлиб, стол оёқлари ёзилиб-йигилдиган бўлади, ўзаро бир-бири билан жуфт бўлиб бирлашади. Тенис ракеткалари 120—130 г оғирликда бўлиши лозим.

Ўйин майдончаси олд-орқаси ва ён томонлари панжарали ғов билан тўсиб қўйилади. Тўқмоқни ушлаб қолиш учун ер 50 см баланд қилиб кўтарилади ва унга тўр тўсилади.

Тепкили машиналар, велосипедлар, самокатлар, спортроллерларда юришга ўргатиш учун марказ бўйлаб ажратиб турадиган ҳалқа йўл жиҳозланади. Кўприкча ва ер ости йўллари ҳаракатни мураккаблаштиради.

Болаларни сузишга ўргатиш мақсадида шалоплатиш ва сузиш ҳовузлари ёки ҳовуз-ванналар қурилади.

Қишлоғларда хоккей ўйнаш ва билярд (боши болғачали дастаси узун ёғоч) ўйнаш учун алоҳида майдончалар ташкил этилади. Муз майдончаларни жиҳозлаш (қорларни текислаш) учун тўсиқлар, аравачалар, куракчаларга, музни текислаш учун яшикларга эга бўлиш лозим. Музда белги чизиқлари синъка ёки анилин бўёғи эритмалари билан ўтказилади. Югуриш йўлкачasi ёки айланада бўйлаб диаметри 10—30 м масофада чанг изи, учрашув эстафетаси учун эса икки параллел чанг изи очилади.

Илк ўшдаги биринчи группа участкасида манежлар жойлашади, болалар бедорликда ана шу манежларда бўладилар. Юриши ўрганаётган болалар учун 20 см баландликда атрофи ўралган ёғоч тўшама қуриб берилади. Илк ўшдаги иккинчи группа болаларига икки оёқли нарвонча, пиллапояли кўприкчалар, тепаликлар, ошиб ўтиш учун рандаланган хода, «букр кўприкча», ҳар хил типдаги замбильча ва бошқалар тавсия этилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг груп а майдончаларида жисмоний машқлар билан колектив машгулотлар ўтказиш учун жой ажратилади. Участкани ўйин, сюжетли (чирмовиқ-хўрз ва бошқалар) характерда жиҳозлаш мақсадга мувофиқдир. Жиҳозларни жойлаштиришда доимий ва олиб чиқиладиган инвентарларни оқилона боғлашга итилиш керак.

Жисмоний машқлар ўтказиладиган жойлар, жиҳозлар, инвентарлар тоза сақланиши талаб этилади. Ускуналарни сақлаш ва уларни озода тутиш, мойлаб туриш учун түғри шароитларни таъминлаш зарур.

Жисмоний тарбия жиҳози, айниқса йирик иншоотлар (мезаналар, арғимчоқлар) мустаҳкам, пухта, шаклан оддий, болаларнинг бўйи ва имкониятларига мос бўлиши лозим. Жароҳатнинг олдини олиш мақсадида машғулотлар олдидан снарядлар, улар қисмларининг боғланиши, мустаҳкамлиги синаб кўрилади. Ёғоч предметлар рандалаб пардозланган, металл буюмларнинг бурчаклари думалоқланган бўлиши керак. Снарядлар бир-биридан хавфсизроқ бўлган жойга ўрнатилиди, предметларни иргигишга мўлжалланган майдончаларга тўсиқ ўрнатилиши, мувозаатни, тирмашиб чиқиш билан бирга бажариладиган снарядлар учун қум ёстиқлар қилиш кўзда тутилади. Бинода гимнастик тўшаклар, юмшоқ синтетик материал билан филофланган гиламчалар, югуриб бориш учун резина йўлларидан фойдаланилади.

Жисмоний машқлар бўйича машғулотлар ўтадиган жойларни жиҳозлашда айрим снарядларнинг формаси, ранги, катталиги бўйича ўзаро мослиги, бино ёки майдончани безайдиган ансамбль яратилишини хисобга олмоқ зарур. Йирик жиҳозлар ёрқин, ҳузур бахш этадиган ранг, ёғоч элементлари рангсиз лак, металл элеменлари ёрқин кул ранг, ёрқин — ҳаво ранглардаги нитроэмал билан бўялгани маъқул. Иргитиш учун тўсиқлар ёрқин рангда бўялган бўлиши керак. Кичик буюмлар ранг-баранг бўлган маъқул. 4- §. Ҳар хил муассасаларда жисмоний тарбия бўйича болалар билан ташкил этиладиган ишларнинг хусусиятлари

Болаларнинг жисмоний тарбияси болалар боғчасидан ташқари даволаш-профилактика муассасалари ва ижтимоний ташкилотларда ҳам амалга оширилади.

Махсус мактабгача тарбия муассасалари ёки одатдаги болалар боғчаларининг алоҳида группаларида эшитиш, нутқ, кўриш ва бошқа органлар функциялари касалланган болалар тарбияланади. Бу муассасаларда жисмоний машқларга ўргатишнинг ўзига хос хусусияти таълим усулларининг алоҳида тарзда бирга қўшиб олиб борилишида кўринади. Масалан, эшитиш соҳасида нуқсонга эга бўлган болаларни жисмоний машқларга ўргатишда кўрсатмали усул (кўрсатиш, кўриб мўлжаллаш, расмлар, фотографиялар)лардан фойдаланиш катта ўрин эгаллайди. Кўрсатмали усуллар машқни тўғри тушуниш ва уни тўғри бажаришга ёрдам беради.

Қўзи ожиз болалар билан ишлашда сўзнинг жисмоний ёрдам, товуш йўналишини мўлжалга олиш билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилади. Масалан, агар жойида туриб баландга сакрашда бола кўлни шиқилдоқ (кўнғироқ) қа тегизиб унинг товушини эшитган бўлса, унда у топширилган баландликка сакраганини тушунади. Арқонча остига кирган пайтида бола шиқилдоқ

(құнғирок) қа тегиб кетса, үйинчоқдан чиққан товуш унга әнгажиши борык юриши лозимлигини билдиради.

Күзи ожиз болаларнинг мушак сезгиларига ҳам катта аҳамият беришга тұғри келади. Масалан, бола иргитиши учун нишонга яқинлашади, уни пайпаслайди, бошланиш белгисидан унинг қандай баландлықда ва қанча масофада туришини әслаб қолади. Сұнгра бошланғыч нұқтага сурилиб, бола уни пишонга олади ва тұпни мұлжалға йұналтиради. Тарбиячи тұпнинг мұлжалға теккан ёки тегмаганлығы ҳақида ахборот беради ва улоқтириш кучи ҳамда иргитиши йұналиши ҳақида үз фикрларини айтади.

Логопедия группаларида бармоқтар машқига, нұтқни ривожлантишиға ёрдам берадиган ритмик машқларға катта аҳамият берилади. Бундан ташқари, ҳаракат сұзлар билан үйғуналаштириладиган үйин ва машқлар таплапади.

Санатория типидаги болалар **боғчасида**, соғлиғида у ёки бу камчиліги бўлган болалар бўладилар, шунинг учун бундай муассасаларда жисмоний тарбияга алоҳида аҳамият берилади. Участкада болаларнинг кўп вақти очиқ ҳавода бўлиши ва жисмоний машқлар ғидан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилади: қўйша муз йўлкачалар, музлатилган майдончалар, қордан қор ўюмлари ва ҳар хил қурилышлар ясалади, ёзда тирмашиб чиқиш учун тахта девордан фойдаланилади, югуриб чиқиш ва югуриб тушиш учун тепаликлар қилинади, велосипедлар, самокатлар, спортроллерлар, гилдиракли конъки ва бошқаларда учиш учун йўлча қилинади.

Эрталабки гимнастика ва жисмоний тарбия машғулотлари, одатдагидек, участкада ўтказилади. Бундан ташқари, тарбиячи мустақил машғулотларда жисмоний машқлардан фойдаланишларни рағбатлантиради. Болаларни диққат билан кузатиб ва соғлиғини ҳисобга олиб, ҳар бир боланинг жисмоний нагроздасини йўлга солиб туради.

Болалар үйлари (бола үйлари) да ота-онасиз болалар тарбияланадилар. Шунинг учун одатдаги болалар боғчасида қўлланадиган жисмоний тарбия иш формаларидан ташқари, кечки вақтларда ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний машқлардан мустақил машғулотлар ташкил этилишга катта ўрин берилади. Дам олиш ва байрам кунларида ўрмонга саир қилиш, музлатилган майдончага бориш, жисмоний машқлар билан ўтадиган бўш вақт, байрамлар ва бошқаларни ўтказиш тавсия этилади.

Машғулотларни ўтказишда болаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, имкони борича ижобий эмоцияларни юзага чиқариш тетик хушчакчақ кайфиятни қарор топтиришга аҳамият бериш зарур. Бундай муассасаларда ишлайдиган тарбиячилар болаларга нисбатан эътиборли бўлишлари, боланинг ота-оналар мөхрига бўлган эҳтиёжини қондиришшари зарур.

Болалар поликлиникасидаги даволаш физкультураси кабинетларида соглиғи ва жисмоний ривожлапшида у ёки бу нұқсонларга эга бўлган болалар билан машғулотлар ўтказилади. Бола-

ни текшириш маълумотлари асосида врач жисмоний машқлар ва массаж қилишни буюради. Дастлаб болалар методист раҳбарлигидан, кейинроқ оила шароитларида (ота-оналарга йўл-йўриқлар берилганидан кейин) жисмоний машқлар билан шуғулланадилар. Зарур бўлиб қолса, вазифа мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасасига юклатилади ва болалар билан машғулотни боғча врачи ёки ҳамшираси олиб боради.

Болалар касалхоналарида даволашнинг турли хил воситалири билан бир қаторда касаллик (ёки операция)нинг характерини ҳисобга олган ҳолда жисмоний машқлар ва массажлардан фойдаланилади. Операциядан кейин жисмоний машқлар ва массажлардан ҳар хил асорат (упка шамоллаши, юрак-қон томир системаси ва ичак функцияларининг бузилиши) ларнинг олдини олиш мақсадида фойдаланилади.

Болалар спорт мактабларида болалар фигурали учиш, гимнастика, стол тенниси билан шуғулланадилар. Спорт соҳасида илк мутахассислашиб юксак патижаларга эришиш учун зарур бўлган ҳаракатнинг турли хил формалари ва мураккаб биринклиари бўйича кўнімма ва малакаларни эгаллашга ёрдам берадиган, шунингдек, тезлик, чаққонлик, эпчиллик, мувозанат сақлаш, кўз билан чамалаш, уйғунлик каби жисмоний сифатларни ривожлантирадиган турларнда мухим аҳамиятга эгадир.

Спорт секцияларидаги таълим умумжисмоний тайёргарлик асосига қурилади. Масалан, фигурали учиш группаларида болалар хореография, гимнастика, сузиш ва бошқалар билан шуғулланадилар. Бунда «Болалар боғчасида таълим-тарбия программаси»-даги жисмоний машқлардан фойдаланилади.

Ховузларда сузишга ўргатиш, умумжисмоний тайёргарликни яхшилаш мақсадида болалар билан машғулот ўтказадиган группалар ташкил этилади. Бундан ташқари, сузишдан ҳар хил қонтомир, нафас олиш, нерв-системаси касалликларини даволаш, шунингдек, гавда, оёқ ва бошқалардаги нуқсонларни бартараф этиш учун фойдаланилади¹.

Маданият ва истироҳат боғларидаги болалар шахарчаларида, шунингдек, болалар парклари ва стадионларида уларга жисмоний тарбия жиҳозлари, инвентар (чана, чанғи, конькилар, велосипедлар, тўплар, аргамчи ва бошқалар)дан фойдаланиш имконияти берилади.

Бундан ташқари, болалар билан конькиларда учиш, чапғиларда юриш ва бошқаларга ўргатиш бўйича групвали ва индивидуал машғулотлар ўтказилади, ҳаракатли ўйинлар, аттракционлар ташкил этилади. Методист-тренерлар ота-оналарга машқларни танлаш ва уларни ўтказиш методикаси ҳақида консультация берадилар.

¹ Болалар поликлиникаларида болаларни ёртароқ сузишга ўргатиш, чиниқтириш ва касалланишининг олдини олиш мақсалида эмизикли ёшидан бошлаб шуғулланадиган болалар группалари ташкил этилади.

Хиёбонлар, уйларнинг ҳовлиларида мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун тирмасиб чиқишига мўлжалланган икки сёкли нарвончалар, тахтадеворчалар, зинапоялар ўрнатиладиган жисмоний тарбия майдончалари; тебратма курсилар, аргимчоқлар, каруселлар, ходалар бўлади; сирғаниб тушишга, чена учишга яхмалак қияликлар қилинади; чирмовиқ ва бошқа ўсимликлар ўстирилади; велосипедлар, самокатлар, спортроллерларда учиш учун жой ажратилади; муз майдончалар, сирпаниб учиш учун йўлчалар тайёрланади; баскетбол, стол тениси ва бошқалар учун майдончалар жиҳозланади.

Болалар билан ишлашга спорт жамиятларининг тренерлари, ота-оналар, юқори синф ўқувчилари жалб қилинади.

5- §. Оилада болалар жисмоний тарбияси

Болаларни оилада ва давлат муассасаларида жисмоний тарбиялашнинг вазифалари ягонаидир, улар ота-оналар ва мактабгача тарбия муассасаларининг умумий ҳаракати билан ҳал қилиниши лозим.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишининг Асосий йўналишларида: «Оилага ёрдамни кучайтириш ва айни вақтда ёш авлодни тарбиялаш учун унинг масъулиятини ошириш лозим»¹ дейилади.

Ишчи ва хизматчиларга ҳафтада икки дам олиш куни, кўп болали оилалар ва боласи бўлган аёлларга қўшимча имтиёзлар яратилиши — бўларнинг ҳаммаси ота-оналарга ўз болаларининг тарбиясига кўп вақт ажратиш имконини беради. Оилада илк ёшдан бошлаб, болаларда мураккаб ҳаракатлар (чанфи, коньки, велосипед, сузиш ва бошқалар) бажариш малакаларини шакллантириб бормоқ зарур. Жисмоний машқларнинг бу турларини эгаллаш уларга индивидуал ёрдам кўрсатилиши ва хавфсизликни таъминланишини талаб этади, буларга ўргатишни ташкил этиш оиладагига нисбатан мактабгача тарбия муассасаларда анчагина қийиндир.

Оилада жисмоний тарбияни тўғри амалга ошириш учун ота-оналар болаларининг мактабгача тарбия муассасаларда, шунингдек, болаларнинг спорт мактабларида қандай жисмоний машқлар билан шуғулланишларини ва кун ҳамда бутун ҳафта давомида қандай жисмоний нагрузка бажараётганлигини билишлари зарур. Боланинг боғчадан қайтгандан кейинги вақтда, барча бажарилаётган нагрузка ҳажмини ҳисобга олиб, шунингдек, дам олиш ва байрам кунларидағи машғулотлари (эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинлар ва бошқалар)ни планлаштириш талаб этилади.

Мактабгача тарбия муассасалар ота-оналарга болаларини жисмоний тарбияси ҳақида билимларни эгаллашларида катта ёр-

¹ «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишининг Асосий йўналишлари», «Совет Узбекистони» газетаси, 1984 йил 15 апрель сони.

лам курсатишлари мумкин. Бунинг учун болалар боғчасида ота-оналар бурчаги ташкил этилади, очиқ машғулотлар, сұхбатлар, консультациялар ва ҳоказолар үтказилади, мактабгача тарбия ёшидаги муассасаларнинг ходимлари ота-оналарга болаларнинг жисмоний тарбияси бўйича маҳсус адабиётларни тавсия этидилар.

Болалар боғчасига қатнамайдиган болаларнинг ота-оналари уларнинг тұлиқ жисмоний ривожланишини таъминлашга мажбурдирлар. Оиласда ҳам мактабгача тарбия муассасалардагидек, жисмоний тарбия воситаларини комплекс құлланиш мұхымдир. Энг құлай гигиена шароитларини яратиш, табиатнинг табиий омиллари (қүёш, ҳаво сув)дан, хилма-хил жисмоний машқлардан фойдаланиш мұхымдир, болаларнинг жисмоний меңнатнинг кучлари етадиган турлари билан шуғулланишларини, фаолиятшының ҳар хил турлари (расм чизиш, лой үйини ва бошқалар)нинг таркибиға кирадиган ҳаракатларни тұғри бажаришларини кузатиб бориш лозим.

Оиласда жисмоний машқлар ҳар хил: зарядка, машғулотлар (индивидуал ва колектив бўлиб) ҳаракатли үйинлар, чинқтиручи процедуралар, физкульминутлар, сайр ва бошқалар формасида үтказилади. Ота-оналар машғулотлар учун жисмоний тарбия инвентарлари (чангі, коңықи, чена, велосипед, самокат, споргроллер, ғилдиракли коңықи, бадминтон, стол тенниси городкилар, түплар, арғамчи ва бошқалар)ни, кийим-бош, оёқ кийимини олдиндан олиб қўядилар. Туар жойида гимнастика бурчаги ташкил этилиши: нарвон үрнатиш, арқон, ҳалқа ва бошқа спорт снарядларини үрнатиш мумкин.

Ота-оналар ўз болалари билан чанғиларда юрса, коңыклиар, ченаларда учса, бадминтон, городки, теннис үйнаса, сузса ва бошқаларни бирғаликда бажарса, мусобақаларда, масалан, «Ота-оналам ва мен—спортчи оиласи» каби спорт мусобақаларида иштирок этса, ота-оналарнинг намунаси мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ижобий таъсир кўрсатади. Ота-оналар ўз болаларига жисмоний тарбия ҳақида билимлар берадилар, жисмоний машқларни тұғри бажаришга (тушунтирадилар, кўрсатадилар) уларни ўргатадилар. Зарур малакаларни тарбиялаш ва мустаҳкамлаш учун алоҳида яхши психологик иқлим юзага келади.

Жисмоний машқ машғулотлари жараённанда ота-оналар болаларнинг ўзини ҳис қилишини кузатадилар ва жисмоний нагрузка ҳажмини изга солиб турадилар. «Мактабгача тарбия ёшидаги муассасаларда жисмоний тарбия ишини планлаштириш ва ҳисобга олиш» бобида келтирилган кўрсаткичлар бўйича боланинг соғлиғи, жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёргарлигини бир йилда 2—3 марта ҳисобга олиш (текшириш), үтказиш тавсия этилади. Бу маълумотлар ота-оналарга жисмоний тарбиядан қилинган ишларни таҳлил қилишларига ва келгуси давр планини белгилаб олишларига ёрдам беради. Мактабгача-тарбия ёшидаги муассасаларнинг ходимлари бу соҳада ота-оналарга ёрдам беришга даъват этилгандир.

УЧИНЧИ ҚИСМ

ТАРБИЯЧИЛАР ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МЕТОДИСТЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ «МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МЕТОДИКАСИ» КУРСИДАН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ УЧУН ҮКИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ

БИРИНЧИ БОБ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МЕТОДИСТИНИНГ МЕТОДИКА КАБИНЕТИДАГИ ИШИ

1- §. Методистнинг вазифаси ва ишининг мазмуну

Шаҳар (район, область, республика) халқ маорифи бошқармасининг методисти ўзига ишониб топширилган (шаҳар, район, областдаги) мактабгача тарбия муассасаларида педагогик ишларга умумий раҳбарлик қиласиди. У бажарадиган иш кўлами кенг ва ранг-баранг. Методист тарбиячиларнинг малакасини оширишга катта аҳамият беради.

Тарбиячилар оладиган касбий тайёргарлик уларнинг жисмоний тарбия соҳасидаги ўз педагогик малакасини доимо такомиллаштириш, ошириб бориш, ҳаёт мактабнинг ҳозирги талаблари даражасида бўлиш, болалар боғчасининг кичик группасидан бошлаб болаларни ҳаётга ва мактабга планли равишда тайёrlаш зарурлигини истисно қўлмайди.

Жисмоний тарбия методисти методика кабинетида тарбиячиларнинг ўз малакаларини мустақил равишда оширишини таъминнайдиган зарур шароитларни яратади. Янги чиқаётган барча педагогика адабиётларни кузатиб боради, кабинетни турли кўргазмаларнинг янги-янги материаллари билан тўлдириб, қўлланмалар, иллюстрация материаллари ва бошқа воситалар билан бойитиб, жиҳозлаб боради. Методист тарбиячиларнинг ишига бевосита раҳбарлик қилиш мақсадида (йиллик планга мувофиқ) район, шаҳар, қишлоқ муассасаларига боради; тарбиячилар учун индивидуал ва группали тарзда консультациялар ўтказади; методик бирлашмалар, семинарлар, практикумлар, курслар, тўгараклар, болалар боғчасида очиқ машғулотлар, мутахассисларни таклиф қилиб жисмоний тарбиянинг айrim масалалари бўйича лекциялар ташкил этади ва ўтказади; илфор тажрибани ўрганади ва уни кенг ёйишга ёрдам беради; илмий-амалий конференциялар ва район, шаҳар, область Педагогика ўқишлиари учун докладлар тавсия этади.

Методистнинг кўп қиррали фаолияти юқори малакали бўлишини, ўзининг онг-билим доирасини мунтазам равишда кенгайтириб

боришни, педагогик билимларини чуқурлаштириши талаб қила-ди, бу эса назария била амалиётини бирга қўшиб олиб бориш им-кошини яратади. Зарур бўлиб қолганда методист болалар билан ишлашининг методик усулларини амалий намойиш этиш (жисмо-ний тарбия машғулотларида болаларга ҳаракатларни ўргатиши, ҳаракатли ўйинлар ўтказиш методикасини курсатиши, эрталабки гимнастика машқларини намойиш этиши ва др.) ва назарий жи-хатдан асослашга тайёр турмоги лозим. Методист буларнинг бар-часини педагогика институтидаги ўқиш жараённида эгаллаб олади (олий ўқув юртларининг тажрибаси шуни тасдиқлаяпти) ва ўзи-нинг назарий билим ва малақаларини болалар боғчасидаги педа-гогик практика даврида, педагогика билим юртида, кейинчалик эса (район, шаҳар, областдаги) инспектор-методистлик фаоли-яти жараённида амалда муваффақият билан қўллай боради.

2- §. Методика кабинетини жиҳозлаш

Методика кабинетида дастлаб тарбиячиларнинг китоб ва бош-қа материаллар устида мустақил ишлаши учун шароитлар яра-тилади. Бунинг учун жисмоний тарбия масалаларинга оид назарий ҳамда методик адабиётлар — китоблар, журналлар, айrim мақола-лар, ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний машқларнинг тўпламлари, справочниклар, луғатлар танланади; тавсия этиладиган адабиёт-лар, картотекаларнинг рўйхати тузилади; кўчма кутубхона тар-зида жойларда (айшиқса қишлоқ районларининг узоқ ерларида) фойдаланиш учун китоб ва мақолалар ажратилади. Бундан таш-қари, кабинетда илғор иш тажрибасини акс эттирувчи чиройли қилиб ёзилган ва бежирим қилиб жиҳозланган материал ҳам бў-лиши керак: «Болалар боғчасида таълим ва тарбия Программа-си»га мувофиқ бўлган жисмоний тарбия бўйича перспектив ва ка-лендарь иш планларининг намуналари, шунингдек, ёш группалари бўйича олиб бориладиган иш ҳисоби; жисмоний тарбия машғу-лотларининг план ва конспектлари, тарбиячининг болалар билан олиб борадиган индивидуал иши, кундаликлари, физкультура-соф-ломлаштириш ишларининг — эрталабки гимнастика, физкульт-минутлар, чиниқтирувчи даволаш тадбирларининг (фотографиялар, кинолавҳалар) иллюстрацияли тавсифи; тарбиячининг болалар билан ҳар куни олиб борадиган — ҳаракатли ўйинлари, сайд-лар, болаларнинг мустақил фаолияти, шунингдек, байрам ва бўш вақтларни мазмунли ўтказиш ва бошқа тадбирлар бўйича план-лаштиришинг ибратли намуналари бўлиши шарт. Кабинетда ил-мий-амалий конференция ва Педагогик ўқишларда жисмоний тар-бия масалалари бўйича қилинган докладлар ҳам сақланади. Бу материалларнинг барчаси чиройли қилиб безатилади ва уларга аннотациялар ёзилади.

Тарбиячилар таълимнинг замонавий техника воситалари билан танишиш имкониятларига эга бўлышлари, болалар билан ишлаш жараённида кинофильмлардан ҳамда ота-оналарга тегишли лек-

ция, докладлар уюштирганларида киноёзувлардан ҳам фойдаланиши билиб олишлари керак.

Кабинетда (ўлчами курсатилган) доимий жисмоний тарбия жиҳозлари кўргазмаси, участкаларни жиҳозлаш вариантларининг чизмалари, шунингдек, жисмоний тарбия машғулотларида фойдаланиладиган қўлланмалар (минбарлар, скамейкалар, улоқтириш учун щитлар, ходалар, тепаликлар ва бошқа воситалар); машқларни бажаришда қўлланиладиган воситалар (чамбараклар, ёгочлар, байроқчалар, тўплар чизимчалар, ленталар, лангарчўлар, ҳалқаташлагичлар, тўпташлагичлар ва ҳоказолар); спорт ўйинлари—волейбол, баскетбол, городки, хоккей, стол тениси ва бошқа ўйинлар учун зарур жиҳозларга ҳам эга бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Ўйинлар, эрталабки гимнастика машқлари, чиниқтирувчи тадбирлар, жисмоний тарбия байрамлари ва бўш вақтларини кўнгилли ўtkазиш юзасидан ўтказилган машғулотларни акс эттирувчи фотосуратларга эга бўлган альбомлар, ташкил этиш тавсия қилинади.

Барча экспонатлар юзасидан методист батафсил консультациялар беради ва зарур бўлиб қолганда жисмоний тарбия қўлланмаларида фойдаланиш ва ўйинларни ташкил этишни амалда ўзи кўрсатади.

Методик кабинетлар айниқса мактабгача тарбия муассасаларида муҳим роль ўйнайди. Улар тарбиячиларнинг назарий-методик (шу жумладан жисмоний тарбияга оид) билимларини мустаҳкамлашга, шунингдек, болаларда жисмоний тарбия малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қиласди. Буларнинг ҳаммаси болалар билан программа асосида изчил иш олиб боришини ва уларни мактабга жисмоний жиҳатдан тайёрлашни таъминлайди.

3- §. Методистнинг педагогик кадрлар билан ишлаши

Тарбиячиларнинг малакасини оширишни аниқ ташкил этиш мақсадида методист барча ишни олдиндан планлаштириб олади, белгиланган тадбирларни амалга ошириш шароитларини ҳисобга олади ва уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатади. Район, шаҳар, областдаги муассасаларнинг ишини системали равишда назорат қилиб туриш учун кабинет қошида болалар боғчаларининг энг малакали мудира ва тарбиячиларидан иборат актив тузади. Улар билан бирликда мактабгача тарбия муассасаларда бўлиб, болаларнинг жисмоний тарбияси аҳволини аниқлайди ва шундан келиб чиқсан ҳолда тарбиячилар малакасини оширишнинг конкрет планини ишлаб чиқади. Бунда методик бирлашмалар, практикумлар, индивидуал ва группали консультациялар, семинарлар, курслар, тўгараклар, лекциялар, очиқ машғулотлар сингари турли хил иш формалари кўзда тутилади.

**Методистнинг
тарбиячилар билан
олиб борадиган
иш формалари**

Болаларнинг ёши бир хиллиги ҳисобга олинади. Болалар муассасалари, одатда, педагогик колективи 20—25 кишидан ошмайдиган боғчалар ҳисобига кичик группалар — кустларга бирлашдилар. Методик бирлашманинг иш планига мактабгача тарбиянинг турли масалалари, шу жумладан, жисмоний тарбия масаласи ҳам киритилиши мумкин.

Бирлашма (куст)га раҳбарлик қилиш, шунингдек, айрим масалаларни ишлаб чиқиши тажрибали тарбиячи ёки мудирага топширилади.

Раҳбар бирлашмага киравчи муассасалар билан танишиб чиққач, йиллик план тузади. Планда жисмоний тарбия бўйича муҳокама этилиши лозим бўлган бир қанча масалалар, тарбиячиларнинг докладлари ва бевосита болалар боғчаларида ўтказиладиган очиқ машғулотлар кўрсатилади. Методист ва халқ маорифи бўлими томонидан тасдиқланган план биринчи машғулотда эълон қилинади. Йил давомида раҳбар унинг бажарилишини қаттиқ назорат қилиб боради.

Докладлар танлаш мавзунинг мазкур бирлашма иштирокчилари учун актуаллиги, айрим муассасалар ва тарбиячилар ишидаги қийинчиликларни ҳисобга олиш, шунингдек, болалар билан ишлашга янгиликни жорий этиш истаги билан белгиланади. Масалан, илк ёшдаги ёки каттароқ ёшдаги болаларнинг кичик группалари билан ҳаракатларни ривожлантириш бўйича индивидуал машғулотларнинг мазмуни ва методикаси ҳақидаги, турли ёш группаларнинг жисмоний тарбия машғулотларида болаларга таълим беришнинг структураси, методикаси ва мазмуни тўғрисидаги, сайрлар ўтказиш методикаси ҳақидаги масалаларни аниқлаш зарур бўлиб қолади.

Тарбиячилар докладларида ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашадилар, вужудга келган қийинчиликлар ва уларни бартараф қилиш усуслари ҳақида гапириб берадилар, кўпчиликни қизиқтирувчи ва муҳокама қилиш зарур бўлган энг актуал масалаларни ажратиб кўрсатадилар. Шу муносабат билан очиқ машғулотларда кузатишлар ўтказилади. Машғулотни муҳокама этиши чоғида раҳбар сўзга чиқувчилар нутқини йўналтириб боради, қўйилган масалаларнинг ҳар томонлами ёритилиши, уларнинг ишонарли рэвишда назарий жиҳатдан асосланишини кузатиб боради ва тарбиячиларнинг болалар билан мулоқотида амалий ишларнинг яхшиланишига ҳаракат қиласи.

Методик бирлашма раҳбарлари уларнинг йиллик планиларини тасдиқловчи (район, шахар, область) методисти билан доимий муносабат ўрнатиб, уни бирлашманинг иши билан мунтазам равишда танишириб, раҳбарларга системали равишда инструктаж бериб боради, улар учун консультациялар, семинарлар, лекциялар

Методик бирлашмалар. Методик бирлашмалар ташкил этишда мактабгача тарбия муассасаларининг териториал жиҳатдан яқинлиги ва тарбиячилар ишләётган группалардаги

ташкىл этади. Шундай қилиб, тарбиячилар малакасини оширишга маңсада қаратилган раҳбарлик қилинади ва болалар муассасалариға конкрет ёрдам кўрсатилади, болалар билан олиб борила-диган ишлар сифати яхшиланади.

Методист индивидуал консультацияларни жадвал бўйича ўт-казади. У иш жараёнида жисмоний тарбия масалалари юзасидан вужудга келган муаммоларни ҳал этишда тарбиячиларга кўмак-лашади. Тарбиячининг малакаси ва саволнинг мазмунига қараб консультациялар назарий, методик ёки амалий характерга эга бўлиши мумкин.

Консультацияларни методист махсус дафтарга ёзиб боради. Унда мавзуси ва вакти, тарбиячининг фамилияси, у ишлаётган муассасанинг номи қайд этилган бўлади.

Жисмоний тарбия юзасидан группали консультациялар методистнинг (район, шаҳар, областда жойлашган) мактабгача тарбия муассасалариға планли равишда ёки бирор сабаб билан борганида амалга оширилади. Агарда текшириш жараёнида бир хил типдаги хатоликлар аниқланса, методист мазкур мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг якунловчи йиғилишида ишни умумлашма таҳлил қилиб чиқади ва йўл қўйилган нуқсонларни тузатишга қаратилган конкрет тадбирлар (группали консультациялар, практикумлар, қисқа муддатли курслар ва ҳоказолар)ни таклиф қиласди.

Группали консультация аниқланиши лозим бўлган масалаларни ҳисобга олган ҳолда методист томонидан махсус ишлаб чиқилган план асосида ўтказилади. Масалан, бир қатор муассасаларда эрталабки гимнастика ютюғри ташкىл этилаётганлиги: гимнастика ўтказиш шаронти гигиена ва чиниқтириш талабларига жавоб бермаслиги; машқлар асосли танланмаганини, методикада хатоларга йўл қўйилалётганлиги аниқланганида ўтказилиши мумкин.

Аниқлангандай нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда, группали консультация қўйидаги план асосида ўтказилиши кўзда тутилади:

1. Консультация темаси.
2. Асосий масалалар.
3. Назарий ҳолатларни иллюстрация орқали (кўргазмали мисоллар келтириш, жисмоний машқла ни амалда кўрсатиш, киноёзув, кинофильмларни намойши килиб, таҳлил этиш) кўрсатиш.
4. Консультация жараёнида тингловчиларда пайдо бўлган саволларга жавоб бериш ва муҳокама этиш.
5. Методист хуносаси.
6. Мазкур тема юзасидан адабиётларни тавсия қилиш.

Семинар-практикум. Малака оширишнинг бу формаси ёш тарбиячилар учун маңсада мувофиқдир. Практикумнинг вазифаси ва мазмуни методистнинг жойларда бўлиб ўтказган текширишлари натижасига қараб ҳам белгиланади.

Практикум муддати конкрет вазифалар, материалнинг ҳажми ва мазкур муассасанинг иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Докладлар тематикаси:

1. Жисмоний тарбия машғулотларида ўқув-тарбия жараённинг мазмунни ва методикаси.
2. **Сюжетли** ҳаракатли ўйинлар ўтказиш методикасининг ижодий йўналиши.
3. Сайр пайтида жисмоний машқлар ва ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш, мазмунни ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси.
4. Болаларнинг мустақил ҳаракатли фаолиятига бевосита методик раҳбарлик.
5. Болалар экспурсиясини ўтказишни ташкил қилиш, мазмунни ва методикаси (болалар туризмининг ёнг оддий тури).

Юқорида зикр этилган темаларнинг ҳар бири турли ёш группалири учун ўзига хос комплекс докладлар кўринишида ҳам бўлиши мумкин.

Болалар боғчасидаги очиқ машғулотлар. Очиқ машғулотлар ўтказишдан мақсад — тажриба алмашиш, педагогик маҳорат намуналарини намойиш этиш, болалар билан ишлашнинг айрим турлари (жисмоний тарбия машғулотлари, эрталабки гимнастика, чиниқтирувчи процедуранлар, сайр ва бошқа тадбирлар) юзасидан вазифалар, уларнинг мазмунин ва методикаси ҳақидаги тасаввурни аниқлаштириб олишдан иборатdir. Машғулот темаси, кузатиш ва таҳлил қилиш учун саволлар тарбиячига олдиндан билдириб қўйилади.

Бевосита кузатишдан олдин методист иштирок этувчиларга кузатиш ва кейинги таҳлилнинг мақсади ҳақида эслатиб ўтади. Шундай қўлиш билан у кузатишнинг мақсаддага қаратилган бўлишини таъминлайди, тарбиячилар эътиборини машғулотнинг асосий компонентларига жалб қиласиди. Машғулот тугаганидан кейин методист кузатишнинг таҳлилига раҳбарлик қиласиди, бунда олдиндан берилган саволларга риоя қилинишини назорат қилиб боради, кузатилган машғулот юзасидан фикрларни ойдинлаштиришга кўмаклашади. Мухокама методистнинг назарий жиҳатдан асосланган хуносаси билан якунланиб, машғулотнинг ижобий ва салбий томонлари таҳлил қилиниб, умумий баҳо берилади.

Методист узоқ районларга чиққанида очиқ машғулотлар муасасанинг шарт-шароити ва кадрларнинг тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб ташкил қилинади. Агарда тарбиячиларнинг малакаси турли хил машғулотларнинг намунасини намойиш этишни, айрим жараёнларнинг методикасини кўрсатишни тақозо этса, бундай шароитда методистнинг ўзи очиқ машғулотни ўтказишга, кейин ёса уни ҳар томонлама пухта таҳлил қилишга тайёр бўлиши керак.

Курслар (район, шаҳар, областда) тарбиячиларнинг ишидан ажралган ёки ажралмаган ҳолда ташкил этилади.


Ўқув плани, программаси, ўқитувчилар состави ва курсларнинг муддати конкрет шароитни ҳисобга олган ҳолда маориф министрлиги томонидан ишлаб чиқилган, халқ маорифи бўлими хужжатларнга мувофиқ равишда тасдиқланади. Курсларда таълимнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда лекциялар ўқилиши, амалий ва семинар машғулотлари ўтказилиши, шунингдек,

айрим темаларни ўрганиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда болалар боғчаларида намунали машғулотлар ташкил этилиши мумкин.

Курслар оғзаки ёки ёзма формада зачёт олиш билан якунлади.

Тўгараклар жисмоний тарбиянинг айрим масалаларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ташкил этилади. Улар онг-билим дарожасини кенгайтириш, тажрибани бойитиш, билимларни ойдинластириш, тарбиячиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришга хизмат қиласди. Масалан, тўгарак турли ёшдаги болалар группалари учун ҳаракатли ўйинлар мазмуни ва вариантларини, қўйилган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда жисмоний машқларнинг вариантларини ишлаб чиқиш; мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун халқ ўйинларини тўплаш каби масалаларни ҳал этиш учун ташкил этилиши мумкин.

Қўйида тақдим этилаётган схемада болалар боғчалари, районлар ва шаҳарлар орасида жисмоний тарбия бўйича методик ишларнинг ўзаро боғлиқлиги ва структураси акс эттирилган:



Бундан ташқари, тарбиячилар учун жисмоний тарбия секциялари ҳам ташкил этилиб, улар енгил атлетика, сузиш, чанғи ёки конькида учиш ва бошқа турлар билан шуғулланишлари мумкин.

Малака оширишнинг бу ранг-бараң формалари қизиқиши оширади, янги имкониятлар очади, тор ихтиослик доирасидан ташқари олиб чиқади, ижтимоий ҳастининг турли жабҳалари билан болгайди.

Тарбиячилар малакасини ошириш болалар билан ишлашнинг сифатини яхшилашига асос бўлиб хизмат қиласди.

Бироқ, болаларнинг жисмоний ривожланиши янада самаралироқ амалга ошиши учун болалар боғчаси билан оиласда жисмоний тарбия масаласида ҳамфирлик ва бирлик бўлиши талаб килинади

Ота-оналар билан болалар боғчасида бевосита мулоқатда бўлишдан ташқари «Ота-оналар учун педагогика мактаби»ни ташкил этиш лозим. Бундай мактабнинг машғулотларида ота-оналар илмий асосланган билимлар оладилар, кун бўйи ҳаракат режимига риоя қилиш, бола организмини системали суратда чиниқтириш, об-ҳаво ўзгаришига қараб фарзанднинг кийимини енгиллаштириш зарурлигига ишонч хосил қиласдилар. Бу ишда (ўқув группаларини комплектлаштиришда, ота-оналар ҳақида маълумот тўплашда, болалар боғчаси ёрдамида уларни тингловчилар қаторига ёзилишлари ва бошқа ишларда) методист шаҳар халқ мәорифи бўлими ёки область педагогика жамоатчилигига фаол ёрдам бериши, бу ишда етакчилик қилишга даъват этилгандир. Методист, энг аввало, ўзи педагогик жамиятнинг аъзоси сифатида докладлар қилиши, ота-оналар билан суҳбатлар ўтказиши ва бошқа ишларда кўмак бериши зарур.

4- §. Болалар боғчаларини «Жисмоний тарбия» бўлими бўйича текшириш

Мактабгача тарбия муассасасида жисмоний тарбия ишининг ҳолати ва уни йўлга қўйилишини янада чуқурроқ ўрганиш максадида инспектор тематик текшириш ўтказади.

Бу текшириш натижаларининг тахлили зарур ёрдам кўрсатиш ва мавжуд камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этиш учун асос вазифасини ўтамоги лозим.

Жисмоний тарбия бўйича ишнинг ҳолатини текширишга киришар экан, илгариги аҳволни билиши, кўрсатилган нуқсонлар қанчалик бартараф этилганлиги билан танишиб чиқиши учун инспектор аввалги текшириш актини ўрганиб чиқиши лозим.

Муассасани тематик текшириш

Текширишга киришар экан, инспектор биринчи наебатда болалар боғчасида жисмоний тарбияни амалга ошириш учун яратилган шароитлар билан қизиқиши ва текширишини «Таълим-тарбия программаси» талаблари асосида амалга ошириши керак.

У группалар жойлашган хоналарнинг санитария-гигиена ҳолатини, жисмоний тарбия залини ётоқхоналар ва бутун бино, участка ҳолатини кўздан кечиради. У айниқса кун бўйи бинода хавонинг тоза ва янги бўлишига аҳамият беради. Инспектор барча ёш

группаларнинг участкалари қандай планлаштирилганлиги, шунингдек, жисмоний тарбия майдончасининг ҳолати билан; бинодаги жихозлар ва участкадаги жисмоний тарбия инвентарлари, ўйин-чоқлар, ҳаракатли ўйинлар учун атрибуутлар билан қизиқада, уларнинг сифати, миқдори, ҳолати, сақлаш жойини текширади; болалар ва тарбиячиларда жисмоний тарбия кийимлари ва пойабзалининг мавжудлиги ва ҳолатини куздан кечиради.

Шундан кейин инспектор тарбиячиларнинг малакасини ошириш қандай амалга оширилаётганлигини аниқлади, зарур китоблар, журналлар, ўйин ва машқлар тўпламлари борлигини текширади. Уни тарбиячиларнинг жисмоний тарбия программасининг бажарилиши юзасидан ишларнинг мазмуни, раҳбарлик ва назорат қилиш методлари қизиқтиради.

Мудира билан суҳбатда инспектор педагоглар колективи райондаги қандай тадбирлар (бирлашмалар, семинарлар, тўгараклар ва ҳоказолар) да иштирок этатётганликларини аниқлади; мудира муассасанинг ўзида малака оширишнинг қандай формалари (консультациялар, практикумлар, очик машғулотлар ва ҳоказолар) қўлланадётганлиги билан қизиқади.

Шундан кейин инспектор мавжуд ҳужжатларни текширишга киришади. У ёш группалари бўйича болалар рўйхати ва медицина қўрикларининг маълумотлари билан танишиб чиқади. Жисмоний ривожланишда нормадан четга чиққан болалар бор-йўқлигини (қомати, оёқ кафтлари, касалликдан кейин организм ҳолатидаги ўзгаришларни) аниқлади. Шу йўл билан индивидуал режимилар, индивидуал машғулотларнинг характеристи, тикловчи машқлардан фойдаланиш каби имкониятлар кўриб чиқилади. Барча ёш группаларда, айниқса илк ёшдаги болалар группаларида «Болалар боғчасида таълим-тарбия программаси» кўрсатмалари асосида овқатланиш нормаси ва режими текширилади.

Барча группаларда ҳаракат режимишнинг (ўйинлар, эрталабки гимнастика машқлари; машғулотлар, физкультминутлар, сайдарларнинг мазмуни ва давомийлиги, кун бўйи амалга ошириладиган ҳаракат фаолиятининг турлари) бажарилишига алоҳида аҳамият берилади.

Инспектор болаларнинг жисмоний тарбиясидан тузилган йиллик, группалар бўйича перспектив ва календарь планларни, иш ҳисоботини, шунингдек, болаларнинг ҳаракат малакаларини индивидуал қиёсий ҳисоблашнинг (сентябрь—январь—июнь) натижаларини кўриб чиқади.

Ҳужжатларни кўриб бўлганидан кейин, инспектор турли ёш группаларида кун бўйи жисмоний тарбия бўйича қилинадиган барча ишларни: болаларни қабул қилиб олиш, ўйинлар, болаларнинг мустақил фаолияти ва тарбиячининг раҳбарлигини; эрталабки гимнастика ва чиниқтириш машқлари (гигиена, шароитлари, болаларни уюштириш, комплекснинг структураси ва мазмуни, тарбиячининг раҳбарлиги) ни кузатиб, ўз дафтарига ёзиб олади. Чиниқтириш процедураси (артиниш, устидан сув қўйниш) ни таш-

кил этиш ва болаларнинг ҳолати кузатилади. Инспектор машгулотларнинг алмашиб туриши, катта группалардаги машғулотлар ва улар орасидаги танаффус пайтларида физкультминутлар ўтказилиши билан қизиқади, жисмоний тарбия машғулотларини кузатиб, таълим жараёнининг мазмунини, структураси (тарбиячиларнинг методик усулларини, болалар реакциясини, ҳаракат машқуларини бажаришдаги мустақиллигини, тарбиячиларнинг болаларга индивидуал ёндошувини) ни таҳлил қиласди. У эътиборни машғулотларнинг умумий ва мотор зичлигига, нагрузкаларни дозалашга, болалар фаолиятининг алмашиниб туришига, ўйинларнинг ўтказилишига, болаларнинг руҳий ҳолатига, машғулотлар давомийлигига қаратади.

Инспектор сайдорларни кузатиб, унинг мазмуни, давомийлиги, тарбиячининг методик раҳбарлиги, унинг айрим болалар билан, группачалар билан ишлаши, ўйинлар ва машқулар мобайнидаги болаларнинг мустақил фаолияти, уларнинг биргаликдаги фаолиятда ўзаро муносабатларни ва тарбиячининг умумий раҳбарлигини қайд этади. У тушликни ва уйқуни, кунинг иккинчи ярмидаги ўйинлар ҳамда машғулотларни ва болаларнинг уйга кетишларини кузатади.

Текширишининг бутун жараёни мобайнида асосий эътибор тарбиячининг ролига ва унинг болалар коллективига раҳбарлик қилишига қаратилади.

Ишга якун ясар экан, инспектор тарбиячи билан суҳбатлашади, унинг ишини таҳлил қиласди, айрим масалаларни аниқлайди, зарур бўлган фикр-мулоҳазаларни билдиради.

Суҳбат самимий, одоб доирасидан чиқмаган ҳолда, тарбиячига нисбатан ҳурмат билан ўтиши лозим. Фикр-мулоҳазалар фақат иш юзасидан билдирилиши керак. Ўқув-тарбия жараёнига ва айрим ишларни ўтказиш методикасига қўйиладиган талаблар асосли бўлиши ва тарбиячига батафсил тушунтириб берилиши керак. Суҳбат тарбиячи ишидаги ижобий томонлар кўрсатилган ҳолда, йўл қўйилган нуқсонларни тузатишга доир инспекторнинг конкрет таклифлари билан якунланади.

Агарда жисмоний тарбия машғулоти, эрталабки гимнастикка машқулари, сайдорлар ва бошқа тадбирларни кургазмали равища намойиш этиш зарурати туғилиб қолса, ҳар қалай инспекторнинг ўзи кўрсатиб бергани ёки тарбиячилардан бирини очиқ машғулот ўтишга тайёрланишига кўмаклашгани, кейинчалик эса бутун педагогик коллектив билан таҳлил қилиб чиққани маъқул.

Текширишининг бутун жараёни муассасанинг одатдаги ҳаёт тарзини бузмаслиги ва коллективда кутаринки ишчанлик, уз имкониятларига ишонч, болалар билан ишлаш сифатини яхшилашга қизиқтириши, ўз малакасини оширишга даъват этиши мухимdir. Бироқ, буларнинг ҳаммаси инспекторнинг салбий фактларга нисбатан муросасиз бўлишини инкор этмайди. Аммо, шунда ҳам у хушмуомала бўлниши, уз фикрини одамларнинг иззат-нафсига тегмайдиган қилиб айтиши, жиддий танбеҳ бериши билан бирликда,

уларнинг ҳатти-ҳаракатлари нотўғри эканлигини ишончли тарзда тушунтириб бериши лозим.

Кузатишлар, ҳужжатларни қараб чиқиши, коллектив билан жонли мулоқатда бўлиш, жисмоний тарбияга оид барча материалларни батафсил ўрганиб чиққанидан кейин инспектор мазкур муассасанинг иши ҳақида хуносалар чиқаради.

Якунловчи педагогик кенгашда инспектор жисмоний тарбия бўйича ишлар ҳолатини атрофлича таҳлил қилиб, унга баҳо беради.

Конкрет маълумотлар асосида ҳар бир ёш группасидаги ижобий томонларни таъкидлайди, мавжуд камчиликларни кўрсатиб, сабабларини очиб ташлайди ва белгиланган муддатгача уларни бартараф этиш юзасидан чора ва тадбирлар таклиф қиласди. Буларнинг ҳаммаси кейинчалик муассаса мудирасида қоладиган текшириш актига ёзилади (нусхаси ҳалқ маорифи бўлимига топширилади).

Холис ва конкрет таҳлил йўл қўйилган камчиликларни тузатиш ва бартараф қилиш истагини уйғотишига эришиш гоятда муҳимдир. Барча ишлар тугаганидан кейин болалар боғчаси ходимларидан инспектор ҳақида у қаттиқ қўл, шунга қарамай, ишchan, адолатли ва самимий иисон экан, у билан учрашув катта фойда келтириши мумкин, деган таассурот қолиши лозим.

Шундай қилиб, мактабгача тарбия муассасаси ишини текшириш ва йўлга солиш учун инспекторнинг ўзи малакали педагог, юксак маънавий хислатларга эга бўлиши ва муайян даражада маданиятли бўлмоғи лозим. Шундай инспекторгина бошқа кишилар фаолиятини танқид қила олиш ҳуқуқига эга бўлиши ва обрўэзтибор қозониши мумкин.

ИККИНЧИ БОБ

ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЙОРТЛАРИДА «МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МЕТОДИКАСИ» КУРСИНИ ҮҚИТИШ

Курснинг вазифаси. Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия вазифаларини амалга оширишда тарбиячи етакчи роль ўйнайди. Мактаб ислоҳотининг Асосий ўналишларида педагогик кадрлар, шу жумладан, мактабгача тарбия муассасалари учун ҳам кадр тайёрлаш ишига катта аҳамият берилиши бежиз эмас.

Тарбиячининг малакаси кўп жиҳатдан унинг педагогика билим юртида «Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия методикаси» курси бўйича олган профессионал тайёргарлигига боғлиқ. Бу курс ўқувчилар томонидан болалар туғилганидан 7 ёш бўлгунга қадар турли типдаги мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбияни амалга ошириш учун зарур бўладиган назарий билимларни, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаб олишларни.

рини кўзда тутади. Ўқувчи боғчада болалар билан ишлашининг барча формалари (жисмоний тарбия машғулотлари, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинлар ва бошқалар) ни, планлаштириши ва амалга оширишни обдон ўрганиб олиши, шунингдек, эришилган натижаларни таҳлил қила билиши ҳам керак. Бундан ташқари ота-оналар билан ишлаш қўнимма ва малакаларини таркиб ёпи-тириш, мажлисларда сўзга чиқиш, сұхбатлар ўтказиш, консуль-тациялар ўюнтириш каби ишларни ҳам уддасидан чиқиши вази-фаси қўйилади.

Курсни ўрганиш жараённада марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш, шунингдек, ўқувчиларда коммунизм қурувчиси-нинг юксак маънавий принципларини тарбиялашга ҳам катта аҳамият бериш зарур.

Ўқувчиларда ўз касбига қизиқиши, унга меҳр кўшиши, уларда фикрлаш мустақиллигини ривожлантиришни, ижодий изланишга рағбатлантиришни, топширилган иш учун масъулнят ҳиссини тарбиялаш муҳимдир. Адабий манбаларни мустақил равишда ўрганиш ва таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш, шунингдек, ўз иши ва бошқа тарбиячилар тажрибасини умумлаштира олишга ўргатиш лозим.

Бундан ташқари, ўқувчиларни ўз жисмоний ривожланишини, жисмоний тайёргарлигини доимо назорат қилиб боришига, келгу-сида болалар ва уларнинг ота-оналарига намуна бўлишга тайёр-лаш керак.

Программанинг характеристикаси. Педагогика билим юртларида «Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия методикаси» курсини ўқитиши СССР Маориф министрлиги томонидан тасдиқланган программа асосида амалга оширилади. Мазкур про-грамма «Тушунтириш хати», «Курс мазмуни» ва «Илова» дан иборат.

«Тушунтириш хати» да курснинг вазифаси баён этилади, дарсларнинг типларига, ўқувчиларнинг мустақил иши формаларига характеристика берилади, ўзлаштиришни хисобга олишнинг турла-ри келтирилади.

«Курс мазмуни» икки бўлимдан иборат. «Жисмоний тарбия негариясининг умумий масалалари» деб аталмиш биринчи бўлим: «Жисмоний тарбия назариясининг предмети» ва «Жисмоний тар-биянинг совет системаси» деб аталмини икки темадан иборат. Бу темалар ўқувчиларнинг жисмоний тарбия назариясининг умумий масалалари бўйича билимларни эгаллаб олишларни тақозо этади. Бундай билимларсиз мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбияси методикасини чукур тушунни мумкин эмас. Бундан ташқари, бу темаларни ўрганиш ўқувчиларда диалектик-материалистик дунёқарашни шакллантиришга хизмат қиласи. Ик-кинчи «Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия ме-тодикаси» бўлимида жисмоний тарбиянинг вазифаси ва воситала-ри, таълим асослари, болаларни тарбиялаш ва ривожлантириш, турли жисмоний машқларга ўргатиш методикаси, жисмоний тар-

бия ишнининг формалари, мактабгача тарбия муассасаларида планлаштириш ва ҳисобга олиш, жисмоний машқлар учун керак бўладиган жиҳоз ва ускуналар ҳакида сўз юритилади. Программада «Бир ва икки ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси» темасига алоҳида ўрни берилган. Ҳар бир темага саволлар берилган бўлиб, семинар ва амалий машғулотларнинг характеристики кўрсатилган.

«Илова» да адабиётлар рўйхати, курсни ўтишнинг намунали граffiti, шунингдек, ўқувчилар учун ўй вазифаларининг рўйхати келтирилади.

Иш плани тузиш. Курсни ўтиш иш плани намунали графикда берилган программа ва тавсиялар асосида тузилади.

Иш плани тузишдан олдин ўқитувчи ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси билан танишиб чиқиши керак. Бунинг учун ўқувчиларнинг анатомия, физиология, психология, педагогика, физика, химия фанларидан, шунингдек, жисмоний тарбия бўйича ўзлаштиришлари, ГТО нормаларини топшириш натижалари, спорт секциялари машғулотларидағи мудаффаиятлари билан танишиб, таҳлил қилиб чиқади. Булардан ташқари, мазкур ўқувчилар билан машғулотлар ўтказган педагоглар билан сұхбатлашиш ҳам фойдалан ҳоли эмас.

Ўқитувчи ҳар бир темага ажратиладиган соатларни аниқлаб олади, назарий дарсларнинг темасини, вазифаси ва мазмунининг изчиллигини, семинар ва амалий машғулотлар, шунингдек, уларни ўтказиш методикасини белгилайди. Иш планида ўқувчилар адабий манбалардан мустақил равишда ўрганишлари лозим бўлган масалалар акс этиши, топшириклар кўрсатилиши, ёзма ишларнинг характеристи, ҳажми ва максади ҳамда қайси дарсларда уларни бериш ва текшириш кераклиги кўрсатилган бўлиши зарур. Иш планида ҳар бир темага оид дарслинка қўшимча равишда тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати берилади ва педагогика билим юртнинг методика кабинетидаги материаллар рўйхати берилади. Қўшимча адабиётни ўрганиш нима учун зарурлиги ва хисоботнинг формалари (аннотация—конспектлар, ота-оналар учун ўтказиладиган консультациялар, сұхбатлар, докладларнинг планлари ва конспектлари) ни ҳам кўрсатиб ўтиш мухимdir.

Иш плани қўйидаги форма асосида тузилади:

Тема ва мазмуни	Материални ўрганиш формалари	Соатлар миқдори	Кўргазчали куроллар ва ўТВ	Ўқувчиларни мустақил ишлари учун топнириқлар	Хисобот формалари	Адабиётлар

Иш планига болалар боғчасида ўтказиладиган амалий (кўрғазмали) машгулотлар (жисмоний тарбия машгулотлари, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинлар ва бошқалар), қўшимча аданбийётлар рўйхати, темаларни мустақил ўрганиш учун саволлар, семинарга тайёрланиш учун саволлар илова қилинади¹.

Пухта тузилган иш плани курс темаларини ўқувчилик үзлаштиришларида юқори натижаларга эришиш имконини яратади ва жисмоний машқларни ўтказишнинг амалий малакаларини, шунингдек, планлаштириш малакаларини (ҳужжатлар тайёрлашин), кузатишлар ва ундан олинган фактларни регистрация қилиш, ҳужжатлар ва кўрилган машгулотларни таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Шундай қилиб, ўқувчилик болалар боғчасидаги узлуксиз педагогик практикага олдиндан пухта ҳозирлик кўришга муваффақ бўладилар.

Тузилган иш плани предмет комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

«Ўқув ишларини ўтказиш методикаси. Мазкур курс бўйича ўқув иши назарий дарслар, семинар ва амалий машгулотлар формасида амалга оширилади; бунда ўқувчиларнинг мустақил ишларига кенг ўрин ажратилади. Билимларни мустаҳкамлаш ва ўқувчиларда профессионал кўникма ва малакаларни шакллантириш болалар боғчасидаги педагогик практика жараёнида содир бўлади. Программадаги айрим масалаларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида курс ишлари бажарилади.

Мазкур курсни ўтиш «Жисмоний тарбия» курси, шунингдек, анатомия, физиология, педиатрия ва гигиена асослари, физика, химия, психология, педагогика сингари предметлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак. Машгулотлар ўтказиш чоғида ўқувчиларнинг умумий ва жисмоний тайёргарлиги ҳисобга олинади.

Ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш совет педагогикаси томонидан ишлаб чиқилган дидактик принциплар асосида ташкил қилинади.

Педагогика билим юртида дарснинг аралаш типи кенг тарқалган. Бундай дарслар қўйидаги қисмлардан иборат бўлади: ташкилий момент, билимларни текшириш ва мустаҳкамлаш, профессионал кўникма ва малакаларни шакллантириш, янги билимларни баён қилиш, дарсда берилган янги материални мустаҳкамлаш, ўй вазифасини тушунтириш. Бироқ, дарс вазифасидан келиб чиқкан ҳолда унинг структураси ўзгариши мумкин. Масалан, курснинг бошида ўтказиладиган кириш дарсида курснинг вазифаси, уни ўтиш тартиби, семинар ва амалий машгулотлар мазмунин очиб берилади, мустақил ишлаш учун топшириқлар рўйхати, ўқувчиларнинг жавобига қўйиладиган талаб ва бошқадар кўрсатилади.

Дарсларда ўқув материалининг мазмунни турлича ҳикоялар формасида баён қилинади. Кириш ҳикояси ўқувчиларни янги

¹ Мактабгача тарбия муассасаларида ўтказиладиган кўргазмали машгулотлар ўқув планида педагогик практикага ажратилган вақт ҳисобидан ўтказилади.

ўқув материалини идрок қилишларига тайёрлаш учун: янги тема-га қизиқиш ўйготиш, уни актив ўзлаштириш эҳтиёжини туғдириш, ўқувчиларнинг дарсдаги фаолиятини тушунтириш учун фойдаланилади.

Янги тема мазмунини очиб бериш ҳикоя-баён усулида амалга оширилади. Материаллар муайян план асосида асосий ва энг муҳим томонлари ажратиб кўрсатилган ҳолда, изчил баён қилишади. Бунда мисоллар келтирилади, кургазмали қуроллардан фойдаланилади. Материални баён қилиш чоғида ўқувчиларнинг диққатини активлаштириш, эслаб қолишни жадаллаштирадиган усуllibар (қиёслаш, таққослаш, муҳимини ажратиш ва бошқалар) дан фойдаланиш билан зарур эмоционал тонус сақлаб турилади.

Дарс охирида хулоса-ҳикоядан фойдаланилади. Ўқитувчи умумлаштириб, якун чиқаради ва тема юзасидан келгусида мустақил ишлаш учун топшириқ беради.

Педагогика билим юртида лекция ўқилади. Ўқув лекцияси ҳикояга нисбатан пухталиги билан ажралиб туради. Лекция мобайнида узоқ муддатга диққатни жалб қилиш усуllibари, ўқувчилар фикрлашини активлаштириш, мантиқий эслаб қолишни таъминлаш усуllibари, ишонтириш, исбот қилиш, классификациялаш, системалаштириш, умумлаштириш ва бошқа усуllibар қўлланилади.

Планни аниқ ишлаб чиқиш ва унинг пунктларини тингловчи-ларга етказиш, барча пунктларни мантиқан пухта ва аниқ равишда изчиллик билан баён этиш, ҳар бир лекциядан кейин якун ясад, уни навбатдагиси билан мантиқий боғлаш, лекция ўтказиш самарадорлигини таъминлаш шартларидан ҳисобланади. Аниқ баён қилиш, тушунарли бўлишини таъминлаш, мисоллар ва кургазмали қуролларни тўғри танлай билиш муҳим. Ўқувчилар лекциянинг керакли жойларини ёзиб оладиган суръатда ўқиш имконини яратиш зарур. Шунинг учун олдиндан нималар ёзиб олинишини аниқ ажратиб олиш керак, мабодо ўқувчилар ёзиб улгуролмаган бўлсалар, шу жойининг ўзини яна такрорлаш зарур.

Курс бўйича иш давомида саволлар системаси ёрдамида проблемаларни муҳокама қилишни кўзда тутувчи, ўқувчиларни янги тушунча ёки қонуниятни ўзлаштиришга кўмаклашадиган сұхбат ҳам қўлланилади. Сұхбат ўтказиш учун қўйиладиган саволларнинг турлари (асосий, қўшимча, ёрдамчи, йўлга солувчи ва бошқалар) белгиланади, ўқувчилар қайтарадиган жавоб ва фикрларни муҳокама қилиш усуllibари, жавобларни тузатиш, хулосаларни ифодалаш усуllibари танланади. Сұхбат жараёнида ўқувчиларни активлаштириш, уларга ўтилган материалларни эслашни, уларни системалаштиришни, мисоллар излашни, илгари ўзлаштирилган темаларни умумлаштиришни, хулосалар чиқаришни таклиф қилиш керак.

Дарсларда ўқувчилар дарсликлар, справочниклар ва бошқа адабиётлар билан иш олиб борадилар. Улар адабий манбаларни ўзлаштиришни, планлар, конспектлар, тезислар тузини ўрганадилар. Бунинг учун ўқитувчи раҳбарлигига ўкувчилар айрим таъ-

рифларни, саволларни ўқиб-уртападилар, схемалар, жадвалтар, рафтар, киноёзувлар ва бошқаларни кўриб чиқадилар. Бу жарайида педагог аниқ вазифалар қўяди, саволлар беради, ҳисобот формалари (план, тезислар, ота-оналар билан ўтказиладиган сухбатларнинг конспектлари ва бошқалар) ни конкретлаширадилар ва топширикни бажариш муддатини белгилайдилар. Шундан кейин ўқувчиларнинг адабий манбалар устида олиб борган мустақил (тайёрланган материалларни муҳокама қилиш асосида) ишларининг якуни чиқарилади.

Баён қилинган материал ўқувчилар томонидан тўла ўзлаширилишини таъминлаш мақсадида дарс жараёнида турли кўргазма (илюстрация, намойиш қилинадиган) воситаларидан фойдаланиш гавсия этилади.

Жисмоний машқлар техникасини таҳлил қилишда педагог ҳаракатларни яхлит ёки (мумкин бўлса) унинг айрим элементларини кўрсатиб беради. Бунга машқларни кўрсатишини уddyдай оладиган ўқувчилар ҳам жалб қилиниши мумкин. Ўқитувчи жисмоний машқлар методикасиинг, айрим моментларини, жисмоний тарбия машғулотлари, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинлар ва бошқаларни ўқувчиларга кўрсатиши мумкин.

Тушунтираётган вақтида ўқитувчи болалар билан ишлаща қўлланиладиган инвенгарлар, атрибулар, ўйинчоқларни намойиш этиши мумкин.

Дарсда жисмоний машқлар (улоқтириш, сакраш ва ҳоказолар) тасвиrlenган плакатлар, расмлар, фотосуратлар, киноёзувлар; бола тик турган ва ўтиргандаги гавда ҳолати, машғулотларни ўтириб бажараётган вақтидаги турли хил фаолияти; қадди-қомати ва оёқ кафтининг тури; жисмоний тарбия жиҳозлари, инвентарлари, ўйинчоқлари; болалар билан жисмоний машқлар ўтказаётганда фойдаланиладиган инвентарларни жойлашириши; жисмоний тарбия ишини планлашириш ва ҳисобга олиш юзасидан ҳужжатларнинг намуналари; ёш группалари бўйича жисмоний машқларни тақсимлаш жадвали; жисмоний тарбия воситаларининг класификацияси, жисмоний машқлар ва уларни ўргатишининг метод ва усуллари акс эттирилган жадваллар; план ва докладларнинг конспектлари, ота-оналар билан сухбатлар, консультациялар ва уларни ўтказиш ўйлари тасвиrlenган плакатлар, расмлар, фотосуратлар, киноёзувлари акс эттирилган илюстратив қўлланмалардан фойдаланилади. Дарс жараёнида доскада (жисмоний машқлар техникасининг айрим элементлари, инвентарлари, болалар, тарбиячилар ва бошқаларнинг жойлашиши, уларни жой-жойига ўтказилиши) тасвиrlenган чизмалар бажарилади. Қоғозга ёки плёнкага ишланган расмлар, схемалар, чизмалар эпидиоскоп, диопроектор, кодоскоп орқали намойиш қўлиниади. Курсни ўрганишда диафильмлар кўришга («Соғлом бўлиши истайман» ва бошқалар), («Соғлом, келишган ва чиройли бўлиб ўсгин»), («Бола ва ўйинлар» ва бошқалар) каби кинофильмлар, кинопарчалар, кинокалицовкалар (ҳаракат техникасини бир неча марта такрор

күрсатиши, масалан, ирғитиши, сакрашлар ва бошқалар) ии құлла-ниш қатта үрин тутади. Үқув жараёнида фильмдан фойдаланыши керак бўлса, авало, уни олдиндан куриб, фрагментларга ижра-тиши, ўқувчиларга бериладиган саволларни аниқлаш, тушунтири-лиши керак бўлган жойларини белгилаш, кўрсатув мобайнида тушунтириш тексти ва сўнгги сухбат мазмунини олдиндан йилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Тушунтириш тексти кўрсатилган воқеани чуқур идрок этишга қаратилмоғи зарур. Шунингдек, кино-фильмлар, диафильмларни намойиш этиш услубларини (экран-нинг жойлашиши, ёритилиш даражаси ва бошқалар) олдиндан йилаб қўйиш ҳам муҳимдир. Телевидениенинг («Софлом бўлишинистасанг», «Саломатлик» ва бошқа) кўрсатувларини үқув мақсад-ларида фойдаланиш мумкин.

Дарсларда метрономлар (ҳаракат ритмини ўрганиш учун), секундомерлар (томир уришини ўлчаш, жисмоний машқларни ба-жариш вақтини аниқлаш учун), шагомерлар (ҳаракат миқдорини ҳисоблаш учун) ва бошқа ўлчов асбоблари ишлатилади.

Семинар машғулотларининг вазифаси — дарсларда баён қилинган назарий фикрларни конкретлаштириш, чуқур-лаштиришдан, ўқувчилар билимини текшириш ва мустах-камлашдан, адабиётни ўрганиш кўнижмасини ҳосил қилиш, уни конспект қилиш, сухбатлар, докладлар, ота-оналар учун кон-сультацияларнинг план ва конспектларини тузишдан, курснинг конкрет темасини оғзаки баён қилиш қобилиятига эга бўлишдан иборатdir.

Семинар машғулотлари учун курснинг энг муҳим ва мураккаб масалалари (масалан, жисмоний машқлар характеристики жис-моний машқларни ўргатишининг метод ва усуслари; жисмоний сифатларни ривожлантириш методикаси ва бошқалар), шунингдек, адабиётларда етарли даражада тўлиқ ёритилган ва ўқувчи-ларнинг ўзлари мустақил равишида ўргана олишлари мумкин бўл-ган масалалар танлаб олиниади. Масалан, спорт машқларини ўрга-тиш методикаси (чанғида юриш, чана, коньки, велосипедда учиш, сузиш ва бошқалар); болаларни спорт ўйинларига ўргатиш мето-дикаси (бадминтон, городки, ётол тенниси, баскетбол, футбол, хоккей ва бошқалар).

Семинарнинг ҳар бир темаси бўйича ўқувчиларга адабиётлар рўйхатини бериш, топшириқнинг характеристини белгилаш, уни бажа-риш плани ва ҳисобот формасини кўрсатиши керак. Адабиётларни ўрганаётгандага ўқувчилар конспект ёки ота-оналар учун консуль-тацияларнинг текстларини тузадилар.

Семинар машғулотларини қўйидагича ташкил этиши мумкин: аввало ўқитувчи семинарнинг вазифаси ва уни ўтказиш тартиби-ни белгилайди. Сўнгра нутқ сўзлаш учун ўқувчиларга сўз бера-ди. Шундай кейин иштирок этувчилар нутқ сўзлаганларга савол-лар беради, улар жавоб қайтаришади. Кейин бошқа ўқувчилар нутқ мазмунига характеристика бериб, уни тўлдирадилар (ютуқ за камчиликлар кўрсатилади). Ўқитувчи семинарни якунлар экан,

асосий нутқни баҳолайди, унинг мазмуни, ифода формаси, кўргазмали қуроллар (жадваллар, расмлар, фотосуратлар ва бошқалар) дан фойдаланиш даражасига характеристика беради, шунингдек, бошқа ўқувчиларнинг нутқлари туғрисида ҳам фикр мулоҳазасини айтади. Машғулот сўнгидаги қўйилган вазифа қандай бажарилганлигини айтиб утиш ва навбатдаги семинарга тайёрланиш учун тавсиялар бериш мухим.

Амалий машғулотлар ўқув группалари ва болалар боғчаларида ўтказилади. Амалий машғулотларда группа чаларга ажратилади. Барча ўқувчилар албатта спорт формаларида бўлнишлари зарур. Амалий машғулотларда ўқувчилар сафда юриш, умумий ривожлантирувчи, спорт машқлари, асосий ҳаракатлар техникасини, шунингдек, турли ёш группаларида болаларни уларга ўргатиш методикаси, ҳаракатли ўйинлар, шу жумладан, спорт ўйинлари методикасини ўрганадилар; турли ёш группалари учун жисмоний машқларни тақсимлаш жадвали тузадилар; жисмоний тарбия машғулотлари, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний тарбия ишидаги бошқа формалар, шунингдек, айрим машқларнинг план-конспектларини муҳокама қиласидилар; кузатишларнинг ёзувлари, хронометраж маълумотлари, болалар боғчасида ўтказган жисмоний тарбия машғулотлари, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинларни кўриш пайтида ўқувчиларда пайдо бўлган фикр-мулоҳазаларни муҳокама қиласидилар.

Бу машғулотлarda болалар боғчаларидағи турли ёш группалари учун мўлжалланган машғулотлар ёки ўқувчилар томонидан ўқув группаларида ўтказилиши лозим бўлган айрим жисмоний машқлар, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тарбия машғулотларининг бир қисми амалга оширилади. Ўқув практикаси ўқувчилар томонидан қўйидаги кўникма ва малакалар эгалланишига қаратилмоғи лозим: командалар ва фармойишлар бериш, тушунтириш ва кўрсатмалардан фойдаланиш; машқларни кўрсатиш билан тушунтиришни биргаликда олиб бориш, шунингдек, бу ишда таълимнинг бошқа метод ва усуllibаридан ҳам биргаликда фойдаланиш; терминларни тўғри талаффуз қилишини мустаҳкамлаш, машқлар ўтказишида тушунтириш ва кўрсатиш учун тўғри жой танлай билиш; бажарилган жисмоний машқларнинг сифатига баҳо бера билиш, камчиликларни аниқлаш ва уни бартараф этиш усуllibарини топиш; жисмоний машқларни бажариш жарабёнида ёрдам кўрсата билиш; кузатишларни ёзиб бориб, зарур фикр-мулоҳазалар билдира олиш қобилияти, шунингдек, машғулотларни таҳлил қилиш, муҳокама қилишида сўзлай олиш малакаларини мустаҳкамлаш зарур.

Ўқувчилар кузатишлар олиб борадилар, тушунтиришларни, кўрсатмаларни, командаларни, фармойишларни, машғулотни доэзировка қилиш юзасидан фикр ва мулоҳазаларни ёзиб оладилар. Машғулотни таҳлил қилиш ва баҳолашда бутун группа иштирок этади. Даставвал мазкур машғулотни олиб борган ўқувчи ўз назаридаги қай бирини муваффақият билан, қай бирини нотўғри бажар-

ғандыги тұғрисіда гапириб беради (муҳокаманинг бундай тартиби үқувчиларни үз-үзини кузатиш ва үз-үзини таҳлил қилишга үргатади). Кейин бошқалар ҳам сүзға чиқади. Сұнгидә үқитувчи машғулотта баҳо беради, шуннингдек кузатиш, ёзіб бориш, таҳлил қилиш ва сүзға чиқыш маҳорати даражасы ҳақида фикр билдириб үтади.

Үқув практикасы, шуннингдек, ота-оналар билан суҳбатлар, консультациялар үтказиш, нутқ сўзлаш малакасини ҳосил қилиш мақсадида ҳам үтказилади. Тайёрланиш учун үқувчиларга олдиндан темалар, адабиётлар рўйхати, баён қилиш планлари берилади. Үқувчи планин аниқлаштиради, конспект тузади, үтказиш методикасини ишлаб чиқади ва иллюстрация материаллари тайёрлайди.

Амалий машғулотлар методикаси, айниқса кечки бўлимда, пухта ишлаб чиқилиши лозим. Бу бўлимнинг үқувчилари болалар билан жисмоний машқлар үтказишда маълум даражада тажриба ва кўникмага эга бўлганликларини ҳисобга олиб, баъзи бир топшириқларни амалий машғулотларниң ўзида үтказса ҳам бўлади. Масалан, педагог жисмоний тарбия машғулотининг планинни олиб келишини таклиф қиласди, дарсда эса үқувчилар мазкур машғулотнинг конспектини тузадилар. Бажарилган топшириқни шу дарснинг ўзида муҳокама қилиб олиш янада мақсадга жувофиқ бўлади.

Болалар боғчаларида кўргазмали машғулотлар — бу курс тегишли темаларни ўрганиш билан параллел равишида баёни этилаётган назарий фикрларни амалда тасдиқлаш учун ташкил қилинади. Үқувчилар болалар боғчасида бўлганларида жисмоний тарбия машғулоти, эрталабки гимнастика ва жисмоний тарбия бўйича ишларнинг бошқа формалари план-конспектлари билан танишадилар.

План-конспектни қараб чиқаётганда үқувчилар жисмоний тарбия машғулоти қанчалик пухта ва тўғри ишлаб тушиб чиқилганлигини: вазифалар аниқ белгиланганлигини; машғулот мазмунининг қўйилган вазифаларга, болаларнинг ёшига, уларнинг тайёргарлик даражасига, үтказиш шароитига мослигини; машқлар план-конспектда изчил жойлаштирилганми, машғулот қисмлари ўзаро боғланганми-йўқлигини; ташкилий-методик курсатмалар яхши тузилганлигини; план-конспектни тузиш даражаси қандайлигини; машқларнинг график тасвири (расмлар) нинг борлигини; машғулот жараёнида болалар ва тарбиячини жойлаштириш йўлларини таҳлил қилиб чиқишлиари лозим.

Машғулотлар олдидан үқувчилар машғулот учун жой, жисмоний тарбия инвентарлари, ўйинчоқлари, атрибутлар қандай тайёрланадаётганлигини, болаларнинг кийинишини кузатадилар.

Машғулот пайтида үқувчилар тарбиячининг тушунтиришлари, курсатмалари, командалари, фармойшларини ёзіб борадилар, ҳар бир машқнинг дозировка қилинишини ҳисоблаб чиқадилар ва болалар томонидан ҳаракатларнинг бажарилиш сифатини, улар-

нинг хулқ-автори ва кайфиятини кузатадилар, хронометраж олиб борадилар.

Мұхокама чоғида үқувчилар әътибори машғулотни ташкил этишга қаратилади: үз вақтида бошланиб, вақтида тугалландими; машғулоттинг айрим қисмларига вақт қандай тақсимланды; болаларни жойлаштириштинг қандай приёмлари ва машқлар бажарыштинг қандай усулларидан фойдаланилди; бино ва жиҳозлардан рационал фойдаланилдими?

Болалар боғчасида кузатилған машғулоттинг мұхокама тартиби педагогика билим юрти үқув группаларидагидек үтказилади. Машғулотни мұхокама қилиш чоғида қүйндагиларга әътибор беріш лозим; болаларга жисмоний машқларни үргатиш вазифаси ва уларда күнкіма-малакаларни ҳосил қилиш вазифаси қандай ҳал килинди; тарбиячи таълим принципларини амалда қай тарзда құллади; үргатиш усуллари болаларнинг ёши ва тайёргарлик даражасыга, таълим босқычига, машқлар харakterига, музика жүрлігінде мос келдими? Тарбиячи болалар йүл қүйған хатоларнинг олдени олиб, тузата олдими; машқларни бажарында хавфсизликни таъминлай олдими; болаларга жисмоний тарбияттнинг назарий маълумотларидан ахборот бердими ва қандай ҳажмда; соғломлаштириш вазифасини қай йүсінде ҳал этди; чиниқтиришини қандай амалга ошириди; ҳар бир машқни дозировка қилиш ва бажарында темп түғри танланғанми ва унга риоя қилиндими; жисмоний нагрузкалар қандай белгиланди; бутун машғулот ва уннинг қисмларининг давомийлігі (вақти) қандай; машғулот зичлиги калдай; кади-коматни түғри тутиш малакалари, шунингдек, шахсий ва ижтимоий гигиена вазифалари ҳал этилдими?

Тарбиявий вазифаларни ҳал этишга алоҳида әътибор беріш за-рур: жисмоний тарбия машғулоти жараёнида ақлий, ахлоқий, эстетик ва меңнат тарбияси қай даражада амалга оширилди; жисмоний машқлар билан кундалик равиша шуғулланишга қызықш ва одатларни тарбиялаш, мустақил шуғулланиш күнікмасини сингдириш, шунингдек, тенгдошлари билан машғулоттарни ташкил этиш ва үтказишни тарбиялашга етарли даражада әътибор берилдими?

Болалар томонидан машқлар бажарын сифатини мұхокама этиш чоғида: группани ташкил этиш ва интизоми юзасидан белгиланған чоралар, тенгдошларнинг үзаро муносабатини; диққат, фаоллик, ташаббус ва қатъиятлылік қай даражада намоён бўлганлигини; болаларнинг кайфияти ва үзини хис қилинда қандай үзгаришларни таъқидлаш керак.

Тарбиячига қўйиладиган талаблар даражасидан келиб чиқиб машқларни кўрсатиш ва тушунтириш сифати; группанинг барча аъзоларини кўра билиш күнікмаси, болаларнинг кайфияти ва хулқ-авторини назорат қилиб бориши; тарбиячига хос бўлган овоз ва нутқ маданиятини эталлаши; болалар билан мулоқотда мулојим бўлиши ва педагогик назокатга риоя қилиши, машғулот-

ни дадил (ёки ишончсиз)лик билан ўтказишининг характерли хусусиятлари кўрсатиб ўтилиши лозим.

Таҳлил асосида машғулотга умумий баҳо бериш ва камчиликларни қузатиш, методикани тақомиллаштириш юзасидан конкремет тақлифларни баён этиш зарур. Бундай пухта таҳлил ўқувчиларнинг тарбиячи машғулотни ўтказиш учун қанчалик жиддий тайёргарлик кўриши керак эканлигини тушуниб етишларига, жисмоний тарбия вазифаларини түғри хал этишларига ёрдам беради.

Эрталабки гимнастика ва ҳаракатли ўйинларни таҳлил қилиш чорида берилган саволлардан фойдаланиш мумкин. Бироқ эрталабки гимнастикани қузатишда соғломлаштириш вазифалари қандай ҳал этилганилигига эътиборни қаратмоқ лозим. Ҳаракатли ўйинларни таҳлил қилишда асосий эътиборни таълим-тарбия берувчи вазифалар қандай ҳал этилганилигига; ҳаракат малакаларининг мустаҳкамлашга, жисмоний сифатларнинг ривожлантирилишига, тез ўзгариб турадиган вазиятларда ҳаракат қила олиш кўникмаси ҳосил қилишга, шунингдек, болаларда ахлоқий-иродавий сифатларни тарбиялашга қаратмоқ зарур.

Хронометраж маълумотлари асосида жисмоний тарбия машғулоти, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинларнинг умумий ва мотор зичлиги аниқланади.

Таҳлил учун саволларни ўқитувчи ўқувчиларга олдиндан бериб қўяди; қузатишлар тўлиқ ва ўта пухта бўлиши учун саволлар ўқувчиларга бўлиб берилиши мумкин (иловага қаранг).

Ўқувчиларнинг педагогик практикаси ўтказиладиган болалар боғчаларида тарбиячилар жисмоний тарбия машғулоти, эрталабки гимнастика, ҳаракатни ўйинлар ва бошқаларнинг муфассал план-конспектларини тузадилар. Ўқувчилар, шунингдек, жисмоний тарбия ишларини планлаштириш ва ҳисобга олиш ҳужжатлари, методик кабинет, ота-оналар бурчаги материаллари, группалардаги жисмоний тарбия зонаси, жисмоний тарбия, зали, майдончалар, группа участкаларидағи инвентарлар, ўйинчоқлар, атрибулар, умуман болалар билан ишлашда фойдаланиладиган барча нарслар билан танишишлари керак.

Ўқувчиларнинг мустақил ишига раҳбарлик. Ўқувчиларнинг мустақил ишларига курсни ўрганишда дарсларда, дарслик ва бошқа адабий манбалардан бажарилган қўйндаги ёзма ишлар киради. «Мактабгача тарбия» журналидан олинган бир мақолага аннотация тайёрлаш; жисмоний тарбия машғулоти, эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйинлар, шунингдек, айрим машқлар (сафда юриш, умумривожлантирувчи машқлар, асосий ҳаракатлар) нинг план-конспектини ишлаб чиқиш; ота-оналар билан ўтказиладиган сухбатлар, нутқлар, консультацияларнинг план-конспектини тузиш; ҳаракатли ўйинлар учун атрибулар, бўш вақтни жисмоний тарбия машқлари билан тўлдириш ҳамда байрамлар учун жисмоний тарбия инвентарлари тайёрлаш; программа асосида ёш группалари бўйича жисмоний машқларни тақсимлаш жадвалини тайёрлаш; болалар боғчаси программасига кирувчи жисмоний

машқларни бажариш малакаларини системали равишда такомиллаштириб бориш; шахсий жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш; таълимнинг турли босқичларида жисмоний машқларни тушунтириш, кўрсатмалар, командалар, фармойишлар беришни машқ қилиш.

Мустақил топшириқларни бажариш учун кўрсатмалар машғулотлар жараёнида берилади.

Узлаштиришни ҳисобга олиш. Ўқувчиларнинг билимлари машғулотларда оғзаки сўраш ва ёзма ишлар бажартириш (синфда ва уйда) йўли билан текширилади. Ўқитувчи барча ўқувчиларнинг самарали ишлашлари хақида ғамхўрлик қилиб бориши керак. Шу мақсадда билимни аниқлашнинг турли усусларидан фойдаланилади. Уйда бажарилган топшириқлар барча ўқувчилар жалб қилинган ҳолда муҳокама қилинади.

Амалий машғулотларда болаларни ўргатиш методикаси жиҳатидан, билимлар, ўқувчилар томонидан бажарилган жисмоний машқларнинг сифати, уларни ўтказишнинг амалий малакалари, ота-оналар учун тайёрланган нутқлар, ўтказилган консультациялар, сухбатлар ва бошқа тадбирларнинг сифати ҳисобга олинади.

Ўзлаштиришнинг кундалик баҳолари асосида семестр ва йиллик баҳолар чиқарилади.

Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши.

Ўқувчилар томонидан курсни муваффақиятли тарзда узлаштирилиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг малакаси ва унинг шахсий хислатларига боғлиқ. Ўқитувчи юксак ғоявий-назарий тайёргарликка эга бўлиши, ўз предметини яхши билиши, сиёсий ва маҳсус адабиётларни системали равишда ўрганиб бориши, курсдан дарс бериш, шунингдек, ўқувчиларни тарбиялашнинг замонавий методларига эга бўлиши керак.

Ўқитувчи барча ёш группаси болалари жисмоний тарбия ишининг барча формаларини қўлланиши малакасини тинимсиз тақомиллаштириб, тарбиячиларнинг энг яхши тажрибаларини умумлаштириб боришига қодир бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, жиҳемоний машқлар билан системали равишда шуғулланиб, уни дарсда тўғри намойиш этиши ва ўқувчиларга ҳар томонлама намуна бўлиши зарур.

Ўқитувчи ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик кўради. Энг аввали у ўтган темани сўраш учун саволлар тайёрлайди ва уни ташкил қилишни ўйлаб қўяди. Кейин янги материални баён қилиш планини тузиб, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини (куйдузги, кечки, сиртки, бўлимлар, саккиз йиллик ёки ўн йиллик мактаб базасида) ҳисобга олган ҳолда унинг методикасини белгилайди. Ўқувчиларни активлаштириш йўлларини белгилаб чиқиши; таълимнинг кўргазмали қуроллари ва техника восьиталарини танлаш; ўй вазифасини белгилаш, уни бажариш учун кўрсатмалар бериш; топширилаётган материалларга қўйиладиган талабларни баён қилиш; қандай адабиётни тавсия этишини ўйлаб қўйиш ва уни ўрганиб

бўлганларидан сўнг қандай материалларни таклиф қилишни белгилаш ҳам муҳимдир.

Фаолиятини энди бошлаган ўқитувчи дарснинг тўлиқ, нутқ кўринишидаги (сўзма-суз) текстини ёзади, тажрибали ўқитувчи эса фақат кенгайтирилган план ва тезис кўринишида қисқа конспект тузади. Бундан ташқари, тажрибали ўқитувчи педагогика билим юртидаги фаолияти давомида тўплаган ёзувлари, конспектларидан ҳам фойдаланади.

Болалар боғчасида педагогик практика. Педагогик практиканинг вазифаси — билимларни мустаҳкамлаш, шунингдек, болалар боғчасида болаларнинг жисмоний тарбиясини амалга ошириш юзасидан педагогик куникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Педагогик практика маҳсус программа асосида амалга оширилади. Даставвал болалар билан синов иши ўтказилади. Ўқувчилар барча группаларда эрталабки гимнастикани, ёш группаларидан бирида жисмоний тарбия машғулотни ва спорт машқларини, болалар группачалари билан индивидуал машғулотлар, сайдларда эса ҳаракатли уйинларни утказадилар, болаларнинг мустақил ҳаракат фаолиятига раҳбарлик киладилар.

Ўзлуксиз практика биритириб қўйилган группада ҳар куни жисмоний тарбиянинг барча формаларидан иш олиб боришини, шунингдек, ота-оналар билан суҳбатлар ўтказиш, уларга лекция, консультациялар уюштириш, болаларнинг уйларига бориш, педагогик кенгашнинг ишида иштирок этиш каби ишларни кўзда тутади.

Ўқувчилар практика ўтказишнинг яхлит планини ишлаб чиқадилар, бу планга болалар билан таълим-тарбиявий ишлар олиб бориш, ота-оналар билан ўтказиладиган тадбирлар, жисмоний тарбия машғулотларининг, эрталабки гимнастика, ҳаракагли уйинлар ва жисмоний тарбия бўйича бошқа иш формаларининг кенгайтирилган план-конспектларини тузиш, таҳлил қилиш ишида иштирок этиш кабилар киритилади. Практика охирида ўқувчилар ҳисобот тайёрлайдилар ва якуний конференцияда иштирок этадилар.

Курс ишлари. Курс иши — ўқувчи ўқув фаолиятининг формаларидан бири. Курс ишининг вазифаси адабиётлар билан мустақил ишлаш малакасини такомиллаштириш, назарий масалаларни амалиёт билан боғлаш, кузатишлар ўтказиш ва уни ёзib олиш, шунингдек, олинган-маълумотларни таҳлил қилиб, холоса ва таклифлар чиқаришга ўрганишидан иборатдир. Бундан ташқари ўқувчилар темани изчил ва саводли ёрниб беришга ҳамда ишни умумий қоидалар асосида расмийлаштиришга ўрганадилар.

Курс ишини бажарувчи ўқувчилар план тузадилар, адабиётларни ўрганадилар, болалар боғчасидаги педагогик практика пайтида фактлар, мисоллар тўплайдилар.

Курс ишлари учун амалдің ақамиятга әга бўлған мұхим масалалар танланади, масалан: жисмоний тарбия машғулотлари, эрталабки гимнастика, турли ёш группалари ва турли шаронгларда (бинода, участкада) йилнинг турли фаслида ҳаракатли ўйинлар утқазиш методикасини амалга ошириш; спорт машқлари (чапғида юриш, конькида, велосипедда учиш, сузиш) методикасини ўргатиш; жисмоний машқларга ўргатиш усулларидан фойдаланиш ва бошқалар.

Ўқитувчи консультацияда ўқувчиларга болалар боғчасида кузатишларни ёзма ишда фойдаланиш мүмкін бўладиган даражада олиб бориш ва ёзib олишга; тўпланган маълумотларни таҳлил қилиб, умумлаштиришга ва курс ишини тўғри тайёрлаш ва беzaшга ўргатади.

Предмет комиссиясининг иши. Предмет комиссияси мазкур педагогика билим юртида ишловчи «Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия методикаси» курси ўқитувчиларини, шунингдек, анатомия ва физиология, педиатрия ва гигиена асослари, жисмоний тарбия ўқитувчиларини ҳам бирлаштиради. Комиссия раиси ўқув йили учун план тузади, унда тадбирлар ва уларга маъсул кишиларни белгилайди ҳамда тадбирларни бажариш муддатларини кўрсатади. Комиссиянинг биринчи мажлисида курсни ўтиш планлари, уй вазифаларининг рўйхати, курс ишларининг тематикаси муҳокама қилинади ва тасдиқланади; методик кабинетга ҳужжатларни ишлаб чиқиш (кўргазмали қуроллар, жисмоний тарбия машғулотларининг план-конспектлари ва бошқа) топшириқлар тақсимлаб берилади. Кейинчалик курснинг энг мұхим масалалари кўриб чиқилади ва муҳокама қилинади; бу масалаларнинг ўқув планидаги бошқа предметлар билан алоқаси ўрнатиласди; янги адабиётлар, илмий ва илмий-амалий конференциялар, педагогик ўқишилар ҳақида ахборотлар берилади. Бундан ташқари ўқувчилар билан олиб бориладиган ишлар муҳокама қилинади; курснинг айрим темаларини ўқитиш методикасини планлаштириш ва такомиллаштириш бўйича ўқигувчиларнинг иш тажрибалари таҳлил қилиниб, умумлаштирилади, ўзаро дарсларга кириш ва уни муҳокама қилиш ташкил этилади (дарсларни таҳлил қилиш учун саволлар хусусида 285-бетга қаралсун)

Йил охирида комиссия ишига якун ясалади ва келгуси йил вазифалари белгиланади.

Педагогика билим ютида дарс таҳлили учун саволлар

1. Дарсни үтказиш санаси, предмети, темаси.
2. Ўқитувчининг исми, фамилияси, отасининг исми.
3. Маълумот буйича ўқувчилар состави (ўрта умумтаълим мактабининг саккиз ёки ўнинчи синфларини битирганлар).
4. Дарснинг типи, структура қисмлари ва вақти (давомийлиги).
5. Мазмуннинг программага, қўйилган вазифа ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига, шунингдек, ҳозирги замон илмий даражасига мос келиши.
6. Дарсни үтказиш методикаси:
 - а) дарснинг бошида ва дарс жараёнида ўқувчиларни уюштириш усуллари; ўқитувчининг ўқувчилар билан иш юзасидан эмоционал ижобий мулоқоти;
 - б) ўқувчиларнинг фикрлаши ва иштиёқини активлаштиришга қаратилган малака, кўнікма, билимларни текшириш ва баҳолаш усуллари; суралган ўқувчиларнинг сони; қўйилган баҳоларнинг объективлиги;
 - в) янги материални баён қилиш усуллари; таълимнинг дидактик принципларининг амалга оширилиши, курснинг асосий тушунчаларни билдишлари; гимнастик терминологияни эгаллаганлик даражаси, командалар, фармойишлар беришнинг тўғрилиги, жисмоний машқларни намойиш қилиш методикаси; кўргазмали қуроллар (жадваллар, схемалар, расмлар, фотосуратлар, киноёзувлар), техник воситалар (диапозитивлар, магнитофон ёзувлари, кинокольцовкалар, кинофильмлар)дан фойдаланиш; проблемали таълим элементлари; предметлараро алоқаларга таяниши;
 - г) янги билимларни мустаҳкамлаш усуллари; дарсда ўқувчиларнинг мустақил ишлаш элементлари;
 - д) уй вазифасини тушунтириш усуллари, унинг мазмунига оптималлаштирувчи кизиқиш, бажарини методикаси; ҳисобот бериш формаси; тавсия этилган адабиётлар характеристикаси;
 - е) ўрганилаётган масалага қизиқишни уйғотиш, билниш активлигини ошириш усуллари; чарчашибининг олдини олиш, ишчанликни ошириш усуллари.

7. Дарснинг ғоявий йўналиши, ўқувчиларда коммунистик ду-
нёқарашни шакллантириш; хулқ-атвор, нутқ маданиятини тарбия-
лаш.

8. Ўқитувчига қўйиладиган талаблар: ўз предметини билиши,
материални қизиқарли, тушунарли ва образли тушунтириш маҳо-
ратига эга бўлиши, жисмоний машқларни тўғри кўрсата олиши;
кўргазмали қуроллар, техник воситалар ва проблемали таълим
элементларидан фойдаланиши, мактабгача тарбия ёшидаги бола-
ларга ҳаракат турларини мисоллар билан кўрсатиб бериш мето-
дикаси, жисмоний тарбия машғулотлари, эрталабки гимнастика,
турли ёш группаларида ҳаракатли ўйинлар методикаси, ўқувчи-
ларни дарс вазифасини бажаришга уюштириш қобилияти, улар-
ни активлаштириш усусларини билиши; педагогик маҳорат да-
ражаси (гапириш оҳангини бошқара олиш кўникмаси, нутқ ма-
данияти, педагогик тактга риоя қилиши, ўқувчилар билан дўстона
муносабат оҳангига)га эга бўлиши керак.

9. Дарс бериш (дадил, ишонарсиз), ўқитувчининг кайфияти.

10. Ўқувчиларнинг дарсдаги хулқ-атвори; иш жойини тайёр-
лаши, активлиги, интизоми, масъулияти, қизиқувчанлиги, иштиё-
қи, ижодий муносабати, тиришқоқлиги (дарсда ва мустақил топ-
шириқларни бажариш чоғида).

11. Дарснинг умумий баҳоси.

12. Дарснинг мазмуни ва педагогик жараёни методикасини та-
комиллаштириш юзасидан таклифлар.

Жисмоний тарбиядан тарбиячининг ҳафталиқ иш планини таҳлил қилиш учун саволлар

1. Жисмоний тарбия машғулоти вазифалари ҳақидаги ёзувнинг тўррилиги.

2. Жисмоний тарбия машғулотлари вазифалари ва мазмунининг давомийлигини таъминлаш.

3. Жисмоний тарбия машғулотларининг жисмоний тарбия иши-
нинг бошқа формалари (эрталабки гимнастика, ҳаракатли ўйин,
индивидуал машғулотлар ва групчачалардаги машғулотлар, мус-
тақил ҳаракат фаолияти ва бошқалар) билан ўзаро боғлиқлиги ва
бу боғлиқликнинг кун тартибида акс этиши.

4. Жисмоний машқ машғулотларининг фаолиятнинг ҳар хил турлари (нутқни ривожлантириш, математик тасаввурларни шакл-
лантириш ва бошқалар) билан боғлиқлиги.

5. Болаларни чиниқтириш тадбирлари.

6. Ота-оналарга тавсиялар.

7. Планнинг умумий баҳоси.

8. Ишни планлаштиришни такомиллаштириш юзасидан таклиф-
лар.

Жисмоний тарбия машғулоти план-конспектини таҳлил қилиш учун саволлар (очик қўрик учун)

1. Машғулот ҳақидаги асосий маълумотлар ёзувининг тўғрилиги (сана, вақти, ўтказиш жойи, болалар сони, уларнинг кийими ва пойабзали, жисмоний тарбия инвентари, атрибуторлар, ўйинчоқлар).
2. Машғулот вазифаларининг ифода этилиши ва белгиланишинг тўғрилиги.
3. Машқларнинг қўйилган вазифаларга, болаларнинг ёшига, уларнинг тайёргарлик даражасига, ўтказиш шароитларига мослиги.
4. Машғулотнинг аёсий қисмида асосий ҳаракатларни қўшиб олиб боришининг тўғрилиги, жисмоний машқларнинг изчиллиги.
5. Машғулот қисмларининг ўзаро боғланиши.
6. Машғулот ўтказиш методикасининг тўғрилиги:
 - а) Жисмоний машқлар дозировкаси;
 - б) уларни бажариш темпи;
 - в) машқда нафас чиқариш лаҳзасининг машқ элементига мос келишини таъминланиши;
 - г) тушунтиришлар, кўрсатмалар, командалар, фармойишларнинг тўғрилиги, эмоционаллиги ва образлилиги;
 - д) болаларга индивидуал ёндошиш.
7. Машғулотларда болаларни уюштириш (уюштириш усуllibari; болаларни, тарбиячини жойлаштириш график тасвирининг мавжудлиги жисмоний тарбия инвентарларининг қўйилиши).
8. Жисмоний машқлар тавсифининг образлилиги ва тўғрилиги.
9. Болаларни машғулотга тайёрлаш.
10. План-конспектнинг кўринишини безаш.
11. Умумий баҳо ва машғулот план-конспектини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар.

Жисмоний тарбия машғулотини таҳлил қилиш учун саволлар

1. Тарбиячи ҳақида маълумотлар (маълумоти, иш стажи, жисмоний тайёргарлиги).
2. Машғулот ўтказилаётган группа ҳақида маълумотлар (болаларнинг сони, уларнинг ёши, саломатлиги, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик даражаси).
3. Машғулот ўтказиш учун шароит (жисмоний тарбия зали, майдонча)ларнинг бўлиши.
4. Тарбиячининг тайёргарлиги (план-конспектнинг мавжудлиги, уни тўғри ва пухта ишлаб чиқилганлиги, машғулот ўтказиладиган жой ва жисмоний тарбия жиҳозларининг тайёрланиши).
5. Тарбиячи ва болаларнинг кийими, пойабзали.
6. Машғулотнинг ташкил этилиши (уз вақтида бошланиши ва тугалланиши); айrim қисмларга бўлиниши; машқтарни бажариш чоғида болаларни ташкил қилиш ва жойлаштириш усуllibari; би-

нодан оқилона фойдаланиш; жисмоний тарбия инвентарларини тарқатиш ва йигиб олиш.

7. Жисмоний тарбия вазифаларини ҳал этишинг самарадорлиги:

а) жисмоний машқларни ўргатиш ва ҳаракат кўникмаларини мустаҳкамлаш бўйича таълимий вазифаларнинг амалга оширилиши; болалар бажариладиган машқларнинг сифати (ҳаракат малакаларини эгаллаш даражаси);

б) дидактик принципларнинг амалда қўлланиши (онглилик, активлик, кўргазмалилик ва бошқалар), қўлланилаётган метод ва усулларнинг болаларнинг ёши ва тайёргарлик даражасига, таълим босқичларнга, машқлар характеристига мос келиши, тайёрловчи машқлардан фойдаланиш;

в) камчиликларни кўра билиш, олдини олиш ва хушмуомалик билан тузатиш, хавфсизликни таъминлаш;

г) қад-қоматни тўғри тутиш малакасини шакллантириш; ижтимоний ва шахсий гигиена кўникмаларини сингдириш;

д) жисмоний машқларнинг фойдаси ҳақида, улардан кундаклик ҳаётда фойдаланиш методикаси тўғрисидаги билимларни маълум қилиш;

теварак-атрофимиздаги воқелик ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш (фаолиятнинг турли кўринишларида); тўғри психик нагрузжаларни таъминлаш;

е) машғулотнинг давомийлиги, ҳар бир машқ дозировкаси ва темпининг болалар ёшига мослиги; жисмоний нагрузжаларни белгилаш машғулотнинг ҳаракат тиғизлигини баҳолаш;

ж) меҳнат малакаларини таркиб топтириш вазифаларининг амалга оширилиши;

з) жисмоний сифатларни ривожлантириш вазифаларининг ҳал этилиши (чаққонлик, тезкорлик, кўз билан чамалаш, мувозанат сақлаш, эгилувчанлик, кучлилик, бардошлилик);

и) соғломлаштириш вазифаларининг бажарилиши (организмнинг бутун системаси ва органларини мустаҳкамлаш), чиниқтириш;

к) тарбиявий вазифаларнинг амалга оширилиши: жисмоний машқларни мустақил ҳамда колективда бошқа болалар билан биргаликда бажариш кўникмаларини сингдириш; машғулотларнинг натижаларига (саломатликнинг яхшиланишига, жисмоний ривожлапишга, жисмоний тайёргарлик ва ишчанлик) қизиқишни ошириш;

психик жараёйларни ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш: (идрок, диққат, тасаввур, тафаккур, хотира, хаёл)ни, фикрлаш жараёнлари (кузатиш, таққослаш, анализ ва синтез қилиш, умумлаштириш)ни; ахлоқий сифатлар (ҳалоллик, ҳаққонийлик, ўртоқлик, ўзаро ёрдам ҳисси, жиҳозларга эҳтиёткор муносабатда бўлиш ҳисси)ни; ирода хислатлари (жасурлик, қатъиятлик, тиришқоқлик, ўзини тута билишлик)ни; билим, кўникмалардан ижодий фойдалана билиш қобилиятини, активлик, мустақиллик, топқириш

лик, фаҳм-фаросатлилик, ўткир зеҳнлилик кабиларни ўстириши; ҳамма вақт ижобий эмоцияларга эга бўлиш, салбий эмоцияларни бартараф эта билишлик, тетик, хушчақчақ бўлиш, кайфиятии сақлай билиш иқтидорига эга бўлишини; ҳаракатларнинг тўғрилигини (қад-қоматнинг хушбичимлилигини ва нафосатини), жиҳозларни, ҳаракатларни музика жўрлигига идрок қилиш, билиш. тушуниш ва баҳолай олиш қобиляйтларини ўстириш.

8. Болаларнинг (манбаатдорлиги, диққат-эътибори, активлиги, ташаббускорлиги, уюшқоқлиги, интизомлилиги, болалар билан ўзаро муносабатлари) хулқи ва ўзини ҳис қилиши қандай? Болаларнинг ўзини ҳис қилиши, кайфиятини характерлайдиган чарчашибелгилари сезилмадими?

9. Тарбиячининг методик тайёргарлик даражаси ва унинг педагогик маҳорати: жисмоний машқларни намойиш қилиш сифати; тушутиришлари, кўреатмалари, команда ва фармойишларининг тўғрилиги, группадаги барча болаларни кўра билиш ва уларнинг кайфияти, ўзини тутишлари, бажарилаётган машқларнинг сифати устидан назоратни амалга ошира билиши; овоз, нутқ маданиятининг педагогик техникасини эгаллаши; педагогик назокатга, болалар билан бўладиган мулоқотидаги овоз оҳангидарига риоя қилиши; машғулотни олиб бориш характеристи (дадиллиги ёки ишончсизлиги), тарбиячининг кайфияти.

10. Машғулотнинг умумий баҳоси.

11. Камчиликларни тузатиш ва машғулотни ўtkазиш методикасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар.

Адабиётлар

- Маркс К., Энгельс Ф. Коммунистик Партия Манифести. Ленин В. И. Ёшлар союзларининг вазифалари. ТАТ, 41-тум. Ленин В. И. О народном образовании. М., 1972.
- Совет Социалистик Республикалари Иттилоқининг Конституцияси (Асосий қонуни). Тошкент, 1977.
- КПСС XXVI съездининг материаллари, Т. 1981.
- О реформе общеобразовательной и профессиональной школы. Сборник документов и материалов. М., 1984.
- Крупская Н. К. Дети — наше будущее. 4-нашри, М., 1984.
- Адашкявицене Э. И. Баскетбол для дошкольников. М., 1983.
- Аксарина Н. М. Воспитание детей дошкольного возраста. Тузатилган ва тўлдирилган З-нашри.
- Аркин Е. А. Дошкольный возраст. М., 1948.
- Бабанский Ю. К Оптимизация процесса обучения. М., 1977.
- Вавилова Е. Н. Развивайте у дошкольников ловкость, силу, выносливость. М., 1981.
- Вавилова Е. Н. Учите бегать, прыгать, лазать и метать. М., 1983.
- Введение в теорию физической культуры (Матвеев Л. П. таҳрири остида), 1983.
- Воспитание и обучение в детском саду (Запорожец А. В. ва Маркова Т. А. таҳрири остида) М., 1976.
- Голошекина М. П. Лыжа в детском саду. Тузатилган 2-нашри, М., 1977.
- История физической культуры и спорта. (Столбов В. В. умумий таҳрири остида) М., 1975.
- Запорожец А. В. Развитие произвольных движений. М., 1960.
- Карманова Л. В. Занятия по физической культуре в старшей группе детского сада. Минск, 1980.
- Кильпио Н. Н. 80 игр для детского сада. Тузатилган ва тўлдирилган З-нашри. М., 1973.
- Кистяковская М. Ю. Развитие движений у детей первого года жизни. М., 1970.
- Красногорский Н. И. Высшая нервная деятельность ребенка. М., 1958.
- Крестовников А. Н. Очерки по физиологии физических упражнений. М., 1951.
- Лабораторный практикум по дошкольной педагогике и методикам. (Логинова В. И. ва Саморукова П. Г. таҳрири остида), М., 1981.
- Лайзане С. Я. Физическая культура для малышей. М., 1979.
- Лейнер И. Я. Дидактические основы методов обучения. М., 1981.
- Лесгафт П. Ф. Руководство по физическому образованию детей школьного возраста. Танланган педагогик асарлар, 2-тум, М., 1952.

- Лескова Г. П., Буцинская П. П., Васюкова В. И. Общеразвивающие упражнение в детском саду. М., 1981.
- Менджерицкая Д. В. Воспитателю о детской игре. М., 1982.
- Метлов Н. А. Музыка для утренней гимнастики в детском саду. М., 1970.
- Основы дошкольной педагогики (Запорожец А. В. ва Маркова Т. А. таҳрири остида), М., 1980.
- Осокина Т. И. Физическая культура в детском саду. 2-наши, М., 1978.
- Осокина Т. И. Как научить детей плавать. Тузатилган 3-наши, М., 1985.
- Осокина Т. И., Тимофеева Е. А. Физические упражнения и подвижные игры для дошкольников. М., 1971.
- Осокина Т. И., Тимофеева Е. А. Гимнастика в детском саду. Тузатилган ва тўлдирилган 2-наши, М., 1969.
- Осокина Т. И., Тимофеева Е. А., Фурмина Л. С. Игры и развлечения детей на воздухе. Қайта ишланган 2-наши, М., 1983.
- Павлов И. И. Поли. собр. соч. III, IV т., М., 1951.
- Педагогическая практика студентов по курсу «Теория и методика физического воспитания детей дошкольного возраста» (Кенеман А. В. ва Осокина Т. И. таҳрири остида), М., 1984.
- Программа «Физическая культура в детском саду». М., 1984.
- Психология детей дошкольного возраста (Запорожец А. В. ва Эльконин Д. Б. таҳрири остида), М., 1964.
- Развитие движений ребенка-дошкольника (Фонарев М. И. таҳрири остида), М., 1975.
- Сестра-воспитательница яслей и младших групп детских садов (Ковригина М. Д. таҳрири остида 5-наши), М., 1980.
- Семинарские, лабораторные и практические занятия по теории и методике физического воспитания детей дошкольного возраста. М., 1985.
- Сеченов И. М. Избранные философские и психологические произведения. М., 1947.
- Спирина В. П. Закаливание детей. 3-наши, М., 1978.
- Теория и методика физического воспитания (Матвеев Л. П. ва Новиков А. Д. таҳрири остида, тузатилган ва тўлдирилган 2-наши), I, II том., М., 1976.
- Тимофеева Е. А. Подвижные игры с детьми младшего дошкольного возраста. М., 1979.
- Типовая программа воспитания и обучения в детском саду (Курбатов Р. А. ва Поддьяков Н. Н. таҳрири остида), М., 1984.
- Физическая подготовка детей 5—6 лет к занятиям в школе (Иш тажрибасидан). Кенеман А. В., Кистяковская М. Ю., Осокина Т. И. таҳрири остида. М., 1980.
- Физическое воспитание детей дошкольного возраста (Развитие основных движений и двигательных качеств). Кистяковская М. Ю. таҳрири остида. М., 1978.
- Фонарев М. И., Фонарева Т. А. Лечебная физическая культура при детских заболеваниях. Л., 1977.
- Фролов В. Г., Юрко Г. П. Физические занятия на воздухе с детьми дошкольного возраста. М., 1983.
- Хухлаева Д. В. Методика физического воспитания в дошкольных учреждениях. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-наши М., 1984.
- Юрко Г. П., Спирина В. П., Сорочек Р. Г., Уварова З. С. Физическое воспитание детей раннего и дошкольного возраста. 2-наши, М., 1978.

МУНДАРИЖА

Суз боши	3
Биринчи кисм. Жисмоний тарбия назариясининг умумий масалалари	5
Биринчи боб. Жисмоний тарбия назариясишинг прелмети	13
Иккинчи боб. Совет жисмоний тарбия системаси	25
Иккинчи кисм. Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси ва методикаси	25
Биринчи боб. Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш назарияси	25
Иккинчи боб. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялаш вазифалари	39
Учинчи боб. Жисмоний тарбия воситалари	44
Тўртнинчи боб. Тунгилайдан то 7 ёштагача бўлган болалар ривожланнишининг ёш хусусиятлари	58
Бешинчи боб. Жисмоний тарбия жараёнида таълим ва ривожланниш асослари	65
Олтинчи боб. Илк ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси	102
Еттинчи боб. Гимнастика	116
Сўққизинчи боб. Коидали-ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинлари	148
Тўққизинчи боб. Спорт машқлари	170
Ўнинчи боб. Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбияни ташкил этиш формалари	177
Ўн биринчи боб. Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия ишларини планлаштириш ва ҳисобга олиш	215
Ўн иккинчи боб. Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия бўйича ишин ташкил этиш	227
Учинчи кисм. Тарбиячилар ва жисмоний тарбия методистлари малакасини ошириш. «Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия методикаси» курсидан педагогика билим юртлари учун ўқитувчилар тайёрлаш	259
Биринчи боб. Жисмоний тарбия методистининг методика кабиетидаги иши	259
Иккинчи боб. Педагогика билим юртларида «Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия методикаси» курсини ўқитниш	271

На узбекском языке

Александра Владимировна Кенеман,
Домна Васильевна Хухлаева

ТЕОРИЯ И МЕТОДИКА ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Перевод с издания «Просвещение» 1985 г.
Ташкент «Ўқитувчи» 1988

Таржимолар: С. Аҳмедов, И. Тожиев
Редакторлар: Ф. Икромова, Б. Қодиров
Бадий редактор А. Лукяннов
Техредакторлар С. Турсунова, Т. Сикиба
Корректор М. Абдуллаева

ИБ № 4460

Теришга берилди 4, 12, 87. Босишга руҳсат этилди 29.09.88. Формати 60×90_{1/4}. Гип қозози № 2. Кегли 10 шпонксиз. Литературная гарнитура. Юқори босма усулида босилиди. Шартли 6. л. 18,25. Шартли кр.-отт. 18,69. Нашр. л. 20,74. Тиражи 20000. Зак. № 100. Баҳоси 75 т.

«Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кӯчаси, 3. Шартнома 12-189-87.

Область газеталарининг М. В. Морозов номидаги босмахонаси ва бирлашган нашриёти, Самарқанд ү. Турсунов кӯчаси, 82. 1988.

Объединенное издательство и типография областных газет имени М. В. Морозова,
Самарканд, ул. У. Гурсунова, 82.